

Жаҳон АДАБИЁТИ

Арабий-бардий, илғимий-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 2 (165)

2011 йил, феврал

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

[www. jad.uz](http://www.jad.uz)

МУНДАРИЖА

НАВОИЙХОНЛИК

- Самандар ВОҲИДОВ. **Янги мухаммаслар**.....3
Ровияжон АБДУЛЛАЕВА. **Алишер Навоийнинг немис тадқиқотчилари**.....125
Иқболлой АДИЗОВА. **«Гар табассум этса гул...»**.....190

НАСР

- Муродбой ҲИЗАНОВ. **Охират уйкуси**. Роман.....8
Жеймс ЖОЙС. **Улисс саргузаштлари**. Роман.....62
Петре СЭЛКУДЯНУ. **Гумрох**. Роман.....148
Араб ҳикоялари.....132

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- ҚОРАБОҒИЙ. **Эй кўнгул, бир нола бунёд эт**.....57

АДАБИЙ ЖАРАЁН

- Томас ВЕНЦЛОВА. **Туйгулар суврати**.....140

АДАБИЙ ТАНҚИД

- Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ. **Кодирий абадияти**.....195
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ. **Эрнест Хемингуэй ҳикоялари**.....201

АДАБИЁТШУНОСЛИК

- Париза МИРЗАҲМЕДОВА. **Янги изланишлар самараси**.....207

ТОШКЕНТ
ФЕВРАЛ

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

Таҳрир ҳайъати:

Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Азиз САИД
Гулнора МУҲАММАДЁРОВА

Жамоатчилик кенгаши:

Бобур АЛИМОВ
Абдулла АРИПОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Анвар ЖАББОРОВ
Абдулла ИСМОИЛОВ
Абдурахим МАННОНОВ
Авазжон МАРАҲИМОВ
Минҳожиддин МИРЗО
Абдулла ОРИПОВ
Баҳодир ХОДИЕВ

Навбатчи муҳаррир Н.ЖЎРАЕВА
Техник муҳаррир У. КИМ
Мусаҳҳиҳ Д. АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи З. МАННОПОВА

Жаҳон адабиёти, 2. 2011

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 11. 03. 2011 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1970 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги НМИУда чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2011 й.**

Самандар ВОҲИДОВ

ИШҚСИЗ ИККИ ЖАҲОН СИҒМАГАЙ ДИЛГА...

ЯНГИ МУҲАММАСЛАР

* * *

Болу парсиз орзуи сайри жаҳон айлар кўнгул,
Тўланиб туфроқда азми қаҳқашон айлар кўнгул,
Ўзи ёққон ўтида ўзни хазон айлар кўнгул,
Нолаи ҳар нечаким элдин ниҳон айлар кўнгул,
Сени соғинғоч яна беҳуд фигон айлар кўнгул.

Аслига этмас дахл тиллога суртсанг ҳам қаро,
Ҳар неча ёшурса абр, чақнайди оташ барқ аро,
Фарбда пинҳон этса шом, офтоб очар юз шарқ аро,
Ҳар нечаким ёшурурмен рози ишқинг халқ аро,
Бир маҳалсиз оҳ ила борин аён айлар кўнгул.

Ёш оқизғондек дарахт шохига тушган тешадин,
Силқигандек қон дарахтни кифтда тутган решадин,
Ўчганидай бир дарахт сўлғон сабаб файз бешадин,
Май тарашшуҳ айлагандек чок бўлган шишадин,
Захмдин хунобасин ҳар дам равон айлар кўнгул.

Меҳр эмас, захр бирла саршор бўлди, ваҳки, жоми дил,
Менга терсу тесқари қилғай амал аҳқоми дил,
Бўлмадим шодқоми дил мен, бир умр бадноми дил,
Қасд этар кўнглумки, олғай лабларингдин коми дил,
Энди таҳқиқ айладимким, қасди жон айлар кўнгул.

Мендан айру ақлу дил билмамки, не савдо қилур,
Тил топишмай иккиси савдо қолиб ғавғо қилур,
Неки узвим бор вужудда бир-бирин иғво қилур,
Кўз кўрар юзингни. Кўнглум мени расво қилур,
Зор этар кўнглумни кўз, бағримни қон айлар кўнгул.

Не қасосинг бор, фалак, суймаслара суйдиргали,
Май тилансам, қон тутиб, жондин мени тўйдиргали,
Йўқдур имконим видео айтмоқ учун улгургали,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

3

Шуълаи гугурд кўргузди қазо куйдурғали —
Дард ишқ аҳлин буқим гардун гумон айлар кўнгул.

Сийласа ошиқни ишқ сарви равонга учратур,
Сийламас эрса агар гулни тиконга учратур,
Ё Самандар сингари тийри камонга учратур,
Эй Навоий, аввал ул номехрибонга учратур,
Кимниким мен бенаводек нотавон айлар кўнгул.

* * *

Бу ғариб жон дейди: энди тарки барбод тан қилай,
Синди сабрим устун анга не пайванд қилай,
Беватан руҳга паноҳ бир гўшани қайдан қилай,
Эй кўнгул қўйғилки, мундин сўнг гадолиғ фан қилай,
Кўйида бу фан била бир йўл бошин маскан қилай.

Энди қисматдин билай: ободми ё барбод ўлай,
Йўқ жамолим, мен нетиб ҳамкори ул Фарҳод ўлай,
Келса истаб, Мажнуни бечораға устод ўлай,
Гаҳ ишратдинки, ул кўй ичрадурмен, шод ўлай,
Гаҳ бу меҳнатдинки, андин айру мен шеван қилай.

Бўйла ишратдин насибам — ётқоним туфроқда хор,
Кўк қучоғидин қулаб, қучғон мисоли ерни сор,
Топғоним бўлди жафо айлабон жоним нисор,
Айламақдин танга андуҳу бало тошин ҳисор,
Жонима хайру саломат хайлини душман қилай.

Ҳажрининг жоми лаболаб майи заҳролуд ича,
Қалбидек бемехру метин кўйининг тошин қуча,
Оташи оҳим ила тонгни бўзартгум ҳар кеча,
Ул юзу қомат керак, ваҳ, ўзни қуч бирла неча
Мойили гул айлайин ё волайи савсан қилай.

Берк қафасда андалиб боқмайди гулга, эй рафиқ,
Ишқсиз икки жаҳон сифмагай дилга, эй рафиқ,
Ҳажр деворин ёриб етганда нурга, эй рафиқ,
Ёшурун гам солди равзанлар кўнгилга, эй рафиқ,
Кўйки, мен ҳам оҳ ила гардунни юз равзан қилай.

Битта абгорга ёғурму бунча ўқи бешумор,
Кўрмагай бунча захм кирпи ёпишса ҳатто мор,
Тўзғиди кўйнимда ёрнинг исми ёзиғли тумор,
Соқиё, кўз бирла кўнглумни қаро қилмиш хумор,
Келки, бу уйларни май хуршидидин равшан қилай.

Бир ҳовуч кул қолди дилда ишқ деган ахтардин,
Мисли оҳангар ўчоғи йўқ нишон ахтардин,
Чиқмаса қайта Самандар бўйла хокистардин,
Гар Навоий маст, агар махмур ўтар бу дайрдин,
Бода полодин кафан, муғ дайридин мадфан қилай.

* * *

Бесабаб шоҳ бирла баҳсу қилу қол этмоқ гуноҳ,
 Не учунким, аввал Оллоҳ, сўнга шоҳ олампаҳо.
 Аммо қамти келмас ишқ осмонида офтобу моҳ,
 Ишқ аро душвордир бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
 Чун де олмас дардини бир йил югурса додҳо.

Ишқ мавқе танламас олгали қай дилда жо,
 Кўшқу тахтли шоҳими ё бехонумон бир бенаво,
 Истаса мискин сарафроз, истаса шоҳ мосуво,
 Шоҳ додимга нетиб етсунки илки ишқ аро
 Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадойи хоки роҳ.

Бодайи ишқ сипқориб, шавқидин бўлғонда маст,
 Ул фалакни сезғонимда тўпигимдин ҳатто паст,
 Василя ёрга етконим уйғотса кўнглида ҳавас,
 Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса тонг эмас,
 Ким балокашлик менинг хўйимдир, онинг иззу жоҳ.

Ул дамеки тахтда Хусрав тўлганар ёр ўйида,
 Сарғариб Фарҳод қазирди тош тоғнинг пойида,
 Кўрдилар Ширинни қаср эрмас наҳрнинг бўйида,
 Шоҳликнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат кўйида,
 Ким керак анда сариг юз, лаългун ашқ, ўтлуғ оҳ.

Ишқ учун эркдин бўлак даркор эмас ҳою ҳавас,
 Ўзлигидин кечмаган дил боғида ишқ гулламас,
 Бўйлаким тилло қафасдин булбулга афзал хору хас,
 Шоҳким, матлубиға қуллуқ буюрғай ишқ эмас,
 Кимки ошиқдир анга зору забунлиғдир гувоҳ.

Гарчи ўхшаш мис ва тилло ўз қадрию ўз нархи бор,
 Ул бириға эътирозу ул бириға эътибор,
 Ишқда ҳам бир хил мақом топмас хоксору кибор,
 Сарв ила хошок агар гул ошиқидур фарқи бор,
 Сарвга то ўт туташқай, қул бўлур юз минг гиёҳ.

Эй Самандар, тинглагил, янграр садо ишқ ичраким,
 Икки дунё сарватин солмиш Худо ишқ ичраким,
 Гар адо бўлмоқ эсанг, бўлгил адо ишқ ичраким,
 Эй Навоий, сидқ ила бўлгил гадо ишқ ичраким,
 Тахту тожни берса бу давлатни топмас подшоҳ.

* * *

Турфа оғруқ кўп экандур бу балокаш даҳр аро,
 Фарқ бўлубмен ушбу кун гўёки сорик баҳр аро,
 Дардима ҳозиқ табиб истаб келибмен дайр аро,
 Сорик оғриқ бўлдум, эй соқий, хазони ҳажр аро,
 Қони афсар майки, бор ҳар қатраси бир қаҳрабо.

Бир дарахтеманки, сориқ қурт тушмиш илдиза,
 Қуртки, қонимда сузуб, сориғ қўшодур қирмиза,
 Гўё зангори баҳорим жой берар заъфар куза,
 Юзу жисмимдир сориғ барги қуруғон шох уза,
 Шоҳу баргеким қуруб сарғарса, ким кўрмиш даво!

Не ҳавасдур – баҳрамандлиғ йўқ ифори ишқидин,
 Не нафасдур – сориғ ўт пуркайди зори ишқидин,
 Не ғараздур – заъфарон зағр томса хори ишқидин,
 Не мараздур буки бир гулру шарори ишқидин
 Бўлди сориғ лола кўзум оқию доғи қаро.

Аллоҳ айтур: “Хастадин аҳвол сўра”, хайрхоҳ қани,
 Бу касал юққули, деб четланган ул бадхоҳ қани,
 Аслига қайтарғали қонимни бир жарроҳ қани,
 Суд эмиш кўз тушса, афсар жинси сори, воҳ, қани
 Сарви нозимким, сориғ гул баргидин киймиш қабо.

Кўзларимда ёш эмас гўёки зардоб тўлқуни,
 Ҳисларим сориғ бўёқда илғар оппоқ орзуни,
 Менгами солди фалак бори сориғлиғ юкини,
 Сорғориб қолдим ҳаводис кожига ҳижрон куни,
 Бир сориғ қушдекки, кундуз қолғай ул қушлар аро.

Соқийё, сен ҳам бугун сориқ шаробингдин кетур,
 Шунча йил ичдим қизил қондек шаробингни, етур,
 Мен-ку, сориғ хастамен, умрим шу дард бирла ўтур,
 Шом ила субҳ сориғ оғриқ эмаслар, бас недур.
 Тун сочин ёйиб, қуёш йиртиб юзин, тутмоқ азо?!

Дўстларим, айланг адо дафнимда одоб расмини
 Нақш этинг қабр тошига сориғда марҳум исмини,
 Эй, Самандар, зар қаламда дарж қил Устоз измини,
 Дарди туфроққа ниҳон этти Навоий жисмини
 Топибон бир шуша олтун, дафн қилғондек гадо.

* * *

Кел, эй кўнгул сенга сайри само бас,
 Жафокор ёр учун ҳамду сано бас,
 Унинг деб қанчалар чекдинг ано бас,
 Манга манзил қўҳан дайри фано бас,
 Ёним остида эски бўриё бас.

Кўзимга бу жаҳон онча қароким,
 Қаросидин қаро қондур қароғим,
 Менингдек борми, айт, бахти қаро ким?
 Гули завқ элга боғи айш ароким,
 Менга ғам даштида хори бало бас.

Киши ишқ мулкида бўлмас экан хур,
 Қачон тош остида сабза кўрур нур,

Садаф маҳбасида маҳбус эрур дур,
Азалдин чунки қисмим риндлиқ дур,
Қил эмди пандни, эй порсо, бас.

Тутуб эрдим гуле, ул чиқди хоре,
Ғамим кўпу тополмам ғамгузоре,
Йўлумда кўрмадим бир интизоре,
Вафо гар қилмасанг жонимға боре,
Жафони қилмагил, эй дилрабо, бас.

Мени бир қилмадинг хуррам, эй ишқ,
Дилим розиға йўқ маҳрам, эй ишқ,
Бўлиб болишу бистар ғам, эй ишқ,
Кўнгул доғиға қўймон малҳам, эй ишқ,
Анга невчунки ҳам дард-ўқ даво бас.

Ҳама байрамдаю мен мотам ичра,
Сигурму шунча дард бир одам ичра,
Ёнур дўзах олови хонам ичра,
Эрур бир нукта ишқу олам ичра,
Деб ўлмас ҳаргиз ондин можаро бас.

Самандардек эсанг васлин гадойи,
Эшигин очмагай ишқнинг саройи,
Харобат аҳлининг бўл хоки пойи,
Наво ишқ ичра сен топ, эй Навойи,
Ки бизга бенаволиқлар наво бас.



Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига

Муродбой НИЗАНОВ

Охират уйқуси

Роман

11

Ўтамуротнинг қулоқлари остида яна гувиллаган овоз пайдо бўлди. Бу садо аста-секин кучли шовқинга айланди. Бироқ у ўзининг қаёққа кетаётганини англолмади. Боя уни моторли қайиқда судраб бораётган Кенжабой муаллим ҳам, мавжланиб ётган мовий денгиз ҳам қаёққадир изсиз ғойиб бўлганди. Кўз ўнгида бир текис, сутдек оппоқ манзара намоён бўлган эди. Живадор ёғдуга чулғаниб ётган майдонда биронга тирик жон кўринмайди. Теварак-атроф тубсиз бўшлиқдан иборат. Ўтамурот ана шу бўшлиқда муаллақ сузиб юрибди...

Шовқин тобора кучая бошлади. Дафъатан миясида нимадир чирсиллаб, қулоқ пардалари очилиб кетгандек бўлди. Шу заҳоти ташқи дунёдан келаётган овозлар шуурига оқиб кира бошлади.

– Ўтамурот, ҳой, Ўтамурот? Мен келдим. Эрназарман. Ётиб қолганингни эшитиб, Тахтадан келаяпман. Гапларимни эшитаяпсанми?

Бу талабалик чоғларида битта зоғорани бўлишиб еган дўсти Эрназарнинг овози эди.

– Беғам бўлма, болам, – деди у Ажимуротга. – Отанг саксон саккиз йиллик ҳордигини ёзаяпти. Отанг беҳуш эмас, у охират уйқусида.

– Отам бу йил тўқсонга чиқаман деган эди, – деди Ажимурот.

– Болам, бир вақтлар Умирбек лаққи ёш болаларни алдамоқчи бўлиб, “Боринглар, анави ерда бўғирсоқ улашаяпти”, дебди. Кейин ҳамма ўшаёққа югуриб кетганини кўриб, “Бу гап ростга ўхшайди” деб ўзи ҳам уларнинг ортидан чопган экан. Отанг ҳам бир пайтлар овул шўроси котибларининг икки ёш кўшиб ёзиб берган “метирка”-сини бир умр кўтариб юравериб, шунга ишониб қолган бўлса керак. Ўқишга кирган йилимиз унинг ўзи бизга шундай деб айтган эди.

Эрназарнинг гапи рост эди. Ўтамурот мактабни битириб, колхозда ишлаб юрган кезларида “метирка” сини ўзгартириб олмоқчи бўлган эди. Лекин биргад ҳар бир босган қадамини пойлаб юргани учун ҳадеганда ишдан чиқиб кетолмади. Ниҳоят, бир иложини қилиб идорага борди-да, мақсадини тушунтирди.

– Нималар деяпсан?! – дея овул шўросининг бошлиғи ўрнидан туриб кетди. – Сен қип-қизил дизертир экансан-ку! Буёқда фашистлар мамлакатга бостириб кираётганида сен пана-пастқамда қочиб юрибсанми! Фамилиянг нима?

Давоми. Боши ўтган сонда.

– Мирзамуротов.

– Бу қочоқни урушга кетадиганларнинг рўйхатининг олдинги қаторига тирқаб қўй! – деб буюрди у котибига.

Шу тариқа Ҳтамурот овулда биринчилардан бўлиб жангга отланган эди...

Ғала-ғовурга қараганда, уйда Эрназар билан Ажимуротдан бошқа одамлар ҳам борга ўхшайди. Афтидан, қизлари, куёвлари, набиралари ҳам аллақачон етиб келишганга ўхшайди.

– Йиқилганига қанча бўлди? – деб сўради Эрназар Ажимуротдан.

– Бугун еттинчи кун...

– Гапимни оғир олма, болам, отанг ҳам ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган. У киши мендан етти ёш катта. Отанг ёвни енгиб келиб, овулда бир-икки йил ишлагандан кейин ўқишга борган эди. Бирга ўқиб юрган чоғларимиздаёқ анча оқ-қорани таниб қолган одам эди. Шундай бўлса ҳам биз тенгқурлардай қадрдон бўлиб кетгандик.

Сенинг отанг ўз суягини ўзи кўтариб юргани учун бизларнинг ҳам кўнглимиз хотиржам эди. Кечаги бир маъракада “Ҳтамурот оға тилсиз қолибди, келган-кетганимиз сезмай ётганмиш” деган хабарни эшитгач, худди ажал мени сўраб келгандай кўрқиб кетдим. Ахир, ози-кўпи бўлиб, ёшим саксондан ошган. Шундаям барибир жон қурғур ширин экан.

Бугун эрталаб ўғлимнинг машинасига ўтириб, бу ёққа жўнадим. Омонатин олмасидан бурун отангдан кечирим сўрашим керак, иним.

– Бирон марта отамнинг сиздан нолиганини эшитмаганман.

– Шу чоққача сенинг отангдай феъли кенг одамни учратмадим! Бояқиш ўзига ёмонлик қилган одамлардан бирон марта домангир бўлмади. Менам қачон ўша ишда айбим йўқлигини айтиб, гап бошлагудай бўлсам, “Қўй, Эрназар дўстим, ўтган ишга салавот”, деб қўл силтаб кўярди.

– Отамга ёқмайдиган нима иш қилган эдингиз?

– Ҳтамуротнинг устидан шикоят ёздик-ку биз, шикоят! – деди Эрназар чол ва бирдан йўтали тутиб қолди. Бироздан сўнг ўзини тутиб олиб, Ажимуротга юзланди. – Ҳар гал шу йўтал қисиб қолганида жоним лоп этиб ҳалқумимдан чиқиб кетадими деб кўрқаман... Отанг бизнинг орамиздан чиққан биринчи аспирант эди. У номзодлик ишини ёқлаш арафасида турган кунлардан бирида бизникига қайноғам Абсамат кириб келди. Узинг ҳам уни яхши танийсан, доим отанг билан тўй-маъракаларга бирга қатнаб юрди. Сенинг тўйингга ҳам келган эди.

– Танийман.

– Абсамат фақирнинг ҳам дунёдан ўтганига бу йил тўққиз йил бўлади... Хуллас, ўша қайноғамиз қўлтиғимдан олиб, мени холироққа бошлади.

– Эртага Ҳтамурот диссертациясини ёқлайди, – деди у. – Шунга сенинг номингдан бир хат қоралаб кўювдим. Кеча уни Тошкентга борадиган бир одамнинг қўлига тутқазиб, Илмий кенгаш котибига бер, деб тайинладим. Агар ўша хат инобатга олинса, Ҳтамурот илмий ишини ёқлолмайди.

– Нега бундай қилдингиз? – деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

– У билан ўзимнинг ҳисоб-китобим бор, – деди Абсамат пинағини бузмай. – Шикоятни ўзимнинг номимдан юборишим ноқулай эди. Чунки Ҳтамурот билан битта кафедрада ишлаймиз.

Билишимча, иккаласининг орасида ҳеч қандай шахсий ҳисоб-китоб йўқ эди. Тупроқ бориб айтмасин-у, лекин Абсаматнинг ҳасад-

гўйлиги тутган эди. У Ўтамуротнинг аспирантурани битириб келганини кўра олмаганди. Бунинг устига, диссертация ёқлаяпти... Аслида, минг хат ёзгани билан отангга айтарли ёмонлик қилиш қўлидан келмасди. Наридан борса, бир муддат илмий ишини ортга суриши мумкин эди. Оқар сувнинг шиддати зўр бўлса, эртами-кечми йўлидаги тўсиқни бузиб ўтади. Шундай қилиб, бизнинг хатимиз ҳам икки йил отангнинг йўлини боғлади. Лекин у барибир диссертациясини ёқлади. Кейинчалик фан доктори, профессор бўлди, академик бўлмасаям обрўси уларникидан кам эмасди. Гўринг кенг бўлгур Абсамат эса бир умр катта ўқитувчиликдан нарига ўтолмади...

Мен бир умр овулда муаллимлик қилдим. Улар билан тенглашиш хаёлимгаям келгани йўқ. Институтни битирган йилимиз Кенжабой муаллим мени ҳам ёнида олиб қолмоқчи бўлди. Ўзимнинг ҳам кўнглимда шундай ният йўқ эмасди. Овулда йўлимга кўз тикиб ўтирган кекса онамга шу ҳақда сўз очдим.

– Болам, аввал мени қора тупроққа топшир, кейин истаган ерингга кетавер, – деди онам. Шу гапдан сўнг қаёққаям борардим?

– Эрназар ога, ўша хатни Абсамат ога ёзган бўлса, бу гапни сизга келиб айтиши шартмиди? – деди Ажимурот ажабланиб.

– Хатни текширишса ёки мени чақириб қолишса, ўзининг сири очилиб қолишидан қўрққан бўлса керак-да, бояқиш. Ким сўрасаям, “хатни ўзим ёзганман” деб тураверасан, деб қайта-қайта тайинлади. Қайси юз билан дўстимга туҳмат қиламан, деб роса қўрққан эдим. Худо ёрлақаб, мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмади.

Дунёда ўзинг гувоҳ бўлиб турган воқеага аралашолмасанг, бундан ёмони йўқ экан. Ўтамурот ҳам дўстининг гап-сўзларини эшитиб ётар, лекин бир оғиз гап қўшишга ҳоли йўқ эди.

Эрназар яна Ўтамуротга яқинлашди.

– Энди мен нима қиламан, Ўтамурот? Бошқа дийдорлашиш насиб қилмаса, мендан рози бўл. Олдинда гуноҳқорман. Бу гуноҳимни худо кечирса, сен ҳам кечир. Охиратим яқин қолганида бир бор олдиндан ўтай, кўкайимдаги дардимни сенга айтиб қолай деб келдим. Хўш қол, дўстим, илойим, охиратда иймонинг ҳамроҳинг бўлсин.

Эрназар кетди. Ажимурот ҳам у билан бирга чиқди.

Қачонлардир юз берган ўша кўнглисиз воқеа Ўтамуротнинг кўз ўнгида қайтадан жонланди...

Учинчи курсда ўқишаётганида улар Тазғарага пахта теримига чиқишди. Ўша йили терим мавсуми анча чўзилиб кетди. Бунинг устига, кунора ёмғир ёғиб турибди. Талабалар далада лой кечиб пахта теришади. Кундузи терилган кўрақларни кечқурун печканинг атрофига ёйиб қуритишади-да, сўнг чувишади.

Талабалар ҳар йигирма кунда курс раҳбаридан бир кунга рухсат олиб, уйларига бориб келишади. Курс раҳбари бўлмиш Отарбой муаллим талабалардан атиги тўрт-беш ёш катта, Ўтамуротдан эса икки ёш кичик эди. Шунинг учун у дала-даштда шогирдлари билан бирга ўйнаб-кулиб юрарди. Лекин рухсат беришга келганда ҳеч кимга ён бермас эди.

Ўтамурот навбати билан уйига бориб келиши керак эди. Бироқ икки кун бурун овулига кетган Абсаматдан ҳамон дарак йўқ. Нега кечикаётганини ҳеч ким билмайди. Ўтамурот кечадан бери Отарбойдан жавоб сўрайди. Лекин у “Абсамат келсин-чи”, деган гапдан нари ўтмайди. Учинчи куни бир амаллаб муаллимдан рухсат олди. У уйдан қайтган куни Абсамат ҳам эндигина келиб, тушдан сўнг далага чиққан экан.

Курс раҳбари ўша куни ҳаммани тарозининг бошига тўплаб, мажлис бошлаб юборди.

– Ҳурматли талабалар, – деб жиддий қиёфада гап бошлади у. – Кўриб турибсиз, Абсамат бир кунга рухсат сўраб кетиб, уч ярим кун деганда қайтиб келди. Кеча институт ректори, “Бу масалани мажлисда муҳокама қилиб, менга ҳисобот берасан”, деб тайинлаб кетди. Хўш, унга қандай чора кўраимиз?

– Уни комсомол аъзолигидан чиқариш керак, – деди Турғанбай.

– Йўқ, бу камлик қилади, – деди Эрназар ўрнидан сакраб туриб. – Абсамат эртага муаллим бўлмоқчи. Бундай одамнинг ўзи ёлгон сўзласа, эртага у тарбия берадиган болалар қанақа одам бўлади? Шунинг учун ректордан уни институтдан ҳайдаш ҳақида буйруқ чиқаришини талаб қилишимиз керак.

Ўтамурот Эрназарни таниёлмай қолди. Чунки институтга ўқишга кирганидан бери учаласи жуда қадрдон бўлиб кетишган, бир-биридан бир қадам ҳам айрилмас эди. Ҳозир ҳам улар битта хонадонда бирга ётишади. Эрназарнинг киприк қоқмай бунақа таклиф билан чиқиши бориб турган сурбетлик эди.

Ўтамурот “бу нима қилганинг?” дегандай зимдан унга ажабланиб тикилди. Лекин Эрназар ҳеч нарса бўлмагандай безрайиб тураверди. Бошқалар бирин-кетин унинг таклифини маъқуллашди.

– Тўғри, уни институтдан ҳайдаш керак.

– Бу нарса бошқаларга ҳам сабоқ бўлади.

Абсамат бояқиш бир гала қашқирнинг орасига тушиб қолган кўйга ўхшаб ночоргина мўлтираб турарди.

– Уйда онам касал бўлиб қолган экан, – деди у бироздан сўнг зўрға тилга кириб.

Курсдошлар баттар чувиллашди.

– Узингни оқлаш учун онанга касал тилаяпсанми?

– Уялмайсанми шунақа дейишга!

Хуллас, Абсаматни комсомол сафидан ўчириб, институтдан ҳам ҳайдашга қарор қилинди. Бу ҳақда баён ҳам ёзилиб, унга мажлис раиси Отарбой муаллим ва котиби Эрназар имзо чекишди. Шундан сўнг ҳамма дала оралаб кетди.

Кечгача ҳеч ким Абсаматнинг яқинига йўламади. Фақатгина Ўтамурот унинг атрофида парвона эди. “Институтдан кетасан” дейишгани билан Абсамат даладан кетмаган эди.

Кечга яқин терган кўрагини елкасига ташлаб олган Эрназар уларнинг олдига келди.

– Ҳорма, Абсамат! – деди у илжайиб. – Энди институтдан қутулиб, уйда бемалол оёқ узатиб ётадиган бўлдинг-да!

Шундоғам дарди-дунёси қоронғи бўлиб турган одамнинг бунақа киноя-мазахга чидаши қийин. Лекин Абсаматнинг иродаси мустаҳкам экан, Эрназарга чурқ этиб оғиз очмади.

– Бу ишинг одамгарчиликдан бўлмади, – деди Ўтамурот Эрназарга хушламайгина қараб.

– Пахта деганлари одамгарчиликни билмайди, биз ҳозир фақат намгарчилик деган гапни биламиз.

Эрназар ўзининг гапидан наша қилиб, мириқиб қулди.

– Йигитлар, товуғини тулқига олдирган кампирдай кўпам қовоқ-тумшук қилаверманг, – деди Эрназар кўракли қопининг устига жойлашиб ўтириб олиб. – Ўлимдан бошқа нарсанинг чораси бор. Мен сизларга бир янгилик топиб келдим.

Ўтамурот билан Абсамат унга умидвор кўз тикишди.

– Мен Отарбой муаллим билан келишдим... Ўзингиз биласиз, тишимиз гўштга тегмаганига бир ой бўлди. Муаллимга: “Абсаматдан хат ёздириб оламан-да, уларнинг уйига бориб, онасидан битта хўроз билан икки пиёла жўхори унини олиб қайтаман. Кечқурун ҳаммамиз бир жойга йигилиб, товуқ шўрва ичамиз”, дедим. Лекин Отарбой муаллимни кўндиришим қийин бўлди. Кейин унга ётиги билан тушунтирдим. “Барибир бизнинг мажлисимиз баёни далада қолиб кетади, чунки Кенжабой муаллим Ўтамурот билан Абсаматни ўз боласидай яхши кўриши ўзингизга маълум, - дедим. – У киши ректорнинг олдида кириб, Абсаматни институтда олиб қолади. Ундан кўра, мириқиб хўроз шўрва ичганимиз яхши эмасми?” Шу гапдан сўнг Отарбой муаллим ҳам ён бергандай бўлди.

Эрназар “боплабманми?” дегандай уларга гердайиб ўтирарди.

– Хўш, Абсамат, битта хўрозни бош-кўзингдан садақа қилишга розимсан? Ўзинг танла, ё институт, ё хўроз!

Абсамат бир муддат жавоб бермади. Шу топда институтдан ҳайдалишдан ҳам кўра, ўзи тенги бир талабанинг олдида тили қисик бўлиб, мунгайиб туриши унга оғир ботган эди.

– Майли, розиман, – деди у ниҳоят.

– Онангга хат ёзиб берасанми?

– Ҳозир ёзиб беришим керакми?

– Кечқурун ёзсанг ҳам бўлаверади.

Тарозининг бошида болалар камайгач, Эрназар тагин қувлик қилишга ўтди.

– Муаллим, Абсамат бояги ишга рози бўлди.

– Майли, бу гал кечираман, – деди Отарбой муаллим. – Лекни бу ҳол яна такрорланса, оғайнинг мендан гина қилмасин.

Кечки овқатдан сўнг учаласи печка атрофида ўтириб кўрак чувшиди.

– Айтгандай, хатни қачон ёзиб берасан? – деди Эрназар бир пайт унутган нарсаси ёдига тушгандай жонланиб. – Ахир, эртага азонда йўлга тушишим керак.

Абсамат қоғоз-ручка олиб, онасига хат ёзишга тушди.

“Онажон, шу хатни олиб борган йигит менинг дўстим бўлади, исми Эрназар. Унга катакдаги хўрозлардан бирини ушлаб, бериб юборинг.

Ўелингиз Абсамат”.

Эрназар бу хатни дона-дона қилиб ўқиди-да, сўнг майда-майда қилиб йиртиб ташлади.

Ўтамурот билан Абсамат унга анграйиб қараб қолишган эди. Эрназар эса қотиб-қотиб кула бошлади.

– Буларнинг бари ҳазил эди, Абсамат ошна! Мен Отарбой муаллим билан келишиб, шу томошани ўйлаб топгандим. Хўроз шўрванг ўзингга буюрсин.

Абсамат олдидаги этагини йиғиштирди-да, гап-сўзсиз ташқарига чиқиб кетди.

– Бу нима қилганинг?! – деди Ўтамурот аччиқланиб. – Ҳазил ҳам шунақа кўпол бўладими?

– Жўрам бўлгани учун бир ҳаддим сиққан эди-да... Қаяққа кетди у?!

– Сен жойингда ўтир! – деб Ўтамурот Абсаматнинг ортидан чиқди.

Иккаласи алламаҳалда уйга қайтиб киришди. Бу пайтда Эрназарнинг юзидан қони қочиб, ҳовлиқиб ўтирган экан.

– Эрталаб хўрозга бориб келасан! – деди Абсамат эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

– Кўйсанг-чи, жўра, айтдим-ку, ҳазиллашдим деб, – деди Эрназар эсанкираб.

– Лекин мен ҳазиллашаётганим йўқ! Олиб келасан дедимми, олиб келасан. Онамга айтсанг, хатсиз ҳам бериб юборади. Барибир онаминг хат ўқигудек саводи йўқ.

Шундан сўнг улар тонг отгунча бир-бири билан гаплашишмади. Эрназар азонда чор-ночор хўроз олиб келгани жўнади. Овулда Абсаматнинг бўйи етган қариндошини учратиб қолибди. Табиатан гапга чечан бўлган Эрназар қизга бир-икки оғиз гап отиб, у билан тил топишган бўлса керак, ижара уйга қайтиб келганида хурсандчиликдан терисига сиғмасди.

– Утамурот, сенга бир гап айтайми? – деди у Абсамат ташқарига чиқиб кетгач. – Абсаматларнинг уйида нақ осмондаги ўн тўрт кунлик ойни кўриб келдим! Буёғини ўзинг тушуниб олавер.

Шундан сўнг Эрназар Абсамат билан муносабатини янаям қуюқлаштирди. Йўқ ердан баҳона топиб, у билан бирга овулига йўргалайдиган одат чиқарди. Хуллас, тўртинчи курсни тугатиш арафасида Абсаматга қуёв бўлиб тинчиди.

Эрназар-ку, ниятига етди, лекин Абсамат унчалик ҳам кечиримли йигит эмас экан. Кейинчалик ўша ҳазили учун у Эрназарни юганланган отдай қилиб минди. Бояқиш Абсаматнинг кўзига тик қаролмас, у ўтирган жойга юрак ютиб киролмас эди. Абсамат нима деса, лаббай деб қўл қовуштириб туришга кўникиб қолди. Утамурот устидан ёзилган хатни бўйнига олишининг боиси ҳам шунда эди. Ҳарқалай, бу гал у Абсаматдан, “бу нима қилганингиз?” деб сўрашга журъат қилди.

– У билан шахсий ҳисоб-китобим бор, – дея гапни қисқа қилганди Абсамат ҳам ўшанда.

Эрназар бундан ортиқ ҳеч нарса деёлмади. Эътироз билдирадиган бўлса, Абсамат ўзининг устидан ҳам туҳмат ёзиб юбориши мумкинлигин ўйлаб, қўрқди.

12

Кафедрада Утамуротнинг илмий иши бир овоздан маъқулланган эди. Мажлисни кафедра мудири Кенжабой муаллим бошқарди. Илмий ишни ўқиб чиққан Айтжан ҳам, Қалли ҳам унга юқори баҳо беришди. Абсамат эса мақтовни улардан ҳам ошириб юборди.

Шундан сўнг диссертация Тошкентга, Илмий кенгашга тақдим этилди.

Илмий кенгаш йиғилишига Кенжабой муаллим ҳам бирга борди. Чунки у Утамуротнинг илмий раҳбари эди.

Мажлис эртаси куни соат ўнда очилди.

– Ука, – деди Илмий кенгаш раиси Утамуротга юзланиб, – ўзингиздан олдин сизга аталган қутловлар етиб келди. Дўстларингиз кўп экан. Мана, Абсамат Сейдаметовнинг табрикномаси: “Дўстим Утамурот! Диссертацияни муваффақиятли ёқлаганлигинг билан чин юракдан қутлайман. Биз қорақалпоқ илм-фанига яна бир истеъдодли фольклоршунос олим келиб қўшилгани билан фахрланамиз!”

Кенжабой Утамуротнинг қўлини сиқиб қўйди.

– Яна бир телеграмма, – деди Илмий кенгаш раиси қўлидаги қоғозга синчиклаб тикилиб. – Бойназаров. Тахтакўпир районидан,

муаллим экан. У ҳам сизни фан номзоди бўлганингиз билан табриклайди. — У қоғоздан бош кўтариб, Ўтамуротга қаради. — Яна битта шундай телеграмма келганида, диссертациянгизни муҳокама қилиб ўтирмасданоқ сизга номзодлик илмий даражасини бериб юборардик.

— Яна бироз кутайлик, домла, балки келиб қолар, — деб Кенжабой муаллим унинг ҳазилига ҳазил билан жавоб берди.

— Афсуски, кутолмаймиз, — деди Илмий кенгаш раиси жиддий оҳангда. — Негаки, ҳозиргина котибимизга мана шу илмий иш юзасидан ёзилган бир хатни келтириб бериб кетишибди. Диққат билан эшитинг, уни ўқиб бераман.

Илмий кенгаш раиси хатни ўқий бошлади:

“Ҳурматли илмий кенгаш аъзолари! Қорақалпоқ фольклори бундан йигирма-йигирма беш йил аввал тўпланиб, илмий жиҳатдан ўрғанилган. Лекин халқ бор экан, унинг фольклори ҳам бойиб бораверади. Шундай бўлса-да, бу иш билан илмий саводи етарли, ҳақиқатгўй, юраги ва кўли тоза инсонлар шугулланишса, яхши бўларди. Ўтамурот Мирзамуротов сизларнинг қорақалпоқ тилини яхши билмаслигингиздан фойдаланиб, илгари Нажим оға, Қалли оғалар томонидан йиғилиб, илмий жиҳатдан таҳлил қилинган ишларни бироз ўзгартирган ҳолда кўчириб олиб, ўзиники қилиб кўрсатаяпти. Унинг диссертациясидан ўрин олган “Нурота, Томди, Конимех, Зарафшон қорақалпоқларининг оғзаки ижоди намуналари” деган бўлим ҳам кўчирма! Л. Толстова аллақачон бу мавзуларни етарлича ёритиб берган эди. Бундай кўчирмакеш кимсаларнинг қуроқ кўрпачани эслатувчи қораламаларини маъқуллайдиган бўлсангиз, Илмий кенгашингизнинг обрўси қаёқда қолади? Бизнинг холис фикрларимизга Илмий кенгаш ҳам ўз муносабатини билдиради деган умиддамиз. Мабодо хатдаги вазлар инобатга олинмаса, биз бунақа ноҳақликка жим қараб тура олмаймиз.

Бойназаров Эрназар, имзо”.

— Тухмат! — деб бақариб юборди Кенжабой.

— Секинроқ! — деди мажлис бошқарувчиси. — Балки чинданам тухматдир, лекин унинг тухмат эканлиги исботланмагунча биз шунга ишонишга мажбурмиз.

— Дастхатини кўрсам бўладими? — деди Кенжабой президиумга қўл чўзиб.

— Марҳамат, — деб Илмий кенгаш раиси мактубни Кенжабой муаллимга узатди. У эса хатга синчиклаб назар солди.

— Бу хатни Эрназар ёзмаган! — деди Кенжабой муаллим хатни Илмий кенгаш раисига қайтариб бературиб. — Мен бу йигитни беш йил ўқитганман. Дастхатини яхши биламан. Бошқа болаларникини танимасам ҳам уникинни танийман. Чунки у ҳар гал антиқа ҳангома-ларни топиб, курс ишларини ҳам қизиқарли қилиб ёзиб келарди. Унинг билганлари тилида эди, бармоқларида эмас.

Ўтамурот Кенжабой муаллимга ҳам, Илмий кенгашдагиларга ҳам ломим деб оғиз очмади. Шу топда унинг гапириб ўтириши бефойда эди.

— Майли, бу ишни кейинги мажлислардан бирида муҳокама қилармиз, — деди Илмий кенгаш раиси. — Ҳозирча сизлар овулингизга қайтиб, бу муаммони ҳал этиб келаверинг.

Ўтамуротдан ҳам баттар Кенжабой муаллим қора тутун бўлиб ортига қайтди.

— Йўқ, мен бу ишни шу ҳолида қолдирмайман! — деди у алам билан. — Лекин ҳозир нима қилиб бўлсаям илмий ишингни тезроқ ёқлаб олишимиз керак. Тухматчини аниқлашга ҳали улгурамиз

Нукусга қайтишгач, Кенжабой муаллим шу масалада турли идораларга хат ёзиб, кўнғироқ қилди. Ниҳоят, Ўтамуротнинг илмий ишини Уфа шаҳрида ёқлашига рухсат олиб берди. Лекин бунгача ордан икки йил вақт ўтган эди.

13

Институтдан ишдан кетишига сабаб бўлган воқеа ҳам Ўтамуротнинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолди.

Кўнлардан бирида у аудиторияга кириб, талабалар билан саломлашгач:

— Қурбонов борми? — дея одатига хилоф равишда портфелини столнинг устига қўйди. Атайлаб шундай қилдими, ёки хаёл олиб қочдими, буни ўзи ҳам аниқ-гиниқ эслолмайди.

Қурбонов ўрнидан турди.

— Бу ёққа чиқ.

Қурбонов ўртага чиқди.

— Нега имтиҳонга келмадинг?

— Касал бўлиб қолувдим...

— Неча кун касал бўлдинг?

— Етти кун.

— Шу гапига ишонсак бўладими, болалар?

Талабалардан садо чиқмади. Чамаси, муаллимнинг авзойи бузуқлигини кўриб, улар ҳам ҳушёр тортиб қолишганди.

— Майли, ишонамиз, — деди Ўтамурот ўзининг саволига ўзи жавоб бериб. — Биламан, сизларнинг уйингиз Қизилқумнинг ичида жойлашган. У ерларда дўхтир чақирини ҳам, касал бўлганинг ҳақида маълумотнома олиш ҳам қийин... Энди бир ўзингдан алоҳида имтиҳон олиб ўтирмайман. Бир-иккита саволга жавоб берсанг, баҳонгни қўйиб бераман.

Ўтамурот Қурбоновга осонгина саволларни беришга қарор қилди. Чунки у етти йил мактабнинг туркман синфида ўқиган, кейинги уч йилдагина қорақалпоқ адабиёти ҳақида маълумотга эга бўлган талаба эди.

— Бердақ қанақа шоир?

Қурбонов бироз ўйланиб қолди. Бир-икки бор жавоб беришга чоғланди-ю, лекин журъати етмади.

— Тортинмасдан билганингча жавоб бер, — деб унга далда берди Ўтамурот. — Бу ерда бегона одам йўқ, ҳаммаси ўзингнинг дўстларинг.

Қурбонов бир қарорга келиб, бошини кўтарди:

— Камбағал шоир.

Талабалар кулиб юборишди.

— Кулманглар, болалар, — деб Ўтамурот дарҳол аудиторияни тинчлантирди. — Қурбонов тўғри айтаяпти. Чинданам Бердақ оддий қора халқ ичидан чиққан шоир. У меҳнаткаш халқнинг ҳаёти ҳақида куйлаган. Шунинг учун ҳам уни адабиётчилар тилида нима дейишади?

— Кам...

Ўтамурот Қурбоновнинг яна “камбағал шоир” дейишга чоғланганини кўриб, жавобини ҳам ўзи тўғрилаб юборди:

— Халқчил шоир дейишади. Тўғри айтдинг.

Бизнинг элга эрта келар баҳор, ёз,
Ғафиллашиб кўнар кўлга ўрдак, гоз...

Энди кейинги икки қаторини айт.

Қурбонов яна иккиланиб қолди.

– Бу баёзни... – унга ёрдам берди Ўтамурот.

– Бу баёзни ёзди мулла Ажиниёз.

– Зийварнинг¹... Зийварнинг тугилган эллари бордир, – тўртинчи қаторда ўтирган талаба бир амаллаб давом эттирган бўлди.

Бир-икки талаба пиқ этиб кулган бўлди-ю, аммо муаллимнинг унга ҳайрихоҳ қараб турганини кўриб, дарҳол жиддий тортишди.

– Бу гал касал бўлиб қолганинг фойда берди, – деди Ўтамурот Қурбоновга. – Агар имтиҳонга кириб, билет олганингда бундан оғирроқ саволлар тушган бўларди. Майли, бугунча сенга “уч” қўямиз. Лекин кейинги имтиҳонларда касал бўлма!

“Имтиҳондан ўтсам бўлди” деб юрган болалар Қурбоновга ҳавас билан қараб қолишди.

Шундан сўнг Ўтамурот янги мавзу бўйича маъруза ўқишга киришди. Маърузаси анча тушунарли, аммо одатдагидан қисқароқ бўлди.

– Ҳали вақтимиз бор-а, болалар? – деб у соатига қараб олди. – Унда танаффусгача биров суҳбатлашамиз.

Илгарилари у бундай пайтларда адабий ўқишлар орқали талабаларнинг тилини чархларди. Бу гал бошқача йўл тутди.

– Ҳурматли талабалар, айб кўрмасангиз, мен сизлардан бир нарсани аниқлаб олмоқчи эдим... Ҳўш, орангизда кимларнинг отаси йўқ бўлса, ўрнидан турсин.

Тўққиз нафар талаба ўрнидан турди.

– Сизларнинг отангиз урушда ҳалок бўлишганми?

Улардан беш-олтитаси тасдиқлаб бош ирғашди.

– Тушунарли, жойингизга ўтиринг. Орангизда онаси йўқлар ҳам борми?

Бу гал бир йигит билан бир қиз ўрнидан турди.

– Холмуротов, сенинг отанг ҳам, онанг ҳам йўқми?

– Ҳа, – деди у секингина.

– Онанг қачон вафот этган?

– Отам билан бир кунда...

– Бир кунда?! – деди Ўтамурот ажабланиб.

– Ўшанда мен тоғамникига меҳмонга кетган эдим, – деди Холмуротов кўзларини ердан узмай. – Ота-онам билан кичкина укам уйда қолишди. Оқшом онам укамнинг совқотиб қолишидан хавотирланиб, кўпроқ олов ёққан бўлса керак. Ярим оқшом ўчоқдаги чўғнинг тафтидан жингил тутаб кетиб, учаласи ҳам уйқусида бўғилиб қолишган...

Ўтамурот Холмуротовнинг олдига бориб, ҳамдардлик билан унинг елкасига қоқиб қўйди.

– Кечирасан, иним, билмасдан ярангни янгилаб қўйдим. Ота-онангнинг яшамаган ёшини ҳам сенга кўшиб берсин.

Ўтамурот жойига қайтиб, портфелини очди-да, ундан кўнғир-кўкиш тусда товланган учта сур тери чиқарди. Талабалар бунақа терини илгари фақат институт ректорининг пальтоси ёқасидагина кўришган эди. Бундан чиқди, ўша пальтонинг мўйнаси ҳам мана шундай мўъжазгина теридан тикилар экан-да.

– Буёққа кел... Исминг нима эди?

– Яқипбой.

– Яқипбой иним, ма, манави учта терини ол. Дардан кейин Эски шаҳардаги Шомурот исмли телпакдўзнинг олдига борасан. У одам

¹ З и й в а р – қорақалпоқ мумтоз шоири Ажиниёзнинг тахаллуси.

автобус бекати ёнидаги кичкинагина ёғоч уйчада ўтиради. Териларни берсанг, бошинга ўлчаб сенга телпак тикиб беради.

– Муаллим, буни сотиб олиш учун менинг пулим йўқ, – деди Яқипбой довдираб.

– Тўғри, бу терини сотиб олишга менинг ҳам пулим етмайди. Лекин бу – совға!

Ўтамурот чўнтагидан пул чиқариб, сур териларнинг устига қўйди.

– Бу пулни телпакдўзга астарлик ва меҳнат ҳақи учун берасан.

Яқипбой нима қилишини билмай, иккиланиб қолди.

– Олавер, олавер! Бу тери боягина имтиҳон топширган дўстингнинг ҳиммати. Ўзи аудиторияга олиб киришдан уялиб, отасидан бердириб юборибди. Курбоновнинг отаси мендан: “Ёрдамга муҳтож талабалардан бирига берарсиз”, деб илтимос қилди. Болалар, мен ўзимнинг номимдан ҳам, сизларнинг номингиздан ҳам Курбон чўпонга миннатдорчилик билдираман. Жумағали, отангга бориб айт, отаридаги қўй-қўзиларининг баракасини берсин.

Аудиторияга пашша учса билинадиган жимлик чўкди. Баъзи талабалар Яқипбойни ачиниш билан кузатаётган бўлса, кимлардир унинг олдидаги сур териларга ҳавас билан тикилиб турарди. “Жумағали мақтовлардан керилиб ўтирган бўлса керак”, деган ўйда баъзилар унга зимдан қараб қўйишди. Лекин нима учундир Жумағали танаффусга қўнғироқ чалингунча партадан бошини кўтармади.

Ўтамурот талабалар билан хайрлашиб, аудиториядан чиқиши ҳамонқо эшик олдида ректорнинг котибасига дуч келди.

– Сизни ректор чақирапти.

Ректорнинг кенг-мўл хонасидаги деворга тақаб қатор териб қўйилган стулларнинг тўрт-бештасини бўш демаса, деярли ҳаммаси банд эди. Деканлар, уларнинг ўринбосарлари, кафедра мудири, хуллас, институтнинг номдор профессор-ўқитувчилари шу ерда жам бўлишган эди. Ёшроқ муаллимлардан эса фақатгина Абсамат ва мажлисларнинг баёнини ёзиб борадиган Мажит бор эди.

Ўтамурот ректор ва икки қатор тизилишиб ўтирган ўқитувчилар билан ияк қоқиб саломлашди.

– Ўтир! – деди ректор унга совуқ оҳангда.

Ўтамурот бир чеккадаги стулга омонатгина ўтирди. Тинчликмикин, ишқилиб? Ёки бирон-бир совуқ хабар келдимикин? Одамлар урушдан бери бунақа унсиз ўтиришлардан юрак олдириб қўйишган эди.

– Ўқи! – деб буйруқ берди ректор Кенжабойнинг ёнида ўтирган Абсаматга. Ўтамурот нима гаплигини аниқлаш мақсадида дўстига қизиқиш билан қаради, бироқ Абсамат унга қиё ҳам боқмай, қўлидаги хатни ўқишга тушди:

“Ҳурматли ректор!

Сиз бошлиқ профессор-ўқитувчилар жамоаси бизга уч йилдан бери илм-фан сирларини чуқур ўргатиб келишмоқда. Бунинг учун биз сизлардан беҳад миннатдормиз. Бироқ кейинги вақтларда баъзи тамагир муаллимлар ошга тушган пашша каби институтнинг шаънига доғ туширишмоқда. Аниқроқ айтганда, қорақалпоқ тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси Мирзамуротов Ўтамурот касал бўлиб қолганлиги сабабли вақтида имтиҳонда қатнашолмаган курсдошимиз Курбонов Жумағалига баҳо қўйиб бериш учун ундан учта қоракўл терини порага олди. Биз бундай порахўр, устоз деган номга номуносиб одам-

нинг қўлида таълим олишдан ор қиламиз. Имкони бўлса, Мирзамуротовнинг дарсини бошқа муаллимга олиб беришингизни илтимос қиламиз.

*Тил-адабиёт факультетининг
3 курс талабалари”.*

Абсамат хатни ўқиб бўлиб, уни ректорнинг олдига қўйди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Муаллимлар зимдан Ўтамуротга ўқрайиб қараб туришарди.

— Хўш, ўртоқ педагог, — деди ректор Ўтамуротга киноя билан. — Бунга нима дейсиз?

Ўтамурот қулоқларига ишонмас, нималар юз бераётганини тушунолмади лолу ҳайрон эди. Ахир, у сур терини талабаларга боягина кўрсатган эди. Бу орада уларнинг шикоят ёзиши-ю, бу шикоят аллақачон ректорнинг қўлига келиб тушишини ақлга сиғдириб бўлмасди. Қолаверса, дарс тугагунча биронта талаба аудиториядан ташқарига чиққани ҳам йўқ.

— Кечирасиз, Бекберган оға...

— Сен мендан кечирим сўрама! — деди ректор унинг гапини бўлиб. — Яхшиси, виждонингдан кечирим сўра! Сени устоз деб, авлиёдай эъзозлаб юрган талабалардан кечирим сўра!

Ўтамурот тақдирга тан бергандек, жим бўлиб қолди. Ректор яна бир муддат кўйиб-пишиб гапирди.

— Хатнинг қачон ёзилганини билсам бўладими? — деб сўради Ўтамурот журъатсизлик билан.

— Қачон ёзилганининг нима аҳамияти бор? — деди ректор қовоқ уйиб. Сўнг Абсаматга юзланди. — Журнални кўриб юбор-чи, шикоят қачон келган экан?

Абсамат олдида турган журнални варақлашга тушди.

— Кеча келган экан.

— Эшитдингми, кеча келибди! Сен терини қачон олган эдинг?

— Хат тери билан бирга келибди-ку, Бекберган оға! — деди Ўтамурот елка қисиб. — Терини кеча уйга ташлаб кетишган экан.

Профессор-ўқитувчилар орасида шивир-шивир бошланди. Кенжабой муаллим, Қалли ва Омар учаласи ҳайратини яширолмади, чуқур тин олишди. Улар хатнинг кеча келганига ёки қорақўл терини Ўтамуротнинг уйига ташлаб кетишганига эмас, балки Ўтамуротнинг тап тортмай бу айбни бўйнига олганига ҳайрон қолишган эди.

— Сен бола нималар деяпсан ўзи! — деб Кенжабой муаллим ўрнидан туриб кетди.

— Ана, Кенжабой оға, — деди ректор жаҳдан бурун катаклари пириллаб. — Мақтаган шогирдингизнинг аҳволини кўриб қўйинг! Сиз буни фан номзоди қиламан, деб қанча югурган эдингиз?

— Кўзимга тик қара! — деди Кенжабой муаллим Ўтамуротга вожоҳат билан текилиб.

Ўтамурот устози томонга ўтирилди.

— Шу гап ростми?

Ўтамурот маъқуллаб бош ирғади.

— Тфу!.. Аҳмоқ экансан!

Кенжабой муаллим дафъатан бўшашиб, жойига ўтириб қолди.

— Буни судга бериш керак, — дея луқма ташлади ўртароқда ўтирган профессорлардан бири.

— Тўғри, шундай қилсак, бошқаларга сабоқ бўлади!

– Бу йигит – бизнинг юзимизга чиққан сўгал! Вақтида кесиб ташламасақ, илдиз отиб кетиши мумкин.

Хуллас, Абсамат билан Мажитдан бошқа ҳамма оғзига келган гапни қайтармади. Аслида, уларнинг кўйиб-пишиши ҳам бежиз эмасди. Ахир, ёшгина йигит қаршингда кўзларини лўқ қилиб, “чинданам, пора олганман, сизларнинг қўлингиздан нима келарди?” дегандек безрайиб турса, бунга қандай чидаш мумкин! Устоз деган номнинг қадри қаерда қолади бунақада?..

Бир муддатдан кейин барчанинг ҳовури босилди.

– Бекберген иним, бу ҳали ёш мутахассис, – деди Кенжабой муаллим. – Биринчи марта уни кечириб, айбини ювиши учун имкониёт бериб кўрайлик.

– Бу йигит имкониётга ўрин қолдиргани йўқ!

– Ўтамурот, сен ўсиб келаётган ёш олимсан, – деди Кенжабой муаллим шоғирдига юзланиб. – Сендан умидимиз катта эди. Ўзингнинг томирингга ўзинг болта урма. Ҳалиям кеч эмас, терини олган одамингга қайтариб олиб бориб бер.

– Бундай қилолмайман.

– Нима дединг?!

– Иложим йўқ, оға! Мени кечиринг.

– Ҳой, нодон, отангни қамари тери ўлдирганмиди?¹

Ўтамурот гап-сўзсиз ўрнидан турди-да, Мажитнинг ёнига бориб ўтирди.

– Мажит, менга бир варақ қоғоз бер!

Ўтамурот Мажит узатган қоғозга ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб, уни ректорнинг олдига қўйди.

– Институтдан кетаман!

Бунақа бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Дафъатан Кенжабой муаллимнинг ҳам, ректорнинг ҳам тили калимага келмай қолди.

– Тўхта, Мирзамуротов! – деди ректор у эшикнинг тутқичига қўл узатганида. – Бу билан жиноятингни хаспўшлолмайсан! Кенжабой оға, сизга маъмурият номидан топшираман, Қурбоновни чақириб, бу йигит ундан пора олгани ҳақида тушунтириш хати ёздириб олинг. Кейин уни ариза билан бирга прокуратурага топширамыз.

Ректорнинг бундай кескин қарори бошқаларга қаттиқ таъсир қилди. Лекин Ўтамурот ортига бурилиб ҳам қарамади. Ректор гапини тугатганича эшик олдида кутиб турди-да, сўнг аста ташқарига чиқиб кетди.

Ўтамурот бир муддат прокуратурадан чақирув қоғози келишини кутиб юрди. Лекин ҳеч ким уни безовта қилмади. Орадан уч ҳафта ўтгач, Кенжабой муаллим Ўтамуротнинг янги иш жойига кўнғироқ қилиб, бирров кафедрага келиб кетишини илтимос қилди.

Ўтамурот эшикни қия очди-ю, Кенжабой муаллимнинг ҳузурда нотаниш бир одам ўтирганини кўриб, дарҳол қайта ёпди.

– Кел, Ўтамурот, кирaver! – деди унга кўзи тушиб қолган Кенжабой муаллим.

Ўтамурот Кенжабой муаллим ва унинг қабулида ўтирган ёши олтимшлардан ошган, барваста қоматли, шопмуйлов киши билан саломлашди.

– Ўтир, – деб Кенжабой муаллим унга нотаниш кишига қарама-қарши томондан жой кўрсатди. Сўнг столининг ўнг тортмасидан яп-янги сур телпакни олиб, бояги кишининг олдига қўйди.

¹ Қорақалпоқ мақоли, “Отанг сур тери дардида ўлиб кетганмиди?” деган кесатик маъносини англатади.

– Телпагингизни олиб кетинг!

Нотаниш киши дафъатан шошиб қолди. Ўтамурот бу одам Жумағалининг отаси Қурбон чўпон эканлигини пайқади.

– Бу нима қилганингиз, дўстим? Бор гапни яширмасдан айтиб беринг, деганингизга айтдим. Лекин мен қўлимдан чиққан нарсани қайтиб олмайман.

– Олинг, Қурбон жўра. Тенгдош эканмиз, аччиқ устида дилингизни оғритиб қўйишни истамайман.

– Йўқ, олмайман. Бу – совға...

– Унда ўғлингизни ўқишдан ҳайдаттираман!

Чорасиз аҳволда қолган Қурбон чўпон беихтиёр мадад кутгандек Ўтамуротга жавдиради.

– Бу кишиниям тўғри тушунинг, Кенжабой оға, – деди Ўтамурот. – Телпакнинг пулини мен тўлайман. Ана шунда бу нарса пора ўрнига ўтмайди.

– Сен аралашмай тур. Бу – сенинг талабангнинг телпаги эмас. Бу ишнинг бошида турган ҳамкасбингнинг телпаги, билдингми?!

– Ўтамурот деганлари сенмисан, айланайин! – дея Қурбон чўпон шартга ўрнидан туриб Ўтамуротнинг қўлидан олди. – Мени кечир, иним, билмасдан аҳмоқлик қилиб қўйдим. “Ўзига берма, бошинг балога қолади” дейишганига келиннинг қўлига тутқазиб, жўнаб қолган эдим. Бунақа бўлишини қаёқдан билибман? Шунинг касрига бинойидеккина ишингни ҳам ташлаб кетибсан. Мен ўғлимни институтдан чиқариб олишгаям розиман, лекин сен ўзингнинг ишингга қайт. Кенжабой, дўстим! Қайтариб олинг бу йигитни! Бировга зиёним тегса, кечаси тинч ухлолмайман.

– Бу ёғи институтнинг ички иши. Бу масалани ўзимиз ҳал қиламиз. Манави телпакни оласизми-йўқми?

– Олмасликнинг сира иложи йўқми?

– Иложи йўқ.

– Майли, майли! Деҳқон донидан ушр беради, чўпон молидан ушр¹ беради... Меники беминнат нарса эди. Шундоғам йилда ўн-ўн беш қўзини тулки еб кетади. Одамнинг бир тулкичалик қадри йўқми?

– Яхши боринг, Қурбон дўстим.

Қурбон чўпон ноилож сур телпакни қўлтиқлаганча хонадан чиқди.

Кенжабой муаллим столининг тортмасидан икки варақ қоғоз олиб, Ўтамуротнинг олдига қўйди.

– Ўқиб чиқ!

Бу ўша, ўзи сўнгги бор маъруза ўқиган талабаларнинг ректор номига ёзган хати экан. Ўтамурот хатни икки марта диққат билан ўқиб чиқди. Айрим сатрлари ёдида муҳрланиб қолди.

“Муаллим сур терини порага олганида, уни дарсга кўтариб келармиди? Курсдошимиз Яқипбойнинг доим ўзини биздан четга олиб, ўйга толиб юришини билардик. Лекин унинг ота-онасидан эрта ажралиб, етим бўлиб қолганидан беҳабар эдик.

Ўтамурот муаллим Жумағалини ҳам уялтирмади. Ёрдамга муҳтож курсдошлари учун саховат кўрсатмоқчи экан, деб уни ҳам хижолатдан қутқарди. Тушунган одамга шунинг ўзи яхшигина сабоқ бўлади деб ўйлаймиз. Муаллимнинг етим йигитдан терини қайтариб олгандан кўра, ўзи ишдан кетишга қарор қилгани улкан инсоний фазилат эмасми?

¹ У с р – закот.

Хурматли ректор! Ўтамурот оғани ишга қайтариб олишингизни сўраймиз! Бу илтимосимиз инобатга олинмаган тақдирда ҳам дарсдан бўш пайтларимизда у кишидан сабоқ олишда давом этаверамиз. Бироқ бу ҳол талабалар ўртасида институтимиз педагогик жамоаси ҳақида нотўғри фикрлар пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин”.

Хат анчагина узун эди. Унинг тагига йигирма етти нафар талаба имзо чекиб, ҳатто, паспорт рақамларигача ёзиб қўйишган.

– Сенингча, ўша ишни ким қилган бўлиши мумкин? – деди Кенжабой муаллим Ўтамуротга синовчан тикилиб.

– Қайдам, – деди Ўтамурот ҳам елкасини қисиб.

– Сен яқиндагина шаҳарга кўчиб келгансан. Уйингни мен билмайман, Қалли билмайди ёки Омар билмайди. Хўш, бошқа ким библиши мумкин?

– Билмайман...

– Биласан! Лекин сенинг мана шу оққўнгиллигинг ўзингга зарар қилади. Шунингдан чиқарма, иним. Хўш, уйингга биринчи бўлиб муборакбод этиш учун борган одам ким? Оилангни кўчириб келганингда ким юқларингни туширишга ёрдам берди? Сен яширганинг билан мен ҳаммасини биламан. Айби фош бўлгани учун у бояги телпакни ўз қўли билан олиб келиб берди. Эндиям мендан яширасанми?!

– Ўзингиз билар экансиз-ку, оға. Мендан сўраб нима қиласиз?

– Лекин у сенга ўхшаган ориятчи эмас экан. Қилмиши учун кечирим сўради-ю, лекин институтни ташлаб кетмади. Талабаларнинг номидан тўхмат хатни ҳам ўша ёзган экан. Номзодлик ишингни икки йил ортга сурган номард ҳам ўша бўлса керак!

– Ўтган ишга салавот, Кенжабой оға.

– Эй, сенга гапирган мен аҳмоқ, – дея Кенжабой муаллим қўл силтади. – Хўш, манави хатга нима дейсан? Институтга қайтиб келсанми?

– У ернинг шароитлари анча менбоп экан, устоз. Илмий ишларим билан шуғулланишим учун ҳам имконият бор. Балки докторлик ишимни ўша ерда давом эттирарман.

– Талабаларга нима дейсан? Йигирма етти нафар талабанинг илтимоси ўйинчоқми сенга! Ректорнинг хатга ёзган кўрсатмасини қара, “кечирим сўраб, чақириб олинсин”, дейилган.

– Мени тўғри тушунинг, Кенжабой оға. Кеча ишдан кетиб, бугун яна қайтиб келсам, уят бўлар.

– Унда бошқача йўл тутамиз, – деди Кенжабой муаллим. – Янги ишхонангда эртадан-кечгача қадалиб ўтиришинг шарт эмас. Бунинг устига, у ерда илмий ишлар учун ҳафтасига бир кун дам олиш беришади, тўғрими?

Ўтамурот тасдиқ маъносида бош ирғади.

– Ана шу кунларда арзанда талабаларингни ўқитаверасан. Биратўла қайтиб келмасанг-да, институтдан бутунлай этак силкиб кетишинг ҳам инсофдан эмас. Келишдикми?

– Ўйлаб кўрай-чи.

– Нимасини ўйлаб кўрасан? Мен ректорга бугуноқ аниқ жавоб беришим керак.

– Маъқул, оға. Дарс ўтиш учун келаман.

– Мана бу бошқа гап.

Шундай қилиб, Ўтамурот Тарих ва тил-адабиёт институтида ишлаш баробарида Педагогика институтида ҳам соатбай асосида маъруза ўқий бошлади.

Шунча можаролардан кейин ҳам у дўстидан гумон қилишни истмаганди. Кенжабой муаллим бу сирдан хабар топган бўлса-да, аммо у ҳам ўша суҳбат чоғида Абсаматнинг номини очиқ-ойдин тилга олмаган эди. Лекин Ўтамурот шу чоққача Эрназарнинг номидан ёзилган хатнинг муаллифи ҳам Абсамат эканига ишонгиси келмаганди. Кенжабой муаллимнинг бу ҳақдаги шаъмасига ҳам айтарли аҳамият бермаганди. Орадан шунча йиллар ўтиб кетгач, Эрназар ўз оғзи билан шунга иқрор бўлди. Унинг гапига ишонмасликнинг иложи йўқ. Чунки ўлим тўшагида ётган одамнинг олдида ёлғон гапириш Эрназарнинг қўлидан келмайди. Ўтамурот унинг феълени яхши билди.

14

Кенжабой муаллимнинг бу масалани қандай ҳал қилгани Ўтамурот учун сирлигича қолди. Ҳарқалай, Абсамат бу қилигидан унчалик ҳам жабр кўрмаганлиги аниқ эди. Абсамат ҳар гал у билан учрашганида ўзини қўй оғзидан чўп олмагандек қилиб кўрсатарди. Тўғри, у гоҳида ўша кўнгилсиз воқеа тўғрисида гап очиб, ўзича Ўтамуротга тасалли бермоқчи бўларди-ю, бироқ у рўйхушлик билдирмагач, гапни қисқа қиларди. Шунга қараганда, Кенжабой муаллим ими-жимидан Абсаматнинг таъзирини бериб, бу ишни тинчитиб юборган бўлса керак.

Бир куни Абсамат Ўтамуротнинг янги ишхонасига кириб келди. Иккаласи салом-алик қилишгач, бир муддат орада ўнғайсиз жимлик ҳукм сурди.

— Сен институтдан кетиб тўғри қилдинг, — деди ниҳоят, Абсамат тилга кириб. — Бу қарорингдан сўнг улар бирдан шошиб қолишди.

Ўтамурот унга кўз қири билан қараб қўйди-ю, ҳеч нарса демади.

— Негаки, улар бунақа йўл тутишингни хаёлларигаям келтиришмаган эди, — деб гапида давом этди Абсамат. — Сенинг шаҳарга яқинда кўчиб келганингни ҳамма биларди, овулга қайтиб кетолмаслигингни ҳам сезиб туришган эди. Шунинг учун улар сенинг тиз чўкиб, кечирим сўрашингни кутишган эди. Тасаввур қилаяпсанми, кечирим сўраганинда нима бўларди?

— Нима бўларди?

— Улар сени жиловлаб, елкангга миниб олишарди.

— Бу билан нимага эришарди?

— Шуниям билмайсанми?! Улар аудиторияларда соатлаб маъруза ўқишлардан безор бўлишган! Соатлаб, кунлаб кутубхонада ўтириш уларга ёқмайди. Кечирим сўраганинда уларнинг ўрнида сен кутубхонада ўтирардинг, маърузаларини ҳам сен ўқирдинг. Бироқ амалда ҳаммаси уларнинг номига ёзиларди!

— Мен бунақа деб ўйламайман.

— Сенинг бунақа ўйламаслигингни ҳам биламан! Чунки сен ҳаммани ўзингдай кўрасан. Сен тўрт-беш йиллаб диссертациянгниг ортидан югуриб юрганинда мен уларнинг психологиясини ўрганганман...

— Қўй, Абсамат, бу мавзуда бошқа гаплашмайлик.

— Хавотирланма, бу гаплар иккимизнинг орамизда қолади. Мен шунча йил бирга ўқиб, бирга ишлаган дўстимни сотмайман. Ўшанда улар сендан қафтдайгина сур терини қизганишгани йўқ. Ўзларидан кўрқибди! Минг йиллик сирлари очилиб қолишини ўйлаб сесканиб кетишди.

- Умуман, сен “улар” деганда кимни назарда тутаяпсан?
- Кимни бўларди?.. Бу масалада Кенжабой ога ҳам, ректор ҳам фаришта эмас.
- Кенжабой ога ҳақида бундай гапларни гапирсанг, уят бўлади! У икковимизни институтда олиб қолиб, илм ўргатди.
- Мени у олиб қолгани йўқ.
- Ие, унда ким олиб қолди?
- Бошқа бир киши... Кенжабой муаллимнинг ўзига қолганида, менинг ўрнимга Эрназарни қаноти остига олган бўларди.
- Институтни битиргач, Эрназарнинг овулига кетиши аввалдан маълум эди. Шундай бўлгач, уни қанақасига институтда олиб қолиши мумкин эди?
- Бир амаллаб кўндирарди. Менга эса ноиложликдан розилик берган. Ҳа, майли, ўтган гапларни кўзгашдан фойда йўқ, — дея Абсамат ўрнидан туриб дераза томонга юрди. — Мен бошқа бир масалада кенгашиш учун олдинга келган эдим. Сенинг дўстона маслаҳатингга муҳтожман...
- Аввал гапир-чи.
- Бу ердаги шароитлар қанақа?
- Қайси маънода?
- Ишлаш учун, дейман-да!
- Ёмон эмас. Энг асосийси, илм билан шугулланиш мумкин. Кутубхонадан ташқари, анча-мунча қўлғазмалар ҳам бор. Уларнинг кўпчилиги ҳали ўрганилмаган. Илмий жиҳатдан тадқиқ қилинмаган. Абсамат хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юрди.
- Ўша воқеадан кейин ректор ҳам, Кенжабой ога ҳам, Омар ога ҳам ёшлардан ҳадиксираб қолишди. Бу нарса менга ёқмаяпти. Шунинг учун мен ҳам шу ерга ишга ўтсаммикин деб ўйлаб қолдим. Лекин яқин бир танишим, “у институтнинг келажаги йўқ”, деяпти.
- Ким шунақа деди?
- Ҳа, энди биттаси-да.
- Бу гапни қаердан олибди?
- У менга буни оддийгина бир мисол билан тушунтирди. Яйдоқ ерда шаҳар тиклашга тўғри келса, дастлаб ўша ерда янги қурилиш трести, унинг шохобчалари ташкил қилинаркан. Орадан беш-ўн йил ўтгач, шаҳар қуриб битказилади. Ана ундан кейин бояги қурилиш трестининг ҳеч кимга кераги бўлмай қолади. Оқибатда у тугатилади. Сен ишлаётган институтнинг ҳам тақдири шунга ўхшайди. Сен тўплаган халқ оғзаки ижоди намуналари, сендан олдин йиғилган фольклор, эртақ ва дostonлар ҳам эрта-бир кун илмий жиҳатдан ўрганиб бўлинади. Ҳаммаси бир тизимга солинади. Дарсликларга ҳам киритилади. Ана ундан кейин бу институтга ҳам ҳожат қолмайди.
- Ўтамурот иягига муштини тираганча бир муддат ўйланиб қолди.
- Мен бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман, — деди у, ниҳоят.
- Боя айтдим-ку, сен бирёқлама фикрлайсан, — деди Абсамат жонланиб. — Фақат илм, илм дейсан... Бу ёқда ҳаёт деган гап ҳам бор! Абсамат унга бирпас савол назари билан тикилиб турди.
- Энди нима қилмоқчисан? — деб сўради у Ўтамуротдан садо чиқавермагач.
- Билмадим. Ҳозирча шу ерда ишлаб турай-чи.
- Абсамат ички чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб, Ўтамуротнинг олдига қўйди.
- Муни ўқиб кўр.

Ўтамурот қоғозни ўқиди. Унда номзодлик ишига мўлжалланган иккита мавзунинг қисқача мазмуни битилган эди.

– Диссертация бошламоқчимисан? – деб сўради Ўтамурот қоғоздан бош кўтариб.

– Ўзимга қолса, бунинг кераги йўқ эди, – деди Абсамат қошларининг орасини кўрсаткич бармоғи билан уқалаб. – Уч-тўрт кун бурун Кенжабой оға кафедрага чақриб, шуни қўлимга тутқазди. “Шу икки мавзудан бири ҳақида ўйлаб кўр. Қайси бирига тишим ўтади десанг, тасдиқлатиб бераман”, деди.

– Сен қайси бирини танладинг?

– Ҳозирча ҳеч бирини танлаганим йўқ. Лекин йўқ дейишга ҳам кўрқиб турибман. Илмий даража олмасам, кейинги келган ёшлар елкамга оёғини қўйиб ўтиб кетишади. Кенжабой оға менга қайишмаслиги аниқ, сен ёнимда бўлганингда бошқа гап эди.

Ўтамурот нима дейишгайм ҳайрон эди. Абсамат ҳам қистовга олиб ўтирмади. Афтидан, у ҳам Ўтамуротдан ўзига ёқадиган жавоб эшитишига унчалик ишонмасди.

– Бу ҳақда қобирғанга яхшилаб ўйлаб кўрарсан, дўстим, – деди Ўтамурот бироздан сўнг.

– Қобирғам сенсан! – деди Абсамат қатъий оҳангда.

– Юр, ташқарига чиқайлик, – деди Ўтамурот стулнинг суянчигига илинган камзулини қўлига олиб. – Ҳар қирқ беш дақиқада тоза ҳавога чиқиб келадиган одатим бор.

– Бу ер аудитория эмас-ку, – деб кулди Абсамат.

– Шунга одатланиб қолганман...

– Менга қара, Ўтамурот, мен ҳали сенга асосий гапни айтмадим.

– Хўш?

Абсамат столи айланиб ўтиб, дераза томонга икки-уч қадам ташлади.

– Кеча бир ёши улуг одам менга маслаҳат берди. Унинг айтишича, ҳаммаям диссертациясини ўзи ёзавермас экан. Ёзгани билан унчамунчаси ўтказолмасмиш. “Яхшиси, сен ўша мавзулардан бирини ўзингиз эплаштириб беринг, деб Кенжабой оғанинг ўзидан илтимос қилиб кўр”, деди ўша одам. Ўйлаб қарасам, бу гапда ҳам жон бор экан. Устоз рози бўлса, хизмат-пизматидан қочиб йўқ. Бунақа мавзулардаги диссертацияларни унинг ўзи аллақачон тайёр қилиб қўйган бўлишим мумкин... Лекин мен Кенжабой оғага бу гапни айтишга ботинолмадим. Балки сен ёрдам берарсан? Сени ҳам қуруқ қўймайман.

Асл муддаосини ошкор қилган Абсамат киприк қоқмасдан унга савол назари билан тикилиб турарди. Ўтамурот шу чоққача ҳаётда бунақа кўзбўямачиликлар ҳам бўлиши мумкинлигини сира хаёлига келтирмаган эди. Беихтиёр газабдан вужуди титраб кетди. Лекин ўзини босди. Бир пайтлар бир партада ўтириб, бир хонада бирга ётиб юрган дўсти билан орани очик қилишни истамади.

– Юр, ташқарига чиқа қолайлик, – дея Абсаматнинг қўлтигидан олиб, уни эшикка бошлади.

Иккаласи зинадан пастга тушиб, ҳовлига чиқишди. Ўтамурот сигарета тутатди. У яқиндан бошлаб чекишга одатланганди. Аниқроғи, ўша қорақўл тери можароси юз берган куни институт ҳовлисидан чиқаверишдаги газета дўконидан илк бор сигарета сотиб олганди. Қийнала-қийнала зўрға ўрганди.

– Кетмоқчимисан? – деб сўради у қўлидаги сигаретанинг ярмини чекиб бўлгач Абсаматдан.

– Кет, десанг кетаман.
 – Йўғ-ей, унақа деганим йўқ. Бироқ гаплашиб бўлмадикми?
 – Гаплашиб бўлмадик! Аниқроғи, мен гапларимни айтиб бўлдим, энди сенинг жавобингни эшитиш қолди.

Ўтамурот ерга “чирт” этиб тупуриб, устига сигарета қолдиғини ташлади-да, уни оёғининг учи билан эзгилаб ўчирди. Одатда, бунақа қилмасди, чекиб бўлинган сигарета қолдиғини ахлат челақка олиб бориб ташларди. Бу гал бунга тоқати етмади.

– Жавобини Кенжабой оғага айтарман, – деб Ўтамурот тез-тез юриб ичкарига кириб кетди.

Абсамат нима қилишини билмай, серрайиб туриб қолди. Дафъатан аччиқ-қуруқ гаплар билан Ўтамуротдан аламини олмоқчи бўлди, лекин бунга журъати етмади. Сири ошкор бўлиб қолишидан қўрқди. Ҳозирча ҳақиқатпарвар ошнасининг газабини қўзгатмагани маъқул. Энди унинг ёрдамидан умид қилмаса ҳам бўлади. Ўтамурот ҳеч қачон “жавобини Кенжабой оғага айтмаслиги” кундай равшан. Унинг ана шундай хаёлга борганини Ўтамурот ҳам сезган эди.

Хуллас, ёпиғлик қозон ёпиғлиғича қолди. Ўтамурот “бировларнинг диссертациясини бошқалар ёзиб беради” деган гапни бошқа одамдан эшитмади.

15

Ўтамурот илмий-тадқиқот институтига ишга ўтганидан кейин ҳам таъна-маломатлардан қутулолмади. Қайтанга унга туҳмат тошларини отаётганларнинг бир гайратига ўн гайрат қўшилди. Шу чоққача орқаваротдан у ҳақда тўқиб-бичилган асоссиз миш-мишлар, исботсиз “юмалоқ” хатлар эндиликда “илмий таҳлил” ниқоби остида матбуотда ҳам пайдо бўла бошлади.

Ўтамуротнинг докторлик илмий иши мавзуси бўйича ёзаётган монографиясининг бер неча бобларини газета-журналларда чоп эттирган эди. Лекин уларнинг баъзилари эътирофдан ҳам кўра, қаттиқ қаршиликларга дучор бўлди. Ўзиям шоввозлар Ўтамурот қаламга олган ҳар бир мавзу, ҳатто ҳар бир фикрдан сиёсий маънолар топишиб, обдон унинг пўстагини қоқишарди. Пировардида, бу мақола-лардан каттагина синфий хавф-хатарнинг ҳиди келиб тургани ҳақида жар солиб, жамоатчиликни чўчитишга уринишарди.

Ана шундай кунларнинг бирида институт директори Назар Турдишев уни ҳузурига чақиртирди.

– Илмий ишинг ҳақида билдирилаётган фикрларни ўқиб бораяпсанми? – деб сўради у салом-алиқдан сўнг.

Ўтамурот “ҳа” дегандек бош ирғади.

– Нима учун ўзинг бу гапларга муносабат билдирмаяпсан?

– Назар оға, мен болалик пайтларимда бўян ўримида кўп бўлганман, – дея Ўтамурот гапни узоқдан бошлади. – Ўшанда эрталабки шудринг қуригандан кейин тўзғиб қолган ариларнинг битта-яримтаси учиб келиб бўйнимга, қовоғимга нишини суқиб қоларди. Ари чаққан жойга озгина лой суртиб қўйсам, дарров шиши қайтарди. Лекин бир гал уларни уяси билан қўшиб ўриб олиб, қочишга тушдим. Ини бузилганидан даргазаб бўлган арилар галаси орқамдан қувиб етиб, мени юмма талаб ташлади. Юз-қўлларим моматалоқ бўлиб кетди. Ўша воқеадан сўнг, “битта-яримта арининг чаққанига чидаб, уларнинг уясига чўп суқмаслик керак экан”, деган хулосага келгандим.

– Тушунарли, – деди директор ўйчан қиёфада. – Балки сенинг билганинг ҳам тўғридир, иним. Лекин шуни ҳам унутмагинки, томчи ҳадеб бир жойга томаверса, тошни тешади. Нажим оғанинг ҳам бошига ана шундай ҳасадгўйлар етишган эди.

– Биз ҳали Нажим домла амалга оширган ишларнинг юздан бирини ҳам қилолганимиз йўқ-ку, оға.

– Вақти-соати келса, қиласан ҳам. Ўша кимсалар бекорга жонланиб қолишгани йўқ, улар иккинчи Нажимнинг чиқиб қолишидан чўчишяпти.

– Ишончингиз учун раҳмат, оға.

– Сен ҳам ўзингни ҳимоя қилишни ўрган. Сиёсий ва илмий иммунитетинг кучли бўлсин.

Назар Турдишев бағрикенг, нозиктаб инсон, теран билимга эга олим ва тажрибали раҳбар сифатида ном қозонган эди. Илмий кенгаш йиғилишларида ҳам кенг қамровли тарзда фикр юритар, майда-чуйда мавзулар устида бўлиб ўтадиган баҳсларга умуман аралашмас, доим жиддий масалалар ҳақида бош қотириб, бошқаларни ҳам шунга ундарди. У ҳеч кимни очиқ-ошкора мақтамас, бирон кишига кўнглига оғир ботадиган даражада қаттиқ ҳам гапирмас эди. Шу боис унинг кимни яхши кўришию кимни иқти сўймаслигини билиш қийин эди. Аммо у бугун одатига хилоф тарзда Ўтамуротга бўлган муносабатини ошкор қилди. “Улар иккинчи Нажим етишиб чиқишидан кўрқишяпти...” Назар оға бу гапни каттароқ анжуманларда айтганида, пана-пастқамда Ўтамуротга тиш қайраб юрган ғаламислар ҳушидан кетиб қолишлари ҳам ҳеч гап эмасди. Бироқ ана шундан кейин унга нисбатан ҳақиқий “тошбўрон” бошланарди. Директор ҳам буни яхши сезиб турарди. Лекин Ўтамурот унинг гапларидан талтайиб кетмади. Бу мақтовни ичига сиғдира билди. Директор айтганидай, “сиёсий ва илмий иммунитет” ҳосил қилди-ю, аммо ганимларига қарши очикдан-очик ҳужумга ўтмади. Назар Турдишевга ҳам ана шу хусусияти маъқул келган бўлса керак, орадан бир ҳафта ўтгач, уни Илмий кенгаш котиби этиб тайинлади.

Тез орада газеталарда шаҳар партия кўмитасининг масъул ходими Виктор Ефимов имзоси билан “Адабиёт ниқобини кийган тескари сиёсат” сарлавҳали каттагина мақола чоп этилди. Мақола Ўтамурот тўплаган фольклор намуналаридан тортиб, у ёқлаган номзодлик иши ва ҳали ниҳоясига етмаган докторлик диссертациясининг матбуотда эълон қилинган боблари талқинига бағишланган эди.

Ефимов мақола аввалида илм-фан соҳасида Ўтамурот каби саводли олимлар етишиб келаётгани айни муддао эканлигини тил учид таъкидлаб ўтган. Бироқ атиги олти қаторни ташкил қилувчи бундай или-милиқ гаплардан сўнг унинг илмий изланишларининг астар-аврасини ағдариб, танқид қилишга тушиб кетган. Узундан-узоқ давом этган чучмал мулоҳазалар якунида ёш олим очикдан-очик жамият учун ўта хавфли бўлган сиёсий мухолифга чиқариб қўйилган эди.

Тез орада шаҳар партия кўмитасидан институт директори номига хат келиб тушди. Унда институт бошланғич партия ташкилотида ушбу мақолани зудлик билан ўрганиб чиқиб, Ўтамурот Мирзамуротовнинг илмий фаолиятига сиёсий баҳо бериш талаб қилинган эди. Назар Турдишев эса уларга, “Мирзамуротов – партия аъзоси эмас. Шунинг учун унинг масаласини бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқишга ҳаққимиз йўқ”, дея қисқагина жавоб йўллаш билан чекланди.

Жавоб хати юзасидан юқоридан ҳеч қандай қўнғироқ бўлмади, лекин орадан бир ҳафта ўтгач, Утамурот билан Назар Турдишевни шаҳар партия қўмитаси бюроси йиғилишига чақирди. Йиғилишга Педагогика институтидан Кенжабой муаллимни ҳам таклиф этишган экан. Мажлисни бошқариб борган Иванов қисқагина кириш сўзидан сўнг Виктор Ефимовга сўз берди. У эса газетада чоп этилган мақоласидаги вазиятни деярли қайта ўқиб берди:

“...Мирзамуротов кейинги ишларидан бирида “Эдигей” достони тилга олиб ўтади. Унинг тақиқланган асар эканлигини билатуриб, яна бир бор ўқувчиларнинг ёдига солиб қўйгиси келади. Ҳеч қандай тарихий асосга эга бўлмаган, ғаламислар томонидан тўқиб чиқарилган ушбу дoston қаҳрамони гўёки ўзининг беш-олти юз чоғли отлиқ аскар билан жонажон ватанимизнинг юраги бўлмиш Москва шаҳрига ҳужум бошлайди... Биз унинг турли йиғинларда, “Мўйноқни қўлга киритсак, Москва ўз-ўзидан таслим бўлади”, деган эски лагифани бот-бот тилга олиб туришидан ҳам хабардормиз. Шу тариқа у ўзининг ғаразли мақсадларини қалампирни хамирга ўрагандай қилиб, пинҳона тарзда халқ орасида ёйиб келаяпти”.

“... Мирзамуротов яна бир мақоласида Ажиниёз ҳақида тўхталиб, “у мадрасани битирган, теран билимга эга шоир эди”, деган гапларни ёзади. Ахир, мадрасада теран билим берилмайди, теран билим институтда берилади! Мулла билан чуқур билимли олимнинг фарқига бормайдиган кимсанинг шундай обрўли институтда ишлаб юришига қандай чидаш мумкин?!”

Ефимов қўлидаги қоғоздан бош кўтариб, мажлис иштирокчиларига қўз югуртирди:

– Ўртоқ Мирзамуротов... Кечирасизлар, Мирзамуротов менга ўртоқ эмас! Хуллас, бу одамнинг адабиётни ниқоб қилиб кийиб олган сиёсий душман эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди!

Маърузада бундан ҳам оғирроқ, кескинроқ гаплар тилга олинди. Барча унинг сўзларини жимгина эшитди.

– Энди бу масалада сизларнинг ҳам фикрингизни эшитайлик, — деди мажлис бошқарувчиси хонада ўтирганларга юзланиб.

Ҳадеганда улардан садо чиқавермади.

– Мен ҳам бир-икки оғиз гапирмоқчи эдим, — деди Жақсимов деган маҳкама ходими ўрнидан туриб. — Албатта, мен Кенжабой ога каби илм одами эмасман. Лекин ҳозиргина Ефимов билдирган фикрлардан сўнг Мирзамуротовдай чаласавод, ундан ҳам ёмони, фикри бузуқ кимса билан бир юртда туғилганимдан каттиқ афсусланиб кетдим. Ҳали бизнинг халқимизнинг саводи ҳаминқадар, сиёсий онги паст эканлигини тан олмасдан иложимиз йўқ. Ҳушёрроқ бўлмасак, улар ҳар қандай фикри бузуқ одамларнинг орқасидан эргашиб кетиши мумкин. Бундай бузғунчиликни вақтида сезиб қолган эканмиз, энди тезроқ унинг олдини олишга ҳаракат қилишимиз керак. Биринчи навбатда мана бу олимни... э, бу кимсани аудиторияга киритмаслик керак! Чунки у ўзининг бузуқ ғоялари билан ёшларнинг онгини заҳарлаши мумкин.

Жақсимов жойига ўтирди. Шундан сўнг Қалимбетов қад ростлади.

– Мен Виктор Ефимовичдан кечирим сўрамоқчиман, — дея гап бошади у. — Чунки бизнинг ўзимиз бу хавфни олдиндан кўра билишимиз, ўша ғоявий зарарли мақолаларнинг чоп этилиши олдини олишимиз керак эди. Сиёсий ҳушёрлигимиз қаерда қолди, ўртоқлар?.. Лекин ҳалиям кеч эмас. Ҳозирча унинг фикрларини зиёлилардан бошқа ҳеч ким ўқигани йўқ...

– Ҳали сизларда зиёлилар қатлами шаклланмаган, — дея луқма ташлади Ефимов.

– Тўғри, эндигина пайдо бўлаяпти...

– Пайдо бўлгани йўқ!

Қалимбетов нима дейишни билмай, ночор жилмайганча жойига ўтирди.

– Мен институт директорининг муносабатини тушунмадим, — деди мажлисни олиб бораётган Иванов. — Биз бу масалани институт бошланғич партия ташкилотида қўриб чиқишни тавсия қилган эдик, лекин у киши икки оғизгина жавоб юбориш билан чекланибди.

У Турдишевнинг хатини ўқиб эшиттирди.

– Аслида ҳам шундай! — деди Турдишев.

– Ўрнингиздан туриб гапиринг!

Турдишев ўрнидан турди.

– Менинг ўртоқ Ефимовга бир саволим бор эди.

– Биз сиздан савол кутаётганимиз йўқ, — дея Иванов уни жеркиб берди. — Нега хатни бунақа мазмунда ёзганингизни тушунтириб беринг.

– Шунинг учун савол беришимга тўғри келади.

– Майли, саволини бераверсин, — деди Ефимов хотиржам қиёфада.

– Сиз қорақалпоқ тилини биласизми?

– Бунинг нима аҳамияти бор? — деди Ефимов ажабланган қиёфада елка қисиб.

– “Эдигей”ни ўқиганмисиз? Ёки “Алпомиш”ни биласизми? Умуман, қорақалпоқ фольклоридан хабарингиз борми?

– Мен сизни тушунолмадим, — деди Ефимов ҳам қаддини тиклаб. — Нима, Мирзамуротовнинг сиёсий қарашларига баҳо бериш учун қорақалпоқ фольклорини бошдан-оёқ ўқиб чиқишим шарт эканми?

– Ўқиб чиқишингиз шарт, ўртоқ Ефимов! Лекин сиз қорақалпоқ фольклорини ўқиб, унга баҳо бериш у ёқда турсин, бизнинг тилимизда бир оғиз гапиришнинг билмайсиз. Шундай экан, ким сизга бу мақолани ёзиб берди? Ким бу масалани сизга ҳижжалаб тушунтирди?! Сиз партия хизматидаги одамсиз, лекин прокурор эмассиз!

– Партияга тил текизманг! — деди Иванов столни муштлаб.

– Мен бу ерда партия ҳақида эмас, якка шахс ҳақида гапираяпман, — деди Назар Турдишев ҳам бўш келмай. — Ўртоқ Ефимов, сиз бу ишингиз билан ўсиб келаётган илмнинг илдизига болта ураяпсиз. Сизнинг ниятингиз — мамлакатни ривожлантириш эмас, Марказдаги “учлик”нинг чақиригига лаббай деб жавоб берадиган югурдакларни тарбиялаб бериш! Лекин кечикдингиз. Ўша “учлик” аллақачон умрини яшаб, ўлиб бўлди!

– “Учлик” ўлгани билан мамлакат ўлгани йўқ! — деб Ефимов ўтирган жойида бир қалқиб тушди.

– Майли, бу гапни қўя турайлик, лекин мен сизнинг Мирзамуротов ҳақидаги фикрларингизга бутунлай қаршиман, — дея Назар Турдишев Ефимовга қараб сўзида давом этди. — Керак бўлса, бу норозилигимни тегишли жойларда ҳам билдиришга тайёрман!

– Ўтиринг жойингизга, — деди Иванов унга. — Ҳиссиётга берилманг. Балки бошқа фикрлар ҳам бордир?

Иванов ўринбосарига ишора қилиб улгурмасдан Кенжабой муаллим ўрнидан турди.

– Бизнинг халқимизда “талқонни аралаштиришнинг ҳар турли йўли бор” деган гап бор. Шу маънода айтганда, гапни ҳам турлича оҳангда баён қилиш мумкин. Қадимда бир хон...

– Сизларнинг тилингиздан “хон, подшо” деган сўзлар тушмайди, – деди Ефимов асабий қиёфада. – У замонлар аллақачон ўтиб кетган. Бугунги кун ҳақида гапиринг!

– Сиз гапирганингизда мен сўзингизни бўлмадим. Сиз ҳам энди жимгина ўтириб, сўзимни охиригача эшитинг, – деди Кенжабой муаллим салмоқлаб. – Қадимда бир хон ўзининг амалдорларидан бирига тушида ўттиз икки тиши тўкилиб тушганини айтибди. “Хон ҳазратлари, сизнинг ҳамма қариндош-уруғларингиз ўлиб, ёлғиз ўзингиз тирик қоларкансиз”, – деб жавоб берибди ўша амалдор. Хон бу гапдан дарғазаб бўлиб, шу заҳоти уни ўлимга буюрибди. Сўнг иккинчи амалдорни ҳузурига чақирибди. “Ҳурматли хонимиз, сиз барча қариндош-уруғларингиздан узоқроқ яшаркансиз!” деб тушига таъбир берибди у. Бу жавобдан хурсанд бўлган хон зукко амалдорни сарполар билан сийлаб, унинг мансабини оширибди.

Аслида, иккала амалдор ҳам хонга битта фикрни айтишган. Лекин уларнинг баён қилиш оҳанги икки хил эди. Мирзамуротовнинг илмий изланишларига бўлган муносабат ҳам ўша ношуд амалдорнинг таъбирига ўхшайди. Қорақалпоқ фольклори, кўшиқлари, нақл-мақоллари, эртақ ва дostonларини ўрганиш учун ҳали кўп йиллар заҳмат чекишга тўғри келади. Бу ишни Мирзамуротовга ўхшаган ёш олимларимиз амалга оширишади. Мана бу ўртоқлар, – деб Кенжабой муаллим Иванов ва Ефимовга қараб олди, – эрта-бир кун ўз элига қайтишар, лекин сиз билан биз шу ерда қоламиз-ку. Сизлар ўзингиз миниб ўтирган шохга болта ураётганингизни сезмаяпсизми? Нима учун сизлар адабиёт масаласини партия ташкилотининг бюросида муҳокама қилиб ўтирибсизлар?

– Адабиёт – партиянинг қуроли! – деди Иванов жаҳл билан.

– Лекин фольклор адабиёти партиядан анча аввал пайдо бўлган!

– Бизнинг архивимизда юз томлик фольклор бор, – деди Турдишев гапга кўшилиб. – Ўшаларни ҳам партия ёздирганми?

– Керак бўлса, ўша юз томингизни ҳам бу ерга олдириб келамиз. Керак бўлса, уларни йўқ қиламиз!

– Ўртоқ Иванов! Бунинг учун аввал бизни йўқ қилишингизга тўғри келади.

Бюро мажлиси тортишувга айланиб кетди. Турдишев ҳам, Кенжабой муаллим ҳам республикада обрўли одамлар саналишарди. Шунинг учун мажлис ташкилотчилари улар билан ҳам ҳисоблашишга мажбур эдилар. Ўтамуротга эса ўзини оқлаши учун сўз ҳам тегмади.

– Бўпти, кейинроқ бу масалага яна қайтармиз, – деди Иванов соатига ошиғич қараб қўйиб. – Ҳозирча мажлис ёпиқ!

Шундай қилиб, мажлис иштирокчилари бир ечимга келолмай тарқалишди. Ўтамурот зимдан ўзига қарши тайёрлаб қўйилган катта ҳужумдан омон қолди.

Лекин бунинг эвазига бир ҳафтадан сўнг Турдишев институт директорлигидан, Кенжабой муаллим эса кафедра мудирлигидан озод этилди.

16

– Сендан умидимиз катта. Биринчи навбатда миллий фольклоримизни бир тизимга туширишинг керак. Бунинг учун шу пайтгача институтда ва Ёзувчилар уюшмасида тўпланган қўлёзмаларни бир жойга жамлайсан. Уларни яхшилаб ўрганиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратасан. Қўлёзмалар орасидан энг яхши эртақларни,

қўшиқларни, дostonларни навбат билан нашрга тайёрлаш ишини давом эттириш керак. Бу ишлар сенинг қўлингдан келишига ишончимиз комил. Чунки сенинг илмий изланишларингни биз ҳам кузатиб турибмиз. Шунинг учун ҳам бу ишларни сенга топширишни маъқул топдик.

Шу кунларда халқнинг орасида “Бердақнинг ҳамма қўшиқлари ҳам унинг ўзига тегишли эмас” деган гаплар юрибди. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди, дейишади. Бу гапларда ҳам жон борга ўхшайди. Хуллас, Бердақнинг ижодини хас-чўплардан тозалаш ҳам сенинг зиммангда.

Бу масалада керак бўлса, институт муаллимларини, талабаларни ҳам ишга солиш керак. Шунинг учун сенга кафедра мудирлигини ҳам қўшиб бердик. Агар илм йўлида куч-қувватингни аяйдиган бўлсанг, бу соҳага нима учун кирдинг?! Назар оға, Кенжабой оға сенга отилган тўхмат тошларига ўзларининг кўкрагини қалқон қилишгани ҳам бежиз эмас. Шу йўл билан улар сендек ёш, умидли мутахассисни асраб қолишди. Биз ҳам буни тўғри тушундик. Натижада бошнинг ўрнига бош кийимни олиб қўя қолдик. Энди тушунгандирсан?

– Тушундим, Озот оға!

– Тушунган бўлсанг, бу ёғига ғайрат қил! Яқин вақтларда меҳнатларинг маҳсулини кутамиз!

Илм деганлари дарров натижаси кўринадиган соҳа эмас эди. Бунинг учун неча йиллар талаб қилинади. Вилоят қўмитаси котиби ҳам буни яхши биларди. Лекин у Ўтамуротнинг кўнглини кўтариш, уни руҳлантириш учун ҳам ана шу гапни айтган бўлиши мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам Ўтамурот бундан бу ёғига энг шимариб ишга киришиши керак.

Ўтамурот биринчи навбатда Бердақнинг шеърларини ўрганиш бўйича гуруҳ ташкил қилиб, таниқли олимларни унга жалб қилди. Қўлёзмаларни ўрганиш ва уларни босқичма-босқич нашрга тайёрлаш ишига ўзи бошчилик қиладиган бўлди. Институт директори ҳам уни қўллаб-қувватлади. Лекин кафедра мудирлигини қабул қилиб олишга келганда анча иккиланди. Яқин-яқингача ўзи ишлаган бу даргоҳга тортина-тортина кириб борди. Кенжабой муаллим уни очик чеҳра билан кутиб олиб, шу заҳоти кафедра аъзоларини бир жойга тўплади.

– Юқоридагилар бу гал адашмади, – дея гап бошлади у. – Теракнинг ҳам қуриган шохларини чопиб, ёш новдасини қолдиришади. Очиги, ўзим ҳам анчадан бери кафедранинг Ўтамуротга топширишни мўлжаллаб юрган эдим. Кутилмаганда у ҳам бошқа жойга ишга ўтиб кетди... Ҳарқалай, ҳаммаси яхшилик билан тугади.

Шундан сўнг ортиқча гап-сўзларга ҳожат қолмади. Ўтамурот бир овоздан кафедра мудирини эйтиб тайинланди.

Ўтамуротнинг қулоқлари остида бир маромдаги шовқин пайдо бўлди. Бу садо телевизорда кўрсатув бошланиши олдида телестанциянинг узатадиган узлуксиз сигнаliga ўхшаб кетарди. Шовқин аста-секин узоқлашиб бориб, кимларнингдир тушуниксиз ғала-говурига айланди. Буларнинг бари тушида юз бераяптими ёки ўнгидами, Ўтамурот буни аниқ билолмасди. Ғала-говур аста-секин сийраклашиб, сўзлар аниқ-тиниқ эшитила бошлагач, у ўғли Ажимурот билан Жумабой дўхтирнинг овозини танигандай бўлди.

– Оббо, менинг овулда бўлмаганимни қара, жўра. Ўша вақтнинг ўзида миясига кислород юборилганида аҳволи бунчалик оғирлашмаган бўларди.

– Миясига қон қуйилган, дейишди-ку?
 – Йўқ, улар айтаверади. Мияга қон қуйилганида отанг уч-тўрт кундан ортмасди. Бугун неча кун бўлди дединг?

– Ўн тўрт кун.

– Айтдим-ку! Ўн тўрт кунлик кризисга куч-қуввати жойида, соғлом кишининг ҳам дош бериши қийин. Отанг-ку, тўқсоннинг нариберисидаги одам. Худо хоҳласа, ўзига келиб қолади. Бурунгидай ўйнаб-кулиб кетади, деб айтолмайман, лекин бир марта бўлсаям кўзини очади. Яна бироз кутайлик-чи.

– Яхши, унгача чой ичиб турайлик.

Ажимурот билан Жумабой дўхтир нариги хонага ўтишган бўлса керак, хона жим-жит бўлиб қолди. Фақат узоқроқда телевизорданми, радиоданми, нотаниш бир мусиқа садоси таралиб турарди.

Ўтамурот ўз уйида ётганлигини, қарилик туфайлими, хасталик боисми йиқилиб, тўшакка михланиб қолганини англади. Бироқ таназида бирон бир оғриқ сезмади. Шунга қараганда, жароҳат олмаган бўлса керак.

У мажолсиз қовоқларини очиб, атрофга қарагиси келди. Лекин неча кундан бери бир-бирига ёпишиб қолган киприклари ўзига бўйсунмасди. Дастлаб Ўтамуротнинг кўз олдида шаффоф парда пайдо бўлди, сўнг кўзлари ғира-шира очилиб, хона ичида ғира-шира ёруғликни ҳис қилди. Атрофидаги манзара тобора равшан торта бошлади. Ўнг томонда қатор тизилиб турган китоб жовонлари, орқа тарафда деворга тақаб қўйилган ёзув столи, унинг устидаги тунги чироқ, сал берироқдаги оромкурси ва журнал столи аниқ кўринди. Демак, уни ўзининг хонасига ётқизишган экан. Кейинги вақтларда у журнал столида овқатланиб, ўзининг чойи билан қаҳвасини ҳам шу ерда ичишга одатланганди. Қолаверса, илгаригидек оромкурсида ўтириб китоб ўқий деса, икки қарич масофадаги саҳифа ёзувларини кўзи илмайди. Шунинг учун ёзув столида мункайиб ўтириб муталаа қилишга мажбур эди. Лекин у ерда ҳам кўп ўтиришга бели чидамайди. Умуртқа погоналари бир-бирини эзиб-янчиб ташалаётгандай, уларда кучли оғриқ сезади...

Ўтамурот томоқ қиришга уриниб кўрди.

– И... их... им... И... и... им.

Худога шукр, овози чиқди. Бироқ бирон нарса деб гапиришга ботинолмади. Кўрқди. Лекин кўзларини каттароқ очди. Шу пайт у ёш боланинг эшик пардасини қия очиб, ўзи томон югуриб келаётганини илғаб қолди. Адашмаса, бу бола невараси Асқар эди.

– Ота! Ота, буёққа қаранг! – деди Асқар орқасига ўтирилиб.

– Нима гап, ўғлим? – ташқаридан Ажимуротнинг овози эшитилди.

– Бобом кўзини очди!

– Нима-а?!

Ташқаридан икки-уч кишининг дупурлаган оёқ товушлари эшитилди. Шу заҳоти Ажимурот билан Жумабой эшик пардасини юлқиб очиб, баравар ичкарига киришди. Ўтамурот уларнинг ортида аёл кишининг ҳам гавдасини илғагадек бўлди. Бироқ у қизларининг қайси бири эканлигини аниқ билолмади.

– Ота! - дея диванга чўккалаб ўтирди Ажимурот. Жумабой ҳам унинг ёнидан жой олди.

– Яхшимисиз, ота? – деди Жумабой унга синчков тикилиб. Ўтамурот бу саволга жавоб беришга чоғланиб кўрди-ю, лекин тили калмага келмади. Ноилож кўзларини очиб-юмиб, қўлларини қимирлатди. Бу унинг “худога шукр” дегани эди.

– Жуда кўрқитиб юбордингиз-ку, ота! – деди ўғли қувончдан кўзларига ёш келиб.

– Энди ҳаммаси яхши бўлади, ота! – деди Жумабой.

– Ота, ҳаммамиз шу ердამиз. Сағийда билан Моҳийда опамлар кеча “уйимиздан хабар олиб келайлик” деб кетишган эди. Иккови ҳам бугун тушдан кейин келишади. Невараларингизнинг ҳаммаси ташқарида ўйнаб юришибди. Тинчингиз бузмилмасин деб ичкарига қўймаймиз.

– О... о... – деди Ўтамурот қийнала-қийнала. Нима демоқчи бўлганини англаган Ажимурот уни уринтириб қўймаслик мақсадида шу заҳоти ўзи жавоб берди:

– Отамурот ҳам бугун-эрта етиб келади, ота! Сиз ётиб қолмасдан аввалроқ Бекберген Жировни Германияга олиб кетган эди.

Ўтамурот яна гапиришга уринди-ю, лекин бу гал ҳам тили калимага келмади.

– Ёки Америкадаги неварасини сўраяптимикин? – деди Ажимурот Жумабойга юзланиб.

– Бўлиши мумкин.

– Неварангизга ҳам телеграмма юбордик, келади.

Ўтамурот бир муддат кўзларини юмиб ётди.

– Отангни кўп қийнамаслигимиз керак, – деди Жумабой дўстига. Сўнг Ўтамуротнинг лабларига пахтага шимдирилган илиқ сув томизди. У қайтадан кўзларини очди.

– Бир нарса демоқчимисиз, ота?

Ўтамурот қотиб қолган бармоқларини секин қимирлатиб кўрди. Ҳарқалай ҳали қўлларида мадори бор экан. Ўғли шу заҳоти унинг қўлларини беозоргина уқалашга тушди. Жумабой ёстиқнинг остидан қўлини солиб, Ўтамуротнинг бошини хиёл кўтарди.

– О... о... онангни чақир...

Ўтамуротнинг йиқилгандан бери илк айтган гапи шу бўлди.

– Нима? Онарни дейсизми?.. Хўп, ҳозир чақираман! – дея Ажимурот нима қилишини билмай Жумабойга қаради.

– Хўп, ота! Ҳозир чақирамиз, – деб Жумабой қўлини аста ёстиқнинг тагидан олди-да, Ажимуротнинг қулоғига шивирлади. – Отанг ҳали бутунлай ўзига келгани йўқ. Ҳозирча нима деса, “хўп” деб туриш керак. Бир кун-ярим кундан кейин ақл-хуши ҳам жойига тушади.

Ўтамурот бу гапларни аниқ-тиниқ эшитиб ётарди. “Ҳозир ақл-хушим жойида эмас эканми?” деб ўйлади ўзича. Бироқ барибир Равшанни кўргиси келарди. Боласи тушмагурлар нега уни чақиришмаяпти экан...

17

Ўтамурот илмнинг кетидан юриб, кўп йиллар Равшанни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Лекин Равшан ҳам “мен аёлман-ку”, деб қўл қовуштириб ўтирмади. Енгини шимариб, унча-мунча эркак кишидан зиёд меҳнат қилди. Кундуз куни трактор ҳайдаб, ойнанинг ёруғида бугдой ўрса, ярим оқшом уйда нон ёпади. Унинг болаларига кичкина синглиси Ойхон қараб турарди.

Ўтамурот икки ҳафтада бир уйига келиб кетар эди. Баъзан ойда бир бор келган вақтлари ҳам бўлди. У рўзгор ташвишларидан қочгани учун бундай қилгани йўқ. Шунчаки Равшанга раҳми келарди. Чунки уйга келиши билан хотини унинг чўнтагига солиб юбориш учун бешолти сўм пул топиш ташвишига тушиб қоларди. Шу ниятда ўзи йи-

ғиб қўйган бир сиқимгина жийда-ўрик, тариқ ёки жўхорини эшакка ортиб, тонг азондан шаҳарга йўл оларди. Яхшилаб дам олсин деб шу куни чошгоҳгача Ўтамуротни уйготмасди. Кетиши олдидан Ойхонга:

– Болаларни олисроққа олиб бориб ўйнат, жезданг чарчаб келган, тинчгина ухласин, – деб тайинлайди.

Шаҳар бозорида ҳаммаям олиб борган молини охиригача сотолмайди. Лекин Равшан буни удалар эди. Чунки у бозор охирлай бошлаганда хуржунини орқалаб Қудияр бозорқўмнинг олдига борарди-да, ялиниб-ёлвориб нарсаларини унга ярим баҳосига сотиб кетарди. Бозорқўмда ҳамиша ортиқча пул бўларди. У бозори юришмаган бошқа одамларнинг молини арзон-гаровга олиб қоларди-да, эртаси куни ўзининг гумашталари орқали майдалаб соттирарди. Бироқ Равшан бу гапларни Ўтамуротга айтмасди.

– Ўзи, бозорга олиб борганим бир сиқимгина қоқ ўрик эди, – дерди у қувонган киши бўлиб. – Шугина нарса ҳам қора қозонимизни қайнатди, сизгаям бир-икки кунга етгудай нон пули қолди!

Ўтамурот “менга пул керак эмас”, дегани билан хотини ўз билганидан қолмасди.

– Кўчада юрган одамсиз, бир-икки сўм чўнтагингизга ортиқчалик қилмайди, – деб қўярда-қўймай унга ўрикнинг пулини бериб юборарди.

Ёзги таътил вақтида эр-хотин уйда анча-мунча ишларни дўндириб қўйишади. Уларнинг болаларига қараб ўтирган Ойхон ҳам бу пайтда уйига қайтади. Лекин Равшан онаси билан бафуржа ўтириб гаплашишга вақт тополмайди. “Овул аралаш, қўй қуралаш”¹ бўлгани учун баъзан онасини бирровгина кўриб қайтади. Уйдагиларнинг соғомонлигини билса бўлди. Тайёр овқати бўлса ичади, лекин онасининг қозон осишига кўнмайди.

– Борақол, қизоғим, қайда бўлсанг ҳам бошинг тошдан бўлсин, илойим! – деб кишини кузатиб қолади Бибисора кампир.

Дастлабки пайтларда онаси унинг Ойхонни олиб кетиб қолганидан норози бўлиб юрди. “Сен хотиннинг инсофинг борми ўзи? Ойхонни уйга қайтар! Нима, мен эрингга: “Қизимни олсанг, ёрдамга бировини қўшиб бераман, деб сўз берганмидим?” деб койиниб қоларди. Лекин онаси ҳам унинг аҳволини тушуниб турарди, шунинг учун бўлса керак, кейинчалик бу тўғрида бошқа гапирмай қўйди.

Ўтамурот ҳар йили таътил чоғидагина Бибисора кампир билан саломлашиш учун борарди. Ора-сира бир кўрингани учунми, кампир куёвини ўтқазिशга жой тополмай қоларди.

– Болам, овулга қайтмаслигинг аниқ бўлса, хотинингниям ўзинг билан олиб кет, – деди бир гал борганида қайнонаси. Бу пайтда Ўтамурот яқиндагина институтни тугатиб, ўша ерга ишга кирган эди. – Энди Равшан ҳам аёл боши билан трактор миниб юришни бас қилсин. Худога шукр, овулнинг урушдан олдин туғилган болалари эр етиб қолди. Ҳозир тракторни ўшалар ҳайдаяпти. Бунинг устига, тракторлар ҳам кўпайиб қолди.

Ўтамурот Бибисора кампирга нима деб жавоб беришни билмади.

– Сотиладиган уй суриштириб кўрмадингми? – деди кампир гапини давом эттириб.

– Йўқ.

– Унда бу гал шаҳарга қайтганингдан кейин суриштира. Мен вақтида қизимга кўрпа-тўшак қилиб беролмадим. Бироқ тўнғич қизин-

¹ “Овул аралаш, қўй қуралаш” – қорақалпоқ халқ мақоли, “овулда ҳамма бир-бирининг ҳаётидан бохабар” деган маънода қўлланилади.

гиз туғилганида унинг энчисига¹ бузоқ атаган эдим. Жонивор аллақачон болали сигирга айланган. Шунини бозорга чиқариб сот. Битта сигир уйнинг пули уйга етмасаям, анча чамалашиб қолар.

– Йўғ-ей, она, – деди Ўтамурот уялиб. – Сигир ўзимизда ҳам бор...

– Мен сенда сигир йўқ деяётганим йўқ. Эрга тегаётган қизнинг кўрпа-тўшагини тахлаб бериш она учун фарз ҳисобланади. Бу фарздан қутулмаган она ўлса, гўрида ҳам тинч ётолмайди дейишади. Икки кўрпа, тўртта кўрпача тикиб, бир шолча тўқиб қўйганман, энчига қўшиб шуларни олиб кетинглар. Менам бугун бор бўлсам, эртага йўқман, қарзим бўйнимда кетмасин.

Ўтамурот қайнонасининг бу гапини ярим йилгача Равшанга айтмай юрди. Бир гал қишки таътил пайтида келганида уйда янги гилам билан кўрпа-кўрпачалар тўшалиб, кўрасида бузоқли сигир боғлоғлиқ турганига кўзи тушди.

– Сигирни бозорга чиқарамизми? – деди Равшан ўша куни кечки овқат устида.

– Тураверсин-чи, – деди Ўтамурот тушкун кайфиятда.

– Нега?

– Ҳали уй излаб кўрмадим.

– Қўлингизда пулингиз бўлмаса, қандай қилиб уй излайсиз? Эрталаб сигирни сотайлик. Ҳозир соғин сигирларнинг бозори чаққон дейишади.

– Шу... шаҳардан уй олишимиз шартмикин?

– Ие?

– Шаҳарда яшашинг қийин бўлади.

– Нимага ундай дейсиз?

– Ахир, кенг далага ўрганиб қолгансан!

– Сиз мени эмас, ўзингизни ўйланг! Эркак киши қаерда бўлса, аёли ҳам бирга бўлиши керак. Шу ишни қилмасангиз, онам норози бўлади. Балки овулдан кўчмасмиз, лекин сиз уй олиб қўяверинг.

Равшаннинг маслаҳати билан сигирни сотишди-ю, бироқ шаҳардан уй олишмади. Пулни омонат кассага қўйишди. Бибисора кампир жўхори экиш мавсуми арафасида омонатини топширди. Шундан сўнг Ойхон билан Тиловхон янгасининг қўлида қолишди. Равшан онасининг юзи² ўтгунча Ойхонни уйига олиб келишга ботинолмади. Рўзғор юмушлари ҳам, болаларини парваришлаш ҳам ўзининг зиммасига тушди.

Шаҳарга кўчмасликдан бошқа илож қолмаган эди. Ўтамурот ўша йили кузда шаҳарнинг тангу-тор кўчаларидан бирдан тўрт хонали уй сотиб олди. Дастлаб Равшан иккаласи бу ерга бирозгина кўрпа-тўшак, қозон-товоқ билан Ўтамуротнинг китобларини олиб келишди. Равшан “янги жойда шайтон ётиб кетмасин” дея бир оқшом тунаб, овулга, болалари билан Ойхоннинг олдига қайтди.

Келаси йили баҳорда Равшан тракторни биратўла топширди. Бу пайтда Сағийда билан Моҳийда анча улгайиб, жажжи Ажимуротга қарайдиган бўлиб қолишган эди. Бунинг устига, у тўртинчи фарзандига ҳомиладор эди. Ойхоннинг ҳам бўйи етиб, кўзга ташланиб қолганди. Эркаги йўқ хонадонда бўйи етган қизни сақлашнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Вақтида уни ҳам ўз уйига қайтаришгани маъқул. Ана шундай ўй-хаёллар билан Ойхонга ҳам жавоб беришди...

¹ Э н ч и – набирага аталган мерос.

² Ю з – қорақалпоқларда марҳумнинг йил ошидан аввал ўтказиладиган маърака.

Бир гал Ўтамурот ҳафта охирида уйига кечроқ қайтди.

– Келганингиз яхши бўлди, отаси, – деди унга кўзи тушган Равшан хурсанд қиёфада. – Ҳаяллаб қолганингиз учун бугун келмасангиз керак деб ўйлаган эдим.

– Нима гап? Тинчликми, ишқилиб?

– Қўтир қайноғанингизнинг жанозасига айтиб кетишди. Эртага чиқаришаркан.

Бу ўша, бир вақтлар Ўтамурот билан онасини ариқдан сув бермай қийнаган, урушда қўрқоқлик қилиб икки марта қамалган Емберген эди. Бечора Емберген овулдан кўчиб кетгани билан таъна-маломатлардан қутулолмади. Ҳамма ундан ўзини олиб қочарди. Янги овулда у трактор ҳайдаш тугул, колхознинг ишига ҳам аралашолмабди. Ёши қайтган чоғларда у кун кечириш илинжида Қорачўққи билан Қилқали овулининг қўй-жонлигини боқиб юраркан.

– Овулдан кимлар бораркан? – деб сўради Ўтамурот хотинидан.

– Бошқалар билан нима ишингиз бор? Ўзингиз бир кўриниб келаверинг. Минг қилсаям, энам тириклигида улар билан қиёматли кўшни бўлгансиз.

– Шундай бўлсаям... Биронтаси билан бирга борсам яхши бўларди.

– Ҳеч ким бормас-ов. Ҳали тегирмонда уста қайноғанинг аёлидан шуни сўрасам, “қарғишга учраган иймонсизнинг жанозасига ким ҳам борарди”, дебди. Кўрқиб кетдим. Бандаси сал кечиримли бўлиши керак. У бечораям қарғишни сўраб олибдими? Шайтон йўлдан оздирган-да!

Очиғи, Ўтамуротнинг ҳам у ерга оёғи тортмаётган эди. Хотинининг гапларидан сўнг йўқ дейишга тили бормади. Эрталаб таъзияга бориб келишга ваъда берди.

– Равшан, - деди кечки овқатдан сўнг Ўтамурот дастурхон бошида. – Энди Нукусга кўчмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Мен у ёқда, сен бу ёқда, икковимиз ҳам қийналиб кетдик.

Равшан бир муддат жимиб қолди.

– Отаси, тўғриси айтсам, бу масалада бироз иккиланиб юрибман.

– Очиқроқ гапир.

– Овулни кўзим қиймайди.

– Мен ҳам овулни қиёлмайман. Бироқ...

– Қолаверса, уяламан!

– Кимдан? Нимадан?

– Бир кун келиб, сиз ўзингиз истагандай элга таниқли катта олим бўласиз. Ўшанда одамлар хотинингиз оддий бир тракторчи эканини билса, нима дейишади?

Ўтамурот Равшандан бундай гапни кутмаган эди.

– Равшан, ҳар касбнинг ўзига яраша обрўси бўлади. Биласан, бир вақтлар овулда муаллимдан обрўлироқ одам бўлмаган. Тракторнинг рулига ўтирган пайтингда эса каттаю кичик сенга ҳавас қиларди. Ўшанда эркалар қилмаган ишни сен қилган эдинг! Энди ўзинг тракторчилигингдан уялаяпсанми?

– Майли, сиз жанозага бориб келаверинг-чи, – деди Равшан чуқур тин олиб. – Унгача мен ҳам яхшилаб ўйлаб кўраман.

Эртаси куни Ўтамурот овулдан ёлғиз ўзи Емберген қўтирнинг жанозасига борди. Йўл узоқ бўлса-да, марҳумни Тангабай овулидаги ота-боболарининг ҳилхонасига олиб бориб дафн этишди.

– Ўйлаб кўрдингми? – деб сўради Ўтамурот уйга қайтгач, хотинидан.

Бу пайтда Равшан тандирда нон ёпиш билан овора эди.

— Ҳа, — деди Равшан тандирдан янгигина узилган нонни саватга сола туриб.

— Нима ўйга келдинг?

— Умр йўлдошим қаерда бўлса, мен ҳам ўша ерда бўламан.

— Яхши.

Ота макондан кўчиш айтишгагина осон. Ўтамурот анчадан бери шаҳарда юравериб, бунга анча кўникиб қолган экан. Лекин Равшаннинг бу хонадондан кўнгил узиб чиқиши осон кечмади. Тугун-тер-саклар ташқарига олиб чиқилиб, эшикка қулф урилгандан кейин ҳам у бир-икки марта дарвозага бориб қайтди. Ниҳоят, остонада тиз чўкиб, унинг тупроғини қўли билан юзига суртди. Равшаннинг кўзларидан оқаётган ёш ёноқларини ювиб тушмоқда эди.

18

Кенг жойда яшаб ўрганган Равшан шаҳардаги каталакдеккина ҳовлида худди қафасдаги қушдек ҳаёт кечирарди. У бу ерда узоқ-узоқларга назар сололмас, чор тарафдан пахса девори бир-бирига тақаб қурилган уйлар ҳалқадек ўраб олган эди. Ёзда ҳаммаёқ тандирдек қизиб кетар, ёгин-сочинли кунларда эса тор кўчалар тизза бўйи лой билан қопланарди. Бу овлоқ йўллар асфальт қилингунича бир одамнинг умри ўтиб кетса ҳам ажабмас.

Ҳаммасидан ҳам ҳовлининг торлигига чидаб бўлмасди. Овул одамларининг таъбири билан айтганда, у икки бўйранинг энидайгина келади. Аммо кўни-кўшнилари ана шу бир парчагина ерда ҳам рўзгорини обод қилгудай экин-тикин қилиб ўтиришибди.

— Ё тавба! — дея ора-сира ёқасини ушлаб кўяди Равшан. — Бу шаҳарликлар қасд қилса, чорбоғида одам кўкартиради.

Дастлаблар кезларда уларнинг ҳовлиси анча хароб аҳволда эди. Мўъжазгина томорқада ҳам бор-йўғи бир туп қари олма билан ярми қуриб қолган икки туп шафтоли дарахти қаққайиб турарди, холос. Мол боғлаб боқилган, шекилли, дарахтлар танасининг пўстлоғи арчилиб тушган, тагида эса неча йиллик гўнг қотиб кетган эди. Шунинг учун салгина шабада турса, уйнинг ичига тезак ҳиди гуппиллаб уриларди. Эр-хотин бир неча кун тинимсиз дарахтларнинг остини чалмадан тозалаб, ниҳоят, ёқимсиз ҳиддан қутулишди. Сўнг у ерда ариқчалар олиб, икки ёнига райҳон экишди.

“Кўрпангга қараб оёқ узат”, деган гапни бекорга айтишмаган. Ўтамуротнинг бундан тузукроқ ҳовли-жой сотиб олишга қурби келмасди. Равшан ҳам буни тушунди. “Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ келади”, деган илинжда ҳаммасига чидади, қийналганини эрига сездирмади. Қайтанга унинг ёзув-чизувига шароит яратиб бериб, ўзи уйнинг кам-кўстини тузатиш билан андармон бўлди. Эшик-деразаларга парда тутиб, кўрпа-тўшакларини бутлади. Хуллас, тез орада янги уйни уялмай меҳмон кутса бўладиган даражада эпга келтирди.

Ҳовлининг ўнг тарафида Норча кампир ўғли Ўроқбой ва келини Нигор билан, чап тарафида қирқ ёшлар атрофидаги Ўнғар исмли лейтенант йигит хотини Олмагул билан яшарди. Уларнинг икки-уч ёшлар чамасидаги эгизак ўғиллари бор. Аммо Норча кампирнинг ўғли бефарзанд эди. Кампирнинг кунда-кун ора девор оша эшитилиб турадиган дийдиёлари ҳам шундан далолат беради:

– Қурсоғи қонамаган хотин уйга офат келтиради. Бу касофат ўғлим икковимизнинг бошимизга етмаса яхшийди!..

– Эчкининг ҳам туғадиганини сақлайди!..

– Бола туғиб, нон ёпмаган хотиндан бўсагангни қўриб ётган ит яхши!..

Нигор келиннинг уни чиқмайди. Ҳар гал қайнонасининг аччиқ маломатларини эшитмасликка олади. Кўзларидан ёшини оқизиб йиғлаб ҳам ўтирмайди. Унинг ана шу одати кампирга оғир ботади.

– Безрайиб ўтиришини қара! Бунга гапирдинг нима, итга гапирдинг нима?! Ҳеч бўлмаса, ёшимни сийлаб саволимга жавоб бер, ҳе, ёшимга етмай бўйнинг қайрилгур!

Равшан бир неча марта бориб, кампирга тасалли бермоқчи бўлди-ю, лекин унинг феълидан хавфсираб, бу фикридан қайтди. Норча кампир дийдиёсини бошлаши билан ноилож эшикни зичлаб ёпиб ўтираверди.

Дастлабки пайтларда кекса кампир дея иззатини қилиб, ҳар куни пиширган овқатидан бир косасини ўзи ёки болалари орқали Норча кампирниқига чиқариб турарди. Таомни баъзида Нигор келин, баъзида кампирнинг ўзи олиб қолади. Ажабки, иккаласи ҳам бир огиз “раҳмат” дейишни билишмайди. Равшан ҳам “берган бир луқма ёрмани миннат қиламанми” деган ўйда бунга айтарли аҳамият бермасди. Аммо бир куни одатдагидек кампирга таом бериб қайтаётиб, остонада унинг “шу хотиннинг бир қошиқ ювиндисига зор бўлиб ўтирганмидим?” деган гапини эшитиб қолди-ю, биров манглайига қўш қўллаб муштлагандай кўз олди қоронғилашиб кетди.

Бу гапни эрига ёки болаларига айтмади. “Норча кампир яна келини билан можаро қилиб, аччиқланиб ўтирган бўлса керак”, деб ўзига тасалли берди. Лекин шундан сўнг униқидан деярли қадамини узди. Ора-сирада тансиқроқ таом пиширганини ҳисобга олмаганда, аввалгидек униқига “қўшни товоқ” кўтариб югуришни бас қилди.

Норча кампир худонинг берган куни келинига азоб беришни қанда қилмасди. Унинг бахтига худо ўғли билан келинини сабр ва фаросатдан қисмаган эди. Бояқишлар шунча таъна-маломатларни жимгина ичига ютиб яшашарди.

– Сен шўртумшуқнинг бошингни боғлаб қўйган бу мегажин, – дея ўғлига жаврайди кампир баъзида. – Сенга она керак эмас, хотин керак. Мен шўртумшуқ ўғил туғдим, деб қувониб юрган эдим. Энди билсам, ўғил эмас, бир латта туққан эканман!

Бундай пайтларда Уроқбой лом-мим демай кўчага чиқиб кетади. Шу билан кун ботганда келадими, эл ётганда келадими, у ёғи Равшанга қоронғи. Фақатгина ўғли ўн беш кун Устюртга машина ҳайдаб кетганида Норча кампир биров ҳовуридан тушади.

Норча кампирнинг тинимсиз шанғиллашларидан тоқати тоқ бўлган Равшан ниҳоят, бир куни унинг олдига кириб борди.

– Чеча, “бир кун уруш чиққан уйнинг қирқ кунлик насибаси қирқилади”, дейишган. Келинингизниям ҳадеб койийверманг!

– Йе, бу писмиқ сизга арзи ҳол қилдими?!

– Йўғ-ей, чеча. Келинингиз бу тўғрида менга огиз очгани йўқ...

– Қайси юз билан огиз очсин! Қулоғим тинчисин деса, тезроқ бола туғсин!

– Вақти-соати билан туғиб қолар...

– Бунинг вақти-соати етгунча мен қора гўрга кираман! Бу урғочига неча бор айтдим, “етти пайшанба Салман отани бориб зиёрат қил” деб... Қулоқ солмайди! Мен бир нарсани билмасам гапирарми-

дим? Ўзим ҳам ўн икки йил қурсоқ кўтармадим. Охири етти пайшанба Эшон пиримни бориб зиёрат қилдим. Туни билан йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолардим. Еттинчи пайшанбада Салман ота тушимга кириб, қўлимга бир ўроқ тутқазди. “Уйингга қайтавер, болам, энди бу ерга келиб юрма”, деди. Келаси йили ўғил туғдим. Ушанда кўрган хосиятли тушимни эслаб, чақалоқнинг исмини Ўроқбой қўйдим.

Норча кампир бир муддат гапиришдан тўхтаб, бир нуқтага ғамгин тикилганча хаёл суриб қолди.

– Аслида, айб ўғлимнинг ўзида, — деб гапида давом этди у. — Ўтабека деган амаки синглим бор эди. Унинг Олмагул исмли қизи эри ўлиб, уйига қайтиб келди. Бизниқига тез-тез келиб турарди. Ўроқбойда кўнгли йўқ эмасди шу жувоннинг. “Манави қисир хотинни қўйиб, ўшанга уйлан”, деб худонинг зорини қилдим. Лекин гапимга қулоқ солмади. Унинг кўзига мана шу туғмас хотиндан бошқаси кўринмайди!

Равшан бу гапни Нигор келин эшитиб қолмадимикин деган хавотирда эшик томонга ўгринча қараб қўйди. Кампир буни сезди.

– Қулоғи тешик бўлса, эшитаверсин, — деди у пинагини бузмай. — Ўтабеканинг қизи ҳам кўзимни куйдириб, анави қўшни мелисага тегиб олди! Бири эрининг, бири хотинининг бошига етган бу бетамизлар Ўроқбой сабабли топишиб олиб, бинойидай эр-хотин бўлиб кетишди. Уша Олмагул зотдор эчкига ўхшаб эгиз бола туғди! Бу шўртум-шўқ ўғил қўлидаги толе қушини бировларга олдириб ўтирибди!

Кампир юрагидаги ҳасратларини тўкиб солмагунича Нигор келин ичкарига кирмади. Равшан ҳам унинг гапларини охиригача жимгина эшитди.

– Чеча, сизнинг ҳам қўйиб-пишишингизда жон бор. Сиз ҳам болам бефарзанд ўтмасин дейсиз... Лекин келинингизга раҳмингиз келсин! Ахир, “таёқ этдан, сўз суякдан ўтади”, дейишади.

– Эй, мен нима дейман, қўбизим нима дейди! — деди кампир баттар аччиқланиб. — Нима, сен менга ақл ўргатиш учун келдингми?

– Унақа деманг, чеча...

– Бўлмаса, нима дейин?! Менинг тилимни тийишга шунчалик ишқибоз бўлсанг, келиннимнинг ўрнига ўзинг Ўроқбойнинг тўшагига ётиб, менга неvara туғиб бер!..

Равшан Норча кампирга бир сўз демасдан ташқарига чиқди. Ҳовлида арзимаган юмушлар билан ўзини овутиб юрган Нигор келин ҳам унинг кўзларига тик қаролмай, нигоҳи ерга қадади.

Шундан сўнг Равшан қайтиб Норча кампирнинг остонасига қадам босмади.

19

Ўтамурот билан фарзандлари, хотини бир-бирини жуда соғиниб қолишган экан. Улар дастурхон бошида анча вақт суҳбатлашиб ўтиришди. Тўғри, у илгарилари ҳам икки-уч ойлик сафарларда бўлган эди. Лекин бу гал хорижга кетганлиги учун уйдагилар ундан кўпроқ хавотирланишган, айниқса, у ёқдан “касал бўлиб қолди” деган мазмундаги телеграмма келгач, Равшаннинг эсхонаси чиқиб кетган эди. Ушандан бери юрса ҳам, турса ҳам эри кўз олдидан кетмас эди. Болалар ҳам отасини қаттиқ соғинган эди. Худога шукр, ҳаммаси яхшилик билан тугади. Эри соғ-омон уйга қайтиб, уйи яна тўлиб қолди. Энди бемалол тин олиб, кечқурун хотиржам ухласа бўлади.

Хориждан олиб келишган чарм пальто Равшаннинг жуссасига қуйиб қўйгандай лойиқ келди. У болалари қолиб, ўзи сарполик бўлганидан хижолат чеккан бўлса-да, барибир ич-ичидан хурсанд эди. Чунки у кейинги вақтларда рўзгорнинг кам-кўстини ямаш билан андармон бўлиб, ўзига тузукроқ уст-бош олишни ҳам эсидан чиқариб юборган эди. Овулда яшаган кезларида оиланинг аҳволи бундан яхшироқ эди. Бундоқ ўйлаб қараса, кейинги уч ойнинг ичида уларнинг туриш-турмуши анча ночорлашиб қолибди. Ҳали қарасанг, дўконда нон йўқ, макароннинг сифати паст, уния нормодагидан зиёд оломайсан. Унни эса жон бошига икки ярим килодан ўлчаб берадиган бўлишган. Шу чоққача халталаб ун олиб, тандир тўлдириб нон ёпиб ўрганган одамнинг бунақа аҳволга қўникиши қийин бўларкан. Бироқ илож қанча, “бошингга тушса, баспақчи бўласан”¹ дейишган.

Кечқурун ётиш олдидан Ажимурот отасига бир хат келтириб берди.

– Бу кимдан келибди? – деди Ўтамурот нотаниш дастхатга ажабланиб тикилиб.

– Эрталаб берарман деган эдим, – деди Равшан кун бўйи бу хабарни ундан яшириб ўтирганидан хижолат чекиб. – Сизни эртага Кегейлига судга чақиришган. Бир ҳисобда, улгурганингиз яхши бўлди.

– Судга?! Мен нима айб иш қилган эканман?

– Сиз ҳеч қандай айб иш қилганингиз йўқ. Лекин Ойхоннинг турмуш қуриши катта ғавғага айланиб кетди. Кимдир инимни судга берибди.

– Нега?

– Қалин моли олди, деб...

– Ростдан ҳам олганмиди? Ойхонни узатишганида бунақа гап йўқ эди-ку?

– Олган экан. Қуда билан бизнинг Қиличбой пинҳона келишишганга ўхшайди. Ҳозир одамлар ернинг тагида илон қимирласа биларди.

– Энди нима қилмоқчи? Бориб гаплашиб кўрдингми?

– Гаплашдим. Укам “поччам менинг айтган гапларимни маъқуллаб турсин, қолганини ўзим биламан”, деб тайинлаб юборди...

– Мен нимани маъқуллашим керак экан?

– Билмайман. У ёғини айтмади.

Ўтамурот бироз ўйланиб қолди.

– Эртага ўша ерга бормасам нима бўларкин? – деди сўнг Равшанга маслаҳат солиб. – Бугун чет элдан келиб, эртага судга борсам, одамлар нима деб ўйлайди?

– Бораверинг. Менам ёнинигизда бўламан. “Элнинг оғзини тийиш учун элик қарич бўз керак” дейишган. Бормасангиз барибир судни кейинроққа қолдиришади. Қиличбой ҳам “поччам келмагунча саволларингизга жавоб бермайман”, деб оёқ тираб ўтирибди.

Шу билан бу гапга нуқта қўйилди. Эр-хотин эртаси куни вақтли туриб, туманга йўл олишди. У ерда Ўтамуротнинг хориж сафарига бориб-келганини биров билиб-бирова билгани йўқ.

Суд мажлиси бошланган экан.

– Ҳўш, айбланувчи Хўжаев, айбингизга иқроор бўласизми? – дея савол берди суд раиси Қиличбойга юзланиб.

– Мен поччам келиб гувоҳлик бермагунча айбимга иқроор бўлмайман ҳам, биронта саволингизга ҳам жавоб бермайман, – деди Қиличбой.

¹ Қорақалпоқ халқ мақоли, “бошингга тушса, бузоқ ҳам боқасан” деган маънода.

Шу пайт суд залига Ўтамурот билан Равшан кириб келишди.

– Сиз кимсиз? – деди судья Ўтамуротга синчковлик билан тикилиб

– Мен гувоҳ Мирзамуротовман.

– Жуда яхши. Ўтиринг.

Улар охирги қатордан жой олишди.

– Поччангиз шу кишими? – деди судья Қиличбойга юзланиб.

– Ҳа.

– Ҳўш, энди айбингизни бўйнингизга оласизми?

– Йўқ.

– Нега?

– Чунки мен қариндошимдан қалин моли олганим йўқ!

– Унда уйингиздаги иккита бузоқли сигир кимники?

– Поччамники.

– Буни қандай исботлайсиз?

– Поччам овулдаги уйини қолдириб, шаҳарга кўчиб кетди. Бу орада Қудайназар бизникига келиб, менинг қариндошим Ойхонни кенжа ўғли Отаназарга сўради. Қизнинг бўйи етиб қолганди. Бунинг устига, Отаназар ҳам ёмон йигит эмасди. Гап-сўзлари жойида. Овулда дўкончилик қилади. “Икковининг юлдузи-юлдузига тўғри келса, менинг қаршилигим йўқ”, деб жавоб бердим Қудайназарга. Хуллас, тез орада уларнинг тўйи бўлди. Уч-тўрт ойдан сўнг Қудайназар тагин олдимга келди.

– Қиличбой иним, менам анча қартайиб қолдим, – деди. – Уйимда Ойхондан бошқа келиним ҳам бор. Ҳовлимиз торлик қилиб қолди. Кенжа ўғлим бўлсаям, Отаназарнинг рўзгорини бўлак қилмоқчиман.

– Ихтиёрингиз, – дедим.

– Анчадан бери поччангнинг ҳовли-жойи бўш турибди, – деди Қудайназар мақсадга кўчиб. – Одам яшамаган уй ўз-ўзидан тўзади. Поччанга айт, шу уйини бизнинг ўғилга сотсин. Тагин отасининг баҳосини кўймасин. Уйда бузоқли иккита сигирим бор, эвазига ўшаларни бераман. Бундан ортиғига қурбим етмайди. Қолган икки сигир кампирим икковимизнинг ўлимлигимизга турсин.

Мен унга поччам билан гаплашиб кўришга ваъда бердим. Поччам ҳам, “майли, розиман, ўзим ҳам овулдаги ҳовлини қандай сотишни билмай юрган эдим, лекин сигирлар ҳозирча сенинг қўрангда тураверсин”, деди. Бор гап шу. Қуданинг бузоқли сигирларини бизнинг қўрага олиб келиб боғлаганини кўрган баъзи одамлар, “Қиличбой қудасидан қалин моли олди” деб ёзиб юборишган. Аввалроқ терговчиларга ётиғи билан тушунтирган эдим, бу масалани судгача олиб чиқишнинг ҳожати йўқ эди.

Ўтамурот ҳайрон бўлиб Равшанга қаради. Равшан “сир бой бермай тураверинг”, дегандай унинг биқинига туртиб қўйди.

– Гувоҳ Мирзамуротов, – деди судья Ўтамуротга юзланиб. – Шу гаплар тўғрими?

Шу пайт ўнг тарафдаги қаторда ўтирган Қудайназар шартта ўрнидан турди.

– Шошилманг, судья чирогим, – деди у қўлини олдинга сермаб. – Бу гапни чувалаштиришнинг нима ҳожати бор? Қиличбой иним, сен менинг қудамсан-а?!

Қудасининг асл муддаосини пайқаган Қиличбой унинг саволига жавоб бермади.

– Айтавер, қудамсан-ку?
 – Хўп, нима бўпти қуда бўлсак?!
 – Бу – биринчидан, – деди қария қизишиб. – Иккинчидан, сен муаллимсан! Тўғрими?.. Тўғри! Болалар сенинг гап-сўзларингдан ўрнак олишади! Нега уялмасдан ёлгон гапириб ўтирибсан?! Мен қачон сенинг поччангинг ҳовлисини сотиб олдим? Уларнинг ўзи “ўглингиз оиласи билан шу уйда яшаб турсин, кимсасиз жойни зах олади”, деб илтимос қилишувди-ку? Ё гапим ёлгонми? Ҳой, орқада ўтирган қудагай, сен нимага индамайсан?

Равшан ерга қаради.

– Аслида, буларда айб йўқ, – деди қария бироз ҳовуридан тушиб. – Ким ҳам бугун ўзининг уйини бировга текинга бериб қўярди?.. Қолаверса, қадимдан қиз боланинг қалини қирқ туғар қилиб белгиланган. Битта сигир ўн туғар ҳисобланади. Демак, тўртта сигир қирқ туғар бўлади. Ҳалиям мен унинг ярмини бериб ўтирибман. Шундай қийинчилик замонида қизни тарбиялаб вояга етказган, едириб-ичириб, қийинтирган одамларнинг бунга ҳаққи йўқми?..

– Гапингиз тугадими, оқсоқол? – деди судья сабри чидамай.

– Йўқ, қароғим, гапимни бўлма. Йўқса, биратўла бу ердан чиқиб кетаман. Тагин айтмоқчи бўлганим, райондан юборилган вакилларнинг ҳаммаси бизнинг овулда, суд бизнинг овулда, прокурор бизнинг овулда, мелисаси бизнинг овулда! Сигиринг иккита бўлса, бирини етаклаб кетишяпти, бузоғинг олти ойдан ошса, тортиб олишяпти, қўйингнинг саноғи учтадан кўпайса, олдига солиб кетишяпти. Кеча бозорда иккита эчкимни ўн сўмга сотиб келдим. Жудаям алам қилди! Ундан кўра, эчкиларни сўйиб, гўштини итимнинг олдига ташласам бўлмасмиди, деб ўқиндим уйга қайтаётиб. Бунисиям майли, кечаги чоршанбада тўй-маъракаларга миниб юрган эшагимни челга боғланган жойида отиб кетишибди. Эчки, эшак деган жониворлар жин кўринди-ку, сизларнинг кўзингизга!

– Бўлди, ота, раҳмат! – деди судья столни тақиллатиб. – Келингизга қалин моли берганингиз ростми?

– Рост! Тўримдан гўрим яқин бўлиб турганида, буям бўйнимда қарз бўлиб қолмасин дедим-да.

Қиличбой бошини чангаллаганча ерга қаради.

– Қалин моли бериш жиноят эканлигини биласизми?

– Менинг жиноят-пиноят билан ишим йўқ, қароғим. Мен одам ўлдирганим йўқ. Мободо ҳукумат “биронта қарияни топиб судланг” деб қулоғингизга қуйиб қўйган бўлса, судлай қолинг. Қолган умримни ўша ёқларда бир амаллаб ўтказарман!

– Айбланувчи Хўжаев, гапингиз борми?

Қиличбойдан садо чиқмади. Ўтамурот аста ўрнидан туриб, залдан чиқиб кетди.

Ярим соатдан кейин ҳукм ўқилди. Қалин моли учун берилган бузоқли сигирлар давлат ҳисобига мусодара қилиниб, Қиличбойга икки йиллик шартли жазо тайинланди.

20

Баҳор оёқлаган кезларда Ойхон ўғилли бўлди. Отаназар ўша куни эрталаб илк бор Ўтамуротнинг ишхонасига қўнғироқ қилди.

– Ўтамурот оға, мени табрикласангиз бўлади!

– Нима муносабат билан?

– Божангиз ўғиллик бўлди!

- Ия, муборак бўлсин!
- Раҳмат! Менинг меросхўрим дунёга келди!
- Унақа деманг! Буниси ҳали бошланиши, омонлик бўлса, яна талай меросхўрларингиз туғилади.
- Йўқ, мен меросимни тўнғич фарзандимга қолдираман.
- Одатда, отанинг мероси кенжатоё болаларга қоларди-ку?
- Аҳмоқлик бу.
- Нега?
- Қенжа ўғил ношуд бўлади.
- Йўғ-ей, Отаназар иним, қайси афсонани олиб қарама, ақллиси ҳам, ботири ҳам кенжатоёлардан чиқади.
- Сиз ўзингиз йиғиб юрган эртақларга ишонасизми? Мана, кўрасиз, менинг тўнғичим ақлли бўлади. Хуллас, гап бундай божа, мен тўнғичимга атаб тўй бермоқчиман. Тўйда “олтин қовоқ”¹ оттирмасам ҳам, бахшига дoston айттириб, пойга, кураш, қўчқор уриштириш мусобақаларини ўтказаман.
- Отаназар, ҳозир халқнинг кайфияти бунақа дабдабани кўтарадиган аҳволда эмас. Одамларнинг супрасида бўлмаса, халтасида уни йўқ бир пайтда...
- Ўтамурот оға, тўйни одамлар эмас, мен бераман, – деди Отаназар унинг гапини бўлиб. – Тўйга аталган мол-жонлиқ қозикда боғлоғлиқ, халта-халта ун омборда тахлоғлиқ, ёғ тўла бочкалар ертўлада думалаб ётибди. Сиз бу томонидан хавотирланманг. Қолаверса, тўй баҳона одамларнинг ҳам бир қорни тўйиб қолади!
- Ўтамурот божасига ақл ўргатиш бефойда эканлигини тушунди. Отаназар маслаҳат олиш учун эмас, шунчаки бўлажак тўйдан бохабар қилиб қўйиш учун кўнғироқ қилган эди. Унинг ўғит-насихатларга муҳтож эмаслиги кўриниб турарди. Шу топда Отаназар бир умр фарзанд ҳасратига гап чекиб ўтиб, қартайган чоғида орзусига эришган ота каби хурсандчиликдан ўзини кўярга жой тополмасди. Отаназар эртаси куни яна кўнғироқ қилди. Гап оҳангидан туни билан ичиб, ҳалигача ўзига келолмаганлиги сезилиб турарди.
- Хўш, божа, тўйга келасизми? – сўради Отаназар.
- Ие, нега бормас эканман? Албатта бораман. Тўй қачон?
- Келаси чоршанба куни!
- Тезлаштириб юбормаяпсанми, ишқилиб?
- Боя айтдим-ку, молим кўрада, уним омборда! Яна нимани кутишим керак? Қариянинг кўзи очиқлигида тўйни ўтказиб олмоқчиман. Кекса одам, бугун бор бўлса, эртага йўқ.
- Майли, ўзинг биласан. Тўйга албатта борамиз.
- Лекин сиз тўйдан бир-икки кун олдин келасиз. Ҳа, айтгандай, ўша томонларда Убайхон деган бахши чиққан экан, овози менга ёқиб қолди, ўшани ҳам ўзингиз билан ола келинг.
- Маъқул.
- Ўтамурот Равшанни тўйдан икки-уч кун бурун божасиникига жўнатиб юборди-да, ўзи бир кун қолганида етиб борди. Чиндан ҳам тўйнинг тараддуди зўр эди. Лекин бу тантана ишнинг ҳам айни тигиз даври – экин пайтига тўғри келган эди. Шунинг учун раис билан бригадир тез-тез келиб, “унчалик дабдаба қилманг” деб уни огоҳлантириб кетишарди.

¹ “О л т и н қ о в о қ” – қадимда олтинранг тусга бўйланган қовоқни мўлжалга олиш бўйича ўтказилган мерганлик мусобақаси шундай номланган.

Очиғи, Отаназар дўкондор бўлмаганида бунақа тўй бериши амри-маҳол эди. Элнинг бошига тушган қимматчилик туфайли дўкондор билан омборчининг чироғи ёниб қолган эди.

Пойгада от қўшадиган одамлар тўйга бир кун бурун етиб келишаркан. Улар ҳар уйга уч кишидан қўноққа буюрилди. Чавандозлар туни билан юриб, Сулаймон партовнинг қибла тарафидаги шўрхок майдонида отларини совутиб чиқишди. Уларнинг овулда от ўйнатиб юришига раис рухсат бермади. Афтидан, тунда райкомнинг биринчи котиби овул ораласа керак.

Каттагина хоналардан бири тўйга атаб пиширилган бўғирсоқ ва нон билан лиқ тўла эди. Бир вақтлар Ўтамурот бу хонада меҳмон кутарди. Отаназар тўрдаги иккита хонани бирлаштириб, кенг-мўл меҳмонхонага айлантирибди. Аввалига Ўтамурот божаси ўзидан бир оғиз рухсат сўрамаганидан оғринди-ю, лекни бу уйга энди қайта кўчиб келмаслигини ўйлаб, кенгфёшлик қилди. Бироқ бу нарса Равшаннинг кўнглига қаттиқ ботди. У ҳам куёвига ҳеч нарса демаган бўлса-да, лекин синглисига таъна қилишдан ўзини тийолмади. Отаназарга гапириш бефойда, ҳозир у осмону фалакда учиб юрибди.

Эртанги тўйнинг маслаҳатига тўпланган қўни-қўшнилар алламаҳалда тарқалишди. Улар вақтгироқ туришмоқчи эди, аммо Отаназар бунга изн бермади. Ўша куниеқ у бисотида борини дастурхонга тўкиб ташлади. Ҳартугул, у Ўтамуротни ичкиликка унчалик зўрламади.

— Бизнинг божамиз илмнинг одами, илм одамлари майда бўлишади. Колба билан ўлчаб, ангишвона билан ичишади! — дея қаҳ-қаҳ уриб кулди-да, шундан сўнг қўни-қўшнилар билан андармон бўлди. Ўтамурот ҳам унинг сархушликда айтган телба-тескари гапларига унчалик аҳамият бермади.

Эрталаб азондан тўй қизиб кетди. Тонг оқариши билан мол сўйилди. Тез орада бир дошқозонда шўрва, бир дошқоғонда ошнинг зирваги биқирлаб қайнай бошлади.

Чошгоҳга яқин дўкон қоровули Наримбетнинг ўғли ҳовлиқиб югуриб келди.

— Отаназар оға, дўконга бир тележка ун келди.

— Бориб, тракторчига айт, бугунча қайтиб кетаверсин. Эртага ёки индин олиб келсин.

— Лекин отам сизни кутиб турибди.

— Эй, бор деяпман сен болага! Сенинг отанг ким бўпти!

Бола гирра ортига қайтди.

— Бориб келсанг яхши бўларди, — деди Ўтамурот Отаназарга.

— Мен кетсам тўй нима бўлади, ёшулли! Ҳозир мен бир тележка ун туширсам, бу одамлар қора чивиндай дўконнинг теварагида ўймалашиб қолишади! Ана ундан кейин тўй бир ёқда қолиб кетади.

Шундан сўнг Ўтамурот ҳам индамай кўя қолди. Отаназарнинг кўпчилик таниш-билишлари тўйга эчки етаклаб келишмоқда эди.

— Тўёнага олиб келаётган молини қаранг! — деди тракторнинг тележкасидан эчки тушираётган одамларни заҳарханда илжайганча кузатиб турган Отаназар. — Ҳукумат эчки зотига қиргин келтираётганини билишади булар. Лекин ўзларини худди туя етаклаб келаётгандай тутишади! Қайтариб олиб кет, десанг уят бўлади...

— Қўявер, борига барака!

— Унда, бир ўзингизга битта эчки сўйиб берайми, божа?

Ўтамурот кулди.

— Мени бунчалик иззатлашинг шарт эмас, иним.

– Вой, падарингга лаънат! – деди бир пайт Отаназар йўл томонга қараб. – Булар тўппа-тўғри уйга бостириб келаяпти-ку.

Тележкасига ун юкланган трактор Отаназарникига яқинлашиб келмоқда эди.

– Иним, ўғлинг сердавлат одам бўладиганга ўхшайди, – деди кимдир. – Тўёнага бир тележка ун олиб келишяпти-ку.

– Отаназар оға, унни шу ерда сотсангиз, меҳмонларнинг овқати-га хамир солиб берар эдик.

– Сени қара-ю, арпанинг унидан хамир чиқарканми?

– Йўқ, тележкадаги ун иккинчи сортга ўхшайди. Халтаси оқ-ку.

– Эй, сизлар ҳечам хомтама бўлманглар, – деди Отаназар уларга. – Меҳмонларимга кесак тўғраб берсангиз ҳам, бугун ун сотилмайди. Эртага ҳам! Ҳали бу уннинг ҳужжатлари райПОда! Одамларнинг рўйхати овул кенгашида! Икки ёшга тўлмаган болаларга ун берилмайди, чунки улар ҳали онасини эмади, нон емайди.

Бу орада трактор уларнинг рўпарасига келиб тўхтади.

– Начора, Ўтамурот оға, – деди Отаназар костюмини елкасига ташлаб. – Мен бориб, унни дўконга туширтириб келаман. Тўйга келган меҳмонларга ўзингиз қараб туринг.

Кўпчилик тўйхонани ташлаб, дўконга югуришга ҳам тайёр эди. Бироқ Отаназарнинг бояги гапидан сўнг бунга журъат қилолмай, ун тўла тракторнинг ортидан ҳасрат билан қараб қолишди.

Бирин-кетин келаётган меҳмонлар муборакбод этиш учун Отаназарни ахтаришарди. Лекин у дўкондан қайтгани йўқ. Отаси Қудайназар бир ойдан бери тўшакка миҳланиб ётган экан. Тўйни ўз кўзи билан кўрсин дея эрталабдан ташқарига жой қилиб уни ўтқазиб қўйишган эди. Лекин кўп ўтиришга қариянинг ҳоли келмади, “мени тўшагимга олиб бориб ётқизинглар, бу ерда ортиқ ўтиролмайман”, деди у.

Қудайназар чолни тўйда хизмат қилиб юрган ўғилларидан бири уйига олиб кетди. Шундан сўнг меҳмонлар Ўтамуротга “қутлуғ бўлсин” айтиб кета бошлашди.

Кун пешинга оққан бўлса-да, ҳалигача Отаназардан дарак йўқ эди. Ош ҳам дамлаб қўйилди. Улкан дошқозондаги шўрванинг гўшти ҳил-ҳил пишиб, сузишга тайёр бўлди.

Шу пайт бир отлиқ тўйхона томонга қуондай учиб кела бошлади.

– Ие, бу отлиқ ўзимизнинг Тонгжар биргад-ку, – дейишди одамлар.

– Тинчликмикин, ишқилиб? Биргаднинг қадам олиши бежороқ.

Тонгжар бригадир тўпланиб турган оломоннинг қаршисида отининг жиловидан тортиб, уни зўрға тўхтатди.

– Йигитлар, аҳвол чатоқ! – деди у нафаси бўғзига тиқилиб.

– Ҳа, тинчликми?

– Отаназарни отиб кетибди!

– Нима?

– Қим?

– Қодирбой насосчининг ўғли!

– Ё тавба!

– Бу қандай кўргилик!

– Ўзи тирикми, ишқилиб?

– Милтиқни қулоғига тираб отгандан кейин қанақасига тирик қолади?!

Тез орада ун халталари тушириб олинган тракторда Отаназарнинг жасадини олиб келишди.

Дабдаба билан бошланган тўй азага айланди.

21

Қодирбой насосчининг ўгли Эражап Отаназарни нима учун отганини терговчилардан яширмади.

– У менга панд берди, – деди киприк қоқмай. – Мени калака қилгани учун ундан ўч олишнинг бошқа йўлини тополмадим.

– Нима деб калака қилди?

– Мен насосни ўчириб, уйга қайтиб келаётган эдим. Дўконнинг олдидан ўтаётсам, у ерда ун ортилган тележка турган экан. У ерда сигарет чекиб турган Отаназарнинг менга кўзи тушиб қолди.

– Ҳой, Эражап, бу ёққа кел! – деб чақирди у. Шундоғам ўзим Отаназарнинг олдига бораётган эдим. Ҳар куни ишга отланаётганимда онам, “дўкондан хабар олиб тур, ун келиб қолиши мумкин”, деб тайинларди.

– Манави унни тушириб бер, – деди у менга.

– Неча халта? – деб сўрадим.

– Олтмиш халта.

– Бир ўзим тушираманми?

– Бир ўзинг бўлсанг, нима қипти? Келбатингни қара, елканга нақ икки халта ун жойлашади, – дея кулди у мени мақтаган бўлиб.

Тўғриси, худо бизни куч-қувватдан қисмаган. Ўн тўрт ёшимдан тўйларда кураш тушаман. Лекин шу чоққача билагим йўғон экан деб бировга мушт кўтармаганман.

– Эвазига нима берасан? – дедим мен ҳам кулиб.

– Ўзинг нимани хоҳлайсан, – деди у. – Пул берайми, ун берайми?

– Яхшиси, ун берақол, – дедим.

– Келишдик, – деди Отаназар ҳам рози бўлиб. – Агар мана шу унни бир соат ичида тушириб берсанг, бир халта унни орқалатиб юбораман.

Қувониб кетдим. Ҳозир бир халта ун пиёда тугул, отлиққа топилмайди. Уни уйга кўтариб борсам, отам билан онам жуда хурсанд бўлади деб ўйладим.

Шу заҳоти камзулимни бир чеккага улоқтириб, ишга киришдим. Тракторчи ун тўла халталарни елкамга юклаб турди, мен елиб-югуриб ичарига ташийвердим. Аъзойи баданим терга ботиб, кўйлагим ҳам жиққа ҳўл бўлиб кетди. Хуллас, айтилган вақтда унни тушириб бердим.

– Энди ҳақимни бер, – дедим Отаназарга.

– Уловингни олиб кел, – деди у.

– Беравер, орқалаб кетавераман, – дедим. – Уйим яқин-ку.

– Ҳазилингни кўйсанг-чи, жўра, – деб кулди у. – Бориб, эшагингни миниб кел.

Унинг жаҳлини чиқармаслик учун гапига кўниб, уйга югурдим. Эшакни эгарсиз миниб борсам, Отаназар дўконнинг эшигига кулф ураётган экан.

– Кечикдинг, жўра, индинга келасан энди, – деди у калитни кулфидан суғуриб ола туриб.

Мен эшакдан сакраб тушдим-да, унинг кўлидан тутдим.

– Оч дўконни, менга ун ҳозир керак!

– Бермасам, нима қиласан? – деди у кўзларини чақчайтириб.

– Нега бермас экансан?! Ўзинг лафз қилдинг-ку!

– Одамлар жон бошига икки ярим килодан олиб турганида, сенга халталаб ун берадиган аҳмоқ бор эканми!

– Унда нега ваъда қилдинг?

– Ваъда қилсам нима бўпти? – деди у пинагини бузмай . – Танангдаги ҳаром тер кураш тушганинда ҳам тўкилади-ку. Ундан кўра, бизникига тўйга юр, ўзим сенга бир пиёла ароқ қуйиб бераман.

Бейхтиёр қоним қайнаб кетди. Отаназарнинг қўлидан калитни тортиб олиб, дўконни очдим. Ичкаридан бир халта унни елкалаб чиқмоқчи эдим, лекин у бўсағада қаддини кериб туриб олди.

– Мен тирик эканман, бу дўконга қадам босолмайсан!

Бу орада тракторчи билан қоровул келиб, менга ёпишишди.

– Қўйиб юборинглар уни! – деди Отаназар кеккайиб. – Қани, менга қўлининг учини текизиб кўрсин-чи, турмада чиритаман бунни.

– Шунақами?

– Шунақа. Бу ер сенга кураш тушиладиган давра эмас, ҳукуматнинг дўкони. Калитни бу ёққа бер.

– Кўпам қонимни қайнатма! – дедим муштумимни туғиб.

Отаназар бу гал ҳам сўзларимни парвойига келтирмади.

– Оббо, жудаям кўрқитиб юбординг-ку! – деди у мени баттар мазахлаб.

Ортиқ чидай олмадим. Дўконнинг қулфини чангаллаганча уйга югурдим. Келасолиб қўшотарни ўқладим-у, яна дўконга қараб чопдим. Етиб борганимда Отаназар билан Сарсенбой оға битта шишани ўртага қўйиб олиб, вафлини газак қилган қўйи ароқ ичиб ўтиришарди. Менинг қўлимдаги милтиқни кўриб, унинг ранги оқариб кетди. Сарсенбой оға эса жонҳолатда дўконнинг ичкарисига қараб қочди. Лекин Отаназарнинг йўлини тўсиб қолдим. У ортига тисарилиб бориб, деворга тақалиб қолди.

– Олавер, жўра, истасанг, икки халта ол! – деди у кўрқувдан дагда қалтираб.

Лекин энди менга унинг кераги йўқ эди. Милтиқнинг учини қулоғига тираб туриб, тепкини босиб юбордим. Бошининг ярми ўпирилиб тушди. Милтиқни шу ерга ташладим-да, тўғри мелисахонага қараб жўнадим. Бор гап шу.

Жиноятчи юз берган воқеани рўй-рост айтиб бериб, айбини бўйнига олгач, гувоҳларни сўроққа тутишга ҳожат қолмади. Овулдан борган бир гала одам жимгина ортга қайтишди. Уларнинг орасида Ўтамурот билан Равшаң ҳам бор эди.

Бу воқеа Ўтамуротни бутунлай эсанкиратиб қўйди. У икки кун ишга ҳам чиқолмади. Ниҳоят, учинчи кун бироз ўзини қўлга олиб, ишга йўл олди. У Отаназарнинг фожиаси билан овора бўлиб юрган кезларда ўзи ишлайдиган иккала институтга ҳам “Мирзамуротовни сиртдан кузатиб юринглар. Қайноғаси судланган, божаси отилган. Ҳавфли шахс” деган мазмунда яширин хабарнома борган эди. Лекин Ўтамуротнинг ўзи бу гапдан беҳабар эди. Қолаверса, уни обком котиби Сейтмуратовнинг шахсан ўзи яхши кўриши ва қўллаб-қувватлаши кўпчиликка маълум эди. Шунинг учун ҳам ҳеч ким уни сиқувга олишга ботинолмади. Ўтамурот аввалгидек ўринбосарлик лавозимида ишлайверди.

Фалокат бир келса, қўшалок келаркан. Саратоннинг жазирамали кунларидан бирида Равшан изсиз гойиб бўлди. Ҳамма ҳайрон. Пешин пайти уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган. Қаёққа кетганини ҳеч ким билмайди. Отаназарнинг ўлимидан сўнг Сағийда Ойхонникида у билан бирга яшаб турган эди. Моҳийда эса отасининг шогирди бўлмиш бир аспирант йигит билан ўғринча гаплашиб юраркан. Уша кун у ҳам йигит билан учрашиш учун боққа кетган. Уйда қолган

Ажимурот билан Отамурот онасининг қаерга, соат нечада кетганини билмайди.

– Тушдан кейин чиқиб кетувди, – уларнинг бор-йўқ билган гапи шу.

Равшанни ахтармаган жойлари қолмади. Ойхон ҳам уйини қулф уриб, Сағийдани етаклаб уларникига келди. Бироқ бундан нима фойда? Минг сўраб-суриштирган билан “кўрдим” дейдиган одам йўқ.

Кейинги икки-уч ойнинг ичида Ўтамурот ўзини анча олдириб қўйди. Дастурхон бошида фарзандлари “онажон!” деб йиғлашга тушганида чидаб туролмай, ташқарига чиқиб кетади. Дастлабки кунларда уларни гоҳ яхши гаплар билан, гоҳ уришиб, юпатишга уриниб кўрган эди. Бироқ болаларининг баттар ўксиниб йиғлашларини кўриб, шундай йўл тутишни маъқул кўрди.

Ўтамурот ишхонада ҳам анча одамови бўлиб қолди. Назарида ҳам-касблари “бу ишда унинг ўзининг қўли бор эмасмикин”, дея шубҳа қилаётгандек туюларди.

Сентябрда уни обком котиби Сейтмуротов хузурига чақиртирди.

– Бошинга тушган савдолардан хабарим бор, – деди у. – Мободо, аёлинг илгаридан бирон хасталик билан оғриб юргани йўқмиди?

– Йўқ.

– Бу борада бировдан гумон қилиб бўлмайди. Сизларнинг соҳан-гизда ҳам ҳасадгўйлар учраши мумкин, лекин ўқимишли одамларнинг қўлидан бунақа ёмонлик келмайди.

Шундан сўнг у Ўтамуротни эшиккача кузатиб қўйди.

– Хафа бўлма, иним, ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Шу фалокат олдимиздан чиқиб қолмаганида, сени институт директорлигига тайинламоқчи бўлиб тургандик. Лекин зиёни йўқ, бироз кутамиз. Пахта теримидан кейин бу масалага, албатта, қайтамиз. Гапим-гап! Унгача келин ҳам топилиб қолар.

– Раҳмат.

Равшан пахта терими тугагунча ҳам топилмади. Лекин Сейтмуратов ваъдасида турди. Декабрнинг бошида институт жамоасини йиғиб, директорнинг ҳисоботини тинглади. Ўтамуротни эса минбарга ўтқазиб қўйди.

– Кечирасиз, Озот Сейтмуратович, – деди кутилмаганда мажлислар залига кириб келган икки милиционердан бири. Бу пайтда институт директорининг ҳисоботи охирлаб қолган эди.

– Нима гап? – деди обком котиби ажабланиб.

– Бу ерда Мирзамуротов деган киши борми?

Ўтамурот ўтирган жойида ҳайкалдек қотиб қолди.

– Унда нима ишингиз бор? – дея Ўтамуротнинг ўрнига обком котиби жавоб берди.

– Бизда Мирзамуротовни қамоққа олиш ҳақида прокурорнинг санкцияси бор.

– Прокурорингнинг ўзи қаерда?

– Кеча Тошкентга кетувди.

– Қелсин, кейин гаплашамиз.

– Йўқ, ўртоқ котиб. Мирзамуротовни ҳозир олиб бормасак бўлмайди. Топшириқ бўйича у бугуноқ қамоққа олиниши керак. Хавфсизлик комитетининг вакили ҳам ташқарида кутиб турибди.

Сейтмуротов ортиқ қаршилик қилолмади. Ўтамуротни мажлислар залидан олиб кетишди.

Эртаси куни иккала институтга Мирзамуротов хотинининг бедарак йўқолишида гумондор шахс сифатида ҳибсга олингани тўғрисида хабар келди.

Ўтамуротни Қодирбоев деган капитан сўроқ қилди. Равшан бедарак йўқолган кезларда у жабрдийда сифатида бу идорада бир неча марта бўлган, ўшанда Жумадилов деган катта лейтенант ундан баъзи нарсаларни сўраб-суриштирган эди. Бу гал капитаннинг чехраси тунд, саволлари таҳдидли оҳангда эди.

– Тўғри ўтиринг, – деди капитан хонага кирган заҳоти унга қўрслик билан.

– Нима, қийшиқ ўтирибманми?

– Бу ерда саволни мен бераман. Гап қайтармай, айтганимни қилинг!

Ўтамурот тиззаларини жуфтлаштириб, қадини бироз тик тутиб ўтирди.

– Хотинингиз қанақа касаллик билан оғриган эди?

– Қачон?

– Сизга ҳозиргина эслатдим-ку, бу ерда саволни мен бераман, деб. Тўғриси айтинг, хотинингиз қанақа касалликлар билан оғриган эди?

– Эслай олмайман. Ора-сира тумов-пумов бўлмаган бўлса, тўшак тортиб ётгани йўқ эди.

– Илгаридан тутқаноғи бормиди?

– Йўқ.

– Сиз уялманг, ҳаётда бунақа ҳолатлар учраб туради. Баъзилар тунда беихтиёр ўрнидан туриб кетиб, аллақайларга бориб келади ёки бирон юмушга уннайди. Сўнг яна жойига ётиб ухлайверади. Бироқ буни ўзи билмайди. Хотинингизнинг ҳам шунақа одати бўлган бўлса, яширмай айтаверинг. Ўзингизга яхши бўлади.

– Йўқ, ўртоқ капитан. Хотинимнинг бунақа одати йўқ эди.

– Ўзаро муносабатларингиз қанақа эди?

– Бирон марта сен-менга борганимиз йўқ.

– Сиз фан докторисиз, хотинингиз эса бор-йўғи еттинчи синфни битирган, чаласавод аёл бўлган, балки уни менсимай, камситган бўлишингиз мумкин?

– Асло! Мен ҳеч қачон уни саводсиз аёллар қаторига қўшмаганман. Хотиним тамизли, дунёқараши кенг аёл эди.

– Бунга ишониш қийин. Майли, шундай ҳам дейлик, хотинингизнинг вафодорлигига ишонасизми?

– Ўзимдан ҳам қўпроқ ишонаман.

– Нима, ўзингизга ишончингиз йўқми?

– Энди, шунчаки айтдим-да.

– Чиндан ҳам бу гапингиздан калаванинг учи чиқиши мумкин. Айтинг-чи, хотинингизга хиёнат қилганмисиз?

– Йўқ.

– Ишонмайман.

– Нега?

– Йигитсиз-ку, ахир. Бунинг устига, олим одамсиз, юрт кезгансиз, чет элларда сафарда бўлгансиз. У ёқларда этагингизга намоз ўқиб юрмагандирсиз, ҳарқалай?

– Хотинимнинг йўқолиб қолишига бунинг нима алоқаси бор?

– Алоқаси бор!

– Билмадим...

– Нимани?

– Ўртоқ капитан, тўғриси айтсам, хотинимга бир марта хиёнат қилганман.

– Айтдим-ку!.. Қарда, Москвада, Туркияда, Арабистонда-ми? “Айланайин саллам сендан, ҳеч ким гумон қилмас мендан” дегандай..

– Хорижда эмас, овулда.

– Қачон?

– Анча йиллар бурун. Янги уйланган пайтларим эди... Ўшанда ҳам ўз хоҳишим билан қилганим йўқ бу ишни.

– Нима, мажбурлашдимми?

– Шунга яқинроқ.

Капитан ҳиринглаб кулди.

– Аёл бўлганингизда бу гапингизни тушунса бўларди. Лекин эркак зотини хотин киши мажбурлабди, деган гапга ким ишонади?

– Рост, бир бева аёл тунда тўшагимга кирган эди. “Кет” десам йиғлади. Шундан сўнг..

– Бу гапни хотинингиз эшитганмиди?

– Йўқ.

– Тўғриси айтаверинг. Балки шу сабабли хотинингиз билан тез-тез жанжаллашиб тургандирсиз?

– Бирон марта жанжаллашганимиз йўқ. Мен неча марта унга бу гапни айтишга чоғландим, лекин уни хафа қилиб қўйишдан қўрқдим.

– Ўртоқ Мирзамуротов! – деди капитан қўлидаги ручкасини қоғознинг устига қўйиб. – Бунақа чўпчакларингизни талабаларингизга айтасиз. Бизни алдайман деб хомтама бўлманг. Вақтимни олмай, тўғриси айтинг, хотинингизни қандай қилиб ўлдирдингиз? Жасадини қаерга яширддингиз? Отизнинг ичига кўмдингизми ёки Қизкетган каналига ташладингизми?

– Мен сизга бундан ортиқ жавоб беролмайман! – деб Ўтамурот газаб билан ўрнидан туриб кетди.

– Ўтиринг! – деди капитан ҳам қаддини ростлаб. – Жавоб бермоқ тугул, ҳали маймун бўлиб ўйинга тушиб кетасиз!.. Сержант!

Хонага сержант кириб келди.

– Олиб бориб, қамаб қўйинг!

Сержант Ўтамуротнинг қўлига кишан солиб, камерага бошлади. Шундан сўнг уч кунгача ҳеч ким ундан хабар олмади. Шанба куни чошгоҳга яқин икки милиционер Ўтамуротни ўйига етаклаб келиб, хоналарни, ҳовлини тинтув қилишди. Болалари Ўтамуротнинг қўлида кишан билан келганини кўриб, қўрққанларидан бақадек қотиб қолишди. Кейинги ҳафтадан сўроқ янада кучайтирилди.

– Хўш, ёдингизга тушдимми? Гапиринг!

– Бор гапни айтганман.

– Қайсарлигингиз ўзингизга зиён.

Ўтамурот индамади.

– Оилада пул кимнинг қўлида турарди?

– Хотинимнинг.

Капитан яна ҳиринглаб кулди.

– Ё мен аҳмоқман, ё сиз ўлгудай қув одамсиз!.. Кимсан – фан доктори, профессор бўлатуриб, топган-тутганингизни саводсиз хотинингизнинг қўлига тутқазиб қўярмидингиз! Шу жавобингиз билан нимага эришаман деб ўйлаяпсиз? Ҳозир изоляторга ташлаб, ёнингизга каллакесарлардан бирини қўшиб қўйсам, эрталабгача нақ булбул бўлиб сайрайсиз! У сизнинг илмий даражангизни сўраб ўтирмайди.

– Бунинг учун ўзингиз ҳам қонун олдида жавоб беришингизни биласизми?

– Турманинг ёзилмаган қонунлари бўлади, ёшулли! Мен жавоб бергунимча сиз бир мучангиздан айриласиз ёки ақли заиф бўлиб қоласиз. Ундан кўра, тўғриси айтиб қўя қолинг. Барибир айтмаганингизга қўймаймиз.

Ўтамурот индамади.

– Кутиб турибман! – дея зуғум қилди капитан.

– Кутмай қўя қолинг, менинг бошқа айтадиган гапим йўқ.

– Сержант!

Сержант кирди.

– Гувоҳни олиб кириш.

Ўтамурот ҳайрон бўлди. Қанақа гувоҳ?

Ташқаридан кўшниси Ўроқбой кириб келди.

– Сиз бу одамни танийсизми? – деди капитан унга юзланиб.

– Танийман.

– Ким бу?

– Мирзамуротов Ўтамурот, менинг кўшним.

– Буларнинг оиласи ҳақида нималарни биласиз?

– Ҳеч нарса!

– Ўжарлик қилма! Кечаги кўрсатмаларингни такрорла!

– Кеча нима дедим?

– Мен сендан сўраяпман!

– Кеча сизга ҳеч нарса деганим йўқ. Тухмат қилманг одамга!

Капитан яна сержантни чақирди.

– Икковиниям олиб бориб қамаб қўйинг.

– Мени қамашга ҳаққингиз йўқ! – деди Ўроқбой гезариб.

– Ҳаққингни танитиб қўяман сenga!.. Олиб чиқинг.

Ўтамурот Ўроқбойнинг нима деб кўрсатма берганини билолмай ҳайрон эди. Аммо уларни бошқа юзлаштиришмади.

Уч кундан кейин Ўроқбойни қўйиб юборишди. Ўтамуротни эса бир ой ҳибсда ушлашди. Оқшомлари ўрндан тургазиб тергов қилишди, тонг отмасдан уйғотиб сўроққа тутишди. Бироқ ҳеч бир янги гап олишолмади. Унда терговчига айтадиган янги гапнинг ўзи йўқ эди. Шу тариқа Равшаннинг бедарак йўқолиши сабаби очилмасдан қолаверди.

Ўтамурот қамоқдан чиқиб келган куни қўни-қўшнилар билан кўча оқсоқоллари йиғилиб келиб, ундан кўнгил сўрашди. У қамоқда ётиб, фарзандларини жуда соғиниб қолган эди, қизлари, ўғилларини бағрига бирма-бир босиб, ич-ичидан йиғлади. Бироқ уларга буни сездирмади. Ойхон ҳам, Сағийда ҳам, Ажимурот ҳам ундан ниманидир яшираётганга ўхшарди. Отамурот эса ҳали гўдак. Ҳеч нарса билан иши йўқ.

– Моҳийда қани? – дея сўради Ўтамурот Сағийдадан.

Қизи ерга қаради.

– Ўтамурот иним, – дея гап бошлади кўча оқсоқоли, – ота-боболаримиз “қиз боланинг ақли икки кўзида”, дейишган. Икки кун бурун Моҳийда Меденбой деган аспирант йигит билан бирга кетиб қолибди. Кечадан бери қудалар қайта-қайта келиб, хабар олиб туришибди. Эрталаб ўзлари ҳам келиб қолишса керак.

Ўтамурот ҳайратдан лол бўлиб қолди. Моҳийданинг онаси бедарак йўқолган, отаси қамоққа ўтирган бир пайтда, бунинг устига, туғишган опаси Сағийдадан бурун кетиб қолгани унга жуда қаттиқ ботган эди. Равшан ёнида бўлганида, “онасининг ўзи гаплашиб қўяр, ишқилиб, бахтини берсин” деб қўя қолган бўларди.

Меденбой — ўзининг шогирдларидан. Тилли-жағли, чаққон, аб-жир йигит. Лекин унинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатлари илмга кўнгил хуши учунгина кириб қолган одамниқига ўхшарди.

— Мақсадсиз илм йўлига кириш — ақчасиз бозор оралаш билан барабар, ўғлим, — деб унга насиҳат қилган эди Ўтамурот бир гал. У эса “бу гап менга тааллуқли эмас” дегандай шарақлаб кулиб юборганди. Ўшандаёқ Ўтамурот бу йигитнинг насиҳат уқадиганлар тоифасидан эмаслигини пайқаган эди. Келиб-келиб шу йигит унга куёв бўладими!.. Лекин иложинг қанча, осмон йироқ, ер қаттиқ! Ўз бармоғингни ўзинг кесолмайсан!

Овқат ейлиб, дастурхон йиғиштириб олингач, қўшнилар хонадонга хайр-барака тилаб дуо қилишиб, уйларига тарқалишди.

Ўроқбой остонада бироз иккиланиб турди-да, бошқалар чиқиб кетгач, ортига бурилди.

— Ўтамурот оға, ўша кунги воқеадан сўнг мендан гумонсираб қолган бўлишингиз мумкин, — деди у. — Терговчининг ўзи жуда қизиқ йигит экан. Аслида бир кун аввал мен унга ҳеч қандай кўрсатма берганим йўқ. У фақатгина, “эртага сени кўшнинг билан юзлаштираман” деган гапни айтган эди. Ўшандаёқ уларнинг нияти бузуқ эди. “Кўшним хотинини болта кўтариб қувиб юрганини икки-уч марта кўрганман, деб айтасан. Кейин уни қамаб юборамиз”, дейишди. Ўшанда мен индамадим. Йўқ, десам изоляторга олиб кириб калтаклашлари аниқ эди. Менинг саводим йўқ, мени уришдан ҳам тоймасди улар.

Ўтамурот Ўроқбойга ҳеч нарса демади. Лекин унинг гапларига ҳам унчалик ишонмади. “Балки кўрсатма берган бўлиши ҳам мумкин, уни кўрқитиб, шунга мажбур қилишгандир” деган ўй кечди хаёлидан. Лекин шу заҳоти бу фикридан қайтди. Агар чиндан ҳам шундай бўлганида Ўроқбойни осонликча қўйиб юборишмасди.

Ўтамурот билан очикчасига гаплашиб олгач, Ўроқбой кетишга чоғланди.

— Ёшулли, сизга бир гап айтмоқчи эдим, — деди у остонада яна ортига бурилиб.

Ўтамурот унга савол назари билан қаради.

— Тезроқ бу ердан кўчиб кетинг!

Бир муддат орага сукунат чўкди.

— Нега? — деди Ўтамурот ниҳоят тилга кириб.

— Бу уй — хосиятсиз уй! Бу ерда сиздан олдин яшаган одамнинг хотинини ҳам жин чалиб кетган эди. Уни даволатаман деб югуриб юрганида ўнинчи синфда ўқийдиган ўғли сувга чўкиб ўлди. Лекин у бундан ҳам сабоқ чиқармади. Оқибатда учинчи синфдаги қизини машина босиб кетди. Шундан кейингина у уй-жойини ўзгартиришга мажбур бўлди. Навбат сизга келганга ўхшайди. Тезроқ бу ҳовлидан кўчиб кетинг!

Ўтамурот ўша куни тонггача киприк қоқмай чиқди. Уни яна қандай бахтсизлик кутиб турган экан? Агар болаларига бир гап бўлса, у буни кўтаролмайди. Чиндан ҳам, тезроқ бу ердан кўчмаса бўлмайди-ганга ўхшайди.

Ўтамурот ўша куни эрталаб шаҳар ижроия кўмитаси раҳбарининг қабулига кирди.

— Бир ой сабр қилинг, — деди у. — Янги қурилаётган уй битгач, ўзингизга ёққан квартирани танлаб оласиз. Сизнинг илмингиз бизга керак.

Бир ой Ўтамурот учун бир йилга чўзилгандай бўлди. У эрталаб ишга кетиб, пешинда яна уйига ошиқар, тушдан кейин идорага бориб, кечгача зўрға чидар эди. Бурунгидай кечқурунлари институтда

қолиб ишлашни ҳам йиғиштирди. Ҳар гал болаларининг соғ-саломат ўтиришганини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилмагунча кўнгли тинчимас эди.

Ниҳоят, у орзиқиб кутган кун ҳам етиб келди. Ўтамурот кўзига балодек кўриниб қолган кўримсизгина ҳовлиси эшигига қулф уриб, янги микрорайонга кўчди. Шундан кейингина бироз кўнгли тинчиди. Бу орада қизи Моҳийда ва Тиловхоннинг тўйлари бўлиб ўтди. Лекин Ўтамурот бу тўйларга бормади. Шу топда у кўнглига тўй сиғадиган аҳволда эмасди.

Кўнлардан бирида шаҳарда дув-дув гап тарқалди:

– Ўнғар деган мелиса қўшнисини отиб қўйибди!

Дастлаб Ўтамуротнинг хаёлидан “бу одам собиқ қўшнимиз, лейтенант Ўнғар эмасмикин” деган фикр кечди-ю, лекин унинг қўй оғзидан чўп олмайдиган беозор одам эканлигини ўйлаб, бу фикридан қайтди. Аммо қотил чиндан ҳам ўша Ўнғар бўлиб чиқди. Тез орада унинг суди бўлиб ўтди. Судга Ўтамурот ҳам борди. Боргани яхши бўлган экан. Ўша ерда Равшаннинг ҳам дараги чиқди.

– Айбланувчи Турдимуротов, қилган жинойатингизни бўйнингизга оласизми? – сўради судья.

– Бўйнимга оламан, – деди Ўнғар.

– Нима учун қўшнингиз Оспанов Ўроқбойни отдингиз?

– Хотиним Олмагул билан бир тўшакда ётганининг устидан чиқдим.

– Гувоҳ Соғиндиқова, айбланувчи Турдимуротовнинг шу гапини тасдиқлайсизми?

– Тасдиқлайман...

– Оспанов сизни мажбурлаганмиди ёки бу иш икковингизнинг хоҳишингиз билан рўй берганмиди?

– Хоҳишимиз билан!

– Лаънати! – деб ўрнидан туриб кетди Ўнғар. – Нега ўша пайтда унга қўшиб сени ҳам отиб ташаламадим!

– Тинчланинг! – дея Ўнғарга дашном берди судья. Сўнг яна аёлга юзланди. – Нега бундай йўл тутдингиз? Бошингизда эрингиз бўла туриб, нима учун унга хиёнат қилдингиз?

– Биринчи марта у зўрлик билан номусимга теккан эди. Кейинроқ бунга кўникиб кетдим. Ўроқбой менга бўла бўларди. Эрим ўлганидан кейин мен овулда қўп ўтиролмай, Ўроқбойнинг онаси Норча холамининг уйига тез-тез келиб турардим. Бир гал Норча холаминга: “Олмагул, ёлғиз ўғлим бефарзанд ўтаяпти. Уни барибир анави қисир хотинидан ажратиб оламан. Кейин сени келин қиламан. Холаваччалар бир-бири билан турмуш курса бўлаверади”, деди. Шу гап Ўроқбойнинг қулоғига чалиниб қолувди. Бир куни уйда иккаламиз холи қолганимизда у зўрлик билан номусимга тегди. Кейинроқ барибир менга уйланади-ку, деган хаёлда тишимни-тишимга босдим. Бироқ у хотини Нигорни яхши кўраркан. Бир куни у менга хотини билан ажрашолмаслигини рўйи-рост айтди. Бироқ Нигор иккаласи фарзанд кўрмаслиги ҳам аниқ экан. Дўхтирлар аллақачон шундай деб айтишган экан.

– Мен фарзанд кўришим мумкин, шунинг учун бола асраб олма-япмиз. Ўз боламини бағримга босиб ўтиргим келади. Ана шу болани сен туғиб берасан, – деди у.

Менинг Ўнғар билан танишиб, унга турмушга чиқишимга ҳам Ўроқбойнинг ўзи сабабчи бўлган эди. Дастлаб эгизак фарзанд кўрган-нимда у, “қайси бири менинг болам?” деб сўради.

– Иккови ҳам сеники эмас, – дедим.

Сўнг тез-тез учрашиб турдик. Ростини айтсам, ўзим ҳам унга ўрганиб қолгандим. Бир куни бирга ётганимизда гафлат босиб, эшикни қулфлашни унутибмиз. Кутилмаганда хонага Равшан чечам кириб қолди. Биз тўшақдан туришга улгурмадик.

– Вой, шўрим, бу қандай шармандалик! – деб у дарҳол ортига тисланди.

Ўроқбой ўрнидан сапчиб туриб, чечамнинг қўлидан ушлади.

– Янга, биздан бир аҳмоқлик ўтди, бизларни кечиринг, – дея ялинишга тушди.

– Бузуқ экансиз-ку, бетингиз курсин! Биз бу ердан кўчамиз! – деб Равшан чечам олди-ортига қарамай кета бошлади.

– Тўхтанг! Тўхтанг деяпман, янга!

– Йўлимни тўсма! Ҳе, қоранг ўчгур! – деб у ортига бурилиб ҳам қарамасдан эшикдан чиқа бошлади.

Шу пайт Ўроқбой шимидан камарини суғуриб олиб, Равшан чечамнинг бўйнига солди. Бояқиш жон аччиғида камарга ёпишди. Бироқ Ўроқбойга кучи етмади. Бироздан сўнг чечамнинг жонсиз танаси полга қулади...

– Кейин унинг жасадини нима қилдингиз? – сўради судья.

– Анчадан бери офилхонада бир новвос боғлаб боқаётган эдик. Ўроқбойнинг гапи билан жониворни чорбоққа етаклаб чиқдим. У эса новвос боғланган жойдан одамнинг танаси сиққудай чуқур қазиди. Мен эшик-туйнукни тамбалаб, ташқарида пойлоқчилик қилиб турдим. Бу пайтда эгизакларим ухлаб ётган эди.

Ўроқбой Равшан чечамнинг жасадини ўша чуқурга кўмди. Устига новвоснинг охуридан чиққан нишхурдни ёзиб, текислаб қўйди. Шусиз ҳам новвоснинг ўт-сувиға мендан бошқа ҳеч ким қарамасди. Равшан чечам бедарак йўқолгач, уни роса қидиришди. Лекин Ўнғар мелисада ишлагани учун ҳеч ким биздан гумонсирамади.

– Шу воқеадан кейин ҳам ўртадаги алоқани узмадингизми?

– Ўроқбой “ўғил туғиб берасан”, деб туриб олди.

– Ўғил туққанингизда ҳам фарзандингиз уники эканлигини қандай исботлардингиз?

– Аёл киши кимдан фарзанд кўрганини билмаслиги мумкинми?

– Хўп, ундан ўғил кўрган тақдирингизда ҳам эрингиз болани бегонага бериб қўярмиди?

– Берарди. Иккаласи неча марта бирга ичиб ўтириб, шунга ваъдалашганларини ўз қулоғим билан эшитганман.

– Қотиллик қай тариқа юз берди?

– Ўша куни Ўнғар Устюртдаги Жақсилиқ станциясига борамиз, деб барвақт уйдан чиқиб кетди. Бироқ нима учундир чошгоҳга яқин қайтиб келиб қолди. Бу пайтда эшик қулфлоглиқ эди. У бир зарб билан эшикнинг зулфини юлиб олди. Буёғига Равшан чечам келиб қолгандаги каби ҳолат такроланди. Бизнинг юзи қорачилигимизни кўргач, у бирдан пистолетини гилофидан чиқарди. Ўроқбой ялинганча ортига тисарила бошлади. Ўроқбойнинг қўлидаги қуролдан ҳайиқиб, унга ҳамла қилолмади, қолаверса, кучи етмаслиги ҳам аниқ эди.

Ўнғар газаб билан тепкини босиб юборди. Ўқ Ўроқбойнинг пешонасига тегди. Ўроқбой турган жойида сапчиб тушиб, ерга юзтубан қулади. Шундан сўнг эрим пистолетини менга ўқталди. Ичида ўқи бор-йўқлигини билмайман. Мен “қилт” этмай қотиб туравердим. Тақдирга тан берган эдим. У бир муддат менга гезариб тикилиб турди-

да, сўнг қуролини гилофига жойлаб, югуриб уйдан чиқиб кетди. Ташқарида яна икки нафар милиционер бор экан. Бироздан сўнг улар ичкарига кириб, Ўроқбойнинг жасадини суратга олишди. Бор гап шу.

– Сиз нима учун дастлабки терговда Равшаннинг ўлими билан боғлиқ воқеани айтмаган эдингиз?

– Билмайман...

– Суд қайта терговга қолдирилади.

Ўша куниёқ Ўнғарнинг молхонаси қазилиб, Равшаннинг жасади чиқариб олинди. Суд-тиббиёт экспертизасидан сўнг Ўтамурот хотинининг суякларини қайтадан дафн этиш учун рухсат олди. Уни Азлар бобо қабристонига қўйишгач, қариндош-уруғларни йиғиб, маъракасини ўтказди...

Равшаннинг аллақачон ўлгани аниқ-тиниқ ёдига тушгандан кейингина Ўтамурот ўзининг ҳушига келаётганини пайқайди. Боягина ўғли Ажимурот нима учун “Онам аллақачон ўлган”, деб жавоб бермаганининг сабабини ҳам тушунди. У неча кундан бери худ-бехуд бўлиб ётган чолнинг бу гапни дафъатан ақлига сиғдиролмаслигини билган экан-да.

Ўшандан бери орадан ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Бу орада Ўтамурот ўғил-қизларининг ҳаммасини уйли-жойли қилди. Невараларининг олди Америкада ўқишяпти. Республика раҳбарлари ҳурматини жойига қўйиб, унга коттеждан жой беришди, машина ажратилди. Саксон ёшгача машинасини ўзи ҳайдаб юрди. Кейинроқ қўзлари хиралашиб қолгач, рулга ўтиришни бас қилиб, машинани Ажимуротга берди. Дастлабки пайтларда у отасини айтган жойига олиб бориб юрди. Сўнг Ўтамуротнинг ўзи ўғлига рухсат берди. Чунки эндиликда Ўтамурот ўз ихтиёри бирон жойга боравермас, мажлис-маъракаларга таклиф қилишса, ўзлари олиб кетиб, яна қайтариб олиб келиб қўйишарди. Институтда ишлаб юрган вақтларида эса идоранинг машинаси хизматида бўларди.

Ўтамурот ўз умридан рози эди. Лекин кейинги ўттиз йилдан зиёдроқ вақт ичида, гарчи эл-улусга аралашиб юрган бўлса-да, у мудом ўзини ёлғиз ҳис қилиб яшади. Ҳеч ким билан дилдан сирлаша олмас, болаларига ҳам дардини ёришга тортинар эди. Равшансиз кечган ҳаётида мудом унга нимадир етишмасди.

– Ажимурот! – деди Ўтамурот овози хириллаб.

Ажимурот билан Жумабой ёнига етиб келишди.

– Лаббай, ота!

– Ёнимга ўтир.

Иккаласи чолнинг ёнига тиз чўкиб ўтиришди.

– Менинг ҳам ҳаётим охирлаб қолди...

– Ундай деманг, ота!

– Жим, отангнинг гапини бўлма! – деди Жумабой Ажимуротга. – У кишининг васиятини эшитиб қолайлик.

– Мен жуда узоқ яшадим, ўғлим. Лекин худо берган умрни беҳуда совурганим ҳам йўқ. Энди онангнинг ёнига борадиган вақтим етди. Илм йўлида олтмиш йилдан зиёдроқ хизмат қилибман. Бу йўлда амалга оширган ишларимдан элим рози бўлса, ўзим ҳам розиман. Беш-олти нафар фан докторларига, йигирмадан ошиқ фан номзодларига устозлик қилдим. Ўттиз иккитами... ҳа-ҳа, ўттиз иккита китоб ёздим. Бултур ҳисоблаганимда илмий мақолаларимнинг сони уч юзга етиб қолган эди. Лекин аниқ сонини билмайман. Шахсий кутубхонамда беш ярим мингдан кўпроқ китобларим бор. Уларни биронта кутубхонага совға қил. Кейинги авлодларга хизмат қилсин.

– Ота, сизнинг уй-музейингизни ташкил қилиб, китобларни ўша ерга қўйсақ-чи?

– Йўқ. Уй-музейга китобларнинг кераги йўқ. Мободо, раҳбарларнинг розилигини олиб шундай музей очсанг, у ерга ёзув стол-лимни, машинкамни, стол чирогимни қўясан. Бўлмаса, буям шарт эмас. Мендан бурун ҳам кўп олимлар ўтишган, мендан кейин ҳам ўтишади. Уларнинг ҳаммасига уй-музейининг нима зарурати бор?.. Кутубхонамга кирсанг, ўнг тарафдаги жовоннинг энг юқорисида эски портфелим турибди. Унинг ичида машинкада кўчирилган ўн бир бетлик мақолам бор. Ўшани кундалик нашрлардан бирига берарсан. Ўтган саксонинчи-тўқсонинчи йиллар “текканга тегиб, тегмаганга кесак отиладиган” замон бўлди. Ўшанда атрофимда юрган баъзи дўстларим кетма-кет мен ҳақимда “плагиат, кўчирмакаш”, “обком котибининг илмий мақолаларини ўғирлаган” деган мазмундаги тўхмат мақолалар чоп этишди. Ўша обком котиби Сейтмуротов ҳам аллақачон қазо қилиб кетди. “Кулон қудуққа қуласа, қулоғида қурбақа уймалашади” деганларидай, у одам энди тирилиб келиб, ҳақиқатни айта олмайди. Мен ҳам ўзимнинг ҳақлигимни исботлаб ёзган мақоламни ҳеч қаерда нашр қилдира олмаган эдим. Ҳарқалай, жамоатчилик ўша ифволарга учиб, мени ўғрига чиқариб қўймади. Шундай бўлса ҳам ўша мақолани чоп эттириб, менинг виждоним тоза эканлигини исботла, ўғлим. Мен ўлганимдан сўнг мақолаларим ҳам табаррук бўлади.

Чап томондаги жавоннинг пастки тоқчасида икки жилдлик қўлёзмаларим бор. Уни биронта қалами ўткирроқ ёзувчига элтиб бер. Ўқиб кўрсин. Маъқул тушса, бирон нарса қоралар... Ўша қўлёзмаларда болалик даврларимдан то охирагга йўл оладиган кунимгача ўтган умрим баёни битилган. Йиқилишимдан уч-тўрт кун бурун унга: “Энди етар” деган жумла билан нуқта қўйган эдим.

– Ота, уни бировларга беришнинг нима кераги бор? – деди Ажимурот. – Қўлёзмаларингизни шу ҳолича нашр қилдирсак бўлмасмикин? Ахир, ўзингиз ҳам китоб ёзиб юргансиз одамсиз-ку?

– Йўқ, болам. Мен ёзган бўлсам, илмий китоблар ёзганман. Илмий китоб деганларини ҳаммаям бирдай тушунавермайди. Ёзувчининг тили етти яшар гўдақдан тортиб, етмиш яшар чолгача бирдай тушунарли, бирдай татимли келади...

Ўтамурот дафъатан энтикиб, тили калимага келмай қолди.

– Ота, бироз дамингизни олинг, – деди Жумабой безовталаниб.

– Эй, болаларим-а, бундан буёғига биратўла дам оламан деб турибман-ку. Аллоҳ таоло тилдан қолдримасдан бурун кўнглимдаги гапларимни айтиб қолишим керак...

Ўтамурот яна бир бор тин олди.

– Отамурот кедими? – дея сўради сўнг.

– Бугун етиб келади, ота.

– Неварам-чи?

– Иккаласи бирга келишяпти.

– Уйқум келаяпти, Ажимурот. Иккаласининг юзини бир-бир сийпалаб, ҳидларини ҳидласам, кейин бемалол оёқни узатиб ухлардим.

– Яна бироз чиданг, ота. Иккаласи бугун кечки самолётда етиб келишади.

– Ажимурот! – деди Ўтамурот овози хириллаб. – Мени алдашга уринма. Мен сенга бирон марта ёлғон гапримадим, муштдай гўдақлигиндан рост сўзлашга ўргатдим.

– Гапимга ишонинг, ота, сизни алдаётганим йўқ.

Чиндан ҳам Отамурот билан Сейтмурот шу куни кечқурун етиб келишлари керак эди. Ҳамма “улар келгунича отамизга куч-қувват берсин”, деб Худодан тилаб ўтиришган эди...

Отасининг ҳушига келганидан хабар топган қизлари ҳам шоша-пиша ҳонага кириб келишди. Улар чолга товуқ шўрва пиширишган эди. Ўтамурот ярим пиёла шўрвани зўрға ичди. Товуқ гўштининг юмшоқроқ жойидан узиб, оғзига солган эди, чайнай олмади. Икки ҳафтадан бери томиридан юборилаётган дори-дармонлар билангина қувватини сақлаб турган чолнинг гўшт чайнагудек кучи йўқ эди. Қизлар гўштни унинг оғзидан қайтариб олишди.

Отамурот билан Сейтмурот уйга кириб келишганида Ўтамурот эшикка нигорон термулиб ётар, лекин хиралашиб қолган кўзлари икки-уч қадам наридаги одамни ажрата олмасди.

– Эшик очилдими? – деб сўради у ёнидагилардан.

– Ота, мен келдим!

– Ота!..

Ўтамурот ўзи интиқ кутиб ётган одамларни овозидан таниди.

– Айланайин, болажонларим, қаердасизлар? Яқинроқ келинглар, дийдорингизга бир тўйайин!

Ўтамурот қоқсуяк қўлларини олдинга чўзди. Ўғли билан невараси бирин-кетин чолга юзларини тутишди. Ўтамурот қуруқшаб, қовжираб қолган лаблари билан болаларини бирма-бир ўпди.

– Сизлардан мингдан-минг розиман, болаларим! Ҳаммангиздан розиман! Дийдор насиб қилган Аллоҳга шукур! Энди ёстиғимни пасайтиринглар, бироз мизғиб олай. Жудаям уйқум келаяпти.

Фарзандлар музтар кайфиятда унинг ёстиғини пасайтиришди. Ўтамурот шивирлаганча калима қайтарди, яна нимадир демоқчи бўлиб лабларини ҳолсиз қимтиди-да, сўнг чуқур тин олиб, уйқуга кетди.

У шу ётганича бир кеча-кундуз ухлади. Бу унинг энг сўнгги, охират уйқуси эди.

*Қорақалтоқ тилидан
Фафур ШЕРМУҲАММАД
таржимаси*



ҚОРАБОҒИЙ

Эй кўнгул, бир нола бунёд эт

ҒАЗАЛЛАР

* * *

Шавқи – меҳри оразинг, жисмим аро жондан лазиз,
Шавқи – шаҳди лаълинг, эй, моҳ, оби ҳайвондан лазиз.

Моҳи рухсоринг зиёси, меҳри анвардан мунир,
Инжа оғзинг гунчаси гулбарги хандондан лазиз.

Ёди гулзори руҳинг фирдавси аълодан гўзал,
Гулшани рўйинг сафоси боғи ризвондан лазиз.

Эй нигорим, бир дафъа гулзори рўйингни кўриш,
Ҳақ биларким, мен учун сайри гулистондан лазиз.

Жилваи рухсори олинг барча гулдан дилпазир,
Ифори зулфинг гулистон ичра райҳондан лазиз.

Ноладан бўлма халос, ҳажрида ёрнинг, эй, кўнгул,
Йўқдурур, дармон ғами ҳижронга афғондан лазиз.

Ғар Ҳасан жонин бериб васлин тилар, бир важҳи бор,
Ёди васлинг эй, нозанин унгадур жондан лазиз.

* * *

Афсуски оламда бир имдодга етган йўқ,
Фарёд қилган кўпдур, вале додга етган йўқ.

*Муҳиддин ОМОН
таржималари*

Мирза Ҳасан ҚОРАБОҒИЙ XIX асрнинг иккинчи ярмида Озарбайжоннинг Қорабоғ вилоятига қарашли Шуша шаҳрида яшаб, ижод этган. Бу дилбар шоир Фузулий ва Навоийни бирдек ўзига устоз деб билган. Унинг ижодий меросида Навоий ва Бобур шеъриятининг оҳанглари илғаш у қадар мушкул эмас.

Қорабоғий озарбайжон, форс ва ҳатто ўзбек тилларида ҳам ғазаллар ёзган. Унинг форс ва озарбайжон тилларида битилган ғазал, маснавий, рубоий, қитъа, таркибанд, тахмис ва тамсилларидан таркиб топган умумий олти минг байтдан ошиқроқ келадиган девони мавжуд.

Шоирнинг ўғли Халил Юзбошев ҳам Халил таҳаллуси билан дилбар ғазаллар мерос қолдирган, шунингдек, Навоий асарларини озарбайжон тилига ўгирган моҳир таржимонлардан саналади.

Танҳо эмассанки, кам де муяссар, эй, дил,
Мақсуду муродина бу дунёда етган йўқ.

Ҳар раҳгузори умрда минг хавфу хатар бор,
Сарманзили матлубига озода етган йўқ.

Ҳар бир кимсага ҳоли дилинг айлама изҳор,
Кўп чекма абас, нолаки, фарёда етган йўқ.

Халқ ичра, кўнгул, кўр на ямон жангу жадал бор,
Бир матлабга бу шўришу гавғода етган йўқ.

Ёз нафъини ўйлар экан ҳар матлаби ижод,
Бул муаммонинг тубига дунёда етган йўқ.

Кўп доду фиғон этма, Ҳасан, айлама фарёд,
Фарёди фиғони дили ношодга етган йўқ.

* * *

Фалак қилмиш мени ҳар бир балога мубтало, эй, дил,
Вале, ағёр мақсудин этар доим раво, эй дил.

Балои ҳажра сабр эт, гар муродинг васли жонондур,
Бул машҳури жаҳондур: “ал-балою-лил-вало” эй дил.

Фалақдан таъма қилма, истама меҳру вафо ундан,
Хилофи расмдурким, чархдин кутмак вафо, эй дил.

Кетиб ишқида бир раъно нигорнинг сабру оромим,
Билдим, турмас муқобил шоҳ ила ҳар бир гадо, эй дил.

Жаҳон аҳлидек кўп дунёга қилма ружу зинҳор сен,
Магар, оқил киши ҳар дам қадрин айлар бебаҳо, эй дил.

Хаёл этмас биҳиштни ҳеч, агарки топса ишқ аҳли,
Фароғат кунжи узра бир аниси бериё, эй дил.

Агар бахтли бўлай, дерсан, ўзингни қатъий улфат қил,
Жаҳон дардин Ҳасандек тарк этиб бўл подишо, эй дил.

* * *

Сари кўйида ёрнинг, эй кўнгул, бир нола бунёд эт,
Бу пинҳон дардими ул маҳлиқога шарҳ қил, ёд эт.

Кўнгул кошонаси вайронадир бедоди ҳажридан,
Бу мулк ахир, сенингдур, севгилим, раҳм айла, обод эт.

Эшитдим, ул санам нолам севар ашким равон истар,
Бу йўлда жаҳд қил, эй кўз ёшим, эй нолам, имдод эт.

Қаро зулфинг ҳавасидан кўнгул асири меҳнатдур,
Анга раҳм айла, эй моҳ, бенаводур, гамдин озод эт.

Агар васли нигор истарсан, эй дил, тарки лаззат қил,
Сари кўйинда доим ул нигорнинг доду фарёд эт.

Жафову дарди ҳижрон ила кўпдандурки, ношодмен,
Мани васлингга бир дам, маҳвашим ёд айла, дилшод эт.

Рақиблар тухматин, бегона зулмин, дўст таънасин,
Ҳасан, сол ёдга, бир-бир, нола қил, фарёд чек, дод эт.

* * *

То сабо зулфин у ёрнинг юзда афшон айлади,
Озурда кўнглум ҳолин ўшал паришон айлади.

Қайси бир гул гунчаси боғ ичра бўлди жилваранг,
Оқибат боди хазон бағрин анинг қон айлади.

Қайси наргис ким, чаманда ичди ишрат жомини,
Сарсари даврон уни охирда гирён айлади.

Кўп шаҳаншоҳи фалак тахт узра бўлди сарбаланд,
Хор қилди оқибат, хок ила яксон айлади.

Кимники қасрини қилди меъмори гардун феруз,
Ул қасрни чархи дун зулм ила вайрон айлади.

Даҳр кўйига алданма, ул беҳад маккорадур,
Ким унинг илкин тутар, охир пушаймон айлади.

Ишқда ҳам янглишма, эй дил, ишқ йўли осон дебон,
Демаки Фарҳоду Мажнун ани осон айлади.

Бири Мажнун ғамгиндур, бўлди расвои жаҳон,
Бири Фарҳоди хазиндур, қон ичра пинҳон айлади.

Ишқ саҳросинда бисёр, эй Ҳасан, саргашталар,
Ким сенингдек жонини жононга қурбон айлади.

* * *

Бир малакрифъат, моҳи тобонни кўзлар кўзларим,
Бир дураҳшон гавҳари яктони кўзлар кўзларим.

Подишоҳи тахти исмат, мажлисни базм айлаган,
Шаҳбози гулшани эҳсони кўзлар кўзларим.

Айларам пайваста хуршиди жамолини оризу,
Бир қамарталъат, малаксиймони кўзлар кўзларим.

Хийла муддатким, ул моҳдан келмади ҳеч бир хабар,
Бир малакменгзар, моҳи давронни кўзлар кўзларим.

Фурқатидин жисму зорим нотавон ўлмиш маним,
Сендан, эй кони сиҳат, дармонни кўзлар кўзларим.

Масканим бир байтулхазон ўлмиш манга Якуб каби,
Кўп замондур, ул моҳи Канъонни кўзлар кўзларим.

Ҳар қайси хунхорга мутлоқ илтижо этмас Ҳасан,
Бир шаҳаншоҳи, малак барнони кўзлар кўзларим.

* * *

Кўзим гар сендан ўзга ёрга боқса, ашкбор ўлсун,
Агар бир ўзга кўз ҳам кўрса, рухсоринг фиғор ўлсун.

Агар кўнглим сенинг-ла бўлмаса, жисм анга тор ўлсун,
Ва гар бир ўзга дил ишқинг истарки, қайғудор ўлсун.

Жамолинг меҳрини тарк этсам, бахтим қаро бўлсин
Ва гар бир ғайри кас меҳринг истарки, дил фиғор ўлсун.

Санинг хобгоҳингдан ўзга манзил этсам, масканим ёнсин,
Мендин ўзга бошин қўйса, бунда доим низор ўлсун.

Тилим лол ўлсун, гар васфингдан ўзга зикр этса ҳаргиз,
Агар бир ўзга тил ҳам васфинг айлар, шармисор ўлсун.

Агар сенсиз кезай гулзор, гулзорим хазон бўлсун,
Агар бир ғайри ҳамдам ҳам сенга ёр ўлса, хор ўлсун.

Залил ўлсун Ҳасан сендан ўзга ёра мойил ўлса
Ҳам андин ўзга кас гар сенга ёр ўлса, зор ўлсун.

* * *

Ханжари – мужғони чашминг тўкмаган қон қолдим?
Ғамзаи – шўхинг пайкони олмаган жон қолдим?

Ёз сафосиндан дамодам дам урарди ойина,
Меҳри рухсоринг кўриб, ҳуснингга ҳайрон қолдим?

Мендан, эй зоҳид, абасдур, дину иймон истамоқ,
Оразин кўргач ул ёрнинг, менда иймон қолдим?

Чарх ясай деб саъй этарки, қошларингдек бир ҳилол,
Бул хаёли тунда синмуш, охир пушаймон қолдим?

Оҳки дерсан: “Меҳнати ҳижронга сабр эт, эй кўнгул!”
Сабр этарга кўрким, менда зарра имкон қолдим?

Бермишам жону дилим-ла дину иймон зулфиға,
Қуллуғимда, севгилим, айт-чи, нуқсон қолдим?

Ишқ саҳросинда Мажнун, гарчи саргардон, вале,
Эй Ҳасан, сен каби ҳеч зору паришон қолдим?

* * *

Ҳар замон ноз илаким, ёрим чиқар қошонадан,
Хаста жоним чиқмоқ истар бу тани вайронадан.

Риштаи жонимдурур билмамки, бўлмиш печу хам,
Ё, сори зулфи – нигоримдур, кечибдур шонадан.

Тарки жон эт, эй кўнгул, гар ишқни айларсан ҳавас,
Роҳи расми – ишқни ўрган шеваи парвонадан.

Зоҳидлар афсонасиндан беҳуд ўлсам, не ажаб,
Уйқу касб айлар кўзум, шаксиз ёлғон афсонадан.

Сенда зоҳид, кўрмадим ҳаргиз олмоқни дарди дил,
Чораи дардим топилди муршиди майхонадан.

Мен каби Мажнун вафо расминда машҳур ўлмади,
Ишқ асрорин, азизим, сўрма ҳар девонадан.

Ҳоли ўлмас зор кўнглум дарду ғамдан бир замон,
Йўқдур бир ғамким, канор ўлсун бу меҳнатхонадан.

Ёр агар захри ҳалолин берса, нўш айлар кўнгул,
Ошиқ улдир кечмаса, албатта шул паймонадан.

Ошинолар тухмати оламда хор этмуш сани,
Эй Ҳасан, қайғурмагил ҳеч таънаи бегонадан.

* * *

Кўнгул, кўп қилма нола, этма фарёд,
Фалакнинг гардишидан айлама дод.

Ғуссадур – шодлиги, айши – марорат,
Бўлубдур зулм ила бу даҳр бунёд.

Севар ғам кўнгилни, кўнглим балони,
Балою ғамдан бўлмадим бир дам озод.

Бўйла, бир лаҳза Ширин этмади ком,
Қулатса-да, тоғларни зори Фарҳод.

Азал машшотаси чизмиш жамолинг,
Аёндив суратингдан мақоми устод.

На мушкулдир кўзингдан жон асрамоқ,
Туркона қароқлар ғамзаси жаллод.

Этмасун дод неча мужгон ўқиндан,
Кўнгул бир парча қон, пайконинг пўлод.

Фанодир охири, йўқдур бақоси,
Бу дунёдан, Ҳасан, ким бўлди дилшод?!

Жеймс ЖОЙС

Улисс саргузаштлари

Роман

ИККИНЧИ ҚИСМ

14-воқеа

Туш чоғида Холлсга етгаймиз. Туш чоғида Холлсга етгаймиз. Туш чоғида Холлсга етгаймиз.

О, нурафшон равшан нигор Хорхорн, бизни юкимиз ва гумонимиздан халос қил. О, нурафшон равшан нигор Хорхорн, бизни юкимиз ва гумонимиздан халос қил. О, нурафшон равшан нигор Хорхорн, бизни юкимиз ва гумонимиздан халос қил.

Хўппа-ла эр йигит хўппа-ла! Хўппа-ла эр йигит хўппа-ла! Хўппа-ла эр йигит хўппа-ла.

Ҳар қачон ва ҳар қайда шундай одамни ҳар бир нимарсалардаким ақли кўтаҳ саналарким, тирик жонлар ичра билгичлари аларни ўрганмак учун энг фойдали деб топуларким билмагани ўрганурганким илми донишнинг энг нозикфаҳмлари ва ақлу идрокнинг бебаҳо зийнатларига эга бўлганликлари боис бағоят эҳтиромга лойиқ зотлар шу ақидада турганлар ва доим бир оғиздан тасдиқлаб келмишларким, бошқа барча ҳол-аҳволлар тенг бўлган шароитда мамлакатнинг гуллаб яшнамоғи ҳашамату бархурдорлиғ бирла эмас, балки шул марому меъёр билаким то наслларнинг давом этмоғи ва тинмай кўпаймоғи борасинда гамхўрлик қилиниб ва тобора ўсиб борур илло бунга нуқсон етур тақдирда барча ямонликларнинг илдиизига чеврилур илло хайрли тарзда давом эттирилур ҳолда ушбу ҳукмфармо зоту бобаракотларнинг туганмас хайрли нишонига айланур. Бинобарин ҳеч ерда шундоғ бир кимса топилармики, гарчи андаккина ақл юритиб ҳашамат ва бархурдорлиғ қинғирлик йўли эканини англамас ва тубанлик ёпинчиғи эрканлигини билмас ва аксинча ким нечоғлик ақли қосир ҳамда маърифатсиздирки, табиат неъматлари ичида ҳеч қайси бири урчиноқ неъматлари бирла тенг бўлмаслигини англаб етмас ва шу боисдан ҳар бир фазлу фаросат соҳиби ўз қавму қардошлари ўртасида бунга рағбат уйғотмоғи ва мавъизалар айламоғи лобиддур ва кўшиш қилмоғи лозимдур, зеро аввалда салтанатда шундоғ улуғвор тарзда бошланган иш келгусида ғайратсизлик орқасида залолат ботқоғига ботиб кетмағай ва замон-замонлар оша аҳо-аждодлар саъй-ҳаракати бирла бизгача етиб келмиш босафо одатлар разолатга чўкмағай, зеро шундоғ бир улуғ жасорат зарурат бўладурким, дунёда

Давоми. Боши ўтган сонда.

ўшал васият ва демак ўшал ўгит ва демак ўшал аҳдни беғайратлик бирла унутмоқдин ташламоқдин ортиқ разил қабиҳ иш йўқлигини баралла айтиб жар солмоқ лозим келадурким, ушбу сас ўлим шарбатини тотгувчи барча жонларга ё фараҳмандлик башоратини қилур ва ё мангу қашшоқлик ва гурбат ахборини етказур ва аларнинг қайтмас энг улуғвор бурчи наслни тўхтовсиз ҳолда тинмай давом эттиришлик эканлигини уқтирур.

Инчунин, бизга ажабланиб ўтиришнинг фойдаси йўқ, зеро, бағоят эътимодли йилномаларда ривоят қилинмишки, келтлар ўртасида табиатан мақталишга лойиқ бўлмаган нимарсаларни кўкка кўтариб мақташ одати йўқ экан, улар табобат ҳунарини ҳар томонлама эъзозлаганлар. Етимхоналар, пес-моховлар учун беморхоналар, иссиқ ҳаммомлар, вабо чуқурлари қуриш ва ташкил этишни гапирмаганда ҳам, уларнинг О'Шил, О'Ли ҳамда О'Хикки хонадонларидан чиққан донг таратган табиблари беморлар ва айни чоқда қасали қайталайдиганларни тузатиш, сиҳат-саломатлигини қайтариш йўлида кўп ранг-баранг даволаш чора-тадбирларини топдилар, ҳатто сил ва пешобини тутиб туrolмайдиганларни ҳам дардини енгиллатдилар. Авомнинг умумий манфаати андаккина бўлсин муҳим аҳамиятли бўлган ҳар бир ишда жиддий тайёргарчилик кўриш гоётда зарурлиги ҳеч қандай шак-шубҳадан холи бўлгани боис улар шундай режа-тадбирларни кўриб чиқдиларки (бу тадбирлар ё узоқни кўрганликданми ва ё болиғ тажрибакорлик орқасидами ўйлаб топилди, буни ҳозир айтиш қийин албатта, ҳар нечук энг кейинги текширувчиларнинг муҳокамалари ўзаро ранг-баранг бўлиб ва ҳаттоки айни кунларга довур равшанлик киритилмаган) унга кўра оналик ҳар қандай ишқал қийинчиликлардан халос этилиши жойиз, зероки, ҳар бир аёл учун юкдан халос бўлишнинг ушбу энг муқаҳҳар дамларида қандай ёрдам талаб этилмасин, у энг оз харажат ҳисобига бўлса-да, дарҳол сира кечиктирилмай кўрсатилиши керак, зеро, катта давлатга эга бўлганларгина эмас, шу билан бирга маблағ тополмай, гоҳо қашшоқ ва гоҳо қашшоқликдан кўра ҳам ночорроқ қисматда кун кўраётганлар ҳам бу ёрдамдан баҳраманд бўлгайлар. Ҳозирда ва бундан сўнг уларга ҳеч қандай оғирчилик, мушқулик етказилмагай, зеро барча шунга рози бўлиб, қарор қилдиким, фаровонлик ҳамда амну эминлик кўзи ёрийдиган оналарда бўлмас эса, у ҳеч қачон бўлмагай, бинобарин, мангулик фақат Худога ярашур, махлуқларга эса насл қолдириш муносиб бўлгани боис ҳомиладорга ғамхўрлик кўрсатмоқ ва вақти-соати етганда уни аробада олиб бормоқ туғуруқ ерига омон-эсон еткизмоқ учун ҳаммалари кўшиш ва ғайрат кўрсатмоқлари, бир-бирларини даъват қилмоқликлари лозим келадур. Оқил ва одил мамлакатнинг белгиси шулким, буларни фақат назарда тутганидагина эмас, балки ҳатто уни ташқаридан билганда ҳам бисёр-бисёр мақтовларга сазовордурки, улар олдиндан билиб, уни она каби эъзозладиларки, она буни дарҳол кўрди ва сездики, энди у ҳар ёқдан муҳофаза қилинмиш ҳамда ороланмиш!

Бувак ҳали туғилмади, аммо талабгор ҳаводорлар ғайрати авжида. Ҳали она қурсоғида ётур, одамийлар муҳаббати уни аллалар. Бунга дахлдор нарсалар бари мадохил кунту ихлос била амалга оширилди. Тинч жой ҳозирланган, жонбоз энагалару доялар қувватли озуқалар билан тоза тагликлар, йўрғакларни олдиндан тайёрлаб қўйдилар, ҳаммаси осон бўшаниш учун бўлди, яна шулар билан бирга зарур бўлган барча табобат дори-дармонлари жамланди ва туғиш билан боғлиқ табибларнинг турли-туман асбоб-анжомлари шай қилиб

қўйилди. Ер юзининг барча кенгликларига хос жойларнинг унутилмас тарзда адо этилмиш ҳақиқий ёқимли манзаралари илоҳий ҳамда инсоний гўзаллигини томоша қилиш баробарида хилватдаги аёлларнинг қони жўш урадирким, бу бўшанишни хайрли тарзда енгиллатади, ушбу тўлғоқ кўрғонларининг энг юксак маъноси ва моҳияти қуёш нурлари билан моҳирона ёритилиши ва безаклар билан безатилиши қорни улғаймиш аёлни туғилиш соати яқинлашганда дардини осон қилади.

Мужиб ва ғариб бир эран келиб дард тутган маҳалда туғуруқ уйининг остонасида турди. У ер юзи пучмоқларида дарбадар кезмиш Исроил қавмига тегишли одамлардан бўлиб, бу ерга жуда-жуда олислардан етиб келмишди.

Шул туғилиш фурсатини кўзлаб ёлғиз йўл босиб, ушбу тўлғоқ кўрғонига қадам ранжида этмишди.

Ушбу эв хўжаси Хорндир. Ушбу тўлғоқ ерида у сони етмишта бўлмиш жой ва тўшак ҳозирлатмиш, уларнинг барчасида ҳомилали бўғоз хотинлар ётулар ва дард чекиб олам ёруғига одам болаларини келтирурлар, уларни мулойиклар ва Биби Марям қўллар. У ерда оппоқ кийинган энагалар уйқудан кечиб тўлғоқ азобида ётганларга тез ёрдам берурлар. Ўн икки ойда етмиш ҳамшира оналар азобини енгиллатурлар. Туғуруқнинг ушбу меҳрибон ходималари Хорн даъвати ва номи билан туғуруқ жойларида тинчлик осойишталик озодаликни сақлаб турурлар.

Ходима бошини чоршаб билан чирмамиш ўшал раҳмдил эран келганлигини эшитиб дарвозани унга очгани чиқди. Шунда кўрдик, кўз очиб юмгунчалик вақт ўтмай Ирландия гуруби кўкини улуг бир йилдирим чақнаб ёритди. Ходима бағоят кўрқди, неъматлар яратувчи Қодиру Қаҳҳор жамики одамзот қавмининг залолату гуноҳлари учун сувга юттириб ҳалок қилмоқчидир деб хаёл қилди. Уни қўллари билан чўқинтириб, тезда уй ичкарасига олди. Шунда ўша Эран Хорн кўрғонида ҳамма нарса хайрли қурилмишини кўрди.

Бемаҳал келиб бу ердагиларнинг тинчлигини буздим деган хавотирда эран хижолатда туриб қолди. Бир замонлар у мана шу ходима билан қўшничиликда суюкли хотини ҳамда суюмли қизи билан яшарди, бироқ мана тўққиз йилдан бери турли мамлакатлар ва денгизларда саёҳат қилиб юрмиш эрди. Бир куни уни шаҳар бандаргоҳида учратиб қолиб, у билан саломлашмай ўтмиш эди. Шунинг учун ундан ёлвориб ўзини кечирешини илтижо қилди ва уни шундоқ кўргани замон шу нарса эсига тушганини айтди. Унинг бу сўзларидан ходиманинг кўзлари порлаб, икки ёноғи қизарди.

Зеро у эраннинг қора кийганини кўриб, унинг бошига кулфат тушганмикин деб кўрқмиш эрди. Бироқ ундай эмаслигини кўриб қувонди. Нега табиб О'Хейр узоқ соҳиллардан хушхабарлар юбормади, деб сўради. Бунга аччиқ хўрсиниб, эндиликда табиб О'Хейр боқий дунёга йўл олганлигини айтди. Буни эшитиб эран кўп қайғурди, ич-ичидан қаттиқ ачинди. Ходима унга ўшал ошнонинг ёш ўтиб кетганлигини тўла айтиб берди, кўз ёшларини шашқатор оқизди, аммо қайғу-ғам қанча оғир бўлмасин, Худонинг иродаси ҳақ деди. Худо уни мағфират қилсин ва гуноҳлар юкидан халос этсин. Шундан сўнг эран ходимадан мағфур қандай ўлим билан ўлганлигини сўради, роҳиба у Моне оролида қориндаги саратон оғриғидан жон таслим этганлигини айтди, бу воқеа сабийлар қирилган кунда бундан уч йил аввал рўй берибдир. Раҳмдил Худо уни мангу раҳматига олсин, деб дуо қилди. Эран бу қайғули сўзларни эшитиб, бошидан бўркини олди, кўзларида ёш ғарқоб бўлди. Бир замон шундай ғамга ботиб

туриб қолди.

Зеро, ҳар ким охири ўлим шарбатини тотади, хотин кишининг курсоғидан тушган ва дунёга теп-тек яланғоч келган зот охири дунёга қандай келган бўлса худди шундай қайтади.

Шундай қилиб, пайшанба, июннинг ўн олтинчи куни. Патк. Дигнам миясига қон қуюлиб ўлди, қора ерга қўйилди. Қаттиқ қурғоқчиликдан сўнг, Худога минг қатла шукур, ниҳоят кетма-кет ёмғирлар ёғди, эллик чақирим ё шунга яқин йўл босиб солда торф олиб келишди, солкаш на адирлар ва на пастликларда экинлар унмаётгани, далалар қуриб ётгани, ҳаммаёқ аянчли кўрингани ва сассиқ тарқалаётганлигини айтиб берди. Нафас олиб бўлмайди, узоқ вақт бир томчи ёмғир сувига зор бўлган навнихол экинлар сўлиди, ҳеч ким илгарилар ҳам шундай бўлганини эслолмади. Атиргулларнинг гунчалари қорайиб қуриди, адирларда нимжон ўтлар саргайиб буталар қовжиради, учқун тушса ёниб кетадиган даражага келди. Ўтган йилги февралдаги мамлакатни хароб қилган даҳшатли довулдан ҳам бу қурғоқчилик офати ёмон бўлди деб одамлар гапириб юришди. Аммо мана энди, эслаб ўтилганидек, қуёш ботгандан сўнг ҳамон ўша-ўша ғарб шамоли тўхтамай эсиб, аста-секин оғир ҳайбатли булутлар йиғила бошлади, осмон китобини ўқийдиган билгичлар улардан кўз узмай тикилишарди, кейин тунга яқин осмонда ялт-юлт этиб чақинлар чақнади, ундан ҳам кечроқ, соат ўн бирларда бирдан момақалди роқнинг қудратли садоси эшитилди, худди ўт тутаётгандек бўлиб жала қуйиб юборди ва ҳамма бир зумда уй-уйларига тумтарақай қочди, эркаклар сомон шляпаларини рўмолчалари ва ёки қандай бўлмасин латта билан тўсар, аёл зоти эса ёмғир қуя бошлаган заҳоти этаklarини баланд кўтара дикирлаб югуришарди. Ҳозиргина худди Саҳройи Кабир сингари қуриб ётган ерларда, Илл-плейс бўйлабми ё Бэггот-стрит, Дюкс-қўлтигиданми, бу ердан эса Мэррион Гринга ва ундан Холлс-стрит ёқларга ёмғир суви дарё бўлиб оқарди, атрофда на извош ва на катта-кичик аробалар қолган, бироқ момогулдирак ўша биринчи зарбасидан сўнг қайта такрорланмади. Муҳтарам судя Фитсгиббоннинг (у суд хизматчиси мистер Хили билан биргаликда коллежга ажратилган ерлар тўғрисида муҳокамага кириши керак эди) эшиги рўпарасида олижанобларнинг энг олижаноби Мал. Маллиган адабиётчи мистер Мурнинг (собик Папа тарафдори, ҳозирда узунқулоқ гапларга қараганда садоқатли Виялхонлардан) уйдан чиқиб, сочини калта олдирган Ал. Баннонга (ҳозир сочини қисқа олдириш кечки кўк твид плашчлар билан бирга урф бўлмоқда) дуч келди, у эса почта аравасида ҳозиргина Маллингардан келиб турганди, у ерда унинг амакиваччаси ва биродари Мал. М. яна бир ой, то авлиё Свитингача турар экан, у сизни бу ерларга қайси шамол учирди, деб сўради, мен уйга кетяпман, мен эса Эндрю Хорн томонга боряпман, у ерда огайнилар зиёфатга таклиф қилишган, аммо сизга бир қулинг ўргилсин жонон ҳақида гапириб бергим келяпти, ўзи жуда кетворган, ёшига қарамай биққигина, ёмғир эса бу орада қуйгандан қуяр, шунинг учун улар тўғри Хорн томонга йўл ола қолишди. Бу ерда Кроуфорднинг газетасида хизмат қиладиган Леоп. Блум жанжал-тўполонга суяги йўқ бир тўда бевош бақироқлар даврасида қўр тўкиб ўтирарди, булар ичида

Мотамсаро Биби Марямнинг талабаси кичкина Диксон, асли шотландиялик азамат Вин. Линч, Вил. Мэдден, пойгачи зотдор бир отга пул тикиб куйиб ўтирган Т. Ленехан ҳамда Стивен Д. йигилган эдилар. Леоп. Блум эса булар орасига ҳаддан зиёд ҳолдан тойиб чарчаш орқасида тушиб қолганди, бироқ ҳозир яна димоғи чоғ, ўзини ўнглаб олганди, ўтган кеча эса у ўзининг ойбалдоғи миссис Мол. ҳақида кўп галати туш кўриб чиққанди, унда ойбалдоқ қизил духоба шиппак ва туркча шалвор кийганди, бу эса билгич-ларнинг айтишларича ўзгаришнинг белгиси, миссис Пюрфой ҳам ҳамон шу ерда эди, у бу ерга ўз қурсоғининг даъвати билан қадам ранжида қилмишди, эндиликда у шўрлик муддатидан икки кун ўтиб кетган бўлса-да, чалқанча ёйилиб ётиб урингандан уринар ва ҳамон кўзи ёримас, доялар зир югуришар, қайнатилган гуручдан ҳомиладорнинг кўнгли озар, ҳолбуки бу сувни қочиришликнинг энг яхши чораси эди, оғир, қийналиб нафас олар, аммо туртинишига қараганда, ҳомила – соппа-соғ, Худойим унинг омон-эсон қутулишига мадад берса, бас. Эшитишимча, бу унинг тўққизинчи туғиши, охиргисининг тирноғини эса Хушхабар куни олишган, демак, ўшанда у бир яшар бўлган ва худди анов кўкрак бериб боқилган учтаси каби у қазо қилган ва Қирол Яков Инжилига чиройли қилиб ёзиб қўйилганди. Унинг эри элликлардан ошган методист бўлиб, черковга қатнар, ҳаво очик якшанба кунлари эса уни икки ўғилчаси билан доим Баллок соҳилида кўришар, у қирғоқдами ё таги ясси қайиқ ичидами оғир галтакли қармоқ ташлаб, оққуйруқ ва қалқон балиқ овларди, у қармоқни жуда оҳиста эҳтиёт бўлиб ташлар, айтишларича ови доим бароридан келарди. Хуллас, гапнинг қисқаси, челақлаб жала қуйди, табиат яна жонланди ва яна мўл ҳосил кутса бўлади, аммо турли-туман билгичлар шамол билан сувдан сўнг ўт келади деб фол очадилар, модомики Малахия календарининг башоратича (менга яна шу нарса ҳам маълум бўлдики, мистер Россел ўзининг деҳқонлар учун чиқарадиган газетачасида шунга ўхшаш башоратни ҳиндустоний лаҳжасидан тайёрлаб босиб чиқарибди) ушбу учала табиат ҳодисаси доим бирга келармиш, бироқ бу қари кампирлар ва лақмалар учун эски бир чўпчак, сира жўяли жойи йўқ, гарчи улар гоҳо-гоҳо ўз мўъжизалари билан айни ҳақиқатни баён этсалар-да, лекин қандайлигини ҳеч ким билмайди.

Шунда столнинг нариги бошидан оқшом саҳифасидаги мактуб ҳақида гапириб бермоқчи бўлиб Ленехан ўрнидан турди ва ўзини хатни гўё у ёқ-бу ёғидан қидиргандай қилиб кўрсата бошлади (у хат ўзини ҳаддан ортиқ тўлқинлантирганини айтиб зўр бериб қасам ичар, ўлай агар дерди), аммо Стивеннинг маслаҳатига кириб, қидиришни тўхтатди-да, келинг, ёнимда ўтиринг, деган таклифга дарров кўнди-қолди. У ўзига етгунча серғалва афандилардан бўлиб, ўзини жуда жангари қилиб кўрсатар ва қаланғи-қасанғи ишларга суяги йўқ эди, гап хотинлар, отлар ва яқинда бўлиб ўтган жанжал-тўполон борасида кетганда у доим ҳозир у нозир эди. Гапнинг пўсткаласини айтганда, унинг сармоясини юпқа эди ва кўпроқ вақтини қовоқхоналару қаҳвахоналарда одам ёлловчилар, аравакашлар, текинхўрлар, малайлар, устазодалар, пойга айғоқчилари, кўча ва фоҳишахона қизлари ҳамда шуларга ўхшаш турфа хил авомуннос билан апоқ-чапоқ ўтказар, баъзан эса тун бўйи дуч келган жосус ё суд хизматчиси билан вақиллашиб ўтирар, томоқни дам-бадам ҳўллаш асносида улардан энг янги ғийбат, олди-қочдиларни эшитарди. У энг арзон емакхоналарда қорнини тўйғизар ва гоҳо охирги сариқ чақасига қолган-қутган сарқитлар билан овқатланишга тўғри келса-да, тили

капгирдек айланишдан тўхтамас, кайфиятини туширмас, суюқоёқ хотинданми ё яна бошқа аллакимдан қулоғига илиб олган қизиқ сўзни такрорлаб, ҳаммининг ичагини узарди. Улар билан ўтирган Костелло дегани бу гапларни эшитиб, нима бу шигирми ёки бўлган воқеами, деб сўради. Ундай эмас, Фрэнк (ҳалигининг оти шундай эди), деб жавоб берди шериги, гап ирланд сигирлари устида кетяпти, вабо тарқатаётганлиги туфайли уларни сўйиб ташлашни буюришяпти. Э, қуриб кетмайдими ҳаммаси, дейди Фрэнк ва кўзини қисади, менга деса сигир гўштлими, бошқами, ҳаром қотмайдими. Мана, бизнинг балиғимиз бор, балиқмисан балиқ, бунақасини ҳали ҳеч ким овламаган, деди-да, у ёнида турган чавоқ балиқларни зўр илтифот билан улаша бошлади, у қорни қачондан бери сурнай чалаётгани учун боядан буён минг оҳанжама билан бир амаллаб балиққа етиб борган эди. *Mort aux vaches*¹, деб қўйди кейин Фрэнк француз лаҳжасида, у илгари Бордо шаҳрида омборлари бўлган шаробфуруш кўлида ёрдамчи бўлиб ишлаган, французчани худди жентльменлардай қойил қиларди. Ушбу Фрэнк энг мурғак чоғларидан буён бориб турган шалпангқулоқ эди, даҳа назоратчиси бўлмиш отаси уни ўқитиш, харита танитиш, мактабга юбориш учун жонини жабборга бериб ҳаракат қилар, кейин ниҳоят уни механикани ўрганиш учун университетга жойлади, бироқ шу ерга келганда тирмизак худди асов тойчоқдек нўхталарини узиб, бош бермай қўйди, бинобарин, ўша пайтларда суд хизматчилари ва тунги қоровуллар билан тил топишган, уларни ўзи ўқиётган фанлардан кўра яхшироқ биларди. Бир вақт у артистликни хоҳлаб қолди, кейин кўнгли бозоргонликни, кейин қартабозликни, кейин бир қарасангиз, хўроз уриштиришу айиқ овига берилиб кетади, кейин денгиз-океанларни кезиш, йўлларда лўлилар билан дарбадар юришни кўнгли тусаб қолади, бу лўли халқи тинч ўтирмайди, дам бойларнинг ўғилчасини ўғирлайди, дам дорга осилган кийим-кечакларни ўмаради, дам девор ортидан пушиб бориб, товўқларнинг бўйнини қайириб келади.

У Аллоҳнинг инсонларга васияти қанча бўлса, шунча маротаба саргузаштларга бош олиб кетади-да, ҳар сафар яна қари отасининг хузурига икки кўлини бурнига тиқиб қайтади, у бечора эса ҳар сафар дарё-дарё кўзёшлари тўкади. Йўғ-эй! деб хитоб қилади кўлларини кўксига чалкаштириб ва чиндан ҳам ташвишга тушиб, наҳот уларнинг бари сўйилиб кетса. Мен норозилик билдираман, дейди у, мен уларни бугун эрталабнинг ўзида кўрдим, уларни Ливерпул кемаларига ҳайдаб боришарди. Мен буни тузатиб бўлмаслигига сира ишонмайман, дейди у. Билъакс, бу борада, наслдор қорамоллар борасида, бузоқлар, буқалар, юнги олинадиган қўй-қўзилар борасида у гоётда катта тажрибага эга эди, зеро бундан бир неча йил бурун мистер Жозеф Кафф деган бокарам тижоратчи зотнинг кўлида мирза бўлиб ишлаганди, бу зот молларни атрофдаги фермалардан сотиб олиб, уларни Праща-стритлик мистер Гэвин Лоунинг кўргони ёнида фойдасига қайта пулларди. Бу масалада менинг фикрим бошқача, дейди у. Назаримда, бу ерда вабо эмас, қандайдир нафас йўлларининг касалланганлиги ёки актиномикоз ҳақиқатга яқинроқ. Бу гап бироз қитиқ патига теккан мистер Стивен унга камоли назокат билан жавоб бериб дедикки, ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин йўқ. Зеро, унинг ихтиёрида император кўрасининг бош дум ҳодавозидан келмиш маълумот борким, унда меҳмондўстлик учун чин миннатдорлик баён этилиб, бу

¹ Сигирларга ўлим (франц.).

томонларга бутун Московия сигирларини забт этган маълуму машхур доктор Эпизоотиев икки чирпит дори-дармон билан бирга жўнатилганлигини хабар қилмишди, зеро у сигирларнинг энасини кўрсатар эмиш. Гапнинг пўсткалласини айтадиган мистер Винсент орага қўшилиб, э, оласиз, деди. Ирландия сигирига иши тушгандан кейин унинг ўзи ҳали онасини кўради. Зоти ҳам, номи ҳам ирландчасига денг, деди тўлқинланиб мистер Стивен, чайқалганча қўлидаги пивосини тўкиб юбориб. Инглиз чинни дўконига кириб қолган ирланд буқаси. Фикрингизни тушундим, деди мистер Диксон. Бу ўша тумшуғидан зумрад ҳалқа ўтказилган, бизнинг оролимизга барча чорвадорларнинг энг шоввози фермер Николай юборган буқада. Ҳақ гапни айтдинг, дейди столнинг нариги бошидан мистер Винсент, мен буқанинг қулоғи билан қасам ичаманки, дейди у, уч япроққа (себаргача) чоптирадиганлар орасида ҳеч қачон бундай сирт тигиз силлиқ буқа бўлган эмас. Унинг мугузларига киши қараб тўймас, териси олтиндай ялтирар, бурун тешикларидан қайноқ буг отилиб чиқардики, оролнинг жамики хотинлари тўқув-сўқув асбобларини ташлаб буқайи аълони капалакгуллар чамбараги билан безаб унинг орқасидан жон ҳалпида югуриб юришди. Бундан нима чиқарди, деди мистер Диксон, ахир уни буёққа жўнатишдан олдин фермер Николай ўзи ҳам бичилган бўлгани учун уни ҳам яхшилаб мойкдан халос қилишни буюрди ва бу вазифани докторлар ҳайъатига топширди, булар ҳам маълум маънода барчалари бирваракай Николайнинг айни ўзи эдилар. Ана энди боравер, дейди фермер Николай, менинг укам Исқирт-Гарри нимани буюрса, ўшани қил, ундан сўнг мана бу сенга бизнинг фермерлик йўлловимиз бўлсин деган сўзлар билан унинг юшоқ жойига яхшилаб шаппалаб уриб қўйди. Аммо оқйўл ўрнига ўтган бу шаппати унга омад ҳам келтирди, дейди мистер Винсент, ахир анов уни йўқотганидан кўра яхшироқ нарсага ўргатган бўлса керакки, то бугунги кунгача хотин ҳам, қиз ҳам, бева ҳам, чўри ҳам, бари бир оғиздан жўр бўлиб айтадики, қоронгу охурда унинг қулоғига эркалаб шивирлаш ва бунинг эвазига у уларнинг мўйинларини узундан-узун кўп қутлуғ тили билан ялаб сийпалаб қўйиши Ирландия тўртала подшоҳлигининг энг азамат йигити билан ўпишиш, апоқ-чапоқ қилишдан яхшироқ дейишади. Шу ерга келганда ҳамсуҳбатлардан яна бирови орага сўз қўшди: хотин-халаж бариси унга тўр қўйлак ички ипақлар кийгизишди, дейди у, устини тўр, кажава тасмалар билан безашди, манглайига жингала ясашди, бутун баданини мушк анбар билан мойлашди ва йўлнинг ҳар бир айрилишида унга олтин тослар ўрнатилган охурлар қуришди, уни бозордаги энг яхши хашақларга тўлдиришди, яхшилаб ухлаб олсин ва роҳат қилиб белини бўшатсин дейишди. Аммо бу вақтга келиб, вафодорларнинг отаси (уни шундай деб аташарди) шунчалар семириб кетдики, ўтлоққа зўрға етиб борарди. Унинг аҳволини енгиллатиш учун бизнинг хонимларимиз ва ойимқизларимиз озуқани этакларига солиб унга олиб келишни одат қилишди, қорнини яхшилаб тўйғизгандан сўнг, у баъзан орқа оёқларида тик турар, олий иқтидорли хонимларга унинг бутун сирсиноати намоён бўлар, ўзининг буқаларча тилида ўкирар, ҳимранар ва барчалари унга жўр бўлишарди. Баайни ҳақиқат, деди суҳбатдошлардан бошқа яна бирови, у ниҳоят шундай эрка бўлиб кетибдики, мамлакатда менинг эҳтиёжим учун кўк ўтдан бошқа ҳеч нарса ўсмасин деб талаб қўйибди (кўк ўт рангидан бошқа барча рангларга унинг сира тоқати йўқ эди), шунинг учун оролнинг қоқ

марказида баланд тепа устида босма ҳарфлар билан шундай эълон ўрнатишибди: Искірт-Гарининг иродаси билан ер юзида кўклаган барча кўклар кўкат бўлсин. Мистер Диксон эса бунга шундай кўшимча қилди: агар Роскоммон ёки Коннемарининг овлоқ пучмоқларида мол ўғриси пайдо бўлганлигини пайқаса ёким Слайгодаги биронта деҳқон бир ариқ рапс ва ё хантал экканлигидан хабардор бўлиб қолса, у шу заҳоти даргазаб қутуриб ўша ерда ўсган зироатни мугузлари билан таг-тугидан кўпориб ташлаш учун бутун оролни ҳайҳаннос босиб ўтишга тайёр эди ва буларнинг бари Искірт-Гаррининг амри-иродаси билан адо этиларди. Бошида улар унча келишмай юришди, дейди мистер Винсент, Искірт-Гарри фермер Николайни йўқолсин, башарасини кўрмай ўша етти фоҳиша яшайдиган қўранинг эгасини дер ва ҳали унга кўрсатаман, барча хуфиёна ишларини очиб ташлайман, деб пўписа қиларди. Мен отамдан мерос қолган манави гўдайган зорманда билан, деб дўқ урарди у, бу ҳайвонга дўзах ҳиди қандай бўлишини кўрсатиб қўяман. Аммо бир кун кечқурун, деб ҳикоя қиларди мистер Диксон, қайиқда сузиш пойгасидан қайтиб, тамадди қилиш тараддудида қиролларча қашиниб ўтираркан (албатта, у пойгада ҳаммадан устун чиққан, сузиш қоидалари ҳам шунга яраша тузилган, яъники, у эшкак ўрнида катта бел ишлатар, қолганлар эса паншаха санчқи билан сув шопирардилар), қазноқда турадиган эскириб яғири чиққан кўҳна эртақлар китобини титиб, у кутилмаганда ўзида буқага фавқулудда ўхшашликни сезиб қолди, ҳеч шубҳа қолдирмайдиган тарзда ўзига маълум бўлдики, Искірт-Гарри бир тармоғи билан румоликларнинг машҳур *Vos Bovum*¹ деган (ошпазларнинг соф лотинчасида бу барча буқаларнинг боши дегани бўлади) пойгачи буқасидан тарқалганини билиб қолди. Шундан сўнг, деб ҳикояни давом эттирди мистер Винсент, Искірт-Гарри барча сарой аёёнларини чақириб, улар ҳузурида бошини сигирнинг ем тосига тикилади-да, кейин у ердан калласини кўтариб, ўзининг янги отини эълон қилади. Сўнг уст-боши қуримай туриб, катта момосидан қолган эски кўйлак нимчани кийиб, буқа тили дарслигини сотиб олишга шошилади, фақат китобдан биринчи шахс олмошидан бошқа биронта ҳам сўзни ўрганолмайди, зотан шу биргина сўзни у йирик қилиб ёзиб қаттиқ ёдлаб олади, ўйнагани кўчага чиққанда ҳам чўнтагига бўр солиб, кўнгли қаерни тусаса, ўша ерга ёзаверади, тош устига дейсизми, қовоқхона столигами, пахта тойларигами ё қармоқларнинг пўкагигами, майли-да. Узун гапнинг қисқаси, у билан ирланд буқаси шу қадар апоқ-чапоқ бўлиб кетишадикки, нафсиламрига иштон деган кетга бунча яқин бўлмайди. Яқинликка яқин-а, дейди ҳикояни давом эттириб мистер Стивен, бироқ бу ишларнинг оқибати шу бўлдики, оролдаги эркақлар ҳамон барча хотинлар нокаста эканликларини кўриб, бошқа ҳеч қаердан мадад йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, жуда катта сол ясашди-да, унга барча ашқол-дашқолларини ортишди, тик мачталар ўрнатишди, асбобларни бошқарадиган команда тузишди, солнинг олдинги бурнини йўлга тўғрилашди, кўзғалишга ётишди, томоқни ўтли шароб билан ёқишди, бурунларини бел чизиқдан қуйи эгишди, лангарни тортишди, рулни бортга қараб сўлга буришди, қароқчилар байроғини кўтаришди, уч карра урралаб қичқиришди, пат-патни ишга туширишди, лайча итни бир тепиб, ана шундай Американи очишга равона бўлишди. Шу муносабат билан, деб ҳикояни якунлади мистер

¹ Буқаларнинг буқаси (лот.).

Винсент, уларнинг босмани шўх бир лапар тўқиди, яъни:

Эҳ, тезак есин Папа Петр
Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Муҳибларимиз юқорида ҳикоя қилинган шоҳномани тугатиб улгурмай остонада бизнинг муҳтарам танишимиз мистер Мэйлахи Маллиган ўзи ҳозиргина учратган ошнасининг ҳамроҳлигида пайдо бўлди. Қайсики бу кимсанинг исми Баннон Алек бўлиб, шаҳарга у бугун кечкурун келган, ўзига ҳарбий қўшилмадан прапоршик ёки поручик унвонини сотиб олсаму бирон ерларда жангу жадал исини ҳис қилсам, дерди. Мистер Маллиган ушбу истакни хийла маъқуллади ва уни ўз кўзлаган ишига асло зид эмас деб топди, инчунин бу ишни у биз юқорида таҳлил этиб ўтган кори бадни бартараф этмоқлик учун ўйлаб чиқармишди. Шу сўзларни айтиб, сўнг у йиғилганларга қаттиқ картондан ясалган бир қанча шапалоқдек қоғозларни кўрсатди, уларни у матбаачи мистер Квинеллга яратган бўлиб, чиройли, йирик ҳарфлар билан шу сўзлар босилганди: Мистер Мэйлахи Маллиган. *Қочирувчи Нар ва Инкубатор*. Лэмби ороли. Эслаб ўтилган иш-юмуш баробарида такасалтанг ялло-тараллолардан тамомила воз кечиши кераклиги бўйнига қўйилмишди, бундай ишлар билан эндиликда сэр Сатанг Таралло ҳамда сэр Баёв Бачча хоҳлаганча шуғулланаверсинлар, ул эса бундан буён олий мақом юмушларга ўзини тўла бахшида этсин, зеро, бизнинг жисму жонимизнинг ўзи ҳам худди шунга мослаб бино этилмишдир. Э, қойил, ошнажон, қани, бу ҳақда бизга бир ҳикоя қилиб бер-чи, дея майл билдирди мистер Диксон, ишончим комилки, бу ишга қизлар ҳам аралашса керак. Э, ўтиринглар, икковларинг ҳам, тик оёқда тургандан нима фойда. Мистер Маллиган ушбу таклифни бажонидил қабул қилиб, ўзи ўйлаган иш тўғрисида гап очди. Қулоқ тутиб ўтирмишларга унинг маълум қилишича, илк маротаба бу ғоя насл қолдирмаслик сабаблари устида бош қотириб ўтирмишида хаёлига келибдирки, наслсизлик атайлаган ҳамда атайламаган тўсиқлар орқали ҳосил бўлади, зеро ўз навбатида аларнинг биринчиси оилавий уриш-жанжаллар ва ёхуд зикна ҳисоб-китоблар орқасида юзага чиқур, кейингиси эса ёхуд туғма камчиликлардан, ёхуд ўрганиб қолинган ношоеъ одатлардан туғилур. Унинг жоннисор айлаб айтишича, никоҳ тўшагини унинг энг қимматли хизматидан маҳрум қилганларида унинг юрак-бағри эзилиб кетар экан; бева қолган бойлигини қаерга сарфлашни билмаган гулдай нозик бойвучча хонимларни айтмайсизми, уларнинг кўплари анов ярамас бонзаларнинг тайёр ўлжасига айланмайди дейсизми, улар ўз гулнорларини қоронғу зиндонларига беркитиб қўядилар ёхуд гўзал нигорларнинг сеҳрли нигоҳларини хўппоз бир олифтанинг қўйнида сўндирадилар, уларнинг қўлларида битмас-туганмас роҳат-фароғатнинг калитлари бор, атроф-тумонатда ишқибозликка бағоят талабгор келишган кўркам азаматлар турган ҳолда ўз андомлари гўзалликларини қурбон айлайдирлар, — мана шу нимарсаларнинг бари унинг юрагини тинимсиз тирналаб, аёвсиз қўйноққа солганини қай сўз билан ифодаласин, ахир. Мана шу кайфиятни бартараф этишлик учун (бу нарса унинг таҳқиқ этишича, ичида ёнаётган алангани ўчириш асносида вужудга келганмиш) у ўз ишини билгич ва қадри баланд кишилар бирлан маслаҳат қилибди, тегишли ва тегишли бўлмаган нимарсаларни хўб диққат билан тарозига солиб чиқибди ва ниҳоят мерос мулк бўлмиш Лэмби оролини мангуга сотиб олишга қарор берибди, оролнинг ҳозирги эгаси лорд Толбот де

Малахайд торийларга мансуб дворян бўлиб, ҳозирги ҳоким партиямиз уни нечукдир сиқувда сақлайди. Мэйлахи Маллиган оролда «Омфал» номида миллий қочириш фермасини ташкил қилиш, унда худди Мисрдагига ўхшаш устун йўниб ўрнатиш ва табиат тақозосини адо этиш учун унинг қошига қадам ранжида қилган ҳар бир аёл зотига тоифа-табақасидан қатъи назар қочириш бўйича хизматлар кўрсатишни мўлжаллайди. Гап даромад олишда эмас, дейди у, ўз меҳнатлари эвазига у бир тийин ҳам ҳақ олмайди. Камбағал ошпаз хотинми, гул-гул яшнаган кибор хонимми, модомики жисму жонлари ва мижозлари уларнинг илтимосларини бажаришга ишонч билан даъват этаркан, унинг сиймосида тенг-баробар ўз эркаklarини топажаклар. Бериладиган озиқ-овқатлар борасида уларга таомлар сирасини тақдим этади, лаззатли мева-чевалару ширинликлар, лаққа балиқлару қуёнлар тортилади, зеро, жуда кўп ва тез болалайдиган ушбу кемирувчи жониворнинг гўшти кўзланган ишлар учун бағоят фойдали, айниқса, хоҳ чўпга тиқиб чўда пиширилсин, хоҳ яхнагина ейилсин, боз устига агарчи мушқу андак ширин қалампир сепилсин, бай-бай, минг дарда даво денг. Ушбу маърузасини илҳом билан жўшиб ирод этаркан, мистер Маллиган шляпасининг устига ташланган рўмолчани силтаб тортиб олди. Шунини пайқаш ҳам қийин эмасдики, ҳар иккала ошна қутилмаганда ёмғир остида қолган, бошларини қанча тез шоша-пиша панага олмасинлар, бироқ барибир шилтаю шалаббо бўлишган, мистер Маллиганнинг костюмининг этаги шундан далолат берар, зеро, унинг кулранг дағал матоси ола-ола бўлиб кетганди. Воқеан, лойиҳа хушвақтлик билан қабул қилиниб, барча тингловчиларнинг самимий мақтовига сазовор бўлди. Фақат Мунгли Биби Марямдан келган мистер Диксонгина холис қолди, зотан ушбу охиргимиз муғамбирона такаллуф бирлан сўрдиким, мабодо мистер Маллиган шулар билан бир қаторда яқин атрофдаги Лиффи дарёсига сув олиб бормоқчи эмасмилар? Аммо бу ўринда мистер Маллиган мумтоз намояндалардан муносиб бир мисол келтириб, биродарларнинг маъруф қисмини ўз томонига оғдиришга муваффақ бўлди, у хотирасида сақланиб қолмиш ўшал иқтибосда ўз мўлжалларига гоаят нозик ва бағоят тўлақонли мустаҳкам далолат топишни орзуларди: *Talis ac tanta depravatio hujus seculi, Oquirites, ut matres familiarum nostrae Lascivas cujuslibet semiviri Libisi titillationes testibus ponderosis atque excelsis erectionibus centrurionum Romanorum magnopere anteponunt*¹, қайсарроқларни эса у ҳайвонлар салтанатидан мисоллар келтириб ишонтирди, зеро булар ёввойи ўрмонлардаги нару мода кийикни, ферма ҳовлисидаги мода ўрдагу нар ўрдакни эса бўлади деб ишонтирди.

Йиғинда ҳозир бўлганлар ўзлари эшитган лойиҳани оғизларидан бол томиб мақташар, бизнинг ҳақиқатан қуйиб қўйилгандай келишган қиссахонимиз ўзининг олифта-посон либосларию олижаноб қилиқлари хусусида анча баланд фикрда бўлганидан ўз уст-бошини бир чеккадан таърифлашга тушди, ора-орада табиатнинг қутилмаган хурмача қилиқларидан қанчалар озурдалигини ҳам билдириб турди. Унинг ошнаси бўлмиш ёш жентльмен ўзи яқинда бошидан кечирган саргузаштдан ёқимли нафис ҳаяжонга тўлиб тургани боис ўзини тўхтатолмай ёнида ўтирган шеригига бошидан кечирганларини сўйлашга тушди. Мистер Маллиган эса олдидаги столга нигоҳ ташлаб,

¹ Ушбу замон ёмон бузилди, о, қувирийлар, бизнинг ойжамолларимиз Румо кентурионларининг залворли шашварлари ва салмоқли асбобларидан чала эркагалларнинг ҳирсу ҳавасли силаб-сийпашларини афзал кўрадилар (*лот.*).

бунча балиқ ва егуликлар кимга, деб сўради, кейин ўзига нотаниш кишига кўзи тушиб, унга одоб билан таъзим қилиб, шундай деди: сиздан илтимос қиламан, сэр, айтинг-чи, сизни бу ерга доялик хизматига эҳтиёж олиб келмадими, бу хизматни сизга биз ҳам кўрсатишимиз мумкин эди-ку? Унга жавобан ҳалиги киши ўзини улфатона кайфиятдан баланд ва муносиб тутиб, самимий миннатдорлик билдирди ва Хорннинг муассасасига ҳозир шу ерда ётган бир хонимнинг аҳволидан хабар олгани келганлигини айтди, негаки хотин кишининг оғир қисмати (шу ўринда у вазмин хўрсиниб кўйди) уни ғалати бир ҳолатга кўйиб, эндиликда бахтли бир соат етишиб, балки енгиллашгандир, мақсадим шуни билиш эди, деди. Алҳол, мистер Диксон рақибига муносиб тарзда жавоб қайтариш учун мистер Маллигандан шундай деб сўради: унинг вентрал тарзда аксланган сфероидсимон корпуленциясини простата утрикуласидаги, бошқача айтганда, эркаклик қурсоғидаги овобластик гестация натижаси деб қарасак бўладими ёинки, номдор медик мистер Остин Мэлдонда учрагани каби эндоген филофагиясининг ўсиб борувчи синдроми симптоми деб қарашимиз керакми? Жавоб ўрнида кайфи ғоятда чоғ мистер Маллиган ўзининг чолворига қараб туриб кўкрак қорин тўсиғидан пастроққа шаппатилаб уриб, башарасида онахон Гроганнинг (айтиб кўяйлик, жуда жонон хотин, лекин афсуски, енгил табиатли) ўта кулгили қичиқ қилиғини ифодалади-да: манави қурсоқ ҳеч қачон қанчиқни катта қилмаган! – деб қичқирди. Бу ажойиб ҳазилдан ҳамма шарақ-шарақ кулиб юбордики, ниҳоят яна ҳамма кутиш залида тамом ўзларидан кетганча хурсандчиликка берилдилар. Бу ғавғо тўпалон, торт-торт, масхарабозликлар то эшик шарақ-шуруқ очилгунча давом этди.

Айни шу ерга келганда сочлари худди канопдек оқ, бағоят жўшқин йигит, шотланд талабаси ёш жентльменни ниҳоятсиз жўшиб муборакбод қилди ва энг қизиқ жойида унинг ҳикоясини тўхтатиб, ёнидаги шеригига оловли эликсир (оби замзам) солинган идишни бу ёққа узатиб юборолмайсизми, деб назокат билан сўради-да, айни замонда бошини саволомуз кўйи эгди, шу заҳоти май шишаси ҳам тескари томонга энкайди, – бир аср нафосат тарбияси билан машгул бўлганда ҳам бундай мислсиз назокатни ўрганиб бўлмайти асло – қиссахонга сўз билан айтгандан кўра минг карра маънолироқ тарзда май қадаҳи таклифини қилди. *Mais bien sur*, олижаноб нотаниш, бажонидиллик билан жавоб берди анавниси, *et mille compliments*¹. Айни муддао. Мана шу бир қадаҳ майсиз кўнглим тўлмаётганди. Аммо, меҳрибон осмон, агарда менга хуржун тагида бир бўлак қотган нону қудуқда бир қултум сув қолган бўлса, ана ўшанда ҳам, ё Худойим, уларга қаноат қилиб, юрагим буюрганча тиз чўкиб, неъматлар ато этгувчидан етган ушбу бахт-саодат учун илоҳий кучларга шукрона айтган бўлурдим. Шу сўзлар билан у қадахни дудоғига олиб борди-да ғоятда мамнуният билан бир қултум ютди, кейин турмакланган сочини тўғрилаб, кўйнига қўл суқиб, суюкли сиймо сурати сақланган ипак тизимчага осилган медалионни кўрсатди, уни суюклиси ўз қўли билан бағишлов ёзиб берганидан бери ёнидан кўймай олиб юрарди, шунда у суратдаги қизнинг гўзал чеҳрасига чексиз мунислик билан боқиб, кўксидан шу сўзлар отилиб чиқди: Оҳ, мсе, сиз уни худди мен каби ўша ҳаяжонли дақиқада бир кўрганингизда эди, у чиройли кўйлак кийган, бошида шўхроқ бир шляпача (табассум билан менга

¹ Ҳа, албатта... Минг бора ташаккур (*франц.*).

айтишича, буни унга фаришталар кунида совға қилишган экан) ва яна буларнинг ҳаммасида чиройли бир бепарволик кўзга ташланар, сизга онт ичиб айтаманки, юрагим эриб тўкилиб бўлди, мсе, ишонинг, сизнинг ҳам олижаноб табиатингиз мана шундай рақиб қўлига батамом таслим бўлишга ва ёхуд жанг майдонини бутунлай ташлаб кетишга қўндирган бўларди. Сизга жоним қурбон бўлсин, мен ҳеч қачон ҳаётимда бунчалар таъсирланмаган эдим.

Худойим, сенга Ҳамду Санолар бўлсин, кунларимнинг Яратувчиси ва битмас-туганмас Чашмаси ўзингсан! Мана шундай мўъжизакор хилқат кимга кўнгил берса, ўша уч қарра бахтлидир. Майин хўрсиниш унинг сўзларини янада латофатлироқ қилиб кўрсатди, медалионини яна қайта кўксига яшириб, у кўзларини артди-да, яна хўрсинди. Эй, ўз махлуқларига чексиз яхшиликлар етказувчи Қодир Худовандо, Сенинг бу лаззатли азобинг нақадар улуғ ва нақадар чексиз, у озодни ҳам, қулни ҳам, содда қишлоқ ва пойтахт олифталасини ҳам, эҳтирослари жўшиб тошган йигитчаю турмуш тажрибаларида чиниққан кадхудони ҳам ўз занжирдан бўшатмайди. Аммо, хоссатан, сэр, мен анча ташқарига чиқиб кетдим. Бу сарзамин узра бизнинг қувончларимиз қанчалар ўткинчи ва заиф! Лаънатлар бўлсин! Нега кўнглим менинг плашч олмоқни сездирмади, Худовандо Каримга шу маъқул эканми? Буни ўйласам, ўкириб йиғлагим келади. Ахир ўшанда етти қават осмон ёрилганда ҳам, бу бизга ҳеч қандай зиён-заҳмат еткизмас эди. Бироқ майли, шамол учирсин уни, деб қичқириб юборди у манглайига қаттиқ шапалоқ уриб, бугун бўлмаса эртага, мен битта marchand de capotes¹ни биламан, оти мсе Пойнс ундан арзимаган бир ливр пулга французлар тиккан энг қулай плашчни сотиб оламан, у хонимойимни қор-ёмғирдан ҳаммадан яхши сақлайди. Те-те-те! унинг сўзини бўлди Le Fecondateur², менинг дўстим мсе Мур, дунёга донғи кетган саёҳатчи (биз ҳозир aveclui³ мана шу шаҳарлик кўзга кўринган қизиқчилари даврасида яримтани бўшатдик) мени ишонтириб айтдики, Горн қўлтиғида, ventre biche⁴ шундай ёмғир ҳам бўлар эканки, у ҳар қандай мустаҳкам плашчни тешиб ўтаркан. Унинг менга айтишича, бундай қутурган жалаларда қолган одам Sans blague⁵ бир зум ичида нариги дунёга равона бўларкан.

Пуф-эй! Бир ливр-а! қичқириб юборди шунда мсе Линч. Умуман, шу беўхшов нарсалар бир тийинга ҳам арзимади. Биттаю битта кўзиқорин салласидек соябон мингта плашчингдан яхши. Биронта ақлли-хушли хотин бундай нарсаларни хоҳламайди. Азизам Китти менга бугун нима дейди денг, бундай халоскор кема ичида очликдан азоб чеккандан кўра дунёни сув босгани яхшийди дейди, нега деганда (пориллаб учаётган капалаклардан бошқа ҳеч ким, гарчи бизни эшитмаётган эса-да, у ажиб бир тарзда қизариб қулоғимга шивирлади) она табиат Худонинг иродаси билан дилимизга шуни солганки ва бу ҳатто топишмоққа айланиб кетганки, il y a deux choses⁶, бизнинг туғма либосимизнинг бокиралиги бошқа баъзи бир ҳолатларда одоб расмини бузиб бўлса ҳам, энг зарур ва ҳатто якка-ягона муносиб либос бўлиб кўринади. Уларнинг биттаси шуки, деди у (менинг

¹ Плашч сотувчи (франц.).

² Қочирувчи (франц.).

³ Биргаликда (франц.).

⁴ Эчки қорни (франц.).

⁵ Беҳазил (франц.).

⁶ Икки нарса борки (франц.).

мафтункор донишмандим, уни тилбюрига ўтқизарканман, диққат-эътиборимни ўзига яхшироқ тортиш учун тилининг учи билан қулоғимнинг ичини енгилгина ялади) аввало бу ванна... Лекин гап шу ерга келганда эшик ёқдан эшитилган қўнғироқ овози билимларимизни беқийс бойитиши мумкин бўлган унинг мана шу ҳикоясини бўлиб қўйди.

Хуллас, бекорчи такасалтанглар авжга миндирган вағир-вуғур анжуманнинг нақ ўртасида бирдан қўнғироқ жаранглаб, ҳамма бунинг сабаби нима бўлдикин деб қараб турганда ойимқиз мисс Каллан кириб келди-да, ёш мистер Диксонга оҳиста бир нималар деб яна чуқур таъзим қилганча чиқиб кетди. Бир зумгагина бўлса-да, камтарликнинг барча фазилатлари билан безанган, қанчалар гўзал бўлса, яна шунчалар хушфёъл бу қизнинг сатанг авбошлар ичида пайдо бўлиши ушбу бетийиқ бетавфиқларни бирмунча хушёр торттирди, бироқ у чиқиб кетиши биланоқ бепарда уят гап-сўзларнинг бари яна авжга минди. Худо мени жуда катта болга билан уриб ўлдирсин, деб бўкирди башараси пачақ Костелло маст-аласт ҳолда. Улай агар, мана буни жонон деса бўлади! Худо ҳақи, у сени учрашувга чақирди-ёв. Ундай эмас, дейсан-да, а айғир! Сен уларни эплай оласанми ўзи! Худо урсин. Сендан кўра тузукроқман, деди Линч. Улар ахир мунгуф Она қошида кўрпа-тўшак нималигини анча тушуниб қолишган. Ҳаййё хуйт, эй, анов доктор О'Гагл ҳамшираойларни томоғини қитиқлаб ҳоли-жонига қўймайди. Жоним қурбон бўлсин, майли, менга ҳаммасини Китти айтиб берган, у ерда ўзи етти ойдан бери энагалик қилади. Оҳ, доктор, Худо ёрлақагур доктор, деб нидо қилди сариқ нимчадаги анов йигитча, бутун танасини қийшанглатиб, ҳар турли қичиқ ва уят қилиқлар қилиб, оҳ, мунча менинг қитиғимга тегасиз! Ўлиб кетсин дунёда ҳаммаси! Вой, Худойим-ей, нега мунча кўзичоқдай қалтирайман. Вой, сиз жуда ҳам хатарли ёмон одам экансиз, Бўсаннинг Отасимисиз, нима бало! Мана шу май косаси томоғимга тиқилиб ўлай, деб яна бўкириб юборди Костелло, унинг бўйида бор. Мен ойимқизни биламан, унга шундай бир қарасам, бас, бўғозлиги менга маълум. Бироқ шу ўринда ёш жарроҳ жойидан турди-да, мен боришим керак, ҳамшира айтди, палатада бўлишим зарур, деб жамоатдан узр сўради. Меҳрибон Ҳаллоқи Оламнинг розилиги *enceinte*¹ бўлмиш ойимнинг дардлари ниҳоят ариб, намуна бўларли ирода-матонат кўрсатиб, ёруф дунёга соғлом ўғил чақалоқни келтирибди. Мен истардимки, деди ул, ҳаёт беришга матонати ва илм беришга илми етмайдиган, Қодир Худойимга иззат-ҳурмат кўрсатишни истисно қилганда, ер юзида бахт келтирувчи энг қудратли куч бўлган олижаноб касбни қораловчи кимсаларга нисбатан менга сабр-тоқат берсин. Сизни ишонтириб айтаманки, агар зарурат бўлса, унинг энг муносиб ва эзгу хизмат эканлигига ҳеч қийинчиликсиз булуллардан ҳам бисёр далолат келтирган бўлардим. Зеро, ушбу хизмат беписанд айбсотишларга эмас, одамлар қалбида фараҳ ва ифтихор уйғотишга сазовордир. Мен уларни эътибордан соқит қилолмайман. Нечук ахир? Ўз жинсининг кўрки ва биз эркаклар учун мўъжизамиз, илтифотлиларнинг илтифотлиси ойимқиз мисс Калланга ўхшаган инсонни қоралаш, ёмонлаш мумкинми? Яна бу жони муваққат ва ожиза хилқатнинг қисматига тушадиган энг қимматли дақиқада-я? Бу ҳақда фикрнинг ўзи даф бўлсин! Шундай хайрсиз уруғлар сочилган қавмнинг келажагини ўйлаганимда, то Хорннинг ушбу даргоҳида

¹ Қочирим сўзлар. (Франц.).

ҳам ҳатто аллақачон она билан қизни муносиб эъзозлашни унутганларидан алам-изтиробга тушаман. У ўз даъват ва инкорини шу тариқа ўқиб, қолганлар билан хайр-хўшлашди-да, эшикда ғойиб бўлди. Ҳар томондан гувиллаб маъқуллаган овозлар эшитилди. Баъзилар анов разил бадмастни шу заҳоти ҳайдаб чиқаришни талаб қилдилар ва бу дарҳол амалга оширилиши тайин эди ва мабодо агар ўзи шоша-пиша орқага қайтмаганда, қилиғига яраша тўла жазо олган бўларди. Ҳаммаларига Худо номи билан ёмон қасам келтириб (сўкиш-лаънат ҳеч унинг тилидан тушмасди), муқаддас ва чин черковнинг у каби созу мумтоз ўғлони минбаъд бўлган эмас, деб онг ичди. Турган еримда тил тортмай ўлай, деб бўкирди, сизнинг қошингизда турган бу Фрэнк Костелло ҳар доим юракдан ҳис қилади ва ота-онани ҳаммадан ҳам ортиқ ҳурматини жойига қўяди онам чўчқа гўшти устига мураббо куйиб пиширишни бопларди ямламай ютиб юборардинг уни доим эслаб йиглайман.

Аммо мистер Блумга қайтайлик, бу ерга кириб келган пайтида у баъзи уятсиз ҳазил-ҳузуллари пайқади, лекин уларни ёшликнинг тийиқсизлигига йўйиб, тишини тишига босди, ахир кўпчиликка маълум бундай ёшда киши бераҳм бўлади. Очиқ гап шуки, ёш ошқовоқлар худди катта болалардек шўх-зил ҳазилларни ҳаддан оширишарди; уларнинг шовқин-сурон билан тўлган айқаш-уйқаш тортишувларида янграётган сўзларни англаб бўлмас, аксари одобдан ташқари эди; уларнинг терс қўполлиги, ҳақоратомиз мотслари ғашга тегарди; боз устига улар одоб-икромга ҳам риоя қилиб ўтирмасдилар. Шунга қарамасдан, уларнинг қайнаб турган навқирон куч-қудрати худди оҳанрабодай ўзига тортарди. Бироқ у мистер Костелло гап-сўзларининг равиш-рафторига сира тоқат қилолмай энсаси қотар, турқиға қараса кўнгли айнар, кўзига у чиноққулоқ бир ножинс бўлиб кўринар, шундай жуда бедаво букри, кимдан туғилганининг тайини йўқ, дунёга худди букрилардай оғзида тиши билан оёғини олдинга чўзган ҳолда келган, бунинг далили ўлароқ унинг бош чаноғида тортиб олинаётганда қисқичларнинг изи муҳрланиб қолган, бинобарин, марҳум мистер Дарвиннинг ихтирочи ақли излаган, яратилиш тизимида йўқолиб кетган деб тахмин этилган ўша оралиқ махлуқ шу Костелло эмасмикин деб ўйларди. У бизга тақдир ато этмиш умр муддатининг ярмидан ошиб ўтди, турмушнинг сон-саноксиз эврилиш, синовларини кўрди; у эҳтиёткор одамлар сирасидан бўлгани ва айни замонда ўз юрагини ноёб бир тарзда олдиндан кўра олгани учун анчадан буёқ ўзини қаҳр-ғазабга берилмасликка ўргатган, аксинча, бундай ҳиссиётларни дарҳол кечиктирмай усталик билан жиловлар, кўксиди ҳар тасодифга кўникувчи ажиб бир осудалик, хотиржамликни сақларди, аммо худди мана шу нарсани баъзи одамлар қоралайдилар, тез хулоса чиқарувчи кишилар эса жирканадилар ва шундоқ бўлса ҳам, барча бу нарсаларга чидаса бўлади деб қарайди, аммо шунга қаноат ҳосил қилиб нарига ўтмайди. Аёлларнинг устидан кулиб, майнавозчилик қилувчиларнинг (бундай муносабат унга бутунлай бегона эди) на номус-ориятли номи ва на олижаноб тарбиясини тан оларди; бошвоғини йўқотиб энди бутунлай йўқотадиган нарсаси қолмаганларга қарши туроладиган унинг биргина ўткир яроғи қолганди – у ҳам бўлса тажрибакорлик эдики, унинг воситасида тарбиясизлик ва қўполликни шармандаларча орқага чекинишга мажбур қиларди. Лекин бу жўшқин ёшликка унинг хайрихоҳлигини асло инкор этмас, ёшлик қариб-чуриганларнинг минғир-минғири, жиддий одамларнинг танбеҳ-койишларига қарамай

(Муқаддас Адибнинг бокира сиймоларида акс этгани каби) ман этилмиш мевани тотиб кўриш учун ҳар доим интилади; бироқ ўз зиммасидаги вазифани адо этаётган олижаноб хоним аёлга нисбатан бу қадар менсимай қараб одамийликни барбод этишга ҳеч қачон журъат этмаган бўларди. Хуллас, хулоса ясайлик: гарчи ҳамширанинг олдин айтган сўзлари тез орада яхши бир натижа рўй беришига умид уйғотган эса-да, лекин шулар баробарида, шунча оғир синовлардан сўнг хайрли тилаклар рўёбга чиққани ва шу орқали Ягона Олий Вужуднинг меҳрибончилиги ва саховати яна бир карра намоён бўлганлигини билгач, у ўзини мислсиз энгил сезди.

Шу воқеа муносабати билан у ўз фикрларини ёнида ўтирган қўшнисига айтиб беришни лозим кўрди, шу нарса юзасидан ўз тушунчаларини баён этди (асли баён этмагани ҳам тузук эди), унинг фикрича, фақат юраги бир парча муз ва бутун руҳияти ҳиссиётдан маҳрум одамгина аёлнинг кўзи ёриганини эшитиб хурсанд бўлмайди, ахир аёл бечоранинг бошига ҳеч қандай айби бўлмай туриб қанча шафқатсиз синовлар тушди-я. Ясанган йигитча ўша қийноқларнинг барчасига унинг эри айбдор ёки ҳар қалай айб унда бўлиши керак, мабодо аёл анов Эфесдан чиққан холамбувишнинг бошқача бир нусхаси эмасдир ахир, деди. Сизга айтиб ўтишим керакки, деб сўз бошлади шунда мистер Кроттерс ва ўз сўзларини мустаҳкам қоқиш учун столни чертиб тарақлатди, аёлнинг қари Алласи бугун яна келди, ёши анча ўтиб қолибди, икки чаккасида мўйлари осилган, нуқул пинғиллаб гапиради, бир оғиз билгани келдим, Вилгелминанинг аҳволи қалай, у менинг бор ҳаётим, дейди хотинини. Мен унга тайёр тулинг, тезда иш пишади, дедим. Ана сизга масала. Ўз хотинининг супрасини яна бир бора қоқиштиришни эплаган бу чол, унинг белидаги куч-қувватига қойил қолиш керак. Барчалари бир оғиздан қарияни мақтай кетишди. Фақат ясанган йигитчагина олдингидек ўз фикрида турди, бу ишда хотиннинг қонуний эри эмас, бошқа аллаким ўзини кўрсатган, балки у руҳонийдир, балки фонусчи (савоб учун) ёки уй бекаларига зарур рўзгор ашёларини сотиб юрувчи дайди бозоргондир. Воҳ, ажаб! Аёллар қанчалар ҳайратомуз товланиб, териларини ўзгартириб туришади, деб ўз-ўзига сўйланарди меҳмон, ахир болапарвар осудалик ва мурда қийиш театри ҳозир уларда ахлоқсиз энгилтаклик академиясига айланиб кетган, инчунин бу илмий корпорацияга киришнинг ўзи етарли, такасалтанг эрмакларнинг қули бўлган бир зум ичида шундай бир айланиб, кўп шарафли эрларга ғоят муносиб кўринган ўша санъатнинг ҳавасланарли ходималарига чевриладилар. Бироқ, деб давом этди у шундан сўнг, бу одми турмушда уларни эзиб ётадиган ҳисларни асраб ўтирмаслик учун бир баҳонайи сабаб бўлади, зеро, мен бунинг исботини неча-неча бора кузатганман, баайни балиқчи балиқчининг ёнида хурсандчилик қилади.

Лекин, унинг раҳнамози бўлмиш олижаноб лорддан бир оғиз сўрашга ижозат беринг, саховатли раҳбарнинг раҳм-шафқати билангина фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлган манов келгинди наҳот ўзини бизнинг ички ишларимизга олий ҳакам қилиб кўрсатмоқчи? Тобе одам холис бўлиши керакмасми? Шуми унинг миннатдор бўлгани? Яқинда уруш бўлганда, гоҳида душман ўзининг гранаталари билан устунликка эришганда, бу ўз қавмига сотқинлик қилган кимса ҳар гал қулай вақт топса, империяга қарши қурол ишлатмадими? Ҳолбуки, бу ерда унинг бошини силашади, у эса ўзининг тўрт фоиз фойдасидан бошқа қайғуни билмайди. Ёки у ўзига берилаётган барча

қулайликларни унутаётгандек, буни ҳам унутиб қўйдими? Ёки бошқаларни бурнидан ип ўтказиб юришга ўрганмиш бу зот, ниҳоят ўз-ўзини ҳам алдаб қўйдимикин? Агар миш-мишлар рост бўлса, ўз баданидан фақат ўзи лаззат олар эмиш ахир? Жасур майорнинг қизи бўлмиш муҳтарама хонимнинг ётоғига бостириб кириш – камтарликка қарши ўлароқ қилинган шак-шубҳасиз гуноҳ, ёхуд ўшал хонимнинг моҳпоралигини шубҳа остига олиш ҳам ярашмаган иш, бироқ бунга унинг ўзи бизнинг диққатимизни тортаркан (бундан у чиндан ҳам ўзини тийиши лозим эди). Майли, унда шундай бўла қолсин. Шўрлик хотин, унинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳаддан ортиқ узоқ ва ҳаддан ортиқ қаттиқ туриб тан олмай келган эдиларки, эндиликда унинг таъна-дашномларига умидсизликка тушганларнинг нафратидан ўзгача муносабат билдирилмасди. Ушбу ахлоқ-одобнинг кўриқчиси, эзгуликнинг чин лайлаги, унинг ўзи-ку уларни ташлаб кетадиган, у-ку табиий алоқаларни унутиб, виждон овозига қулоқ солмай, жамиятнинг энг паст табақаларидан олинган чўри қиз билан гайриқонуний муносабатларни қидириб юрган! Агарда ушбу ойимқиз ўз супургиси тимсолида ҳақиқий халоскор фариштасини топмаса эди, мисрлик Ҳожарнинг аччиқ қисматига шерик бўлиши тайин эди! Яйловларга келганда эса, унинг қайсар жангарилиги шу қадар жонга теккан эдики, чорвадорлардан бири азбаройи фиғони чиққанидан уни роса бўралаб сўккан ва мистер Кафф бунинг гувоҳи бўлган эди. Бунақа битикни тарғиб қилишга унинг ҳақи йўқ. Ахир унинг шу яқин атрофда кўриқ бўлиб ётган ерлари йўқми ва уларни омоч солиб ҳайдаш керак эмасми? Киши балоғат ёшига етаётганида ўрганадиган ярамас қилиқ вояга етганда шармандалиқдир, аммо, афсуски, бу унинг иккинчи табиатига айланган. Оғзидан она сути кетмаган бузуқларнинг сиҳат-саломатлигини тиклаш учун у Галааддан келтирилган малҳамини ишониб бўлмайдиган таъриф тавсифлар билан кўкларга кўтариб мақтаб тарқатмоқчи экан, унинг бу ишлари ўзи ҳозир эътиқод этаётган таълимотларга энг яхши маънода мос ва муносиб бўлиши керакмасми? Унинг эрлик юрагида номуслик одамлар тилга олишга ор қиладиган хуфя сирлар сақланади. Аллақандай сўлиган ойимқизнинг ҳаёсиз гаплари рад этилмиш ва йўлдан озмиш рафиқасининг ўрнига унга таскин-тасалло бера олади, бироқ янги чиққан ушбу иллатларни даволовчи ва яхши хулқлар тарафдори қиёфасида у нари борганда қандайдир ғалати экзотик дарахтга ўхшар, у она Шарқнинг заминига илдиз отган, барқ уриб кўкариб, гуллаб ўзидан мўл-кўл малҳам чиқарган, аммо мўътадил иқлим шароитига кўчириб ўтқазилгач, илдизлар аввалги куч-қувватидан айрилиб, ундан сизиб чиқувчи малҳам эса чириб, ачиб, ўз кучини йўқотганди.

Порлоқ Порта саройлари удумларига муносиб буюк эҳтиёткорлик билан янгилик иккинчи энага томонидан даволаш бўлимининг навбатчиларидан ёрдамчи энагача маълум қилинган, у ўз навбатида вакилларга меросхўр валиаҳд туғилганидан хабар берганди. У аёллар бўлимига йўлдошни ажратиб олиш тантанали маросимида ички ишлар бўйича давлат котиби ҳамда яширин кенгаш аъзолари билан бирга қатнашиш учун чиқиб кетди, улар ҳорғин сукут ичида бу ишни бир овоздан маъқуллашарди, депутатлар узоқ сукут сақлаб, кутиб туришдан зерикишиб, ниҳоят қувончли воқеа ўзларини расм-русум зулмидан озод қилишига умид боғлаб ва бунинг устига сарой хоними ва аъённинг йўқлигидан фойдаланиб, дарҳол вағир-вуғурни авжга миндирдилар. Комиссионер Блумнинг юмшоқлик, сабр-қаноат, тинчликни сақлашга чақирган овозини ҳеч ким эшитмасди. Шунақа

нутқларни машқ қилиш учун ушбу дамлар ғоятда қулай эди, бир-бирига сира ўхшамаган бу одамларни уларнинг маърузаларигина бир-бирларига боғлаб турарди. Мавзунинг лоақал бирон-бир тафсилоти уларнинг ўткир тигидан четда қолмади: бир қурсоқдан тушган оғаниларнинг туғма равишда бир-бирларини кўролмасликлари, болани ёриб олиш, ота ўлимидан сўнг ёки камроқ бўлса ҳам, она ўлимидан сўнг бола туғилиши, адвокат жаноб Бушнинг эҳтиросли нутқи боис оқланган ва шуҳрат қозонган, ака-укалар қони тўкилган Чайлдснинг иши, иккита ёки учта эгизак бола туғилганда биринчи бўлиб туғилганнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ёрдам пуллари олиш, қасддан ёки хуфя бола тушириш ва ўлдириш, юраги йўқ foetus in foetu¹лар, катта қонтомирларидаги тикилиб қолиш натижасида пайдо бўладиган апросопия, аллақайси хитойларнинг ияксиз агнатияси (жаноб Кандидат Маллиган томонидан хабар қилинган ҳодиса), бу жағ чиқиқларининг медиал чизиқ бўйлаб яхши чапишмаслиги оқибатида туғилади, бундай ҳолларда (бу унинг гапи) бир қулоқ иккинчиси гапирганда эшитилади, уйқу дорилар воситасида туғишни енгиллатиш, вена қон томирига босим тушиши натижасида охириги босқичда дард тутишнинг узайиши, сувнинг бевақт қочиши (ҳозирги ҳолатда кузатилади) игна ёрдамида сунъий уруғлантиришда қиннинг хавфли қисқариши, ҳайз кўриш чоғида қиннинг букилиб қолиши, зўрлаш оқибатида хотин кишининг бўйида бўлиб қолганда, буни туғиш ё туғмаслик, бранденбургликлар sturzgeburt² дейдиган туғишнинг энг серқийноқ тури, монстрлар туғилишининг маълум-машҳур мисоллари, туғишганлар ўртасида ва ҳайз кўриш пайтидаги алоқалар оқибатида икки мойкли ва кўп эгизакли болаларнинг туғилиши — хуллас инсон дунёга келишининг барча ранг-баранг шакл-шамойиллари бирма-бир тилга олинди, булар асли Аристотелдан қолган кўҳна гаплар, унинг рангли суратлар билан безатилган китобларида ҳам акс эттирилган. Акушерлик илми ва суд медицинасининг энг теран масалалари тахлилдан ўтказилди, айна замонда ҳомиладорликка дахлдор оддий халқнинг хурофий қарашлари ва расм-русумлари ҳам диққат-эътибордан четда қолмади, чунончи ҳомиладор аёл шох-шабба босилган четан девордан ошиб ўтмаслиги керак, акс ҳолда чақалоқнинг бўйнига ичак ўралиб қолиши мумкин ёки ҳирси кўзғалиб майл истаги жўш урса, кўлини оналар қадимдан шаппатилаб урадиган аъзосига маҳкам боссин ва ҳоказо. Айрим ҳолларда қуён тумшуқ, туғма йирик ҳоллар, оқ-қора-қизил тожлар, маймоқлик, кўпбармоқлик, кўк парча, ангиома сингари ғайритабиий нарсаларни йиғилганлардан кимдир гоҳида чўчкабошлар (шу ерда мадам Гриссел Стивенс ҳам эслаб ўтилди) ёки териси ит терисига ўхшаган болаларнинг туғилиши билан қай бир тарздадир ўз-ўзидан боғланиб кетишини тушунтиришга уринди. Калледониялик вакил томонидан ўртага қўйилган плазма хотира гипотезаси у мансуб мамлакатнинг метафизик аънаналарига муносиб бўлиб, юқоридагидай ҳолларда ҳали қандайдир одам қиёфаси шаклланиб етмаган босқичда эмбрионал ўсишни тўхтаб қолишини аңлатади. Хориждан ташриф буюрган депутат бу ҳар иккала назарияни инкор этиб ҳайвонларнинг нарлари билан хотинларнинг кўшилиши борасидаги назарияни қизгин ишонч билан ёқлашга тушди, Минотавр ҳақидаги афсоналар аслида бўлган воқеа, буни лотин шоирининг нафис даҳоси яратган

¹ Шаклланаётган гумона (лот.).

² Тез туғиш (нем.).

«Метаморфозалар» асарида бежиз ҳикоя қилмаган деди. Унинг сўзлари дарҳол, аммо ҳавойи таъсир қилди. Жаноб Кандидат Маллиган ўзининг беқиёс ўйноқи услубида нутқ ирод этиб, бояги гап қандай туғилган бўлса, худди шундай пуфакдек ўчди, жаноб Маллиган ҳаммадан яхшиси бу – озодагина, сариштагина чол, деди. Шу билан айна бир вақтнинг ўзида жаноб Депутат Мэдден ва жаноб Кандидат Линч қўшалок Сиём гўдаклари туғилганда, улардан бирининг ўлими оқибатида юзага чиқадиган диний ҳамда ҳуқуқий масалалар тўғрисида алангали баҳс бошлаб юборишди, улар ўртада туғилган чигалликни дарҳол жаноб Комиссионер Блумга маълум қилдилар, у эса ўз навбатида буни дарҳол жаноб Коадютор Диакон Дедалга етказди. Ушбу жаноб эса ички овозга бўйсунибми ёки ўз либосининг галати бир даҳмадорлигини таъкидлаб кўрсатиш учунми, ҳаддан ташқари ўзига жиддий тус бериб шу чоққача индамай турмоқда эди, на илож, ундан сўрашгандан сўнг, йиғилганлар назарида беписандлик билан мухтасар тарзда Худо қўшган нарсани инсон айирмасин, деган черков ақидасини баён қилди.

Бироқ Малахиянинг қиссаси уларнинг юракларини тўлқинлан-тирмоқда эди. Бутун саҳна уларнинг кўз ўнгида жонланди. Кутилмаганда камин (оташгоҳ) ёнидаги деворнинг бир қисми товуш чиқармай четга сурилди-да, ортида махфий йўлак очилди ва ичкарида... Хейнс кўринди! Ким вужуди даҳшатдан тош қотиб қолмаганини ҳис қилмабди? Унинг бир қўлида хуржин, иккинчисида – «Заҳар» деб ёзилган идиш. У ҳаммага ўликнинг тиржайиши билан боқар, одамларнинг башараларида ҳайрат, нафрат, ҳаяжон акс этарди. У иблисларча хахолаб, мен шундай бўлишини кутган эдим, деди, менимча, бу ҳали воқеанинг ярми. Ҳа, сиз янглишмадингиз. Мен Сэмюэл Чайлдснинг қотилиман. Аммо ёмон жазоландим! Мен дўзахдан кўрқмайман. Мана, менинг башарам! Жаҳаннам ва мангулик, гудраниб деди у, қачон мен осуда бўлгайман, Дублин маъволарида кўшиқларимни ортмоқлаб юрурман, у мени ҳар қайда таъқиб этур, худди south¹ каби, худди bullawurrus² каби. Менинг дўзахим ва Ирландиянинг дўзахи – шу дунёнинг ўзида. Мен унутиб юбориш учун ўзимни нималарга мажбур қилмадим! Ўйин-кулги, қарга ови, гэлл тили (бу тилда у бир неча жумла сўз айтди), оғу (у идишни оғзига тутди), саёҳатлар. Ҳаммаси бекор! Унинг шарпаси мени таъқиб этаверади. Банг – бирдан-бир умидим шу... О-о! Ҳалокат! Қора қоплон! Шунда у бирдан кўрқинчли қичқириб ғойиб бўлди, девор яна сирғалиб жойига қайтди. Бироқ бир зум ўтмай унинг боши нариги қарама-қарши томондаги эшикда пайдо бўлди-да, шу сўзларни айтди: Мени Уэстленд-роу бекатида ўн дақиқа кам ўн иккида кутинглар. У кетди! Бевош йиғиннинг кўзидан дув-дув ёш оқди. Башоратчи қўлларини кўкка чўзиб, шивирлади: Мананааннинг қасоси! Донолар такрорлашарди: *Lex talionis*. Қилиб қўйган иши учун масъулиятни бўйнига олмай роҳат-фароғат қилишга қодир бўлган кишини кўнгилчан деб аташ керак. Ҳаяжондан титраган Малахия жим қолди. Сир очилди. Оға-иниларнинг учинчиси ҳам бор эди, ана шу учинчиси – Хейнс, унинг асл исм-шарифи – Чайлдс. Қора қоплон ҳам унинг ўзи, ўз отасининг шарпаси. У ҳаммасини унутиш учун оғулар ичиб юради. Дардимни енгиллатганингиз учун миннатдорман. Мозор ёнидаги ёлғиз кулба кимсасиз. Бирон тирик жон у ерда

¹ Арвоҳ (ирл.).

² Ўлим ҳиди (ирл.).

яшамайди. Унда ёлғиз ўргимчак уя тўқийди ва гоҳо кечалари каламуш инидан бош чиқариб мўралайди. Қарғиш теккан бу ерга. Бунда шарпа кезиб юради. Бу қотилнинг ери.

Одамзотнинг жони неча ёшда? Атроф-туманотда ҳар вақт ўзгариш бўлганда, у ҳам буқаламун каби ўзгаради, бу унинг туғма салоҳияти, қувноқлар орасида қувноқ, сўлғинлар ичида сўлғин, ўзи ҳам кўринмайди, унинг ёши ҳам худди кайфияти каби ўзгариб туради. Мана шу ерда ўтирган Леополд, ўйга ботиб, тинмай хотира саҳифаларини варақлайди, у энди матбуотнинг вазмин ходимигина эмас, инвестициялар шаклидаги камтаргина сармоянинг эгаси ҳам эмас. Йиллар учиб қочиб кетдилар. У — навқирон Леополд. Мисоли у орқага қайтиб, худди ойна ичидаги ойна каби (хўп — бошладик!) у бир бошидан тартиб билан ўзини томоша қилади. Ўша олисда қолган йиллар, ўша нав-нихол болакай, ёшига нисбатан улугсифат кўринади, Клэнбрасл-стритдаги эски уйдан чиқиб тиник тонг аёзида мактабга шошади, бўйнига сумкасини ўқдори камаридай оспан, унда онаси солиб қўйган бир бурда бугдой нон. Бир-икки йил ўтиб, мана яна ўша қиёфада, у бошига янги ихчам шляпа илган (о, қандай кун эди-я!), ишга тушган, отасининг фирмасида росмана тижоратчи, ёнида буюртмалар дафтари, атир сепилган рўмолча (фақат кўз-кўзлаш учунгина эмас), халтасида ранг-баранг йилтироқ майда-чуйдалар (афсус, энди ортда қолди!), ҳар бир сотиб олишга мойил бўлиб турган ва нарсанинг баҳосини бармоқларини букиб санаб кўраётган ҳар бир бекач ёки сўзларни ва унинг мулойим илтифотларини ийманибгина тинглаётган, гул-гул яшнаган ёш қизгина (аммо юрак садоси? Тан олинг!) унинг жуда ёқимли жилмайишлари ва хушомадларига беш кетади. Хушбўй атрлар, нафис табассумлар ва ҳаммадан ҳам қора кўзлару майин илтифотлар кечга қараб фирма бошлиғига жуда кўп буюртмалар келтиради, у уй тўрида бамисоли Иаков (Ёқуб) каби шундай меҳнатлардан сўнг кўр тўкиб ўтиради (хамир кесиб солинган суyoқoш тезда пишиб қолади алҳол) ва бурнига мугуз ойнагини қўндириб қитъадан келтирилган бир ой бурунги эски газеталарни ўқийди. Аммо ойнага нафас уфурдилар, ойна хира тортди: ана, бошладик! — навқирон саргузаштчи тожир ортга сурилади, тобора, тобора кичрайиб-кичрайиб боради ва туманлар ичида йилт этган зарра каби эриб кетади. Энди унинг ўзи оила бошлиғи, унинг атрофидаги манави ёшлар ўғиллари бўлиши мумкин эди. Ким нима дейди? Ўз боласини биладиган ота донишманддир. Унинг ёдига ёмғир шивалаб турган кеча тушади, дарвозалари берк омборлар ёнида, ўша ўзининг биринчи кўз очиб кўргани. Икков бирга (уй-жойсиз бечора қиз, шармандалик кўчасига чиққан, унга ҳам, бунга ҳам бўлаверади, озгина чақасини берсанг, бас), бирга қоровулларнинг оғир қадам товушларига қулоқ тутишади, бошига ёпинчиқ ёпган икки шарпа қирол университетини ёнидан ўтиб боради. Брайди! Брайди! Келли! Ҳеч эсидан чиқмайди бу ном, бу кеча, илк бора қўшилиш кечаси ҳеч қачон унутилмайди. Зим-зиё тун қўйнида улар ачомлашиб бир вужудга айланадилар, ўлжа ва овчи, сўнг кўз очиб юмгунча (fiat!) оламни ёруғлик денгизи қоплади. Аммо қучдими юрак юракни? Эвоҳ, гўзал малагим, ўқувчи! Ҳаммаси бир нафасда содир бўлди — бироқ тўхтанг! Орқага! Керакмас! Шўрлик қиз зулмат қўйнида ғойиб бўлди. У тун қелини, зулмат қизи. У куннинг қуёш юзли бўбагини кўтармайди. Йўқ, Леополд! На хотира ва на исм сенга таскин беришга қодир. Ўз

¹ Бўлсин! (лот.)

куч-қудратининг навқирон масаррати батамом ўтди. Пушти камарингдан бўлган ўғилча йўқ энди. Леополд Рудолф учун ота эди, лекин ким энди Леополдга ота бўлолади?

Товушлар туманли сукунат, бепоён маконларнинг сукунатида қўшилиб эриб кетади, жон илгари яшаб ўтган сон-саноқсиз авлодларнинг номаълум ўлкалари узра шиддат билан ҳеч сас чиқармай учиб ўтади. Ўлкаки, унда говгумнинг оқаринқираган ғира-шираси мангу тушиб келади-ю, аммо ўз қоронғилигини ёйиб, юлдузларнинг ўлмас шудрингларини тўкиб ҳеч қачон экинзорларнинг тиниқ кўк кенглиklarига ёйилмайди. Қизча нотекис қадамлар ташлаб она ортидан боради, гўё байталга эргашган тойчоқдай. Фусункор гўзалликнинг шаклларига чулганган ғира-шира тасвирлар, келишган думалоқ сағир, мушакдор чиройли баланд бўйин, тархида маъсум хавотирлик акс этган бош. Маъюс хаюлолар, улар ўчади; мана бари гойиб бўлди. Агендат — қуруқ, беҳосил сахро, тунги бойқушлар ва кўзлари шилпиқ бойўғиллар макони. Олтин Нетайим ортиқ йўқ. Булутли сўқмоқлардан боради қорамолларнинг шарпалари, уларнинг исёнкор ўкириклари босинқи янграйди. Ў-ўй! Ур-р! Ў-ўй! Осмон камалаги уларни орқадан ҳайдаб боради, унинг чақмоқлари худди чаёндай чақади. Кўтослар, буғулар, Васан ва Бобил буқалари, мастодонтлар ва мамонтлар тигиз пода бўлиб *Lacus Mortis*¹, ўлик денгиз пойига тушиб борадилар. Мудҳиш, қасоскор жангжў Бурж! Улар булутлар узра туёқ ботириб ўкирадилар, қувушшоҳлар ва такашоҳлар, хартумдорлар ва сўйлоқдорлар, арслон ёлдилар ва узуншоҳлар, судралувчилар ва тўнғизтумшуқлар, кемирувчилар, кавшанувчилар ва қалқондилар, айҳаннос солиб пишқирган оломон, қуёш қотиллари.

Улар Ўлик Денгиз сари сув ичгали гувиллаб борар, даҳшатли ҳаприқиб сув ичар ва унинг шўр, мудраган, туганмас сувларини ичиб ҳеч тўймаслар. Шунда Тулпор туркуми яна юксалиб, яна самоларнинг сахроларида бош кўтарур, бутун коинот кенглиklarини эгаллар, сўнг унинг ўрнига Сунбула Уйининг ҳайханноси ёйилур. О, ана, қарагил, о Эврилиш мўъжизаси, дам у бокира Қайлиқ, дам Кун юлдузининг элчиси, Қайлиқ ва Бокира қиз. Дам у, Мартадир, менинг йўқотганим, дам Миллисентдир, навниҳол, мунис, мунаввар. У тонг оқариб келаётганда Сурайё туркумида пайдо бўлур ўз шоҳона либосларида ва нақадар осудаир у, оёқларида ярақлайди олтин бошмоқ ва ҳилпирар шаффоф рўмоли. Савр уни чулғаб олур, юлдуз жисми узра сузур, Каҳрабо ва Зумрад, Зилол ва порлоқ қуёшли нурлар билан ўйнар, юлдузлар буржлари аро учган муз каби совуқ шамолларнинг забтида тўлқинланар, айланар, гирдобланар, шўрлик юлдузларнинг бошини айлантлар, бутун само бўйлаб сирли хатлар битиб буралар ва ниҳоят, рамузотлар чексиз ўзгаришлари, буқаламунликларидан сўнг Савр манглайдаги ёқут салоса энг ёруғ юлдуз сўнур.

Шу ерга келганда, Фрэнсис Стивенга Конми замонларида мактабда бирга ўқиганларини эслатди. У Стивендан Главкон, Алкивиад, Писистрат ҳақида сўради. Уларнинг тақдири нима бўлган? Икковлон ҳам билмас эдилар. Сен ўтмиш ва унинг шарпалари ҳақида сўраясан, деди Стивен. Уларни нима деб ўйлайсан? Агар мен олис Унут замонлар сувлари аро уларни ҳаётга чорласам, ахир шўрлик хаюлолар тўда-тўда бўлиб келмагайларми менинг чорлов овозимга? Улар узра ким ҳоким? Менким, Бус Стефануменосдурман, буқаларни севгувчи бахши, мен уларнинг хўжаси ва ҳаётбағишловчидурмен. Шунда у

¹ Ўлик Денгиз (лот.).

Винсентга табассум қилиб ўзининг қайсар жингалак сочларига узум япроқларидан чамбар кийдирди. Сен бир талай ўйноқи қасидалар ёздинг, улар сенинг даҳонгни падар деб атагали лойиқмидирлар? Сенинг жавобинг, деб сўйлади Винсент, ва сен бошинга кийган чамбар янада кўпроқ, ҳа, янада кўпроқ асарлар яратганинга, сенга янада кўпроқ ярашган, сен унга янада кўпроқ муносиб бўлур эдинг. Сенинг барча мухлисларинг умид билан сендан шуни кутарлар. Ҳамма сен ёзаётган асарга илҳақ. Уларнинг умидлари рўёбга чиқишини чин дилдан истайман. О, ундай эмас, Винсент, деди таскин бериб Ленехан ва қўлини ёнидаги қўшнисининг елкасига қўйди. Хавотир олма. У онасини ёлғиз ташлаб кетмайди. Ёш нозимнинг чехраси тундлашди. Унга берган ваъдаларини писанда қилишлари ва яқинда бошидан кечирган жудоликни эслатишлари қанчалар оғир бошланглигини ҳамма кўрди. Агар теварагидаги шовқин-сурон овозлар уни чалғитиб, оғриқни босмаганда, у даврани тарк этган бўларди. Мэддэн Тожга беш пул қўйиб бой берди, у чавандознинг исми ўзига галати туюлиб, шу отга тикканди; Ленехан қарийб шунча пулини бой берганди. У пойга ҳақида ҳикоя қила бошлади. Байроқ тушди-ю, шу заҳоти, у-уҳ, ҳамма отлар югурди, байтал шахдам дадил олға интилди, уни чавандоз О'Мэддэн бошқарди. Байтал пойганинг олдида борар, ҳамманинг юраги тасирлаб урарди. Ҳатто Филлис ҳам ўзини тўхтатолмас, у шарфини силкиб: Ур-ра! – деб қичқирарди, Тож ғолиб чиқяпти. Отлар охирги масофага чиқдилар, улар бир-бирларига зич, тигиз чопишарди, бирдан уларга Реклама деган қора от яқинлашиб, Тожга етиб олди ва ундан ўтиб кетди. Ҳамма бой берди. Филлис индамас, унинг кўзлари маъюс бинафшага ўхшарди. О Юнона, хитоб қилди у, мен хароб бўлдим, мен ўлдим. Бироқ хуштори унга олтин қутича узатди, қутида шакарли, думалоқ олхўрилар солинганди, қиз жон-жон деб ундан бир нечасини еди ва тезда таскин топди. Фақат унинг киприкларидан бир томчи ёш оқиб тушди. Энг чапдаст чавандоз, деди Ленехан, бу У. Лейн. Кеча тўрт ютуқ, бугун учта. Ким унга бас келолади? Уни туя ёки ёввойи қўтосга ўтқизиб қўйсанг ҳам, у барибир шошилмай биринчи бўлиб етиб келади. Бироқ қазонинг шафқатсизлигига чидаймиз, қадимгилар шундай қилишган. Омадсизларга раҳм-шафқат! Шўрлик Тож! деб у енгил хўрсинди. Байтал чарчаган, шекилли, гаров ўйнайман, бошқа бунақа от бўлмайди. Қандай эди-я, сэр! Тож эмас, тождор! Эсингдами у, Винсент? Афсус, сен менинг маликамни бугун кўрмадинг, жавоб қилди Винсент, у ёш, яшнаб кетганди (Лалага ҳам унинг олдида ип эшолмасди) оёғида қаҳрабо туфлича, эгнида муслин кўйлак, билмайман, бунақа фасонни нима дейдилар. Теварак-атроф ҳаммаси шаболудлар (каштан) гуркираб гуллар ва ҳар ёққа ўткир ифорини сочарди, уларнинг енгил ҳовури тўрт томонга тараларди. Офтобруйда тошлар шу қадар қизигандики, уларнинг устига майизли кулча нон ёпсанг, пишарди. Бундай кулчаларни Периплепоменос¹ кўприк олдидаги дўкончасида сотиб ўтиради. Аммо қизалоқнинг тишлаб ўтиришига яроқли ҳеч нарса йўқ, уни кучоқлаб ўтириб, қаттиқроқ сиқсам, у шўхлик қилиб қўлимни тишларди. Бир ҳафта бурун у касал бўлиб, тўрт кун тўшакда ётди, лекин бугун у қувноқ ва беғам, ҳар қандай хавф-хатар устидан баралла куларди. Бундай пайтларда у янада лобар бўлиб кетади. Унинг гулдасталари-чи! Биз ўт-ўланларга етганимизда, унинг қанчалар чечак терганини кўрсангиз эди.

¹ Мевалар сотувчи чорбозорчи (юнон.).

Оғайним, қулоғингга секин айтиб қўяй, даладан қайтаётганимизда кимни кўриб қолганимизни айтсам, сира ишонмайсан. Олдимиздан Конми чиқса бўладими! У четан ёқалаб юриб, алланимани ўқирди, балки ўзининг баёзидир, ишончим комилки, баёзнинг орасига китоба ўрнига аллақайси Хлоя ёки Гликериядан келган мактубларни жойлаган бўлса, эҳтимол. Ширин қизалоқ уялиб бошини қаерга қўйишни билмай қолди, ўзини қўйлагини тузатган қилиб кўрсатди, этагига қандайдир хас-хашак ёпишган, шекилли, ўзини худди орқасида дарахт судраб бораётгандай тутати. Конми ўтиб кетгач, у ҳар доим ёнида олиб юрадиган ойначасини чиқарди-да, малоҳатли аксига боқди. Аммо Конми уришмади. Бизни дуо қилди. Худо меҳрибон, деб сўз қўшди Ленехан. Агар байталдан омадим келмаган бўлса, балки Басснинг дориси мени даволар. У шу заҳоти қўлини яқинда турган май шишасига узатган эди, бироқ Малахия буни кўриб уни тўхтатди ва нотаниш одам билан қизил ёрлиқни кўрсатди. Жим, шивирлади у, друднинг тинчлигини бузманг. Унинг жони бу ерлардан узоқда. Балки рўёлардан уйғониш бу ёруғ дунёга келиш сингари ғоятда азоб-уқубатли. Ҳар қандай нарсани узоқ тикилиб кузатсангиз, муроқабага кетсангиз, илоҳларнинг мангу маконларига элтувчи дарвозалар очилгай. Сен бунга қўшилсанми, Стивен? Мени бундан Теософий хабардор қилган, деб жавоб берди Стивен, унинг аввалги эврилишида Миср коҳинлари қазо сирларидан огоҳ этдилар. Ойнинг шаффоф қаҳрабо ҳукаمولари, дерди Теософий, Ой даврасининг Алфа сайёрасидан учиб келиб зарротларнинг эгизаклари бўлишига йўл қўймайдилар, шунинг учун ушбу охиргилар иккинчи буржнинг тўқ қизил Эгоси билан чулганмиш эди.

Бироқ аслини олганда, у гипноз ёхуд хаёл қочиб ҳолатида бўлган эди, деган қовушмаган фикр юзаки қараш ва адашишнинг оқибати бўлиб, сира ҳақиқатга тўғри келмасди. Булар ҳаммаси рўй бераётганда кўриш аъзолари мана шу ҳолатларда жонлана бошлаган шахс бошқа ҳар қандай тириклардан ортиқ бўлса ортиқ, лекин кам эмас, ҳушёр эдики, кимда ким бунинг тескарисини айтса, ўгирилиб қарашга улгурмай кўлмакка ўгириб қолган бўларди. Кейинги тўрт дақиқа ичида (эҳтимол, беш дақиқадир) у ўзининг йилтироқ қизил ташқи кўриниши билан диққатни тортадиган ва шундоққина рўпарасида бошқа шишалар орасида турган «Басс, биринчи сон» деб номланган, «Бертон-он-Трентдаги Басс ва К» фирмаси чиқарган пивога қаттиқ тикилиб қолди. Кейин маълум бўлишича, фақат унинг ўзигагина аён бўлган ва рўй бераётган воқеаларга тамомила бошқача тус бағишлаган сабабларга кўра, у ўзининг ўсмирлик ва пойга кунлари ҳақидаги ўйловларидан шунчаки оддий алла-алайна икки ёки учта ўз бошидан кечган воқеалар хусусида хотираларга чўмди, бу воқеаларнинг рўй беришида анов иккови худди туғилмаган гўдакдай бегуноҳ эдилар. Бироқ охир-оқибат уларнинг тўрт кўзи тўқнашди ва анов ҳам шишани қўлга киритишни мўлжаллаб турганини сезиб қолди-ю, кутилмаганда уни ўзи эгаллагиси келди-да, пайсалга солмай ўртача катталиқдаги ичи тўлиб турган шишани бўзидан тутиб, бирваракай ярмигача бўшатди ва бир томчиси ҳам ерга тўкилмаслиги учун бутун диққат-этиборини қаратди.

Бундан кейинги мусоҳабалар мазмуни ва ривожига кўра айни ҳаётнинг ўзини эслатиб юборди. Анжуман ўрни ҳам, унинг иштирокчилари ҳам, шубҳасиз, ўз манзурликларини намоён айладилар. Мусоҳиблар мамлакатнинг энг кўзга кўринган кишилари қаторида туришар, баҳслари ҳам олижаноб ва муҳим эди. Хорн хиргоҳининг юксак равоқлари ҳеч қачон бундай обрўли ва атовли

ранг-баранг кишилар жамиятини кўрмаган ва ушбу кўҳна муассасанинг қадимий устунлари ҳеч қачон бундай қомусий маърузаларни эшитмаиш эди. Чиндан хўб ажабтовур манзара. Бу ерда столнинг у четида Кроттерс азамат ўтирар, у шотландча либослар кийган, юзларини Малл-оф-Галловей шамоллари ялаб бўрттирганди. Унинг рўпарасида Линч жойлашган, унинг афт-башарасида эрта бузуклик йўлига кирган ва шу ёшидаёқ кўп балоларни бошидан кечирган одамнинг нуқслари аён кўзга ташланарди. Шотланднинг ёнидаги жойни феъл-атвори галати Костелло деган нусха эгаллаган, унинг ёнида эса Мэддэннинг тўладан келган вазмин қадди бўй ростларди. Ушбу хиргоҳ соҳибининг оташкада (камин) олдидаги ўрни бўш турар, лекин унинг икки ёнида бир-бировига мутлақо ўхшамайдиган икки зот кўр тўкишганди, уларнинг бири Баннон худди сайёҳ каби устига твид чалвор ва оёғига қалин чарм бошмоқ кийганди, иккинчиси қаҳрабo нимчали Мэйлахи Роланд Сент-Жон Маллиган бўлиб, хушсурат, хушбичим ва қилиқлари пойтахтга хос. Ниҳоят, столнинг тўрида навқирон шоиримиз қад ростлаган, у суқротона суҳбатнинг дўстона вағир-вугурида муаллимлик машаққатлари ва асрорий муроқабалардан тин оларди, унинг ўнг ва сўл томонида бу ерга тўғри отчопардан етиб келган якто ва бепарво башоратгўй ҳамда бизнинг йўллар ва жанглар губорига ботган, шармандалик ва шармисорлик аламларини беҳисоб тотган ҳормас-толмас сайёҳимиз жойлашган ва бу сўнггиси бутун васвасалар ва кўрқинчлар, хавотирлар ва хўрликларга қарамай ўз садоқатли ва матонатли кўксига ўша мафтункор ва фароғатли сиймо қиёфасини қўймай сақлаб келардики, у сиймо келажак асрлар учун Лафайётнинг илҳомёр қалами билан ўлмас қилиб муҳрланмиш эди.

Бошданоқ шу ернинг ўзида кўрсатиб ўтмоқ мақсадга мувофиқдирки, мистер С. Дедалнинг (Йлоҳ. Ҳак.) муҳокамаларида кўзга ташланиб турган, афтидан, унинг бедаво бир тарзда берилганлигини кўрсатадиган трансцендентализм қабул қилинган илмий методларга тўғридан-тўғри зиддир. Шуни тўхтовсиз таъкидламоқ даркорки, илм-фан фақат ҳиссий феноменларни кўздан кечиради. Илм-фан кишиси, худди бошқа одамлар каби энг оддий фактлардан келиб чиқади, уларни ҳеч қачон четлаб ўтолмайди ва уларга ҳаммадан кўра яхшироқ тушунтириш беради. Мутлақо ҳақиқатдирки, илм-фан ҳали жавобини топмаган айрим масалалар ҳам йўқ эмас, мисол учун мистер Л. Блум (Рекл. Аг.) томонидан қўйилган биринчи масала, бу чақалоқнинг қайси жинсга тегишли эканлигини олдиндан билиш. Бунда биз Тринакрриялик Эмпедоклнинг нуқтаи назарини қабул қилишимиз керакмикин, унинг фикрича, ўнг мойк (бошқа бир қарашларга кўра, ҳайз кўришдан кейинги даврда) ўғил болалар туғилишини таъминлайди ёки узоқ муддатлардан бери етарлича тан олинмай келинаётган манийларни (сперматазоид) ажратиб берувчи фактор сифатида хизмат қилади, бошқача айтганда, булар (немасперма) немаманийлардирки ёхуд жуда кўп эмбриолог-лар, хусусан, Калпеппер, Спалланцани, Блюменбах, Ласк, Хертвич, Леополд ҳамда Валенти тахмин қилишларича, униси ҳам, буниси ҳам, ўз ўрнига эгами? Охиргиси яъни *nisus for, formativus*¹ немаманий, бир томондан, ва *passiv* элементнинг муваффақиятли ҳолат топиши, *succubitus felix*², — иккинчи томондан, — қўшилиши билан тенг-

¹ Шакл ясовчи импульс (*лот.*).

² Кулай куйида ётиш (*лот.*).

баробар кучга эга бўларди. Аини тадқиқотчи томонидан кўтарилган иккинчи муаммо ҳам айниқса муҳимдир — бу гўдакларнинг ўлими. Эътиборга лойиққи, унинг ғоят теран бир мулоҳазасига кўра, биз ҳаммамиз бир хилда туғиламиз, аммо хийла бошқа-бошқа бир тарзда ўламиз. Мистер М.Маллиган (Hug. et Eug. Doc.¹ айбни санитария шароитларида кўради, шу боис ўпкаси кўкарган шаҳар аҳолиси аденоидларга дучор бўлади, чанг-тўзон ичида тўлиб-тошиб ётган бактериялардан нафас олиб, нафас аъзолари касалликларига учрайди.

Унинг таъкидлашича, худди мана шу факторлар ва шу билан бирга, бизнинг кўчаларимиздаги жирканч манзаралар — хунукдан-хунук рекламалар, барча турдаги динларнинг ранг-баранг ходимлари, мажруҳ аскарлар ва денгизчилар, баданини қора яра босган извошчилар, ўлган ҳайвонларнинг осиб қўйилган лошлари, савдойи салт бўйдоқлар ва уруғдонига уруғ тушмаган сиғинди хотинлар — унинг сўзларига қараганда мана шулар ҳаммаси миллат таназзули ва бахтсизлигининг ҳақиқий сабабчиларидир. У, тез орада каллипедия барча томонидан тан олинади, деб башорат қилади, ўшанда ҳаётнинг энг яхши неъматлари, чинакам зўр музика, қизиқарли саргузашт адабиётлар, енгил фалсафа, ибратли суратлар, Венера ҳамда Аполлон сингариларнинг мумтоз ҳайкалларида ишланган нусхалар, чиройли гўдак болаларнинг рангли бадийи суратлари, — мана шуларнинг бари эътибор билан тақдим этилганда, боши қоронғу бўлган хонимларга ой-кунларни тинч-осуда ўтказишга ёрдам қилади. Мистер Ж.Кроттерс (Disc. Vass²) муҳокама қилинаётган гўдакларнинг ўлимига дахлдор нарсаларнинг маълум бир қисмини ишчи хотин — қуроғидаги захалар натижасида келиб чиқади деб ҳисоблайди, улар ишда оғир меҳнатга, уйда эса — хотинлик вазифаларини бажаришга мажбур этилади, аммо кўпчилик қисми ҳафсаласизлик ва бепарволик (ҳам расмий ва ҳам хусусий шахслар томонидан) оқибатида рўй беради, буларнинг чўққиси эса, янги туғилган чақалоқни итқитиш, жинойи тарзда бола олдириш ва мудҳиш бола ўлдириш ҳолларидир. Гарчи охирги ҳол (биз ҳафсаласизлик ҳақида сўзламоқдамиз) ҳеч қандай талашиб-тортишиб ўтиришга ўрин қолдирмаса-да, лекин унга ишора қилувчи мисоллар ҳам йўқ эмас; агарчи ҳар куни учрамаса-да, лекин ҳамширалар қорин бўшлигида пўкакларни қайта ҳисоблаб чиқишни унутиб қўйганлик-лари каби ҳодисалар оз бўлса ҳам, рўй бериб туради. Ҳақиқатда эса яқинроқдан қараганда, шу нарса аввало ажойиб бўлиб туюладики, кўп ҳомиладорлик ва туғиш ҳоллари ғоятда муваффақиятли кечади, ҳолбуки, бизнинг инсоний нуқсонларимизни кўшиб ҳисоблаганда, барча факторлар, табиатнинг ўзи буюрган ҳодисанинг рўй беришига бошдан-оёқ тўсқинлик қилади. Мистер В.Линч (Vass. Arith³) бошқа бир бағоят теран ғояни илгари сурди, унга кўра, туғилиш ва ўлиш, шунингдек, эволюциянинг бошқа турли феноменлари, жумладан, сув кўтарилиши ва пасайиши ҳаракатлари, ой фазалари, қон ҳарорати, турли касалликлар — хуллас, табиатнинг чексиз устахонасида юз берувчи ҳодисалар — кўз илғамас олис маконларда юлдузларнинг ҳалокатидан тортиб, то шаҳар боғларимизни безаган гулзорларнинг энг кичик чечагигача, — булар ҳаммаси маълум бир сонларнинг қонуниятига бўйсунди, аммо афсус, бу қонуният ҳали очилмаган. Бироқ, бошқа бир томондан, нима учун соғ-саломат, рисоладаги

¹ Гигиена ва евгеника доктори (лот.)

² Риторика бакалаври (лот.).

³ Арифметика бакалаври (лот.).

ота-оналарнинг болалари, ўзлари ҳам соғлом бўлишлари, яхши парвариш қилинаётганликларига қарамай, тушуниб бўлмайдиган бир тарзда гўдак чоғларида ўлиб кетадилар (гарчи ўша бир никоҳдан туғилган бошқа болалар бунга дучор бўлмайдилар) деган оддий ва тўғри савол, шоирнинг сўзи билан айтганда, олдиндан бизни ўйлашга ундайди. Ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмаски, табиат ўзининг ҳар бир ҳаракатида эзгу ҳамда асосли сабабиятларга эга ва эҳтимолки, бундай ўлимлар аллақандай олдини олиш қонунияти туфайли юз беради, унга кўра касаллик қўзғовчи бактериялар томонидан яшаш макони қилиб танланган аъзолар (ҳозирги илм-фан тўла исбот этдиким, протоплазманинг фақат биттагина моддаси ўлмайди) – ривожланишнинг анча илгариги босқичларида йўқ бўлиб кетишга мойилдирлар – бу бизнинг ҳиссиётларимизни (ва биринчи навбатда оналарга) азоб етказувчи хусусият бўлса ҳам, бироқ айримларимизнинг ишонч билдиришларича, охир-оқибатда, туғиш учун хайрилик, Зеро, энг чидамликларнинг яшаб қолишини таъминлайди. Шу ўринда мистер С.Дедалнинг (Илоҳ ҳақ.) луқмасини (ёки буни ўртага аралашиб деб айтсак, тўғрироқ бўлармикин?) кўриб ўтамиз, унингча, ҳар нарсани ея берадиган, парво қилиб ўтирмай чайнаш, ютиш, ҳазм айланиш ва одатий канал орқали ташқарига чиқариб ташлашга қодир хилқат, худди туғишда ҳолдан тойган канкреноз аёллар, эркинкасбли қориндор эркаклар, сарғайиб кетган сиёсатдонлару камқонли роҳибалар каби ширвоз баррасини паққос тушириб, ўз қорнида енгиллик сезиши биз юқорида эслатган тенденциянинг ҳақлигини ҳаммадан кўра равшанроқ ва ҳаммадан кўра салбийроқ тарзда кўрсатади. Шаҳар кушхонасининг туриш-турмуши билан манов эмбрион шаклидаги файласуф, ҳиссиёти варами инжиқ эстет, илмий ишларида ўзига шуҳратпарастларча бино қўйган, аммо кислота (тезоб)ни ишқордан ажратолмайдиган кимсачалик таниш бўлмаганларга маълумот учун айтиб ва тушунтириб ўтайликки, бизнинг энг тубан қовоқхоналаримиз эгаларининг дағал лафзида ширвоз барраси деганда, онасининг қорнидан янги тушган овқатга яроқли бузоқ гўштини тушунадилар. Мистер Л.Блум (Рекл. Аг.) билан Марказий Туғуруқ Уйининг (Холлс-стрит, 29, 30 ва 31), директори, бизнинг машҳур ва истеъдодли тиббиётчимиз доктор Э. Хорн – (Вр. – Ак. И. В. Қ. Ж.С.В.П¹.) катта залида бўлиб ўтган очиқ баҳс чоғида қатнашган кишиларнинг айтишларича, у агар хотин зоти хуржунига мушукни жойлаган бўлса (бизнинг эстетимиз энг мураккаб ва ажойиб табиий жараёнлардан бири, жинсий алоқа ҳолатига ишора қилаётганлигини тушуниш қийин эмас), ундан кейин мушукни чиқариб юбориши ҳам керак бўлади, деб уқтирди-да, ёки унга ҳаёт ато этиши зарур, чунки деб қўшимча қилиб қўйди у, бу билан ўз жонини қутқаради. Тўғрироғи, ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, деб унинг суҳбатдоши жўяли луқма ташладики, луқманинг салмоғини унинг вазмин ва муносиб оҳанги янада оширди.

Бу орада врачнинг маҳорат ва сабр-тоқат билан олиб борган иши боис ҳомиладорнинг кўзи омон-эсон ёриди. Тинимсиз дард чекиб турганга ва унинг докторига бу қанчалар қийин, жуда қийин бўлганлигини бир Худонинг ўзи билади. Акушерлик маҳорати нимани талаб қилса, ҳаммаси адо этилди, жасур аёлнинг ўзи ҳам эркаклардан қолишмайдиган матонат билан ғайратига ғайрат қўшиб турди. Биз

¹ Врач-Акушер, Ирландия Врачлари Қирол Жамиятининг Собик Вице-Президенти.

буни дадил айта оламиз. Аёл зўр мардликка ноил эди ва энди у ниҳоят ўзини бахтиёр сезар, тўла маънода бахтли эди. Чамаси, бу дунёни тарк этганлар, биздан олдин кетганлар ҳам, бу тўлқинлантирувчи манзарага кўклардан табассум билан боқиб, улар ҳам бахтиёру комрон туюлар эдилар. Биз ҳам фараҳ тўла назар билан боқамиз: мана, заҳматкаш аёл болишларга ҳоргин ёнбошлади, унинг кўзларида оналик туйғулари чўғ бўлиб ёнади, жужуқнинг кичкина бармоқчаларига қараб тўймайди, ташналиги босилмайди (о, қанчалар лаззатли бунга боқиш) у яна бир карра гул-гул очилган оналик боғидан туриб Кўклардаги Ягонага қараб юракдан шукрона — дуо ўқийди. У ўз жужуғига битмас-туганмас майинлик билан нигоҳ солиб, яна бир меҳр кутади — унинг жонажон Додиси¹ шу ерда, ёнида бўлишини, қувончини бирга баҳам кўришини, қутлуғ севги-муҳаббатларини меваси, Худованд лойидан ясалмиш Заррани кучиб бағрига босишини истайди. Энди Доди қариди (биз ҳам буни секин бир-биримизнинг қулоғимизга шипшиймиз), елкалари бироз чўкди, ва ҳар қалай нима бўлмасин, Олстер банкининг Коллеж-Гриндаги бўлимнинг тиришқоқ кичик ҳисобчиси йиллар гирдибодида ўз муносиб даражасига, обрў-эътиборга эришди. О, Доди, ўтмиш кунларнинг суюклиси, эндиги чоғларнинг содиқ ҳамроҳи, ўша узоқ гуллар чаманлар замони энди ҳеч қачон қайтарилмас! Аёл чиройли бошчасини силкиб — илгаридан қолмиш одати! — хаёлларга толади. Худоё, қанчалар гўзал эди у кунлар, энди олис йиллар туманида ортда қолди! Айни чоқда унинг тасавурида тўшаги теварагида ўзи ва Додининг болалари гужгон ўйнашади, Чарли, Мэри, Элис, Фредерик Алберт (қанийди у тирик бўлса), Мейми, Бажи (Виктория Фрэнсис), Том, Виолетта Констанция Луиза, суюкли жужуқ Бобси (Жанубий Африка урушининг қаҳрамони лорд Бобси Уотерфорд Қандаҳорий шарафига қўйилганди бу исм), ва мана улар муҳаббатининг янги гарови. Энг покиза Пюрфой, ноёб ва ягона, бурничасидан ҳам кўриниб турибди, асл Пюрфой. Бу ганжинайи давлатни Мортимер Эдвард деб аташади амакиси мистер Пюрфой шарафига, у Дублин қасрида, фазнанинг қарзлар бўйича идорасида хизмат қилади. Вақт шундай ўз йўли билан судралиб боради, аммо бу ерда Вақт (Хронос) илоҳининг қўли енгил келди. Йўқ, кўксингдан оҳ отилиб чиқмасин, о меҳрибон Майна! Сен эса, эй Доди, ўз вақти-соатинг етганда (у кун ҳали узоқ бўлсин!), ўз севган эски чубуғингни қоқиб кулини тўк-да, ёруғида Илоҳий Китоб ўқилган шамни ўчир, Зеро, шамдоннинг мойи охирлаб қолди ва пок дил билан мангу осудалик тўшагига чўзил. У сени билади ва сени ўзи хоҳлаган вақтда ҳузурига чрлайди. Сен эзгу матонат билан яшадинг ва эр номини шараф билан оқладинг. Мана, сизга менинг қўлим, сэр. Ҳаммаси яхши, эзгу ва садоқатли банда!

Одам унутишни, кўнгилнинг энг яширин пучмоқларига беркитиб қўйишни истайдиган гуноҳлар (уларни дунё қандай атаса, шундай деймиз) ёки ёмон хотиралар бўлади — бироқ улар яшириниб ётиб, ўз вақт-соати етишини кутади. У уларни хиралаштириш учун хотирани мажбур қилиши, уларни ташлаб қўйиши, гўё улар ҳеч қачон бўлмагандай ўзини паққос ишонтириши ёки улар умуман бўлмаган эди-ку, нари борса улар тамомила бошқача эди деб, ўйлаши мумкин. Аммо тасодифий бир сўз қутилмаганда уларни уйғотиб юборади-ю, унинг кўз ўнгида улар энг ақл бовар қилмас ҳолатларда, рўёларда

¹ Эри дейилмоқчи (тарж.).

ёхуд уйқуда, ёхуд най ва арфа куйларини тинглаб юраги шодланиб урганда, ё кумушдай тиниқ оқшомнинг салқин масарратиди, ё базм чоғлари май сархуш айлаганда намоён бўлади. Ва бу рӯё унинг бошига газаб ва қаҳр билан ёпирилмайди, ҳақорат қилмайди, тириклардан тортиб олиб, ўчини олмайди, йўқ, у қайғу-ҳасрат либосида кўрингай, ўтмиш кафанида сассиз ва ёт таъна-надомат этгай.

Нотаниш одам ҳамон кузатиб турарди, у ўз қаршисида кўриб турган чехрадан ясама осудалик оҳиста ғойиб бўлиб борар, афтидан, одатланиш бўйича ва касб этилган равиш-рафтор билан айтилаётгандай сўзларнинг қаҳрли кескинлик билан янграши сўзловчининг турмушнинг шафқатсиз томонларига носоғлом қизиқиш, *flair*¹, билан қарашини фош қилиб турарди. Кузатувчининг хотирасида шу қадар одми ва содда сўз туфайли тирилган бир манзара ўз-ўзидан гавдаланардики, ўша олис кунлар ўз жонли роҳат-фароғатлари билан чиндан ҳам, ўша ерда (айримларнинг бунга ишончи комил) мавжуд эди, деб ўйлаш мумкин. Баҳаво май оқшоми, майсаси қирқиб текисланган ўтлоқ, Раундтаунда очилган сиренлар, гуркираб кўпириб тошган гуллар, оқ ва пушти ранглар, ўйиннинг келишган, ўзларидан хушбўй таратган томошабинлари, улар кўм-кўк майсалар узра секин думалаб бораётган соққаларни шоён қизиқиб кузатадилар, соққалар тўқнашиб, зир титраб бир-бирларининг олдида қотиб тўхтайдилар. Нарироқда кўкимтир фавворанинг мавзун сувлари чулдираб оқади, бу ерда яна бир ажиб гулдаста хушбўй таратади, булар опа-сингиллар Феун, Этти, Тайни ва улар ёнида қорасоч дугоналари; ўшанда бу қизнинг туриши, иқоматида нимадир ўзига қўймай тортарди, Олча таққан Мадонна, унинг қулоғида икки нафис олча осилиб турарди, қизнинг бу ерларга хос бўлмаган иссиқ бадани муздек қизариб турган меваларни жуда нозик бир тарзда бўрттирарди. Ярим юнгли костюмча кийган беш ёки тўрт яшар болакай (гул айёми, лекин тез орада соққаларни йиғиб, жойига жойлаб қўйилгач, оташгоҳ олдида дўстлар билан ўтириш ҳам мароқли) фаввора ёқасида меҳрибон қизларнинг меҳрли қўллари чамбариди туради. У ҳозир мана шу йигитчанинг худди ўзидай андак хўмраяди, чамаси, хатардан онгли тарзда жуда ҳам роҳатланади, бироқ ўқтин-ўқтин гулзор олдидаги *riazzetta*² га қараб-қараб кўяди, у ерда онаси ўтириб унга боқади, унинг қувноқ нигоҳида ҳузун-кадар ва таънанинг енгил шарпаси кезади (*alles Vergangliche*³).

Келажак учун буни белгилаб қўй ва эсингда турсин. Туганч тўсатдан келади. Бу туғилишнинг арафасига кир, у ерда маърифат олувчилар йиғилган, уларнинг башараларига боқ. Афтидан уларда ҳеч қандай шошилинич, ҳеч бир тийиқсиз тиқилинич йўқ. Аксинча, соқчилари шу уйдаги хизматларига яраша сезгир, хушёр, вазмин кўринадилар, Яҳудия Вифлеемидаги хонақоҳлар теграсида узоқ замонларда чўпонлару фаришталарнинг посбонлигидай. Бироқ момақалди роқ қасирғасидан олдин қора булутлар йиғилади, намга ҳаддан ортиқ тўлиб улкан тўпга айланади, еру осмонни қурч қамраб олади, сувга ташна экинзорлар, мудроқ буқалару сўлгин буталар ва ўт-ўланлар узра осилиб туради. Кейин бир зум ичида чақмоқ чақинлари улар бағрини тилади ва гулдурос қасирғалар ичида шовуллаб жала кўяди, — сўз огиздан чиқар-чиқмас худди мана шундай ҳамма нарса шиддат

¹ Сезим (франц.).

² Майдонча (итал.).

³ Ҳаммаси ўтқинчи (нем.).

билан бирдан ўзгарди.

Бёрк сари борамиз! Чорлов нидосини ҳайқириб айтиб биринчи бўлиб милорд Стивен сакраб ўрнидан турди, шу ердаги ҳийлагар ва фирибгар, барча уришқоқ ва кўрс, қаланги-қасангилар унинг ортидан чопдилар, улар изидан олифта Блум, ҳаммалари баравар шляпалар, қиличлар, ҳассалар, панамалар, гилофлар, алпенштоклар – нима дуч келса, барини бирдан қўлга кўтардилар. Жўшқин ёшлик, сут ва қон, мовий томирлар. Йўлакда ҳайрону лол ҳамшира Каллан ва айни чоқда хушxabар билан пастга тушган жарроҳ уларни йўлдан қайтариб тутиб қолишдан ожиз.

Чақалоқнинг йўлдоши осон ажратиб олинди, вазн жойида, миллиграм ками йўқ. Қани, бошла! Кетимиздан юр! Буйруқ шундай. Эшик! очикми? Ҳа-ҳа. Ҳамма – ташқарига, тез қадам ташла, қани, югур. Бёркка борамиз, Дензилл ва Холлс томонга, ҳаммамиз! Диксон уларни сўккани-сўккан, лекин кўп ўтмай ўзи тукириб, Ҳаприқиб, уларга эргашди. Блум бахтли онани янги меҳмон билан табриклаш учун ҳамшира олдида ушланиб қолди. Муҳими – янши таом ва тинчлик. Онанинг ранг-рўйи жойидами? Хорн ҳарамларида ётиш одамнинг рангини паға қилиб юборади. Атрофда ҳеч ким қолмади. Блум кези келганда икки оғиз ҳазил қилгиси келиб, ҳамширанинг қулоғига шипшийди: Хоним, сиз томонга лайлак қачон учиб келади?

Ташқарида ҳаво ёмғирли намчил, ҳаётбахшида зарралар, юлдузлар яшнаган ёрқин само остида Дублин харсангтошлари узра томчилар ялтирайди. Худонинг ҳавоси, ҳамма-ҳамма нарсаларнинг падари, учқунлар сочувчи, ҳар ёққа кириб борувчи, ҳаёт туғдирувчи ҳаво. Чуқур нафас ол. Худо шоҳид, сен Теодор Пюрфой, сен ишни қойил қилдинг, юзингни ерга қаратмадинг! Онт ичаман, сен буқаларнинг энг яхшисисан, мана шу гийбат-фитна билан тўлган, ҳамма нарсани ўз ичига сиғдирган, ўта-ўта чалкаш воқеа ичида сен ҳеч қандай истисносиз боладдинг. Сенга ҳасанот! Пошша-хоннинг ичида Худо ато этмиш ва Худо узук шаклига киритмиш буюк Имкон ётарди, сен камтарин эрлик қувватинг билан уни тўлдириб уруғлантирдинг. Хотининг этагидан маҳкам тут! Хизмат қил! Меҳнатингни аяма, садоқатли итдай тинмай эргаш, қуриб кетсин барча малтусчилару уларнинг илмлари. Сен кўп боланинг отаси, отажонисан, Теодор.

Оғир турмуш тўрбаси елкангда, қассобнинг ҳисоб-китобидан бошинг қотган, банкда олтин қуймаларини (бировники) санаб чарчайсан. Бошингни баланд кўтар! Ҳар янги ташлаган уруғинг учун ботмон-ботмон оқ буғдой олгайсан. Боқ, жунларинг нам тортибдир. Умид қиламанки, сен Дерби Далмер билан унинг жуфайи Жоанга ҳасад қилмасанг керак? Уларнинг бақироқ тўтию ифлос итидан бошқа нимаси бор. Туф-эй, ҳеч кимга кўрсатмасин! Сабий болаларни ўлдирган Ироддан нима фарқи қолди? Нақ Хачирнинг ўзи, на қорнида, на оёғида кучи бор, ўликдан фарқ қилмайди, баҳоси синган сариқ чақа. Уларнинг жимосида ҳеч нима йўқ! Ҳа, йўқ, йўқ! дейман мен! Қаранг-а, бу сабзавотларни – боласиз хўжалик! Хотинига қони силқиб турган хом, қип-қизил бифштекс керак. Барча касалликлар унинг учасига миниб олган, томоқ оғриғи, бош оғриғи, пўст ташлаш, учуқ тошиш, без келиш, гўшт қотиш, тож тушиш, безгак, бўқоқ, пес, буйрак кўчиши, ўтқопининг тошга тўлиши, жигар оғриғи, семириб кетиш, томирларнинг кўпчиши. Таъзия мотамлари йиғи-сиғию гўянда-мўяндаю ҳаммаси йўқолсин! Йигирма йил хўб буларни кўрдинг, эшитдинг. Сен бошқаларга ўхшамайсан, улар бир нарсани

истаб-истамайди, қилиб-қилмайди, ўйлаб охирига етолмайди. Сен топдинг ўз Американгни, ишинг тайин, жуфайинг асалдонини меҳнаткаш асаларидек қанда қилмай тўлдириб турасан. Зардўшт нима деганди? Deine Kuh Trьbsal melkest Du. Nun trikest Du die sьsse Milch des Euterg¹ Боқ! Бошинга мўл-кўл ёғиляпти. Ич уни, эй одам, бу тўлган елинда қанча бўлса, борини ич. Пюрфой волидининг сути, инсоннинг меҳр сути, ёмғир зарралари оралаб ярақлаб кўринган Сомон йўли юлдузларининг сути, қовоқхонада авбош таррорлар боши билан шўнғийдиган қутурган сузонғич сигир сути, ва телбалик сути, ва Ханаан Заминининг сути ва боли. Сигирингнинг эмчаклари шунча тирсиллаганми? Майли, аммо унинг сути ҳам иссиқ ҳам ширин ҳам қуюқ. Унча-мунчамас, ҳақиқий ёғлик *bonnyclaber*². Қари бузруквор, унинг лаззатини тот! Ич! *Per deam Partulam et Pertundam nunc est bibendum*³.

Хорннинг ҳарамларидан барча маҳрамлар қўлни қўлга бериб шовқин-сурон солиб, бўкириб чиқиб келдилар. Одат шуки, бемаҳал келган йўлчиларга ҳам қарайдилар. Қайда бугун тунқотиш?

Тим пачақ идиш. Тўлган қурсоқ. Ўрамизда борми биладиган? Қани у даос суякчи билан чайқовчи? Ҳузур, мен невилай. Ҳурра, ана, уна, Дикс! Тез бўл, етиб ол баққол. А Панч қани? Мунғайган қинғайган. Ийя, ийя, пасторни қаранглар, туғуруқдан пашша босиб чиқаётир! *Benedicat vos omnipotens Dens, Pater et Filius*⁴. Садақа, мистер. Қойил Дензил-лейнликлар. Сон минг шайтон! Қоч йўлдан! Абрам, йўқот уларингни ярамас саҳнадан. Биз билан борасизми, афандим? Бурнимизни суқмаймиз бировнинг ишига. Э бу Лу қўли очиқ гулув. Битта тосда қорилган. *Enavant, mes enfants!*⁵ Зўмбарак бир, от! Бёркка борамиз! Қисқаси, улар беш парсах босдилар. Слэттри отлик пиёдалари. Қани анув ярамас Зубот! Истив-пастор, бизга Кофирларинг динини тушунтир! Тўхта, Маллиган! Ана, кемада! Олға бос! Вақт зик! Ҳали ҳайдайди. Малли! Нима бўлди сенга? *Ma mere m'a mariee*⁶.

Британия роҳиблари! Трамм тарарам парапапам. Ххейсни китобчага. Харид Друид нашриёти босиб чиқаради. Муқоваси келишган икки қиз муқовалайди. Муқоваси бузоқ териси пешоб ранг кўкимтир. Ҳозирги рангтасвирда алламбало. Менинг замонамда Ирландиянинг энг соз китоби.

*Silentium!*⁷ Югуриб етамиз. Тек қот! Вазифа: энг яқин қовоқхонани ишғол этиш, ёнилғи омборини эгаллаш. Бошладик! Трух турух, ҳаммамиз (сафлан!) пивога. Бутилка, бифштекс, бизнес, библия, булдог, броненос, бардак ва бархудолар. Ажал майдонига чиқамиз. Бутулка ва бифштекс Библиёдан ўтади. Магар жонажон Ирландия учун. Осанларни осамиз. Алвастисиймо! Саф бузилмасин! Ўламиз. Бархудога бочкамас бутулка. Тўхта! Ёт. Регбидай. Айқаш-уйқаш. Уйинчилар тепилмасин. Вой-йай, қўлим! Оҳ, сизга тегиб кетдими? Уч ботмон узрлар!

Шундай савол. Ким бизга қуяди? Мой суртилган шишнинг мағрур эгаси. Синганини маълум қиламан. Қоқ боши қолди. *Миа Ниодина солди*.

¹ Сен ҳасрат номли сигирингни соғасан. Сен энди унинг эмчагидан ширин сут эмасан (*нем.*).

² Ардоб (*ирл.*).

³ Партула ва Пертунда илоҳлари ҳақи сиз ҳозир ичингиз! (*лот.*).

⁴ Сизни Қодир Худо қўлласин (*лот.*).

⁵ Олға, пўпоқларим! (*франц.*).

⁶ Ойим мени эрга берди (*франц.*).

⁷ Сукут (*лот.*).

Хафтанинг охирига сариқ чақа. Сизга-чи? Ёbermensch учун оталар ичкиси. Шунга қайтаринг. «Басс биринчи сон»дан бешта пиво. Сизга-чи, сэр? Алкоголсиз имбир. Мени ушланг, извошчиларнинг дориси. Куввати зўр. Тақ-туқдан бўшамайди. Тўхтаб қолди чолнинг вақти-соати. Менга абсент, ферштейн? Карамба! Яхшиси, шўртгак хўрдани хўпла. Нима бўлди? Гаровга қўйилди олтин. Ўнтакам. Ўлардай раҳмат – тузук, арзимамайди. Жароҳат ўпкасидами, Дикс? Маълум нарса. Боғда ухлаб қолипти кетини ари чақипти. Мунгли Она ёнида падар. Бўйнида жилов. Фрауни кўрган? Албатта-салбатта кўрган. Эшикка базўр. Пошшани кўйлаксиз кўрсанг. Зўр товар. Қизларнинг шираси яхши бўлар тўласи. Мунисига нима дейсиз, орифига тўймайсиз. Пардани торт, асалим. Ардилондан иккита. Бизга ҳам. Кўзингга қара, сирганчиқ. Йиқилсанг, тур, ётма. Беш, етти, тўққиз. Тайёр! Йигит эмас, олабуқа, сакратворади. Шу қизни қўлтиқласам, бир хум шароб қучоқласам. Кўрмагунча куймайсан. Уйноқлаган кўзларингун оққушдайин мўйнингни кўрсам шамдай эрийман. Лой лашала – ботиб қашала. Сэр, хов сэр? Картишкани ярайсизми артишка? Қофиясини киртишла. Сиз кечиринг мен нима дейман лекин бу икки пулга қиммат. Ҳой-полойлар¹ га-да бу гап. Яна ким билади-ю, сиз шалпонкулоқ қовоқ мия бўлсангиз керак. Хўп, нима дейсиз, док.? Родляндиянгдан бош кўтариб чиқдингми? У ерда сендай товонтумшуқларга ҳаммаси окэйми? Кети қизил бўвақларни анов сиво (хотин) нима қиляпти? Яна биронтаси бўшандими? Тўхта, отаман. Парол. Асбобни тўғри тут. Бизга ўлим оқ, туғилиш қизил. Салом ҳой. Қўлтиғингга туфлама ҳой. Масхарабоздан хабар. Чўмилган Мередитга кўмилган. Вой бу исосимон, мояксимон кана ғажиган езуит! Холам унинг додасига мени чақади. Таёқ ўйин. Чиллак. Тирриқ Стивен эркатой Малахияни йўлдан урди.

Хур-ра! Коптоқка ёпиш, хом-хатала зормандани айлантир. Ҳей, тоғдан тушган пиво билан ўпишган, мана сенга бўзангни ур. Учоғинг икки минг йил сасийди, шароб унда ҳамон пишийди! Мен кўяман. Мерси. Бизнинг соғлиғимиз. Эй, қаёққа? Ўйиндан ташқари ҳолат. Э менинг этагимга тўкма, янги кийганман. Ҳой, ўтирганлар, қалампирни узат. Тут. Бу гармдори кайфга дори. Билдинг? Чўнқир сукут. Ҳар азаматнинг кўзлагани бир қиз. Венера Пандемос. Les petites Femmes². Маллингардан чиқди қиз қизиқ. Қулоғига секин айт мен унга кашол. Охуни майин кучоқлади у. Малахайд йўлида шундай бўлди. Менми? Асир этган эди бир маҳал қолмадими энди ҳеч бағал. Тўққиз пенсингга тезак берадими сенга? Мачри Макрускин³. Хўрагина Молли тўшагида диконглар балли. Ҳаммамиз бир бўлиб эшкак эшамиз. Баллимиз!

Қарзга қуй, хўжайин. Косада узат. Диқирчагингга гаров. Зўпписини чиқарди тепкисини олсин. Чучундингми? Хов ановнинг занчаси адлиб⁴. Боядан бери кўзимни олади унинг уч қизил чирвони бор. Ким бизни бу ерга хўштак чалиб олиб келди, сенми сен эмасми? Қани ғирдак атаганингни чиқар. Капуста пўстагингни ўзинг е. Икки йиртиқ бир думалоқ. Ҳазилингни кўй, ким қурвақахўр! Ақлимиз етади. Балакай маъюс. Тагимизга қора бостириб келяпти. Туллак экансан кўчқортой. Мана ҳов кайфимиз ошди. Кайф ҳов кайф-да. Тарақ-парақ. Орезервуар, мюсю. Коттакон ахлат.

¹ Халойиқ, қора халқ (юнон.).

² Кичкина хотинлар (юнон.).

³ Юрагим менинг (ирл.).

⁴ Истаганча топилади (лот.)

Сўз сўрайм, ўўлдираб қолдим, билдингми? Қовоқхона бошпана. Тўйгунча ич. Ўлгунча ич. Билдингми, падлаъ. Бэнтам, икки кун оғзига олмади фақат бордо ичаман дебди. Ўйна, кул! Қара бу ёққа, ҳей. Худойинг борми, мен ўлай. Ичдим санчдим, гум экан бу оғзига дум. Шериги ёнида тумсайган тасқара. Ҳов, шунақа денг! Операни яхши кўрадимми? Кастилия атиргули. Афти қийшиқ. Полиция! Н₂O беринг жентльмен хушдан кетти. Боқ, Бэнтамнинг читтий гуллари. Жон оғайнилар, томоғимни бир хўллай. О Коллин бон. Оҳ Коллин бон. Ҳей сен, тек тур! Ким бор, буни оғзига этик тиқинлар. Унга зўрини топиб бердим, ютган отга қўймоқчи экан. Стивен Хэнднинг бошини шайтон узсин, мени битлиқи қирчангига рўпара қилди. Хат ташувчи шумтакани қўлга тушир, у бутун Басс отхонасининг хўжайинидан даҳа миршабига хуфя хат олиб кетаётган экан. Кафтига порани боссанг, ҳаммаси сен айтганча бўлади. Байтал айни тобида. Илло-биллога келтирмай боплайди. Хати нима бўпти, ахлат. Ўлай агар. Жавобгарлиги борми? Мен шундай дебман. Ҳа. Ўйлайдиган жойи йўқ. Қонунчилар кавласа, жойи турма. Мэдден кўйди Мэдденга, чуви чиқди аттанг-а. О, илинжу хоҳишимиз бизнинг паноҳимиз ва қудратимиз. Кетаман. Нега шошасан? Ойим кутиб қолди. Оҳ, тўхтанг. Юзим қизарганини унга кўрсатманг. Агар изимга тушган бўлса, ўлдим. Бэнтам, уй-уйга, тепа тўйга. Адью, мовйю¹. Айиқтовонларингни унутма. Қани, бир тан олиб айт. Анов тойчани ким шипшиб кўйди сенга. Орамизда қолади. Арвоҳ ҳам билмайди. Байталнинг қари айғирига. Қани, ёрил. Лео, миқти дўстим. Ҳалолога, а? Ўлай агар бировга миқ этсам. Сен бизнинг энг улфати, дилкаш авлиё отамизсан. Оғзингга қоziқ қоқилганми димсан? Ҳа, гирра, адабингни берамиз. Худо рози бўлсин, омин!

Таклифинг борми? Стиви, бўталоқ, сен бизнинг газнамизсан. Ярамас ичкиликдан борми яна? Бизнинг акобиру ашроф бўсабозимиз ўзини тўла ва якто ҳамда ғайрифавқулудда мудавварий тарзда шаробга бахшида айлаган акобир ақлбозимизга фавқулудда ҳашамдор ва фойдали базмимизни охирлатиб яқунлашларига ижоза берадиларми мабодо?

Уф-эй, терлаб кетдим-а. Хўжайин, бўл тезроқ, шароб бер, тўла бўлсин қадаҳлар, лим-лим тўлсин қадаҳлар, Стабу Стабелла! Олдин бир мазасини тотиб кўрайлик, бир хўплам, бир хўпламдан қуй. Яна қуй. Олдик, Бонифаций! Ҳаммага қуй. Nos omnes biberimus viridum toxicum, diabolus cariat posteriora nostra². Жентлменлар, биз яқунлаймиз. Нима? Бойвачча Блумга мушқу анбар. Қани ким келиштириб айта олади акобиру ашроф олий ҳазратлари деб? Блу? Реклама эланиб юрадиганми? Фотоқизчанинг отасими? Қулинг ўргилсин. Кетамиз, кетворамиз бу ердан. Жўнаймиз. Bonsoir la compagnie³. Бадбахт касал сифилиснинг фитналаридан нарироққа. Қайга кетди анов Буқа сўлакайи оққан бўз бола билан? Пўст ташлашдими? Қочиб қолишди. Майли, ҳар кимга йўл берсин. Шоҳ ва мот. Қирол руҳга қарши. Ҳой, яхшилар, хужрасининг калитини оғайниси олиб қўйган бўз болага ёрдам қилинлар, етти карра чамбар кийган қимматли бошга бошпана берингизлар. Тилим тугиляптими? Алжиб қолдимми? Вой хувари. Жуда алламбало алланечук ғаройиб базм-жамшид қилдик, сен бунга кўшилмасанг кел, иштонимнинг почасидан торт, эй санғи ит. Ҳой, қовоқхоначи, манав ширин тойга жичча шира бер. Маза қилсин,

¹ Adieux, mon vieux сўзининг бузиб айтилгани — хайр, қария (франц.).

² Биз ҳаммамиз кўк оғу ичамиз, биздан кейингилар иблисга учрагайлар (лот.).

³ Оғайниларга хайрли кеч (франц.).

нима, йўқми? Тишга босгудай бир нарса-я? Унинг сифилисини жаҳаннамга улоқтир ва барча сотишга рухсат этилган ичкиликлар ҳам кўшмозор бўлсин. Жентлменлар, вақт бўлди! Эй олам сангилари. Барча ҳозир нозирлар учун. A La votre¹.

Во ажабо, оғайнилар, анов макинтош кийган қасанги ким эди? Тўзонда қолган Родси. Қайси ахлатхонадан бу жандани топиб олибди? Вой, онам! Топган-тутгани шуми? Тантанага кўзичоқ. Э, ана қара, Боврил. Ўз ёғинга қоврил. Вой жонингдан, бўларингча бўлибсан. Сизга танишми ўша йиртиқ пайпоқлар? Ричмонддан илдиз-пилдизи билан суғурилган кўзиқорин эмасми мабодо? Гаров ўйнайман, ўша! Асбобим кўрғошиндан қуйилган дерди. Балки найрангдур. Биз уни Баргл-Нонхўр деб чақирардик. О сэрлар, илгари у бинойидай ҳурматли одам эди. Иштони йўқ бебағал етимча бўб кашол. Аммо етимча қочиб кетди. Этагин очиб кетди. Қаршингизда турар ташландиқ. Хилват жарликларда тентирайди Макинтош. Ўмаради-ю думалайди. Ёпди-ёпди қилишади. Миршаб бор жойда иш ишқал. Нимайкан? Бугун кўмиш-пўмишга ўралашиганини кўрдингми? Сен юрагимиз ўртама, Полд жўра! Юм-юм кўзёш тўқдик шилта бўлиб унга чўқдик, дўстимиз Падни, шўрлик ётар қора ерда яшиқда ўзи бўлиб парчагина қошиқдай. Барча қора авом ичинда Падни эди энг яхшимиз очунда. Дунёга келибманки, ундайини кўрмадим. Tiens, tiens².

Лекин буларнинг ҳаммаси жуда қайғули, қайғули, оғайни. Э, тўкмай қуйсанг-чи, тепага чиқишда зўр бер, оласан бирингга тўққиз. Ўқи айланадиган автонинг чўзма хамирдан фарқи йўқ. Бирга қарши икки. Енатси олдида ёш боладай бурнини тортади. Жапанларми? Юқоридан тикка ўқ ёғдир, inyah!³ чўктириб юборишди, махсус ахборотда айтишди. Ўрисга эмас, ўзига ёмон дейди. Вақт битди. Ўн бир киши эди. Кўзғалинг, кўзғалинг. Қинғир қирчангилар, қимирла! Хўб. Хўб. Аллоҳ таоло бу кеча сени ўз паноҳида асрасин.

Шошма-чи! Тоза кайф бўпмиз. Қани айт-чи: полицай таёқ кўтариб шай. Қувласо полицо. Ҳазир бўлинглар, бургутлар, бу ерга у қусяпти. Курсоқ ичинда мисён, Хўппа. Яхши. Мона, вафодор муҳаббатим. Хўпа. Мона, сен ёлғиз муҳаббатим. Пам.

Эшитяпсизми? Сандуқчангни сал беркит. Бўмм! Бўмм! Чироқлар. Ана югуриб кетяпти. Ўт ўчирувчилар! Шотини кўтар, аравангни қайтар. Меррион-сквер орқали. Кесиб ўтамиз. Бўмм! Кетдикми? Сиз-чи, қола? Сакрат, чоптир, ким олдин. Бўўмм!

Линч! Хўш? Кел ёнимга. Мана бу ёққа, Дензил-лейнга – Байт Латафда⁴ тушамиз. Ойимқиз айтдики, биз икковимиз зўр ишратхона топамиз, кутиб олар унда жонона Мэри. Мен нима, бир дилкаш одам. Laetabuntur in cubilibus suis!⁵ Сен қаердасан? Куриб кетсин, менинг қулоғимга айт, ким анов қора кийган мажзуб? Тишш! Нурга қарши гуноҳ қилди ва энди дунёни у ўт бирлан тергаш учун келадиган кун яқин. Бўмм! Ut implerentur scripturae⁶. Анов байт эсингдами, айт. Шунда табиб Дик ўз ҳамкасби Дэвига деди. Тухумлар Худога яқин, бу яна қандай ахлат, Мерион-Холлдаги анов бачки инглиз даъватчи? Илиё келур! Кўзи қонига бўялиб. Ҳаммаларингиз келин-

¹ Тўгри! (ирл.).

² На илож, на илож (франц.).

³ Рост! (ирл.).

⁴ Фоҳишахона дейилмоқчи (тарж.).

⁵ Ўз тўшакларида роҳатланур (лот.).

⁶ Битиклар сўзи рост чиқсин деб (лот.).

гизлар, майпарастлар, пивопарастлар, жинпарастлар баринг ташнакомлар! Ҳаммаларингиз келингизлар итқулоқлар, ҳўкизтуёқлар, қўнғизпешана, пашшабош, чўчқатумшўқ, тулкикўзлар, қартабозлар, валақлаган маҳмадоналар ва бошқа барча қаланғи-қасанғилар! Келингизлар одамзотнинг энг сара пасткашлари, тубанларнинг тубанлари! Бу мен, Александр Ж. Масиҳо Дауи, мен Сан-Францискодан то Владивостокка қадар сайёрамизнинг улкан бир қисмини халоскорлик сари бошлаб келгандирман. Худо сизга ўйин сандиғи эмас, ваъдани катта қилиб, сўнг бошмалдоғини қисиб кўрсатадиган. Сизга айтар гапим шуки, Худо бу ҳайратомуз бизнес, олди-берди ва ҳаммаси ҳалолидан. У энг улўғ асвоби сабабдирки, муни миянгизга қўйиб олингиз. Ва ҳаммамиз бир бўлиб қичқирайлик: Халоскоримиз Исо-Масиҳодир, у подшоҳдир. Эй, журм қилган, сен эрта саҳарлаб тур, оҳ жуда эрта ўрнингдан кўзгал, агар Қодир Худони ийдирмоқчи бўлсанг, эрта тур. Блум! Нима бўлипти. Сенга, ошнам, унинг чалворининг орқа чўнтагида йўталга қарши бир дори гамлаб қўйилганки, зумда дардингни олади. Тезроқ олу ичиб кўр.

ИККИНЧИ ҚИСМ

15-воқеа

Тунги шаҳарга Мэббот-стрит томондан кириш. Олисроқда трамвай айланаси, излар нақ ернинг ўзига ётқизилган, қизил ва кўк липирлаган чироқлар хатарнинг белгилари. Ис босган қора уйлар, эшиклари валангар очиқ. Фонуслар сийрак, уларнинг ойналарида аланга пилпиллайди. Рабайоттининг муз гондоласи турибди, унинг атрофида ориқ-суриқ рангар эр-хотин кишилар. Устига асал ва лавлагининг оқ кукуни сепилган вафлиларни талашиб-тортишиб олишадилар. Аста уларни шимийдилар ва секин тарқаладилар. Болалар. Гондоланинг оққуш тожи юксакка бўй чўзиб кеча зимистонини ёриб ўтади ва маёқ шуълаларида оқ ва мовий тусда порлайди. Ҳуштак овозлари бир-бирига акс садо бериб жаранглаб чорлайди.

Чорлов. Тўхта, шириним, сенда ишим бор.

Акс садо. Орқа томонда, отхона ортида.

Кўзининг соққаси ирғиб чиққан гунг телба лаблари осилиб тушган оғзидан сўлагини оқизиб қийтанглайди, диринглайди ваража тутгандай.

Болалар. Kithogue!¹ Яхшимисан!

Телба (қалтироқ чап қўлини кўтарди, гўнғиллайди). Апахухэ!

Болалар. Қайда қайда ёруғ ёрийди?

Телба (сўлакайлари оқиб сачраб).

Апахухэ-хэ.

Болалар телбани ўз ҳолига қўядилар. У қийшанглаб нари кетади. Четанлар ўртасида тортилган арқон арғамчида митти-пакана учиб, овозини чиқариб санаб беради. Ахлатхонада алаким қўли ва бўрки билан ўзини тўсиб чўзилиб ётади; у хўр-хўр хуррак отади, ағдарилади, ўхрайди, тишларини гижирлатади ва яна хуррак тортади. Ахлат титаётган пакана зина устига чиқиб йиққан латта-путта, эски-тускисини қонга жойлаб орқаламоқчи бўлиб туради. Унинг олдида қари шумкампир мойчироқни тутатиб пакананинг қопига яна битта шишани тиқишга уринади. Пакана ўлжасини орқалаб, бошига қалпоғини қийшиқ ўрнатиб,

¹ Чапақай! (ирл.).

индамай жўнаб қолади. Шумкамтир чироғини ликиллашиб ўз қўналғасига тиқилади. Остонада ўтирган ориқ ипириқ бола қоғоз коптогини қорнига босганча унинг орқасидан ёнламасига сакраб-сакраб боради, этагидан туттади ва тик оёқда туради. Маст фабрика ишчиси гандираклар икки қўли билан четанга ёпишади. Муялишда гавдали икки соқчи ёмғирпўшида қўлларини тўқмоқларидан олмай туришади. Қаердадир чинни синади; хотин киши чинқиради; бола ҳиқиллайди. Эркак киши бақариб сўкинади, тарақа-туруқ қилади, кейин шовқини босилиб, жим бўлади. Соялар сирғалади, ўғринча шўнғийди, ўралардан бош кўтаради. Қулба ичида шишага тиқилган шам ёруғида жувон сепкил босган боланинг бошини қазоқдан тозалайди. Ичкўчадан Сисси Кэффрининг ёш ўтқир овози эшитилади.

Сисси Кэффри.

Дастурхон устида чаққон
Моллига атаб шу он
Ғоз оёғин бергайман
Эҳ, ғоз оёғини.

Оддий аскар Карр билан оддий аскар Комптон таёқларини қўлтиққа қистириб, қоқилиб-суқилиб судралишади, кейин баробар ўгирилишиб, баробар бурсиллатиб ел чиқаришади. Ичкўчадан эркак кулгиси эшитилади. Хўппа семиз акабачча уларни сўкади.

Акабачча. Хўппоз чиқсин, ўсироқлар. Кавандаги қизнинг белига худо қувват берсин. Сисси Кэффри. Омадим келди. Каван, Кутхилл, Белторбет. (Ашула айтади.)

Кўрпа ичида чаққон
Неллига атаб шу он
Ғоз оёғин бергайман
Эҳ, ғоз оёғини.

Оддий аскар Карр билан оддий аскар Комптон орқаларига қараб сўқинишади, хира фонус шуъласида уларнинг мундирлари қип-қизил қон рангида кўринади, қирдирилган оқ-сарик бошлари бошкийим тагида қораяди. Стивен Дедал билан Линч қизил мундирлилар яқинида одамлар ичидан ўтиб боришади.

Оддий аскар Комптон (бармоғини нуқиб). Аъламга йўл беринг.

Оддий аскар Карр (ўгирилиб чақиради). Ҳе-ей, аълам!

Сисси Кэффри (унинг овози баландлайди).

Дарровгина кўнар у
Ғоз оёғин бир пасда
Кор жойига сунар у.

Стивен чап қўлида тутган шумтол таёғини силкитиб ўйнаб ҳайит маросимининг кириш қўшиғини шод-хуррам хиргойи қилади. Линч бошидаги чавандозлар қалпоғини пешонасига бостирганча унга масхараомуз норози қиёфада эргашади.

Стивен. Vidi aguam egredientem de templa a latere dextro. Alleluia¹.

Эшикдан қари қўшмачининг оч синган ғўлатишлари кўринади.

Қўшмачи (хирллаб шипшийдди). Тшш!

¹ Эҳромнинг ўнг ёғидан жорий бўлмиш сувни кўрдим. Салламно (лот.).

Буёққа кел, гапим бор. Бу ерда пардаси тешилмаган моҳпайкар бор. Фақат жим-м!

Стивен (*altius aliquantulum*). Et omnes ad quos pervenit aqua ista¹.

Кўшмачи (*уларнинг орқасидан заҳарханда қилиб тушуриб*). Тринитилик тирриқлар. Қувури бузуқлар. Чўнтагида ҳемири йўқ, гўдайган.

Эди Бордмен бурнини тортиб Берта Сапл ёнида ўтиради, тумшуғини рўмол билан елпийди.

Эди Бордмен (*аччиқ қилиб*). Анувчи менга нима дейди, сени кўчада хушторинг билан кўрдим, дейди, ановчи ялтоқи-шалтоқи, бошига юр тўшакка ётамиз нухасидаги шляпа кийган. Қўйсанг-чи, шу гапни, дедим унга. Кимнинг сигири мўнграяпти ўзи дедим. Мени ҳали фоҳишахонада уйли-жойли шотланд эркак билан ҳали ҳеч ким тутиб олганича йўқ. Шундай дедим унга. Вой, савил! Чақимчилик ҳам қилади. Эшакдай қайсар! Яна бирваракай иккита йигит билан юрганини айтмайсанми.

Стивен (*triumphaliter*). Salvi facti sunt².

У шумтол таёғини силкитиб, фонус шуъласини чайқалтиради, дунё узра ёруғликни ёради. Оқ қизғиш ит унинг орқасидан тўқиниб бориб, ириллайди, Линч уни тегиб ҳайдайди.

Линч. Хўп нима бўпти?

Стивен (*атрофга қараб*). Гап шундаки, баайни ишора, ҳа, музика эмас, ҳидлармас, баайни ишора универсал тил бўлиши мумкин эди, бу тилларнинг шундай бир туҳфасики, у одми маънони эмас, айни илк энтеллеҳияни, тартибий ритмни кўзга кўринарли намоён қилади.

Линч. Порнософик филология. Мекленбург-стрит кўчасининг фалсафаси. Метафизика! Тасаввуф!

Стивен. Шекспир ўжар хотиннинг зулми остида яшарди. Суқротни унинг мегажини чўқилаб ташлади. Ҳатто донолар доноси Стагирийни палончи жонон маҳкам ушлаб, жиловлаб, эгар уриб мулойим қилиб қўйди.

Линч. Э-воҳ!

Стивен. Қандай бўлганда ҳам, ким бир бурда нон билан кўзани тасвирловчи икки ишорани истайди? Мана шу ҳаракат, бўлак нон ҳамда кўзани тасвирга олади, бу Умар Хайёмдаги нон ва кўзанинг худди ўзи. Таёқни ушлаб тур.

Линч. Жонга тегди бу сариқ таёқ. Яхшиси айт, қаёққа кетяпмиз?

Стивен. Жоржина Жонсон олдиға, La belle dame sans merci³ хузуриға, ad deam qui Laetificat iuventutem meam⁴, о фаҳш линк⁵.

Унга таёқни зўрлаб тутқизиб, бошини орқага ташлайди, қўлларини чўзиб қулочини кенг ёзади, кесма сатҳ бўйлаб кафтлар настға қаратилган, бармоқлар сал-пал очик, чап қўл баландроқда.

Линч. Хўш, қани бу ерда кўза билан нон? Бари бир гўр. Нима бу, нима ҳов божхонами. Тасвирла, тасвирла. Қўлтиқтаёғинг ўзингга буюрсин, юр энди.

Улар яна йўлга тушадилар. Томми Кэффри чўккалаб фонус устунни олдиға келади, уни қучоқлаб майда сакраб юқорига сирғалади. Энг тепаға чиққач, настға сирғалиб тушади. Жеки Кэффри юқорига чиқмоқчи бўлиб устунни қучоқлайди. Нариги томонда фонусға фабрика

¹ (*бироз баланд овозда*). Кимни босди ўша оқим сув (*лот.*).

² (*тантанавор*). Қутқариб олинди (*лот.*).

³ Бераҳм гўзал хоним (*франц.*).

⁴ Ёшлигимни шод-хуррам айлагувчи илоҳаға (*лот.*).

⁵ Сиртлон (*лот.*).

ишчиси гандираклар мункайиб яқинлашади. Эгизаклар қоронғуга қочишади. Ишчи гандираклаганча бурнининг бир ёғини бармоғи билан босиб қаттиқ мишқиради. Кейин у фонус устунини елкасига ортадида, оғир қадамлар ташлаб издиҳом оралаб чироқни кўтариб боради. Дарё томондан оҳиста туман таралади. Кўлмаклардан, ўралар, оқава ариқлар, ахлатхона ва кирхоналардан сассиқ уфунат ёйилади. Дарёбошидан анча жанубда аллақайларда тонг ёғдуси оқаради. Ишчи оломон ўртасидан трамвай айланасига қараб маст чайқалиб боради. Олисда темир йўл кўприги остидан Блум кўринади, у қизариб кетган, харсиллайди, чўнтақларига нон ва шоколадларни тиқиштиради. Гиллен сартарошхонаси ойнасида у қахрамон Нелсоннинг суратини томоша қилади. Ён томондаги қабарик ойналар унга муҳаббатда шўрпешона сомондай сарғайган тутутумшайган Буфлуффумни намоён этади. Вазмин Гладстон унга сен қандайсан ўзи дегандай тик боқади. Блум Веллингтоннинг қаҳрли ўткир нигоҳидан қунишиб нари кетади, қабарик кўзгуда сал ўтмай унинг лабларида кесатиқ аччиқ пичинг ўйнагани кўзга ташланади, хўппа семиз икки юзи лўппи-лўппи болакай Полдининг чўққача кўзлари яна жонланади. Блум Антонио Рабайотти эшигида тўхтади, симчироқнинг ёрқин ёруғида ундан оқаетган тер томчилари ялтиради. ўйиб бўлади. Сал ўтмай яна пайдо бўлиб, йўлида давом этади.

Блум. Картишкали балиқ. Бўлмайдди. Аҳа!

Чўққа гўшти дўконининг пардасини кўтариб ичкарига кириб кетади. Кўп ўтмай парда ортидан пишиллаган Полди, адашган Блум шўнғиб чиқади. У ҳар бир қўлида биттадан тугунчак кўтариб олган, бирида — чўққанинг ҳали иссиқ сон гўшти, иккинчисида — қўйнинг совуқ оёғи, унга майдаланмаган қалампир сепилган. У пихиллаб тўхтади. Ёнбошига энкаяди, тугунчани биқинига босади, хирқирайди.

Блум. Оҳ, биқиним санчяпти. Нима мен худди ит қувлагандай?

У тин олиб, ўзини ўнглагач, аста ёруғ тушиб турган трамвай изи томон одимлайди.

Блум. Бу нима бало? Ўт чақнапти. Катта чироқми?

Кормак олдида тўхтаб, аланг-жаланг қарайди.

Блум. Шимол ёғдусими? Ё пўлат қуйишяптими? Э-ҳа, ўт ўчирувчилар ўтишди-ку. Қаранг-а, жануб ёқда. Анча ёняпти. Балки унинг уйи бўлса-чи. Беггарс-буш томонда. Бизга хавфи йўқ. (Бардам хиргойи қилади). Лондон, бутун Лондон ёняпти, ҳой одамлар, югуринлар! (Талбот-стритнинг охирида оломон ичидан туртиниб келаётган фабрика ишчисига кўзи тушади.) Бунақада уни кўролмаман. Чопдик. Тез. Яхшиси, бу ердан ўтаман.

Кўчани кесиб югуради. Болаларнинг қичқирганлари эшитилади.

Болалар. Ҳей, мистер, кўзинг қаёқда?

Икки велосипед минган унинг ёнидан физиллаб ўтишади, қоғоз чироқлари чайқалади, қўнғироқлари жиринг-жиринглайди.

Қўнғироқлар. Қоч-қоч-қо-оч!

Блум (кутилмаган оғриқдан тахтадай қотади). Оҳҳ!

Атрофга аланглаб қараб, кескин олдинга интилади. Қалин қуюла бошлаган туман ичида унга пусганча аждаҳодай қум сепувчи машина кичик тезликда яқинлашади, тепасида катта қизил чироғи липирлайди, чироқнинг сим ёйи вишиллаб, қисирлаб учқун сочади. Ҳайдовчи қўнғироқ тугмасини босади.

Бонг. Динг-донг. Тар-тур. Бум Булум.

Тормоз зўр бериб ғачирлайди. Блум полисменларнинг оқ қўлқопидаги қўлини кўтариб, излардан тезроқ ўтиб олмоқчи бўлади, лекин кутилмаганда, оёқлари унга бўйсунмайди. Симлар, ускуналар билан қуришган ҳайдовчи олдидаги рул чамбарагига чўччайган бурни билан урилади, жангир-жунгир ўтиб кетаркан, бўкиради.

Ҳайдовчи. Ҳов, онангни... тиррақи. Нима п... еяпсан бу ерда?

Блум (*четга чиқиб, яна тўхтаб туради. Чўчқа гўшти кўтарган қўли билан юзига сачраган лойни артади*).

Ўтиб бўлмайди-я. Сал қолди босиб кетишига, аммо биқиним санчгани ўтиб кетди. Яна Сэндоу услуби билан жисмоний машқлар қилсам тузук эди. Қўлни ерга тираб оёқни тик кўтариш. Кўчада бахтсиз ҳодисага суғурта тўлдириш. Провиденшелда. (*Шимининг чўнтагини пайпаслайди.*) Шўрлик онамнинг тумори. Трамвай йўлида пошна тикилиб қолиши мумкин, туфли боғичи гилдиракка илашиб қолиши ҳеч гапмас. Бир марта қора қарға чоригимни гилдирак бостириб ўтган. Леонарднинг муволишида эди. Учинчи марта омадим келиши. Тиррақи эмиш. Коски. Шикоят қилсак бўларди. Ҳайдовчилар зўриқиб асаблари ишдан чиқади. Эрталаб кўзимдан ойимқизни тўсган шу бўлса керак. Гўзалликнинг ўша нусхаси. Аммо чаққонлик қилдим. Оёғим чалкашиб кетгани-чи. Ҳар бир ҳазилда ҳақиқат уруғи. Лэд-лейндаги анов расво оқава. Ёқмайдиған бир нима едим, шекилли. Омадсизликка йўйишади. Нега бўлсайкин? Балки гўшт чатоқдир. Ҳайвон белгиси. (*Бир зум кўзларини юмади*). Негадир бош айланяпти. Ҳар ой сурункали бош оғриғи ё бошқа бир нарса таъсир қилади. Миям ичида туман. Жуда чарчадим. Ортиқ чидолмайман. Вой!

О'Бейрн дўкони ёнида деворга суяниб бир мудҳиш гавда оёқларини чалкаштириб туради, башараси нотаниш, қора симоб билан тирналган. Кенг айвонли сомбреро шляпаси остидан унга ёвқараш қилиб хўмраяди.

Блум. Buenas noches, senorita Blanca, que calle es esta?¹

Гавда (*қўл билан ишора қилиб, қуруқ овозда дейди*). Парол. Срод Мэббот.

Блум. Аҳа. Мерси. Эсперанто. Slan eath. (*четга қараб.*) Гэл лигаси жосуси, анов ўлимса ҳазилқаш жўнатган.

Блум яна илгарилайди. Йўлини латта-путта кўтарган рўдапо тўсади. Блум ўзини чапга олади, рўдапо ҳам чапга.

Блум. Ўтиб кетай.

Рўдаподан четланади, ёнлаб ўтади, яна илгарилайди.

Блум. Ўннга, ўннга, ўннга қараб юр. Агар Стэпсайда Турклуб йўл кўрсатувчи белги ўрнатган бўлса, бу яхши ишга ким сабаб бўлди? Мен туфайли бўлди бу иш, адашиб қолувдим, кейин «Ирландия велосипедчиси»да «стэпсайд чангалзориди» деб мақола ёздим. Ўнг, ўнг, ўнгдан юр. Рўдапо, Тун оққанда калонпо. Нима бало, деворми? Қотил қадам ранжида қиладиган биринчи жой шу. Фоний дунё гуноҳларини ювиш.

Томми Кэффрини қувиб келаётган Жекки Кэффри Блумга қаттиқ урилиб кетади.

Блум. Оҳ-ҳ!

Оёғи заиф Блум чайқалиб тўхтайди. Томми билан Жекки ғойиб бўлишади, Блум қўй гўшти кўтарган қўли билан пул ҳамён солинган чўнтагига уриб қўяди, соат солиб юриладиган киссасини қарайди, қўйин чўнтагини кўради, нозик лўкидони атрофи ҳамда картишка совун турган чўнтагини пайпаслайди.

¹ Хайрли оқшом, сенёрита Бланка, бу кўчанинг номи нима? (*исп.*).

Блум. Киссавурлардан эҳтиёт шарт. Буларнинг эски усули шу. Сенга келиб урилиб, чўнтагингни кесиб кетади.

Атрофда дайди ит кезади, тумшугини ерга эгиб искаланади. Ноаён мубҳам гавда акса уради. Соқолдор қадди букчайган чол пайдо бўлади, устида Сион оқсоқоллари киядиган кенг узун этакли камзул, бошида олча попукли кўк жуҳуд дўппи. Муғуз кўзойнаги бурни учига осилиб тушган. Заҳил юзида оғунинг сарғиш доғлари.

Рудолф. Яна ақчани бекор сарфлаб келдингми. Бир кунда икки марта-я. Аммо сенга айтувдим: ҳеч қачон маст гойимлар билан юрма деб. Э? Сен бу аҳволда пул жамғара олмайсан.

Блум (бошини солинтириб, орқасига қўлидаги тугунларни яшириб, елкасида чўққанинг иссиғи ва қўйнинг совуғини ҳис қилиб туради). Ja, ich weiss, rapachi¹.

Рудолф. Бундай жойда нима қилиб юрибсан? Ё сенинг юрагинг йўқми? (Қалтираган бармоқлар. Блумнинг тумсайган юзини пайпалайди.) Ёки сен менинг ўғлим эмасмисан, Леополд ўғли Леополд? Ё сен ўз ота маконини ташлаб кетган, аждод-аболари Авраам ва Иаковнинг ягона илоҳини қолдириб ёт элларга келган менинг азиз ўғлоним Леополдмасмисан?

Блум (оҳиста). Худди шундай, отажон. Мозентал. Ундан қолган-қутқани.

Рудолф (қаҳрли, хўмрайиб). Ҳар нечук бир куни сени уйга маст ҳолда ташлаб кетдилар, барча пулларингни харжлаб бўлган экансан. Пул яхши. Анов йигитчалар югуриб юришибди, улар ким?

Блум (чиройли мовий Оксфорд костюмини кийган елкаси тор йигитча, нимчаси оқшошиялар ўтказиб тикилган, бошида жигарранг Тирол шляпаси, ёнида «Шаҳзода Алберт» деган қўшалоқ занжирли, муҳрли ва осма кафтгирли соф кумушдан ясалган Уотербери соати. Костюмининг бир томони ифлосланган, ифлоси қурий бошлаган). Кроссменлар, ота. Бу бир мартагина холос.

Рудолф. Бир марта эмиш. Бошдан-оёқ лойга ботибсан. Қўлингни кесибсан. Тутқаноқ. Улар сени охири адойи тамом қилажак, Леополдлебен. Сен эҳтиёт бўл бу йигитчаларга.

Блум (ишончсиз). Улар мени узоқ масофага югуришга кўндиришди. Йўл лой эди, мен беҳос сирғаниб йиқилдим.

Рудолф (ижирғаниб). Goim nachez². Онанг сени шундоқ кўрса нима дерди!

Блум. Ойи!

Элин Блум (бошида худди халқ ўйинларидаги хонимойим каби тилла ипли шамшура рўмол ташлаган, от ёлидан тўқилган Кринолин матосидан кўйлак кийган ва худди Твэнки бевасидай турнурда, елкасида тугмачали калта блуза кўйлак, енглари фонус каби кенг, кўкиш қўлқонда, қабарик яшим тоши; сочларини тўр билан ўраган. Хонимойим пиллапоя тепасидаги саҳнчада қўлида шамдонни қийшиқ тутганча пайдо бўлади, қўрқиб қичқириб юборади). Вой, раҳмдил Худойим, уни не кўйга солдилар! Менинг тузларим! (Этақларини кўтариб, йўл-йўл ички қўйлагининг чўнтақларини апил-тапил кавлаштиришга тушади. Чўнтақдан мўъжаз шишача. Аллоҳ қурбонлиги сурати туширилган тамға, буришган картишка ва йилтироқ қоғоз қуғирчоқлар чиқади.) Вой азиз Биби Марям, эҳ-оҳ, қайда, қайда эдинг, болам?

¹ Ҳа, дода, биламан (идиш).

² Гойимнинг бахти (идиш).

Блум нималарнидир ёўдираб кўзларини ерга тикканча тугунчаларини чўнтакларига тиқиштиришга уринади, бусиз ҳам лиқ тўла чўнтакларга бошқа ҳеч нарса сиғмайди, шу аҳволда ёўнг-ёўнг қилганча сёррайиб туради.

Овоз (кескин). Полди!

Блум. Ким бу? (Бошини эгиб, зарбадан ўзини базўр олиб қочади.) Хизмат?

У кўзларини кўтаради. Сароб янглиғ палмалар кўкка бўй чўзган, улар олдида малаксиймо бир қиз турк гўзали либосида кўринади. Тилла ип билан тикилган кўйлак, қирмизи алвон шалвор узра бўлиқ лобар қадди-қомати тирсиллайди. Белини кенг қаҳрабо шол билан сиқиб ўраган. Кеча қоронғусида нимтатир кўзга ташиланган оқ чодраси юзини ёнади, фақат катта-катта қора кўзлари-ю қарға қанотидай тим сиёҳ сочларигина очиқ.

Блум. Молли!

Мэрион. Йўғ-эй? Шу кундан эътиборан, олтиним, мени энди миссис Мэрион деб чақирасан. (Қулиб.) Бизнинг бечора эримиз кўп сайр-томоша қилиб оёқларини шамоллатиб қўймадилармикин?

Блум (оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлаб). Йўқ-йўқ. Ҳеч ундай эмас.

У ҳавони ҳаприқиб симириб, чуқур нафас олади, ҳаяжони жўш уради, у сўроқланади, умидланади, мана, сизга кечки овқатга чўчқа сонини олиб келдим, дейди, сизга шунчалар кўп нарсаларни айтишим керак, мени маъзур тутинг, сизнинг сўзларингизни тинглашни истайман, дейди, жўшиб ўзини қаерга қўйишни билмайди. Онасининг манглайида танга ярқирайди, оёғининг бармоқларига қимматбаҳо тақинчоқлар тақилган. Тўпиғига нафис халхол ўтказилган. Унинг калласига баланд қилиб сала ўралган туя, белида эгар ва кажава, кажавадан настга кўп пиллапояли ипак чизимча осилиб туради. Туя кўксига ёлларини силкитиб безовталанади. Хонимойим туянинг сағрисига норози бўлгандай уриб-уриб қўяди, шунда билакларидаги билакузуклари, тақинчоқлари майин ва зардали жириглайди. Хонима туяни ҳабашчасига уришади.

Мэрион. Nebrakada! Feminimum.

Туя олдинги икки оёғини кўтариб дарахт шохидан катта анбах мевасини узиб олиб, туёқлари орасида қисиб, хонимойимга тутуди, кўзларини пирпиратади. Кейин калласини қуйи эгиб, бўйнини букиб пирқираб-пирқираб тиз чўкишга уринади. Блум етти букилиб, тенки ўйини ўйнаётгандай орқасини тутуди.

Блум. Мен сизга... Сизга меменежер бўлиб... Миссис Мэрион... мабодо сиз...

Мэрион. Ўзгаришни сездингми ишқилиб? (Безак тақинчоқлар билан безатилган белини оҳиста силайди. Майин маҳрамона илжаяди.) Эҳ, Полди-Молди тўнкасан-да тўнка йўнилмаган! Сен ҳаётни кўришинг керак. Дунёни кезсанг кошкийди.

Блум. Доим анов лосйонни олиб келаман дейман, қаҳрабо тусли мум. Пайшанба кунни эрта ёпилади. Мен эрта эртаминан биринчи галда шуни қиламан.

(Чўнтагини тапиллатиб уради.)

Бу адашган буйрак. А!

У жанубни, сўнг шарқни кўрсатади. Янгигина, тозагина лимон совунининг олқиндиси кўкка кўтарилади, ўзидан ёғду ва муаттар ҳидлар таратади.

Совун.

Мен ва Блум, кўринг, ҳаммадан
 ҳам биз муҳим:
 Ерни у ёритади, кўкда эса
 мен муқим.

*Кўёшойнинг кунгурасида баққол Свени деганнинг сепкил босган юзи
 намоён бўлади.*

Свени. Учу бир пенни, олинг, марҳамат.

Блум. Хўп-хўп. Бу рафиқам, миссис Мэрионга. Махсус тайинлаган
Молли (*эркалаб*). Полди!

Блум. Лаббай, нима дейсиз, ойим?

Молли. Ti trema un poco ilcuore?¹

*Лаббини буриб нари кетади, момикдай кўпчиган тошган бадани
 кийимидан ошган одамнинг шавқини келтириб майда одим отиб, «Дон
 Жуан»дан лапар айтиб боради.*

Блум. Лекин анов Voglio деганингизга ишончингиз комилми? Мен
 айтмоқчиманки, талаффузи...

*Унинг изидан искаланиб лайча юради. Қари кўшмачи Блумнинг енгидан
 ушлайди, унинг холи устидаги мўйлари йилтирайди.*

Кўшмачи. Ўн шиллинг. Тешилмаган. Диркиллаган, ҳали ҳеч кимнинг
 қўли тегмаган. Ўн беш. Ҳеч кими йўқ, ёлғиз отаси, тўшак тишлаб
 ётибди.

*Қўли билан кўрсатади. Ичи қоронғу кулбасининг қия очилган эшигида
 ёмғирда ивиган Брайди Келли тортинибгина туради.*

Брайди. Хэтч-стрит. Балки, бирон нима хоҳларсиз?

*У оҳ-воҳ қилиб, шол рўмолини худди кўршапалак қанотидай силкитиб
 қочиб кетади. Катта кўпол этик кийган барзанги унинг ортидан
 югуради. Зинага қоқилиб мункийди, кейин туриб зулмат қўйнида
 йўқолади. Аранг-қаранг кулги эшитилади, кейин жимлик чўкади.*

Кўшмачи (унинг кўзлари бўридай ёнади). Вой, бунинг қилиғини
 қаранг. Ҳей, менга қара, сен олифта бошқа ерда бунақа қизни
 тополмайсан. Ўн шиллингга-я. Мунча кўп бошингни қашийсан, қўлга
 тушиб қоламиз. Э, анави олтмиш еттидан бир қанжиқ.

*Кўзларини мулойим сузиб Блумга Герти Макдауэлл яқинлашади. Нозли
 ҳаракатлар қилиб кўзи билан моҳпора ерга боқиб орқасидан қонга беланган
 ич кийимларини чиқариб кўрсатади.*

Герти. Ер юзидаги бор бисотимни сенга ишониб топшираман охир
 сен (*Овозини пасайтириб.*) Бун сиз қилдингиз. Оҳ, сизни кўргани
 кўзим йўқ.

Блум. Менми? Қачон? Тушингизга киргандир. Сизни биринчи марта
 кўриб турибман.

Кўшмачи. Қани, нари тур, фирибгар, жентлменнинг йўлини тўсма.
 Йигитларга алдам-қалдам хатлар ёзади. Кўча четида йўлдан уради.
 Онанг бошлаб саваламабди-да, а, ҳой, афтинг қурсин, суюқоёқ.

Герти (*Блумга*). Сиз оёғимнинг орасидаги бор сирларимни кўриб
 олдингиз. (*Унинг енгини силаб, инрайди.*) Уйланган шўрлик! Мени
 шундай қилганинг учун сени севаман.

*Қиз ёнлаб сурилиб оқсоқлана нари кетади. Катта тош кўчанинг
 ўртасида чўнтаклари йирик-йирик эркакча фриз палто кийган миссис
 Брин туради. Унинг кўзлари катта-катта очилган, нигоҳида тубсиз*

¹ Юрагинг аста қалтирайдимми? (*итал.*)

маккорлик акс этади, оғзини очиб кулганда барча майсачайнар эчкинамо тишлари кўзга ташланади.

Миссис Брин. Мистер...

Блум (*вазмин йўталиб қўйиб*).

Хоним, биз ўзимизнинг ўн олтинчидаги охирги ёзишмамизда шундай хулосага келган эдикки...

Миссис Брин. Мистер Блум! Сиз бу учига чиққан фаҳш уясида! Ҳа-ҳа, қўлга тушдингиз-ку! Вой, бу ярамасни қаранглар!

Блум (*шоша-пиша*). Бундай қаттиқ чақирманг. Нима деб ўйладингиз? Мени шарманда қилманг. Деворнинг қулоғи бор. Ишларингиз яхшими? Қанча замонлар бўлди кўришмаганимизга. Жуда чиройли бўлиб кетибсиз. Қандай яхши. Об-ҳаволар мавсумга яраша. Қора ранг иссиқни ўтказди. Биласизми, мен уйга шу томондан қисқароқ деб кетаётгандим. Қизиқ жойлар. Мария Магдалина хонақоси, йўлдан озган хотинларни халос этиш. Мен котибман...

Миссис Брин (*бармоғини норози бўлиб силкитади*). Қўйинг, қўйинг, бичиб тўқиманг! Биламан, бу ишлар ёқмайди одамни. Шошмай туринг ҳали, ҳаммасини Моллига айтиб бераман! (*Маккорона.*) Хуллас, ҳозирнинг ўзида ё тўла ҳисоб берасиз ё ўлдим деяверинг!

Блум (*орқасига қараб қўйиб*). У кўргим келади, деб кўп айтарди. Худди қашшоқларнинг вайроналарига қадам ранжида қилган амалдорларга ўхшаб. Қизиқ кўринса керак-да. Агар бой хотин бўлганда либос кийган қора хизматкорларни сақларди. Отелло, қора махлуқ. Южин Стрэттон. Ливермор ўйингоҳида ҳам ҳатто масхарабозлар қора бўлиб чиқишади. Оға-ини Боухлар. Мўркон тозаловчилардай.

Том ва Сэм Боух сакраб чиқишади, бу икки эстрада артисти оқ костюм, қип-қизил қўлқоп кийишган, самбо усулида крахмалланган кўкрак бурма тутган, ёқаларида катта қизил дастор гул қадалган. Ҳар бирининг бўйнига банжо музика асбоби осиглиқ. Қораларга хос кичкина рангсиз қўллари тириглаган торларни тортади. Улар бир-бирларига елкама-елка туриб, бурунлари ва кўзларининг оқлари йилтираб, қўпол чориқларини дўпирлатиб, тарақа-туруққа зўр беришади, товонга бос — оёқ учи, товонга бос — оёқ учи, бирваракай тарақ-туруқ, қалин, дўрдоқ лабларини чалпиллатиб, чўлпиллатиб чулдирашади.

Кимдир бордир уйда Динам олдида,
Кимдир бор уйимда, билдим, билдим.
Кимдир бордир уйда Динам олдида,
Эски банжосини чалапти-ку.

Улар ўзларининг семиз кўнгишчан башараларидан қора ниқобларини сидириб олиб ташлайдилар, тинмай сакраб, тинмай қизитиб, тинмай дўпир-дўпир, тинмай тақ-туқ қилиб улар кекуока ўйинига тушадилар чук-чуки-чук чиричичи.

Блум (*ширин истехзоли кулиб*). Агар майли десангиз, бир яйрамайликми? Йўқ демайсизми агар бир зум сизни бағримга боссам — фақат бир зум, о?

Миссис Брин (*шўх-қувноқ чўчиб*). Боринг-е, шу ҳам ишми! Башарангизни кўринг, ойнага қаранг бир!

Блум. Эски пайтларни эслашиб, а? Тўрт киши бўлсак ёмонми? Икки жуфт эр-хотин бирлашсак. Биласизми, сизга доим кўнглим суст кетарди. (*Ширин хаёлга ботиб.*) Ахир кийик ҳақидаги ғазални сизга хатда ёзиб юборган мен эдим.

Миссис Брин. Вой, худойим-ей, аммо ҳозир худди лўттивозга ўхшайсиз! Кула-кула ўласан. (*Кўлини узатади, жиддий сўроққа тутади.*) Нимани беркитяпсиз боядан бери орқангизда? Яхши бола бўлиб, дарров жавоб беринг.

Блум (*бўш қўли билан унинг билагидан ушлайди*). О, мана шу қиз Жози Пауэлл эди. Дублинда илк бора қандай чиққан эди-я! Вақт шунча тез ўтади! Ўтмишга шундоқ бир тартиб билан боқиб эслаб кўрмасмикинсиз, ўша олисида қолган янги йил кечасини, Жоржина Симпсон янги уйга кўчганини, ўшанда Ирвинг Бишоп бўлиб ўйнаган эдик, бошқаларнинг нима деб ўйлаганини топган, кўзларимизни бойлаб тўғноғич қидиргандик? Навбатдаги ўйинчига, қани топ, бу кутичада нима бор? — дердик.

Миссис Брин. Сиз ғамгин-қувноқ қилиб шеър ўқигандингиз, ўша зиёфат кечасида ҳаммадан ўзиб кетиб биринчи бўлгандингиз. Ролни қотириб ўйновдингиз. Сизни ахир хотинлар доим яхши кўришарди.

Блум (*ипак ёқачали смокинг кийган, ёқасига масонларнинг кўк тамгаси қадалган, қора капалакнусха боғич ва садаф тугмалар таққан азамат йигит шампан тўлдирилган биллур қадаҳни баланд кўтаради*). Леди ва жентлменлар, мен Ирландия учун, уйимиз ва унинг гўзаллиги учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман.

Миссис Брин. Ўша унутилмас азиз кунлар. Севгининг эски ширин қўшиғи.

Блум (*овозини маънодор пасайтириб*). Сизга айтсам, жуда қизиқиб қолдим, мисоли худди чойнакнинг ўзиман. Кимдадир нимадир ҳозир мабодо чойнак эмасми?

Миссис Брин (*зукколик билан пайрав бўлиб*). Чойнак бўлганда ҳам қандай! Мен худди Лондонга ўхшаб чойнак бўлиб турибман. (*Блумни бели билан шўх туртади*). Кейин меҳмонхонада сир-сир ўйини бўлди, арчага шақилдоқлар осилди, кейин биз омеда бутаси тагида пиллапоя пастидаги ўриндиққа ўтирдик. Бизга ҳеч кимнинг кераги бўлмай қолди.

Блум (*наполеонча қизил уч қиррали, қаҳрабо яримойли шляпада, унинг қўллари қизнинг билагидан тутиб аста юмшоқ, майин, нўрсилдоқ кафтига сирғалади; қиз дилбарона изн беради*). Ҳозир тунги сеҳр-жоду пайти. Мен бу нафис қўллардан зирапчани оҳиста, авайлаб олиб ташладим. (*Қизнинг қўлига ёқут узук тақиб.*) *La ci darem la mano.*

Миссис Брин (*ой ёғдусидай майин мовий ҳарир бутун бичилган бал либосида, манглайида силфиданинг йилтироқ диадемаси, бал дафтарчаси мовий ой тусли шоҳи туфлича ёнида тушиб қолган. Кафтларини майин букиб, тез-тез нафас оларкан*). *Voglio e non.* Оҳ, оловдай ёняпсиз! Мени куйдириб юборасиз. Чап қўл юракка яқин.

Блум. Сиз кутилмаганда шундай қарорга келганингиздан сўнг, ҳамма бу эртакка ўхшайди деб юрди. Тасқара ва гўзал. Йўқ, мен сизни бу учун ҳеч қачон кечиролмайман. (*Кўлини мушт тугиб пешонасига олиб боради.*) Муни қаранг-а! Сиз жону жаҳоним эдингиз! (*Хириллаб.*) Хотин киши, бу мени ўлдиради!

Денис Брин бошига оқ цилиндр қўндириб, Уиздом Хилининг реклама тахталарини кўтаранча улар ёнидан ўтади, унинг оёқларида тунги шиппак, чанг ўтирган пахмоқ соқоли олдинга туртиб чиққан, дам ўнг томон, дам сўлга қараб нималарнидир гўдранади, чиллик туз тусида кийинган бўз болакай Олф Берген унинг орқасидан изма-из юриб, қадам босишига тақлид қилади ва азбаройи кулгисининг зўридан ёрилиб ўлай дейди.

Олф Берген (*масхара қилиб реклама тахтасини туртади*).
К.К: Ку-ку.

Миссис Брин (*Блумга*). Пастда тортишиб фанга ўйнашарди. (*Айёрона нигоҳ отади.*) Аммо сиз нега менинг кафтимни ўпиб қўймадингиз, ҳаммаси ўтиб кетарди? Сиз ахир хоҳлаб турган эдингиз-ку.

Блум (*таажжубда*). Яна Моллининг энг яхши дугонаси-я! Бунга қандай ҳаддингиз сигади?

Миссис Брин (*унинг ширали тили лаблари орасидан чиқиб Блумга офатимжон бўса ҳадя этади*). Оҳ-оҳ. Бу саволингизни газетага юборинг. Анов менга совға эмасми?

Блум (*атай бепарволик билан*), шунчаки кечки овқатга. Таом. Сливи қиймаларисиз уйда қандай тирикчилик қилиясизлар? Мен «Лия»га тушдим. Миссис Бэндмен Палмер. Шекспирнинг мафтункор ижрочиси. Эсиз, дастурини ташлаб юборибман. Шу яқин ўртада чўчқа сони топиладиган ажойиб жой бор. Мана, ушлаб кўринг.

Ричи Гулдинг кўринади, унинг бошига учта хонимлар шляпаси қўндирилган, қўлида уни ёнига энкайтириб қўйган Коллис ва Уорднинг қора фирма портфели, бунинг устига оҳак билан бош чаноғи ва суякларнинг сурати чизилган. У портфелни очиб, ичи тўла чўчқа сосискалари, юмшоқ треска, дудланган шўр балиқ ва хабдорилар солинган қутиларни кўрсатади.

Ричи. Дублиндан топса бўладиган энг яхши нарсалар.

Кал Пэт йўл чеккасида ташвишга ботган қуёнга ўхшаб турибди, қўлида сочиқ, хизматга ҳозир у нозир хизматкор.

Пэт (*яқинлашиб келади, қўлида қийшиқ тутган идишдан қайла оқоқоқади.*). Бўйракли бифштекс. Шишада пиво. Хихихи. Пэт хизматда, мижоз иззатда.

Ричи. Войхудойим-ей. Эр талаб дантуз тот ма дим.

Бошини солинтириб, нари кетиб боради. Фабрика ишчиси гандираклар унинг ёнидан ўтади, қўлидаги фонуснинг учи билан Ричининг биқинига туртиб юборади.

Ричи (*оғриқдан қичқириб, биқинини чангаллайди*). Во-ой-вой! Биқиним! Олов!

Блум (*ишчини кўрсатиб*). Айғоқчи. Кўзига тушманг. Бемаъни издиҳомга тоқатим йўқ. Бу ерга эрмак қидириб келмадим. Аҳволим чатоқ бўлиб қолди.

Миссис Брин. Ялтоқланиш учун доим ҳар хил сабаб-баҳоналар қидириб юрасиз.

Блум. Бу ерга қандай келиб қолганимнинг кичкина бир сири бор, сизга айтиб бераман. Лекин орамизда қолсин. Моллига ҳам айтмайсиз. Бошқача бир сабаб бор-да бу ерда.

Миссис Брин (*камоли қизиқиб*). Ҳечам, ҳечам айтмайман.

Блум. Балки бироз юрсакмикин, майлими?

Миссис Брин. Ҳа, албатта.

Кўшмачининг уринишлари бекор кетади. Блум миссис Брин билан нари юради. Лайча улар орқасидан ангиллаб, думларини ликиллатганча эргашади.

Кўшмачи. Чалавой!

Блум (*бошида кулранг котелок, эғнида кичик ёқасига татаргул қадалган сарғиш спорт костюми, посон крем кўйлак, бўйнига Андрей хочли катак шарф ташланган, оқ узун пайпоқ, жигарранг қизғиш башмоқ; кўксига дурбин осилган, қўлининг билагига сарғимтир плаш*). Эсингиздами, бунга узоқ вақтлар бўлди, ёддан ҳам чиққандир. Ўшанда Миллини Эркатоё деб чақирардик, уни эндигина кўкракдан ажратган эди, ўшанда ҳаммамиз Фэрихаусдаги пойгага борганмиз.

Миссис Брин (*устида посони жиддий жуда чиройли келишган қорамтир-мовий костюм, оқ велюр шляпа, юзига нафис тўр ташлаган*). Лепардстаунда эди.

Блум. Ҳа-ҳа. Лепардстаунда. Ўшанда Молли «Сир» деган уч яшар отга кўйиб етти шиллинг ютганди. Кейин биз ҳаммамиз даққионуздан қолган жуда эски аравага тушиб Фоксрок орқали уйга қайтганмиз; ўшанда сиз бениҳоя малоҳатли эдингиз, бошингизда янги оқ велюр шляпа, четларига суғур мўйнаси чатилган уни сизга сотиб олишни миссис Хейс маслаҳат берганда нархи ўн тўққиздан ўн бирга тушириб арзонлаштирилган деб сизни кўндирган эди ҳолбуки ўзида бир сим бўлаги-ю велюр латтадан бошқа нарсаси ҳам йўқ эди, бас бойлайманки, буни атай сизни лақиллатиш учун қилган эди...

Миссис Брин. Тоза чув туширган мени, ёлғончи пишак ўлгур! Кўйинг, менга буни эслатманг! Бемаъни маслаҳатгўй!

Блум. Нега деганда у сизга унчалик ҳам ярашмаган эди сизга анави жуда мўъжаз колибри пати қадалган кичкина шляпачангиз гоят кетворганди мен ундан сира кўзимни узолмасдим о, сиз уни кийганда жуда мафтункор бўлиб кетардингиз лекин нега деганда ўша тирноқча келадиган қушча жониворни ўлдиришганига жонингиз ачимасмиди, юрагингиз мунча қаттиқ бўлмаса, ўша бечора митти жоннинг жони ҳам лола донасидан ҳам кичикроқ келади ҳолбуки.

Миссис Брин (унинг қўлини силаб, нозланиб). О, рост айтасиз, мен жуда ҳам бераҳм эдим!

Блум (оҳиста, овозини сирли тезлатиб).

Молли эса миссис Жо Галлахернинг саватидаги гўштли сандвични иштаҳа билан ерди. Ҳақиқатини айтганда, унинг мухлислари ҳам, бўлислари ҳам етиб ортиб ётса ҳам, унинг одатларига кўпда шайдо бўлган эмасман. У шундай эдики...

Миссис Брин. Қандайдир ҳаддан ортиқ...

Блум. Худди ўзи. Биз ферма ёнидан ўтиб кетаётганимизда Рожерс билан Тасқара О'Рейли куқувлаша бошлаганларида Молли ўзини тўхтатолмай хандон ташлаб куларди, шунда ёнимиздан чойфуруш Маркус Терциус Мозеснинг коляскаси ўтиб қолди, коляскада унинг Ўйинчи Мозес деб чақиривадиган қизи ҳам бор эди, қизнинг тиззасида гоятда сипо лайча пудел кўр тўкиб ўтирар ва ўшанда сиз мендан сўрадингизки, сиз ўқиганмисиз, ё эшитганмисиз, ё кўргандирсиз, ё учратгандирсизки...

Миссис Брин (ҳаяжонланиб). Ҳа, ҳа, ҳа, ҳа, ҳа, ҳа, ҳа.

Блум қошида турган унинг қомати ғойиб бўлади. Блум йўлини давом эттиради жаҳаннам дарвозаси томон, лайча ҳамон ингилаб унга эргашади. Бир дарвоза олдида хотин киши тик турганча чатаноғини йириб, олдинга энкайиб худди сигирга ўхшаб пешоб бўшатади. Эшиги ёпиқ қовоқхона олдида ўйнагани кўчага чиққан устазодалар бурни пачақ бўлган устани ўраб туришади, уста томоғини қириб, хириллаб уларга қандайдир бир масални ҳикоя қилиб бермоқда, ҳазил-ҳузил гапириб шогирдларнинг димоғини чоғламоқда. Иккита қўлсиз киши орадан ажраб чиқиб, бир-бирлари билан кураш тушиб, ағнаб, думалаб, масхарабозлик қиладилар, вағирлайдилар.

Уста (букчайиб, манқаланади). Шу денг Кернс кўчада ёғоч устидан тушиб денг, нима қилди денг, кўча четида сувоқчилар бир челақ тўлдириб пиво кўйишган экан, тўғри бориб шу челақка ўтириб қисталанг ишини бажарибди денг.

Устазодалар (бўридай оғизларини катта очиб хахолаб куладилар).

Хо-хо, э, ўл-а!

Уларнинг бўёқ чапланган қалпоқлари чайқалади. Майиб-мажруҳлар уст-бошларига кулбаларининг оҳак, елимлари сачраган кўйи уста теварагида сакрашиб, шўхлик қилиб ўйнашадилар.

Блум. Яна ўша гап. Улар буни кулгили деб ўйлашади. Шуям кулги бўлди-ю. Куппа-кундузи-я. Етиб олишга уриндим. Яхшиям, хотинлар йўқ эди.

Устазодалар. Куйишини қаранг, падлаънат, Бўшаштириб юборди. Пивога чўкиб ўлгур!

Блум йўлини давом эттиради. Рўмол ўраган, баъзилари боши очик фоҳишалар жуфт-жуфт бўлиб ё ёлғиз ўзлари барча ичкўчалар, эшиклар, мулошиларда туриб одам чақирадилар.

Фоҳишалар.

Жўра, бизга бир қара,
Қозигинг бўлмас яра.
Борми сенда бир гугурт?
Турғиз десанг, турғизай.

Блум уларнинг кулбалари оралаб нарида кўришиб турган ёруғ кўчага қараб юради. Дераза пардасини туртиб граммофоннинг пачақ мис бўйни чиқиб туради. Чеккароқда хуфя қовоқхонанинг бекачи фабрика ишчиси ва икки аскар бола билан гаплашади.

Фабрика ишчиси (кекириб). Қани қаерда ўша ярамас уй?

Бекач. Пердон-стрит. Бир шиша арақ — бир шиллинг. Мен ҳалол хотинман.

Фабрика ишчиси (Аскарларни ёқасидан ушлаб олиб, гандираклаганча улар билан бирга ўрнидан жилади).

Британия кўшинлари, олға!

Оддий аскар Карр (унинг орқасидан). Ўлардай ичибди.

Оддий аскар Комптон (кулиб). Гапирма!

Оддий аскар Карр (ишчига). Портобелло казармалари. Овқат беради. Каррни сўрайсан. Карр десанг, бўлди.

Фабрика ишчиси (бўкириб ашула айтади).

Вексфордлик биз йигитлар.

Оддий аскар Комптон. Қара-я! Старшинага нима дейсан?

Оддий аскар Карр. Беннетми? У менинг жўрам-ку. Сўқим Беннет жону дилим.

Фабрика ишчиси (бўкириб).

Шарманда занжирлар.
Она юртга озодлик.

Уларни судраб олға босади. Блум тайсаллаб тўхтайди. Тилини осилтириб ҳарсиллаган ит келади.

Блум. Топиб бўпсан энди. Уй айқаш-уйқаш бўлиб кетган. Қай гўрга тушиб ётибдийкин. Фирт маст ҳам ундан тезроқ юради. Бошдан-оёқ чалкаш-чулкаш. Аввалига Уэстленд-роуддаги анов томоша. Кейин чипта учинчи тоифа вагонга олинган бўлса ҳам, биринчи тоифага чиқдим. Кейин бекатимдан ўтиб кетдим. Паровози билан поезд орқада. Малахайдга ё бўлмаса тунги депога олиб кириб кетиши мумкин эди ёки бошқа бир поезд билан уришиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди. Ҳаммаси иккинчи ичишдан. Бир мартаси — меъёрида. Нега мен унинг орқасидан юрибман? Анави қаланғи-қасанғилар ичида тузукроғи шу. Агар Бюфой — Пюрфой хонимни эшитмаганимда, у ерга кирмаган ва уни учратмаган бўлардим. Толе. У пулларининг барини созуриб

юборади. Бу ерда камбағалларга ёрдам идораси бор. Ҳар турли қаллобликлар урчиб ётибди. Хўш-хўш, қийинчилик бўлиб қолдими? Бот келган бот кетади. Анов трамбангчироқчирёйизсимжагернаут туфайли ўлиб кетишимга оз қолди. Яхшиям, ўзимни йўқотиб қўймадим. Гарчи огоҳлик ҳар доим ҳам қутқаравермаса-да. Ўша куни агар-да Трулокнинг деразаси ёнидан икки дақиқа кечикиб ўтганимда, ўққа учган бўлардим, жисмининг йўқолиши. Агар фақат ўқ кўйлагимнинг ўзини тешиб ўтганда, беш юз фунт суд орқали ундиришим мумкин эди. Ҳаётини хавф остига қўйиш. У ердаги анов ким эди? Киллер-стрит клубига тегишли тузларданмикин? Худоё-худовандо уларнинг овчиларини ўз паноҳингда асра. *(Деворга чизилган, тагига «Ширин уйқу» деб бўр билан ёзилган эркаклар олати суратини томоша қилади.)* Масхарабозлар! Бунини Молли чизсин-да! Унинг Кингстаунда вагоннинг музлаган ойнасига чизганига етмайди. Бу нима унинг олдида?

Уна-эликларга бўялган қўғирчоқлар деразалардан мўралашади, ланг очиқ эшиклар олдида арзон сигареталарни тутатишади. Ширин, кўнгилни оздирувчи тутун Блумга томон ҳалқа-ҳалқа бўлиб, буралиб оқади.

Тугун ҳалқалар. Ширин-ширин, тогли-тогли. Гуноҳ ширинликлари.

Блум. Умуртқамга нимадир бўлганга ўхшайди. Яна юраверайми ё қайтсамми? Бу чўчка гўшти олганимга бало борми. Уни ейсан-у, ўзинг ҳам чўчкага айланасан. Калла йўқ. Эсиз пул. Бир шиллингу саккиз пенс тўлаб қўйдик-да. *(Дайди ит думини ликиллашиб, муздек тумшуғини Блумнинг қўлига туртади.)*

Қизиқ, нега улар ҳаммаси менга эргашаверади-я. Бугунги анов кўрқинчли ҳайвонни айт. Олдинига улар билан яхшилаб гаплашиш керак. Улар худди аёлларга ўхшайдилар, *gensontres¹*ни яхши кўрадилар. Фақат сассиққуздандек жуда сассиқ-да булар. *Chacun son gout²*. Балки у қутурган итдир. Фидо. Нима қилишини билмайди. Яхши кучук, яхши! Гарриоун! *(Бўрибосар оёғини осмонга кўтариб ётади, ликонглайди, панжаларини чўзиб овқат сўрайди, узун қорамтир тилини чўзади.)* Ташқи муҳитнинг таъсири. Э, бериб қўя қол шунга, тамом. Ҳеч ким йўқмикин. *(У худди браконерга ўхшаб ўғринча ва ҳаракатлари қовушмай сассиқ анқиб ётган бир четга итни авраб чақиради, ит унга эргашади. Бир тугунчани очиб чўчка оёғини ташламоқчи бўлади, кейин товсилиб, қўй оёғини олади.)* Уч пенсга шунча нарса. Ҳа, чап қўлимда бўлгани учун вазминроқ туюлади. Кўпроқ куч кетади. Нимага шундай? Негаки, чап қўлда камроқ иш бажарилади. Майли, бўпти. Ташла. Иккию олти.

Чўчка оёғи ва қўй гўшти ўралган тугунни афсусланиб, ачиниб ерга ташлайди. Ит тугунни тумшуғи билан титиб, очкўзлик билан гўштга ташланиб, ириллаб суякларни қасирлатиб чайнайди. Ёмғирпўш ёпинган икки соқчи индамай, пусиб, эҳтиёт билан яқинлашади. Бир-бирлари билан пичирлашади.

Соқчи. Блум. Блумни. Блумга. Блум.

Иккови қўлини Блумнинг елкасига қўяди.

Биринчи соқчи. Қоидани бузаётганда ушланди. Жамоат жойларини ифлос қилди.

Блум (тутилиб). Лекин мен бошқаларга яхшилик қиляпман.

Бақлонлар ва чағалайлар тўда-тўда бўлиб Лиффи кўрфазининг лойқа сувлари узра оч чағ-чуғлашиб кўтарилишади, ҳар бири тумшуғида ширин нон парчаларини кўтариб олган.

¹ Учрашув (франц.).

² Ҳар кимнинг диди ҳар хил (франц.).

Чағалайлар. Чав чав жуда ширрин нон.

Блум. Одамларнинг дўсти. Яхши тарбия қилинган.

Кўли билан кўрсатади. Баланд ўриндиқда чайқалиб ўтирган Боб Дорен чапиллатиб еяётган ит устига энгашади.

Боб Дорен. Вой исқирт-ей. Кўлингни бер. Хўп, кўлингни бер.

Бульдог ит ириллайди, бўйнидаги жуллари тикка-тикка туради, чўчка гўштини чайнаётган тишлари орасидан қутуриб сўлак оқади. Боб Дорен ертўлага олиб борадиган қора ўрада ғойиб бўлади.

Иккинчи соқчи. Ҳайвонларни шафқатсиз муносабатдан сақлаш.

Блум (*қизғин*). Олижаноб иш. Мен конка ҳайдовчини кўприқда уришиб бердим, у отга яхши қарамаган, жониворнинг бўйни шилиниб кетибди. Менга яна нима дейди денг, меҳрибончилигингни хотинингга қил эмиш. Бунинг устига совуқ эди, охирги вагон эди. Цирк ҳаётидан ёзилган барча ҳикоялар ўта ғайриахлоқий.

Синйор Маффей устида олмос тугмалар қадалган кўйлак ва арслон ўргатувчи либосларида отилиб олдинга чиқади, қўлида қоғоз ўралган ҳалқа, доира бўлиб турган қамчи ва тўппонча, у тўппончани овқат чайнаётган дог итга юзи қахрдан оқариб ўқталади.

Синйор Маффей (*даргазаб иршайиб*).

Хонимлар ва жентлменлар, қаршингизда менинг ўргатилган итим. Пампасларнинг қахрли мустанги Аяксни мен бўйсундирганман, мих қадаладиган эгарни мен ўйлаб топганман ва патент олганман. Тугунланган қамчи билан от қорнига уришни мен очганман. Ҳалқага бўйнидан арқон билан тортиб осиб ҳар қандай қайсар арслонни кўлбола қилиб қўя олади, менга деса у нақ Ливия одамхўри Leo feox¹нинг ўзи бўлмайдими. Чўғдай қилиб қизитилган мисранг билан куйган жойларга суртиладиган алоҳида суртки бизга фикрловчи чиябўри Фриц Амстердамни яратиб беролди. (*Кўзлари йилтирайди.*) Ҳиндларнинг сеҳрлаш усули менга маълум. Таъсирчанликка кўзларимнинг порлаган нури ҳамда кўксимдаги мана шу олмосларнинг ярқираши билан эришилади. (*Мафтункор кулиб.*) Энди эса аренамизнинг фусункор гўзали ойимқиз Рубини сизга таништиришга ижозат этгайсиз.

Биринчи соқчи. Хўш. Исми шарифинг. Манзил.

Блум. Биласизми, эсимдан чиқиб қолди. Эҳ, ҳа! (*Башанг шляпасини ечади, таъзим қилади.*) Доктор Леополд Блум, тиш доктори.

Сиз, албатта, фон Блум пошани эшитган бўлсангиз керак. Санаб адо этиб бўлмас миллион-миллион пуллар! Доннерветтер! Австриянинг ярми уники. Миср ҳам унга қарайди. Амаким бўлади.

Биринчи соқчи. Исбот.

Блум шляпасининг ичидан бир парча қоғоз тушади.

Блум (*Қози либосларида, бошида қизил фас, белида кенг яшил белбоғ, кўксида ясама Фахрий Легион ордени, қоғозни шошиб-пишиб ердан кўтаради ва соқчига туттади*). Жоним билан. Кўшин ва Флотнинг Ёш Офицерлар Клубининг Аъзоси. Менинг вакилларим: Жон Генри Ментон фирмаси, Бэйчлорз-уок, 27.

Биринчи соқчи (*ўқийди*). Генри Флауэр. Яшаш жойи номаълум. Дайдилик, кўча ҳаракатига тўсқинлик қилиш.

Иккинчи соқчи. Алиби. Сиз огоҳлантириласиз.

Блум (*кўкрак чўнтагидан эзилган сариқ гулни чиқаради*). Флауэр, гул. Мана ўша гул. Уни менга бир одам берди, исми шарифини билмайман. (*Ишонч билан.*) Сиз билсангиз керак анави эски ҳазилни, Кастилия атиргули.

¹ Қахрли арслон (*лот.*).

Блум. Фамилия ўзгарган. Вираг. (*Маҳрамона ва ишонч билан овозини пасайтириб.*) Сиз, сержант, тушунасизми, биз никоҳдан ўтганмиз. Бу ерда хотин киши аралашган. Ишқий ишқаликлар. (*Иккинчи соқчини аста елкаси билан туртиб қўяди.*) Албатта, баъзан Ватерлоо жанги ҳам бўлиб туради. Вақт топиб кечки пайт бир келинг, бир шиша эски бургон майи бор. (*Иккинчи соқчига дадил жаранглаган товуш билан.*) Мен сизни таништириб қўяман, инспектор. Адашмайсиз. Ҳаш-паш дегунча ҳаммасини бошлаб қўяди.

Қорамтир симоб тортилган башара пайдо бўлади, унинг ортида юзига тўр парда тортган аёл.

Қора симоб. Уни Қарда қидиришяпти.

Уни армиядан шармандасини чиқариб ҳайдашди.

Марта (юзи қалин тўр парда остида, бўйнига алвон тасма осилган, қўлида «*Айриш таймс*» газетасининг сони; Блумни кўрсатиб, ўпкалаб). Генри! Леополд! Лионел! Айрилганим! Менга пок номимни қайтар.

Биринчи соқчи (*қовоқ уйиб*). Юринг идорага.

Блум (*қўрқиб ўзини орқага олади, шляпасини кияди, кейин ўнг қўлини юраги устига қўйиб, тирсагини тўғри тутиб, иккинчи даражали масон ишорасини адо этади*). Йўқ-йўқ, муҳтарам уста, бу аёл бузуқ. Шахсияти янглиш кўрсатилган. Лион почтаси Лезюрк ва Дюбоск. Сиз ўз биродарини ўлдирган Чайлдс ишини эслайсизми? Биз ахир медиклармиз. Болта билан чошиб ўлдирилган. Мен янглиш айбланганман. Тўқсон тўққиз одам айбсиз ҳукм қилингандан кўра яхшиси, бир айбдор қочиб кета қолсин.

Марта (*тўр остида ҳўнграйди*). Бу аҳдни бузиш. Менинг ҳақиқий исмим Пегги Гриффин. У менга жуда бахтсизман, деб ёзди. Бераҳмларча йўлдан урди, сени акамга айтаман, у регби ўйнайди, «Бектайв» ҳимоячиси.

Блум (*оғзини хуфя беркитиб*). У маст. Бу хотин ичкилик таъсирида. (*Ефремликларнинг ижозаномасини гўлдираб айтади.*) Вшиволет.

Иккинчи соқчи (*кўзига ёш олиб Блумга*). Уялинг-е, уялинг-е бундан кўра.

Блум. Жаноб вакиллар, тушунтиришга ижозат беринг. Булар бари чўпчак. Мени нотўғри тушунишди. Айбни менга ағдаришяпти. Мен ҳурмат-эътиборли, оилали кишиман, номимга ҳеч қачон доғ туширмаганман. Мен Экклс-стритда тураман. Рафиқам, мен хизмат кўрсатган саркарда, мард жентлмен ва соф виждонли инсоннинг қизиман, отамнинг оти, нимайди, генерал-майор Брайен Твиди, у бизнинг қаҳрамонларимиздан бири, Британия учун жанг майдонларида кетма-кет зафарлар қозонган. Роркс-Дрифтни қаҳрамонларча ҳимоя қилгани учун унвонини оширишган.

Биринчи соқчи. Полкини айтинг.

Блум (*тепадаги одамларга қарата*). Дублин Қироллик ўқчилари, менинг болаларим, ер юзининг мағизлари, уларни бутун дунё танийди. Назаримда, орангизда эски қуролдош дўстларимдан айримларини кўраётгандай бўламан. Д.Қ.Ў. Бизнинг тинчлигимизни қўриқловчи пойтахт полициямиз билан бирга энг чаққон, энг жасур йигитлар подшоҳимизнинг хизматдалар.

Овоз. Сотқин! Яшасин бурлар! Жо Чемберленни ким хуштак чалиб безор қилган эди?

Блум (*қўлини биринчи соқчининг елкасига қўяди*). Менинг қари отам ҳам қози эди. Сиз каби мен ҳам, сэр, асл тош-метин британияликман. Мен генерал Гоф қўмондонлигида дориломон урушда бизнинг байроғимиз остида қирол ва салтанат учун жанг қилганман,

генералимиз ҳозир паркада кўкрак кериб турибди, ўшанда Блум — Фонтейн ҳамда Спайон-Коп ёнида ярадор бўлганди. Буйруқларда эслаб ўтилганди. Оқ танли одамнинг кўлидан нима келса, барини қилдим. (*Секин. Ҳиссиёт билан.*) Жим Бладсо. Қайиқни қирғоққа яқин ол.

Биринчи соқчи. Касби, машғулот.

Блум. Фаолиятим тури — адабиёт. Мен ёзувчи ва журналистман. Дарвоқе, худди ушбу кунларда биз мукофот олган ҳикояларнинг тўпламини чиқараётимиз, бу менинг ғоям, мутлақо янги бир нарса. Мен инглиз ва ирланд матбуоти билан боғланганман. Агар қўнғироқ қилмоқчи бўлсангиз ...

Майлс Кроуфорд қадамларини силтаб-силтаб ташлаб, оғзида ғоз патини тишлаганча пайдо бўлади. Похол шяпа остида унинг қип-қизил тумшуги аланга олгандай кўринади. Бир қўлида испан пиёзлари боғини кўтарганча силкитиб боради, иккинчи қўли билан телефонни қулоғига босган.

Майлс Кроуфорд (унинг хўрозча монанд зираклари ликирлайди). Алло, етмиш етти саксон тўрт. «Уикли сор тир» ва «Фрименс дристалл» редакцияси, Европани танг қиламиз. Ким-ким? Суддан? Ким ёзувчи? Бу Блумми?

Мистер Филип Бюфой ораста визиткада гувоҳлар ўрнида ранги оқариб туради, кўкрак чўнтагига учбурчак қилиб рўмолча жойланган. Кўкимтир шими яхши дазмолланган, оёғида локланган бошмоқ. Қўлида «Мэтченнинг моҳирона зарбалари» деган қоғоз ёпиштирилган семиз портфел.

Бюфой (сўзларни чўзиб). Йўқ, сиз заррача ҳам, сиз ҳеч қандай даражада ҳам, билишимча. Бундай фикр ҳатто хаёлимга келгани йўқ. Жентлмен бўлиб туғилган биронта одам, андаккина бўлсин жентлменлик хусусиятларига эга бўлган биронта киши ҳеч қачон бундай шармандали вазиятга тушмайди. У шундайлардан, милорд. Плагитор. Узини ёзувчи деб кўрсатадиган силлиқ аблаҳ. Ҳеч қандай шак-шубҳасиз, исботланганки, ўзининг тубан табиатига биноан, у менинг маълум-машҳур асаримни ўғирлаб олган, уни чин шоҳ асар, ҳақиқий маънодаги олмос, ҳар қандай шак-шубҳадан холи ишқий воқеаларга асар деб айтоламиз. Бюфойнинг сиз олий ҳазратларига шубҳасиз таниш бўлган муҳаббат, хайлу ҳашамат ва дов-давлат ҳақидаги китоблари бутун салтанатда машҳурдир.

Блум (қовоғи уюлган, уялган ҳолда ювош минғирлайди). Кулиб турган фусункор анов қизгина билан қўлма-қўл ушлашиб турилган жойига келганда фақат мен қўйилган айбни рад этган бўлардим, агар ижозат бўлса...

Бюфой (такаббур табассум билан лабини чўччайтириб, залга кўз югуртиради). Фирт эшшак! Сизнинг табсиз тўпорилигингизни айтиб адо этишга сўз етмайди! Ўйлайманки, бу масалада ўзингизни асло уринтирманг. Бу ерда менинг адабий агентим Ж. Б. Пинкер ҳозир, умид қиламанки, милорд, кўрилган зиёнимизнинг ўрни қопланади, бу гувоҳларга тегишли, тўғри эмасми? Шу бачкана шакаргуфторнинг, реймс зағизғони, ҳатто университетда таҳсил кўрмаган нодоннинг жатига биз анча-мунча зарар кўрдик.

Блум (минғирлайди). Ҳаёт университети. Бўлмагур адабиёт.

Бюфой (қичқириб юборади). Бу ўша қабиҳ ёлғон, бу унинг ахлоқий чириганлигини кўрсатади! (*Портфелини силкатади.*) Мана бу ерда, милорд, шубҳадан холи далолатлар, corpus delicti¹, махлуқнинг манфур чангали теккан, менинг баркамол ижодим намуналари.

¹ Жиноят таркиби (лот.).

Тепадан овоз.

Жухуд шоҳи Мусо Калим
«Таймс»га артар кетин ҳалим.

Блум (*ўзини тутиб олиб*). Ошириб юборишган.

Бюфой. Аблах қорамол! Э сени қўлмакка ботириш керак, бит! (*Судга қарата*.) Э унинг хусусий ҳаётига қаранг! Минг турли товланиб кун кўради! Кўча хандон, уй зиндон! Э унинг отини хонимлар олдида тилга олиб бўлмайди! Асримизнинг бош фитнаси!

Блум (*судга қарата*). У эса, бўйдоқ, қандоқ қилиб...

Биринчи соқчи. Қирол Блумга қарши. Гувоҳ Дрисколлни чақиринг. Котиб. Мэри Дрисколл, ошпаз хотин!

Ёш хизматкор Мэри Дрисколл қийшайиб кетган туфлида кўринади. Бир қўлининг билагига челақ илинган, иккинчисида супурги.

Иккинчи соқчи. Яна биттаси. Сиз анов бадбахтларданмисиз?

Мэри Дрисколл (*норози бўлиб*). Мен сизга енгил оёқ эмасман. Мен ҳалол хизмат қиламан, охирги хўжайинникида тўрт ой ишладим. Яхши жой, йилига олти фунт маош, яна устига мукофот, ҳар жума дам олиш, лекин кетишга тўғри келди, нега деганда, одамга ёпишаверади.

Биринчи соқчи. Уни нима деб айблайсиз?

Мэри Дрисколл. Менга тиралиб туриб олади, менинг ақли-хушим ўзимда, камбағал бўлсам нима қипти.

Блум (*юшиоқ уй кийим-бошида, фланел шим ва шиппақда, соқоли қирилмаган, сочлари тўзғиган; настига тушиб*). Мен сенга олижаноб қиз деб муомала қилганман. Нарсалар совға-салом қилиб турганман, Зумрад бўйинбоғнинг нимаси ёмон сенинг ушбу аҳволингда. Сени қўли эгри деб айблашганда, ўйлаб-нетиб ўтирмай ёнингни олганман. Ҳаммасининг меъёри бор. Ҳалол ишла.

Мэри Дрисколл (*жўшиб*). Мана Худо тепамда, ўша балиқни мен олган бўлсам!

Биринчи соқчи. Ҳақорат етказганлик хусусида. Бирон кор-ҳол бўлганми?

Мэри Дрисколл. У мени уйнинг орқасида босди, орқада, ҳазрат олийлари, уй бекаси эрталаб у-бу сотиб олишга кетувди, бу келиб тўғноғич сўради. Шунақанги чанг солиб босдики, кейин тўрт жойим кўкариб қолди. Кейин икки маротаба иштонимга ёпишди.

Блум. Унинг ўзига ҳам ёқиб қолди.

Мэри Дрисколл (*нафратланиб*). Э мен супургимга ачиндим, холос. Мен уни жойига қўйдим, милорд, у эса: сен фақат ҳеч кимга айтма, дейди!

Ҳамма кулади.

Жорж Фотрелл (*Қироллик ҳамда маҳаллий суднинг котиби, янгроқ овоз билан*). Тартиб! Тартиб сақлансин! Ҳозир айбланувчи сохта баёнотини эшиттиради.

Блум ўзини айбдор деб тан олмайди, қўлида очилган нилуфар гулини тутиб узундан-узоқ сўзлаб, бир боғдан, бир тоғдан келади. Бу ерда ҳозир бўлганлар ҳали унинг ҳимоячисининг судга қилган эҳтиросли мурोजаатини ҳам тинглашади. Ҳаётда унинг кемаси батамом ҳалокатга учради, аммо, агар таъбир жойиз бўлса, худди дирдов қўй каби тавқи лаънат қилинган эса-да, у тузалиш йўлига киришни иштайди, ўтмишни мисоли ҳамширалардай мусаффо ҳаётга алмаштириш ва худди маъсум уй ҳайвонидай бўлиб асил табиатга қайтишни хоҳлайди. У етти ойлигида дунёга келиб, қариб чуриган тўшакка қадалиб қолган волида

томонидан меҳру мурувват билан боқилиб, вояга етказилмишиди. Эҳтимолдан холи эмасдирки, адашган ота хатолар қилган, йўлдан озгандир, шунга қарамай у ҳаётнинг янги саҳифасини очишни истайдики, мана эндиликда шармандалик дорига икки қадамгина қолганда, шоми ғарибон яқинлашганда, оила бағрида меҳр оғушида тинч-хотиржам яшашни орзулайди. Шу ернинг табиий об-ҳавосига мослашган чин британиялик, у ўша ёз оқшоми парвознинг тўғарак майдончасида турароқ майли, узук-юлуқ бўлса-да шундай манзараларни кўрдики, бу орада ёмғир ёғайми-ёғмайми деб турди-ю, ёғмасликка қарор берди, Дублиннинг оила муҳаббати билан лиммо-лим турмуш ўчоқларида жилоланган лавҳаларини деразаларда ўз кўзи билан кўрди ва шаҳар атрофларидаги ҳақиқий жаннатий ҳаёт бахт-иқболини кузатди бу уйлар Докреллдан олинган бир ўрама бир шиллингу тўққиз пенс турадиган гул қоғозлар билан безатилмишиди, у британиялик бўлиб туғилган бегуноҳ маъсум бўбақларни кўрдики, улар Муқаддас Гудакка қарата бидирлаб дуолар ўқишарди, ёш мактаб болалари китоблари узра мук тушиб дарс қилишарди, ибратли моҳпора қизлар фортепиано чалиб ўтиришар, ёхуд бутун оила янги йил арафасида гуриллаб ёнаётган камин-ўчоқ теграсида Яратган Эгамга ҳамду санолар айтишар, қишлоқ йўлларида, кўм-кўк сўқмоқларда collens ўз йигитлари билан сайру сафо айлашар, арғанун овозли аккардеон садолари янграр, улар «Британия» қотишмасидан безак бериб ясалган, тўрт регистр ва ўн икки пуфламалик ғирт текин деса ҳам бўлади, кам учрайдиган ноёб бир ҳолки... Яна ҳамма кулади. У узук-юлуқ сўзларни айтиб ғудранади. Репортёрлар, мухбирлар яхши эшитмаяпмиз деб шикоят қилишади.

Протоколчи ва стенографчи (ёзишдан тўхтамай). Унинг жўмрагини бураб кўйинг.

Профессор Макхю (журналистларга ажратилган столда ўтириб, акса уради ва далда беради). Кўявер уларни, йигит, ишинг бўлмасин. Бор гапни дангал айтавер.

Ҳар томондан сўроқ-тергов, кўрилайтган масала — Блум ва челақ. Катта челақ. Блумнинг шахсан ўзи. Қорин оғриши. Бивер-стритда. Ҳа, санчиб оғрияпти. Ҳа, чидаб бўлмайди. Сувоқчилар челаги базур чидаб боради. Тасвирлаб бўлмайдиган азоблар, мисоли ўлим талвасаси. Тушга яқин. Севги ёки бургон майи. Ҳа, бир озроқ шпинат. Чидаб бўлмас ҳолат. Челақка қарагани йўқ. Ҳеч ким кўринмади. Анча ифлос. Охиригача етмади. «Парчалар»нинг эски сони. Ҳайқирқиқлар ва ҳуштаклар худди бир неча мушуклар баробар мов бўлгандай. Оҳақка бўялган йиртиқ камзул, эзилган ва қийшайиб қолган цилиндр, бурни устига елим қоғоз ёпиштирилган Блум овози эшитилмаса ҳам, сўзини давом эттиради.

Ж.Ж. О'Моллой (адвокат либосида, бошига парик кийган, қайғули норози оҳангда). Ичкиликни меъеридан ортиқ ичиб кўйган бир шўрлик одамнинг устидан куладиган жой эмас. Биз ҳайвонот боғида эмасмиз, биз талабалар базмида ўтирганимиз йўқ, одил судга тақлид қилиш ниятимиз ҳам йўқ. Мен ҳимоя қилаётган инсон — ҳали ёш бола, йўқсил муҳожир, ишни ҳеч вақо йўқ жойдан бошлаган, кемага тушиб бу ерга чипгасиз келган-да, эндиликда виждонан тер тўкиб ўз нонини топиб ёйиш пайида. Бу ерда унинг бир ҳатти-ҳаракатини карнай қилишяпти, аслида бу ирсиятнинг саробангиз айнишидан келиб чиққан бир ҳолат бўлиб, унинг асл юрти, фиръавнлар диёрида бу нарса ажабланарли бўлмай, бирмунча одат тусига кирган, унга айб қилиб тақалаётган бебошликнинг келиб чиқиши шундай. Prima facie¹,

¹ Аввал (лот.).

эътиборингизни шунга қаратмоқчиманки, бу ўринда жимо (алоқа)га интилиш бўлмаган. Яқинлик юз бермаган, ойимқиз Дрисколл шикоят қилиб айтган таҳқирлаш, яъни унинг масъулиятига тажовуз бошқа такрорланмаган. Мен бу ерда атавизм, эски иллатнинг юзага чиқишини кўраман. Менинг ҳимоямдаги шахснинг оиласида ойкезиклик ҳамда кема ҳалокатидан кўрқиш ҳодисалари кузатилган. Айбланувчи зот сўйлай билганда эди, у бизга шундайин бир қиссани ҳикоя қилиб берган бўлардики, у бизга энг ажойиб ва гаройиб, фақат китоблардагина ёзиладиган воқеалардан бўлиб туюларди. Милорд, ахир унинг ўзи ҳам, бамисоли ҳалокатнинг бир парчасидай, кўкраги заиф, йўқсиллар касаллигига гирифтор, тинмай йўталади. Уни оқлайдиган нарса шуки, у мўғул ирқига мансуб бўлиб, ўз хатти-ҳаракатларига жавоб беролмайди. Эс кетган, билдингизми?

Блум (*ориқ, оёқланг, ночор кўйлак-иштонда, қисинганидан оёғининг бармоқларини буклаб қисиб, кичкина қундуз кўзларини бақрайтириб, атрофга аланлаб боқади, кафти билан пешанасини ишқайди. Кейин иштонини кўтариб ушлаб, катта бармоғи билан осмонга ишора қилиб шарқона одоб-икром билан судга таъзим бажо қилади*). Ошмон кусни бизга кусал килди. (*Соддалик билан хиргойига тушади.*)

Яшши бала бир куни
Хинзир чўсти калтирди
Икки бўлагин бериб...

Бақирӣқ-чақирӣқлар, ҳуштак овозлари уни босиб кетади.

Ж.Ж. О'Моллой (*Тудага қарата зарда қилиб*). Бу ниҳоятда тенгсиз жанг. Стикс билан қасам ичаманки, менинг ҳимоямдаги зот қандай бўлмасин, чиябўри ва шақал тўдалари унинг устидан кулиб масхаралашига йўл қўймайман. Жунгли ва тўқайлар одати ўрнига Мусо Калимнинг оятлари келди. Мен одил судловнинг мақсадларига қарши боришни мутлақо истамаган ҳолда яна шуни ҳам қатъият билан айтаманки, айбланаётган кимса жиноят воситачиси эмас эди ва даъвогар устидан зўравонлик адо этилмаган. Менинг ҳимоямдаги зот ёш аёлга худди ўз қизидай муносабатда бўлган. (*Блум Ж.Ж. О'Моллойнинг қўлини олиб ўтади.*) Мен рад этувчи далолатлар келтираман, ва мен ҳеч қандай шак-шубҳасиз исбот қиламанки, бу ўринда яна ўша кўринмас дастдароз иш кўряпти. Айб қилган номаълум, шунинг учун — ушланг Блумни. Менинг ҳимоямдаги зот уятчан ва қисинчоқ, табиатан шундай, у табиатан камтарликка қарши ўлароқ қандайдир ножўя ва қандайдир номақбул бир иш қилишга қодир эмас, ёки ҳеч қачон журму гуноҳ йўлига кирган бечора хотинга тош отмагай, холбуки бошқа бир аблаҳ кимса аёлни йўлдан уриб, ундан ўз лаззати йўлида фойдаланган. Менинг ҳимоямдаги зот тўғри йўлдан боришни истайди, мен уни ўзим учратган инсонлар ичида энг муносиб кимса деб биламан. Шу дақиқаларда у мушкул бир вазиятга тушиб қолган, зотан у ўзининг Кичик Осиё ичкариларидаги жуда кенг мулуқатларини Агендат Нетайимга гаровга қўйишга мажбур бўлмоқдаки, бу нарсанинг диапозитивлари ҳозир сизга намойиш этилажак. (*Блумга.*) Сиз ўзингизни чиройли бир томондан кўрсатсангиз бўларди.

Блум. Ҳар фунти бир пенни.

Оқ девор бетига Киннерет кўли манзарасини туширишади, кумушсимон ҳовур оралаб ўтлаб юрган подалар кўринади. Кўзи сассиқкузаннинг кўзига ўхшаш оқпар Моше Длугач кўк мардикор чолворида тепада бир қўлида лимон, иккинчисида хинзир буйрагини кўтариб туради.

Длугач (хириллаган товуш билан).

Берлин W13, Бляйбтройштрассе.

Ж. Ж. О'Моллой *настроқ бир минбар устига чиқади, мантиясининг ёқаларини сиполик билан тўғрилайди. Унинг башараси чўзилади, оқаради, соқоллари ўсади, кўзлари чуқурлашади, ёноқларига алвон парчалар тошади: Жон Ф. Тэйлорнинг сил-варам қиёфаси. У оқ рўмолчасини оғзига тутади ва оч қизғиш қон юқини кўздан кечиради.*

Ж. Ж. О'Моллой (овози базур чиқади). Маъзур кўрингиз, мен қаттиқ иситмалаб турибман, мен ҳали яқиндагина тўшакдан турдим. Бир неча ғоят мухтасар сўз. (Унинг боши қуш бошига, мўйлови тулки мўйловига айланади, у Сеймур Бушининг чўзинчоқ тумшуқли наттоқлигини касб этади.) Фаришта китобни очадиган вақт келганда, агарда нимадир муносиб яшаш, нимадир янгиланган қалб ёки қалбни янгиловчи билан яшашга тўғри келса ва у ўйчан бағир ичра етилган бўлса, унда мен айтаманки: айбланувчига шак келтиришликнинг муқаддас шарафини ато этингиз.

Судга нимадир ёзилган қоғозни тақдим этишади.

Блум (сарой ходими либосида). Энг марғуб тавсияларни тақдим этмогим мумкинدير. Маҳаллий қози мистер Уиздом Хили, менинг қадим валинеъматим Жо Кафф, Дублиннинг собиқ лорд-мэри мистер В.Б.Диллон. Мен Дублин киборлар дунёсининг... энг порлоқ ва мафтункор маликалари даврасида юрганман. (Бепарво.) Кеча оқшом вице-қиролнинг тор доирадаги қабулида мен ўзимнинг эски ошнам қирол мунажжими сэр Роберт ва унинг рафиқаси леди Болл билан узоқ суҳбатга берилиб кетибман, Сэр Боб, дейман унга...

Миссис Йелвертон Барри (устида кўкраги кенг очиқ сарғимтир бал либоси, қўлига фил суюги тусидаги узун қўлқопни тирсагигача тортиб кийган, елкасида савсар мўйнасини чоклаб йўрмаланган фиштин авралик елкатўш, сочларига олмос тароқ ва тўғнағичлар, эгретка қадалган). Констебл, уни қамоққа олинг. У менга исмсиз мактуб жўнатди, эрим шимолий Типперери округида Мунстер кўчма сессиясида эди, имзосини болаларга ўхшаб ажи-бужи қилиб қўйган атайлаб, тагига Жеймс Тўқмоқ-боп деб ёзган. Унинг ёзишича, тепада ўтириб менинг мислсиз дўмбоқ жойларимни кўрибди, мен ўшанда «Роял» театрининг ложасида «Чирилдоқлар»ни томоша қилаётгандим, уни ноибнинг илтимосига биноан қўйишганди. Унинг ёзишича, мен уни алангайи оташ қилиб ёндириб юборибман. У менга уятсиз таклиф қилди. Мени келаси пайшанба куни ўз оилавий бурчимни бузишга ундади, Дансинк меридиани бўйича соат тўрт яримда. Шу билан бирга у менга почта орқали мсе Пол де Кокнинг «Учта корсет тутган қиз» асарини жўнатишини маълум қилди.

Леди Беллингам (мўъжазгина шляпачада денгиз мушугига ўхшатиб тикилган товушқон мантилиясига ўралиб ўз ландо аравасидан чиқади ва кўзларига тошбақа қалқонидан ясалган лорнетини опоссум мўйнасидан бичилган чиройли муфтаси ичидан олиб тутади). Мени ҳам шундай қилган. Ҳа, ўйлашимча, бу ўша-ўша шубҳали киши. Нега десангиз, бир куни сэр Торнли Стокернинг эшигида турган эдим, ёмғир ёғарди, у келиб каретамнинг эшигини ёпди, бу тўқсон учинчи йилнинг қаҳратон совуқ кунлари феврал ойида бўлганди, ўшанда уйимдаги ванна тосининг клапани ва сув оқиб кетадиган қувурнинг сим тўри музлаб қолганди. Шундан сўнг у мени деб, қаерлардандир ахтариб топиб бойчечак юборганди, буни сиз учун тоғ чўққиларидан топдим деганди. Мен бу чечакни ботаника бўйича мутахассис олимга кўрсатдим, у уйда етиштириладиган картошканинг гули бўлиб, намунали ферманинг иссиқхонасидан ўғирлаб чиқилган экан.

Миссис Йелвертон Барри. Ўлсин шарманда!

Суюқ аёллар ва дайдиларнинг оломони ёпирилиб киради.

Суюқлар ва дайдилар (*бўкиришиб*). Ушла ўғрини! Қойил қилдинг, Кўк Соқол! Ицке Мошега уч карра урра!

Иккинчи соқчи (*қўл кишанини олади*). Мана, ҳалқа тақамиз.

Леди Беллингем. У менга ёзувини турлича қилиб ўзгартириб мактублар ёзди, мақтов мадҳияларни дўлдай ёғдирди, мени мўйнали Венера деб атади, мен билан қаретада бирга юрадиган хизматкорим Палмерга жуда совқотиб кетибсиз, сизга қаттиқ ачинаман, деди, яна шу заҳоти унинг қулоқчини ва қўзипўстинига жуда ҳаваси келганини айтди, хизматкор қора дала узра олтин оҳу калласи чизилган махсус либосларда мен ўтирадиган ўриндиқнинг орқасида туради, сиз дейди бу кишим хонимга шундай яқин туриш бахтига эгасиз, кошкийди сизнинг ўрнингизда бўлсайдим, қадди-қоматимнинг қуйи қисмини оғзидан бол томиб мақтайди, сиртилиб таранг тортилган ипак пайпоқдаги бўлиқ тирсиллаган болдиримни кўкларга кўтарди, улар менинг бошқа хазина-ю дафиналаримни ҳам оғзидан қўймайди, улар гарчи бебаҳо ипак тўр остида яширинган бўлсалар-да, хаёлимда тинмай жонлантириб кўз ўнгимга келтираман деб ҳаддан ошади. У мени унатишга кўп уринди, тезроқ қўшилалик, қачонгача битта эрга қараб ўтирасиз, имконият топинг, деб мени шоширди.

Баронесса Толбойс (*чавандоз аёллар либосларида, оёғида нағалли қўнжси баланд этик, алвон нимчада, мушкетчиларнинг зарҳал тикилган қўлқопида; чавандоз аёлларга хос узун ҳилпираган рўмол, қўлида овчилар қамчиси, дам-бадам этигининг қўнжсига қарсиллатиб уриб қўяди*). Мени ҳам шундай қилди. У мени Феникс-паркдаги поло ўйинида кўриб қолди, Бутун Ирландия Бошқа барча Ирландияга қарши ўйини бўлаётганди. Биланманки, менинг кўзларим илоҳий тарзда порларди, нега деганда, драгунлар капитани Денни Темир Панжа ўзининг суюкли тулпори Кентаврда зафар кучмоқда эди. Манов зоти паст Дон Жуан кеб араванинг орқасида туриб мени еб қўйгудек бўлиб кузатарди. Кейин менга икки қават конвертта солиб бир уят сурат юборди, бунақа суратларни Париж хиёбонларида яшириқча сотиб юришади, уларни кўрса ҳар қандай хонимнинг ори келади. Бу сурат ҳали ҳам менда. Суратда ярим ялангоч нозиккина, кўҳликкина сеньорита (*тантанавор*) тарзда ишонтириб айтишича, (бу унинг хотини бўлиб, ўзи суратга олган экан) кўринишдан қароқчиларга ўхшаган мушак пайлари ўйнаб чиққан тореро буқа ўйнатувчи билан ғайриқонуний яқинлашаётган экан. У мени ҳам шундай қилишга кўндирмоқчи бўлди, гарнизон зобитлари билан айш-ишрат қилишга ундади. У менга ёзган мактубини мутлақо айтиб бўлмайдиган нарса билан булғаб беришимни сўраб ялиниб ёлворди. Менга қолса боплаб адабини берардим, устига миниб олиб бор кучим билан қамчилаб қора терга ботирган бўлардим, у шунга сазовор.

Леди Беллингем. Мени ҳам шундай қилди.

Миссис Йелвертон Барри. Мени ҳам.

Бир неча бағоят ҳурматли Дублин хонимлари Блумдан олган мактубларини бошларига кўтарадилар.

Баронесса Толбойс (*кутилмаганда бениҳоя дарғазаб бўлиб, оёқларини тапиллатади, нағаллари жиринглайди*). Худо ҳақи, айтганимни қиламан. То кучим етганча ушбу ярамас қўрқоқни савалайвераман, савалайвераман. Унинг терисини тириклай шилиб оламан.

Блум (*кўрқиб кўзларини юмади*). Нима? Шу ерда-я? (*Кўрққанидан қалтираб.*) Янами! (*Сесканиб, оғир нафас олади.*) Мен хавф-хатарни севаман.

Баронесса Толбойс. Шошмай тур! Ҳозир адабингни ейсан! Кўзинга кўрсатаман!

Леди Беллингам. Иштонини туширинглар! Бемаза таъвиянинг жазосини беринглар!

Миссис Йелвертон Барри. Уят! Ҳеч оқлаб бўлмайди! Уйланган эркак!

Блум. Ҳамма менга қарши. Мен шундоқ бир-икки шапалоқ уришни назарда тутгандим. Одамни қизитади, баданни жимирлатади, лекин қон чиқмайди. Қон айланишини яхшилаш учун бир киройи муолажа.

Баронесса Толбойс (*таҳқирлаш йўсинида*). Э, ҳали шундайми, жонидан? Бўпти, майли. Худо шоҳид, сен ҳозир бир умр унутмайдиган тортиқ оласан, гапимга ишон, сени омонсиз таёқлайман, бунақасини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Ўзинг айбдор, мени шери жаёнга айлантирдинг.

Леди Беллингам (*лорнет кўзойнаги ҳамда муфтасини қасоскорона силкиб*). Жонини ол унинг, ўтда куйдир, Ханна, жонгинам. Думининг тагига қалампир сурт. Ярамас итни шундай урки, вангиллаб ётсин. Арқонни бураб ур, буров сол. Кесиб ташла ва қирқиб ол.

Блум (*қалт-қалт титраб, эти увишади, кафтларини ёлвориб бирлаштиради*). Ўҳ, мунча совуқ! Титраб кетяпман! Ҳаммасига сизнинг жон олгувчи малоҳатингиз сабаб. Унутаилик. Узр-маъзур қилайлик. Бу фол. Менга раҳм қилинг, бир мартагина. (*Бошқа юзини тутди.*)

Миссис Йелвертон Барри (*қаҳрли*). Уни аяб ўтирманг, баронесса! Унинг таъзирини боплаб бериш керак!

Баронесса Толбойс (*шартта қўлқопини ечиб*). Аяш йўқ! Чўчқа, ифлос ит, наслинг-васлинг ўзи шундай! Менга гапини қаранг! Ҳамма-нинг олдида қора қонингга белаيمان. Биқинига нағалларимни ботирамман. У алданган, шоҳи чиққан, ҳамма билади. (*Қаҳрланиб қамчини ўйнатади.*) Қани-чи, бу ёққа қаранг, сэр! Бўлинг, тез келинг! Дарров унинг иштонини туширинглар.

Блум (*қалтираб, саросимада бўйсунди*). Ҳаво шундай илиқ эди-я.

Болакай газетачилар қуришовида сочлари жингалак Дэви Стивенс ўтади.

Дэви Стивенс «Исо Масих юраги хабарчиси» ва «Ивнинг телеграф» Муқаддас Патрик Кунига бағишланган Иловаси билан. Барча дублинлик алданган, шоҳи чиққанларнинг энг янги турар манзиллари берилган.

Олий ҳузур каноник О'Ханлон тилла билан тикилган парча чопонда таъзим ва пойбўс учун мрамор соатни баланд кўтариб ўрнатади. Унинг қошида туришган ота Конрой ва ҳазрат Хюз, О.И., ергача бош эгиб таъзим бажо келтирадилар.

Соат (*эшиги ланг очилиб*).

Шо - хи

Шо - хи

Шо - хи

Каравотнинг мис тўр сими ғичир-ғичир, жақир-жуқур қисирлайди.

Мис тўр. Ғичир-ғичир, жиқ-жиқ, жиқа-жиқ, ғичир-ғичир, жиқ-жиқ.

Туман пардаси шиддат билан йиртилиб, тарқалади, шундан сўн вакиллар — жойида ўтирганлар кўзга ташланади, баланд цилиндрда

оқсоқол Мартин Каннингэм, Жек Пауэр, Саймон Дедал, Том Кернон, Нед Лэмберт, Жон Генри Ментон, Майлс Кроуфорд, Ленехан, Падди Леонард, Флинн Узун Бурун, Маккой ҳамда юз чизикларини англаб бўлмас қиёфасиз аллаким.

Аллаким. Эгарсиз от миниш. Вазн ёшга қараб. Ўлай агар, у хонимни ташкил қилган.

Вакиллар (улар бошларини унга бурадилар). Ростми?

Аллаким (қаҳрланиб). Орқаси ҳаммадан баланд. Юзга беш шиллинг.

Вакиллар (улар тасдиқлаб барабар бош қимирлатадилар). Биз ҳаммамиз деярли шундай деб ўйловдик.

Биринчи соқчи. Уни кўз остига олганмиз. Яна бир қизчани жамалагидан маҳрум қилди. Қидирув эълон этилган: Жек Қоқловчи. Мукофот минг фунт.

Иккинчи соқчи (қойил қолиб, кўрқиб шипшийтиди). Бошдан оёқ қора кийимда. Мормонга ўхшайди. Анархиячи.

Котиб (баланд овоз билан). Леополд Блум, турар жойи ноаниқ, таррор, сохта пул ясовчи, кўшхотинли, кўшмачи ва гўсхўр шохдор кимса, Дублин шаҳри фуқаролари учун ижтимоий хавфли эканлигини эътиборга олган ҳолда ҳамда яна шуни ҳам эътиборда тутиб, мазкур суд йиғилишида ҳазрат...

Дублиннинг бош қозиси сэр Фредерик Фолкинер ҳазрат олийлари сангсор суд либосларида ўрнидан кўзғалади, сангсоқол. Унинг қўлида шамсия таёқ. Манглайи оша Мусоники янглиғ қудратли мугузи кўриниб туради.

Бош судя. Мен тирик товар билан қабиҳ савдо-сотик қилишга чек қўяман ва мен Дублинни ушбу шармандали жароҳатдан халос этаман. Ҳеч кулоқ эшитмаган! (Қора қалпоқчасини кияди.) Жаноб бош нозир, фармойиш берингким, уни судланувчилар ўриндигидан қўлга олинсин ва Маунтжой турмасига Қирол Олий ҳазратларига маъқул бўлган муддатга қамалсин ва у ерда осиб ўлдириш орқали ўлим жазосига ҳукм этилсин, бунинг ижроси тўла сизнинг зиммангизга юклатилади, Худовандо ўзи раҳм қилсин. Уни олиб кетилсин.

Қора қалпоқча унинг бошига кўнади. Катта ҳидли сигарани тутатганча бош нозир Узун Жон Феннинг пайдо бўлади.

Узун Жон Феннинг (саҳнани оғир нигоҳ билан кўздан кечиради ва йўғон гулдираган овоз билан сўрайди). Хўш, ким осади Иуда Искариотни?

Сартарош Х. Рамболд алвон қизил камзулида ва терифуруш этагини тутиб, елкасига арқон ўрамини ташлаб, қатлгоҳга кўтарилади. Белида кўрғошин тўқмоқ ва чўқмор, михлар қадалган узун таёқ, кастетлар тақилган қўлини қаҳр билан ишқайди.

Рамболд (бош қозига мудҳиш беписандлик билан). Жаллод Гарри, ҳазрат олийлари, чақмоқ Мерси. Бир ҳалқаси беш гиней. Бўйни бўлса бас, арқон топилади.

Муқаддас Георгий черковида жом чалинади, оҳиста гулдираган, худди гўрдан чиқаётгандай овоз.

Жом. Ҳей-ҳей! Эй-ҳей!

Блум (умидсизланиб). Тўхтанглар. Бас қилинг. Чағалайлар-чи? Оқ кўнгил. Мен кўрдим. Маъсумлик. Маймунлар панжараси олдидаги қиз. Ҳайвонот боғида. Хирсдай шимпанзелар. (Бўғилади.) Тос ҳовуз. Унинг чеҳрасидаги нафис қизиллик мени мафтун этди. (Ҳаяжонини босолмайди.) Мен бу маконларни ташлаб кетдим. (Оломон ичидаги кимсалардан бирига илтижо оҳангида мурожаат қилиб.) Хайнс, сизга икки оғиз сўз айтса бўладими? Сиз мени биласиз. Менга анов уч шиллингни бермасангиз ҳам майли. Агар сизга яна бироз керак бўлса...

Хайнс (*совуқ*). Сизни биринчи марта кўриб турибман.

Иккинчи соқчи (*бурчакни кўрсатиб*). Бомба ўша ерда.

Биринчи соқчи. Соат механизмли портловчи модда.

Блум. Йўқ-йўқ. Бу чўчқа гўшти. Мен таъзияга борган эдим.

Биринчи соқчи (*тўқмоғини ўқталиб*). Ёлғончи!

Овчи ит бошини кўтаради, ҳамма Падди Дигнамнинг қум ўчган турқини кўради. У барини еб битирган. Ундан ўлимтикхўр мурдорнинг иси анқийди. У одам шакли ва қиёфасига киради. Итнинг териси мурданинг кафанига дўнади. Қон тўлган кўк кўзи йилтирайди. Қулоғининг бир чети, бурнининг ҳаммаси ва қўлларининг бош бармоғини ялмоғизлар еб кўйган.

Падди Дигнам (*бўғиқ овоз билан*). Бу рост. Бу мени кўмиш маросими. Доктор Финюкейн ўлим табиий сабабларга кўра юз берганлигини ёзган, мен касал бўлиб ўлдим.

У мажсақланган, кулдек туссиз башарасини ойга қаратиб, қайғули улийди.

Блум (*хурсанд бўлиб*). Ана, эшитинг!

Падди Дигнам. Блум, мен Падди Дигнамнинг руҳиман. Ў эшит, эшит, эшит!

Блум. Бу Исавнинг овози.

Иккинчи соқчи (*чўқиниб*). Бу қандай қилиб?

Биринчи соқчи. Бу ҳафтиякда ёзилмаган.

Падди Дигнам. Бу кўчириш. Таносух. Метемпсихоз. Арвоҳлар.

Овоз. Вой нусхангдан.

Падди Дигнам (*ишонч билан*). Аввалда мен қози, қасамёдлар ва гувоҳликлар бўйича ишончли вакил мистер Жон Генри Ментоннинг хизматчиларидан бири эдим, Бэйчлорз-уок, 27. Ҳозир мен марҳумман, юрак хасталиги. Иш юришмади. Хотиним шўрлик, чарчаб ҳолдан тойиб қолди. Унинг аҳволи қандай? Қўлида анов бир шиша херес майи қолган, олинг. (*Атрофга нигоҳ ташлайди.*) Фонус. Мен ёзилишим керак. Қайнатилган сут негадир ичимни бузди.

Бошқарувчи Жон О'Коннелнинг басавлат гавдаси қора чизимчага тизилган калитларни кўтариб олдинга чиқади. Унинг ёнида мутавалли ота Гробби, қорни чиққан бўйни қийшиқ, устида ридо, тунги қалпоқ ўрнига бошини чит рўмол билан ўраб боғлаган, кўкнор бандларидан ўраб тўқилган асони қўлида қисимлаб туради.

Ота Гробби (*ҳомуза тортиб, хириллаб, вақиллаб қўяди*). **Намине**. Жекобе. Вобисквит¹. Омин.

Жон О'Коннелл (*мегафон орқали, сиреналарнинг қўрқинч овозлари*). Марҳум Дигнам, Патрик Т.!

Падди Дигнам (*сесканиб, қулоқларини диккайтирган ҳолда*). Юксак садолар. (*Буралиб-айланиб олдинга чўзилади, қулоғини ерга қўйиб эшилтади.*) Хўжайинининг овози келяпти!

Жон О'Коннелл. Кўмиш гувоҳномаси ЎЛ – 78500. Секция 17. Калитлар уйи. Бўлим 101.

Падди Дигнам зўриқиб тинглайди, ўйланади, думи таёқдек туради, қулоқлари диккайган.

Падди Дигнам. Худо раҳмат қилсин, дуо қилинг.

Ертўла тешиги орқали пастга ўрмалаб кетади, кафаннинг этаклари майда шағал устида шатирлайди. Унинг орқасидан қари семиз каламуш ўрмалайди, тошбақа оёқлари туссиз қалқон тагидан худди қўзиқорин бўғими каби чиқиб туради. Дигнамнинг товуши ер остидан ит-

¹ Лот. бузилган: исми... сиз билан (*лот.*).

нинг бўғиқ акиллашидай эшитилади: «Дигнам ўлди, кўмилди, мозорига қўйилди». Худди кўкраги қизил қушдай кўкси алвон Том Рочфорд, бошида фуражка, кетида чолвор, икки колонкали машинасидан сакраб тушади.

Том Рочфорд (қўлини кўксига қўйиб таъзим қилади). Рувим Ж. Пул қўйиб бўлса ҳам, уни топаман. (*Ертўла туйнугига тап тортмай сергак кўз ташлаб.*) Хўш, навбат меники. Карлоуга олға, менинг ортимдан!

У сакраб ўмбалоқ ошиб туйнук ичида ғойиб бўлади. Колонкадаги икки диск бир чайқалиб иккита нулни кўрсатади. Ҳаммаси йўқолади. Блум кулбалар, ахлатхоналар оралаб нарига ўтиб боради. Чароғон бир уй олдида тўхтаб, қулоқ солади. Бўсалар ўз уяларидан пориллаб чиқиб, унинг гирдида айланади, чурқиллайди, чулдирайди, ғувиллайди.

Бўсалар (чурқиллаб). Лео! (чириллаб.) Жарангдор қайноқ нозик ширин Лео учун! (ғув-ғув қилиб.) Чўлп-чўлп! Умм-умм! О-оо! (чурқ-чурқ этиб.) Чиввитт! Шуу-ун-да! Лео-пу! (Чурқиллаб.) Лео-ле, Лео-хўб! (чир-чираб.) Лео-лео, лео-хўб!

Улар унинг либослари узра пир-пир учишади, чарх уришади, ёрқин ва учқур зиёлар, кумуш каби куқунлар.

Блум. Эрлар музикаси. Фамгин музика. Черков музикаси. Балки мана шу ерладир.

Енгилоёқ ойимқиз Зоя Хиггинс, сарғиш тор бел кўйлак кийган учта бронза рангли тасма таққан, бўйнида чорсигина қора духоба, унга бош силкиб зинадан тушиб келади ва жуда яқин туради.

Зоя. Сиз бировни қидиряпсизми? У ичкарида дўсти билан ўтирибди.

Блум. Бу миссис Макнинг хос жойими?

Зоя. Йўқ, у нарироқда, бу саксон бир, миссис Коэн. Нарига кирсанг, панд ейсан, шунақа гап бор. Онахон Пантуфля. (*Эски танишига сўзлагандай.*) Бекачнинг ўзи бу кеча молдўхтир билан банд, ўша кўнғизвой унга энг тўғри нарх-наволарни айтиб туради ва бунинг устига бекачнинг ўғли Оксфордда ўқийди, ўқишнинг пулини ҳам молдўхтир тўлайди. Ишдан ташқари иш, аммо ҳозир бекачнинг бахти тўнкарилган. (*Гумонсираб.*) Мабодо, сиз ўғлининг отаси эмасмисиз?

Блум. Қўйсангиз-чи!

Зоя. Негаки, иккови ҳам қора-да. Унда, ҳойнаҳой, бароқхон эрмак ўйнагани қарши эмасмилар?

Унинг жисми ойимқизнинг яқинлашган бармоқларидан жўшга киради. Ойимқиз унинг чап биқинини силайди.

Зоя. Қани соққалар?

Блум. Биқинда. Қизиги доим ўнгда. Чамаси, у оғирроқдир. Менинг Мизайес деган тикувчим миллиондан биттаси шунақа бўлади дейди.

Зоя (тўсундан ташвишга тушиб). Ие, бу қаттиқ гўдда-ку¹.

Блум. Ундаймасдир-ов.

Зоя. Мен ушлаб турибман, ахир.

Ойимқиз қўлини унинг шимининг чап чўнтагига тиқиб, қорайиб кетган буришган бир дона картишкани чиқаради. Тароватли дудоқларини ярим очиб, дам қўлига, дам Блумга қарайди.

Блум. Оила тумори омад келтиради.

Зоя. Бу Зояга, тўғрими? Ширин қиз бўлганим учун, а?

¹ Гап сифилисома касаллигида ҳосил бўладиган шанкр (гўдда) ҳақида боряпти (тарж.).

Картишкани шоша-пиша чўнтагига тиқади, кейин Блумнинг қўлидан ушлаб, қўлтиқлаб уни қайноқ ва маҳкам қучоқлайди. Блум зўриқиб илжаяди. Оҳиста шарқона музика эшитилади, оҳанг оҳангга уланади. У ойимқизнинг сурма тортилган шаҳло кўзларига боқади. Табассуми самимий тортади.

Зоя. Мен билан келаси сафар бўласан.

Блум (*айрилиш ғуссасига ботиб*). Ҳеч қачон севмадим ўшал гўзал оҳуни, гарчи тақдир...

Кийиклар тоғ ёнбағирларида ўйнаб, сакраб юради. Нариди кўл. Унинг соҳилларида кедр ўрмонзорлари қорайиб кўринади. Муаттар ислар эсади, мумнинг хушбўй ҳиди буралиб кўкка кўтарилади. Шарқ томон аланга ичида, зангори осмонни қурч бургутларнинг парвози кесиб ўтади. Унинг остида сарин хумор ва ҳашамга тўлиб оппоқ яланғоч аёлузум ётади. Дамашқ атиргуллари билан қуршалган фавворанинг сувлари ҳар томонга отилиб шивирлайди. Токлардаги қирмизи узумвошлари соясида атргулларнинг улкан ғунчалари нималарнидир пичирлаётгандай. Сирли чулдираб май оқади, уят, қон, хирс майи.

Зоя (*музика оҳангига мос пичирлаб хиргойи қилади, тинмай илжаяди, тугмачагулдай шарбатга тўлган лаззатли лабларига гулоб ва чўқча мойи қўшилган*). Шорах ани веноввах, беноит Ершалоим¹.

Блум (*мафтун бўлиб*). Сенинг лафзингни тинглаб нажиб шоҳадан эканингни билувдим.

Зоя. Билгандан билмаган яхшилигини билмасмидинг?

Блумнинг қулоғини тилла қоплама қўйилган гуручдай тишлари билан шўх ўйнаб тишлайди, нафасидан ўткир саримсоқнинг туриб қолган ҳиди анқийди. Атргулларнинг оралари очилиб, шоҳларнинг мақбаралари ва уларнинг суяк-суруклари кўринади.

Блум (*ғайри шуурий равишда қизнинг ўнг кўкрагини ясси шалвираган кафти билан силаб, ўзини орқароққа тортади*). Сен Дублинданмисан?

Зоя (*чиқиб қолган сочининг толасини ўрнаштириб*). Кечир, нарироқ сурил. Мен инглизман. Сен кўп тутатиб юбормайсанми?

Блум (*олдинги ҳолатида*). Мен кам чекаман, дўндиғим. Гоҳи-гоҳида битта сигара. Болалардай эрмак. (*Шўхчан.*) Оғизни тамакидан бошқа тузукроқ нарсалар билан чучитиш мумкин.

Зоя. Ол-а, ол. Яна бир нарса де.

Блум (*бошида ўғрибездори апашалар иляпаси, дағал велвет шим ва ишчиларнинг қора кўйлагига, бўйнига қип-қизил капалак нусха бўйинбоғ таққан*). Одамзодга даво йўқ. Сэр Уолтер Рели бизга Америкадан шу тамаки ўсимлигини топиб келтирди, гиёҳ аввал юқумли инфекцияларни қиради, кейин кўз, қулоқ, юрак, хотира, ирода, ақл-идрокни ишдан чиқаради. Қўймайди. Шундай қилиб, у бизга бир асп аввал оғу келтирди, ановниси, унинг оти ёдимдан чиқди, озик-овқатларни кейинроқ келтирган. Ўз-ўзини ўлдириш. Ёлғончилик. Бизнинг бутун хулқимиз. Бизнинг жамиятдаги ҳаётимизни қаранг!

Узоқ жомхоналардан бонг овози келади.

Бонг. Қайт, Леополд! Дублиннинг лорд-мэри!

Блум (*шаҳар бошқармаси аъзоси олдермен либосида, занжир билан*). Арран-куэй, Иннс-куэй, Ротонда, Маунтжой ва Шимолий Докларнинг сайловчилари, мен сизларни ишонтириб айтаманки, энг яхшиси, бу молбозордан дарёгача трамвай изи ўтказиш. Бу келажакнинг музикаси. Менинг дастурим шу. Сui bono?² Гап сифилисома ка-

¹ Қуддус қизлари! Мен қораман, аммо чиройли (қадимги ивритча).

² Кимга фойда? (лот.)

саллигида ҳосил бўладиган шанкр (ғўдда) ҳақида боряпти — тарж.). Аммо бизнинг қароқчилик билан шуғулланувчи Учар Голландларимиз ўз капитанларининг кўзга кўринмас кемаларида...

Сайловчилар тўдаси ичидан. Бизнинг бўлгувси магистратимизга уч карра уч бора урра!

Машъала кўтарган намоиш қатнашчиларини шимол ёғдуси ёритади.

Машъалбонлар. Урра!

Шаҳарнинг ҳеш-ақраболари, маҳаллий тузлар ва ҳурматли зотлар Блумнинг қўлини сиқиб табриклашади. Дублиннинг уч бора шаҳар бошлиғи бўлмиш Тимоти Херрингтон мэрнинг алвон либосида оқ ипак бўйинбоғ ва тилла занжир тақиб ғоятда салобатли кўринади, у маслаҳатчи Лоркан Шерлок билан Лосит тепея ниманидир гаплашади. Икковлари муроасага келиб бошларини шавқ билан силкитадилар.

Собиқ лорд-мэр Херрингтон (бўйнида кенг оқ шоҳи рўмол, устида алвон либос ва тилла занжир, қўлида раҳбар асоси). Олдермен сэр Лео Блумнинг нутқи солиқ даромадлари ҳисобидан чоп этилсин. У таваллуд топган уйга хотира лавҳаси ўрнатилсин. Корк-стрит яқинидаги Сигир Яйлов деб аталган жой бундан буён Блум хиёбони деб номлансин.

Маслаҳатчи Лоркан Шерлок. Бир овоздан қабул қилинди.

Блум (*жўшиб*). Анави Учар Голландлар ёки тўғрироғи, Ёпишқоқ Голландларни айтаман, улар ўз каюталаридаги гиламлар устида ағанаб ётганларида, зеркиб кетиб суяк соққа ўйнаганларида, бошқа нима билан ишлари бўларди дейсиз? Уларнинг бирдан-бир ташвишлари — машиналар, шунга сиғинадилар, шуни тумор деб биладилар. Ускуналар ва автоматлар, қўрқинчли механизмлар, ўзаро қиргин учун ясалган қонхўр қурол-аслаҳалар, мудҳиш жаллодлар, бизнинг сўтаклаштирилган меҳнатимизга канадай ёпишиб сўриб ётган капиталистларнинг очкўзлиги боис тобора урчиб кўпаймоқда. Қашшоқ шўринг қурғур, азбаройи оч бўлгани учун дам олади, улар эса ўз ҳузурларини кўзлаб қирол кийикларини боқадилар, қирғовуллар ва лойхўрақлар овлайдилар, олтин ичида чўмилиб, платина ичида сузадилар. Уларнинг киборлиги бу маккорлик, бизнинг давлатимиз уларнинг салтанати, ахир қачонгача, ўртоқлар, бу лаин лаънати...

Узоқ тинмаган гулдурас олқишлар. Ҳар томонда зафар арклари, қуббалар, байрам байроқлари қад кўтаради. Кўча узра «Cead mille failte», «Мах тоб телек Израил!» деган шиорлар ёзилган лавҳалар осилади. Барча деразаларда завқ-шавқи тошган томошабинлар кўпроқ аёллар суқулишиб бошларини чўзиб қарашади. Бутун йўл бўйлаб тизилган Дублин Қирол ўқчилари, Олий ҳазратлари қўл остидаги чегарачи шотланд гвардиячилари, Камерон тоғ ўқчилари ҳамда Валлия ўқчилари полклари тикка туриб оломонни тўхтатишга уринади. Мактаб ўқувчилари барча телеграф ва фонар устунлари, барча сув ва ўт қувурлари, дераза токчалари ва айвончалар, деворлар, панжаралар ва тарновларга мўр-малахдай ёпишиб, увиллаб, чувиллаб, хуштакбозлик қиладилар. Узоқда тутун қубба бўлиб кўтарилади. Найлар ва дафлар чалиниб, «Кол Нидре»³ оҳанги эшитилади. Илғорда келаётган сафлар пайдо бўлади, улар узра император бургутлари парвоз этади, байроқлар ҳилпирайди, Палма навалари тўлқинланади. Аҳоли байроқлари орасида сопи олтин ва фил суягидан ясалган Рим Папасининг туғи юксалади. Сафларнинг ўртаси яқинла-

¹ Юз минг саломлар (*ирл.*).

² Қанчалар кўркамдир Шоҳинг сенинг, Исроил! (*қад. ивр.*).

³ Барча қасамёдлар (*қад. ивр.*).

шади, уни шаҳар доруғаси, катак камзул кийган, Атлон кичик геролд-мейстери ва Олстер геролдмейстери Жон Хауард Парнелл бошқариб, йўлбошчилик қилиб боради. Унинг ортида Дублиннинг лорд-мэри муҳтарам Жозеф Хатчинсон, кейин Корк лорд-мэри ҳазратлари, ундан сўнг Лимерик, Голуэй, Слайго ҳамда Уотерфорд мэрлари ҳазратлари, ийгирма саккизта ирланд вакил-нэрлари, тахт безакбардорларини кўтарган сардорлар, грандлар, маҳаражасалар, Дублин пойтахт ўт ўчириш хизмати, ҳар бири ўзининг амал-аркон даражасига қараб молиянинг муборак зотлари ва ўқ устунлари Даун ва Коннор епископи, олий муборак Зот Майкл кардинал Лоч, Армах архиепископи, бутун Ирландия примаси, муборак Зот, олий ҳазрат доктор Виллям Александр, бутун Ирландия примаси, бош раввин, пресвитерлар президенти, баптистлар, анабаптистлар, методистлар ва Морав биродарлари жамоаларининг бошлиқлари, шунингдек, Дўстлар жамиятининг фахрий котиби. Улар ортидан байроқларини ҳилпиратиб ҳўнармандлик корхоналари, гилдиялар ҳамда шаҳар ҳимоячилари келаётир. Бочкасоллар, қўшбозлар, қийиқчилар, реклама агентлари, нотариуслар, уқаловчилар, майфурушлар, белбоқчилар, мўркон тозаловчилар, мой эритувчилар, барқут ва поплин тикувчилар, молдўхтирлар, кўкфуруш италянлар, черков усталари, пойабзалчилар, марҳўмларни кўмиш муассасаларининг мудирлари, инакшоҳифурушлар, тош йўнувчилар, аукциончилар, тиқинсоллар, ёнғиндан суғурта қилувчилар, бўёқчилар ва доғларни йўқотувчилар, шишаларга солинган спиртли ичимликларни четга чиқарувчилар, мўйнадўзлар, лавҳа ясовчилар, тамға, муҳрсозлар, отбоқарлар, саррофлар, крикет ҳамда ёй ўқларини тайёрловчилар, элакчилар, картошка ҳамда тухум йиғувчилар, пайпоқсоз ва қўлқопсозлар, сув қувурлари ҳамда канализация ишларини бошқарувчилар. Улар орқасидан камерюнкерлар, Қора Чўқмор, Боғич Ордени геролдмейстери, Олтин Асо, италмайстер, лорд обергофмаршал, гералд палатаси президенти, буюк коннетабл, қирол шамшири, муқ. Стефан Темир Тожи, потир ва Инжилбардорлар. Тўрт пидда горничи трубаларини чаладилар. Лейб-гвардиячилар муғузлардан муборакбод ёғдириб уларга жўр бўладилар. Четларига сувсар мўйнаси ўтказилган алвон мантия кийган, боши яланғоч Блум пайдо бўлади; унинг қўлида муқаддас Эдуарднинг чўқмори, кабутарли салтанат таёғи, раҳмат шамшири. У оқ от минган, отнинг думи ниҳоятда узун ва алвонранг, ёпиқчаси ғоятда ҳашамдор ва югани олтиндан. Серғулув шодийна. Хонимлар балконлардан туриб унга гуллар сочишади. Ҳаво гуллар ҳиди билан муаттар. Эркакларнинг ҳайқирган муборакбодлари. Блумнинг пайкар йигитчалари оломон орасида қўлларида дўлана ҳамда қичитқи бутоқларини кўтариб чошиб борадилар.

Пайкарлар.

Кушлар шоҳи газанда,
Сени роса қидирдик.
Муқ. Стефан кунуда
Топиб сени синдирдик.

Темирчи (ғўлдираб). Вой Раббим Худо! Наҳот шу Блум бўлса? Башарасидан ҳали ўттиз бирга ҳам кирмаганга ўхшайди.

Тошкесар ва тош ётқизувчи. Мана сизга Блум, жаҳоннинг энг улуғ ислоҳотчиси. Таъзим бажо қилингиз!

Ҳамма бошидан кийимини ечади. Хотинлар харросона шивир-шивир қилишади.

Миллионер хотин (тилидан бол томиб). Вой мунча алламбало!

Оқсуяк аёл (*оқсуякларча*). Дунё кўрган одам!

Аёллар эрки тарафдори (*мардона*). Қанча ишлар қилган!

Жом қуовчи. Мумтоз ва кўркам! Донишманд пешона.

Оби ҳаволар Блумга ёвишиб, шимол-ғарб томонда ёрқин шуълалар порлайди.

Даун ва Коннор епископи. Мен сизга сизнинг мислсиз император-президентингиз ва премер қиролингиз, ушбу салтанатнинг мунаввар, меҳрибон ва қудратли подшоҳини тақдим этиш шарафига эга бўлдим. Худовандо, Леополд Биринчини ўз паноҳингда асра!

Хамма. Худовандо, Леополд Биринчини ўз паноҳингда асра!

Блум (*далматий либос ва алвон мантия кийган ҳолда Даун ва Коннор епископига мағрур туриб*). Миннатдорман, олий фалонфалонким, сэр.

Армах архиепископи Вилиям (*алвон либослар ва кенг соябонли шляпада*). Сенинг подшоҳлик даврингда барча амру фармонларингда Ирландия ва унинг ерларида қонун ва раҳм-шафқат барқарор бўлмоғини бўйнингга ҳамда ироданга олишга ваъда берурмисан оё?

Блум (*ўнг қўлини мояги устига қўйиб қасамёд этади*). Менга Худо бунда мададкор бўлсин. Барини тўлиқ адо этурман.

Армах архиепископи Майкл (*Блумнинг бошига бир бонка бриллиантин қуюди*). Gaudium magnum annuntio vobis. Habemus carneficem¹. Леополд, Патрик, Эндрю, Дэвид, Жорж, ушбу масҳни қабул эт!

Блум зар мантияни кияди ва ёқут узукни тақади. У кўтарилиб, Тақдир Тоши узра қойим бўлади. Вакил-пэрлар ўзларининг йигирма саккизта тожларини киядилар. Исо Масих, муқ. Патрик, муқ. Георгий черковлари ва бутун шодумон Малахайддан жомларнинг шод-хуррам даранг-дурунлари эшитилади. Майрас хайр-эхсон бозорининг ҳар ёғидан кўкка ранго-ранг мушаклар сочилади, ҳавода ажиб бир ўнқай-қўнқай шаклу суратлар ҳосил қилади. Пэрлар бирин-кетин яқин келиб, тиз букиб садоқат билан хизмат қилишга қасамёд этадилар.

Пэрлар. Сизга тўлиқ ва батамом вассал бўлишга, сизга имон ва ҳақ бирлан хизмат қилишга тайёрман.

Блум ўнг қўлини кўтаради, унда Кўҳинур олмоси ярақлайди. Унинг оти пишқиради. Шу заҳоти жимлик чўкади. Қитғалар аро ва сайёралар аро телеграф узатгичлар ахборот узатишга тайёр.

Блум. Менинг фуқароларим! Ушбу фармонимиз билан биз тулпоримиз Копулу Феликс²ни ўзимизнинг меросхўр Улуғ Вазиримиз этиб тайинлаймиз, ва алҳол маълум қилурмизким, шу кундан эътиборан биз аввалги рафиқамизни рад айладик ва саодатли қутлуқ қўлимизни кечаларнинг гўзали малика Селенага тортиқ қилдик.

Блумнинг собиқ рафиқасини шартнома муддати тугаганлиги боис шошилинч қора қарғада олиб кетадилар. Малика Селена моҳиёна мовий либосларда, бошига яримой тожи ўрнатилган ҳолда икки барзанги кўтариб келган маҳофадан тушади. Шоён таҳсин ва муборакбодлар янграйди.

Жон Хауард Парнелл (*қирол тамғасини кўтаради*). Шон-шарафларга бурканган Блум! Менинг улуг оғамнинг вориси!

Блум (*Жон Хауард Парнеллни қучиб*). Ям-яшил Эрин диёрида, аждод-боболаримизнинг асл тупроғида бизни ҳақиқий қиролларча қутиб олганинг учун Жон, сенга чин юракдан ташаккур айтаман.

¹ Улуғ қувонч хабарини айтайин сизга. Сизнинг жаллодингиз бор (*лот.*).

² Бахтиёр ришталар (*лот.*).

Блумга шаҳар қонун-қоидалари битилган номани келтирадилар, Дублиннинг алвон ёстиқчага қўшалоқ қилиб қўйилган калитларини тутқизадилар. Блум ҳаммага ўзининг кўк пайпоқда эканлигини намойиши этади.

Том Кернан. Сиз бунга сазоворсиз, муҳтарам зот.

Блум. Бундан роса йигирма йил бурун худди мана шу куни биз азалий рақибимизни Ледисмитда енгдик. Бизнинг тўпларимиз ҳамда туяга етаклатилган замбарак-фалконетларимиз душман сафларини ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Икки ярим чақирим олдинга! Улар бос-тириб келмоқда! Тамом бўлди! Наҳот чекинамиз? Йўқ, асло йўқ! Биз уларни подадай ҳайдадик! Олга! Хужумга! Бизнинг енгил отлиқ - аскарларимиз сўл қанотдан айланиб ўтиб, Плевна тепаликлари оша «Одил Саваоф» жанговар ҳайқириғи остида машриқлик сарасин тўпчиларининг барини битта қўймай қириб ташлади.

«Фримен» ҳарф терувчилари. Эшитинглар! Эшитинглар!

Жон Уайз Нолан. Манави инсон Жеймс Стивенснни турмадан қутқариб олган.

Кўк кўйлақлар мактаби ўқувчиси. Қойил!

Оқсоқол. Сиз ўз ота юртингизнинг ифтихорисиз, сэр, тўғриси айтишим керак.

Олма сотувчи аёл. Мана шунақа одам керак Ирландияга.

Блум. Менинг суюкли фуқароларим, ҳаётингиз узра янги даврон шуълалари чиқмоқда. Мен, Блум, сизга чинини айтаманки, у останага қадам қўйди. Сизга Блумнинг сўзини бераман, тез орада сиз ҳаммангиз келажакнинг олтин шаҳрига қадам ранжида қилурсиз, у янги Блумусалим деб аталади, у келажакнинг янги Валоятидир.

Ирландиянинг барча вилоятларининг нишонларини таққан ўттиз икки ишчи пудратчи Дерван бошчилигида янги Блумусалимни бино қиладилар. Бу қирқ минг хонаси бўлган улкан иморатнинг томи биллурдан, шакли чўчқанинг буйрагига ўхшатиб солинган. Қурилиш ўрнида бир қатор бинолар ва ёдгорликлар бузиб ташланади. Хукумат идоралари вақтинча юк омборларига кўчирилган. Кўйлаб турар жойлар теп-текис қилиб олиб ташланган. Уларнинг аҳолисини устига қизил ҳарфлар билан Л.Б. деб ёзилган бочкалар ҳамда яшчикларга жойлашган. Бир неча камбағаллар зиналардан йиқиладилар. Устига шаҳарнинг юзлаб содиқ томошабинлари миниб олган деворларнинг бир қисми қулаб тушади.

Томошабинлар (жон бературиб). Moriturite salutant!¹ (Ўладилар.) Яширин эшикдан жигарранг макинтош кийган одам югуриб чиқади. Узун бармоғини чўзиб Блумни кўрсатади.

Макинтош кийган. Биронта сўзига ишонманг. Бу — Леополд Макинтош — маълум-машҳур ўт кўювчи. Унинг ҳақиқий исми Хиггинс.

Блум. Отиб ташлансин! Насоролар ити! Макинтошга барҳам берайлик!

Давоми бор

*Рус тилидан
Иброҳим ҒАҒУРОВ
таржимаси*

¹ Жон таслим қилаётганлар сени табриклайдилар (лот.).

Алишер Навоийнинг немис тадқиқотчилари

Навоий асарлари ўзи ҳаётлик чоғларидаёқ жаҳоннинг турли мамлакатларига чопарлар орқали жўнатилган. Шон-шухратда тенгсиз ҳукмдорлар ҳам Амир Алишербек қаламига мансуб девонларни хос кутубхоналарда асраб-авайлаганлар. Унинг ҳикматларидан, латиф сўзларидан баҳраманд бўлганлар. Шоир қўлёмаларининг бир неча нусхалари Франция, Англия, Америка, Канада, Германия, Туркия, Венгрия, Венеция, Италиянинг Рим, Турин, Болонья ва Ватикан кутубхоналарида сақланмоқда.

Бундан чамаси 250 - 300 йиллар муқаддам Ғарбий Европа адабий-маданий доираларида филоореанализм¹ ғояларига мойиллик кучайган жараён эди. Бу жараён узоқ йиллар давом этади. XVIII аср охирида Сильвестре де Саси (1758-1838) ташаббуси билан Парижда “Шарқ жонли тиллари мактаби” очилади. Германияда ҳам форс-тожик ва араб тили ижодкорларнинг адабий-маданий меросини ўрганиш, тадқиқ ва таржима қилиш ишлари урф бўлади. Ўша даврларда Ҳаммер-Пургштал, Ҳердер, Гёте, Рюккерт, Вамбери каби ёзувчи ва шоирлар “Шарқлашмоғимиз керак!” деб чиққан эдилар.

Манбаларда ўзбек-немис адабий алоқалари XIX асрдан бошланган деган маълумотлар мавжуд. Тўғри, бу даврларда немис адабий муҳитига “Ўғузнома” (Рашидиддин Фазлуллоҳ), “Шайбонийнома” (Муҳаммад Солиҳ), “Муҳаббатнома” (Хоразмий), Кутадғу билиг” (Юсуф хос Хожиб), “Шажараи турк” (Абулғози Баҳодирхон), “Бобурнома” (Бобур) сингари асарлар Ҳерман Вамбери, Карл Броккелман, Ҳаммер-Пургштал каби шарқшунос ва туркийшуносларнинг саъий-ҳаракатлари туфайли кириб келган. Бироқ, шарқшунос Е.Э.Бертельснинг фикрича, Навоийнинг “Саъбаи сайёр” достонини илк бор олмон тилига Йоханн Ветцел италянчадан таржима қилган. У италян тилига форсчадан ўгирилган экан. Аммо, Й.Ветцелгача Х. Табризий ўз асарида “Саъбаи сайёр” достонидаги “Баҳром ва Дилором” қиссаси сюжетидан фойдалангани маълум. Асар 1557 йилда Венецияда, 1583 йилда Базелда чиққан. Х. Табризийнинг бу асари Ғарбда бир неча бор нашр этилган. Кўринаяптики, Навоий ижоди олмонларга XVI асрлардаёқ таниш бўлган.

Шунга қарамасдан, Навоий Ғарбий Европа мамлакатларида узоқ йиллар бетақор ижодкор сифатида тан олинмаган. Унга давлат арбоби деб қаралган. Шеърларини эса давлат ишлари орасида кўнгилхушлик учун ёзилган машқлар дейишган. Вадуд Маҳмуд (1897-1976) айтганларидек, Навоий даврида туркийча эл адабиёти “ривожланган ҳолда шоир ва носирлар туркий тилда унчалик кўп ижод” қилмаганлар. Марказий Осиё, умуман, Осиё қитъаси ҳудудида яшаган аксари шоир, носир, олимлар араб, форс тилларида асар битганлар. Шу сабабдан ҳам европалик тадқиқотчилар аввало араб, форс тилларини ўрганганлар. Оқибатда туркий ёзма адабиёт намуналари бир четда қолиб кетган. Навоийдек буюк сўз тасасини, Гёте даврида олмонзабон худудларда маълум ва машҳур бўлмаганлиги айнан шу билан изоҳланади.

XVIII-XIX асрларда Ғарбда филоореанализм ғоялари ривожланган пайтда Шарқнинг “етти буюк аллома”си Фирдавсий, Анварий, Низомий, Румий, Саъдий, Ҳофиз ва Жомийлар ижоди Ғарбий Европага кириб келган. Ҳердер Шарқ поэзиясини севган. Гёте “Ғарбу-Шарқ девони”ни ёзган. Девонда бу етти аллома ижодига муносабат билдирилади, аммо улар орасида Алишер Навоий номини учратмаймиз. Шарқнинг “етти буюк аллома”си таъсирида ноанъана-

¹ Филоореанализм — Шарққа эътибор қаратиш, уни изчил ўрганиш.

вий жанрда газаллар пайдо бўлиб, немис шеърлятида сифат ва шакл ўзгаришлари руй берган. Ф.Рюккерт, А.Платен, Ф.Шлегеллар немис газалнавис шоирлари ҳисобланганлар. Натижада, Германияда 1819-1836 йиллар оралиғида 4 та газаллар тўплами нашр этилган. Немис файласуф шоири Г.Ф.Даумер Ҳофизнинг 200 дан зиёд газалини немис тилига ўгириб, “Ҳофиз” номи билан нашр қилдирган. Бу даврларда шарқона услубда шеърлар битиш урф бўлгани билан фақат Гётенинг “Ғарбу-Шарқ девони” гина мангуликка дахлдор бўлиб қолди.

Демак, Гёте замонида, Шарқ мумтоз адабиётига беқиёс иштиқ туғилган бир маҳалда, Навоий каби шахсияти, ижоди беназир инсон нега Ғарбий Европа мамлакатларини унчалик забт эта олмади? Гёте Амир Темурга шеър бағишлайди. Аммо темурийзодалар хонадонига ниҳоятда яқин бўлган Навоий ижодига муносабат билдирмайди. Биз Гёте Навоий асарларини ўқиганми, йўқми, деган саволга аниқ жавоб тополмаймиз. Агар Гёте Навоий асарлари билан таниш бўлганида, ул зот ҳақида нимадир деган бўлар эди.

Дарвоқе, Гёте ва Навоий муносабатлари ҳақида матбуотда ҳали-ҳамон чалкаш фикрлар учраб туради. Тадқиқотчи Шоҳиста Назарованинг Гёте ҳақидаги “Мағрибда Машриқ ифори” номли чиройли сарлавҳали мақоласида “Гёте Шарқ мумтоз адабиётининг фозиллари-Ибн Сино, Умар Хайём, Низомий, Фирдавсийлар қаторида Навоий ижодидан ҳам ... баҳраманд бўлган” каби жумлалар бор. Бу фикрга қўшилиш қийин. Муаллиф немис шоири ижодини чуқур ўрганмаган ўхшайди. Эки Гётенинг “Ғарбу-Шарқ девони” га кирган “Низомий” фаслидаги Гётенинг “Мажнун билан Лайли”, “Хусрав билан Ширин” ҳақидаги фикрлари Ш. Назаровани Низомий ва Навоий қаҳрамонларини фарқлай олмай чалғитган бўлиши мумкин.

Хуллас, Навоий ва Гёте масаласида ҳозиргача бир тўхтамади. Бизнинг наздимизда, Ҳофизни ўзига устоз санаган Гёте туркий тилда ижод қилган Навоийнинг асл мақсадини тушунмаган бўлса керак. Аксарият немис туркшунослари худди ана шу жиҳатга эътибор бериб қолишди. Улар бир тилни “ташлаб” иккинчисига ўтиш жараёнини бошқача талқин этишди. Гўёки Навоий форсийзабон шоирларнинг тақлидчиси эмиш. Навоийнинг уфқлар қадар чексиз, уммон қадар тубсиз ижоди ҳақида Бобур ёзган битиклар Ғарб тилларига тинимсиз ўгирилган. Яъни, “Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўп айтқон эмас. Олти маснавий назм қилибтур, беши “Хамса” жавобида, яна бири “Мантиқ ут-тайр” вазнида “Лисон ут-тайр” отлиқ. Тўрт газалиёт девони тартиб қилибтур: “Ғаройиб ус-сифар”, “Наводир уш – шабооб”, “Бадойиъ ул – васат”, “Фавоид ул – кибар” отлиқ. Яхши рубоийети ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлгонларга боқа пастроқ воқеъ бўлубтур. Ул жумладин, иншоларини Мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибтур...” Назаримизда, Бобур тилидан айтилган “иншоларини Мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибтур...” сўзлари инглизча, французча, немисча таржималардаги ноқисликлар туфайли Ғарб ўқувчисини тўғри йўлдан адаштириб юборган бўлса керак. Яна, Бобурнинг: “...форсий назмда “Фоний” таҳаллус қилибтур, баъзи абёти ёмон эмастур, вале аксар суест ва фурудтур...” қабилдаги фикрлари Ғарбда, аниқроғи Германияда кенг тарқалишига боис бўлгандир, эҳтимол. Негаки, “Бобурнома” ғарб ёзувчию шоирлари, файласуфлари севиб ўқийдиган китоблар сирасига қиради. Шу асар мутолааси воситасида ғарбликлар Шарқ бадиий тафаккурини, темурийларни, темурийзодалар хонадонига яқин кишилар дунёсини тушунишга ҳаракат қилганлар. Шу боис, аксарият ғарб олимлари “Навоий – форс шоирларининг тақлидчиси”, “таржимони” деган сўзни байроқ қилиб кўтаришади. Шарқ фалсафаси, маданияти ва адабиётини, ундаги оқим ва йўналишларни етарлича билмаган, мумтоз сўз санъатимизни руҳан ҳис қилмаган ғарбликлар шоир ижодига бепарво муносабатда бўлдилар.

XIX аср Европа навоийшунослигида можор олими Ҳерман Вамберининг ўз ўрни бор. У қувваи ҳофизаси кенг, илми тўқис инсон бўлган. Унинг туркий тилларга бағишланган тадқиқотлари ҳамда “Бухоро ёхуд Моворауннаҳр тарихи”, каби китоларини ўқисак, бунга амин бўламиз. Ҳ. Вамберигача Германияда Навоий ижоди чуқур ўрганилмаган эди. У “Маҳбуб-ул қулуб”, “Фарҳод ва

Ширин” дан парчалар, бир қанча рубоийларни немис тилига ўғирди, Навоийнинг таржимаи ҳолини ўрганиб чиқди. У нафақат таржимон, балки шоир асарларидаги сўз бойликларини, ўзлашгирма сўзларни аниқлашга ҳам ҳаракат қилган эди. Германияда Навоий асарлари асосида туркий луғатчиликнинг шаклланишига ҳам олим катта ҳисса қўшди. У 1858 йилда “Немисча-туркча”, 1860 йилда “Чигатойча¹ — немисча” луғатларни чоп қилдириб, катта режалар билан Ўрта Осиё саяҳатига отланди. Бутун Ўрта Осиёни “Рашид афанди, “Рашид ҳожи” қиёфасида кезиб чиққан Вамбери Германия олимлари сафига навоийшунос сифатида кириб келади. У: “Навоий ноёб шеърият даҳосидир. У энг кўп ёзган маҳсулдор шоир, ўздан кейин шеърият, тарих, одоб ва мантиққа оид 32 та асар қолдирган. Унинг Ўрта Осиё туркий халқлар шевабини улуғлаганини, юқори даражага кўтарганини тан олмасликнинг иложи йўқ”, — деб ёзган эди “Ўрта Осиё очерклари” китобида. Вамбери нима учун Навоийни маҳсулдор шоир деяпти? Чунки Навоий ўзининг “Хазойин-ул маоний”даги 3600 ғазали, “Назм-ул жавоҳир”даги 260 рубоийси, “Хамса”даги 50000 мисралари билан Вамберини лол қолдирганига шубҳа йўқ.

1. “Шеърият ҳақида” деганида, мижоз олими шоирнинг “Мезон ул-авзон”, “Рисолаи муаммо”каби илмий асарларини яхши ўрганганини ва бошқа асарларида учрайдиган “Сўзга, қаламга таъриф” каби махсус боблардан хабардорлигини кўрсатади.

2. “Тарих” деганида у Навоийнинг “Тарихи мулки аҷам” (Араб бўлмаган мамлакатларнинг подшолари ҳақида), “Тарихи анбиё ва ҳукамо” каби тарихий асарларини назарда тутгани шубҳасиз.

3. “Одоб ва мантиққа оид” деганида, шоирнинг “Хамса”, “Сирож-ул муслимин”, “Назм ул жавоҳир” каби ўнлаб асарларини диққат марказига олгани аниқ.

4. “Туркий тилни улуғлаган” дер экан, Навоий деярли барча асарларини фахрланиб, руҳланиб туркий тилда яратганини Вамбери эътироф этган. Олимнинг ушбу юксак эътирофи Навоийнинг ҳар қандай муҳлисига ҳамда ўзбек ва немис навоийшуносларига ғайрат, илҳом, куч-қувват бағишласа, не ажаб!

Муаллифнинг “тан олмасликнинг иложи йўқ” деган ҳукми бутун Ғарбий Европа навоийшуносларини Навоий адабий ва илмий меросини чуқурроқ ва изчил ўрганишга, уни англашга чорлаётгани эмасми?! Навоий ёзади:

Турк назмида, чу мен тортиб алам
Айладим ул мамлакатни яққалам.

Дарвоқе, Шарқ шеъриятида 24 тадан ортиқ лирик тур мавжуд, Навоий шуларнинг 16 тасида ижод қилган, ахир. Демак, мижоз олимнинг ана шу жиҳатларини назарда тутгани очик кўриниб турибди.

Мартин Хартман ҳам Ҳерман Вамберига ўхшаб Ўрта Осиёни дарвеш қиёфасида кезиб чиққан. Даставвал у Ғарбий Европада арабшунос сифатида танилган. Туркия сафари унинг келажак режаларини ўзгартириб юборади ва у кейинги фаолиятини туркийшуносликка бағишлайди. Олим Навоий асарлари билан танишиб чиқиб, ўзбек тилини билган Ҳ.Вамбери ва Й. Аветарнианларга мурожаат қилади. Аветарниан Навоийнинг айрим ғазалларини немис тилида шарҳлаб, нашр эттирган эди. М.Хартман бу шарҳлардан унумли фойдаланган. У Ўрта Осиёга оид тарихий-этнографик, адабий-танқидий ва таржимашуносликка оид ўндан ортиқ асар яратиб, немис тилида чоп қилдирган. Хартман Тошкентда ҳам бўлган. Қашғар сафари чоғида “Хамса” билан бирга кўплаб ўзбекча китобларни олиб келган. Унинг туркий тиллар ҳақидаги асарлари немис университетларида шарқ халқлари ҳаётини ўрганишда асосий қўлланма вазифасини ўтаган.

“Ҳирот адабий муҳитида Навоийнинг аҳамияти”, “Навоий ижодининг Усмонли турк адабиётига таъсири” масалаларини кузатган Т.Менцел туркий адабиётларни уйғур, усмонли турк ва озорбайжон адабиёти деб гуруҳларга бўлиб ўрганади, Яссавий, Навоий, Бобур, Абулғози ижодларини кузатади. Менцел тадқиқотларининг қиммати шундаки, у ўзигача Германия навоийшунослигида ҳукм сурган “Навоий тақлидчи, таржимон”, деган қарашларга эргашмай, шоир ижодига холис баҳо берган.

¹ Бу ўринда “чигатой” атамасини Чигатой улусининг тили маъносида тушунмоқ лозим. “Чигатой тили” деган ибора сохтадир. Навоий ўз асарларини туркий (турк) тилда ёзиб, шухрат қозонганини қайта-қайта таъкидлаган. (Тахр.)

“Навоийнинг туркий ва замондош биографлари” асари муаллифи Карл Броккелман Навоий ҳақида энг кўп ёзган олимлардан биридир. У Навоий асарларини тўла тасниф қилиб чиқади. Айримларини араб ёзувида чоп қилдиради. У амалга оширган тасниф, таржима ва шарҳлар немисларга тасаввуф илмини ўрганишда анча қўл келган. Карл Броккелман шоир асарлари устида узоқ йиллар изланишлар олиб бориб, Навоийни ўзбек адабиётининг асосчиси деса-да, “Насойим ул-муҳаббат” (“Муҳаббат шабодалари”) ни Абдурахмон Жомийнинг “Нафоҳат-ул-унс” (“Энг яқин дўстлар шабадаси”) асари таржимаси деб қарайди ва Навоийни таржимонга, тақлидчига чиқариб қўяди. Тўғри, Жомий бу асарда 616 форс авлиёси ҳақида сўзлайди. Мазкур асарни Навоий таржима қилганини инкор этиб бўлмайди. Бироқ, у Жомий асарига кирмаган туркий авлиёлар, жумладан, Аҳмад Яссавийдан тортиб, то ўзи яшаган давргача бўлган барча туркий алломалар ҳақида мукамал маълумот беради, асарни янги манбалар билан бойитади, шарҳлайди. Ҳатто, ҳиндистонлик машҳур Шайх Фарид Шакар Ганжнинг таржимаи ҳолини ҳам бу тўпламга киритиб, авлиё, шайх ва фозил инсонлар сонини 770 тагача етказди. Улардан 35 таси аёллар бўлган.

Жомий асосий эътиборни форс авлиё, шайхларига қаратган бўлса, Навоий диққат марказида туркигўй алломалар турган. Келтирилган 616 (Жомий) ва 770 (Навоий) рақамларининг ўзи ҳам Навоий меҳнатларини белгилаб турибди. Демак, профессор У. Сотимов таъкидлаганидек, Шарқ шеъриятига хос “та-таббуъ” санъатини тушунмаган Карл Броккелман уни “тақлид” маъносида қабул қилган бўлса, не ажаб¹.

XX асрнинг иккинчи ярмидан немис навоийшунослигида янги давр бошланди. Фарбда Навоий меросига қарашлар ўзгарди, даҳо ижодининг умумбашарий аҳамияти тан олинди. Биргина олмон шарқшунослари амалга оширган таржималар, илмий-назарий ва оммабоп мақолалар, тезислар давлат миқёсидаги анжуманлар, учрашувлар бунга гувоҳлик беради.

Алфред Курелла Навоий туғилган куннинг 500 йиллиги муносабати билан Тошкентга келади. Шоир ҳақида маълумотлар тўплайди, Ўрта Осиё Уйғониш даври маданияти, тарихини пухта ўрганади. “Биз Фарбда Амир Темурни золим подшоҳ бўлган деб танирдик. Аммо унинг улкан бунёдкор ҳам бўлганлигини, наслидан Ҳиротни Шарқ Флоренциясига айлантирган Ҳусайндек, Шимолий Ҳиндистонни ишғол қилган саркарда ва шоир Бобурдек, юлдузлар жадвалини тузган Улугбекдек буюк сиймолар чиққанлигини ким билибди, дейсиз? Буларнинг барчасини эндигина билиб турибман. Айниқса, мен бу даврнинг давлат арбоби ва файласуфини, тилшунос, рассом ва мусиқашуносини, ўзбек шеъриятининг асосчиси Навоий таҳаллуси билан ижод қилган Мир Алишерни севишни ўргандим,” – деб ёзган эди “Шарқ ва Фарб” китобида Курелла.

А. Курелла Тошкентга ташрифи пайтида Катта Фарғона канали қурилиши эндигина тугаган, Ўзбекистон бўйлаб қўш байрам шукӯҳи ҳукм суради. Тинимсиз учрашувлар, адабий кечалар ўтказилаётган пайтлар. Немис олими бу тадбирларда иштирок этади. Олим Шарофиддинов, Иззат Султон, Жуманиёз Шарипов каби олимлар, Мукаррамахоним, Тамарахоним, Ҳалимахоним сингари халқ ардоғидаги санъаткорлар билан учрашади. Ташкилотчилар йигитларнинг канал қазишдаги меҳнатини Навоий қаҳрамони, тоғни талқон қилган Фарҳодга қайта-қайта қиёс қиладилар. Немис олими бунга гувоҳ бўлади. Шундан сўнггина, А. Куреллада Навоий ижодига жиддий қизиқиш уйғониб, аввалига газалларини, кейин “Фарҳод ва Ширин” дostonи таржимасига қўл урган. Бу жараёнда унга Ф. Фулом ёрдам берган. А. Курелла асарларни Ф. Фуломга ўқитиб кўриб, гоятда таъсирланади. А. Курелла таржима ҳақида: “...Навоийни мен умуман билмаган эски ўзбек тилидан ўгирдим. Асл нусха ва немис тили билимдонларининг айтишларича, бу ишни удасидан чиққан эмишман. Нега? Чунки, қўлимда русча тағлама, “восита тил” бор эди. Хорижий матнга киришишнинг турли йўллари мавжуд. Мен кўп қаватли тағлама қилиб, баъзи сифат, от ва феълларнинг ости ва устига синонимларини ёзиб беришларини илтимос қилдим. Агар махсус қоғоз² бўлганида эди, шеърлар оҳангини ҳам нотага тушириб беришларини илтимос

¹ Сотимов. У., Инкордан иқдоргача. Урганч. 1994.

² Бу ерда мусиқа нотаси назарда тутилмоқда.

қилардим. Бироқ, менга бошқа бир усулдан фойдаланиш қўл келди. Мен Ф. Фулом олдига бордим, у менга асл нусханинг “мусиқавийлигини” ҳис қилишим учун бир неча соат давомида Навоий шеърларини ўқиб берди. Кейин шоир яшаган даврни ўргандим, ўша давр ифодаланган расмларни йиғдим, бошқа манбаларни ахтариб топдим. Шу йўсинда асл нусха ичига чуқур кира олдим”, деб ёзган эди.

А.Курелла саъй-ҳаракатлари боис Навоий Германияда қайтадан кашф этилади. Унинг “Буюк шоирнинг қайта кашф этилиши” тадқиқоти Фарб адабий доираларида маълум-машҳурдир. Бу билан у асрлар давомида “Навоий – форс шоирларининг тақлидчиси” ёки “таржимони” деган ғайри илмий қарашларни рад этди. Гёте муомалага киритган “етти буюк аллома” атамасига “саккизинчи аллома”ни рақамлади. Бу – Ҳазрат Навоий эди. “Фаннинг қутлуғ юришлари унинг бетакрор ижодий салоҳиятини инкишоф этиб, уни Шарқнинг саккизинчи алломаси, деб эълон қилгунча унинг руҳи Ҳиротнинг вайронага айланиб битган робиталари оша чарх уриб, Машриқдан Мағрибгача неча бор учди...” “Биз Алишер Навоийни Шарқ адабиётидаги “Етти буюк сиймо”дан орқада қолган ижодкор сифатида эмас, балки улардан ўтиб кета олган улуг шоир сифатида тан оламиз...” деган эди немис олими. А.Курелла Навоийни эсламаган Гётега қарата гина билан: “...Бу буюк даҳонинг дostonлари, рубоий ва туюқларида куйланган озод руҳга Гёте бутун борлигини бахшида этган бўлур эди!” – дейди.

“Буюк шоирнинг қайта кашф этилиши” мақоласида: “Мўғуллар сулоласининг асосчиси Султон Бобурнинг машҳур мемуарини англиз, француз, немис тилларида пайдо бўлиши Бобурнинг дўсти ва замондоши Алишер номини жаҳонга танитди..., шарқшунослар Алишерни машҳур шахс сифатида баҳолаб, шоир сифатида унга кам эътибор берганлар”, каби жумлалар бор. У бу ерда иккита чалкашликка йўл қўяди. Биринчидан, Бобур мўғуллар сулоласининг асосчиси эмас, балки Амир Темур сулоласига мансуб Султондир. Иккинчидан, Бобур Навоий билан учрашмаган. Ҳаётда сира учрашмаган, ёш жиҳатдан тафовут қиладиган икки шоирни “дўст” дейиш (маъжозий маънода айтиш мумкин – А.Р.), энг таажжубланарлиси, Навоийдек даҳонинг фарб адабий жамоатчилигига фақат Бобурнинг дўсти сифатидагина танитиш бу анчайин жўн фикрдир. Фарбликлар буни фарқига бормай қабул этаверган. Негаки, Фарб адабий дунёси форс шоирларининг нафис шеъриятию “Бобурнома”нинг қизиқ воқеалари тафсилотларига кўпроқ ошно эди.

Утган асрнинг 60-йилларида Навоийнинг “митти шаклдаги донолик, фикр ва туйгуларнинг кучли жавҳари” (У.Олжер) “Ҳикматли сўзлар”ининг саккиз тилда жаранглаши ўзбек таржимашунослигидаги муҳим саъй-ҳаракат бўлди. Ўзбек ва жаҳон навоийшунослиги сафига янги тадқиқотчилар, таржимонлар келиб қўшилдилар. Демак, шоир ижоди борасида янги изланишлар учун имкон туғилди. Тўплам профессор Ҳ.Сулаймонов маъсул муҳаррирлигида нашрга тайёрланиб, чоп этилган. Ҳикматларни рус тилига С. Иванов ва Л.Пеньковскийлар, олмон тилига Йоҳанн Варкентин таржима қилган.

Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан мамлакатда қизгин ижодий алоқалар бошланди. Бу алоқалар чинакам адабиёт байрамига айланди. Ўзбек олимлари ҳам бу жараёндан четда қолмадилар. Йўлдош Парда немис шоираси Нора Пфедфер билан шоирнинг элликка яқин газалини немисчалаштирди. “Кеча келгумдир дебон”, “Кўргали ҳуснингни зор-у”, газаллари ўша нафасда ўтирилган. Газаллардан 21 таси “Уммондан дурлар” тўпламида уч тилда эълон қилган.

Таржима жараёни шундай кечган. Мутаржимлар асл нусхани сўзма-сўз ўгириб, баъзи бир сўзларнинг ўнлаб вариантларини, синонимларини келтирганлар. Бу жараёнда Жамол Камол ва Муҳаммад Али ҳам иштирок этган. Улар немис шоирасига газаллар, ҳикматлар маъносини, оҳанглар жилосини меърига етказиб ўқиб бериб, эски ўзбекча, форсча сўзлар маъзини чақишда ёрдам беришган. Бу усул Навоийни ўрганиш ва англашда Алфред Курелланинг Фафур Фулом билан ижодий ҳамкорлиги жараёнини эсга солади. Шу зайлда немислар Навоий оламига яна бир қадам яқинлашган эдилар.

Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарига шундай жумлалар бор. “Шогирд агар шайхулислом, агар қозидур, агар устод андин розидур-тенгри розидур.” Изоҳга ҳожат йўқ. Устоз – шогирдлик қадриятини бундан-да ортиқ таърифлаб бўлмаса керак. Шундан сўнг, жумланинг шеърий ифодаси келади. Уқиймиз:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўкутмиш ранж ила
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила.

Назаримизда, ушбу байт бағрига асрлар давомида ҳикматга айланиб қолган, неча асрлардан буён бутун Шарқда ҳукм суриб келаётган, қадри баланд миллий қадрият, устоз-шоғирдлик анъанаси сингдирилган. Биргина байт ичида қанчадан-қанча бадиий санъатлар, услуб жиолари жамланган. Булар: литота, гипербола, антитеза, бир сўздаги кўп маънолик, (Ҳақ, ҳақиқат, ҳаққин; Ҳақ-Оллоҳ).

Мисралардаги бир-бирларига қарама қарши қўйилган қофиялар. У “ранж ила, ганж ила”. Ранж — бу азоб уқубат билан қилинган жуда қатта меҳнат. Бир ҳарф (литота), юз ганж (гипербола) каби поэтик ва стилистик санъатлар. Демак, устоз меҳнати бебаҳо, унинг ҳаққини “юз ёки минг тилло” билан ҳам адо этиб бўлмас экан. “Ҳақ йўлида”ни “ҳақиқат йўлида” деб ҳам тушуниш мумкин. Бизнингча иккаласи ҳам тўғри йўл. Ҳақиқат йўлини танлаган инсон, аёнки, у Ҳақ йўлидан борган бўлади. Энди, байтнинг немис тилига И.Варкентин ҳамда Н.Пфедфер билан И.Парда қилган таржималарига эътибор берайлик. Ҳ.Сулаймонов китобида асл нусха:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила,
Айламак осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила,—

шаклида. И.Парда тўпламида асл нусха “минг ганж ила” “юз ганж ила” шаклида берилган. Немисча таржималарни кўздан кечирайлик. И. Варкентинда:

Hat auf dem Wege der Erkenntnis wer
dich auch nur einen Buchstaben gelehrt,
dann reichen, als Entgelt und Gegensehnde,
die Schätze nicht aus aller Herren Ländern.

Афоризмлар — фикрларнинг лўнда ва сиқик ифодасидир. Афоризм шакл жиҳатдан ихчам бўлгани билан унда бир олам маъно мужассам. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўз, тиниш белгиси катта мазмунга эга. Шу боис, афоризм таржимасида ҳар бир белгининг ўзга тилдаги муқобилини топиб, шунга эришмоқ зарур. Афоризмга кўзи тушган ҳар қандай инсон таржимада шакл мутаносиблиги бузилганини дарров илғайди. Бунинг учун тил билиш шарт эмас. “Минг ганж” бирикмаси таржимада умуман ифодаланмаган. Немис тилидаги “das Entgelt-“тўлов” ёки “маош” “die Bezahlung, Entlohnung” сўзларининг эскирган шаклидир. “Entgelt und Gegensehnde” сўзлари мазмунан бир-бирига яқин. Биринчиси “тўлов, маош”, иккинчиси “ҳар хил моддий ёрдам” деб таржима қилинади. Мисраларни ихчамлаштириш учун мутаржим “Gegensehnde”дан воз кечиб, “Entgelt” “Entlohnung” ёки die Bezahlung”дан фойдаланса бўларди. И. Варкентинда “Ҳақ йўлида” бирикмаси “auf dem Wege der Erkenntnis” деб ўгирилиб “илм-фан ёки билим йўлида” мазмуни келиб чиққан. Ҳақ (Оллоҳ)билан билим ўртасида, албатта, мазмун жиҳатдан фарқ бор. Таржимада “nur, und, Gegensehnde, Erkenntnis, dann, aus aller Herren Ländern” каби ортиқча сўзлар учрайди. Шулар ҳисобига таржимада шакл ва мазмун мутаносиблиги бузилган. И.Парда ва Н.Пфедферда:

Wer hat dich auf dem Wege Allahs mit Mühe einen
Buchstaben gelehrt,
Die Schätze der hundert Schatzkammern reichen
zur Entlohnung nicht.

Афоризмдаги 100 ва 1000 сонлари конкрет сон эмас. Буни “юзлаган”, “минглаган” деб тушуниш мумкин. Аммо И. Варкентин таржимасида на ўша 100, на 1000 сони акс этган. И. Парда ва Н. Пфедфер таржималарида эса минг ганж, юз ганжга тушиб қолган. Ушбу таржималарни кузатишлар шунни кўрсатадики, иккала таржимада ҳам Шарқ шеърлятидаги мусиқий оҳангни, ритмни таъминлаб турадиган қофия сақланмаган. Бироқ, Н. Пфедфер ва И. Парда таржималари шакл ва мазмун жиҳатдан аслиятга яқинлиги билан И. Варкентин таржимасидан устун туради. И. Парда таржимасидан яна бир мисол:

Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ямон бўлса, сен яхши бўл!

Немис тилида:

Sei deinem leidenden Volke zum Trost
Ist Nawoij böse, sei du nicht erbost.

Мазмуни: “Изтироб чекаётган халқингнинг кўнглига малҳам бўл, унга қувонч бахш эт”, “Навоий ёмон бўлса, сен бундан аччиқланма,” деб тушуниш мумкин.

“Навосиз улуснинг” таржимада “deinem leidenden Volk” яъни “(сенинг) изтироб чекаётган халқинг” маъносида, “сен яхши бўл” эса “sei du nicht erbost” деб, “жаҳлинг чиқмасин” маъносида берилган. Навоий навосиз - навобахш; ёмон-яхши деб ички тазод усулидан фойдаланиб, афоризмларга хос бўлган фикрнинг лўндалигига эришган. Мисралардаги навобахши бўл - яхши бўлди ички ва ташқи қофиялар ўз ўрнида. Таржимада “Trost-erbost” бўлиб, қофия тикланган. Мисраларда товуш жиҳатидан оҳангдорлик мавжуд, бироқ ички тазод кўринмайди. Чунки, таржимадаги “böse-erbost” ёнида “nicht” инкор сўзи турганига қарамай контекстуал антоним бўла олмайди. Бундан ташқари эгалик олмоши “сенинг — dein” таржимага зўрма-зўракилик билан киритилган, чунки Навоий “сенинг улусингнинг” деб “улус”ни маълум халққа ёки миллатга нисбатан ишлатмаган, балки “навосиз улусинг” деб бани инсониятни, башариятни назарда тутган.

Мулоҳазаларимиздан таржималар кўнгиладигдек бўлмабди, деган фикр чиқмаслиги керак. Иккала тўпلامда ҳам муваффақиятли ўринлар мавжуд. Дарвоқе, Навоийнинг адабий-илмий мероси дунёнинг қайси тилига таржима қилинишидан қатъи назар, унинг бадий савияси учун доим маъсул эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

XXI аср бошида Германия навоийшунослигида янги саҳифалар очилди. Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан Берлинда симпозиум ташкил қилинди. Симпозиумга Германиянинг Халле, Лайпциг, Майнц, Майн соҳилидаги Франкфурт, ҳатто Австриянинг Вена ва Буюк Британиянинг Лондон шаҳарларидан ҳам Навоий ижоди мухлислари, тадқиқотчилари, таржимонлари ташриф буюрдилар. Учрашувда қизгин баҳс-мунозаралар натижасида янги-янги гоёлар туғилди. Шоир ижодига янгича ёндашувлар, талқин ва таҳлиллар кузатилди. Бу олмон навоийшунослари доираси кенгаётганидан, замон ва давр билан вобаста янги тадқиқотлар ва тадқиқотчилар пайдо бўлаётганидан далолатдир. Дастлаб, Навоий ижодига ғайри илмий қарашлар ҳукм сурган бўлса, энди шоир шахси ва ижоди “Ҳиротнинг бахти” ёхуд “Ҳирот бошига кўнган бахт қуши” — “Phönix von Herat” тарзида талқин қилина бошланди. Туркийшунослар анжуманда қуйидаги масалалар устида фикрлашдилар. Клаус Шўнинг “Бобурнома”да Навоий образи”, Юрген Паул “Темурийларга оид манбаларда ўзбеклар ифодаси”, Эрика Таубе “Марказий Осиё халқлари эртақларида Навоий образи”, Клавдия Рўмер “XVI аср лугати “Абушқа”да феъл шакллариининг усмонлича берилиши”, Марк Кирхнер “Навоийнинг “Лайли ва Мажнуни”, Зигрид Клайнмихель “Навоий бенаво”, Йоахим Гирлихс “Мир Алишер Навоий даврида санъат ва меъморчилик”, Ҳамид Исмоилов “Навоий асарларида очик ва (сирли) яширин ифодалар”, Б. Келлнер - Ҳайнкеле “Мир Алишер Навоий — кечмишга бир назар”.

Кўрамизки, Германияда Навоий ижодига қизиқиш сезиларли даражада ортиб бормоқда. Даҳо санъаткор ижодини ўрганиш ва оламга танитиш борасида олмон ҳамкасбларимиз бундан кейин ҳам катта ишлар қилишига ишонамиз.

Ровияжон АБДУЛЛАЕВА,
филология фанлари
номзоди, доцент

Араб ҳикоялари

Нажиб МАҲФУЗ

Нобель мукофоти совриндори

ЗУЛМАТ БАНДАЛАРИ

Коронғилик шу қадар қуюқ эдики, деворга ўхшарди. Ҳеч нарса кўринмасди. Улар йўқликда учрашганларида, ёнғоқнинг ерга тушгандаги тўқиллашидан бошқа овоз эшитилмади. Қоронғиликда ёнғоқ думалаб-думалаб муаллимнинг ёнига етиб боради. Кўпинча муаллим шундай дейди:

– Мен қоронғида яхши кўраман. Бунга қамоқларда ва бўшлиқда бўлиш давомида кўникканман.

Шундай қилиб, у уларни кўриб турарди. Улар эса уни ва умуман ҳеч нарсани кўрмасдилар. Қоронғилик сабабли ҳар ким ўзига хос, эшиклари зич ёпиқ бир дунёда яшарди. Улар турли жойлардан – узоқдан ва яқиндан келганлар. Улардан бири бошқаси ҳақида ҳеч нарса билмайди. Барчаларини бу ерга бир нарсагина тортарди. Муаллим уларни чақирар экан, тинчлик ва хотиржамликни ваъда қиларди. Улардан бирини чақириб, деди:

– Избату ан-Нахлда ҳовлим бор. Унинг орқа томонидаги бўш ётган ерга баланд уй солдим. У ердан баландда муаллақ туради ва унга ҳеч қандай йўлнинг ўзи йўқ. Мазкур уйга ёғоч нарвон орқали чиқилади. Унинг тагига хашак гарами тўкилади. Хона ишғол этиб бўлмайдиган қалъадек бўлиб, қоронғилик унинг олдида яна бир истеҳком вазифасини адо этади.

Ҳа, улар ҳавода осилиб қолиб, қоронғиликка фарқ бўлдилар. Улар худди кўз ҳануз ихтиро қилинмаган замонда яшаётган эдилар. Ёнғоқни еяётганда эса қўллар бир-бирига тегиб кетарди. Аммо кимнинг қўли? Қайси одам ва қандай шахс?

Муаллим кулиб деди:

– Биз тинчлик неъматидан баҳраманд бўлаётганимиз учун қоронғиликка раҳмат дейишимиз лозим. Менга ишонинглар, мен кўпни кўрган инсонман!

Бир кунмас-бир кун қоронғилик ҳаммани буркаб олганда, бирининг овози бошқасини шарманда қилиб қўйишини кўрқисини муҳокама этишларини кутмаганди. Уларга шундай дерди:

– Агар шам ёруғига ўрганиб олиб, суҳбатга киришсангиз, унинг охири бўлмайди, ораларингиздаги келишмовчиликларнинг чеки кўринмай қолади, ўтиришингизни жаҳаннамга айлантириши мумкин. Аммо мен ундан жуда нафратланаман.

Қоронғиликдан кулгу овозлари келди.

– Биламан, ораларингизда турли дин ва қарашларга мансуб инсонлар бор. Мана сизлар қоронғилик ва сокинлик туфайли осойишталикда вақтингизни яхши ўтказаяпсизлар!

Яна пичирлаш овозлари келди. Худди улар ўз одатлари бўйича бил-
лентирмасдан бўлса-да, масхара қилаётган эдилар. Диний ва гоёвий
фарқларни ҳал қилишнинг ажойиб воситаси эканми!.. Масхара қила-
дилар, билмайдиларки, улар кириб келган хонада ёзилган бўйралар
ва наматларгагина тегиб туришибди!.. У қаттиқ йўталиб олганидан
кейин титроқ овозда деди:

– Сизлардан бирортангиз ўзи билан бирга ўтирганни ўзи билмай-
диган жойда учратиб қолсангиз, ишдаги ҳамкасабаси ёки оила аъзо-
си бўлса, унга яхшиликни тиласа ёхуд ўлдириш истагидан қайтса,
буларнинг барчаси жуда ажойиб бўлар эди!

Уларнинг барчалари гуноҳга ботганлар. Гуноҳкор кўрқоқ бўлади.
Шунинг учун улар кулгуларини яширадилар, қоронгида ўрмалаб,
вишиллаган овоз чиқарадилар. Қаҳ-қаҳ уриб кулиб, деди:

– Мен Сизларнинг барчангизни биламан. Исмингиз, ишингиз ва
манзилингиз менга маълум. Аммо мени ҳеч нарса қизиқтирмайди.
Инсон обрўсини сақлаш ниятида кулгисини босади. Қамоқда, бўшлиқ-
да ва беобрўликдагина инсон ўзини эркин ҳис қилади!

Эй, тақиллаган овоз! Томир уриши кесатиш ва ўзига ишончдан
умуман халос бўлмайди. Агар маъмурлар билан муомаласида усто-
монлиги бўлмаганида, у билан бирга ўтирган инсонларни унинг
нобоплиги кўрқитиб юборарди. Жароҳатланган киши унда бошқа-
ларда бўлмайдиган нарсаларни топади. Сўзамол ва кўрувчи қоронги-
ликка беркинади. Бир сафар кулиб деди:

– Сизлар барчангиз катта одамсизлар, ўз мансабларингиздан
кўрқасизлар. Аммо камбағаллар ҳеч нарсадан кўрқмайдилар. Шунинг
учун улар бу ерга келмайдилар. Бунда улар қоронғилик ва сокинлик-
ка ишонмайдилар.

Бу киши ярамас бўлишига қарамасдан, касалликка мубтало бўлган-
лар унга ишонадилар ва ёрдамларни хурсандчилик билан қабул қила-
дилар. Уларни йўқликдан қоронғи деворга урилган кўзларгина чиқа-
ра олади. У букур, юзлари буришган, паст бўйли ва ёши етмишдан
ошган. Аммо шайтоний қувлиги бор. Кулиб, улардан сўради:

– Нимага бутун ҳаётингизни шу ўтиришнинг чиройли давоми
қилиб қўя қолмайсизлар?

Сўнгра худди ўз саволига жавоб бераётгандек деди:

– Иш... Оила... Тирикчилик, дейсизлар.

Истеҳзо билан кулимсираб, сўнгра:

– Аммо қоронғилик ва сокинликдан бошқа ҳеч нарса йўқ! – деди.

Узоқ вақт жим ўтирганидан кейин:

– Мен Сизларни бўлар-бўлмас гаплар билан масхара қилаяпман.
Сизлар эса мени ичингизда мазах қилаяпсизлар. Бунинг маъноси Сиз-
лар ўрганмасликларингизда аён бўлади. Аммо мен дунёнинг бевафоли-
гига қарамай, ўзим учун мўъжиза яратдим. Менинг оилам ва ишим йўқ.
Умр тез ўтиб кетади, кунлар чопади, шунинг учун ҳаёт менга узоқ,
ташвиш ва муаммоларга бой, оғир ҳамда зерикарли кўринади. Мен ўлим-
дан кўрқмайман. Сизлардан ҳеч бирингиз ўлимдан кўрқмайсизлар!

Ярамаслиги кишида унсиз мазах пайдо қилишига қарамай нозик
торларга тегиб кетди. Аммо унинг ўлимдан кўрқмаслигига ким ишо-
нади? Унда нима учун ҳаво ва бўшлиқда бу алоҳида хонани қурган?

Уша кечада уларга ишонч билан деди:

– Бу хонада ҳаёт ҳикматиинг қаймоғи бор.

Кўп гаплар тўхтаб қолди. Ёнғоқ ҳам думалашдан тўхтади. Улар у ўз
одатига кўра, озгина дам олмоқчи бўлса керак, деб ўйладилар. Кут-
дилар. Жимжитлик ва қоронғиликда кутиш чўзилиб кетди. Яна кут-
дилар. Кутавердилар. Ҳеч нарса ўзгармади. Кутиш ҳам жонларига тег-

ди. Айримлари нега жимсан, дегандек, томоқларини ҳам қириб қўйдилар. Фойдаси бўлмади. Нима, ухлаб қолдимикан? Ўздан кетиб қолдимикан? Ўлиб қолдимикан?

У ўтирган жойдаги қўшнисни қўллари билан уни қидирди. Сўнгра ташвишли оҳангда пичирлади:

– У одам жойида эмас!

Пайпаслаб эшикни очишга уриниб кўрди. Аммо тарадудланиб пичирлади:

– Эшик кулфлаб қўйилган.

Улардан бири овозини хиёл кўтариб, деди:

– Бирорта дераза бўлса керак. Ҳар ким деворнинг ўзига яқин қисмидан деразани қидиради. Бирмунча вақт қидиргандан сўнг кетмакет овозлар янгради:

– Дераза йўқ... Дераза йўқ...

Бекинмачоқ ўйнашни тўхтатиб, ўз ҳолатларини кўриш учун гугурт ёқишга қарор қилдилар. Сигарета қутиси жойида турган бўлсада, гугуртдан асар ҳам кўринмасди! Бу бекорга эмаслиги аён бўлди. Гугурт ўғирланган! Аммо ўғри ким ва нима учун ўғирлади? Унинг мақсади нима? Муаллимни чақирдилар, газабли овозлар билан чақирдилар, момақалдироқдек гулдираган овозлар билан чақирдилар. Аммо жавоб бўлмади. Умуман жавоб бўлмади. Ҳеч қандай овоз...

– Қачон, қаерга кетди?

– Қандай қилиб чиқиб кетди?

– Беркиниб олганлигининг сабаби нимада?

– Қандай қилиб ва нимага гугуртни ўғирлади?

– Балким, бирон иш билан чиқиб, фалокатга йўлиққандир.

– Нега эшикни ёпиб қўяди?

– Нимага гугуртни ўғирлади?

– Булар ҳазилми ёки ёмонликми?

– Қоронғиликда биз хавф-хатардамиз...

Яна муаллимни чақира бошладилар. Овозларини кар деворларгина эшитадилар. Томоқлари бўғилиб, деворларни муштлашдан қўллари қаварди. Қоронғиликда, тушқунлик кучайди. Энди нима қилиш керак? Охири кўринмаётган бўлса ҳам кутиладими? Тақдиримизни ҳал қилиш учун таслим бўламизми? Тақдиримиз нима бўлади? Нима, у киши ақдан оздимикин? Бўйраларнинг устидаги жойларига ўтирдилар. Нима бўлганда ҳам ҳаммалари заиф эдилар. Барчалари узоқ масофага югурган ёки жангдан кейин пайлари чўзилиб кетгандек эдилар. Ноиложлик орқасида кўрқинч ҳам уларни тарк этди. Биттаси овозини чиқариб эснади. Кетма-кет бошқалар ҳам эснадилар. Овоз келди:

– Қизиқ, фақат гугуртни ўғирлаб кетганмикан?

Қўллар чўнтакларни пайпаслаб, ноҳос биттаси қичқирди:

– Шахсий гувоҳномам!.. Гувоҳномам кўринмаяпти...

Бошқа овозлар ҳам янгради:

– Менинг гувоҳномам ҳам йўқ...

– Пуллар жойида. Аммо гувоҳнома кўринмайди.

– Бу топишмоқнинг маъноси нима бўлди?!

Бир неча киши гапиришга уринди. Аммо овозлари чиқмади. Яна эснашлар бошланиб, истехзоли чўзилган “наво”ларга айланди. Сўнгра қоронғиликда оғир сукунат чўкди, худди уйқу ёки ўлим ҳолатидек.

Қоронғиликни кесиб, осудаликни бузган ҳолда савол янгради:

– Қалайсизлар?

Қоронғиликда овоз ёлғиз ёйилди. Аммо унга жавоб бўлмади. Шунинг учун овозини кўтариб такрор сўради:

– Ҳой... Қалайсизлар?

Қоронғиликда заиф ҳаракат юз бериб, ундан ишончсизликка тўла овоз чиқди:

– Муаллим!.. Ким?.. Муаллим?

Кетма-кет овозлар келди: Муаллим... Муаллим... Овоз яна истеҳзо билан сўради:

– Қалайсизлар?

– Аҳволимизни сўраяпсиз!.. Сиз!.. Бу қанақа қўпол ҳазил?!

– Аҳволларингиз қалай. Шуни сўраяпман.

– Ўзингиз қаерда эдингиз?

– Мен жойимдан жилганим йўқ...

– Ҳалиям бизларни майна қиляпсизми?

– Ишонинглар менга, шу вақт давомида жойимдан ҳеч қаерга қимирлаганим йўқ.

– Ёлгончи... Сизни қидириб, ном-нишонингизни ҳам топа олмадик.

– Сизлар ҳам жойларингиздан қимирлаганларингиз йўқ...

– Эй, доно... Сизни чақиравериб овозларимиз бўғилди, деворларни уравериб қўлларимиз қавариб кетди.

– Сизлардан ҳеч қайсингиз ҳаракат қилмадингиз. Ишонаверинглар менга. Мен ҳам доимо Сизлар билан эдим!

– Ҳалиям бизларни алдашда давом этаяпман, деб хаёл қиляпсиз, шекилли!

– Ишонинглар... Фақат шахсий гувоҳномаларингиз ва гугурт кути-синигина олдим.

– Ўзингиз тан олаяпсиз... Бекорчи гапларни қўйинг... Сизнинг бунчалик маккор ўғри эканлигингизни билмаган эканмиз.

– Аммо мен уларни олаётганимда ухлаб ётган эдингизлар...

– Ухлаётгандик!

– Ҳа, ухлаётган эдингиз...

– Бизлардан ҳеч биримиз кўзимизни юмганимиз йўқ.

– Камида бир соат ухладингиз. Шу вақтнинг ичида ўз ишларимни қилиб олдим.

– Сиз қилмишларингиз сабабини бизга тушунтириб беришингиз лозим.

– Яхши... Мен учун ўз тажрибамни ўтказиш хавфли.. Сизларни ўзим ихтиро қилган дори билан ухлатдим...

– Алжираяпсизми...

– Кун чиққунига қадар эслаш қобилиятингизни йўқотасизлар.

– Бизларга ўғирланган нарсаларимизни қайтаринг ва эшикни очинг.

– Бир соатдан кўпроқ уйқуга фарқ бўлдингиз. Кейин уйғондингиз ва эснашга тушдингиз. Сизлар маъносиз сўзларни пичирладингизлар. Кейин мен гапирдим!

– Ҳийлангиз иш бермади...

– Бир соат ухладингиз. Бунинг далили, Сизлар сезмаган ҳолда, мен ўзим истаган нарсаларни олдим.

– Аммо Сиз ўтирган жойни пайпаслаганимда, Сизга қўлим тегмади.

– Қўлларингизни қимирлата олмадингиз.

– Деворни урдик ва Сизни момақалдиरोқдек гулдуреган овозлар билан чақирдик...

– Бундай қилолмасдингиз. Ҳозир ҳам бундай қилолмайсиз. Аммо Сизлар хаёл қилган ишлар фақат Сизларнинг онларингизда содир бўлди. Бошқа айтаётган ишларингиз ҳам қоронғиликдаги каби аслида юз бермади...

– Наҳотки, ҳазилларингизга тоқатимиз йўқлигини кўрмаяпсиз?

– Тонгга қадар эслаш қобилиятини йўқотасизлар. Сизлар нафақат ўзингизни, бошқаларни ҳам таний олмайсиз!

- Биласизми...
- Шунинг учун гувоҳномаларингизни олиб қўйдим. Сизлардан бирортангиз ўзини таний олмайди, бошқалар ҳам уни танймайди.
- Бошингизни совуқ сувга ювинг... Бўла қолинг...
- Эртага эрталаб Сизлардан ҳеч ким қолмайди, гувоҳномаларингиз каби йўқ бўлиб кетасизлар.
- Сиз эсингиздан айрилмадингизми?
- Балким. Сизларга нима фарқи бор? Менинг жинниликимни синаб кўришингиз учун ўзим ҳам ихтиромдан ажойиб сипқораман. Омадимни қарангки, менда гувоҳноманинг ўзи йўқ. Қоронғилик, сокинлик ва тунга миннатдорчилик билдирайлик...
- Эй, жинни, эй, эси йўқ...
- Худди ҳаракат қилишдан маҳрум бўлганингиздек, гапдан ҳам қоласизлар. Мен ваъда бераманки, ўзим ҳам орқаларингиздан бораман. Бўйра устига чўзиласизлар. Эртага бўшлиқ Сизларнинг далалар шудрингида намиққан ёш жасадларингизни кутиб олади.
- Жимжитлик ҳукм сура бошлади. Ҳеч ким гапира олмади. Чуқур уйкуга кетдилар. Бирин-кетин уларга қараб чиқди. Сўнгра мамнунлик билан ўрнидан турди:
- Далалар шудрингида намиққан.

Бинт аш-ШАТИЙ

УМИДНИ ОҚЛАМАГАН ЎГИЛ

Оилада аёллар беш нафар эди... Улар оила бошлигини сўнги йўлга кузатдилар: уй бекаси бева, қизлар эса етим қолишди. Она ўзининг тўртта қизи билан марҳумнинг маъракаларини ўтказиб, тез орада ишга кирди.

Кўпчилик бева аёлларни ноҳақдан-ноҳақ шафқатсиз ва виждонсиз деб айтади. Аёлнинг қайғуси қанчалик оғир бўлмасин, у тақдирнинг қалтис синовини олдида таслим бўлмади. Она бир нарсани билардики, йиғи-сиғидан фақат овуниш мумкин, ғам чекиш эса кишиларнинг унга оиласига бўлган ҳамдардликни намоён эта оларди, холос. Бироқ бу аёлнинг ҳамдардликдан қандайдир фойда чиқишига кўзи етмади.

Марҳумнинг тўртта қизидан бошқа яна яқиндагина тиббиёт факультетига ўқишга кирган йигирма яшар ўғли ҳам бор эди. Дарҳақиқат, у қизлардан аввалроқ тилга олиниши керак эди. Наҳотки, йигитда ота-онанинг умиди, ишончи бўлмаса? Ахир оилада ўғил боланинг дунёга келиши катта шодиёна эмасми? Ахир ўғил падари бузруквори кексайган чоғда таянч бўлмайдами, унинг вафотидан сўнг бева ва етим қолган қизларни ўз ҳимоясига олмайдами? Ҳа, ҳаммаси шундай бўлиши керак.

Марҳумни кўмиш маросими куни онани ўраб олган кишилардан бири унга юзланиб деди:

– Шундай ўғли бор одам ўлмайди. У тез орада шифокор бўлади, она ва сингилларга ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олади.

Одамлар шундай дейишарди. Худди шу сўзларни она ўз қизларига айтарди, улар акаси учун оғир ҳаётини кураш йўлидан ўтишлари муқаррарлигини таъкидларди.

Ҳаммадан илгари тўнғич қиз ишга жойлашди: она уни хотин-қизлар мактабларидан бирига маоши бор-йўғи беш фунт бўлган ишга жойлашишига ёрдам берди. Бу арзимас маош оила учун тиланчилик

қилмаслик, очлик ва яланғочликни бир амаллаб бартараф этишга ярарди. Ахир улар келгуси бахтиёр кунларнинг истиқболига кўз тикиб яшаётган эдилар-да! Мана беш фунт – ўспирин йигитнинг эҳтиёжини қоплай олармиди? Йигит ўз қадр-қимматини сақлашда бой талабаларга тақлид қиларди.

Кунлар машаққат билан ўтаркан, ўспириннинг эҳтиёжи ҳам тинимсиз ўсиб борарди. Акасининг “обрўйини сақлаб қолиш”, унинг бой ўртоқларидан ортда қолиб кетмаслиги учун, унга маъқул бўлган башанг, замонавий костюмни кийиб биринчи даражали қулай вагонларда юриши учун унинг иккинчи синглиси ҳам мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишга кирди.

Аммо икки қизнинг ишлаб топаётган пули йигитнинг эҳтиёжларини аранг қопларди.

Оилада ишга кирмаган кенжа қиз қолганди. У мактабда ўқиётган бўлиб, келажакда битта-яримта касбнинг бошидан тутмоқчи эди. Бу орада тўнғич қиз турмушга чиқди. Хонадондаги турмуш илгаригидек оғир аҳволда қолаверди. Оч-наҳор, кўп нарсадан маҳрум бўлган фидокор аёллар машаққатли йўлда кетишаётган эди... Уларнинг наздида булут орасидан кўринаётган умид куёши, “доктор ака”нинг келгуси сиймоси руҳлантираётганди. Қизларнинг тасаввурида бир неча йилдан сўнг у ўзининг кучли, забардаст қўлларини чўзади-ю, уларни қутқариб қоладигандек туюлаётганди. Ҳозирча, барча қийинчиликларни енгиб, унинг бўлғуси ёрдамига ишонч боғлаб ҳаёт кечириши лозим.

Уzun кунлар, уйқусиз тунлар шу зайл ўтиб борарди. Бутун кечалари улар асаблари таранг бўлиб, тонггача бежирим кийим бичиб-тикардилар.

Бундай кечаларнинг қанчаси ўтди экан. Йигитча тиббиёт факультетида етти йил таълим олди. Ана шу етти йил онаизор ва сингиллар учун жуда узоқ кечгандек бўлди. Уларнинг ҳар бир кечирган куни асрга татиғулик бўлиб, меҳнатга тўлиб-тошган, силлалари қуриб, чарчоқ бир зум ҳам тарк этмаганди.

Қизлар хузур-ҳаловат кўрмай ташқи дунёдан узоқлашиб кетишди. Уларга бориш ўзларини фидо қилиб на оналикнинг табиий ҳис-туйғусига, на хуфиёна муҳаббат нидосига жавоб қайтардилар. Бундай мулоҳазалар учун бирон дақиқа бўш вақт йўқ эди.

Бир неча кун ўтгач, доктор волидаси ва сингиллари билан хайрлашиб, сафарга жўнаб кетди. Улар йигитни яхши тилаклар ила кузатиб қолдилар. Барчаларининг умид тўла кўзлари акалари кўчиб ўтган шаҳарга қадалганди. Сингиллар унга бирин-кетин мактублар ёзиб, шахсий ҳаётидаги юз бераётган ўзгаришлар ва ютуқларни сўрар эдилар. У бўлса хатларга лоақал жавоб ҳам қайтармасди. Охири бундай саволлар ёлғиз ўғилнинг жонига тегди, шекилли, у онаси олдида келиб, кийимлари кўримсиз эканлиги-ю, келиб даволаниб турадиган беморлар олдида ўз хонадонининг ёмон жиҳозланганлиги ва керакли тиббий асбобларининг етишмаслигидан шикоят қилди.

Оила аъзолари эса кунни тунга улаб ишлашда давом этишар, аммо кўп ойлар ўтгандан кейин ҳам қизлар акани бахтиёр ҳолда кўришга муяссар бўла олмадилар.

Шифокор ўз гўшасига ёшгина, чиройли хотини билан савлат тўкиб, энгил машинасида қайтиб келди. Келин эса, бу хонадонга ташриф буюрган кунларида кўпинча дўконларда сандироқлаб ва кўнгилхушлик қилиб вақтни ўтказарди. Она ўғлига юзланиб турмушга чиққан катта синглисидан қарзга олган (у тилла тақинчоқларини сотиб юборган эди-да) юз фунтни қачон қайтариб беришини, ҳозирда унинг

турмуш ўртоғи бундай қилмиши учун ҳатто ажрашиб кетмоқчи эканлигини айтди.

Доктор хотини билан уйига қайтиб кетиш олдида машинасига ўтирди-да, қарз олган синглисига уч фунт узатиб деди:

– Мен сенга кўпроқ қайтармоқчи эдим, афсуски, харажатлардан қолгани шу.

Сингил пулни олмай, анграйиб туриб қолди. Синглисининг ҳайкалга ўхшаб қотиб туриши докторнинг асабига тега бошлади, чунки у “шошаётган” эди-да. Ака синглисидан нега пулни олмаётганини сўради.

Сингил эса қизларга қараб кулди-да:

– Биз уни шифокор қилиб вояга етказа олибмиз-у, аммо ҳақиқий инсон бўлиб етишишига ожизлик қилибмиз,— деди.

АБД ал-ҚОДИР АБУ ХАРУС

ЭКСПОРТ ҚИЛИНГАН ХОТИН

Али шаҳарда ростгўйлиги ва виждонлилиги билан оғизга тушган оила фарзанди. Кексалик гаштини сураётган оила бошлиғи ўз дунёқарошига эга бўлганидан кишиларга ташқи кўринишига қараб эмас, балки ақл-заковати, жамиятдаги тугган ўрнига қараб баҳо берарди. Алининг онаси — паст бўйлик аёл эди. У ҳеч қачон бировнинг дилини оғритмаган, майда гап ёки ғийбатлардан доимо четда юрар эди. Алининг сингиллари эса кеча-кундуз деразадан серрайиб қараб турадиган, қўчада юз берадиган турли воқеаларни териб юрувчи, фикру ёди тўю тантаналарда бўлган қизларга сира ўхшамас, тонгдан оқшомгача бичиш-тикиш билан машғул эдилар. Қизларнинг меҳнатсеварлиги, қолаверса, одоблиги туфайли шаҳарнинг турли чеккаларидан совчилар тўхтовсиз келаётган эди, лекин онанинг жавоби доимо битта бўларди:

– Ўғлимни уйлантирмагунимча, қизларимни турмушга чиқармайман, вассалом.

Аксига олиб, Али уйланишга шошилмаётганди. У шаҳар маъмуриятида масъулиятли лавозимда бўлиб, уйланадиган бўлса оила унинг оёқ-қўлига “тушов” бўлиши ёки бирон сабаб билан обрўси тушишидан чўчир эди. У ўзича, “Уйланиш — бу масъулиятли иш, уни пухта ўйлаб кўриш керак”, деб ўйларди.

Она эса ўғлини кўндиролмай хуноб бўлар, уни койир эди-ю, лекин мажбур қилолмасди. Идорада Алининг иши унчалик кўп эмас: келган хатларни рўйхатга олиб, уларга жавоб қайтариш эди, холос. Иш вақтида одатда Али ва унинг касбдошлари йиғилиб, чойхўрлик қилишар, фойдасиз баҳсларга вақт сарфлашар, бири институтга кириб ўқиш, яна бошқаси математика фанини жиддий ўрганиш нияти борлигини таъкидларди. Гап айланиб келиб, чет эл хизмат сафарига тақалганда доим бир иштиёқ — бирор кўнгилга ёққан чет эллик қизни танлаб, унга уйланиб олиш нияти тинчлик бермасди. У ўзича чет элга хизмат сафарига юбориладиган шахслар орасида мендан яхши номзод йўқ деб ўйларди. Унинг ҳаракат ва интилишлари зое кетмади. Қувайтга олти ойлик молия ўқишига юбориладиганлар рўйхатида унинг ҳам исми-шарифи турарди. Чет элга сафар қилиш унга янги мамлакат ва мартабали кишилар билан танишиб, ўқишни тугатганлик ҳақида ҳужжат олиш, ҳаммадан ҳам ўзининг кўнглига мос қизга уйланиш имкониятига эга бўлишдан бағоят хурсанд бўлди.

У жойлашган учоқ оҳиста ердан кўтарилди. У шахс эркинлиги гуллаб-яшнаган юқори маданиятли мамлакатга йўл олди. Учоқ жуда кўп қизгин баҳсларда тилга олинган Қувайтга яқинлашмоқда. Ҳа, дўстлари уни тушунишмади. Ҳеч бўлмаганда уйланиш масаласида.

– Фақат чет эллик қизга уйланиш керак! – деб такрорларди у Ҳамиша.

Улар бўлса эътироз билдирад эдилар:

– Сен енгил, хато ўйлаяпсан! Шахс қандай эркинликка эга бўлмасин, ўзининг урф-одатлари, қолаверса, таг-томири билан Она ерига боғланган бўлади. Тарихий анъаналаримизни бузиб тараққиётга эриша олмаймиз. Ливиялик қизлар тараққиёт тарафдори эмас, улар эскилик билан янгиликнинг фарқига бормайди, дейиш ҳам хато. Қизларимиз янги ҳаёт тарафдори. Чет эллик қизларга уйлансак, биз ўз қизларимизни камситиб қўямиз, қолаверса, чет эл қизлари кўп жиҳатдан бизнинг қизларимизга тенг келолмайдилар. Улар фақат маданиятдагина сал-пал илгарилаб олишган, холос.

– Ҳар қандай чет эллик қиз эркинликка эга ва ўзининг жамиятдаги тутган ўрнини қадрлайди. Бизда эса ўзгача! Чет эллик хотин – ҳамроҳ ва дўст, бизда бўлса – уй чўриси. Чўри билан умрингни бой бергандан кўра умрбод бўйдоқ бўлиб ўтганинг яхши.

Бундай баҳслардан сўнг фикрларнинг бир жойдан чиқиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

У учоқда ҳаёл суришда давом этди:

– Мен билан турмуш қуриб Ливияга жўнаб кетадиган қиз топилармикин? Олти ой мобайнида уни учратармиканман, вақт – оқар сув, кўз очиб-юмгунча ўтади-кетади. У мени севишга улгурармикан?

Учоқ манзилга қўнди. Али кун бўйи пойтахт кўчаларида сайр қилди, кино афишаларини кўздан кечирди, дўкон пештахталарига қараб тўймади. Гарчанд бу шаҳардаги кишилар араб тилида гаплашаётган бўлса ҳам, гўё у бу тилни биринчи марта эшитаётгандек эди.

... Никоҳ аҳдини боғлаган келин-куёв Ливияга қайтиб келди. Унинг чет эллик қизга уйланиши барча танишлар ва қариндошларни ҳайратда қолдирди. Уйдаги юмушлар аввалгидек Алининг онаси билан синглисига қолиб кетди.

Лайло сира уйда ўтиролмасди. У шаҳар кинотеатрларида намоёиш этилаётган фильмларнинг бирортасини ҳам қолдирмай кўрадиган бўлди.

Ёз кунларнинг бирида хизмат сафари туфайли келган собиқ севгилиси билан кўришди. Энди Лайло ул-бул харид қилиш баҳонасида кўчага серқатнов бўлиб қолди.

Аммо унинг бу ҳийласи узоққа чўзилмади. Лайлонинг жазманига ёзган хати тасодифан Алининг онаси қўлига келиб тушди. Оилада катта жанжал кўтарилди...

Эртаси куни Али Қувайтга учадиган учоққа сотиб олган битта чиптани Лайлонинг қўлига тутқазиб:

– Сен билан орамиз очиқ. Хайр! Бу сенга дарс бўлсин! – деди.

*Арабчадан
Бобир ФИЁСОВ
таржимаси*

Туйғулар суврати

Инна Кулишованинг Томас Венцлова билан суҳбати. 2007 йил, Тбилиси.

Ярим асрдан ортиқ вақт давомида Томас Венцлова кундалик ёзиб келади. Ҳар куни, литва тилида. Унинг саҳифаларидан буюк шоир ва ёзувчилар билан уларнинг тилларидаги суҳбатлар ҳам ўрин олган. Жумладан, Пастернак билан учрашув, Ахматова ҳузуридаги мулоқотлар, Иосиф Бродский билан суҳбатлар — рус тилида, Чеслав Милош билан суҳбат — поляк тилида, Артур Миллер, Сьюзан Зонтаг билан бўлган суҳбатлар инглиз тилида нашр этилган. Литва шоири, Йель университетининг славяншунослик профессори, Бродскийнинг дўсти ўтирган меҳмонхона айвонига чиқаркан, мен вужуд-вужудим билан беназир шахслардан бирига рўбарў бўлаётганимни теран ҳис этардим. Тбилиси тоғлари манзараси қуршовида афсона инсон ўтирар ва кунлик таассуротларини улкан дафтарга муҳрламоқда эди. Уни бу машгулотдан чалғитиш анча хижолатли эди, лекин қўнғил иштиёқи, унда ўзига тортувчи жозиба ҳам бор эди-да, барибир устун келди.

КУНДАЛИКЛАР, ПАСТЕРНАК, ОДЕН ВА ВОҚЕЛИК ҚАРШИЛИГИ ҲАҚИДА

Умид қиламанки, мен ҳаётдан кўз юмганимдан кейин кундаликларим, ҳеч бўлмаса, бир неча жилдда чоп этилгайдир. Кузьмин кундаликлари каби. Бироқ у кундаликлар мазмуни асосан қуйидагича: кеч турдим, қуймоқ едим, Семён Петрович келди. Семён Петровичнинг кимлиги — номаълум. Ҳар хил нарсалар ҳақида гаплашдик, кейин очилиб кетди. Кунба-кун шу тарзда. Менда ҳарқалай адабиётга оид воқеалар кўпроқ, бироқ мен ҳам кундаликда фалсафа сўқмайман. Мен жараёни қайд этаман: мен у ерда бўлдим, у ёки бу нарсани кўрдим, у ёки бу нарса ҳақида гаплашдим. Ёки кўргазма, спектакл борасида — бу ўринда рассом ва актёрлар ҳақида айрим фикрларимни билдираман... Кундаликларимнинг оз қисми эълон қилинган, ҳали 50-йиллар эди, жуда қизиқ давр, унда ҳатто Пастернак дафн маросими ҳам тасвирланган. У билан бир мартагина учрашган эдим. Пастернак вафотидан кейин мен олти йил кундалик ёзмадим. Бу даврларда Москвада яшардим. Бу даврни маълум маънода яхши эслайман, кунба-кун эмас, албатта, лекин уни ҳаёлимда қайта тиклашим мумкин. Бу йиллар менинг танишувларим, дўстлик ришталарини боғлашим ва кечинмаларим учун муҳим палла бўлди... Мен кундаликларимни Совет Иттифоқидан олиб чиқиб кета олдим. Унда советларга қарши гаплар бисёр эди: шўролар салтанатига мен ўз муносабатимни ошқора билдиргандим. Бу — даврнинг галати бир ҳужжатидир, чунки унда кўплаб йирик шахслар билан суҳбатлар муҳрланган. Қолаверса, кундалик орқали ўша даврнинг қайси вақтида кимнинг қаерда бўлганлигини аниқлаш мумкин. Жумладан, эндиликда бродскийшунослар Бродскийнинг қаердан қаерларга ўтганини фақат ўша кундаликлар орқали тиклашга уринмоқдалар.

Инна Кулишова — шоир, журналист, “Сўз сарҳади” шеърый китоби муаллифи (Исроил, 2000). Грузин ва яҳудий шеъриятидан таржима қилади. Тбилисида яшайди. Суҳбат қисқартиб босилмоқда.

Айни чоғда кундаликлар аср фарзандининг дил изҳори ҳамдир. Унга менинг шахсий мулоҳазаларим ҳам жо қилинган, айни чоғда ундаги саёҳат таассуротлари камида ўн жилдни ташкил этади. Мен рафиқам билан сафарларда кўп бўламан, ҳар бирини муфассал баён қиламан, кўрганларимни ёзаман: меъморчилик борасида, табиат ҳақида ва ҳоказо. Бадииятга кўп ҳам ургу бермайман, булар Манделъштамнинг “Арманистонга саёҳат”и эмас. Бироқ бу, дейлик, Тбилисининг 1957 йилда қандай қиёфада бўлганлиги ва ҳозир қандай кўринишга эга эканлиги ҳақида ҳужжатдир.

– **Менинг билганимга кўра, сиз Пастернак, Цветаева, Манделъштамлар ҳақида маърузалар ўқийсиз, улар турли йўналишдаги шоирлардир... Манделъштам, Цветаева, Бродский – бу воқеликка қаршилик адабиётидир. Пастернак эса ўзича...**

– Пастернак воқеликка сира қаршилик кўрсатмаган, аксинча, унга таслим бўлган... Бироқ айни ана шу жиҳатдан унда воқеликка нисбатан муносабат билдиришнинг ўзига хос имконияти бўлган. Менинг унга сира ёвқарашлигим йўқ. Аммо ўзим воқеликни унчаём ҳазм қилавермайдиган иккинчи тоифа одамларига мансубман. Бродский: “Манделъштам Кафкадан қайси жиҳати билан афзал? Кафка ажойиб ёзувчи, лекин у кўрқоқ ва журъатсиз”, деб айтарди. Манделъштам эса ҳар қандай шароитда ҳам, заррача чекинмайман, таслим бўлмайман, дерди.

– **“Сенинг телба дунёнга жавобим битта – айлайман инкор”**

– Ҳа, худди шундай. Бироқ мен Пастернакни номи таққиланган шоирлардан илгари ўқиганман. Балки, чиндан ҳам, у мен ўқиган йигирманчи аср рус шоирлари орасида биринчи жиддий шоир эди. Дастлаб ҳеч нарсани тушунмадим. Худди Ахматова Фростни беш марта ўқиб – гарчи, у инглиз тилини билса-да, ва бу билан фахрланса-да, бешинчи марта ўқиганида тушунгани каби. Гарчи илк ўқиганимда у менга ёққан бўлса-да, мулақо тушунарсиз эди. Кейин аста-секин тушуна бошладим ва менга кўпроқ ёқа бошлади. Ўшанда менда Пастернак оҳангида шеърлар қоралаш иштиёқи туғилди, кейин у Нобель мукофотига сазовор бўлди. Бироқ у мукофотни олишдан анча бурун ҳаманинг оғзида мукофот унга тегиши ҳақида гап юрарди. Ва биз, тўрт нафар вильнюслик ёш адиблар – бироқ орамизда биримиз – Роман Катилюс физик эди, гарчи қалбидан адабиётчи бўлса-да, (Совет Иттифоқида филологияни кимларнингдир устидан ёзишга зарурат туфайли ўрганишар эди, у физика соҳасига кириб, физика фанлари доктори илмий даражасини олганди, ҳозир Литвада йирик олим, чет элда ҳам машҳур), – бизлар Борис Леонидовичга шундай мазмунда хат ёзгандик: китобингиз Швед академияси мукофотига қўйилганлигини эшитиб ўта мамнун бўлдик, сиз уни албатта олишингизга ишонамиз ва сизга мустаҳкам соғлиқ ва янги китоблар тилаб қоламиз. Мактуб бизлардан биримиз таниш бўлган Ольга Ивинскаянинг ўғай қизи Ирина Емельянова орқали жўнатилганди. Хатимиз унинг қўлига Нобель мукофоти эълон қилиниши арафасида етиб боради. Ўйлайманки, бу мактубимиз унга қарши гаплар кўзгалган пайтларда уни қўллаб-қувватловчи хатлардан бири бўлган. Бу таҳқир жараёни жуда оғир бўлган ва минг надоматлар бўлсинки, менинг марҳум отам ҳам бу жараёнда иштирок этган. Бироқ, отамнинг ҳурмати ҳаққи, шуни айтаманки, кўп йиллардан кейин “Известия”дан унга қўнғироқ қилишиб, шоирлар Синяевский ва Даниэлга қарши мақола ёзиб бериш ҳақида мурожаат қилишганида у: “Мен бундай ишни қилмайман. Бир марта Пастернакка қарши чиққанман ва бундан ҳозир жуда афсусдаман”, деганди. У бу гапини телефонда менинг олдимда айтган ва бу жавоб ҳақидаги энг ёруғ хотираларимдан бири бўлиб қолган. Отам партия аъзоси эди, ўшанда у, менимча, Литва Ёзувчилар уюшмасини бошқарарди.

– **У сиз мансуб бўлмаган тоифадаги ёзувчи эканлигини, унинг дунёга муносабатидан сизники тамомила фарқ қилишини қачон англагансиз?**

– Балки, бошидан – дастлабки пайтларданок. Бироқ мен унга ўхшаб ёзолмаганлигимдан – мен қандайдир зўриқиб ёзардим, ҳавас қилардим... Унга ўхшаб ёзсам кошкийди, бироқ қўлимдан келмасди. Унинг мияси, шахси ўзгача эди. Кейин мен, Пастернак орқали, яна йўлимда давом этдим. У пайтлар “ўз-

ўзинга нашр” деган ибора юрарди, бу ҳали “ўз нашр” эмасди, мен Цветаеванинг дастлаб ёзган шеърларини қўлга киритгандим ва кундаликда қайд этганим эсимда, Пастернакда зарралар ҳаракат қилади, Цветаевада эса қувват ҳаракатланади. Бу балки арзимас мажоздир, бироқ менга мана шу қувват поэзияси яқинроқ эди. Кейин Мандельштамни ўқидим. Уни ўқиб, ақлдан озаёздим. Унинг “Tristia” китобини бир кечада ўқидим ва бу китоб умрим мобайнида ўқиган китобларим орасида энг манзури бўлиб қолди. Бир куни мендан, сизга энг кучли таъсир кўрсатган китоблардан еттичасини санаб беринг, деб сўраб қолишди. Булар “Одиссея”, “Ака-ука Карамазовлар” (ёки “Жинлар”, қайси бирини юқори қўйишда адашаман), Камюнинг “Вабо”си, Прустнинг “Бой берилган вақтни излаб”и, Томас Маннинг “Юсуф ва оға-инилари” (Бродский қўшилмаган бўларди), Оруэллнинг “1984” ва Мандельштамнинг “Tristia”си. Бироқ “Tristia” – мазкур етти китоб орасида биринчи ўринда туради. Мандельштамни мен Наталья Трауберг орқали қўлга киритгандим, у менинг яқин дўстим бўлиб, ўшанда литваликка турмушга чиққанди, Вильнюсда яшарди ва бизларга ўз таъсирини ўтказарди. У фақат менга эмас, балки кўплаб дўстларимга ҳам шаклланишларида, озми-кўпми, ёрдам кўрсатганди. Пастернакни бутунлай ёд билардим, лекин ҳозир бирмунчасини эсдан чиқарганман. Ушбу воқеа ҳануз эсимда: 1991 йили давлат тўнгарини содир бўлганида хотиним Тая жуңбишга тушиб, йиғлай бошлади: ўғли ва ота-онаси Москвада эди, қолаверса, энди бу ёғи Россия, дунё нима бўлади. Эсимда, мен хабардор одамлардан дастлаб сўраганим шу бўлди: “Ельцин қаерда, қамалмаганми?” Чунки Горбачёв ҳибсга олинган деган гаплар бор эди. “Йўқ” дейишди. “Ундоқ бўлса ҳаммаси жойида, у уддалайди”. Ундан кейин Америка президенти чиқиб, давлат тўнгарини баъзан муваффақиятга эришмайди, деб айтди. Бироқ Тая тун бўйи йиғлашдан тинмади, мен уни тинчлантириш учун унга ёддан шеърлар ўқий бошладим. Пастернакнинг деярли ҳаммасини, Мандельштамнинг ярмини, Цветаеванинг ҳам ярмини, яна Гумилевдан ҳам ўқидим. У аста-секин тинчланди... Пастернакни ҳануз яхши кўраман, Бродский уни Цветаева ва Мандельштамчалик яхши кўрмасди, гарчи унинг айрим асарларини, айниқса, кейинги шеърларини ёқтирса ҳам.

– **Пастернакнинг “Доктор Живаго” романи борасидаги баҳсингиз ҳам қизиқарли.**

– Мени Пастернак ҳузурига Наталья Трауберг олиб борди. У Пастернакни шахсан билар ва романни биринчи бўлиб ўқиганлардан эди. У пайтда асарни мен ҳам ўқиб чиққандим, лекин у менга ёқмаганди. Наталья Леонидовна Борис Леонидовичга мурожаат қилиб: “Бу Томас Венцлова, ёш шоир, сизнинг дастлабки шеърларингизни таржима қилмоқчи”, – деди. Пастернак унга дафъатан жавоб қилиб, дастлабки шеърларимни таржима қилиб ўтиришини ҳожати йўқ, улар арзимайди, деди. “Уларнинг деярли барчасида олифтагарчилик нуқси бор, агар мен бирон-бир арзийдиган нарсга ёзган бўлсам, бу “Доктор Живаго”дир. Ҳозир “Кўр соҳибжамол” пьесаси устида ишляпман, ёзидиганларим орасида энг манзури шу бўлади, эҳтимол”.

Пьеса жуда муваффақиятсиз чиққан, буни биларсиз, менингча. Мен Борис Леонидовичга, гапингизга сира қўшилмайман, дастлабки шеърларингизни жуда яхши кўраман, дедим; у эса уларнинг ҳеч нарсга арзимаслигини узоқ исботлашга ҳаракат қилди ва адабиёт икки тоифага бўлинади, деди: биринчи тоифа сўзбозлик. Бу тоифадаги адабиёт нафис, доно, ўтқир сўзли, Томас Манндаги сингари жозибали бўлиши мумкин. Бу – сўзбозлик. Бошқа адабиёт ҳам борки, дея гапида давом этди у, Достоевский ёки Хемингуэйники сингари. У пайтлар ҳамма “Чол ва денгиз”ни ўқиган ва ундан қаттиқ таъсирланган эди, балки у ҳам ундан мутаассир ҳолатда бўлса керак. Бундай адабиёт – инсон ҳақида ниманидир асосли айта оладиган, ўз қонунлари билан яшайдиган бутун бир дунёдир. У ниманидир ёзган бўлса, бу “Доктор Живаго”дир, у ҳақиқий адабиётга яқин, сўзбозликдан иборат эмас. Агар жиндай ҳаракат қилса, пьесаси ҳақиқий адабиётга янада яқинлашарди. Албатта, фақат у гапирарди. Мен ўзимни қотиб қолгандек ҳис қилардим, бу ҳолат деярли ярим соат давом этди. Бироқ мен, албатта, унинг гапларини ичимда маъқулламасдим, ҳозир ҳам маъқулламайман. Менга ҳозир ҳам унинг “Ҳаёт – ҳамширам менинг” номли илк шеърлар тўплами “Доктор Живаго”дан яқинроқ.

– **Ҳа, бу тўпламдаги шеърлар ажойиб!**

– Албатта, яхши шеърлар.

– **Пастернак доно одаммиди?**

– У пайтларда ҳаммининг оғзида “доно Мандельштам, тентак Пастернак” деган ибора юрарди. Бироқ у даҳо эди сўзсиз, бироқ унга илоҳий лутф камайганди, қизиқ гапларни гапирарди.

– **Сиз рус, америка, поляк шоирлари орасида кимни даҳо ва доно дея кўрсатга оласиз?**

– Даҳо ва доно дебми? Кўйинг, бу ҳақда бирор нарса деёлмайман. Балки, Одендир. Балки, Фростдир. Эсингиздами, Бродскийда шундай сатрлар бор эди, вафот этган Оден овозини эштаётганлиги ҳақида... “Ва сенинг овозинг – “Билардим уч улуг шоирни. Ҳар бири ярамас ва баттол эди” – қулогим тагида жаранглар ҳамон. Мен, бу уч улуг шоир кимлар эди, деб сўрадим. Улардан бири – Фрост. Иккинчиси – Эзра Паунд. Учинчиси эса – Бертольд Брехт. Бродский Брехтга қандай муносабатда бўлганлигини билмайман, бироқ ўйлайманки, унча яхши бўлмаган. Бироқ Фростни у яхши кўрарди, Паундни эса мутлақо. Ва, қисматни кўринки, уни Паунд ёнига дафн этишган. Айтмоқчи, менинг Бродский орқали Оденга бир шиша ўткир шаробни йўллашим ҳақида ёзган машҳур байтларим бор. Буни Бродский интервьюларида бир неча марта эсга олади. Мен Литвада Оденни таржима қилардим, ҳатто уларни эълон қилдириб, унга жўнатганман ҳам. У менга эҳтиромли мактуб йўллаб, менинг таржималарим уни жуда мамнун қилганлигини билдирган эди; ўз ўрнида таржимон иши машаққатли эканлигини ва бу меҳнат етарли даражада тақдирланмаслигини ҳам таъкидлаб ўтганди. Бродский жўнаши олдидан: “Сен, албатта, Оден билан учрашсан, мана сенга етмиш даражали ажойиб литва шароби”, дея унинг қўлига битта шишани тутқазган эдим. Оден ичкиликни яхши кўрарди, баъзан муккасидан ҳам кетарди. Буни мен, албатта, билмасдим. Бродский менга мактуб йўллаб, илтимосим бажарилганлигини, менинг шишамни Оден иккаласи ичишганлигини билдирди. Кейин мен Оден музейида, Венага яқин Кирхштеттендаги уйчасида бўлдим, у ўша манзилда дафн этилган. У қайсидир бир деҳқоннинг уйи болохонасини ижарага олиб яшаган, ўгли ҳозир ҳам ана шу уйнинг биринчи қаватида истиқомат қилади. Иккинчи қават – болохона эса Оден пайтида қандай бўлса, шундай ҳолича турибди. Адабиёт мухлислари бу ерга зиёратга келиб туришади. Унинг бир бурчида ичи бўш шишаларга тўла жавон ҳам турибди. Мен ундан ўзимнинг шишамни топаман деб ўйлагандим, тополмадим.

ГУРЖИСТОН ВА УНГА МУҲАББАТИМ ҲАҚИДА

– **Анча узоқ танаффусдан кейин сиз яна Гуржистондасиз. Сиз учун Гуржистон қандай қадрли диёрдир, аини чоғда сиз ҳам Гуржистон учун қандай шахссиз?**

– Бродский авлодига мансуб рус кишилари учун Болтиқбўйи кўнгили ёзадиган ер эди. Болтиқбўйи, асосан Литва Бродский учун ҳаммасидан кўра қадрли бўлган. Бродский, рус одами учун Литва ҳамиша тўғри йўлда бораётган бўлиб кўринган, дерди. У Литвани севарди. Гуржистонни унга нисбатан, эҳтимол, камроқ севгандир. Пушкин, Грибоедов, Лермонтов авлоди учун кўнгили ёзадиган ўлка, албатта, Гуржистон бўлган. Кейинчалик Ахмадулина сингари ярим шўровий шоирлар тоифаси учун ҳам шундай эди. Улар бу ерга бот-бот келардилар. Бироқ мен Гуржистонга шоир сифатида эмас, у пайтда мени ҳеч ким танимас эди, танишларини истамасдим ҳам, Литвадан узилиб чиқиш учун келгандим. Русларни ҳаяжонлантирган бу ердаги муҳит биз учун қандайдир димиққан туюларди, ундан қутулиб чиқиш учун бизлар Москвага, Питерга, Гуржистонга борардик. Мен асосан тоғларда юрардим, мен учун бу ўзимни жисмоний, ахлоқий, маънавий тайёргарлигимни қандайдир синовлар учун кўриқдан ўтказиш эди. Тоғларга дадил оралаб кетардим, хавфли вазиятлар ҳам рўй берганди. Мен спортга лаёқатсиз бола бўлиб ўсгандим, бундан уялардим, қийналардим, чунки спортга устимдан куларди, шу туфайли спортчи бўлишга қарор қилгандим. Ва спортчи бўлдим ҳам. Ўша давр талаби билан ёндашганда. Ва, худога шукрки, соғлигим ёмон эмас. Мен довлонлардан ўтардим, яна Гуржистонга тушардим, бу ўлкада шўролар ҳокимияти кам сезиларди, қандайдир яширин капитализм ҳукмрон эди, урф-одатлар тамомила бошқача эди, бу ерда

болтиқбўйиликларни яхши қаршилашарди. Мени бир марта каттаклашмоқчи бўлишган. Ҳозиргидек эсимда, бу Сухумида юз берганди. Ярим тунда биз Катилюс билан қаергадир отлангандик, қандайдир бесўнақай гавда бизга хезланиб кела бошлади. Роман литва тилида қаттиқ-қаттиқ гапиришга тушди, шундан кейин ҳаммаси ўтиб кетди. Улар бизни кучоқлаб, ўпиб, бақир-чақир қила бошладилар: ўзаро қисматлош эканимизни айтишди ва қаергадир зиёфатга тортқилашди. Илк ёзганларим қайсидир маънода Гуржистон билан боғлиқ. Мен 1956 йилдан ёза бошлаганман, илк шеърларим Венгрия инқилобига бағишланган. Мен уларни ҳаммаша ўз тўпламларимга киритаман. Учта қисқа шеър. Кейин кўплаб гуржи шеърлари, Пастернак билан боғлиқ, Жвари, Сигнахи ҳақида, Арманистон – улар Мандельштамга боғлиқ, – шеърлари ёзилди. Қандайдир даражада ҳаммаси Гуржистонда бошланди, шу боисдан бу диёрга нисбатан юрагимда эҳтиросим кучли. Гуржистон кўнглимни губорлардан халос қилган эди. Албатта, бу борада Москва ва Питернинг қадр-қиммати кам эмас – улар улкан шаҳарлар бўлгани учун эмас, у ердаги одамларнинг меҳри туфайли, албатта.

– **Бу энг муҳими. Йўқса Москва – маънисиз шаҳар.**

– Москва – маънисиз шаҳар, лекин мен унда ажойиб инсонларни топдим. Қолаверса, Москва мен учун муҳаббат борасида ҳам қадрлидир. Мен ҳаётимда икки марта севдим: ҳозирги хотинимни ва ҳозир ҳам Москвада яшаётган биринчи хотинимни. Бизнинг никоҳимиз (биринчи хотиним билан) бахтсиз ва муваффақиятсиз чиққанди, бироқ ўртада, шак-шубҳасиз, маҳаббат бор эди. Оден, бир хилда қаттиқ севиш мумкин эмас, мен кучлироқ севишни истардим, деб айтган эди. Кичик бир шеъримда иккимиздан биримиз, одатда бўлганидек, кучлироқ севардик деб ёзгандим. Мен кимнинг муҳаббати кучлироқ эканлигини ошкор қилмасам-да, у камина эканлиги ўз-ўзидан равшан бўлиб, бу жуда муҳим нарса эди. Иккинчи хотиним эса – аввало, Питердан. Ҳақиқий севгим икки марта бўлганди. Умрим давомида мен асосан рус қизларига ошиқ бўлганман, буни тан олишим керак.

– **Муҳаббат нима ўзи?**

– Бродский, муҳаббат – бу, севувчидан каттароқ нарсадир, деб айтганди. Мен унга қўшимча қилиб, муҳаббат – бу севиловчидан ҳам каттароқ нарсадир, дегим келади. Муҳаббат – бу, икки қутбни қамраб оладиган ва уларнинг иккисидан ҳам кўра юксакроққа ўсиб борувчи ажиб туйғудир.

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ, ШЕЪРЛАР ВА АҚИДАЛАР ҲАҚИДА

– **Нобель мукофоти устида кейинги пайтларда нималар содир бўлмоқда, бу борада сизнинг фикрларингизни билмоқчи эдим.**

– Жуда галати ишлар содир бўлмоқда. Улар мукофотни сиёсат калити орқали ҳал қилишмоқда ва бу қўйидагича: антиамерикалик, яхшиси, антиамерикалик аёл, ҳуқуқини ёқловчи аёл, эркакшода ва қоратанли бўлса ундан ҳам яхши. Мен қонунпараст, шахватпараст қоратанли аёлларга умуман қарши эмасман, ҳатто сўлларга ҳам, бироқ... бу Жванецкий даражасидаги Дарио Фо бўлмалиги керак, менингча. Елинек... Балки мен ноҳақдирман, Елинекни ўқимаганман, фақат унинг “Пианиночи аёл” асари асосида суратга олинган фильмни кўрганман – бу мутлақо ёқимсиз нарсадир. Урхон Помуққа ҳам мукофот беришди. Асосан унинг турк бўлганлиги ва арманларни ёқлаб чиққанлиги учун. Мен унинг “Қор” деган романини ўқидим. Бу роман галати жиҳатлари билан постмодернизмга даъвогарлик қилади. Бош қахрамон “К” ҳарфи билан номланади. Умуман, Кафканинг таъсири уфуриб туради. Айни чоғда у ўртамеёна савиядаги сиёсий роман.

– **Сизнингча, бугун ким Нобелга муносиброқ бўлиши мумкин?**

– Балки Томас Транстремердир. Бродский уни яхши кўрарди. У оғир хаста – миясига қон қўйилган. Умуман, бу борада бир нарса дейиш қийин, чунки адабиётда кимнинг қай даражада эканлиги маълум бир вақт ўтгандан кейин билинади. Эллик йиллик масофада кимнинг яхши ёзувчи эканлиги яққол аён бўлади.

– **Ҳарҳолда бу Бродскийда тириклигидаёқ кўзга ташланганди.**

– Бродский ноёб мисол, Милош ҳам равшан ҳодиса эди. Поляклардан Милошдан ташқари, Шимборск ҳам олган. Яна унга Збигнев Херберт ҳам муносиб эди. Бироқ у вафот этди. Уйлайманки, Нобель мукофотига Станислав Лем

ҳам арзирди, бироқ у ҳам ҳаётдан кўз юмди. Унинг ижодий қўлами жуда ўзига хос, бироқ у ўта ақлли одам эди, ёмон ёзувчи эмасди, бизда унинг “Солярис” и-ни билишади, бироқ мен унинг бошқа яхши романлари ҳам бор деб ҳисоблайман.

– **Нобель мукофоти борасида бу аҳвол қачон бошланди, сиз қандай фикрдасиз?**

– Чамамда, сўнгги йилларда бошланди бу... Шеймус Хини, албатта, Нобель мукофотига муносиб. Мана шундан кейин, айтайлик, Воле Шоинкадан кейин аҳвол ёмонлашди. Африкаликка бериш керак эди, бироқ Африкада бошқа яхши ёзувчилар ҳам бор эди. Мен французабон Леопольд Седор Сенгорга беришларини кутган эдим. У Сенегал президенти эди. Тони Моррисон ҳақида Бродский шундай деганди: “бу темирчи Игнотаснинг ҳақиқати”. Литвада соцреализмга намуна бўлган шундай роман бор эди, жуда паст савияда ёзилган, шиорлардан иборат. Бошқа жиҳатдан қараганда, яқинда жанубий африкалик Кутзега беришди, ёмон ёзувчи эмас. У маҳаллий бурлардан, инглиз тилида ёзади, бироқ ўзи африка тили соҳиби. Найпол, маъқул. Найпол Бродскийга ёқарди. Найполни учинчи дунё Солженицини дейишарди, унинг нимасини ўқиган бўлсам, ҳаммаси менда кучли таассурот қолдирган.

– **Адабий дид борасида сизнинг Бродский билан орангизда фарқ каттаими?**

– Катта эмасди. Кўп жиҳатдан бизнинг қарашларимиз ўхшаш эди. Мен буни шундай изоҳлаган бўлардим: бизга ҳар хил нарсалар ёқарди, бироқ айрим, алоҳида нарса хусусида бир фикрда бўлмаслигимиз мумкин эди.

– **Бродский, айрим шоирлар шеърни иш ўрнида кўрмайдилар, деганди, сиз эса шеър жуда оғир юмуш, агар унга қандайдир куч аралашган бўлса, унга зинадан кўтарилгандек, алоҳида руҳ билан ёндашмоқ керак... Шунда бу куч ёрдам беради, дегансиз.**

– Ёки ёрдам бермайди. Бироқ қандайдир дақиқада балки ёрдам берар, ана унда шеър чинакамига яратилади. Агар сен унинг яратилганига чиндан ҳам ишонсанг, демак, у ёрдам берган.

– **Инжилда шундай дейилади: арши аъло саъйи ҳаракат билан забт этилади.**

– Поэзия эса тамомила бошқа нарса. Бу бир-бирига ўхшамаган алоҳида иккита маъводир. Бирида – ахлоқ, бирида – маънавият, улар орасида бирмунча фарқ бор. Бродский ахлоқ маънавиятдан келиб чиқади, деб ҳисобларди, бироқ унда шундай тушунча ҳам бор эдики, унга кўра, бу икки маъво бир-бири билан кесишиши ҳам мумкин эди.

– **Баъзан менга шундай туюладики, ўлдирма, ўғирлик қилма ва бошқа шунга ўхшаш биз билган ақидалар аслида ахлоқдан ташқаридир, улар дастлаб гайбдан юборилган ваҳий сифатида ўйлаб топишган. Улар содда ва ҳаммага тушунарли эди, шу боисдан ахлоқий ақидага айланган.**

– Бу эътиборга молик фикр. Яъни сиз бу ўринда Деклог – ўн ақидани назарда тутяпсиз? Шуни назарда тутмоқ керакки, Худонинг у даврларда жуда ёввойи одамлар билан гаплашишига тўғри келган. Шу боисдан У ўзини тушунтиришлари учун кўп нарсани соддалаштирган.

ТАРЖИМАИ ҲОЛГА ОИД: ОДИССЕЯ ҲАҚИДА АФСОНА, АГАСФЕР, ВИЛЬНИУС, ПОЭЗИЯ...

– **Менимча, ўз табиатига кўра, шоир Одиссей бўлолмайди, у Энейдир, ҳамиша илгарига қараб юради, уйига қайтмайди. Унинг кўчиши жўрофий маънода эмас, мажозий маънода.**

– Ҳа, Эней илгари кетади, фақат илгарига, Одиссей эса айлана ясайди. Менинг кўнглимга Одиссей афсонаси яқинроқ, гарчи реал ҳаётда мен қайсидир даражада Литвага қайтган бўлсам ҳам. Петербургни қайтиб кўриш насиб қилмаган Бродскийдан фарқли ўлароқ... Мен ҳақимда литвалик бир аёл танқидчи ёзиб, мени Иосифга қиёслади ва у Энейдир дейди; Бродскийнинг ўзи ҳам шунчаки бошқа заминга бориб, у ерда янги шаҳарда томир отмоқчи эканлигини эътироф қилган... Мен Литвага буткул қайтаман деб ўйламайман. Нафақага чиққанимда, балки Польшада ёки Черногорияда яшарман. Эҳтимол, Краковда. Боз устига Краков ярмиси литвача услубда қурилган шаҳар. Ҳар

қалай, бизда қачонлардир яхлит давлат бўлган. Шу боисдан Америкада қолишим даргумон, у менга ёт, бегона. У ишлашга яхши, лекин бахтдан маҳрум мамлакат, ҳар ҳолда мен учун шундай.

– **Бу борада Бродский билан суҳбатлашганмисиз?**

– Ҳа, Бродский Американи мендан кўра кўпроқ севарди. Бироқ унга ё унисини, ё бунисини танлангки, улардан бирини қайтиб кўрмайсиз деб, Америка ёки Италияни тавсия этишганда, ўйлайманки, у Италияни танлаган бўларди. Мен Американи, албатта, инкор этолмайман, у ерда болаларим, эндиликда эса набираларим яшайди, бироқ ҳамешаликка Европада яшашни хоҳлайман. Литвани эса ёнбошдан, узоқдан кўриб турсам, бас.

– **Яқиндан кўрсангиз, юрагингизга оғриқ кирадими?**

– Ҳа, баъзан. Ҳатто бир кўришдаёқ, чунки Вильнюс ҳам бемаъни осмонўпар биноларга тўлиб кетган. Улар керагидан ортиқ даражада. Улар шаҳарнинг ташқи қиёфасини бузади. Бироқ эски шаҳарни кезганингда бунини сезмайсан, улар деярли кўзга ташланмайди. Литва ҳар жиҳатдан ажойиб мамлакат. Латвия ва Эстониянинг тарихи йўқ. Литвада эса бор, зеро, тарих Гуржистон ва Арманистонда ҳам бор. Литва тарихи ўз қўлами жиҳатидан Польша ёки Швеция тарихидан кам эмас, у катта мамлакатларга хос тарихдир. Литва ҳамеша бошқа ҳар қандай республикага қараганда қайсарроқ бўлган. Ва у, айтиш мумкинки, Иттифоқ тарқалишида олдинги ўринда эди — бамисли Ирландия ёки Греция сингари. Греция Усмонийлар империясидан озод бўлаётган пайтда, бу жараёни Байрон ва Пушкин кузатган ҳамда бу жараёнда қисман иштирок этганлар Бродский Литвани кузатгани ва унинг ишида қисман иштирок этгани сингари Литва жараёни бошқариб борган. Мен бу билан фахрланаман. Албатта, у ерда асарларим ҳам босилади. Бироқ Литвани — у ерда нима бўлаётганини яхшироқ англаш учун узоқроқ масофадан кузатишни хоҳлайман. Литвада бўлиш кўнглимни яйратади, албатта, у ерда дўстларим бор, гарчи истаганимдан кам бўлса-да. Бироқ менга ёвқараш қилувчилар бисёр. Мен ундайларга интернетда ҳам тез-тез тўқнаш келаман.

– **Мен сизнинг Милош билан ажойиб ёзишмаларингиздан ҳаяжонга тушдим. Унда шундай дейилган: “Қатли ом кетаётган пайтда тил ва насл-насаб нажоткор туморга айланса, мен ўзимни сўйилаётганлар орасида кўришни истардим”. Бу дунёни сақлаб турган ақида эмасми?**

– Ҳа, эҳтимол кимнидир бўғизлашса тоқат қилолмасман, кўркув устун келар. Ким билади яна. Бироқ ўз аҳдимда қатъий қолишим шак-шубҳасиз. Фақат шундоқ мавқени танламоқ мумкин.

– **Сиз Литва адабиётини қанчалик ўзгартиролдингиз, бу борада ўзингизнинг фикрингиз қандай?**

– Зиғирча ҳам ўзгартиролмадим, чунки кўриб турибманки, у мен истаган томонга ўзгармади. Мен лотинча ибора билан айтганда “poetic doctor” — “интеллектуал поэзия” йўналишида ёзаман. Уйғониш даври шоирлари, ҳатто Петрарка ёзгани сингари... Бу йўналишда кўп билим талаб этилади. Яъни шоир Библияни, антик давр мифологиясини, география, тарихни билиши керак бўлади, зеро, бундай шеърият ишоралар, истиоралар заминига қурилади. Мандельштам шундай шеърият тарафдори бўлиб, мен фикр шоириман, дерди, у кейин қандайдир даражада намоён қилиш ва чийраш учун фикрни бир нуқтага жамларди. Мен шундай поэзияни севаман. Литва шеърияти, менингча, оғир тушқунликни бошидан кечирмоқда. Бир неча номни ҳар доим такрорлаш мумкин, мен учун улардан бири Мартинайтисдир, у яхши инсон ва яхши шоир. Бироқ, афсуски, совет даврида ном қозонган шоирлар кўринмай кетишди, Худо билади улар нимани ёзишмоқда.

– **Рус адабиётини аҳвол қандай?**

– Рус адабиётини ҳам аҳвол ўзгача эмас. Гарчи кўпларга ҳали ҳам яхши муносабатда бўлсам-да, масалан, Кушнер, Шварц сингари шоирларнинг ёзаётганлари менга манзур, лекин ҳаммаси ҳақида ҳам бу гапни айтолмайман...

– **Янги авлод шоирларидан сиз кимларни биласиз?**

– Янги авлод вакиллари кам биламан. Гарчи Бродскийга жуда ёқмаса-да, менга Темур Кибиров ёқади. Мен у билан таниш эмасман, бироқ унинг ижодига муносабатим яхши. Менга ҳеч ҳам моҳиятбозлар ва Вознесенский тоифасидаги совет мумтоз шоирлари ёқмаган.

– **Сизни рус тилига таржима қилишаётгани ўзингизга қай даражада маъқул?**

– Мен иккита кичик шеъримни Бродский таржима қилганлиги билан фахрланиб юраман. Албатта, вазият тақозосига кўра. Мен Литвада эдим ўша вақтда, хорижга кетишни жуда ҳам хоҳлардим, бироқ имконини қилолмасдим, чунки четда нимамдир эълон қилиниши шарт эди. Ушанда Бродский менинг бир кичик шеъримни таржима қилиб “Континент”да ёритди. “Континент” муқовасида Солженицин, Милован Чилош ва камина босилгандик. Уларга ўзимни қиёслашдан худо сақласин. Сиймолар турлича, бироқ совет ҳукумати бунни кўргач, англадики, мени ё йигирма йилга қамаш керак, ёки хорижга чиқариб юбориш даркор. Учинчи йўл йўқ, модомики, у Вильнюсда экан ва айни чоғда сурати “Континент”да чиқиб тургач... Бу Бродскийнинг саъй-ҳаракати эди, тўғри шоҳмот юриши қилинганди. Кейин у менинг “Ўн учинчи кўшигим”ни таржима қилди... Мен шеърларим таржималари учун русча тағлама қилиб бераман, айрим сўзларни алоҳида қавс ичига оламан, мисрадаги сўз ўрнини мана шу сўзлар билан алмаштириш мумкин деган маънода. Таржима амалга ошгандан кейин у ер-бу ерини қайта кўриш зарурлиги ҳақида гаплашаман. Шу боисдан таржималаримни ҳаммуаллифликдаги таржималар деб ҳам баҳолаш мумкин, ҳарҳолда менинг улардан кўнглим тўлади.

– **Йиллар ўтиши билан сиз ўз туйғуларингизда ўзгариш сезасизми?**

– Балки ўзгариш содир бўлгандир. Мен Шўролар Иттифоқи даврида ўзимда ўта нохуш ҳолат туярдим ва бу кейин ҳам узоқ давом этди. Кейинги пайтларда ўзимни оёққа туриб олган ҳолда ҳис этияпман. Бироқ бутун онгли ҳаётим давомида ўзимни жуда ёмон ҳис этганман. Лаёқатсизлик туйғуси менда ҳукмрон эди. Болагим оғир кечганди. Бу ҳақда гапиришим керакми-йўқми, билмайман, уч ёшлигимда отамдан ва онамдан йироқда қолгандим. Уруш бошланди. Отам ва онам тирик бўлиб, бироқ отам Москвада эди, немислар Литвага бостириб кириб, икки кундан кейин онамни қамоққа олишганди. Уни оз бўлмаса отиб ташлашмоқчи бўлишди: уни яхудий эканлигида айблашди, бироқ у бошқа эди, танишлар ва қариндошлар унинг католик динига мансуб эканлигини ва литва аёли сифатида шаклланганлигини, чўқинганлигини далиллаб беришди ва уч ойдан кейин уни қўйиб юборишди. Бироқ бу вақт мобайнида уни уч марта чоҳ олдига олиб боришган. Ва кейин: “Вазиятни аниқлаш учун қайтарилди”, дейишган. У ўшанда йигирма тўққиз ёшда эди. У ердан сочлари оппоқ оқариб чиқди. Шунга қарамасдан, тўқсон беш ёш яшадилар, ақли ва хотираси жуда жойида эди. Мен руҳан мажруҳ бола эдим. Яъни менга аллақачон ақлиноқис одам сифатида қарай бошлашганди. Шунга кўра мен ҳам ўзимни шундоқ ҳисоблардим. Бу узоқ вақт давом этди. Мактабда ҳам аҳволим қийин эди, чунки бир томондан, отам қайтиб келганди, у ҳукумат аъзолигига дахлдор бўлиб чиқди, уларда талай имтиёзлар бўларди, ўша пайтда Литвада уни миллат сотқини сифатида қабул қилишганди. Мен сотқиннинг ўғли эдим. Саккизинчи синфгача менга жуда қийин бўлди. Саккизинчи синфда шундай болалар гуруҳига тушдимки, улар муаммоларимни тўғри тушунишиб, менга жуда яхши муносабатда бўла бошлашди. Мен бирдан ўзимни руҳан тиклаб, яхшироқ ҳис эта бошладим, гарчи тўла-тўқис бўлмаса ҳам. Бироқ кутилмаганда, гангиб қолдим, чунки Венгрия инқилоби бошланганди ва мен Шўролар Иттифоқи мазмун-моҳиятини узил-кесил англадим. Бу, албатта, отам билан низога ва кўп нарсаларга нисбатан бошқача қарашга олиб келди, кейин мустақил яшашга ҳаракат қилдим, Москвага кетдим, уйландим, ажрашдим. Муҳаббат воқеалари менда кўп марта содир бўлди. Ҳаммаси, охириги, яъни ҳозиргисини ҳисобга олмаганда, муваффақиятсизлик билан тугади. Гарчи, улардан фарзандларим бўлган эса-да...

Интернетдан олинди.

*Мирпўлат МИРЗО
таржимаси*

Петре СЭЛКУДЯНУ

Гумроҳ

БИРИНЧИ ҚИСМ

1

Паровоз оғир юк ортилган вагонларни аранг судраб бормоқда. Охирги вагоннинг майдончасида турган назоратчи Ирименинг саломига жавобан ўчган чироғини силкитиб қўйди. Поезд узоқлашиб, кўздан йўқолгач, Иримие кир, сариқ байроқчасини чўнтагига тикди-да, ёғ босган шапкасини бостириброқ кийиб, шлагбаумдан стрелка томон йўл олди. Сўнг темир йўлнинг шундоқ ёнгинасида жойлашган кулбасига қараб қўйди, бироқ хотини кўринмади. Кафтига туфлаб, оғир дастакни осонгина кўтарди ва стрелкани тўғрилаб қўйди.

Иримие темир изларни диққат билан кўздан кечириб, уларнинг зич турганига ишонч ҳосил қилгач, семафор тарафга қаради. Шу топда у яқинда ўтадиган поездни кўз олдига келтирди-да, унинг стрелкага етиб келгач, бир йўлдан иккинчи йўлга илдам ўтиб кетишини тасаввур қилиб кўнгли жойига тушди. Иримие будкасига етай деб қолганида деразанинг шарақлаб очилгани ва хотинининг шанғиллаганини эшитиб, тўхтади:

– Ҳой, Иримие, анави безоринг мени яна сўкди...

Дераза тарақлаб ёпилди. Иримие кўкрак чўнтагидан ипга боғланган ҳуштагини олиб, бир марта қисқа ва икки марта қулоқни қоматга келтириб, чўзиб-чўзиб чалди. Кейин ҳуштакни яна чўнтагига солиб супургини олди-да, излар орасида йиғилиб қолган ифлос қорни супура бошлади.

Бироқ у тезда жаҳлидан тушди. Иримие ҳуштак чалганча стрелкаларни тозаларкан, вақти-вақти билан супургини бир четга қўяр ва латта билан уни ярқираб кетгунга қадар артарди. Кейин симнинг учига ўраб мойга ботирилган латтани олди-да, ҳалиги ялтиратган жойларини эринмай мойлади.

Иримие изга ўтирди. Бу ердан учта йўл ўтган эди: бири сўл томонга, иккинчиси эса тўппа-тўғрига кетган бўлиб, унинг излари гўё бора-бора бир-бирига қўшилиб кетгандай кўринарди. Учинчи йўл эса

*Рус тилидан
Тўлқин АЛИМОВ
таржимаси*

Петре СЭЛКУДЯНУ румин ёзувчиларининг XX аср атоқли вақиллари ёш авлодига мансуб.

“Бир мисқол олтин”, “Чексиз фронт”, “Кўркам кўча”, “Кема” ва бошқа кўплаб асарлари унинг номини машҳур қилган. П.Сэлкудяну Ливиу Ребряну, Павел Дан каби машҳур носирлар, Ион Агирбичяну, Ион Славия каби новелла усталари изидан бориб эпик ва психологик романлардаги реалистик анъаналарни давом эттирди.

У “Гумроҳ” романида румин халқининг фашист режимига қарши олиб борган кураш жараёнининг тарихий бир саҳифа-

иккинчи йўлни турли хавф-хатардан сақлаш учун солингандай, унга ёнма-ён тушган эди. Иримие биринчи йўл тўғри шаҳарга боришини, излари орасида ўт-ўлан ўсиб ётган учинчиси эса қўшни шаҳарчада тугагини биларди. Вагон гилдираклари ялтиратиб юборган мой, керосин, кўмир кукуни тўкилавериш қорамтир тусга кирган шағал кўтарма устидаги иккинчи йўл ҳатто Иримиенинг хаёли ҳам етмайдиган узоқ жойларга олиб борарди. Мана шу ўрта йўлга айрича эътибор билан қараларди. Иримие иккинчи йўлга қараб туриб хаёлга берилиб кетди, у гўё йўлдан кетаётгани-ю, йўл туташган станциялардан қандай ўтишини, бирга келган йўловчилар билан поезддан қандай қилиб ташқарига чиқишини, қўшни вагондагилар билан қандай суҳбатлашишини кўз олдига келтирди.

Иримие Негоицэ ёнгинасида таниш оёқ товушларини эшитиб, ўзига келди. У ўрнидан турди, қаршисида катта ўғли Василе бақрайганча турарди.

Василенинг қўлтиғида папка, бир неча жойидан яхшилаб тикилиб, крем билан мойланган бир жуфт бокс қўлқопи бор эди. Иримие ўлига бошдан-оёқ шубҳаланиб қараб чиқди. Кейин унинг назари бурни остидаги сабза урган мўйловларида тўхтади-ю, ўзича, йиллар ҳам ўтиб кетибди, Василе ҳам энди бола эмас, бўй чўзиб қолибди, деб қўйди.

— Онангни нега ҳақорат қилдинг? — сўради Негоицэ.

Василе бўлса отасининг сўроғига жавоб бериш ўрнига лабларини тишлаб, ботинкасининг учи билан ерга ёпишиб турган қиррали тошни ковлай бошлади.

— Силе, эшитяпсанми? Сен тўнкага гапиряпман.

Василе чўчиб кетди. Отасининг бундай беозоргина сўкиши унинг ҳазилакам жаҳли чиқмаганини кўрсатиб турарди. Василе бемалол туриб олиш учун оёқларини бир оз керди-да, кейин ҳеч қандай кўрқувсиз отасига жимгина тикилиб нима бўлишини кутиб тураверди.

— Нима, эшитмаяпсанми? Нега уни сўкдинг?— у шундай деди-ю, тарсаки тортиб юборди.

Василе ҳатто тебранмади ҳам. Фақатгина қўлтиғига қисиб турган папкаси билан қўлқопи қорга тушиб кетди. Василе гўё ҳеч нарса бўлмагандай уларни олгани энгашиди. Қўлқопни оларкан, унинг биттаси ифлос бўлганини кўрса ҳам артишга ҳаракат қилмади. Бироқ отам билан жанжалимиз тамом бўлгандан кейин артиш эсимдан чиқиб қолмасин дегандек, ҳар замон-ҳар замон унга нигоҳини ташлаб кўярди.

— Василе, ўзингни бундай тутишга сира ҳаққинг йўқ. Гарчи, у ўз туққан онанг бўлмаса ҳам, лекин сени катта қилди, ювиб-таради, кийинтирди, едирди. Сен ўз нонингни ўзинг топиб ейдиган бўлганингдан кейингина билганингни қиласан.— Негоицэ шундай деди-ю, хўрсиниб қўйди: унинг ўғлини урганига ачинаётгани яққол билиб турарди.

сини жонлантиради, ёш авлодни тарбиялашда чуқур ахлоқий-тарбиявий масалаларни кўтариб чиқади.

Маълумки, терроризм, диний экстремизм, фашизм ва шу каби оқимларнинг кўриниши ҳар хил бўлгани билан илдизи бир бўлган заққум дарахтининг турлича шохларидир. Уларнинг мақсади, мафкурасининг моҳияти бир хил: инсониятга жароҳат етказиш. Роман ёшларни ана шундай тушунчаларни ҳушёрлик билан таҳлил қила олишга ўргатади, уларда инсонпарварлик, меҳр-шафқат, ёвузликка қарши муросасизлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади. Ушбу асардан бир парча эътиборингизга ҳавола қилинмоқда. Роман яқин кунларда китоб ҳолида чоп этилади.

Василе шундан кейингина отасининг олдида турганидан бери биринчи марта ерга қаради. Иримие орқасига ўтирилгач, секин-аста одимлаб қўлқопчани артишга тутинди. Негоице унинг орқасидан қаради. Ўғлининг кенг яғринли, бақувват елкасини кўриб, бугун кечгача энди таъбим хира бўлади дегандай, беихтиёр калласини сарак-сарак қилиб қўйди.

– Хўш, Иримие, тартиб ўрнатяпсанми?– унинг орқасидан овоз келди. Иримие ўгирилиб, қўшниси Байяшни кўрди. Унинг соқол-мўйлови тарашланган, тишининг оқини кўрсатиб илжайиб турарди.

– Ишларинг қалай, Виссарион?

– Пачава.

– Иш-пиш топдингми?

– Э, қаёқда...

– Ие, ахир, ботинканг, шимларинг янгиланиб қолибди-ку.

– Шунақа...

Байяш беш-олти қадам юриб бориб, худди бир нима эсига тушгандай шартта тўхтади-ю, такаббурлик билан елкасини учириб сўради:

– Матей тунги сменадами?

– Ҳа, тунги сменада.

Виссарион Байяш Негоицэнинг жавобига парво ҳам қилмай қўлларини шимининг чўнтагига солди-ю, пешонасига тушган толим-толим сочларини орқасига қарата силкита-силкита лайлак юриш қилиб қовоқхона тарафга кетди.

Негоицэ асбоб-ускуналарини йиғиштииб будкасига обориб қўйди. Кейин Байян кетган ёққа бир қараб қўйди-ю, чироқларни ўчириб қўйиш учун семафор томон йўналди.

“Бир вақтлар қанақа одам эди-я”,– ўзича ўйлади Негоицэ бош чайқаб.

Негоицэ соатига қаради. Етти ярим. Агар уруш бўлмаганда ҳозир бу пайтда навбатчи келарди. Энди-чи, сурункасига ўн икки соатдан ишлашга тўғри келяпти.

Иримие уйининг олдида келганда лойшувоқ хужрасига назар ташлади. Бир жойда шувоғи кўчиб тушибди. Кўлим бўшаса “кошона”ни шуваб қўярман, деб қўйди. Бир куни кечкурун Матей қовоқхонада ўтириб нима ҳам бўлди-ю, атиги ўнтача уй жойлашган уларнинг кичкинагина кўчасига “Кўркам кўча” деб ном берган, Иримиенинг лой шувоқ уйини эса “кошона” деб атаган эди.

Негоицэнинг уйи бор-йўғи икки хонали бўлиб, ҳовлисида эса товукхона, оқланган ҳожатхона-ю, ўтин тахлаб қўядиган бостирмадан бўлак ҳеч нима йўқ эди. Негоицэ семафор тарафга кетди. У семафорнинг тутқич занжирлари осилиб турган темир устунлар олдида келиб тўхтади. Занжирларни бирин-кетин тортиб шишаси қорайиб кетган, ёпиқ чироқларни пастга туширди-да, ўчирди. Кейин яна уларни шошилмасдан юқорига кўтариб қўйди.

2

Стрелкачининг будкасида уч марта қўнғироқ чалинди. Катта бекаатдан юк ташувчи поезд йўлга чиқибди. Негоицэ будкага отилиб кирди. У шлагбаумни тушириб камзулини кийди, кейин чўнтагидан сариқ байроқча чиқариб стрелкаларга қаради. У поезднинг яқинлашиши ва уни бир йўлдан иккинчи йўлга ўтиб олишини фикран кўздан кечирди-ю, ҳаммаси кўнгилдагидайлигига ишонч ҳосил

қилгандан кейин чапга, юк поезди келадиган тарафга ўтирилди, паровознинг узиб-узиб чалган гудоги эшитилгач, Негоицэ йўл четида солдатчасига тик туриб олди. Поезд яқинлашган сари паровознинг қулоқни қоматга келтирадиган қинқирғи ҳам босиб кетолмайдиган аллақандай овозлар эшитила бошлади. Поезд ерни гулдиратиб тезлик билан келарди. Немис солдатлари билан лиқ тўла йўловчи вагонларига юк вагонлари уланганди. Бу вагонларнинг кичкина деразалари тиканли сим билан тўсилган бўлиб, улардан:

– Сув, сув...– деган одамзод овозига ўхшамаган аллақандай фарёдлар, ҳайқириқлар ташқарига отилиб чиқарди.

Негоицэ бўзариб кетди. Ер титраб, назарида оёқларига минглаб игна санчилиб қолганга ўхшарди. У ўзи билмаган ҳолда олдидан лип-лип ўтиб кетаётган вагонларнинг бир маромдаги тақа-туқига бўйсунгандай дам ўнгга, дам чапга бошини бурар, кўзини ола-кула қилиб, вагон ичида ваҳимали овоз билан бақираётганларни кўриб қолишга ҳаракат қиларди. Унинг тиканли сим орасидан чўзилиб чиққан қўлга кўзи тушди. Қўлда чилвирга ўхшаган ип бўлиб унинг бир учида банкачалар осилиб турарди.

– Сув! Сув беринг, сув!

Вагон майдончасида турган солдат милтигининг қўндоғи билан узатилган қўлга бир туширди. Банкаси аввал шамол гирдобига олгандай осмонга бир қўтарилди-ю, кейин қор уюми олдига бориб тушди. Қўл эса калтак зарбидан ботиб кетган тиканли сим узра титраб силкинди.

Негоицэга остидаги ер ҳам гириллаб юриб кетаётгандек туюла бошлади. Бир вагондаги ингроқлар, дод-войлар ўтиб бир зум тўхтарди-да, яна қаттиқроқ бўлиб кейингиси келарди. Ниҳоят, лапангланганча охирги вагон ҳам кўзга чалинди. Тормоз майдончасидан чиқиб турган пулемётнинг оғзи физиллаб ўтиб кетди. Энди у номаълум нарсани отиб кетаётганга ўхшарди.

Поезд худди ер қаъридан чиқаётгандай сассиқ ҳид ва инграган овозларни қолдириб уфқда кўздан йўқолди. Иримие кимдир ёқасидан тортиб силкитаётганини сезгандагина ўзига келди. Кўз олдида солдат қиёфаси пайдо бўлди. Унинг оғзидан пиёз ҳиди анқирди.

– Шлагбаумни қўтар, анқов! Нима, шу туришда тонг оттиришимизни хоҳлайсанми?

Негоицэ солдатнинг қўлидан юлқиниб чиқди, яхшилаб сўкмоқчи бўлди-ю, ўзини тутди. У аввал ёқасини тузатди, шундан кейингина шлагбаум томонга қараб кетди, шошмасдан дастакни айлантитаркан, ҳар айлантирганда тишли гилдиракни ушлаб турувчи тилчанинг читирлашига қулоқ соларди. Ун олти марта айлантирди. Негоицэ поезд йўлини кесиб ўтиб кетаётган усти ёпиқ юк машиналарига қаради. Брезентлар остидан қозон-товоқларнинг бир-бирига урилиб шақирлаши, ўйин-кулги овозлари қулоғига чалинди. Кейин ялтироқ изларга, улар орасига сепилган, тошкўмир ва керосин ҳиди анқиб турган шағалларга боқди. Негоицэ атиги бундан бир неча дақиқа муқаддам мана шу излардан одамларни узоқ-узоқларга олиб кетишганини, ўзининг эса, уларни яхшироқ кўролмаганини эслади, эслади-ю, бирдан ўз-ўзидан уялиб кетди. У бунақа поездни биринчи кўриши. Бундай поездлар илгарилари ҳам ўтарди-ю, лекин кечалари, у навбатчилик қилмаган пайтларда ўтарди.

Негоицэ ифлос қор устида ярқираб ётган банкани кўриб, бориб қўлига олди. Банка унга шундай туюлдими, ҳар ҳолда иссиқ эди.

Чорраҳанинг нариги тарафида Виссарион Байяш унга кулиб қараб турарди.

Негоицэ пешанасидан терини артди, шимини кўтариб қўйиб, тўзгиб кетган сочларини шапкасининг остига бостириб олди.

– Ҳо, Иримие, бирон нима топдингми?

– Ҳеч нима топганим йўқ.

– Гўё мен кўрмагандек-а..

– Нимани кўра қопсан?

– Ҳаммасини кўриб турибман.

– Ундай бўлса, йўлингдан қолма, – Иримие кўрслик билан жавоб бериб банкани отиб юборди.

– Иримие, гўё биз сен билан таниш эмасдек нега мендан ўзингни олиб қочаверасан.

– Нега олиб қочарканман? Бўлганим шу, – Негоицэ хотиржамлик билан жавоб берди-да, уйқуга тўймаган кўзларини кафтлари билан уқалаб, будкасига кириб кетди. У курсига ўтириб янги ўтган поездни журналга қайд қилиб қўймоқчи бўлган эди, унга поезднинг номерини ҳам, жўнатилган станциясини ҳам маълум қилишмагани ёдига тушди. Негоицэ нима деб жавоб беришларини аввалдан билса ҳам, телефон дастагини айлантира бошлади. Нариги тарафдан овоз келгандан кейин сўради:

– Ўтиб кетган поездни қайси номер билан қайд қилиб қўяй?

– Ҳеч қайси.

– Бу қанақаси?

– Нима, кўрмисан, қандай поезд ўтганини кўрмадингми?

Негоицэ шу сўзларни эшитди-ю, нариги тарафдаги трубка дастаги шарақлаб қўйилди. Шундан сўнг у машина ёғи солинган бидон билан стрелкаларни мойлайдиган латтани кўлига олиб яна ташқарига чиқди.

Феврал тонги эди. Темир йўл изларини, тепалик томон кетган йўлни қоплаган қор ҳали тамом эриб битмаган, лекин шунай бўлса ҳам ҳаводан баҳор нафаси сезилиб турарди. Қори эриб ости кўришиб қолган ерлардан аллақандай чучмал ва нефть ҳиди таралиб буг кўтарилмоқда.

Муюлишда ўтин орқалаган одам кўринди. Унинг чаккасида шапкасининг остидан бир тутам оқ сочи чиқиб турарди. У Негоицэни кўриб бошини қимирлатди-ю, тўхтамасдан сўради:

– Нима янгилик бор?

– Ҳеч нима.

– Шунда... шунақа-да...

– Ўтинни омбордан олдингми?

– Ҳа, омбордан. Чириган, бунинг устига ҳўл, зил-замбил.

– Ҳечқиси йўқ, баҳор ҳам келиб қолди.

Негоицэ қўйин чўнтагига кўл суқиб ҳуштагини олди-да, темир йўл устида ўйнаётган кичик ўғли Ионуцга қараб бир неча бор чалди.

– Омадингни берсин, Негоицэ.

– Матей амаки, сенга ҳам омад тилайман.

Шундан кейин ҳар иккаласи ўз йўлига кетди.

4

Ҳали “Кўркам кўча” да ҳаракат унча бошланмаган бўлса ҳам, унда яшовчилар аллақачон уйғонишган эди. Юк поезди ўтиб кетиши билан бир неча деразада яна қайтадан парда кўтарилди. Бир неча вақт чор

атроф сукунат қаърига чүккандай бұлди, фақатгина хужралар устидаги мўрилардан атрофга ҳар хил ҳид таратиб чиқиб турган тутунларгина чеккадаги мана бу тор кўчада ҳаёт одатдаги тартиб бўйича бир меъёра оқаётганини кўрсатиб турарди.

Кўча эшиги гийқиллаб очилди-ю, темир йўл бўйлаб бораётган Негоицэ ўгирилиб қўлтиқтаёққа суянганча зўрға қадам ташлаб кетаётган Денеш бувани кўрди.

– Салом, Ириме.

– Хайрли кун. Денеш амаки, Саҳарлаб йўл бўлсин?

Денеш йўлни кесиб ўтди-ю, кўлмақлар, балчиқлардан зўрға-зўрға қадам ташлаб, сал баландлик бир ерга чиқди.

– Қаерга дейсанми? Картошка излаб кўрмоқчиман. Эҳтимол, кузда қазилганда қолиб кетганлари бордир. Бир чақа ҳам пул йўқ.

Иримие унинг назарига бардош беролмай кўзини ерга қадади. У Денешни беш қўлдек биларди. Бундан беш ой муқаддам уни миллати венгер бўлганлиги учун деподан ҳайдаб юборишди. Бироқ, Денеш жуда яхши машинистлардан бири эди, депода машинистлар етишмаганлиги сабабли унинг ўрни билиниб турарди. Шунинг учун баъзан уни тунги рейсларга чақиришиб ҳам қолишарди. Бод касали кўзиб, боролмай қолган пайтларда олиб кетиш учун локомотивларни уйининг олдиғача судраб келишарди. Денеш паровозга зўр-базўр чиқиб олар, эртасига эрталаб эса уни яна уйининг рўпарасига ташлаб кетишарди.

Денеш оқсоқланганча йўлида давом этди. Негоицэ орқасига қайтди.

– Хайрли эрта, Иримие амаки, – раста бўлиб дўриллаб қолган овоз эшитилди.

– Салом, Павел, ишга кетяпсанми?

– Иккинчи сменага бораман.

– Мактабни ташлаганингда афсусланмаяпсанми?

Павел йўлни кесиб ўтиб Негоицэ билан қўл бериб кўришди-ю, елкасини қисди.

– Нима қилишимни билмай қолдим. Немислар билан бирга ўқишимга отам розилик бермади. Агар розилик берган тақдирда ҳам мен уларнинг маза-бемаза гапларини ўрганиб олгунимча, ё мактаб йўқ бўлиб кетарди, ё гўштарим итларга ем бўларди. Иримие амаки, бунақа мактабнинг менга нима кераги бор, тўғримасми? Ахир, жаноби Митранинг қай ҳолга тушганини билмайсизми? Тагин уни ўқитувчи дейишади... Силенинг аҳволлари қалай? Кўрмайман, мен уйга келганимда, у мактабда бўлади. Унга осон. Яхши ўқийди: ундан кейин немисчани ҳам биледи.

Негоицэ қовоғини солди.

– Каптарларинг қалай?

– Каптарлар – ўз оти билан каптар-да, учиб юрибди...

5

Кечқурун Василе ва унинг топшириқни бажаришда иштирок этган ўртоқлари бундан бир неча соатгина илгари Рудольф нима қилиш кераклигини тушунтирган синфда очиққан ва ҳориган бир алфозда ўтиришарди.

Улар топшириқ иштирокчиларидан ҳар бирининг ўзини қандай тутганлигини муҳокама қилишарди. Рудольф фақат Василедангина бир оғиз ҳам гап эшитолмади.

– Сизларга рухсат... Йўқ, Силе, сен қол, – деди Рудольф Василе билан бир партага ўтираркан, болалар бирин-кетин синфдан чиқиб кетишди. Зиглер бўлса, эшикни ёпишдан олдин Рудольфга қаради. Унинг башараси бужмайган, тиззасигача тушган қўллари қалтирарди.

– Менга нима бўлади энди, Рудольф, – сўради Зиглер.

– Менга қолса сен билан ҳатто гаплашишни ҳам истамайман. Кўрамиз, ўқитувчи Шульц нима деркин.

Зиглер кетди. Рудольф эндигина унда-мунда сариқ туклар чиқа бошлаган иягини қашлаб қўйди.

– Силе, нега сен миқ этмадинг? Ёки бундай ишларга розимас-мисан?

– Ҳа, мен бунга ўхшаш усуллар қўллашга рози эмасман.

– Яхши. Лекин сен ҳаммамиздан яхши ҳаракат қилдинг-ку. Мен ҳалиги чўчқа Зиглер ҳақида гапирмайман. У мен учун ҳақиқий немислик шаънини йўқотди.

– Бунга ўхшаш усулларни қўллашга мен рози бўлолмайман!

– Яъни, куч ишлатишга, – аниқлаштирди Рудольф.

– Ҳа, куч ишлатишга.

– Сен Россияни диний ақидаларни ташвиқот қилиш билан енга оламиз, деб ўйлайсанми? Мен сенга ишонгандим...

– Ишончинг учун раҳмат, Рудольф.

– Лекин ўз-ўзингга ишонч ҳосил қила олишинг учун сенга таъсир ўтказолмаяпман. Силе, сенда фақат шунигина кўролмаяпман, холос.

– Агар сен ишонч деган сўзинг замирида шуни ифодаламоқчи бўлаётган бўлсанг ўша ишончингдан бемалол воз кечишинг мумкин.

Рудольф мушти билан партани тақиллата бошлади.

– Силе, нима деяётганингни ўйлаб кўр! Бизнинг умумий мақсадимиздан четда турадиган дўстлик қанақасига дўстлик бўлсин, фюрернинг сенга билдирадиган ишончидан воз кечиш, бу ҳамма нарсдан воз кечиш деган сўз бўлади. Эҳтимол, бу ҳатто ўз-ўзингдан ҳам воз кечишинг демакдир.

Рудольфнинг кўзлари кўрқинчли бир суратда чақнаб кетди. Василе бу гаплардан кейин шартта туриб жўнаб қолса ҳам бўларди, лекин ўртоғининг гаплари замирида бошқа гап борлигига тушуниб, жойида ўтираверди. Рудольф уни кўрқитяпти, бу аниқ. У фақатгина ўз номидан нима демоқчи-ю, бошқалар номидан нима демоқчи бўлаётгани номаълум эди, холос. Лекин бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Рудольф фюрер салтанатининг мақтовини келтиряпти, уни мақтаб кўкларга кўтаришга тиришяпти. У суҳбатда бу нарса фақат ўзининггина фикри эмаслигига шама ҳам қилиб қўйди. Василе мана шундай вазиятларда баҳслашиш қийин эканини жуда яхши фаҳмлаб, фақат жим туришга қарор қилди. Тўғрисиям, унга жим туришдан бўлак йўл ҳам йўқ эди. Топшириқни бажаришга кетаётганда, у фақат томошабин каби сиртдан кузатиб туришига ишончи комил эди, аслида эса, топшириқни бажарувчиларнинг биринчиси ўзи бўлиб қолди. Ҳаммасига Зиглер айбдор. Баҳайбат, хирсдан кучли бу танбал ўзида одамгарчиликдан тариқча бўлмаса ҳамки, одамгарчиликка ундаб, бир чеккада тураверди. Агар Зиглер кўлини қовуштириб бир чеккада турмаганда, Рудольф ёқлаган, назарий мулоҳазалар билан асослаб илгари сурган, аслида Василе учун қоронги, тамоман шубҳали бўлган бу ишга эҳтимол у аралашмаган бўларди. Рудольф умум томонидан бутунлай маъқулланган, тан олинган гоёлар учун ҳаракат қиляпмиз, деб уларни ишонтирган эди. Василе ўзини Зиглер қандай тутган бўлса,

шундай тутолмади. Лекин унинг ўз майлига, эркига қарама-қарши ўлароқ, топшириқни бажаришда иштирок этиши унга келажак ҳақидаги ўз нуқтаи назарини таҳлил қилиш ва уни аниқлаб олиш ҳуқуқини берди.

– Силе, мен сенинг мулоҳаза юритиш қобилиятига эга бўлганингдан хурсандман. Сен ҳеч қачон Зиглерга ўхшаш қўрқоқлик қилолмайсан.

Василе умуман улар таянган, иш кўрадиган ҳар қандай усулларни тан олмаслигини яна бир марта гапириш учун эндигина оғиз жуфтлаган эди, Рудольф гапириб қолгандан кейин оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди.

– Ҳаммасининг падарига лаънат! Мен унчалик аччиқланмаслигим ҳам керак. Сени тушунишим шарт, бунга мажбурман. Сен фақатгина ярим немиссан, демак, шундай экан, мендан талаб қилиш мумкин бўлган нарсанинг ярмини сендан талаб қилиш даркор. Сен олий герман гуманизмини одамлар асрлар давомида одатланиб келган майда гуманизм билан қориштириб юбормаслигинг керак. Сен албатта бу ҳақда эшитгансан, қайтадан такрорлаб ўтиришимга ҳожат йўқ. Ўзингдаги майда ҳис-туйғуларни ўлдир. Шуни билиб қўйгинки, бизнинг идора усулимизга фақатгина ўзининг мавжудлиги ҳамда умумий бирлигимизда қўшила олмаслиги биланоқ қаршилиқ қиладиган, тузумимизнинг йўлига тўғаноқ бўладиган ҳар бир одамни маҳв этиш, йўқотиш, уни ўлдирмай тирик қолдирганга ва бу билан ўзимизни ўзимиз бадном қилганга қараганда юз чандон фойдали ҳамда олижаноброқдир. Ўзингни ўзинг идора қилишни, одамлар устидан ҳукмронлик қилишни ўрган, Василе. Ана шундагина сен вужудингда қандай куч-қудрат мавжуд эканлигини сезиб оласан.

– Мен қаттиққўллик қилолмайман, Рудольф. Агар менинг онам тирик бўлганда, ҳалиги қилган ишимга ўхшаган ишларни бажариш ҳақидаги фикрларим билан ҳеч қачон келишолмаган бўларди.

– Агар сенинг ойинг тирик бўлса-ю, у ҳақиқий немис аёли бўладиган бўлса, сени албатта тушунган бўларди. Бизнинг идора усулимиз ўзида қаттиққўлликни ҳам мужассамлантирган, уни оқлайди. Хўш, агар коммунистлар бутун деворларни тўлдириб шаънимизга ҳар хил бўлмағур гапларни ёзиб ташлаб, бизга қарши чиқса, исён қилса, улар одамгарчилик қилган бўлишадими? Тағин бундай ишлар бизга дўст бўлган бир мамлакатда содир бўлиб турса-чи?

– Рудольф, демак, сен ўзингни бу мамлакатнинг фуқароси ҳисобламас экансан-да?

– Силе, мен янги тартибнинг фуқаросиман, шунинг ўзи менга кифоя! Сен ҳам ўзингга худди мана шу нуқтаи назардан ёндошишинг керак.

Василе Рудольфга қаради. Унинг лаблари бир-бирига ёпишиб шундай юпқа тортиб кетган эдики, уларнинг бирлашган жойида худди устаранинг тигидай ингичка чизиқ тушиб қолган эди. Василе Рудольф ҳозиргидай ўз фикрини аниқ-равшан ифодалаб бериш қобилиятига эга экан, нима учун дарс вақтида ҳатто у ўша дарсни жуда яхши тайёрласа ҳам, сўзлари оғзидан тушиб кетаётгандек гапини тополмай пойма-пой гулдирашига тушунолмади. Унинг ҳамма ўйлаганлари чаппасига айланиб кетди. У мақтанчоқ Рудольф ўзини ҳадеб бунақа тутавермаслиги учун гап билан бошлаб оғзини очирмай қўйиш керак, деб ўйлади. Ҳатто Василенинг калласига Рудольфга унинг кимлигини ўзига билдириб қўйиш учун яхшилаб савалаш фикри ҳам келди, лекин у бундай қилишга ботина олмади. Ўзида аллақандай хижолатпазлик

ва яна қандайдир бошқа туйғулар аралашган кўнгилашлик ҳиссини туя бошлади. Василе буни нима учундир кўрқоқлик деб аташга юраги бормади. Йўқ, кўрқоқлик ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Рудольфми, агар унинг оғзига қараб битта туширилса, шунинг ўзи кифоя, оёғининг остида ўрмалаб юради. Лекин шуниси қизиқки, Василе илгарилари қандай бўлишидан қатъи назар бундай вазиятларда ҳечам қараб турмасди. Энди бўлса, бу аллақандай ғайритабиий бир нарсасдек туюлиб кетди. Рудольф мактабда ўзини ўқувчилар олдида қандай тутиши билан, унинг ҳозирги, Василе билан бетма-бет турганидаги ҳолати ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди. Унинг мана шу янги фазилатининг ўзигина Василени лол қолдириб қўйган, унда ўзига нисбатан ҳаваслантирувчи ҳис-туйғу уйғотган эди. Ҳа, Рудольф Василе билан бўлган ҳозирги суҳбатда, шубҳасиз, ундан устун келди. У гуманизм ҳақида шундай ширинсуханлик билан тамоман бошқача фикр юритар эдики, бу гаплар Василенинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Василе авваллари коммунистлар ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмас эди. Рудольф улар ҳақида жуда аниқ ва ишонарли қилиб гапириб берди.

– Тоблан, Силе. Сенинг тобланишинг анча қийин бўлади. Лекин, бора-бора шундай пайтлар ҳам келадики, ўшанда сен, мен ҳақимда ҳозир шундай фикрларга борганлигинга ўзинг афсусланасан.

Василе чўчиб тушди.

– Сен ҳақингда нима фикр юритаётганимни қаердан билдинг?

– Сен мендан яхши ўқийсан. Орамиздаги бу фарқни, ҳойнаҳой табиий ва бошқа нарсаларда ҳам шундай деб билсанг керак. Лекин бундай устунликнинг икки пулга қиммати йўқ, у ҳеч қандай аҳамиятга молик эмас. Сен фақат бир нарса хусусида унутяпсан: мен миллий онгга эгаман, бу онг қон-қонимга сингиб кетган. Сенда эса бу нарса ҳали йўқ.

Василе кулиб юборди.

– Менга қара, Рудольф, сен ландовурнинг калтак соғиниб қолганингни кўрсам башаранга тортворгим келади.

Рудольфнинг жаҳли чиқиб кетди. Суҳбат оҳангининг расмий муомаладан тўсатдан мактабда танаффус пайтида гаплашиладиган бетакаллуфликка ўтиб кетиши унга ёқмади.

– Мени уролмайсан, Силе. Шу пайтгача бу ишни қилмаган экансан, энди эса бундай қилиш яна ҳам қийинроқ бўлади. Сен ўзингнинг румин ишчисининг ўғли эканлигини унутмаслигинг керак. Бахтингга онанг немис аёли бўлмаганда, бизнинг ичимизда юришга сенга йўл бўлсин эди. Сен бунга арзимасдинг. Бизларсиз эса, сен умрингда бирон нарсага эриша олишинг жуда қийин. Буни ўзинг ҳам яхши биласан. Сен ҳозир бошингдан кечираётган кечинмалар ҳар бир одам учун табиийдир, чунки сен олган тарбиянгнинг захрини тортишинг керак. Ахир, сенинг тарбиянг эндигина ҳақиқий немис тарбиясига ўтяпти-ку. Юрагингда эса бизга ҳасад қиласан, ҳасад қиласан-у, яна бизга яқинлашишга, ўзинг истаганингдан ҳам ортиқроқ яқинлашишга интиласан. Шунинг ёдинда тутгинки, ҳозир бутун Европа оёғимиз остида топталмоқда. Шундай экан, сен ҳамма нарсага бефарқ бўлишинг мумкин эмас. Хўжайинмисан, хизмат-кормисан – ўзингни билишинг керак.

Василени титроқ боса бошлади:

– Биринчидан, бизнинг давлатимиз енгилмаган, босиб олинмаган давлат ҳисобланади. Бу иттифоққа биз тенг ҳуқуқ билан кирганмиз.

Рудольф тантана қила бошлади.

– Мана энди ўзингга келдинг. Кўнглингдаги мана шу фикрларингни сиртга тептирмоқчи эдим-да. Ўзинг истамаган ҳолда бошингни тутиб бердинг. Айтдим-ку, немисга ўхшаб фикр қилолмайсан, деб. Сен менга ўхшаб фикр юритолганингдагина ҳар хил масалалар сен учун ўз моҳиятини йўқотади. Тўғри, бунга қачон эришишингни айтолмайман. Ўз-ўзимдан гоҳо сени “Дейчеюгенд”га таваққал билан таклиф қилиб адашмаганмикинман, деб сўраб қўяман. Йўқ, охир-оқибатда қилган ишимдан афсусланишим мумкин эмас, сени орқага тортаётган эскилик қолдиқлари фақат мана шу нарсалар билан боғланган, холос. Сен ўзингни, яшаётган ўз муҳитингни енгиб, ёриб чиқиб кетган тақдирингдагина немис деб ҳисобланишнинг қандай шарафли эканлигини ва бу номга ҳар ким ҳам муяссар бўлавермаслигини тушуниб оласан. Бир неча ойдан кейин мактабни битирувчиларнинг Германияга бориб олий маълумот олиш учун юбориладиган рўйхати тузилади. Василе, агар сенинг онгинг бугунги қилган ишинг даражасига кўтариладиган бўлса, боришга сенга имконият бўлади.

Эшик шарақлаб очилиб кетди-ю, остонада жиккаккина муаллим Шульцнинг гавдаси пайдо бўлди. У ҳарбий кийимда, кийими белини худди белбоғ билан сиқиб боғлаб қўйилгандай таранг эди. Шульц қўлларини орқасига қўйиб, хушбўй ҳид таратганча хода ютгандай тикка турарди.

Рудольф билан Василе сапчиб туришди.

– Йигитлар, сизларни табриклайман. Айниқса, сени Негиоцэ. Сенга билдирилган ҳурматдан хурсандмисан?

– Хурсандман, жаноби муаллим.

– Ҳақиқий немис бўлишга интиласанми?

– Ҳа, жаноби муаллим.

– Хайль!

– Хайль, Гитлер! – Василе билан Рудольф ҳарбийчасига жавоб беришди.

“Умумий тарих” муаллими Шульц қандай шиддат билан кирган бўлса, худди шундай чиқиб кетди. Фақат бир неча дақиқа ўтгандан кейингина Василе ўзига келди-ю, Шульцга берган бир қолипдаги жавобларининг маънисини тушунди. Лекин Рудольф бунинг учун уни узиб-узиб олди.

– Сен эътирозингни нега унинг ўзига айтмадинг? Ҳа-ҳа-ҳа! Нега сен, жаноби олийлари, сизга тўғриси айтсам, бугун муваффақият билан амалга оширилган усуллар менга ёқмади, деб ўзига маълум қилмадинг? Эҳ, Силе, агар сендан асл немис йигити чиқмаса, башарамга туф дегин!

Василе кўзини ерга қадади. У девордай оқариб кетганди.

6

Фрид Рудольфни йўлакнинг бурилиш жойида, ҳожатхона ёнида кутиб турарди. Рудольф уни кўриши билан Фрид имлаб қўлини бир силкиди-ю, зинапоядан юқори қаватга чопиб чиқиб кетди. Рудольф унинг орқасидан юраркан, йўл-йўлакай мундирини тузатиб борди. Фридга Шульцнинг кабинетини ёнида етиб олди. Улар кабинетга кириши билан муаллимлари олдида “тик қотинг” буйруғи берилгандай қотиб қолишди.

– Ўтиринглар.

Улар ёзув столи олдидаги ўриндиқларга ўтиришиб, сўзсиз кутиб туришди.

– Жуда хайрли иш қилдингизлар, йигитлар, – ён дафтарига алланималарни ёзаркан, гап бошлади Шульц. Кейин ўрнидан туриб, стол атрофини бир неча марта айланди-ю, уларнинг рўпарасига келиб тўхтади.

– Эҳтимол сизлар, нега Негоицэни бунча тарозига соляпсиз, деб сўрарсизлар. Рудольф тўғриси айт, сен бу тўғрида ҳеч ўйлаб кўрдингми?

Рудольф муаллимини бундай хаёл шу вақтгача етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган деб ишонтирмоқчи бўлиб, юзи билан ажаблангансимон бир ишора қилиб қўйди. Лекин Шульцнинг гап оҳангидан, унга тўғриси айтса, бу саволни ҳақиқатан ҳам ўзига-ўзи бир неча марта берганини тан олса, фойдали бўлишлигини сезди.

– Бу тўғрида ўйлагандим, жаноби оберштурмфюрер.

– Хўш, қандай хулосага келгандинг?

– Олдимда уни бизнинг гимназияга ўқишга киришга кўндириш муаммоси турган бир пайтдан бошлаб, мен бу ярим немиснинг бизга нима кераги бор экан, деб ўз-ўзимдан кўп марта сўраганман. У билан бирга бўлишга тўғри келган пайтимда ўзимни таҳқирлангандек сезардим. Лекин бўйруқ бажарилади, жаноби оберштурмфюрер, муҳокама қилинмайди. Шу нарса керак экан, демак, бу билан шуғулланиш зарур. Мен шундай тушунаман.

Шульц Рудольфнинг ўринли жавобидан мамнун бўлиб жилмайиб қўйди. У Шульцнинг кўнглидагини топиб гапирган эди.

Муаллим шу вақтгача суҳбатга бирон марта ҳам қўшилмаган Фридга қаради. Қассобнинг ўғли қовоғини солиб турганини кўриб хурсанд бўлди. Суҳбат давомида ўқувчилардан бирини, гарчи у ёмон ўқиса ҳам бошқалардан баланд қўйиб гаплашиш Шульцнинг тарбиялаш усулига кирарди. Ҳозир ҳам у маълум бир мақсадни кўзлаб шундай қилди. Фрид энди жаҳдан тушгандан кейин бошлиқларнинг эътиборини қозониш ва бу борада Рудольфдан ўтиб кетиш учун жон-жаҳди билан киришишига Шульцнинг ишончи комил эди. Шульц йигитлар орасига жуда озгина, билинар-билинемас бўлса ҳам уларнинг дўстона муносабатларини, алоқаларини ёндирадиган лампамой – ҳасад сепиб қўяр ва уни алангалантирарди. У бу нарани йигитларнинг ақлини фақат бир фикрга жалб қилиш, бўйсундириш мақсадида қиларди. Шульцда тарбиянинг мана шундай усуллари жуда ҳам кўп бўлиб, у буларни онгли равишда мунтазам қўллаб турарди. Одамларнинг фикрига кириб кетиш, кўнглини топиш. Шульцнинг тасавурида фавқуллодда зарур нарса саналарди.

– Орамизда ярим немис бўлган одамнинг бўлиши мутлақо чидаб бўлмайдиган бир ҳол, албатта, – Рудольфга мурожаат қилди Шульц Фридни камситишда давом этиб, – Рудольф, сен бизнинг ҳозирги тарбиявий усулларимизда қарама-қаршилик, маълум бир миқдорда ёлғон-яшиқ, ҳийла-найранг бор-ку, деб эътироз билдиришинг мумкин. Санъат даражасига кўтарилган найрангбозлик аслида ўзининг дастлабки тушунчасини йўқотади, бошқа маъно касб этади. Найрангбозлик, сафсатабозликнинг мана бу янги тушунчаси бизнинг тилимизда жанговар қурол маъносини аңлатади. Биз фақат ёлғиз мана шу маънодагина сафсатабозмиз. Эҳтимол, бу нарса сизни газаблантирар, лекин шуни тан олишимиз керакки, мен бу борадаги найрангбозликни яна ҳам такомиллаштиришга мажбурман.

– Бундоқ бўлиши мумкин эмас, – деб юборди ўзининг энг нозик тўйгулари таҳқирланган Рудольф.

– Бўлиши ҳам гапми, Рудольф аслида бўлган-тургани худди шундай. Бу зарурат. Биз жуда ҳам устамон, зийрак бўлишимиз даркор.

Бу қурол ҳозирги замоннинг энг жанговар қуроли кучига тенг қудратли қуролдир.

– Нима қилишим лозим бўлса, шуни бажаришга тайёрман, жаноби оберштурмфюрер!– ҳайқирди Рудольф Шульцнинг рўпарасида тик туриб.

– Ҳтир.

Шульц география муаллими билан баҳсга киришганда, юқоридаги фикрларини ҳамма ўқитувчилар олдида қойилмақом қилиб аниқ баён этолмаганига бир оз қовоғини солиб, хона бўйлаб юра бошлади. Бунга эҳтимол ўшанда зирқираб оғриган тиши ҳам сабаб бўлгандир.

– Биз учун энг катта хавф туғдирадиган душман – большевиклар. Шарқда-ку, биз уларни қўлимиздаги қурол билан йўқотамиз, йўқотганда ҳам шафқатсизларча йўқотамиз. Бу ерда-чи, улар оёқдан чалади: аҳолини бизларга қарши оёққа турғизади, бизга қарши ташвиқот ишларини олиб боради. Лекин биз уларни ер билан яксон қиламиз, бу ишда ўзларининг ватандошлари ёрдам беришади. Мана шунинг учун ҳам Негоицэнинг бизга кўп нафи тегиши аниқ.

– Бу жудаям осон тиш эмас, жаноби оберштурмфюрер.

– Лекин биз учун имкониятсиз нарсанинг ўзи йўқ.

– У ўзи диндор бола, ҳаётга ҳаддан ташқари тақводорона ёндашади,– тушунтиришга ҳаракат қилди Рудольф.

– Уни бизнинг турмушимизга, ҳаётимизга жалб қилинлар. Шунда у ўз муҳитидан ажраб чиқишга мажбур бўлади. Биз ўз ғояларимиздан бўлак ҳеч қандай ғояни тан олмаймиз, нима иш қилсак ҳам барини, ҳар қандай усуллардан қатъий назар эзгулик учун қиламиз ва у муваффақият билан амалга оширилади.

Шульц столга чўкди, кейин яна ирғиб турди. Яккама-якка суҳбат тугаган эди.

Фрид папкасидан ҳеч қанақа манзил ёзилмаган кўк конверт чиқарди. Шундагина конвертининг ичидаги нарса Рудольфнинг ёдига тушди ва уни Фриднинг қўлидан олиб муаллимга тутди.

– Қанча?

– Саксон фоизи.

– Группалар фондига тушади,– деди Шульц конвертни ёзув столининг тортмасига ташларкан.

Хонадан аввал Фрид, кейин Рудольф чиқди. Улар зиналардан гаплашмасдан, бир-бирига қарамай тушишди. Рудольф бахтли эди, чунки муаллим илтифот қилиб гаплашди. Шу билан бирга ўртоғи суҳбат давомида ноқулай аҳволга тушгани ҳам унинг кўнглини кўтарган, мамнун қилган эди. Рудольф анчадан бери Фридга гуруҳда у асосий роль ўйнамаслигини шипшитиб қўймоқчи бўлиб юрарди. Ҳозир шундай қулай вазият вужудга келдики, кўнглидаги шундоққина сиртига чиқа қолди, буни у бошқа одамдан эмас, худди Шульцнинг ўзидан тасдиқлатиб олди.

– Хайль!– деди Рудольф бошқа тарафга бурилмоқчи бўлиб, лекин Фрид қўлини чўзмади.

– Фрид сенга нима бўлди? Билиб турибман, ичингда мени росаям сўкаётган бўлсанг керак, лекин ҳаммасини ўзинг кўрдинг-ку...

– Рудольф, менга яна икки минг бер,– деди Фрид Рудольфнинг кўзига тикилиб қараркан.

– Мен ҳаммага барабар тақсимлаганман.

– Ёлғон, Силега бор-йўғи икки минг бердинг, менга тўрт минг. Муаллимга йигирма беш минг, ўзинг эса саккиз минг олиб қолдинг.

Рудольфнинг лаблари титраб кетди. У Фридга мунча шолғомдек қизариб кетмасанг, деб жуда-жуда айтгиси келди-ю, тилини тийди.

– Бермайман, портфелни мен тортиб олдим-ку.

– Бизларсиз ҳеч нарса қилолмаган бўлардинг.

– Сен менга ҳасад қиляпсан, шунинг учун ҳам пул бер деяпсан.

Шульц сен билан гаплашмагани учун ичи қоралик қилиб, ўзингни шу кўйга соляпсан!

– Пул бер деяпман.

Рудольф орқа чўтагидан ҳар бири бир минг лейдан бўлган бир неча ўрам қоғоз пул чиқарди-да, иккитасини ажратиб олиб Фридга узатди.

– Василе ўзининг кам олганлиги ҳақида хабар топмайди, деб умид қиламан. У биз билан бараварлашишга ҳақиқатан ҳам нолойиқ. Чунки у ярим немис.

Фрид пулни чўнтагига солди.

– Хайль!

– Хайль!

– Эртага эрталаб кўришамиз. Клубга кел. Силе ҳам ўша ерда бўлади. Қани айт-чи, кўнглинг жойига тушдими энди?

– Ҳа, тушди.

– Шошма,– Рудольф Фридга яқин келиб қўлини узатди. Фрид унинг қўлини маҳкам сиқди,– кечир мени, Фрид.

– Хайль! – Фрид хўмрайиб тўнғиллади.

Лютеран ибодатхонасининг минорасидаги соат олтини кўрсатиб турарди. Шаҳарга қоронғилик чўкди. Бурчакдаги ресторандан “Лили Марлен” кўйини ижро этаётган оркестрнинг овози элас-элас келиб турибди.

7

Василе папкаси билан бокс кўлқопини кўлтиғига қистириб, клубга йўл олди. Ўша кунги воқеадан кейин унинг кўнгли беҳузур, дили аллақандай хира эди. У ўзи туриш-турмуши қандай эканлигини кўратмоқчи бўлса, шу онда бошқача, ҳеч кимга ёқмайдиган бирон иш қилиб қўярди. Ёки аксинча, ўз аслига ўхшамай, бошқача эканлигини кўрсатиш учун жон борича ҳаракат қилса, ўринлатарди. У топшириқни бажариш вақтида ҳам, Шульц билан бўлган суҳбатда ҳам фикрлаш қобилиятидан маҳрум, тизгинини бировнинг қўлига бериб қўйиб, қасққа етакласа ўша ёққа кетаверадиган одам қиёфасига кириб қолди. У нима учун, нима сабабдан Блауни уриши шартлигини ўйлашга ҳам вақт тополмаган эди. Буни у ўзгача ирода билан руҳи тушиб Шульцнинг саволларига қуллуқ қилган ҳолда жавоб берган пайтида ҳам хаёлига келтирмаганди. Виждон азоби кейин пайдо бўлди-ю, уни эза бошлади. Василе ўша кунни ким билан ўтказган бўлса, ўшалар кўзи олдида бошқача таассурот қолдирган эди. Энди-чи, ўз шубҳалари билан ёлғиз қолганда эса тамоман бошқача бўлиб кўриняпти, бунга унинг ўзи ҳам тўлиқ ишонч ҳосил қилиб турибди. Албатта оғайнилари уни ботир, ҳар қандай ишга лаёқатли деб ҳисоблашган. Эҳтимол, Шульц ҳам унда “янги тартиб”нинг гоёларини охирги томчи қони қолгунча ҳимоя қила оладиган одам қиёфасини кўргандир. Аслини олганда у бундай эмас, бошқача эди. Унга ётсираб, шубҳа билан қарайдиган даврлар ўтиб кетганига анча бўлди. Лекин эндигина уларнинг ишончини қозонган бир пайтда ўзининг боши қотиб қолган, чарчоқ ҳис қила бошлади. Худди бир

вақтлар уларнинг ишончини қозонишга зўр бериб тиришганликларининг азобини тортаётганга ўхшарди. Вақт ўтиб бориши билан у “умумий маданият” дарсида ўз фикрларини баён қилган ҳолда саволларга ўзи учун масаланинг моҳиятини чуқурлаштирмай дадиллик билан жавоблар бера бошлади, лекин зўрғатган қаторига қўшилган ўртоқлари билан бир марта амалий тадбир машгулотида иштирок этишидаёқ бутун тоат-ибодати бекор кетиб, уларга қайнаса қони қўшилмаслигини билиб қоларди. Рудольфнинг гапларини деярли бир соат эшитиб турибди-ю, бирон марта ҳам унга қарши бор ҳақиқатни очиб берадиган эътироз билдира олмабди, эҳтимол, ҳақиқат ўз томонида эмасдир. Ахир, Рудольфнинг ўзи уни фақат румин ишчисининг ўғли, ижтимоий келиб чиқишининг ҳам ярми булганганлигини писанда қилиб, буни ҳеч қачон унутмаслиги кераклигини айтди-ку. Василе кўнглидаги нарсаларни кимларгадир ёрилиб, шундоқ ўртоқлашгиси келардики, лекин кимга ҳам ёрилади? Отаси ўзидан шу қадар узоқ ва бегона бўлган бу саволлари хусусида нимани ҳам тушунарди? Агар онаси ҳаёт бўлгандами, унда Негоицэ мутлақо бошқа одам бўлган бўларди.

Василе клубга кириб борди. Қаторасига бир неча хонадан ўтгандан кейин ўртасига ринг қўйилган спорт залига чиқди. Бу вақтда эндигина боксчилар учрашуви тугаб, икки боксчи елкасига сочиқ осган ҳолда арқондан ўтиб ечиниш хонасига тушиб кетаётган эди.

Устози Василени кўриши билан дўстона қўл силкиб, рингга таклиф қила бошлади. Василе тарадудланиб қолди. У бир чеккада томоша қилиб туришни хоҳлаётган эди. Лекин устоз қўймади, туриб олди. Василе ечиниш хонаси томон йўналди. Шимини қозикқа илиб қўйиб эндигина чиқиб кетмоқчи бўлиб турган эди ҳамки, ерда ҳар бири минг лейдан бўлган икки ўрам қоғоз пулга кўзи тушиб қолди. У бу ерда ўзидан аввал ким бўлган бўлса, ўша одам тушириб қолдирганига ишониб, пулни кўлига олди. Шу пайт қўллари тўсатдан банкотларни асабий равишда гижимлай бошлади. Василе бир лаҳзада бўлиб ўтган ҳамма воқеаларни — Блаунинг йиртилган, гижимланган пальтоси ўзининг оёғи остида ўралашиб ётганини ҳам, унинг чўнтагидан тушиб кетган ҳамённи ҳам, Рудольф баравардан бўлиб берадиган пулларни ҳам хаёлига келтирди-ю, тишлари гижирлаб кетди. У секин-аста ечиниш хонасидаги ўриндиққа чўкди. Оғзи қуриб қолди, тили эса, ёпишқоқ лекин аччиқ бир латтага ўхшаб танглайга ёпишарди.

— Ҳо, Силе, сени капитан кутяпти.

Василенинг қулоғига ҳеч нарса кирмади. Фақат парда тортилиб рўпарасида устози пайдо бўлгандагина ўзига келди. Василе ўзини шошаётгандек қилиб кўрсатишга уринди. Пулларни шимининг чўнтагига суқди-да, хонадан чиқди. Устози унга кўлини дока билан боғлашга қарашиб юборди.

— Нима бўлди, касалмисан?— сўради тренер.

— Йўқ.

— Бугун қандай экансан, Негоицэ, кўрамыз! — қичқирди залнинг нариги тарафидан капитан. Унинг бадани сутга чайилгандек оппоқ бўлиб, ияги эса худди ботинканинг тумшугига ўхшаш учли эди.

Клубда Негоицэнинг ҳамма танишлари уни Силе деб аташарди. Василе фамилиясини айтиб чақириваётганини эшитиб, отаси хаёлига келди-ю, бирдан аллақандай ғалати ҳиссиётлар бутун вужудини қамраб олди. Йўқ, бу ўз қилмишларига пушаймонликдан эмасди. Аксинча, ўз отаси бўлмиш бир кимса олдида ҳаётида биринчи бор қалби

ифлослик, номуссизлик ботқоғига булганган одам қиёфасида кўринганидан хижолатга тушганининг белгиси эди.

Василе биринчи зарбадан сўнг ўзига келди, бунинг учун ташаккур билдиргандай капитанга қараб илжайиб қўйди. Капитан эса унинг илжайишини масхара ўрнида қабул қилди. Иккинчи зарбадан кейин фикрини йиғиб ўзини тутиб олмоқчи бўлган эди, бўлмади. Майдон четидагилар қичқириқлар билан уни қўллаб-қувватлар, лекин у мухлисларининг далда бериш учун қилган ҳамма хатти-ҳаракатларига эшитмаётгандек бефарқ қарар, гарангсиб қолган эди. Навбатдаги мушт зарбидан тиззалари букила бошлади, ҳатто у йиқилаётганини ҳам билмай қолди. Бироқ ҳакамнинг ўнгача санашига имкон бермай ўрнидан туриб кетди. Василе худди қопни тикка қилиб қўйиб ҳар тарафдан ураётгандек ёғилаётган зарбалардан бошқа ҳеч нима кўрмади. У ўзини четга олиб қочган эди, бунинг ҳам фойдаси бўлмади. Ўзи ҳам мушт ташлаган эди, қўли ҳавода муаллақ қолди. Майдон атрофида кулги кўтарилди. Бу пайтда у бурчакка сиқиб олинган эди. Капитан унинг қорнига қараб мушт туширди. Василе оғриқ зарбидан бужмайиб, тиришиб қолди, кейин ўзини орқага отди, арқон яна олдинга силтаб ташлади. Бирин-кетин берилаётган зарбаларни қайтариб туриш учун қўлларида мадор қолмаган эди. Бир кўзи ўт чиқаётгандай қизий бошлади. Ёрилган қошидан қовоғи узра қон оқиб тушиб кўзини юмиб қўйди. Отаси қаршисида аллақандай кўрқувга тушиб, қўлини шундай боғлаб қўйгани учун ҳозир Василени телбанамо бир қаҳр-ғазаб чулғаб олган эди. Қулаётган тананинг гупиллаган бир товуши қулоғига чалинди. Йиқилаётган одам бир лаҳза унга ўзи эмас худди капитандек туюлиб кетди. Номусдан, ўз ожизлигидан Василенинг йиғлагиси келарди. Ҳушидан кетишидан сал илгари бир дақиқа Негицэнинг қиёфаси кўз олдида жонланди. Отасини ёрдамга чақирмоқчи бўлган овози оғзига тўлган қондан ташқарига отилиб чиқмай бўғзига тикилиб қолди-ю, кўз олдини қоронғилик босди, ўзини йўқотди.

Василе ёғоч каравотда ҳушига келди. Каравот бошидан устознинг бўғиқ овози-ю, доктор Клауснинг чийиллаши келарди.

– Зарари йўқ, ўзига келади...

– Сув, сув беринг, – ингради Василе.

– Ўзингни аҳмоқона, жудаям аҳмоқона тутдинг, – деди шифокор. Утози сувга чиқиб кетди.

8

Вақт ярим кечадан ошди ҳамки, Василе қайтиб келмади. Шериги соат саккизда навбатчиликни қабул қилиб олгандан кейин Негицэ уйга келди-да, ечинмасданоқ ўзини каравотга ташлаб, пинакка кетди. У оёғи остида кимдир ғимирлаётганини сезиб уйғонди. Ёстиқдан бошини кўтариб қараса, Ионуц ботинкасининг ипини ечмоқчи бўлиб ўралашаётди.

– Қўявер, ўғлим, зарари йўқ...

Ионуц барибир тинчимади. Шундан кейин туриб, ботинкасининг боғичини ўзи ечди, ўғли эса оёғидан суғуриб олди.

– Ада, чарчадингизми?

– Ҳа, чарчадим, ўғлим.

Ионуц иккинчи ботинкасини ҳам суғуриб олди.

– Ионуц, соат неча бўлди.

– Ойим ётаётганида ўн бўлди, деган эди.

– Силе келмадимми?

– Йўқ ҳали.

– Сен нега ухламаётибсан? Кеч бўлиб кетди-ку.

Бола елкасини қисди-ю, жавоб бермади. У Василега бирон нима бўлмаганмикин, деб хавотир олиб ҳали ётмаган эди. Гарчи, отасининг кўзларидан у ҳам Василе ҳақида ўйлаётганини сезиб турса-да, бироқ унга ҳақиқатан ҳам бирон нарса бўлди дейишга юраги дов бермаётган эди.

Иримие ҳам Ионуцдан Василенинг кечиккани хусусида нима фикрда эканини сўрагиси келди, лекин боланинг бундай нарсаларни билиши шарт эмаслигини тушуниб, индамади. У эрталабки воқеаларни, Василенинг қулоқ-чаққасига тарсаки тортиб юборганини эслади. Эслади-ю, катта ўғли билан яхшилаб гаплашмаганига, унинг кўнглида нима бор – юрагига қўл солиб кўрмаганига афсусланди. Қаранг, Василе ўсиб, катта бўлиб кетибди-ю, буни у сезмабди. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаби бор. Иримие доим иш билан банд бўлиб, болани эътибордан четда қолдирди. Унинг кундан-кун нега бундай қайсар ҳамда ғамгин бўлиб кетаётгани сабабини аниқлаб билишга вақт тополмади.

– Ада, кўрқиб кетяпман, – шивирлади Ионуц отасининг индамай ётганини аллақандай хатардан нишона деб билди. У Негоицэнинг тўшагига яқинроқ сурилди-да, ўз қалтироғини босиш учун уни кучоқлаб олди.

– Нимадан кўрқяпсан, Ионуц?

– Василе кечасига қолиб кетган кунлари доим шунақа кўрқаман.

– У энди катта бўлиб қолди, ўғлим, сенга ўхшаган кичкина бола эмас, кечроқ келса ҳам бўлаверади, – минғирлади Негоицэ ростдан ҳам шундай эканлигига ўзи ҳам унчалик ишонқирамай.

Иккаласи бирмунча вақт жимиб қолишди. Хонада фақат Иримие билан Ионуцнинг баравар нафас олиши-ю, нариги хонада ётган Элизанинг енгил хурраги эшитиларди, холос.

Кўча эшик ғийқиллади. Уни бегона одам очганлиги аниқ эди, чунки бегона бўлмаганда зулфинидан кўтариб очарди. Шундан кейин ҳовлида қоп думалатаётгандай аллақандай шитир-шитир овоз келди. Кейин эшик тақиллади.

– Ким у? – қичқирди Негоицэ.

– Полиция.

Иримие қотиб қолди. Ионуц йиғлашга тушди.

– Бемаҳалда сизга нима керак? – эшикни очмасдан туриб сўради Иримие.

– Негоицэ Василе шу ерда турадимиз? – эшик орқасидан овоз келди.

Дарров Негоицэнинг хаёлига Василе бир иш қилиб қўйибди-ю, полиция уни бемаҳалда ахтараётган экан-да, деган фикр келди.

Иримие тезлик билан даҳлизга чиқди-да, кўш зулфини кўтариб эшикни очди. Унинг рўпарасида сержант пайдо бўлди. Сержант ҳадеб ниқобланган чўнтак фонарининг кўм-кўк нурида боксчилик гувоҳномасига қараб ниманидир ўқишга ҳаракат қиларди. Гувоҳноманинг ичида эса Василенинг сурати ёпиштирилган эди.

– Шу ерда туради. Нима бўлди?

– Отасимисан?

– Ҳа.

Сержант қўлидаги гувоҳномани чўзиб пастга имо қилди. Иримие мундоқ қараса ерда эрталаб қандай кетган бўлса, худди ўша ҳолда – қўлтигига бокс қўлқопи билан папкасини қисганча қор устида Василе чўзилиб ётибди.

– Бу уми?

Иримие зинадан тез-тези борди-ю, фонарчанинг кўк нурида ўглини зўрға таниди. Унинг ранги докадек оппоқ, бурни пачақланган, қоши пачақланган, қоши ёрилиб, у ердан қон ивиб, қоп-қора бўлиб қотиб қолган эди.

– Уни қаердан топдинглар?

– Цирк ёнидаги майдондан.

Сержант унга Василенинг боксчилик гувоҳномасини узатиб, одат бўйича қўлини чаккасига қўйиб честь берди, кейин фонарчасини ўчириб ҳовлидан чиқди. Иримие нима ҳодиса рўй берганини яхшилаб билиб олиш учун унинг кетидан эшикка отилди, лекин сержант бу вақтда қоронғилик қаърига сингиб, арвоқ сингари бирпасда кўздан ғойиб бўлган эди.

– Йиғлама, Ионуц, қўй, яхшиси кириб ойингни уйғот.

Ионуц уйга югуриб кириб кетди. Иримие бўлса, қўлини ўглининг қўлтиғига суқиб зўр-базўр кўтариб уйга олиб кирди. Фақат электр ёруғидагина Негоицэ ўглининг дабдала бўлиб кетган бетига яхшилаб қаради. У совуқ сувга сочиқ хўллаб келди, кейин ўглининг бошида чўққайиб ўтириб, унинг юзларини арта бошлади. Совуқ сочиқнинг тегиши Василени ўзига келтирди. У шишиб кетган қовоқларини кўтарди. Иримиенинг кўзи яна ўша эрталабки, Василе мактабга кетаётгандаги ўжар, адоватли кўзларга тушди.

Кўшни хонадан тунги қўйлақда Элиза чиқди. У қўрққанидан қўли билан оғзини беркитди-ю, нима гап дегандай Иримиега тикилди, кейин аччиқ спирт ҳиди димоғига урилиши билан Василе қаерлардадир ичиб, уйга ўлардай калтак еб келганини тушунди. Чехрасидаги қўрқув заҳархандалик, нафрат аломатлари билан алмашди.

– Чўчқага ўхшаган! У киши она дейишни эп кўрмасин-у, мен унга балогардон бўлиб юраверай, – у кўзлари билан нималарнидир қидирар экан вайсади.

Элиза бир парча пахта топиб, уни кўзадаги сиркага намлади, кейин Василенинг қон оқиб мўматалоқ бўлиб ётган башарасини арта бошлади.

– Нимага ҳиқиллаб турибсан? Бор, жойинга ёт! Ҳамманг бир гўрсан.

Ионуц орқага тисланди-ю, бошқа хонага чиқиб кетмади.

– Мана кўрасан, бугунми-эртагами хонавайрон қилади, уйга ўт қўяди бу. Бунақа дайдилардан буни кутиш мумкин...

– Элиза...

– Нима Элиза? Она дейишга ор қилади, кўнгилларида мен унга хизматкор бўлсам, э... сен стрелкаларингдан бошқа нимани ҳам билардинг, ҳа, шундай. Уйда миқ этмайсан, оғзинга талқон солиб оласан, лекин қанча артгани билан Василенинг юзларидан оқаётган қон тўхтамаганидан кейин йиғига тушди: – Қайси гуноҳларимга шунча хўрлик? Сен бетавфиқ йўлимда қандай пайдо бўлиб қолдинг?

– Элиза, йиғлайверма... Ҳаммаси ўтиб кетади...

– Умримда бирон кун рўшнолик, хурсандчилик кўрмадим-а...

Эр-хотин Василенинг эгнидан қўйлагини ечиб олишиб, Негоицэнинг қўйлагини кийгизишди-да, тўшакка ётқизишди. Элиза ўт ёқиб, қумфонда чой қайнатди. Кейин чой дамлаб, чойнакни каравотнинг олдидаги курсига қўйди-да, Ионуцни етаклаб бошқа хонага кириб кетди. Ўша ердан унинг йиғиси болаларнинг бир нималарни гўлдираб йиғлаганига ўхшаш бир маромда узоқ вақтгача эшитилиб турди. Кейин бу ҳам аста-секин тинди.

Чоррахага яқинлашаётган поезднинг узун қичқириғи-ю, кейин излар туташган жойда вагон ғилдиракларининг тарақа-туруқи эшитилди.

Негоицэ курсидаги чойни олиб қўйиб ўрнига ўтирди-да, ўғлига эгилди. Василе кўзини очди. Бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, шишиб кетган қонталаш лабларининг орасидан аллақандай тушунарсиз, мужмал сўзлар чиқди. Кейин у қўлини зўр-базўр чўнтагига тикди-да, ковлаштириб минг лейлик қоғозни тортиб чиқарди. Отасига унсиз, ҳатто бир оз истехзо билан узатди.

– Сен циркда пулга бокс тушганмидинг? – шивирлади Негоицэ. У деворларга, бутун теварак-атрофга ёпиштириб ташланган афишаларни эслади. Афишада кимда-ким “пулемёт” боксчи билан уч раунд бокс тушишга дош берса, унга минг лей берилиши маълум қилинган эди. – Силе, нега бундай қилдинг? – сўради Негоицэ.

– Чунки... ойим текинхўр демаслиги учун, – деди зўрға минғирлаб Василе.

– Ахир ҳамма гапни ўзингга олаверишинг ҳам керакмас-да, болам. Василе ўрнидан кўтарилиб рўмолчага қуюқ қон туфлади-да, орқасига суяниб туриб, деди:

– Менга ҳали биров нимани қилиш керак-у, нимани қилмаслик кераклигини ўргатгани йўқ.

Негоицэ ўғлига чой тутди.

– Ичолмайман...

– Ич! Томоғингдаги қонларни ювиб ташлашинг керак. Агар сенга шу даражада пул зарур бўлиб қолган бўлса, буни топишнинг бошқа йўллари ҳам бор, – Негоицэ ўғлини тинчлантиришга ҳаракат қилди.

– Ҳар ким қўлидан нима келса ўша билан пул топади. Сенинг нима ишинг бор? Бор, мени тинч қўй, сенга кўзим учиб тургани йўқ.

Негоицэнинг лаблари титраб кетди. У ота билан қандай гаплашиш кераклигини кўрсатиб қўйиш учун ўғлининг башарасига тарсаки тортиб юбормоқчи бўлди, лекин бу билан ҳеч нарса чиқара олмаслигига кўзи етиб, ўйланиб қолди.

– Ўғлим, сенга нима бўляпти ўзи? Нимангга етказиб беролмаяпман? Ҳали уйда кунинг ўтмай қолдимми? Ҳали мен сени муштлашишга юбордимми? Агар сенинг ўрнингда мен бўлганимда, ота билан бундай гаплашмаган, унга бундай муомала қилмаган бўлардим.

– Эҳтимол, отанг сенга ўхшаган бўлмагандир.

– Мен қанақа эканман?

– Ҳеч қанақа.

– Мана, ўғлим, қандай ҳолга тушиб қолдим... Ахир, мен сени деб шу кўйга тушдим-ку, жилла курса юзимга бунчалик оёқ қўймасанг бўларди. Куни бўйи аллақерларда санқиб юриб, уйга маст ҳамда ўласи қилиб калтакланган ҳолда келасан-у, яна ҳар хил бемаза гаплар билан отангни беҳурмат қилишга, дилини оғритишга юзинг чидайди... яхшимас.

Негоицэ ўрнидан туриб оқарган сочларини қўли билан тўғрилади, кейин столга ўтирди.

– Нега мени урмаяпсиз? Ахир, отамсиз-ку!

– Сени мен эмас, Худонинг ўзи жазоингни берсин.

Василе чалқанча ётиб олди.

– Агар ойим тирик бўлганда қанақа одам бўлганимни кўрардинг.

Негоицэ муштарини сиқиб ўрнидан туриб кетди.

– Онанг тўғрисида гапирма, билдингми! Бунга лойиқ эмассан!

– Нега энди лойиқ бўлмас эканман?

– Чунки, мен ҳам, онанг ҳам сени ҳеч қачон безори қилиб тарбиялашни ўйламаганмиз.

– Безори қилиб?

– Ҳа... Агар бир оз бўлса ҳам ота-онасини ҳурмат қиладиган одам ҳеч қачон шу аҳволда уларнинг кўзига кўринмаган бўларди... – Негоицэ қайта жойига ўтирди, кейин бўғиқ овозда яна сўзида давом этди: – Мен сенга нима қилишим лозим бўлса, барини қилдим. Ишлаб-ишлаб оқибатда кўрган куним шу! Сизларнинг қулларинг бўлдим. Мана, бутун ҳаракатларимнинг эвазига топганим.

Бирмунча вақт иккаласи жимиб қолишди.

– Силе, эҳтимол ўзим айбдордирман. Ахир, сен билан дурустроқ гаплашиш ҳеч қачон калламга келгани йўқ. Мен сени ҳали ёш бола қаторида кўриб юрардим. Энди билишимча, болалик ёшидан ўтиб қолибсан. Бугун эрталаб сенга қараб туриб мендан ҳам кучли бўлиб қолганлигингни билдим. Сен мени бемалол ура олишинг мумкин.

Василе деворга ағдарилиб олди.

– Дада, сизга ҳеч қачон қўлимни кўтармайман, – у шундай деди-ю, қони қочган ёноқлари узра икки томчи ёш думалади.

Иримие ҳеч нарса сезмагандай ўрнидан туриб тўшакка яқин келиб полда сочилиб ётган пулларни олди-да, ўғлининг қўлига тутди.

– Бу пуллар сеники, сен ишлаб топгансан.

Василе пулларни ўз қатига тўғрилаб иккита тарафидан қаради: бир четига қон теккан. Сўнг кўзини аввал Негоицэга, кейин бошқа хонага олиб кирадиган эшикка тикди-да, зўр-базўр куч йиғиб сўради:

– Уни севасанми?

Иримие индамади.

– У эса бошқани севади, – деди Василе бадхоҳлик ва одамнинг номусига тегадиган бир йўсинда.

– Сен, ўғлим, шуни билиб қўйгин, балоғатга етганликка етгансан, бироқ ҳали бизларни муҳокама қиладиган даражада катта бўлган эмассан.

Василе ноўрин гапириб қўйганига тушуниб, гапирган гапига пушаймон еди. Кейин ўриндан турди, кўзлари жонсарак аланглаб деди:

– Дада, келинг, шу ердан кетайлик, ўтинаман, кетайлик. Қаер бўлса ҳам майли, фақат иккаламиз яшай оладиган жой бўлса бўлди. Ахир мен ҳам катта бўлиб қолдим-ку, ишга ярайман.

– Силе, сен тушунмаяпсан...

– Қўйинг энди! Сиз бу пулни ишлаб топди деб ўйлаяпсизми? Аҳмоқ одам бунга ишонади.

– Силе!

Василе девор тарафга ағдарилиб олиб йиғига тушди. Негоицэнинг уни овутиш, кўнглини кўтариш учун қилган ҳамма ҳаракатлари зое кетди. Василе бўлса отасини дам қўли, дам оёғи билан итариб сўкар, ҳақоратларди. Кейин бирдан оёқларини узатиб жимиб қолди, охириги икки томчи ёшни чиқариб қовоқлари, киприклари ҳам бир-бирига оғир ёпишди, кейин унинг бир маромда нафас олиши эшитила бошлади – Василе ухлаб қолган эди.

Иримие букчайганича тўшакнинг бир чеккасига ўтирди. Ҳамма чарчоқлари аллақачон чиқиб кетган, ўғли билан қилган суҳбати уни саросимага солган, довдиратиб қўйган эди. У Василенинг гапларида гарчи бўрттириб гапираётган бўлса ҳам, жон борлигини сезса-да, қай даражада ўзи ҳақ, қай даражада ўғли ҳақ эканлигини ўйлаб ўйига етолмас эди. Чунки унинг бутун ҳаёти тутуриқсиз ўтганди. Бунинг айбдори ким?

Негоицэ буларнинг бари ҳақида Сатей билан гаплашишга қарор қилди.

Олдинги хонанинг эшиги секин-аста очилди. Оёғига шиппак кийган Ионуц тилини чиқариб хонага кириб келди. Иримие шу даражада ҳаёлга берилиб кетган эдики, ўғлининг келганини фақат тиззасига ўтириб тиканли юзидан ўпгандагина билди.

– Дада, нега ётмаяпсиз?

– Уйқум келмаяпти, Ионуц...

– Дада, нега сиз ойим билан бирга ухламайсиз? Гогони биласизми, отаси бор-ку, машинист, ҳув муюлишнинг нарёғида туришади. У айтдики, отаси ойиси билан ухларкан.

– Ойиси бир ўзи ётишга қўрқадигандир-да...

– Менинг ойим қўрқмайдими?

– Қўрқмаса керак.

– Дада, нега сиз уйда йўқлигингизда Виссарион амаки бизникига келади-ю, сиз борингизда келмайди?

– Бор, жойингга ёт.

Ионуц унинг тиззасига яхшилаб ўрнашиб олди-да, елкасига бошини қўйганча уйқуга кетди.

Негоицэ шу ҳолда – Василенинг шишган юзларига қараб, кичик ўғлини бағрида иситиб ўтирганча тонг оттирди.

9

Тонг отиши билан Иримие Ионуцни эҳтиётлик билан бағридан ажратиб Василенинг ёнига ётқизди-да, ювингани чиқиб кетди. У қўл ювгичнинг устига ўрнатиб қўйилган кўзгуда ўзига қараб, соқоллари ўсиб кетган чаккаларини қўли билан бир неча бор қашлаб қўйди. Соқоли мошкичири бўлиб қолганига ҳечам қайғурмади, бунга ачинмади ҳам. У фақат ўз умрида бўлиб ўтган, ҳаёлига бирининг кетидан иккинчиси қуйилиб келаётган асосий воқеаларинигина ўйларди. Бир неча дақиқа ичида нима яхши ва нима ёмон иш қилган бўлса ҳаммасини хотирига туширди. У умрида қандай ҳодисалар бўлган бўлса, ҳаммасини ипидан игнасигача эслаши мумкин эди-ю, фақат бир нарсани эслолмасди. Бу ҳам бўлса, ўша пайтларда унинг ўзи қандай аҳволда эди. Иримие Ионуц ўзи билан Виссарионни солиштириб Виссарионнинг доим юзини қиртишлаб юришини, бунинг эса соқол олиши эсидан чиқиб қолаверишини айтганини эслаб, кулиб қўйди.

Иримие соқол олишга тушди: устарани кафтига чархлаб, юзига совун сурқади. “Болалар ҳамма нарсани фаҳмлашади-я, – ўйлади. – Иззат-нафсини сақлашга келганда-чи, ўзлари билмаган ҳолда ўтакетган бешафқат бўлишади, зумрашалар”.

У тўшакка қараган эди, Василенинг ағдарилиб, Ионуцни кучоқлаб олганини кўрди. Василе Ионуцни жинидан баттар ёмон кўрар, ҳеч вақт ўзи билан бирга ётишга рухсат бермас эди. Мана, энди бўлса унинг пайли қўллари боланинг нозик бўйнидан оталарча ғамхўрлик билан кучоқлаб ётибди. Негаицэ ҳалиги пул ҳақида нимани ўйлашни ҳам билмай қолди. Василе буни рингда бокс тушиб топдими ёки бирор жойдан ўмардими? Ёшлигида ўзининг ҳам бошидан кўп кўргиликлар ўтган. Ёшларнинг бола бўлиб бола бўлмаган, катта бўлиб катта бўлмаган бир пайти бўлади. Ана шу пайт ота-онани кўп ташвишга солади. Негаицэ Василенинг қўпол гапларига унчалик чуқур маъно бермади. Фақат у ўғлининг бу сўзларни айтишга мажбур қилган нарсани билгиси келарди. Унда бундай сурбетлик, беҳаёлик қаердан пайдо бўлди? Ё у ўз ўғлини

яхши билмасмикин? Лекин асли гап бошқа ёқда эди.

Иримие устарани қаттиқ тортиб юборган эди, юзини кесиб кетди. Кесилган эт худди пиёзнинг пўстидай ажралиб чиқди-ю, ўрнидан юзи бўйлаб қон оқа бошлади. Иримие қонни тўхтатиш учун кесилган жойга аччиқтош қўйди. Аччиқтош шундай ачиштирдикки, оғриқдан лабларини қаттиқ тишлаб олди.

“Албатта Матей билан гаплашиш керак”, – ўйларди Иримие. Ўғли билан орасида бўлиб ўтган ҳодиса қандайдир кўнгилсизликдан дарак бериб турарди.

У сочиқ билан артиниб, кесилган жойини яна бир ҳўллаб, елкасига пальтосини ташлаганча қўчага чиқди.

Қўшни ҳовлида сукунат ҳукмрон. Фақат узоқ-узоқлардан хўрозларнинг қичқиривиши-ю, худди охириги кучини тўплаб туриб чинқирганга ўхшаш паровозларнинг овозлари қулоққа чалиниб турарди. Негоицэ: “Ортиқча ортворишган, мана энди тортолмаяпти”, – деб ўйлаб пастқамликдаги сўқмоқ орқали Матейларникига йўл олди. У Матейни ухлаётган жойидан турғизмоқчи бўлиб келган эди, лекин уни омборхонада гивирсиб юрганини кўриб, ҳайрон қолди.

– Яхшиям кўчадан келмабсан, – деди Матей.

– Кўчадан келгани ёқтирмаслигини биламан, лекин келмасдан иложим йўқ эди.

– Қайнатма шўрва бор, кейин печка кўрга кўмилган картошкага тўла.

– Матей амаки, овқатга тобим йўқ.

– Тобинг бўлиши керак, Овқатнинг таъмини унутсанг, ҳаётнинг ҳам таъмини унутасан.

Матей уйга кириб кетди-ю, қўлида картошка тўла кастрюл билан иккита товоқ кўтариб чиқди. Кейин иккаласи узун-қисқа бўлиб тузланган карамнинг нордон ҳиди гуп этиб димоққа урадиган ертўлага тушишди.

Иримие гўла устига ўтириб, жинчироқнинг пилигини кўтарди. Кейин Матейнинг қўлидан косани олди.

– Гапир, Иримие.

– Нимани гапирай?

– Силе тўғрисида.

– Василе тўғрисида гаплашишга келганимни қаердан биласан?

– Биладан-да.

– Василе тўшакда ўликдан бери, тирикдан нари бўлиб ётибди. У ё циркда пул ишлаш учун бокс тушган, ё бўлмаса ўғирлик қилган-у, уни ушлаб олишиб роса дўппослашган, нималигини билмайман.

Матей ўйланиб қолди.

– Ҳа-ҳа, ёмон бўлибди.

Негоицэ косани карам тузланган бочканинг устига қўйди-да, мой тегавериб кулранг тусга кириб кетган қўлларига қаради.

– Пулни қаердан олганлиги тўғрисида сенга бир нима дедими, Иримие?

– Мен аввалига циркда бокс тушган бўлса керак, деб ўйлаган эдим, кейин Василенинг ўзи бу пулни ишлаб топганим йўқ деди.

– Сен ўзинг нима деб ўйлаяпсан?

– Ўзим нима деб ўйлардим? Очиқ кўр – нодон бир одам бўлсам.

Матей папирос тугатди. Гугурт ёруғида кўзининг атрофидаги ажинларнинг ариқчалари ёрқин кўриниб кетди.

– Биласанми, сен ўғлингни қўлдан чиқариб юбординг. Эҳтимол, уни умрингда ҳечам ушламагандирсан. Сен уни ҳаддан ташқари яхши

күрганингдан ҳам қўлдан чиқардинг. Иримие, ўғлингга ҳеч қачон ўзинг аралашмайдиган, ҳатто яқинингга йўлатмайдиган бир ҳаётни раво кўрдинг. Сенинг муҳаббатинг кўр муҳаббат. Қани, ўғлинг тўғрисида нима ўйлаётган бўлсанг ҳаммасини гапириб бер-чи, мен ахир бегонаман, ўғлингни қанақалигини билмайман-ку, ҳаммаси ҳам бўлиши мумкин. Менинг билишимча, сен ўғлингга худди ёмбига қарагандай қарайсан. Ўғлингни улфатлари эса уни бузиб юборишди, одамгарчиликдан чиқаришди. Буни фақатгина сен кўрмаяпсан. Силе ўша пулларни ишлаб ҳам топмади, топиб ҳам олмади.

– Бўлмаса қаердан топди?

– Босқинчилик қилди.

– Матей...

– Кеча мен тушдан кейин саралаш бекатидан қайтаётсам, катта майдонда ўғлинг ва яна бир неча болаларнинг доктор Блаунинг чўнтақларини титкилаётгани устидан чиқиб қолдим. Силенинг олдига борган эдим, агар оғзингдан гулласанг ёмон бўлади, деб менга пўписа қилди. Василе яҳудийни талашнинг ҳеч қанақа уятли жойи йўқлигини гапириб, мени бунга ишонтирмоқчи бўлди. Ўз кўнглида ишонтирди ҳам. Улар аслида буни талашмади, балки, фашистлар партиясига кириш учун имтиҳон топширишди. Назаримда, имтиҳондан муваффақиятли ўтишди. Ажойиб ҳаракатлар қилишди, тан бермай иложинг йўқ.

– Матей, ишонгим келмаяпти. Яхшиси, уни ўз қўлларим билан у дунёга жўната қолай.

– У сенга энг паст, ҳеч нарсага арзимайдиган одамга қарагандай назар билан қарайди. Ўзини эса бошқача ҳисоблайди, бошқа ўринга қўяди. Шунинг учун ҳам мана шундай ишларни қилишга юраги дов берди. Яхшиси, у эрта-индин бировларнинг бўйнини суғурмасидан аввал, ўз қўлларинг билан ўзининг бўйнини суғуриб ташлаганинг маъқул.

– Матей, тўйдан олдин ноғора чалиб юборяпсан шекилли.

– Эҳтимол шундайдир-у, лекин мен бу гапларни ҳалигиндай хабарларни бошқа олдимга кўтариб келмаслигининг олдини олиб айтаяпман.

– Матей, кўриб турибман, мендан ниманидир яширяпсан.

– Ҳеч нарса яшираётганим йўқ, Иримие. Мен сени жуда яхши биламан, нима, сендан бир нимани яшириб, кўрқармидим. Сен бўлсанг-чи, мендан доим ўзингни олиб қочиб юрасан.

Иримие Матейнинг ҳай-ҳайлашига қарамай кўзғалиб қолди. У қандай келган бўлса, ўша йўл билан уйига қайтиб кетди. Ишга чиқишига бир соат қолибди. Энди ётишдан маъни йўқ. Уни фақатгина ҳорғинликнинг ўзи эзаётган бўлса майлийди-я! Неғоичэ даҳлиздан челакни олиб сув келтириш учун бурчакдаги сув солинган бочка томонга борди. Кейин иложи борича овоз чиқармасликка ҳаракат қилиб, секинлик билан ўтин ёра бошлади. У Матейдан эшитган ҳамма гапларни яна бир карра эсига олди-да, яхшиси, ўғли билан гаплашишга қарор қилди. Ёрган ўтинларини бир неча марта қўлтиқлаб уйга олиб кирди. Кейин бир бурда нон билан бир бўлак ёғни кўшиб газетага ўради-да, байроқчаларини қўлига олиб кетишга ҳозирланди. Эшикнинг олдига борди-ю, ўгирилиб бир-бирига ўгайликдан ҳеч қандай ном-нишона йўқ бир ҳолатда қучоқлашиб ётишган ўғилларига қаради. Кейин Василенинг қандай мудҳиш ишлар қила оладиган бўлиб ётишганлигини ўйлаб, бутун вужудини чуқур ғам-алам қамраб олди. Неғоичэ овқатини стулга қўйиб, болалари ва Элиза турса ичар, деб

олов ёқиб чой қайнатди. У пиёлани каравотнинг олдидаги курсига қўйди-да: “Чой совиб қолмасин учун печкага қўйдим. Бир-биринг билан уришмаларинг. Отанг.” – деб қалам билан хат ёзди, болаларининг устини аёл билан ёпиб қўйиб, нонуштасини қўлига олди. Кейин болалар уйғониб кетмасин деб эшикни ҳам гичиллатмай аста очди-да, ташқарига чиқди.

Булутлар остидан куёш мўралаб турарди. Юпқа муз билан қопланган ёввойи олхўрининг шохлари куёш нурларида ярқираб, секин-секин силкиниб қўяди. Пўсти юлиниб унинг ўрнидан оқиб чиққан шилимшиқ елимлари эса қизғиш рангда қотиб қолган. Бир чумчуқ ёғдудан кўзи қамашиб кетгандай учиб келиб қори эриб, ери очилиб қолган жойга қўнди. У бошини кўтариб ерни бир чўқилади-ю, тумшугида ниначининг кумуш рангда товланувчи эски, қуруқ қанотини тишлаб яна пириллаб учиб кетди.

Кўча эшиги ёпилди. Негоицэ йўлни кесиб ўтиб будкаси томон одимлаб кетди, ўрта йўлнинг семафори кўтарилган, ялтироқ издан ўқдек учиб поезд келарди. Усти очиқ вагонлар кўк брезент билан ёпилган. Ундан осмонга ҳамла қилишга ҳозирлангандек кўрсаткич бармоққа ўшаб тўпларнинг стволлари чиқиб турарди.

10

Ионуц қўлини чўнтагига тиқиб бошини қуйи солганча темир йўл кўтармаси томон борарди. У семафор тарафга қараб, гаплашиб турган Василе билан отасига кўзи тушди-ю, инқиллаганча уларнинг олдига югуриб борган эди, Иримиё унга эътибор қилмади.

– Ада, Гаврилуш Байяш айтдики...

– Жўна бу ердан! Қани, сенга айтяпман! – Негоицэ бақариб берди. Ионуц отасининг нима учун тўнини бундай тескари кийиб олганига ақли етмай, тумшугини осилтириб орқасига қайрилди.

Иримиё билан Василе семафор олдига келганда тўхташди. Негоицэ чироқларни тушириб, изнинг устига териб қўйди-да, кейин уларни бирма-бир тозалай бошлади. Василега ҳам бир эски латта узатди, бу билан сен ҳам ёрдамлаш деганга ишора қилди. Василе дулланиб кетган лампалардан бирини қўлига олиб артишга киришди.

– Нега мактабдан қайтиб келдинг? – ўғлига қарамасдан деди Негоицэ.

– Доктор уч кун уйдан чиқмаслигимни айтди.

– Бу ҳақда ёзиб бердимми?

– Ҳа.

Василе иш топилганидан хурсанд бўлиб отасига қарамай шишаларни иштиёқ билан артарди.

Унинг юзидаги шишалари қайтиб қолган, лекин кўқарган жойлари, кўзининг устидаги яранинг қонли қора кўтири ҳали кўриниб турарди.

– Василе, менга тўғриси айт, пул топаман деб муштлашдингми ёки бу пулларни ўмардингми?

Василе бир зум қилаётган ишидан тўхтади, кейин бошини қуйи солиб, худди бирон ёққа қараб тургандай, яна ишини секин-аста давом эттира бошлади.

– Сендан сўраяпман, Силе.

– Сизга барибир эмасми?

– Ўғлим, агар мен, сен айтгандай, ҳеч нарсага яроқсиз одам бўлганимда хурсанд бўлармидинг?

– Кечқурун сизни муҳокама қилиш даражасидаги катта одам эмаслигимни ўз оғзингиз билан айтгандингиз-ку, – деди Василе ҳорғинликдан ранги синиқиб кетган отасига сурбетларча чақчайиб.

– Менинг эса муҳокама қилишга ҳаққим бор. Эҳтимол, сен унисиниям, бунисиниям қилмагандирсан.

Василе отасининг гапларидан воқеани билганми-йўқми эканлигини аниқлаб олиш учун афтига тикилиб қаради. Бунинг учун у ҳозир жонини беришга ҳам тайёр эди. Лекин қанча тикилмасин, бирон-бир маъно уқиб ололмади, кейин сўрашга қарор қилди:

– Матей амаки қаерга кетди?

– Билмайман. Тейюшга кетганга ўхшайди.

– Қачон?

– Кеча кечқурун бўлса керак.

– Сенга буни ўзи айтдимми?

– Йўқ, Ануца хола айтди, – ёлғон гапирди Негоицэ.

Иримие бу гапларнинг даромадидан ўглининг мақсадини, нимага интилаётганини билиб олгандан кейин, унга таъна аралаш бир ёвқараш қилди. Демак, Матей нима деган бўлса ҳаммаси тўғри, бунга шак-шубҳа йўқ. Василе, Матей сирымни фош қилдимикин, деб ҳадиксираяпти. Иримие умрида биринчи марта рўпарасида тасаввур қилиб юргани ўз ўғли эмас, балки ёт, бегона одам турганини ҳис қилди. Негоицэ бирмунча вақт ўз пуштикамаридан бўлган ўглини койияптими ёки умрида биринчи марта кўриб турган ети ёт бегонани койияптими, билолмай гаранг бўлиб қолди.

Василе ҳам отаси нимадандир қаттиқ изтиробга тушиб турганини сизди. У тарсаки тортиб юбормасмикин, деб отасининг ажин босган қавариқ қора қўлларига тикилди. Негоицэнинг бармоқлари ярми тозаланган чироқ шишасини чангаллаб олган эди. Кейин унинг мушти секин-аста ёзилди-ю, қўли шағалга тушди.

Дрезина моторининг гулдурлагани эшитилди. У Иримие билан Василе ўтирган йўлдан келарди. Василе ўзлари билан дрезина оралиғидаги масофани кўзи билан чамалаб ўрнидан турди-да, бошқа тарафга ўтди. Негоицэ бўлса, ўйга ғарқ бўлганча изнинг устида ўтираверди. У дрезинанинг қулоқни қоматга келтирадиган даражадаги қичқиригини жудаям яқин келиб қолганда эшитди. Бу ҳам унинг қулоғига узоқдан келаётгандек туюлди. Василе бўлса:

– Дада! – деб жон-жаҳди билан қичқириб юборди-ю, лекин отасига ташланишга ботинмади. Тормознинг гижирлаши эшитилди. Дрезина Негоицэнинг шундоқ ёнгинасига келиб тўхтади. Иримие бу пайт дрезинага қарамасдан бепарвогина ўрнидан турди.

– Ҳов, Негоицэ, нима бу, мастмисан? Эртага ўз оёғинг билан станцияга келиб жарима тўлашга ариза ёзасан. Ёки бўлмаса ўлгинг келяптими? Ундай бўлса кучала еган жойингга бориб тириш. Нега линияда қор кўп? Ўзимизга тозалатгинг келяптими? – ревизор қор уюмини кўрсатиб Негоицэга ёпишиб кетди. Кейин, худди шундай оҳангда механикка моторни юргизишни буюрди.

Дрезина жўнаб кетди. Негоицэ бўлса гўё ҳеч нарса бўлмагандай яна изга ўтириб лампаларни тозалай бошлади.

– Дада, сизга нима бўлди? Сиз...

– Силе, мен нима тўғрисида ўйлаганимни биласанми? Мен шу ўтиришимда дрезинанинг остида сен қолганингда нима қилишимни ўйлаб кўрдим. Мен шундай бўлган тақдирда йиғласам кўзимга ёш келармиди, деб ўз-ўзимдан сўраб кўрдим. Ҳар ҳолда бир парча эгим – жигаримсан, эзилардим, юрагим ёрилиб кетарди. Лекин, сени

одамгарчиликдан чиқариб ваҳший қилиб юборадиган бир йўлга кириб юрганингни кўргунча, мурдангни поезднинг тагидан тортиб олганим мен учун енгил бўларди. Эсингдан чиқарма, бу гапларни сенга бегона эмас, ўз отанг гапиряпти! — Иримиё ўғлининг қўлидаги чироқни олиб, бошқа чироқлар қатори арқонга ўтказди-да, ҳаммасини елкасига ташлаганча будкаси томон кетди. Василе бўлса, эшитган гапларидан донг қотиб, турган жойида серрайиб қолди.

11

Семафордан юз қадамлар нари темир йўлнинг четида хафа бўлган, ўксинган ҳолда Ионуц турарди. Қўллари чўнтагида, ботинкасининг учлари билан қор тўдаларди.

Агар Иримиё унга бошқа пайтда шундай муомала қилганда бунга эътибор ҳам қилмаган бўларди. Бу ҳолат Гаврилуш ҳар хил гапларни гапириб кўнглига гулгула солган — ўзи саросимада қолган бир пайтга тўғри келган эди. У, онаси Ионуцга нега бундай муомала қилади-ю, Василега бошқача муомала қилади, буни ўйлаб ўйига етолмасди. Ундан кейин Гаврилуш, ўз отанг йўқ сени, деганига сира тушунолмади. Ионуц ҳамма нарсага шубҳаланса ҳам, бунга — ўз отаси йўқлигига ҳечам шубҳаланмасди. У отаси нега бундай жаҳл билан гаплашганига, саволларига жавоб бермаганига тушунмасди.

Ионуц отасини из ёнидан будкаси томон келаётганини кўрди-ю, йўлида туриб қолиб яна танбеҳ эшитмаслик учун унга орқа ўгириб олди. Бу билан ундан хафа бўлганини билдирмоқчи ҳам эди. Лекин Негоицэ етиб келиб ўғлини қўлидан ушлаб кўзига қаради-да, дили оғриганини сизди. У ўғлининг жажжи ҳамда иссиқ кафтини қўллари орасига олиб маҳкам сиқди. Унинг қоп-қора қадоқ қўллари ўғлининг юраги ҳақиқатан ҳам алланимадандир гаш бўлиб бесаранжом ураётганини дарров сизди. Кейин ёнида турган болакайга диққат билан тикилди.

— Ионуц, мендан қаттиқ хафа бўлдингми?

Бола “ҳа” дегандай бошини қимирлатди. Бундай унсиз белги билан у Негоицэга катта одамлар бунақа нарсаларни олдинроқ тушуниши, тушунгандан кейин эса қилган ишига пушаймон қилиб, кечирим сўраши керак, деган гапга ишора қилди.

Негоицэ ўғлининг қўлини яна қаттиқроқ сиқди. Ионуц отасининг бу қўл сиқишида эркалаш маъноси борлигини уққандан кейин, бир оз талтайиб, унинг нима тўғрисида ўйлаётганлигини билиш учун юзига боқди.

Негоицэ Ионуцнинг пальтосининг кўкраги туртиб чиқиб турганини кўриб қолди-ю, қовоғини солиб сўради:

— Анув ерингда нима бор? — қўйлагининг тугмаси чиқиб кетган жойини кўрсатди.

— Олхўри.

— Ўғирладингми, а?

— Ўғирлаганим йўқ, олдим.

— Ионуц, бошқа ўғирлама, худди савалайман, — шундай деб, унинг ўзи қизариб кетди.

— Ўғирлаганим йўқ, буни менга Гога берди. У муюлишдаги баққолнинг боғидан ўғирлаётганида мен қоровуллик қилиб турган эдим.

— Ҳм...

— Ўғирлади деб ўйлаяпсизми? Ҳечам ўғирлаганим йўқ-да.

— Ўғирлаганим ҳам, биров ўғирлаётганда қоровуллик ҳам қилиб

турма. Ўзинг ўғирлайсанми, қоровуллик қилиб турасанми – барибир, иккаласи ҳам ўғирлик.

- Барибирми?
- Худди шундай.
- Олхўри ейсизми? Бир оз чириганроқ...
- Қани, кўрай-чи.

Ионуц кўйнидан кўкрагида илиб қолган олхўридан бир нечтасини олиб, Негицэга узатди. Иримие бужмайиб қолган олхўридан биттасини олиб тишига босди-да, шу заҳоти афти буришиб сўлакайи оққанча туфлаб ташлади. Олхўри чиригани устига ҳаддан ташқари нордон эдики, чидаб бўлмасди.

– Менга барибир, қандай бўлсаям еявераман!

Қайсидир муюлишдан қаттиқ қичқириқ овози эшитилди-ю, “Кўркам кўча”нинг ҳамма эшикларидан аёллар чиқиб баққолнинг дўкони томон чошиб кетишди.

– Тез бўлинглар, ёғ беряпти.

Ионуц Иримиега савол назари билан қаради. Негицэ унинг зўрға турганини сизди-ю, ёнидан юз лейлик қоғоз пул чиқариб берди. Ионуц кунгабоқар ёғига навбат олиш учун жон-жаҳди билан югуриб кетди.

Иримие чироқларни деворга осиб қўйди, пешанасидаги терини артиб, стрелка тарафга бир назар ташлаб қўйди-да, тахтадан солинган будкасига кетди. Лекин остонада ҳайратдан қотиб қолди: ёғ шимилиб қорайиб кетган столига тоза дастурхон ёзилган, дастурхондаги хурмачадан хушбўй ҳид таратиб ловия шўрванинг буғи кўтарилиб турарди. Эшикнинг ёнидаги табуреткада эса шифтнинг аллақасеригадир тикилиб Элиза ўтирарди.

– Хотин, ўзи нима гап?

– Ҳеч гап йўқ, сенга овқат олиб келдим.

– Қандай қилиб эсинга келиб қолди? Кейинги тўрт йил мобайнида бундай нарса бирон марта бўлсаям эсинга келганини билмайман.

– Шунақасан-да, ўзинг... раҳмат дейиш ўрнига.

– Хурсандман, Элиза, жудаям хурсандман.

Иримие ёғоч ғўлага ўтириб овқатдан бир неча марта шошиб-пишиб тотиб кўрди, кейин хотинига қаради.

– Сен ичмайсанми?

Элиза деворнинг бир жойига тикилганча эри томон сурилди. У ердаги иккита миҳ орасида кўп марталаб бирга овқат ейишган қошиқ осилиб турарди. Негицэ ўрнидан туриб қошиқни олди, у ёқ-бу ёғига қараб, уни аввал қўли билан, кейин дастурхоннинг бир четига яхшилаб артди. Қошиқ тоза бўлгач, ўзининг қошиғини хотинига бериб, артилган қошиқда ўзи овқат ичишга тутинди.

Негицэ Элизага нима бўлганини, кўп йиллардан буён унутиб юборган, бир вақтлар ўзи учун энг асосий кундалик одат деб билган юмушини тасодифан хотирлаб қолганига ҳайрон эди. У пайтларда Элиза худди ҳозиргидек уйда овқат пиширарди-да, болаларни ёлғиз қолдирганча ўзи Иримие билан бирга овқатланиш учун овқатни олиб унинг будкасига югурарди. Кейин-кейин бу одатини буткул унутиб юборди. Иссиқми-совуқми бирон егулик ташлаб кетишга одатланди. Бу овқат эрига ёқадими, ёқмайдими, бундан у хурсандми, ё йўқми, бу хусусда ўйламай қўйди.

– Менга қара, Иримие, бизнинг турмушимиз қандай турмуш эканлигини танангга ҳеч ўйлаб кўрдингми?

Негоицэ хурмачадаги охирлаб қолган шўрвани хўплаб, қошиғини дастурхоннинг бояги ерига артди.

– Элиза, эҳтимол сенга менга ўхшамаган, бошқа эр лозимдир.

– Ахир, сен уйда ҳечам бўлмайсан. Стрелкаларингдан бўлак ҳеч нимани ўйламайсан-ку! Худди стрелкага уйлангандек. Ахир одамзодга ширин сўз, меҳр-муҳаббат ҳам керак. Ахир одам баъзан биров билан уришиб хуморини ёзиб туриши ҳам керак бўлади! Сен билан бўлсачи, Иримие, мен ҳатто уришолмайман ҳам. Менга худди бегона одамдек муомала қиласан. Мен ҳам одамман-ку! Лекин шуни билиб қўй, менда бир сир бор. Шунақа, сир бор.

Элиза идиш-товоқларни, қолган-қутган нонларни йиғиштириб дастурхонга ўради-да, ўзича нималарнидир минғирлаб хонадан чиқди. Бу минғирлашлардан Иримие фақат: “О Худойим, шунақаям овсар бўладими одам, қип-қизил аҳмоқ-а...” деган сўзларнигина илғаб олди.

Бир неча дақиқа ўтмаган ҳам эди, Элизанинг чақирган овозини эшитди. Негоицэ будкадан чиқиб қараса, у бояги йўлда турарди.

– Ионуцни кўрмадингми?

– Кунгабоқар ёғига юбордим.

– Манави ўзини поезднинг тагига ташлашга ҳозирланганми, нега изда ўтирибди? – Элиза қўли билан отаси қаерга ташлаб келган бўлса, ҳали ҳам ўша ерда ўтирган Василе тарафга ишора қилди.

Негоицэ будканинг ёнидаги харракка ўтирди-да, кенг ялпоқ чўнтагидан латта чиқариб чироқларни артишга тутинди. Унинг эсига фақат Элизанинг охирги сўзлари ўрнашиб қолди-ю, ишлаётиб ихтиёрсиз равишда ўғли тарафга қараб-қараб қўяётганини сезиб қолди.

У эҳтимол ўғлига ўша пайтда кўнглига нима келган бўлса ҳаммасини очиқ-ойдин тўкиб солиб, ҳаддан ташқари бағритошлик қилгандир-у, бу гаплар Василега қаттиқ ботгандир. Лекин Иримиенинг кўнглига гўлгула солган нарса, гарчи у умри бўйи бу нарсанинг қачонлардир юзага чиқишини, қарор топишини мутлақо истамасда, ҳақиқат, бор нарса эди.

Негоицэ ўз уйи тарафга қараб ёрилган девордаги тахтадан кўчиб кетган шувоқларга кўзи тушди-ю, албатта пасхага уйни оқлаш керак, деб кўнглидан ўтказиб қўйди.

Йўлнинг нарёғидаги ҳовлидан қаттиқ овоз чиқиб, кўча эшик тарақлаб очилиб кетди. У ердан Денеш амакининг орқанга қайт, уйга кир, деган паст, лекин пўнғиллаб гапирганига қарамасдан, шанғиллаганча бир хотин отилиб чиқди.

– Қани, Тереза, юр, столни тебрат, худди паровоздагидай бўлсин.

– Кирмайман! Чўчқа! Юлишкага ҳатто егулик бирон нарса йўқ бўлса-ю, сен ичиб юрсанг.

– Тереза, сени ранжитдимми, а? Столни тебрата қол, шу билан тамом, ўрнимга кираман-у, гўдаклардек ухлаб қоламан.

– Нима, мен сенга паровозманми, хотинманми? А?

– Унисиям, бунисиям. Хўп дея қол, бир марта... жоним, меҳрибоним...

– Тереза, эринга нима бўлди? – деди шовқин-суронни эшитиб кўчага чиққан Матейнинг хотини Ануца.

– Нима бўларди? Ичиб олса бас, ҳар хил хунар чиқараверади. Ким уни венгер қилиб туғдийкин-а? Лўлидан туғилса бўлмасмиди... Дедодан думини туғишди, энди бўлса келиб мени столни тебратиб тур, деб мажбур қиляпти. Бўлмаса, томоғидан овқат ўтмасмиш. Шунақасини ҳеч эшитганмисан, а? Бировлар сени венгер қилиб туғиб қўйган экан, депо бошлиғи билан тортишишингга бало борми?

Оғзингга талқон солиб, Юлишка билан мен ҳақимда ўйлашинг керак эди. Андрейдан дарак борми, Ануца? – охирида сўради Тереза.

– Йўқ, хат келмаганигаям бир ой бўлди.

– Беладан ҳам келмаяпти.

– Жоним, фариштам, бўла қол энди...

Тереза кафтлари билан сонига уриб қўйди.

– Худо олсин сени! Ёлғондакам эркалаётганини қара, майли, столени тебратсам тебрата қолай.

Тереза рўмолини танғиб боғлади-да, ҳовлисига кириб кетди.

Будкадаги қўнғироқча уч марта босилди. Негоицэ ўзини кулгидан зўрға тутиб диққат билан кулоқ тутди. Кейин яна икки марта босилди-ю, телефон жиринглади. Негоицэ тезюрар поезднинг рақамини ёзиб байроқчасини қўлига олди-да, йўлга чиқди. Стрелкани кўтариб қўйиб шу ялтироқ издан келадиган поездни хаёл қилиб йўлга разм солди. Унинг назари Василега тушди. Василе анча узоқда эди, у икки шпалнинг орасини очиб қўймоқчи бўлгандай улар орасига сепилган шағалдан қўлига олиб битта-битта, лекин тез-тез четга ирғитарди. Негоицэ унинг машғулотига унчалик ҳам маъно бермади, ўз иши билан бўлиб кетди. Шлагбаумни туширди. Поезд келиши керак бўлган йўлнинг очиқ эканлигини кўрсатиб турган семафорга бир қаради-да, яна харракка чўкди. Лекин шу пайт, тўсатдан ярқ этган учқундай калласига шубҳа келди. Ирғиб ўрнидан туриб, уч марта ҳуштак чалди. Одатда у бировни чақирмоқчи бўлганда шундай қиларди. Василе бир қаради-ю, ўрнидан жилмади. Негоицэ Василе тарафга бир неча қадам ташлаб, яна ҳуштагини кулоқни қоматга келтирадиган қилиб қаттиқ чалди. Юраги ҳаприқиб, безовталанди. Лекин унинг ҳуштакларига фақат хотинларгина эътибор қилиб ҳовлиларидан мўралаша бошладилар.

– Кимга ҳуштак чаляпсан, Негоицэ? – деган овоз келди. Иримие сўровчига жавоб ҳам бермади, ким сўраётибди деб қайрилиб ҳам қарамади.

Будкада яна қўнғироқ чалинди. Ярим доира чўян косачага унинг болғачаси секин-секин уриларди, кейин телефон жиринглаб, қарама-қарши тарафдан – заводдан чиққан поездга йўл очиқ деган мазмунда семафор кўтарилди. Завод мўриларининг орқасидан атрофга қоп-қора тутун тарқатиб паровоз кўринди. Поезднинг юки шу даражада кўп ва оғир эдики, гилдирақлари баъзан чириллаб айланиб қоларди. Олдинги вагонлар зўр-базўр баландликдан ошиб олгандан кейин бутун состав тезлигини ошириб пастга шўнғиб кетди.

Иримие яна Василега қаради.

Қарама-қарши тарафдан аввал узун, кейин қисқа-қисқа гудоклар эшитилиб, ўрта йўлдаги ялтироқ излар гувиллай бошлади. Фовур-ғувур вагонларнинг бир маромдаги тарақ-туруғи билан алмашди. Баландга кўтарилган семафор паровоздан чиққан қуюқ тутун ичида қолиб кетди-ю, тепаликдан кураб йиғиб қўйилган қор поезднинг орқасидан унинг шамолига ҳар хил қоғозлар билан гирдоб ясаб осмонга кўтарила бошлади.

Негоицэ байроқчасини ташлаб йўлнинг ўртаси билан Василе томонга югуриб кетди. У Василенинг поезднинг тагига ташлаб ўзини нобуд қилишига кўзи етмасди. Лекин шундай бўлса ҳам, Негоицэ поезд яқин келиб қолганда Василе ундан қочаман деб бошқа йўлга ўтади-ю, тезюрар поезднинг остида қолиши аниқ деб тасаввур қилди. Орқасидаги паровоз келиб қолган, олдиндаги юк поезди ҳали Василега юз метрча бор. Негоицэ ҳаллослаб жони борича югурар, оғзи катта очилиб кетган, ўғлига бор овози билан қичқиргандек бўлар, лекин

ўзига-ўзи гапиргандай пичирларди:

– Кўй, Силе, кўй...

Оёгининг ости титраб кетди. Поезднинг гулдираганидан қулоғи битди. Кўрқув ва дармонсизликдан томоғига аччиқ бир нарса тиқилди, тили эса никотин таъмини сезди. Юк вагонлари тиркалган паровоз қулоқни битириб жуда қаттиқ қичқирган эди. Шунинг учун Василе қарама-қарши тарафдан келаётган поезднинг гудогини, айниқса, югуриб келаётган отасининг товушини эшитолмасди. Василе юк вагонларини тортган узун трубали алмисоқдан қолган кулгили паровознинг тўппа-тўғри ўзи томон келаётганини сезиб ўрnidан турди, кейин унинг кемаларниқига ўхшаш трубасидан кўзини узмаганча қўлини чўнтагига тиқиб ўрта йўлни кесиб ўтмоқчи бўлди.

Негоицэнинг мўлжали тўғри чиқа бошлади. У ўрта йўлни кесиб ўтишга шайланган ўғлини тўхтатиб қолиш учун охириги кучини тўплаб олдинга ташланди. У яна қаттиқ хуштак чалди. Василе бу сафар хуштакни эшитди-ю, орқасига қараб, кўрқувдан кўзи ўйнаб кетган отасини кўрди. Тезюлар поезд Василега бир неча қадамгина қолган эди. У шартта ўзини орқага ташлади. Поездлар гувиллаб, икки тарафга кетди. Сал бўлмаганда бахтсиз ҳодиса рўй беришини тасаввур қилиб ота-бола қотиб қолишди. Кейин бир-бирига бир оғиз ҳам гап қотмай кучоқлашишди. Ана шундагина Василе отасининг кўнглидан нималар ўтганини, мабодо, бахтсиз ҳодиса юз берганда қандай азоб-қубатларни бошидан кечирishi мумкинлигини фаҳмлади.

Иккала поезднинг гилдираклари излар туташган жойда қулоқни битирадиган даражада тақир-туқир қила бошлади. Буферлар бир-бирига кириб-чиқиб турибди. Сиқик ҳавога тўлган тормоз колодкаларининг тагидан мой ҳиди таратиб кўкимтир қуюқ тутун бурқсирди. Василе икки поезднинг орасида отасининг кўкрагига бошини кўйиб ҳиқиллаб йиғлар, Иримие бўлса, шу бир неча дақиқада қариб қолгандай кўринарди. Бармоқлари билан ўғлининг сочларини тароқлар экан, мана шу ипакдек сочлар бир неча дақиқа олдин қонга буланиши мумкин эди-я, деб хаёл сурарди. Шундан кейин у аллақачонлар йўқотган қимматбаҳо нарсасини яна қайтадан топгандай, умр бўйи орзу қилиб юрган бахтига ниҳоят худди шу дақиқаларда мушарраф бўлгандай бир вазоҳатда ўғлини бағрига яна ҳам маҳкам босди.

Поездлар гулдирай-гулдирай ажралди. Қизил чироқларини силкитганча тақир-туқур қилиб охириги вагонлар ҳам ўтиб кетди. Состав узоқлашгандан кейин унинг тезлиги ҳам пасайгандек бўлди. Темирнинг қулоқни қар қиладиган даражадаги тақир-туқур овози вагон гилдиракларининг одатда чаладиган бир маромдаги куйига айланди.

Иримие қорнини чангаллаб, икки букилганча кун бўйи еган ҳамма овқатларини изнинг устига қусиб ташлади. Кейин бутун вужудини зирқиратган кўрқув, даҳшат таъсир қилди шекилли, сафро қайд қила бошлади.

– Дада...

– Бор, сув ич.

– Дада...

– Бор, дегандан кейин бор, – Иримие бир қадам кўйди-ю, ҳали ҳам салгина титраб турган илиқ изга терлаб кетган пешанасини кўйганча шағалнинг устига узала тушди.

Кўчада кетаётган одамлардан бир нечаси нима ҳодиса рўй берганини тушунмай Негоицэ томон отилди. Унинг қандай руҳий азобларни бошидан кечирганини тасаввур қилиш ҳеч бирининг ақлига келмас ва келолмас ҳам эди. Йўлда “ким ботир” ўйинини ўйнаб турган болалар

хам оз эмасди. Улар поезд яқин келганда қочиб қолишарди. Агар кимки ҳаммадан кеч, поезд жуда яқин келганда қочиб қолса, уларча ўша “ботир” саналарди. Шунинг учун Василени четдан кузатиб турганларга унинг қилган иши ҳеч қандай одатдан ташқари бир ҳол бўлиб кўринмаган эди. Одамлар стрелкачига бир нима бўлибди-ю, деб ўйлаб Василега эътибор қилишмади.

– Сенга нима бўлди, Негоицэ? Нима гап?

– Ҳеч нима, қусдим, холос.

– Изни яла, Негоицэ, тузалиб қоласан, – маслаҳат берди Тереза.

– Қўйсанг-чи, бемаъни гапни?

– Ҳечам бемаънимас-да! Денеш кўпроқ ичиб юборган кунлари чиқиб изни ялайди-да, тузалиб қайтиб келади.

– Ҳо, Негоицэ, эшитяпсанми?

Иримие индамади. У ўрнидан туриб кўзи билан оғзини катак рўмолчасига артди-ю, йиғилганларга ҳатто назар ҳам ташламай, будкасига кетди.

– Аҳмоқ... немис аёли етти қават терисини шилиб ётибди-ю, у бўлса... – Негоицэ бу гапни эшитса ҳам жавоб бериш учун қайрилиб қарамади.

Унинг бутун аъзойи баданини шундоқ титроқ босган эдики, у ҳали бунақа титроққа умрида дучор бўлмаганди. Кўз олдида кўк ва қизил учкунлар пайдо бўла бошлади. Бундан бир неча сония муқаддам унинг тор қилидай таранг тортилган асаблари тўсатдан бўшашиб, оёқлари ҳам ўз ихтиёрига бўйсунмай қўйди. У олдида учраган ҳар бир тошга қоқилиб йиқилай-йиқилай деб зўрға борарди. Назарида тошларни биров қоқилсин деб атайлаб йўлига ташлаб қўйганга ўхшарди.

Негоицэ шу алфозда муюлишдаги қаҳвахонага ўтди-да, бир шиша цуйка олиб будкасига қайтиб келди. Кейин эшикни ичидан беркитиб бутун аъзойи баданини қалтиратаётган титроқни босиш учун якка ўзи ичимликни қуйиб ича бошлади. Иримиенинг титроғи секин-аста босила бошлади. Шундан кейин у бошини қўлларининг устига қўйиб, лабларини очмай унсиз йиғлай бошлади. У йиғлаётгани учун ўзидан ўзи хижолат тортар, лекин йиғламасдан ҳам туролмасди. Иримие умрида ўзини биринчи марта мана шундай ожиз ҳис қилиши. Биринчи марта ўз-ўзини бошқара олмади. У ўзини қўлга ололмас, тамоман ҳолдан тойган, мадорсиз эди.

Эшик секин очилиб, Ионуцнинг боши кўринди. Иримие сўлжайиб кулимсиради-ю, Ионуцни тиззасига олди.

– Менинг навбатим келгунча ёғ тамом бўлиб қолди, – деди Ионуц Иримиенинг чўнтагига пулни солиб қўяркан.

Иримие бўлса, ўғлининг гапларига парво қилмай, бошини кимиралиб қўйди.

– Ионуц, ич сен ҳам.

– Ичаман.

Ионуц шишани оғзига олиб бориб, бир қултум ичди-ю, яна жойига қўйди.

– Аччиқ!

– Ҳа, аччиқ...

– Аччиқ бўлса, нега ичяпсан?

– Бир оз ўзимни овутиш учун.

– Жуда ҳам жаҳлингиз чиқиб кетяптими?

– Ҳа, жудаям.

– Жаҳлингиз чиқмаслигини сўрасам-чи...

– Уриниб кўраман.

– Хоҳласангиз, мен сизга аҳмоқ одамнинг гулни қандай ҳидлашини кўрсатиб бераман.

– Қандай ҳидларкан?

Ионуц худди гул ушлаётгандек қилиб учта бармоғини жуфтлади, кўзларини шундай олайтириб гилай қилдики, ҳатто кўз қорачиқлари ҳам кўринмай кетди. Кейин тилини узун чиқарганча танасини иланг-биланг қилиб бурни билан қаттиқ нафас тортди:

– Жа хушбўй!

– Ионуц, агар кўзинг шундай бўлиб қолса нима қилардинг!

– Бундай бўлмайди. Бир оз оғриб яна тузалиб кетади.

– Василени кўрдингми?

– Ҳовлидаги пиллапояда ўтирибди.

– Нима қиляпти?

– Индамай ўтирибди. Хи-хи. Сочларини тортган эдим, мени урмадиям.

– Унга текажағлик қилмагин, авваламбор, у сендан катта, кейин аканг бўлади.

– Агар у акам бўлса, нега унинг сочи қора-ю, меники сариқ.

– Бор-бор, ўғлим, ўйна.

Ионуц отасининг тиззасидан тушиб, чопқиллаганча кўчага чиқиб кетди.

12

Павел қўлини чўнтагига тикқанча қаёққа боришини билмай тўхтаб қолди. Юлишкани ишдан кутиб олишга бўлса, ҳали вақт эрта, уйга бўлса, боргиси келмади. У кўчани кесиб темир йўл кўтармаси томон бораётган Василени кўриб қолди-ю, хуштак чалди. Василе тўхтади. Гарчи, хуштак чалган Павеллигини билса ҳам, у билан гаплашишга ҳуши йўқлигини билдирди.

– Силе!

– Нима дейсан?

– Тўхтаб тур!

Павел етиб бориб унга қўлини чўзди. Улар иккаласи мактабга бирга кетишган пайтларда доим шундай қиларди. Василе охири янгиликларни ўртоқлашишга ҳуши йўқ бир қиёфада лоқайд унинг қўлини сиқди. Бундай ҳолат улар ўртасида ҳечам содир бўлмаган эди.

– Василе, қандайдир хаёлчан кўринасанми?

– Хаёлчанлигимни ўзимга билдириб қўйиш учун йўлимдан тўхтатганмидинг? Раҳмат. Буни ўзим ҳам биламан.

– Нега майдонга футбол ўйнагани келмаяпсан?

– Эҳтимол, менда бундан ҳам қизиқарлироқ бошқа машғулот бордир.

– Силе, сен ё ўзингни ҳаддан ташқари ақлли деб биласан, ё бизнинг ҳаммамизни аҳмоқ деб ҳисоблайсан. Топиб олган янги дўстларинг сени унчалик ҳурмат қилишмайди, бу кўрга ҳассадек маълум бўлиб турибди. Буни фақатгина сен тан олгинг келмаяпти, холос. Бир вақтлар биз иккаламиз дўст эдик.

– Павел, сенга нима керак?

– Ҳеч нима, фақат шуни айтмоқчиманки, янги кадрдонларинг доим сени кузатиб юришади. Яқинда мен, ҳалиги сариқ сочли тухумбош борку, ўшани чорраҳадан қандай қилиб ўтиб кетаётганини кўриб қолдим.

– Нега уни ҳақорат қиляпсан?

– Нима, у дўстингмиди?

– Хўш, шундай ҳам дейлик.
– Афтингдан кўриниб турибди, у дўст ё дўст эмаслигига ўзинг ҳам ишонмайсан.

– Павел, сен ҳасад қиляпсан.

– Агар шундай бўлган тақдирда ҳам мен ақлини еб қўйган даражада ҳасадгўй эмасман, ҳар ҳолда фанларни унчалик яхши ўзлаштиролмасам ҳам, ўқишимни давом эттиролмаганим жуда ачинарли бўлди. Лекин Силе, бировларнинг энг хоксор одамга қандай қараса менга ҳам шундай назар ташлаётганини сезиб қолсам, мутлақо чидаб туролмаган бўлардим.

Василенинг қовоғи солинди.

– Буни нега менга гапиряпсан?

– Шундай, ўртоқларча... Ёки...

– Павел, биз энди иккаламиз ҳам ёш бола эмасмиз. Лекин сен назаримда ҳалиям, этаги тугиб қўйилган болага ўхшайсан. Сенга венгер қизи ёқадими?

– Ёқади. Нега сен уни бундай деб атаяпсан?

– Бошқа нима деб аташим керак?

– Унинг ўз исми бор.

– Лекин сенда миллий гурур йўқ.

– А-ҳа, демак, сенда миллий гурур бор экан-да?

Василе тараддулланиб қолди. Ўзи истамаган ҳолда қийин аҳволга тушиб, бундан қандай чиқиб кетишини билмай қолди. Бунинг устига Павел бировни юз-хотир қилиб ўтирадиганлардан эмас эди.

– Мен ўзимга сингдириш истагидаман.

– Нимани?

– Ўз муддаомга етишда менга кўмакчи бўладиган ўша миллий гурурни.

– Унда ҳаммаси ойнадай равшан.

– Менга ҳали равшан эмас, Павел.

Павел оёғи билан майда тошчани туртиб қўйди.

– Бундан бир йил муқаддам Юла сенга ҳам ёқарди. Эсингдами, иккаламиз уни талашиб ёқалашишгача боргандик.

Павел суҳбат мавзуини ўзгартирди.

– Бир йил муқаддам иккаламиз ҳам бола эдик.

Йўловчи поезди ўтиб кетди. Улар иккаласи ҳам поездни индамайгина эшик остонасида, вагонларнинг тепасида ўтириб кетаётган одамларга қараганча кузатиб туришди.

– Бу Юла деганинг хотинликка ярагандаям...

– Силе, бундай дейишингга йўл қўймайман.

– Гўё мен сендан йўл қўясанми, ё қўймайсанми, деб сўраб ўтирадигандек гапирасан-а! Сен унинг атрофида худди бичилган такадай ирғишлайсан. Лекин унга тамом бошқа нарса керак.

– Силе...

– Орқанга қара, иштонинг ҳўл бўлиб қопти.

Павел алаמידан кўкариб кетди. У Василенинг масхараомуз боқиб турган кўзларига, истехзоли кулиб ярим очиқ турган лабларига бир қаради-ю, унинг башарасига туширмоқчи бўлди. Лекин шунча гаплашганидан бирон маъни чиқмагани сингари уриб юборишидан ҳам маъни чиқмаслигини, фойда бўлмаслигини ўйлаб ниятидан қайтди. Улар бирга ўқиган кезларида ўртоқ, ҳақиқий дўст эдилар. Эндиликда, Павел Василенинг қиёфасида илгариги ёқимтой йигитдан асар ҳам қолмаганини, унинг тамом бошқа бир одамга айланиб кетганини фаҳмлади. Шунинг учун уришнинг ҳожати йўқ эди. Василенинг оғзидан фақатгина шунақа сўзлар чиқиши мумкинлиги Павелни ушлаб қолди.

– Павел, нега мени урмаяпсан?
 – Одамни уриш унчалик қийин эмас.
 – Яъни?
 – Силе, биз сен билан дўст эдик. Мен сенинг ўрнингда ҳечам шундай сўзларни айтмаган, айтолмаган ҳам бўлардим.
 – Иккаламининг орамиздаги фарқ ҳам худди шунда-да, мен шунақа гапларни сенга айта оламан.
 – Ўзингни аллакимларга ўхшатиб кўрсатмоқчисан. Лекин аслида ҳозирги гапирганинга лойиқ одам эмассан. Шундай бўлганинга-ку, юзингни тескари қилиб юборган бўлардим-а.
 Василе қовоғини солиб олди. Унинг юзидаги масхараомуз ҳолат йўқолди. У ўз юрагининг энг ичкарисига яшириниб олиб кўнглига гулгула солаётган нарсани Павел сезганини билди. Бу нарса уни ипсиз боғлаб қўйди. У энди Павел билан бундай беҳаёларча, сурбетларча гаплашганига афсуслана бошлади. Ахир, унинг ўзи ҳаммага шундай муносабатда бўлавермаган-ку. У секин-секин ўз айбини тушуна бошлади, лекин бу унинг кўнглига тасалли бермади. Энди Василенинг бутун қалбидаги сирлари фош бўлиб қолган, у ўзини ҳимоя қилиш учун ишончли тўсиқ топа олмасди. Бундан фойдаланиб энди Павел унинг энг нозик жойларини нишонга олиши ва уни пийпалаб ташлаши мумкин эди. Бу нарса бир зумда Василенинг ғазабини кўзгатиб юборди.

– Аввал мен венгер қизинг билан бир кеча тунаб кўрай, кейин сенга унинг қанчага арзиш-арзимаслигини айтаман.

Василе Павел бир марта бўлса ҳам уриб юборишини хоҳлаётган эди. Шундан кейин у ҳам ҳимоя қилиш баҳонаси билан муштлашиб, юрагида йиғилиб ётган аламларидан чиқиб олмоқчи эди. Лекин Павел унга бечора ҳол, хўрланган бир одамга қарагандай бир назар билан тикилди.

– Ишонмайсанми? – Василе тишларининг орасидан гапириб ўшқирди.

– Силе, сени бугун эрталаб темир йўлда кўргандим. Ботир эмас экансан.

Василенинг бармоқлари ўз-ўзидан тугилиб, муштга айланди-ю, кескин бурилди.

– Павел, йўлимда тўғаноқ бўлмагин. Орамизда илгариги бўлган дўстлигимиз ўзгаларга қараганда сенга бошқачароқ муносабатда бўлишимга ҳеч қачон йўл қўймайди. Сен мени таҳқирладинг. Билиб қўй, кечиролмайман буни. Бор, жўна! Мен ҳар доим ҳозиргидек раҳмдил бўлавермайман! – Василе Павелга ўгирилди. Унинг кўзлари қисилиб кетган эди. – Бор, кет, сенга бошқа гапим йўқ.

– Силе, фақат шуни қулоғинга кўрғошиндек қуйиб олишингни истардимки, бу ердан кетаман, лекин мендан кўрққанидан кетди деб сира ҳам ўйламагин.

Павел бир неча қадам нарига борди-да, кўм-кўк осмон юзини тўсиб олган тутунлар орасида ўйноқлаб учиб юрган каптарларига қараб хуштак чалди.

13

Василе эрталабданоқ Элизани таажжубга қўйиб ундан магазинга бориб у-бу харид қилиб келишга рухсат сўради. Элиза нима-нима олиши кераклигини айтиб шоша-пиша пул берди, қўлига сават тутқазди. Элиза бундай қилишга уни нима мажбур қилганини ўйлаб

уйга етолмасди. Ахир шу пайтгача бирон марта ҳам магазинга чиқиб келмаган эди-да.

Элиза Василени кўча эшигига етгунча кўзлари билан кузатиб турди, кейин уйда нима иш қилишини билмай қолди. Чунки, у ҳар куни эрталаб кўп вақтини дўконма-дўкон юриб навбат кутиб ўтказарди. Бўш вақти борлигидан хурсанд бўлган Элиза кир ювмоқчи бўлди. Ионуцни сувга юбориб, ўзи қулдан ишқор тайёрлади.

Орадан бир соат ҳам ўтмаган эдики, Элиза очиқ турган кўча эшигининг тақиллаётганини эшитди-ю, эшик олдидаги зинага чиқди. Василенинг қайтиб келишига ҳали вақт бор. Ҳақиқатан ҳам эшик тақиллатаётган бошқа одам эди. Элиза эшикка қараб узун бўйли малла ранг йигитни кўрди-ю, уни дарров таниди: у “Меркур” бозоридаги қассобнинг ўғли Фрид эди.

— У-бу харид қилгани кетди. Хоҳласангиз кутиб туринг, — деди Элиза уйи йиғиштирилмай ётганидан уни ичкарига таклиф қилишга истиҳола қилиб.

Фрид йиртиқ-ямоқ кийим кийиб, олдидаги ранги ўнгиб кетган пешбанд тутиб олган аёлга кўз қири билан бир назар ташлаб, лабини қийшайтирди.

— Раҳмат, мен ташқарида кутиб тура қоламан, — деди истехзо билан. Бу билан Элиза ичкарига таклиф этмай ҳурматсизлик қилганини билиб қўйсин демоқчи бўлди.

— Кўриб турганингиздек мен кир ювяпман, — деди Элиза ҳўл қўлларини пешбандига артаркан, ўзини оқламоқчи бўлгандай.

— Кўриниб турирди.

Гурсиллаб оёқ товуши эшитилди.

— Хайль!

— Хайль!

Василе синфдошининг қўлини сиқиб уйга кираверишдаги зинадан чопиб чиқди.

— Ҳозир келаман, — ҳовлида қолган Фридга сўз қотди.

— Шунча нарсани қандай қилиб тез ола қолдинг? — сўради Элиза саватни титкилаб, буюрган нарсаларининг ҳаммаси борлигини кўргач. — Одам кам эканми?

— Одам-ку кўп-а, лекин мен немисча гаплашдим.

— Вой, Худойим-ей, шу вақтгача калламга келмаганини қара-я.

— Бошқа сафар дўконга борганингда вақтингни бекорга кетказишни истамасанг, тўғридан-тўғри немисча гаплашавер. Ахир сен нон дўкони Шнайдерга, баққоллик дўкони эса Вагнерга қарашли эканлигини яхши биласан-ку.

Василе қолган пулни столнинг устига қўйиб ташқарида чиқди.

У Фридни уйига қидириб келишга нима мажбур қилганини билмасди. Бундай ҳол биринчи марта содир бўлиб турирди. Фриддан унинг йўл-йўлакай ҳол-аҳвол сўрагани кирганини эшитганидан кейин, Фрид ҳақидаги Павелнинг гаплари эсига тушди.

— Боплаб адабингни берди-да, ўзиям.

— Ҳар ҳолда бопламади деёлмайман.

— Ҳайронман, гауптштурмфюрер, ахир, яхши спорт формасида эмас-ку.

Василе жавоб беришдан ўзини олиб қочди.

Куёш қиздира бошлади, улар уй билан кўча эшик оралигидаги скамейкада бемалол ўтириб олишди.

Фриднинг юзи деярли оппоқ бўлиб, сочи ҳам юзига ўхшаб кетарди. Унинг кичик, лекин ўиноқи кўзлари темир йўл кўтармаси тарафга

нимагадир аланг-жаланг қараб турарди. У ёқда эса темир йўлнинг ёнгинасидаги баландликка домла Митран ҳадеб ўз портфелида қор олиб келиб уярди.

Василе ёнлаб оғайнисига кўз ташлади. Кўз ташлади-ю, ўзича ким Фридга “Ҳознинг тухуми” деб лақаб қўйган бўлса, гапни жуда ҳам топиб айтган экан-да, деб қўйди. Чунки, Фриднинг калласи ҳақиқатан ҳам атайлаб тухумдан нусха олиб ясалгандай эди.

Фрид қассобнинг ёлғиз, арзанда боласи эди. Кечқурунлари уйда ҳамма ухлашга ётганда у доим ўтирволиб шеър машқ қиларди. Мактабда бўлса жуда одамови эди, синфдошлари суҳбатлашиб ўтиришганда суҳбатга қўшилмас, миқ этмай тураверарди. У хоҳласа ҳатто соатлаб жим ўтира олиши мумкин эди. Василенинг эсида, бир кун болалар қизлар хусусида вайсаб ўтиришиб, Фридни ҳам суҳбатга тортмоқчи бўлишди. Бироқ қассобнинг ўғли узоқ вақт миқ этмай ўтираверди. Болаларнинг ҳаммаси шунча вақт сукут сақлагандан кейин албатта ундан бирор ақлли гап чиқиб қолса керак деб ўйлашди. Лекин ҳамманинг орзиқиб қутганига қарши Фрид кўнглига Москвада гўшт дўкони очиш фикри келганини айтиб берди. Ундан мажбур қилиб сиқиб чиқарилган сўз фақат шунинг ўзгинаси эди. Василе бирмунча вақтдан буён Фриднинг аллақандай саросимада юрганини сезарди. Унинг отаси тежамкорлик мақсадида уй хизматкоридан воз кечди. Бунинг устига шаҳарнинг уч тарафидаги учта гўшт дўконидан биттасини ёпиб қўйди, энг ёмони, бу ўз уйида рақс кечалари уюштиришни ман қилиши бўлди. Бундан бир неча ҳафта муқаддам Василе юрак бетлаб Фридан Москвада гўшт дўкони очиш ҳақидаги орзуларининг қандай амалга ошаётгани ҳақида сўраб қолди. Фрид узоқ вақт жимликдан сўнг қовогини солиб руслар қўй гўштини жонидан ҳам ортиқ кўради, мен эса жинимдан баттар ёмон кўраман, деди. У гўшт дўконини Одессада очишини, украинларнинг чўчка гўштига ўчлиги унинг ўзига ҳам маъқул тушганини билдирди. Мактабда эса Фрид унчалик аълочи бўлмаса ҳам, лекин озгина билган нарсасини атрофлича, чуқур ва асосли ўрганиб оларди.

– Фрид, сен сукут сақлашга жуда устасан-да?

– Мен сукут сақлаётганим йўқ, қараб турибман.

– Нимага?

Силе Фрид қараб турган томонга қаради. Шундагина унинг кўзи портфелида темир йўл кўтармасидаги қияликка қор олиб келиб ташлаётган домла Митранни кўрди.

– У киши румин гимназиясидаги менинг ўқитувчим эди. Телбароқ бўлиб қолган.

– Шундай деб ўйлайсанми?

– Бунга ишончим қомил. Ҳар хил қоғозларни йиғиштириб соябонининг учига тиқиб юради. Айтишларича, севгидан жинни бўлиб қолганмиш.

Оғайнисининг берган изоҳларидан мамнун бўлган Фрид, унга мурожаат қилди.

– Ўзингни шу даражада дабдала қилиб ташлашига қандай қилиб йўл қўйиб бердинг?

Василе қизариб кетди. Савол уни довдиратиб қўйганди.

– Дабдала қилиб ташлашига ўзим йўл қўйиб берганимни қаердан билдинг? – сўради ўз навбатида Василе ҳам.

– Демак, тўғри экан-да. Клубда менга шундай дейишганда ишонгим келмаган эди. Мана энди ўз оғзингдан эшитиб, ишониб турибман.

– Фрид, сўзимга ишонишга сени мажбур қилмайман. Лекин умуман олганда сенинг нимани ўйлашинг менга барибир, рингдан

ташқарида туриб оғиз кўпиртириш осон. Рингнинг ичига тушиб қолганда эса ўйлаш оғирроқ, бунга фурсат ҳам бўлмайди.

Фрид оппоқ тишлари билан қизғиш милкени кўрсатиб жилмайиб кўйди.

– Уйлаб, муҳокама қилиб ўтиролмаганинг учун ҳам жангга киришдинг-да, Силе, мени ажаблантирган нарса мағлубиятинг эмас, сени аёвсиз уриб чалажон қилиб ташлагани, енгилиш ҳар кимнинг ҳам бошида бор, энг зўр боксчи ҳам енгилиши мумкин. Клубда ҳамма фақатгина шу тўғрида гапиряпти. Калламни бераман, сенга нимадир бўлган. Нима бўлганини биламан, менга Рудольф айтди.

– Фрид, сен қандай қилиб заршунос бўлиб қолдинг? Бу сўзнинг немис тилида қандай оҳанг кашф этишини билмайман, шунинг учун оддийгина қилиб айтиб кўя қолдим.

– Немис тилида бунга ўхшаган сўзлар йўқ.

– Лекин шунақа одамлар бор.

– Силе, мени ҳақорат қилмоқчимисан?

Василе мавзудан чатлашиб кетганини сезиб қолди. Аслида Фрид унга ҳақ гапни айтган эди. Василе бўлса, тўғри жавоб бериш ўрнига унга кўполлик қила бошлади.

– Фрид, кечир мени.

– Кечираман, Силе. Мен сен билан биринчи марта танишганимда, сенга буни очик-ойдин айтмаган бўлсам ҳам, менга бирданига ёқиб қолган эдинг, қилган ҳақоратинг ҳақида гапириб ўтириш ҳам ортиқча, бунга арзимайди. Мен энди шунга аниқ ишонч ҳосил қилдимки, сен ўзингни атайлаб муштларга тутиб берган экансан. Сен бурчингни тушунмай туриб қилиб кўйган қилмишингга ўзингни ўзинг жазоламоқчи бўлдинг. Мендан яширишнинг ҳожати йўқ. Сен баъзан энг гайритабий бўлган йўлларга ҳам кириб чиқмагунингча олий тушунчага эга бўла олмайсан.

Василе Фридга синчиклаб тикилди.

– Фрид, сенга нима кераклигини тушунмай турибман. Сен ҳаммамиз биргаллашиб қилган ишнинг адолатлилигига қарши менда шубҳа уйғотмоқчимисан ёки мени синамоқчимисан? Мен бунинг учун руҳан жазоимни тортдим. Кейинги кунларда уйда ёлғиз ўтириб шу нарсага ишонч ҳосил қилдимки, киши кўп нарсаларнинг баҳридан ўтмай туриб ҳаётда ҳеч нарсага эриша олмас экан. Нимага эришишим кераклиги эса, менинг учун фарқсиз эмас. Лекин, инсон бирон ишнинг бошини тутишдан аввал у ҳақиқий одам бўлиши керак. Мен гарчи ўзимни ўзим қаттиққўл деб билсам ҳам, буни кўтаролмайман. Руҳимга қаттиққўллик ўтиришмайди.

– Силе, ўрганиб кетасан, Бизнинг авлод зиммасида келажак авлоднинг тақдирини ётибди. Биз, аввало, ўз-ўзимизни тарбиялаб ололмасдан, ўзгаларни, гарчи қаттиққўллик билан бўлса-да, ҳечам тарбиялай олмаймиз. Сенинг ким тарафида эканлигинг ўзингга ҳам фарқсиз эмаслигини мен жуда яхши биламан. Мен Шульцнинг маслаҳати билан қуёшга ярим соат киприк қоқмасдан қараб турдим. Шундан кейин тамоман кўр бўлиб қолганга ўхшадим. Қаттиқ бош оғригимни айтмасам ҳам бўлади. Бир неча кундан кейин шу тажрибани яна такрорлаб кўрдим. Бу сафар анча яхши ўтди. Биз олий мақсадимиздан чалғитадиган ҳар қандай ҳис-туйғумизни енгиб, жиловлаб ола билишимиз керак. Ўз-ўзингни бошқара оладиган бўлишинг, атрофингдагилардан бир даража устун эканлигингни ҳис қилишинг — бу жуда ҳам ажойиб нарса-да, одамларга маълум бир баланд поғонадан туриб қарасанг, уларга барабар бўлиб қараганга

нисбатан ўзингни мутлақо бошқача ҳис қиласан. Мен учун одам ўлдириш жуда ҳам оғирдир. Агар мен буни буюк гоё йўлида қиладиган бўлсам ҳам барибир ёмон, қўрқинчли тушлар кўришим, алаҳсирашим мумкин. Лекин, Силе, эҳтимол биз бунга ҳам ўрганишимиз керакдир. Биз олтмиш миллион эканлигимизни эрдан чиқарма. Европани қандай қилиб бўйсиндирганимиз хусусида нима деб ўйлайсан? Европа – бу ҳали ишнинг бошланиши, холос. Биз ер юзида энг кучли бўлишимиз шарт. Биз худди шундаймиз ҳам.

Василе Фридга бир қадар қўрқинч ҳамда шу билан бирга аллақандай ҳурмат, илтифот билан тикилди. Уни кўҳна қитъанинг харитасини ўзгартирганлар билан ўзини бир ўринга қўяётгани талтайтириб юборган эди. Шу билан бир вақтда унинг руҳида шундай бир қўрқув пайдо бўлдики, буни босишдан у ожиз эди. Ўйлаб қараса, ҳали у одамларни етарлича билмас экан, маълум бўлишича, ҳатто Фридни ҳам яхши билмас экан. Чунки унинг табиатан одамовилиги замирига бошқа нарсалар яширинган экан.

– Анави овсар ҳалиям қор ташлаб ётибди.

– У жинни-ку.

– Ўз бемаъни қилиқларига маҳкам ёпишиб олган одамни жиним ёқтирмайди. Ҳайдаб юборсаммикин.

– Нега, Фрид?

– Шундоқ, ўзим.

– Бундан нима фойда? Бунинг устига отам кўриб қолиши мумкин.

– Ундан қўрқасанми?

– Гап қўрқишдамас...

– Одамийликдами?

– Нима деб атасанг атайвер...

– Силе, фақат гап-сўзгина сени тарбиялай олмайди.

– Фрид, улар ахир бизни тушунмайди-ку.

– Қўрқув уларни бизни тушунишларига мажбур қилади.

Будкадан бир-бирига тегиб кетган косаларнинг жарангига ўхшаш сигнал овози эшитилди.

– Шу кунларда сен жуда бўлмаса мажлисларимизга қатнашсанг бўларди.

– Шифокор уйдан эшикка чиқмаслигимни буюрди.

– Шифокор сени биз билан учрашиб туришингдан эмас, машгулотлардан озод қилган-ку. Агар болалар сендан шубҳалана бошлашса, унда ишинг ёмон бўлади. Сени мен тавсия қилганман. Шунинг учун одамларнинг сен ҳақингдаги ҳар хил баланд-паст гапларининг масъулиятини ҳам мен бўйнимга оламан.

Паровознинг қаттиқ қичқириви эшитилди. Будканинг олдида кўлида байроқчаси билан Иримие Негоицэ пайдо бўлди.

“Кўркам кўча”нинг аҳолиси ҳужраларидан югуриб чиқишди.

– Силе, одамлар нимага тўпланишяпти? Нега шунча шовқин қилишяпти?

– Бу поездда кўчирилганларни олиб кетишяпти. Менимча, буларни кундузи эмас, кечаси олиб ўтсалар тўғри бўларди. Эҳтимол, улар жудаям кўпдир. Умуман олганда, бизнинг бировдан қўрқадиган, яширадиган жойимиз йўқ.

– Биласанми, мана бу одамлар, менимча, томоша қилгани чиққанлар.

– Булар ҳангоматалаб одамлар, қизиқсиниб қараб туришибди-да.

Поезд кўринди. Қулфланган вагонларнинг ичидаги одамларнинг овозлари баралла эшитила бошлади. Секин-аста ҳамма ёқни

одамзоднинг дод-фарёди босди. Овозлар қўшилиб инсон товушига ўхшамаган қандайдир гувиллашга ўхшарди. Поезд бурилишга етганда вагонларнинг тиканли сим билан тўсилган дарчаларидан кўплаб қўл ташқари узатилди. Кейин бу қўллардан каноп билан боғланган консерва банкалари осилиб тушди. Бу банкалар поезднинг ортидан шамолда ҳаво шари сингари елпиниб қум уюмларига уриларди. Агар банкалар маҳкамроқ ип билан боғланган бўлса, сакраб-сакраб кетар, чириганроқ ип билан боғланган бўлса, бир урилишда узилиб қолар эди.

– Анув нима қиляпти?

Василе ўнгга қараб, қор уюми тарафга сумкасини қўлтиқлаганча шошиб кетаётган Митранга кўзи тушди. Митран сумкасини ўзи тўдалаган қор уюмига бўшатди-ю, ҳужраси томон чопқиллаб кетди. Шу дақиқада бир неча консерва банки серсув қорга ботирилиб олинди ва бир зумда яна иплар тортилиб вагоннинг ичида ғойиб бўлди.

– Силе, бу нарсалар сенинг кўз ўнгингда содир бўляпти! Мен бу ҳақда Шульцнинг қулоғига етишини сираям истамасдим.

Қаттиқ дод-вой эшитилди. Тормоз майдончасида турган соқчи чангал сим узра узатилган қўлларга тахта билан туширди.

– Фрид, қасққа?

Бўлаётган воқеаларга ҳанг-манг бўлиб қолган Василе Фридни унутиб қўйган эди. Уни фақат Митранга ташланаётган пайтдагина пайқаб қолди.

Василе унинг орқасидан югурди. Булар ҳаммаси ғоят тез, бир зумда содир бўлдики, ҳужраларнинг олдида тўдаланишиб турганлар саросимага тушиб, нима қиларини билмай қолишди. Фрид Митранни ёқасидан тутиб бир уришдаёқ ерга ағдарди. Василе етиб келганда бутун эгни қор аралаш лойга булганган қари ўқитувчи зўрға ўрнидан тураётган эди. Унинг чехрасидан ҳали ҳам ўша қадимги табассум аримаган эди. Лекин ҳозир бу табассум замирида чексиз ғам-алам, афсус зоҳир эди.

– Ҳой тирранча, нима қиляпсан?

Фрид ўқитувчини тепмоқчи бўлиб энди оёғини ростлаган эди, уларнинг ўртасида муштини тугиб кўчани кесиб югуриб ўтган Павел пайдо бўлди.

– Нимага уряпсан буни, сариқ маймун, кучингни мана менга кўрсат...

Василе бир зум қотиб қолди. Кейин Павелни қўлидан маҳкам ушлаб бир чеккага торта кетди.

– Бор, Фрид, аралашма...

– Ахир булар большевиклар-ку...

Бирпасда ўқитувчини одамлар тўдаси ўраб олди.

– Денеш амаки, кетдик, бу ишларнинг бизга алоқаси йўқ, – Виссарион Байяш машинистни қўлидан тортди. Қараса, Денеш ҳали-бери кетмайдиган, буни кўриб Байяш орадан суғурилиб чиқди-ю, ҳовлисига кириб эшигини тамбалаб олди.

Иримие ҳам етиб келди. У будкасининг олдида туриб ҳамма воқеани ўз кўзи билан кўриб турган эди. Қўлида байроқчаси билан ўғлига яқинлаб борди.

– Василе, уйга кет.

– Кетмайман.

– Кет деяпман, эшитдингми? Бўлмаса, мана шуларнинг олдида абжағингни чиқариб ташлайман.

Василе Фридни кўлтиғидан тутиб йўлга бошлади. У Иримие ҳақиқатан ҳам уради деб кўрққан ва шунинг учун шошиб жўнаб қолган эди. У кетишга кетди-ю, лекин уйга эмас, балки, бошқа тарафга қараб кетди.

– Бунақа қилиш керак эмас эди, Фрид, – деди Василе кўчанинг бошига чиққанларида.

– Нега энди бунақа қилиш керак эмас экан? Менинг шунга ишончим комил эдики, Василе, агар улар урганларида, сен мени ҳимоя қилишга кўрқардинг.

– Фрид...

Фрид бир оз ўзига келди. У бармоқлари билан сочини таради, пальтосини тўғрилаб, ботинкасини қоқди. Ёноғида гурра пайдо бўлибди.

– Кўрқдинг-а! Тўғрисини айтавер, мени ҳимоя қилишга кўрқдинг! Майли, зарари йўқ, кўрқувни фақат кўрқув енгиши мумкин. Шошмай тур, буни ҳам босиб оламиз.

14

Темир йўлнинг аллақасерида чироқ кўринди. Матейнинг назарида чироқ ҳаракат қилаётгандек туюлди. Лекин синчиклаб тикилса, чироқ бир жойда турибди-ю, унинг атрофида юрган кўланка чироқни қимирлатаётгандек кўрсатаётди. Бу – Иримие Негицэ эди. Матей Негицэ тарафга йўналди.

Негицэ орқасида оёқ товушларини эшитиб, чўчиб тушди-ю, ниманидир оёқлари билан боса бошлади.

– Нима қиялсан, Негицэ?

– Бу сенми, Матей амаки?

– Қорни қаерга ташлаялсан.

– Қаерга бўларди, манави ён бағирга-да!

– Иримие, нима бу, ёш боламисан! Шўр денгизга бир неча томчи тоза сув тушгани билан унинг мазаси ўзгариб қолармиди? Ташла қорни. Будкада ҳеч ким борми?

– Йўқ.

Матей ўгирилиб Иримие ни орқамдан юр демаёқ чорраҳа тарафга юраверди.

Матей будкага киргандан кейин скамейкага ўтирди-ю, гарданини тахта деворга тираб суяниб олди. Негицэ осма чироқдан жинчироқни тутатиб олиб уни столга қўйди, сўнг ярим ўчиб қолган темир печкага бир-иккита тараша ташлади.

– Матей амаки, сенга нима бўлди? Бир нарсадан ҳаяжонланган кўринасан.

– Ҳозир барини сендан сўраб билмоқчиман... Иримие... аввал чекишингдан бер, борми?

Негицэ Матейга сигарет узатди, кейин тутатиб олиш учун чироқни тутди.

– Мендан нимани сўрамоқчийдинг?

Матей папиросни узун тортди ва Негицэга узоқ вақт синчковлик билан тикилиб турди.

– Иримие, нега сен мени гоҳида Матей амаки дейсан, гоҳида “сиз” сираб гапирасан? Мен бўлсам, сени таниганимдан буён отингни атаб чақираман. Бу ҳақда бир вақтлар сўраганман ҳам, ўшанда жавоб бермагансан.

Негицэ ўриндиққа ястаниб ўтириб олди.

– Матей амаки, сенга нима десам экан? Сен гимназияни тугатгансан, мен эса атиги тўртинчи синфни. Тўртинчини битирганлигим ҳақидаги гувоҳномани ҳам попдан тухумга сотиб олганман. Бундан ташқари, сен мендан ўн ёш каттасан.

Матей қалпоғини олиб столга қўйди-да, кафтига туфлаб, оппоқ сочларини аста силади.

– Бу важинг важга муҳтож, Иримие. Гапнинг пўсткаллеси шуки, биз танишганимизга, мана, ўн йил бўлибди, сен ҳамон мен билан дардлашишдан, менга яқинлашишдан қочасан.

– Матей амаки, болалар бор, ҳар хил ғам-койиш, ташвиш қўп. Менинг юрагимда чўкиб ётган оғир тошни ҳеч ким билмайди. Бировнинг дарди билан бировнинг неча пуллик иши бўларди. Менинг ташвишимга шерик бўла олармидинг. Сен, уларнинг поездларини жарликка ағдариб юборишимни истайсанми? Бунинг уддасидан чиқолмайман. Мен бунинг учун яралмаганман. Кейин уларни мен сендан ортиқ ёмон кўраман деб ҳам ўйлама. Бу поездлар кечасими, кундузими, қачон ўтсаям уларнинг менга даҳли йўқ, тўхтамасдан ўтаверади. Мендан кўп нарсани талаб қилма. Менинг ўз ташвишларим, ғамларим ўзимга етарли. Ҳамманинг дарди ўзига маълум.

– Дардингни тўкиб солаверма, Иримие. Мен сендан шу вақтгача ҳеч қачон бирон нима сўраганим йўқ. Шунинг учун ҳам сен қачон қарасанг мендан ўзингни нари тутасан... Бунга “ўқимишли” бўлганим сабаб эмас. Ўн йил ёнма-ён яшабки “амаки” дейдиган одамдан нимани ҳам талаб қилиб бўларди? Таниганининг ўзига ҳам шукур қилса бўлади.

Иримие иягини қашиб бошини қуйи солди.

– Бунга-ку жаҳлим чиқмайди-я, лекин сенга ўхшаганларнинг кўплигига мутлақо бефарқ қараб бўлмайди. Агар мана шу кўпчилик бўлмаганда миллионлаб фашистлар дунёга келмаган бўларди.

– Буларни мен яратибманми, менга деса қирилиб кетмайдими бари.

– Яратишга-ку, уларни сен яратганинг йўғ-а. Лекин дарахт яхши одамдан ҳам, энг аблаҳ одамдан ҳам соясини дариг тугмайди, одам арча эмас-ку, у кимни бағрига олиш, олмаслигини билиши керак-да, ахир.

– Демак, менинг сенга ўхшамаганлигим ёқмас экан-да. Айтишга осон... Сенинг бошингда қанақа мусибат бор, айт-чи?

– Иримие, сен ҳар гапда ҳадеб ўз дардинг, аламингни пеш қилаверма. Мен сенга ўзимнинг ғам-ташвишим ҳақида ҳам гапириб беришим мумкин эди-ю, лекин ўзинг гап қавлаганингдан кейин гапирмай қўяқолай. Мен сени ўзингни идора қилолмаслигингда, ғам-ташвишларингни ичингга ютиб, тишингни тишингга қўйиб рўпарангдан ҳар қандай бало келса ҳам қўрқмай олға қараб ҳаракат қилолмаслигингда айбололмайман. Агар сен каталагингдан бир қарич нарини кўриш қобилиятига эга эмас экансан, жиллақурса, бурнингни тагида нималар содир бўлаётганидан бохабар бўлишинг керак.

– Элизага шама қияпсанми?

– Йўқ, Силега.

– Матей амаки, у ҳали бола-ку.

– Бўрининг болалари туғилганда тишламайди.

– Матей, менинг уйим бўрининг ини эмас.

– Ахир, сенинг уйинг унинг ҳам уйими ёки йўқми? Сенга ҳеч ким бировлар учун курашиш мажбуриятини юкламайди. Агар ҳаётимнинг сўнгги йиллари алам билан ўтмасин, ўтган дамларга

пушаймон бўлмайин десанг, бунинг учун ҳеч бўлмаганда ўз уйингда кураш олиб бор. Мана, сен поезд ҳақида гап очдинг... Поездни қўриқлаб юрганларни кўргани кўзинг йўқ. Лекин бу газандалар поезднинг тормоз майдончаси-ю, вагонларнинг устидагина эмас, чор атрофимизда ҳам изғиб юришибди. Буларнинг бири сенинг ўғлинг.

Шу пайт телефон жиринглаб, Иримие гўшакни кўтарди.

– Эшитаман... қанақа рақам?

Иримие қайд қилиш дафтарини очиб белги қўйди-да, яна гўшакни жойига илди.

Сўхбат бўлинди. Иримие билан Матей скамейкада бир-бирига қарамай ўтиришаверди.

– Иримие, очигини айтганим учун мендан хафа бўлма.

– Нега хафа бўлай. Матей амаки.

Матей ўрнидан туриб эринчоқлик билан қалпоғини кийди. Иримиега бошқа гапирмай Ануца нонушта солиб берган халтачасини қўлига олиб ташқари чиқди. Кейин бир неча қадам юриб борди-да, яна қайтиб келди. Иримие ҳамон бошини қўллари орасига олганча жим ўтирарди.

– Иримие, мана бу конфетларни Ионуца бер. Ярим кечада деподан сариқ чироғи бор паровоз келади. Машинист Денеш амакига ўтин ва бир оз картошка ташлаб кетади, унга ёрдам бер. Кўрқма, буни сен ҳадиксирайдиган одамлар юбормайди.

– Бу ёғидан кўнглинг тўқ бўлсин, Матей амаки!

– Иримие!

– Нима?

– Хайрли тун.

– Хайрли тун... Матей амаки, менга қандай оғир эканлигини билсанг эди. Эҳ, қандай оғир мен учун буларнинг ҳаммаси!

– Менга ҳам оғир, Иримие, баъзан жонимдан тўйиб кетганимни ёлғиз Худонинг ўзи билади.

Матей кетишга отланарди-ю, лекин нимадир ушлаб турарди.

– Менга қара...

– Нима дейсан?

– Баъзи нарсалар харид қилган эдим. Ма, ола қол. Булар немис консервалари. Кичкиналигига эътибор қилма. Ўзи аслида бир банкадан икки товоқ шўрва бўлади, биз учун эса тўрт товоқ ҳам чиқади, қорнинг ёрилурлар... – Матей йўталди, – ҳўп, Иримие, соғ бўл.

– Хайрли тун, Матей.

Матей Негоицэ ўз отини айтиб гапиргани учун унинг елкасига қоқиб қўйди-да, лайлак юриш қилиб бир зумда узоқлашиб кетди.

Иримие будкасидан ташқари чиқди. Тоза ҳавода ўзини бир оз тетик сезди. Кейин курсини олиб чиқиб, деворга суянганча ўтириб олди. Ҳаво очик. Фируза ранг осмонда қизғиш бўлиб кўриниб турган юлдузлар жимирлайди. Улар худди узоқ-узоқларда адашиб қолганларнинг сигнал гулханига ўхшарди.

Иримие ўйланиб қолди. Матей у билан ҳеч қачон бундай очик гаплашмаган эди. Бундай гаплашишга уни нима мажбур қилди экан-а? Унинг тўғри, ҳалоллигига шубҳаланиш учун ҳеч қанақа асоси йўқ – бурундан яхши билади, ўн йиллик жонажон қўшниси. Афтидан, Матейни Силенинг тақдири, Силе орқали эса унинг – Иримиенинг тақдири ташвишга солаётган бўлса керак.

Негоицэ Матейнинг ҳақ эканлигини ўйлаб ўйига етолмасди. У Матейдан нима эшитган бўлса, ҳаммасини тарозига солиб ўйлаб

кўриши керак эди. Унинг гаплари томдан тараша тушгандек шундай бир гап бўлдики, у бунинг тўғри эканлигини тасаввурига сиғдирилмас, назарида хавф-хатар Матей ўйлаганча катта эмасдек туюларди. Лекин нима бўлса ҳам Матей бу ҳақда билган экан, демак, қандай бўлмасин бирор қарорга келиши керак.

Матей шу вақтгача ўз ишидан бўлак биронта иш билан шуғулланишини оғзидан чиқармаган эди. Мана энди ҳозир иккиси орасида бўлиб ўтган суҳбатдан шундай хулосага келиш мумкинки, у кўп йиллар мобайнида бошқа бирон юмуш билан ҳам машғул бўлган экан. Негоицэ бунинг билганини Матейдан яширишга ҳаракат қилди. Ҳатто у баъзан бунинг Матей ўзи сезиб қолмасмикин деб ҳам ҳадиксираб кўярди.

Негоицэ бировлар гапириб ўзи эшитиб турган, айниқса, кимсасиз қолиб ўз хаёллари оғушига фарқ бўлган чоғларида ўзини жуда яхши, эркин ҳис қиларди. Уни Матей билан яқиндан дўстлашиши хавотирга соларди. Тўғриси айтганда, шу ва шунга ўхшаш баъзи бир мулоҳазалар уни Матей деб қақаришига монелик қиларди. Энди бўлса Матей барини рўйи-рост тўкиб солди. Энди баҳслашишдан ҳеч қанақа маъни чиқмас, баҳслашган тақдирда ҳам ҳақиқатни ўзидан яхши билган одам билан тортишгандек бир гап бўларди, холос. Шундай экан, нима қилиш керак энди? Темир йўлда бўлган ҳодисадан кейин у ҳали ўғли билан гаплашмаган, атайлаб шундай қилган эди. Негоицэ ўғлининг бўлаётган ҳодисаларни ипидан-игнасигача барини тарозига солиб ўйлаб кўришини, ниҳоят, қандай йўлга кириб кетаётганини ўзи тушуниб етишини хоҳларди. Эрталаб у Фриднинг ёнига тушди. Эҳтимол, Матей Иримиедан кўра узоқни кўрар, эҳтимол, ҳақ ҳамдир. Лекин унинг ҳақлиги шундай шафқатсиз ҳақлик, ҳақиқат эдики, уни юрагингга қандай жойлаштиришни ҳам, қандай қилиб ўз ўғлининг бу ҳақиқат қаршисида тиз чўктиришини ҳам билмайсан киши...



“Гар табассум этса гул...”

Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-васат” девонида “Боғ аро гүё сабо солмиш эди жонон иси, Ким, етишгач гул иси, мен топтим андин жон иси” матласи билан бошланувчи бир ғазал бор. Унинг мазмун, моҳияти илоҳий тажалли фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, шоир табиатнинг ҳар бир ашёсидан чуқур моҳият кашф этади. Уларда илоҳий мўъжиза инкишофини кўради. Ўзбек адабиёти тарихида мазкур ғазалга кўп ижодкорлар назира боғлашган. Бу, айниқса, Кўқон адабий муҳитида ўзига хос анъанага айланган. “Унга Зокиржон Фурқат назира, Рожий ва Нодим мухаммас, Нодим яна ўз навбатида, Рожийнинг тазминли мухаммасига мусамман ёзган эди”¹. Ундан ташқари, Увайсий ва Амирийлар ҳам унга ўзига хос назира яратилган.

Бизга маълумки, Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкираси, маълум маънода, назира, татабулар жамламасидир. Тазкиранинг яратилиш таъмоилидан келиб чиқиб, ундан мазкур ғазалга боғланган кўплаб назиралар ҳам ўрин олган. Жумладан, Амирийнинг “иси” радифли ғазали ҳам киритилган.

У Алишер Навоий ғазалидан таъсирланиб яратилган. Мазкур ғазал 9 байтдан иборат. Навоий ғазали билан ҳажм жиҳатидан тенг. Иккала асар ҳам рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун) вазнида яратилган. Мазмун жиҳатидан ҳам бир-бирига яқин. Амирий асарида Навоий қўллаган қофияларнинг биттаси (1-байтдаги “жон” сўзи) ишлатилган. Иккала асарда ҳам биринчи байт мазкур қофия билан зийнатланган. Бир хил “иси” радифи қўлланган. Асарлар ошиқона йўналишда. Уларда ёр ва ошиқнинг васл ҳолати тасвирланган. Аммо иккала шоир асарида ушбу тасвир ўзига хос ва янгича ифода тизими билан ёритиб берилган.

Жумладан, Навоий ғазали васл йўли ҳақида. Бу йўлни шоир табиат билан боғлиқликда очиб беради. Боғ, сабо, гул, райҳон, гунча каби тимсолларни қўллаб, улар воситасида жонон ва жон, юз ва хат, оғиз ва дурдек тишлар, лаъл ҳамда қора хол билан боелиқ рамзий моҳиятларни ёритиб беришга ҳаракат қилади. Дастлабки байтда гул ва жонон тимсолларини муқояса этади. Лирик қаҳрамон гул рамзида жонон исини топади. Аммо, у 2-байтдаёқ, бу фикридан қайтади. Гулнинг қизиллигида қотиллик аломатини кўриб, кўнгилни эҳтиёт бўлишга даъват этади. Бунинг сабабини эса шоир кейинги байтда қуйидагича изоҳлайди: У ёр юзини кўриб, ҳақиқий васлга эришди. Энди унга гулу райҳон керак эмас. Чунки лирик қаҳрамон наздида улар, уни асл мақсаддан чалғитувчи ашёларга айланади:

Юзу хаттининг насимидан чу топтим тоза жон,
Ваҳ, не жонимга керак эмди гулу райҳон иси.

Ошиқ кўнгли захмли — яраланган. Нима билан яраланган? Албатта, ишқ пайкони билан. Ошиқ учун эса ишқдан ёқимли ҳолат йўқ. Шу сабабли, лирик қаҳрамонга гунчанинг хушбўй атридан кўра ҳам, кўнглига санчилган, ҳатто қадимийлиги ва давомийлигидан занглаб кетган пайкон ҳиди қадрдонроқ:

Гунча атрин хушламасмен менки, кўнглум боғида
Дарк этарга ўрганибмен занглиғ пайкон иси.

Бунинг сабаби аниқ, чунки фақат ишққина ошиқни асл мақсадига етказувчи восита.

¹ Р. Орзибеков. *Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат*. Т.: Фан, 1976.

Кейинги байтда холи савдо – қора хол ҳақида фикр юритилади:

Холи савдосин, дема, кўнглунг нега фош айлади
Ким, ёшурғон бирла бўлмас мушкнинг пинҳон иси.

Байтда хол мушкка қиёсланади. Мушкни қанча яширсанг-да, ҳиди ошкор этади. Тасаввуф лугатларида қора хол гайб олами рамзи сифатида изоҳланади. Шундан келиб чиқиб, шоир уни мушк билан муқояса этади. Чунки уни кўз билан кўрмасанг-да, муаттар бўйи сеҳри билан сени ўзига жалб этади. Худди шунингдек, кўнглинда мужассамлашган гайб асрорини ҳам сенинг руҳий ҳолатинг ошкор этиб қўяди. Кейинги байтда шоир бода тимсолини қўллайди. У ҳам рамзий маъно касб этади. Бодани кўп истифода этганда, киши маст бўлиб йиқилади. Ўзини унутади. Шоир шу ҳолатдан ишқ мақомининг юқори даражасидаги руҳий ҳолатни ифодалаш мақсадида фойдаланади.

Ҳазалнинг мақтаси умумлаштирувчи, яъни барча айтилган фикрларга ясалган хулоса вазифасини бажаради. Маълум маънода, матладаги фикрга қайтиш, уни эслатиш мақомида туради. Асарда шаклан раддул – матлаъ санъати қўлланмаган. Аммо шу санъат вазифасини шоир ўзгача сўзлар ва образлар келтириш орқали амалга оширган:

Гулдин ул гулрух исин топқач Навоий очти кўз,
Ўйлаким, Яъқуб кўнглакдин маҳи Канъон иси.

Айниқса, мазкур сўнги байтда, Навоийнинг ғазалдан кўзлаган муддаоси тўла юзага чиқади. Шоир талмеҳ санъати воситасида Юсуф қиссасига ишора қилади: Юсуфнинг кўйлагини ҳидлаган отаси – Яъқубнинг кўзи очилганидек, яъни ҳодисанинг моҳиятига етганидек, гулда гул юзнинг – гўзалликнинг рамзини кўрган лирик қаҳрамоннинг ҳам кўзи очилади. Яъни асл моҳият нимада эканлигини англайди.

Гулрух маҳбуба васлига етишда ошиқ учун гул восита вазифасини бажаряпти. Ошиқ Гул рамзи орқали васлга эришиб, моҳиятни англади. Унинг асосий мақсади ҳам худди шу эди.

Амирийнинг назира ғазалида ҳам эътибор, асосан, васлга қаратилади. Лирик қаҳрамон васлдан масрур ва шодмон. У асл мақсадга эришган. Шу сабабли, ҳақиқий васлга ишора қилувчи турли рамзу мажозларни инкор этади. Жумладан, шоир лафф ва нашр санъатини қўллаб, сунбулу кокил, райҳону хат тимсолларидан ўз фикрини ифодалаш учун фойдаланади.

Сажжодийнинг тасаввуф лугатида зулф – кокилнинг турли изоҳлари берилади. Шулардан бирида: “Зулф – ҳеч ким англабмайдиған ғойиблик моҳиятидир”, дейилади. Амирий лирик қаҳрамони юқори мақомда туриб, худди ана шу моҳиятга етишни орзулайди:

Сунбулу райҳон шамимин айламасмен орзу,
Ким, тилармен кокули хатти абирафшон иси.

Юқорида келтирилган лугатда васл – ҳақдан бошқа ҳамма мавжудликни унутиш маъносида талқин этилади. Амирий ғазалида ҳам лирик қаҳрамон ана шундай ўзини ва борлиқни унутган висол ҳолатида:

Васл уммидида эрдим охири топтим мурод,
Шукрилллаҳ, келмади ҳаргиз менга хирмон иси.
Васл ўлғоч ёрга айдимки: ҳажрингдур бало,
Айди ул гул: васларо келтурмагил ҳижрон иси.

Ҳазал мумтоз адабиётга хос бўлган кўпмаъноли мазмунга эга. Зоҳиран қараганда, бир гўзал дилбарга ошuftалик, висол ва ҳижрон туйғулари ифодалангандек кўринади. Аммо, ботинан ғазал замирида рамзий образлар воситаси билан ишора этилаётган теран илоҳий моҳият мавжудлигини ҳам англаш қийин эмас:

Ёрга айдим: юзу зулфунг асиримен Амир,
Айдиким, келди бу сўздин кўфр ила иймон иси.

Маълумки, тасаввуфда юз – илоҳий жамол тажаллиси. Зулфнинг эса турли маънолари бор. Шундай маъноларидан бири Сажжодий лугатида қуйидагича изоҳланган: Сўфий атамалари”да келтирилишича, зулф – куфр зулматига ишорадир. Шундай экан, юқоридаги байтда шоир услубидаги кўпмаънолилилик-ка унинг ўзи ҳам ишора қилиб кетаётганга ўхшайди. Чунки, зоҳиран мажозий, ботинан эса илоҳий васл ҳолати ўз ифодасини топган. Бундай хулосага келишимизга асарда қўлланилган рамзлар, тимсоллар ва сўзлар тизими ҳам асос беради. Айниқса, юз ва зулфга, куфр ва иймон сўзининг зидлантириб қўлланиши бу моҳиятни янада ойдинлаштиради.

Увайсий шеърининг руҳий таҳлилнинг ниҳоятда чуқурлиги билан ажралиб туради. Унинг девонида ҳам “иси” радифли 7 байтдан иборат газал бор. У ҳам рамали мусаммани маҳзуф вазида ёзилган. Навоий, Амирий, Фурқат газалларидан фарқли равишда унда фикр бир-бирига зид ҳолат – васл ва ҳажр туйғуси ҳақида боради.

Увайсийнинг ҳодисаларга ёндашиши, талқин этиши ўзига хос. Жумладан, ушбу газалда васл ҳолати – висолга муяссарлик ҳолати тасвирга олинган. Лирик қаҳрамон васлга эришган. Аммо, у “шодмонликда ғамгинликни унутманг” ақидасига амал қилади. У ҳозирда васл оғушида бўлса-да, ҳижрон ҳақида эслайди. Унинг риёзатларини хотирлайди. Унутмайди. Ушбу газалда шоира маҳоратининг икки қирраси кўринади:

1. Ўзи яратаётган тимсолнинг ички оламини чуқур талқин эта олиш;
2. Сўзларни танлаш ва қўллашдаги ўзига хос ноёб истиснодини намоён эта олиш.

Увайсий газалидан шоира кўзлаган муддао бошқа шоирларнинг мазкур радифли асарларидан фарқланмайди. Аммо, услуб, маҳорат, поэтика нуқтаи назаридан кескин фарқланувчи қирралар бисёр.

Авалло, шоира асарида аёлларга хос теран мушоҳада яққол кўзга ташланади. Шоира услубига хос чуқур руҳий таҳлил, ҳаёт моҳияти, инсон руҳиятини англашга интилиш, сўзлар замиридаги ҳаётни, дардларни уйғотиб қўллай олиш санъати яққол намоён бўлади. Айниқса, қофия тарзида танланган сўзлар бу борада алоҳида аҳамиятга молик.

Маълумки, спортда галаба таъминоти вужуддаги бутун қувватни, зарбани аъзоларнинг бир нуқтасига – қўлга жамлай олиш маҳоратига боғлиқ. Назаримда, шеърдаги қофия худди шундай вазифани бажаради. Унда ҳам шеърнинг бутун қуввати жамланади ва шеърхон қалби мўлжалга олинади. Қофия учун муваффақият билан танланган ана шундай ўткир сўзлар шеър ва шоир мақомини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Мазкур газалдаги қофиялар худди ана шундай вазифани бажаришга беҳато йўналтирилган сўзлардир.

Шоиранинг мазкур газали назира шаклида яратилган. Шу сабабли, маълум маънода ўзи таъсирланган газалларга нозиклик билан, сезирмай ўз муносабатини ҳам билдириб ўтади. Жумладан, Амирий газалида ҳам илоҳий жамолга, ҳам мажозий дилбар қиёфасига чизгилар яққол сезилади.

Юқорида келтирганимиздек, васл – ҳақдан бошқа ҳамма нарсани унутмоқдир. Аммо, Амирий газали лирик қаҳрамони табиатида бундай юксак мақомдан чекиниш ҳолатлари кўриниб туради. Ундаги ошиқ баъзан ўзини унутса, баъзан дунёвий мақоми борасида ҳам фаҳр ва кибр билан эслайди:

Гулшани айём эли юз шукр фармонимдадур,
Келмагай, ёраб, булардин варди нофармон иси.
Ёрга айдим: юзу зулфунг асиримен Амир,
Айдиким, келди бу сўздин куфр ила иймон иси.

Шу сабабли ҳам, Увайсий ўз газали матласида, бизнингча, “васлдан ҳижрон иси келади” дея салафлари фикрига муносабат билдириб ўтади. Чунки тасаввуф лугатларида “ҳажр – ҳақдан бошқага зоҳирий ва ботиний илтифот”, дея шарҳланади.

Демак, шоира газалининг 1-байтини Амирий газалидаги ошиқ ҳолатининг, маълум маънода, танқидга олиниши дея қабул қилишимиз мумкин. Чунки

Амирийда васл ҳақида сўзланаяпти. Аммо, дунёвийликка илтифот унутилмаяпти. Шу сабабли, Увайсий ўзининг чуқур маъноли эътирозини ифодалаяпти:

Келди васлингдин нетайким, бу кеча ҳижрон иси,
Ул сабаб эрди: табассумдин келур гирён иси.

Иккинчи мисра биринчи мисранинг биз келтирган талқини билан боғлиқ. Ҳазрати Махдуми Аъзам Даҳбедий ўзининг “Рубойлар шарҳи рисоласи”да сўзлаш ва кулишни шундай изоҳлайди: “Билгилки, сўзлаш ва кулишдан мақсад ул элнинг гўзали смлярио сиф атларининг солиқ і албиди таж алли ілиши идур”.

Демакки, васлга мукаммал эриш илмаган экан, таж алли ҷам ттліі бгтлол-майди. Ш у боисдан Увайсий ҷар бир солиқ ва ош іііа сабоі бгтлувчи чууур мазмунли фикрни баён этади.

Увайсий сўзларни ниҳоятда дониш мандлик билан танлайди. Ғар бир сўзлик образ ҷолашани инкиш оф этади. Ж умладан, “Ул сабаб эрди: табассумдин келур гирён иси” биринчи байтининг иккинчи мисраси. “И иллі аралаш табассум ілиши “нинг гўзи ш ерхонни лирик і адромон ҷолашга олиб кирди. Унинг туй-ҷуларини англаш та ялинлаш тиради. И иллі маъносининг, айнан, гирён сўзи ор-іаги иф одаланиш ининг гўзида ҷам, ш оира назарда тулган чууур мантлі борли-пини англаш ілийин эмас. Бундай аниқлик билан ҷолаг сурашани чизиб бера олиш Увайсийнинг ш оира сиф атидаги гўзига хос маҷурат ілрратаридан бирдир.

Амирийда васлга эриш ганлик ҷаида масрурлик билан қўйланади. Аммо, Увайсийда бу ҷолаг бутунлай фарі іилади. Унинг лирик і адромони гўзи кттарилган маіомдан іаноатланмайди. Амирий асарида масрурлик руи устувор бгтлса, Увайсийда мазмунлик устувор.

М аш раб талъатидаги иш і маіомининг ю ксаклипини таъкидлаш маісадида, ривоятлардан бирида, “О м, деганда наф асларидан іовурилган ттш тнинг бгйи келарди”, дейилган. Увайсий Таъалининг иккинчи байтида ҷам худди анаш ундай маіомдаги ош ііі ҷолаш гўзига хос иф одасини топган. Ғарчи у М ажнун қаби, дили иш і Тами билан ттлган бгтлса-да, лаълининг ш авіида юрак-бағри іовурилган, иззиробда. М ажнун байтда ш оира сўзларни турли маъно товганиш – ларини эътиборда тулиб ітллаган. Ж умладан, Лаъли сўзи М ажнун билан ёнмаён иш лапилганлиги сабабли Лаълига иш орани ҷам билдиради. Ундан таш іари, лаълининг лаб маъносидан келиб чиқиб, зоирий иш тиеі ва рамзийлик билан болаб, ктнилдаги илорий таж аллига эшиёк мандлик маъноларида ҷам іабул іилиш имизмумкин. И ккинчи мисрадаги бағир ва бирён сўзларидаги ундош – лар уйлаш лиги орандорликни ва мазмуний муаносибликни таъминлаган.

Иш інинг ибтидоси ош ііілик, интиқоси васл. Аммо, ш оира асарида васл иш і интиқоси эмас, балки уни янада оловлантирувчи чгТ сиф атида намоён бгтлади. Лирик і адромон М ажнун маіомидати ош ііі. Унинг дили иш і Тами билан лиммо-лим. Бағри эса таж алли ш авіида іовурилган. Ош ііі гўзининг ш бу ҷолашани гул очилганда булбулнинг хониш и янада авж олиш и билан ііёстайди. Васлга етганда ҷам иш інинг олаш ин пардаларида фиёну нолалари баралта таралиш ини таъкидлайди:

Ғар табассум этса гул, булбулга ором ўлмағай,
Лабларинг то хандадур, мендин келур афғон иси.

Мазкур ғазал зоҳиран қараганда, ошиқнинг мажозий васл ва ҳажр туйғулари изхори сифатида таассурот қолдиради. Аммо, Увайсий услубидан келиб чиқиб, чуқурроқ ёндашсак, асар илоҳий ишқ ва тажалли фалсафасини ўзида мужассамлаштирган мураккаб рамзий маънодаги асар эканлигини англаймиш. Шоира орифона ғояларини ифодалашда кўп рамзий тимсоларни қўллайди. Васл, табассум, лаъл, субҳ, райҳон, гул, булбул, лаб, Юсуф қаби тимсоллар шулар жумласидандир.

Мазкур оҳангдаги шеърлар силсиласида Фурқат томонидан яратилган ғазал ҳам муҳим ўрин эгаллайди. У 7 байтдан иборат. Асарнинг шаклий хусусиятлари салафлари ижодидаги қаби сақланган. У Навоий асаридаги 5 та қофияни қайта қўллаган (жонон, райҳон, қон, жон, хандон). Фурқат ғазали салафлари асарларидан жуда катта фарқ қилмайди. Аммо, ундаги маҳорат қирралари, тасвир услуби ўзига хос ва янгичалиги кўриниб туради. Айниқса, бу жиҳат ғазалнинг сўнгги байтида яққол намоён бўлган. Мазкур байтда Навоийда ҳам, Фурқатда ҳам бир хил қофия, радиф (хандон иси), бир хил тимсол қўлланилади. Аммо

шоирларнинг индивидуал ёндашуви натижасида бадий ашёлар асарда турли вазифани бажариб келади. Навоийда огиз ва дур тишлар шабнам ва очилган гунчага ташбеҳланади. Бу ерда шоирнинг ташбеҳ учун танлаган ашёларининг ниҳоятда мутаносиблиги кўринади. Оппоқ, дурдек тишлар марварид янглиг шабнам доналарига, огиз эса табассумга шайланган гунчага қийёсланади. Фурқатда эса мазкур “хандон иси” қофия ва радиф бутунлай бошқа ижтимоий мазмун ва мундарижа касб этади. Шоир жаҳон айвонидаги номукамаллик ва ноқисликлардан изтиробланиш туйғуларини ифодаш учун фойдаланади:

Гуссадин қон ютмайин найлай, жаҳон гулзоридин,
Топмасам шўрида, Фурқат, бир гули хандон иси.

Ушбу байт шоир газалида энг сўнгги —еттинчи байт бўлиб келади. У асар гоёсининг кульминацион нуқтаси вазифасини бажаради. Ҳолат тавсифига бағишланган газал сўнгги байтда дунё ва инсоният маънавиятига нисбатан кескин исённи ўзида мужассамлаштирган ижтимоий, умумбашарий моҳиятга эга бўлади.

Навоий газали таъсирида яратилган мазкур “иси” радифли асарлар ўзбек мумтоз адабиётида, хусусан, Қўқон адабий муҳитида анъана ва новаторлик масаласини, уларнинг ўзаро муносабатини аниқлашда муҳимдир. Кузатувимиз шунини кўрсатадики, бир хил мавзуда, бир хил вазнда, бир хил радифда яратилган бўлишига қарамасдан, ҳар бир ижодкор қаламидан чиққан асар ўзига хос янги ижод маҳсули сифатида дунёга келади. Унда ҳар бир ижодкорнинг тафаккур тарзи, дунёқараши, фалсафий мушоҳадалари ўз ифодасини топади. Анъанавийликнинг сақланиши билан бирга мавзуга янгича ёндашув, янгича тасвир тизими кўзга ташланади. Улар бир-бирига ўхшаши билан бирга, давр руҳини, унинг муаммоларини ёритиш, тасвирлаш принциплари билан фарқланиб туради. Шу сабабли, ҳар бир ижодкор яратган асардаги мазмун, фикр, гоё, тасвир тамойилларида тараққиёт белгиларини кузатамиз. Мазкур газал Навоий томонидан яратилган ошиқона йўналишдаги асардан тасаввуфий ва ниҳоят, ижтимоий йўналишдаги гоёларни ўзида мужассамлаштирган, кенг қамровли асар мақомига чадирган тараққиёт босқичларини босиб ўтганлигини кузатишимиз мумкин.

Демак, кўринадики, “... назира ва татаббуъ шеърлар битиш ўзбек адабиётининг илғор вакиллари ижодида дастлабки даврлардан бошлаб, ўзида янгиликка бўлган интилишни ифодаловчи восита сифатида қўлланилган”¹. Тазмин усулида яратилган газалларда анъанавийлик билан бирга ҳар бир шоирнинг ўзига хос индивидуал қирралари, дунёқараш ва фикрлаш тарзи ҳам намоён бўлган. Тазмин, назира, тахмис усуллари шунчаки тақлидчилик эмас, балки улар ҳар бир истиснодан ижодкор учун улкан маҳорат мактаби вазифасини бажарган.

*Иқболой АДIZОВА,
филология фанлари номзоди,
доцент*

¹ Р.Орзибеков. Ўзбек лирик поэзиясида газал ва мусаммат. Т.: Фан, 1976.

Қодирий абадияти

Умарали Норматов. «Қодирий мўъжизаси».
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи,
Тошкент – 2010 йил.

Ўзбек адабий танқидчилигининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган заҳматқаш олим Умарали Норматов табарруқ 80 ёшлик санасини “Қодирий мўъжизаси” деб номланган янги йирик тадқиқоти билан нишонлади. Маълумки, мустақиллик йилларигача Абдулла Қодирийнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятини таҳлил этишга бағишланган бир қатор илмий асарлар ва анчагина мақолалар эълон қилинган, кўп баҳслар, мунозаралар, тортишувлар бўлиб ўтган эди. Уларни академик Матёқуб Қўшжонов “Қодирий – эрксизлик қурбони” (“Фан” нашриёти, Т., 1992 й.) номли мўъжаз, аммо сермазмун рисола-сида маълум даражада умумлаштириб таҳлил этган. Шунинг учун бевосита У.Норматов тадқиқотига ўтишдан олдин мазкур мавзунинг ўрганилиш тарихи хусусида қисқача тўхталишга тўғри келади. Бундай заруратнинг яна бир бошқа жиҳати ҳам бор. Камина М.Қўшжоновнинг рисоласи борасида каттагина тақрир ёзиб (“Гулистон” журнали, 1992 йил, 9-10-сон) эълон қилган ва мавзу талқинига доир мулоҳазаларимни билдирган эдим. Ҳозир “Қодирий мўъжизаси”ни таҳлил қилар эканман, уни четлаб ўтиш мумкин эмаслигини ҳис қилдим. Сабаби бу рисола ва тақрирда тилга олинган кўпгина масалалар У. Норматов китобида кўтарилган муаммолар билан бевосита боғланиб кетади.

Машъум қатағон қурбони, янги ўзбек насрининг тамал тошини қўйган буюк ёзувчи Абдулла Қодирий ижоди мустабид тузум йилларида муносиб қадр ва эътибор топмагани бугун ҳаммага маълум. Адибнинг биринчи йирик асари – “Ўткан кунлар” деярли ҳар бир саводли ўзбек хонадонига кириб борган эди. Уни бутун халқ севиб, қўлма-қўл ўқиган. Адибнинг шухрати 20-йиллардаёқ туркий халқлар орасида кенг тарқалгани ҳақида маълумотлар бор. 20-йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат университетида ўқиган буюк қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezов ва таниқли туркман адиби Хидир Деряев, тожик ёзувчиси Жалол Икромийларнинг мақола, хотиралари бунга гувоҳлик беради. Айниқса, Мухтор оға “Ҳеч қутилмаганда саҳрода улкан тоғлар ўсиб чиққани каби 20-йилларда ўзбек адабиётида Абдулла Қодирийнинг романлари пайдо бўлди ва ҳаммамизни ҳайратга солди”, – деб самимий эътироф этган, Қодирий ижоди ўзи учун улкан мактаб бўлганини тан олган эди. “Ўткан кунлар” 1928 йилда озарбайжон тилида, кейинроқ татар тилида нашр этилган. Машҳур олим Е.Э.Бертельс Абдулла Қодирийни дунёда олтинчи ўринда турадиган ўзбек романчилик мактабининг асосчиси деб таърифлаган эди. Шунга қарамай, танқидчилик бу буюк асарни ўта совуқ қаршилайди.

Сирасини айтганда, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитрат ижоди инқилобдан кейинги ўзбек адабиётининг тиниқ кўзгусидир. Бу ҳамма томонидан тан олинган очиқ ҳақиқат. Айни замонда, мазкур адибларнинг асарлари ўзбек танқидчилиги учун ҳам ўзига хос кўзгу, синов тоши бўлиб келди. Бугунги кунда биз – мустақиллик даврида яшаётган авлод ана шу тиниқ кўзгуга боқиб, кимнинг тили ва дили қандай эканини, эстетик диди ва савияси қай даражада камолга етганини, фикрларининг етуклиги ёки қотиб қолганлигини аниқ ажратамиз. Халқимизда: “Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама” деган мақол бор. Шунга ўхшаб, Қодирийни улуғлаганлар ҳам, ижодини тўғри тушун-

ганлар ҳам, турли мақсадларда замонасозлик қилиб унга тош отганлар ҳам, амал ва мартаба таъмасида била туриб бу табаррук ижодни камситган кимсалар ҳам бугун жамоатчиликка беш қўлдек аён.

Шу жиҳатдан академик М.Қўшжоновнинг тилга олинган рисоласи ҳамда У.Норматовнинг қўлимиздаги тадқиқоти бизга кўп нарсаларни ойдинлаштириб беради. Уларда Абдулла Қодирий ижодига муносабат воситасида ўзбек танқидчилигининг йўли, барча кучли ва заиф жиҳатлари, камолоти ва таназзулга кетиш сабаблари кенг, атрофлича таҳлил қилиб, умумлаштирилгани, зарур хулосалар чиқарилганини кўрамыз.

Тарихга мурожаат этсак, Қодирий ижодига биринчи хужумни ёзувчи М.Шевердин бошлаб бергани маълум бўлади. “Мафкуравий жиҳатдан А.Қодирий романи – биринчи ўзбек романи – бизнинг роман эмас”, деб хулоса чиқаради у (“За партию” журналы, 1928 й., 3-сон). Ўша йиллар нуқтаи назаридан қаралганда, бу шафқатсиз хулоса эди. Унга кўра, роман мафкура, яъни ғояси бўйича бизга тўғри келмайди. Демак, у меҳнаткаш халққа хизмат қилмайди. Шундай экан, бу роман – зарарли асар, халққа ёт. Ёзувчи – жамият душмани...

Қизиғи шундаки, бу адиб ҳам, ундан кейин асарга баҳо беришга интилган бошқа мунаққид ва ёзувчилар ҳам бир хил йўлдан борадилар, тўтиқушга ўхшаб бир хил фикрни такрорлайдилар. Дастлаб, асар мақталади, адибнинг маҳорати-га ҳамду сано ўқилади, кейин ёзувчи ижодидаги чекланганлик айтилади, адиб эса тарихдаги прогрессив ҳодисаларни тушуна олмаганликда, синфий кураш-ни кўрсатмаганликда ва меҳнаткаш халқ образини яратмаганликда, ниҳоят, марксизмни етарли эгалламаганликда айбланади. Кўрамызки, мунаққидлар адиб ижодига маълум андозалар, тайёр қолиплар билан ёдашмоқдалар. Бундай қарашлар кейинчалик “вульгар социологизм” сифатида қораланди ва рад этилди. Ҳозир бу ҳақда гапириш осон. У пайтларда эса бундай бемаъни, бефаросатларча ёндашиш ҳукмрон қараш бўлиб, адибнинг тақдирини бир зумда бир ёқли қилиб қўядиган машғум куч ҳисобланарди. Аслида шундай бўлди ҳам. Фақат Абдулла Қодирий эмас, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Усмон Носир ва бошқа ўнлаб ижодкорлар қаттол замон ҳамда вульгар социологизмнинг ноҳақ қурбони бўлиб кетдилар.

М.Шевердиндан кейин Абдулла Қодирий ижодини тадқиқ этганлардан бири – Сотти Ҳусайн ҳам вульгар социологизм изидан бориб, улуг адиб асарларини асоссиз инкор этишга уринди. С.Ҳусайннинг ёзувчига зўрлаб ёпиштирган сиёсий ёрликларидан бири “жадидизм вакили” деган сиёсий айбнома эди. Мунаққид Абдулла Қодирийни “... пролетариатга қарши аксиллиқлибчи куч” сифатида таърифлайди. Замонанинг зайлини қарангки, кечагина халқни маърифатга, эрка, озодликка чорлаган фидойи зиёлилар – жадидлар, яъни янгилик, янгича тартиб-интизом, маданий турмуш тарафдорлари “пролетариат душманлари”га айланди. “Жадид” деганда ашаддий ёв тушуниладиган бўлди. Улар яратган асарларни ўқимай, мазмуни билан танишмай туриб, чангитиб сўқиш бошланди. Оқибатда, Мунавварқори, Беҳбудий, Сидқий, Абдулла Авлоний сингари ижодкорлар реакцион жадидга, Ҳамза, Садриддин Айнийлар эса илгор фикрли маърифатпарварга айланди. Ана шу тарзда ижодкорлар табақаланди: бу – пролетар ёзувчиси, буниси – буржуа, бу – попутчик, ишчи, деҳқон шоир ва ҳоказо. Йиллар ўтиб, замонлар ўзгариб, адолат тарозиси тиклангандан кейин “жадид” ҳисобланган ижодкорлар чинакам халқпарвар, адолатпарвар курашчилар эканлиги маълум бўлди. Шундай экан, Абдулла Қодирий “жадид”лиги учун таъна тоши отишга эмас, ардоқланишга, эъзозланишга лойиқ ижодкор бўлиб чиқади. Аммо у йилларда замон мантиғи бундай тўғри фикрлашни тан олмас эди.

М.Қўшжонов рисоласида атоқли санъаткор ёзувчимиз Ойбек ҳам 1936 йилда эълон қилинган “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” китобида нозик бадиий таҳлил йўлидан борганига қарамай, “ўзи билиб-билмай, М.Шевердин, С.Ҳусайнлар позициясида” турганини тўғри таъкидлайди. У ҳам асарга синфийлик, партиявийлик талаблари билан ёндашгани, қаҳрамонлари “юзлари ер доғлари билан доғланмоғон” кишилар, яъни меҳнаткашлар эмас, юқори табақа вакиллари деган айбни ёзувчига зўрлаб ёпиштирилганини афсусланиб айтади. “Романда камбағал табақасининг хонлик тузилишига қарши кураши

кўринмайди”, деган эди Ойбек. Ҳатто у “Меҳробдан чаён” романи ҳақида фикр юритар экан, Анвар образи талқинига доир шундай “камчиликлар”ни кўрсатади: “Анвар феодал хонлик системасида ҳақсизликларни, истибдодни сезиб, бу ҳақда гапиради. Аммо эзилганларнинг курашчиси бўлиб, ўз манфаатлари йўлида иш қилишга интилмади”.

Камина М. Қўшжонов рисоласига эзилган тақризда мазкур масалага тўхталиб, шундай мулоҳаза билдирган эдим: “Бу ўринда адиб энг асосий нуқтага — тарихийлик мезонига, ҳаёт ҳақиқатига эътибор бермайди. Романда тасвирланган давр одамлари ана шундай “талаблар”га мувофиқ ҳаракат қилиши мумкинми? Уларнинг савияси, билим даражаси ва дунёқараши “исёнкорлик” даражасига кўтарилган эдими? Бу асосли саволлар устида дурустроқ бош қотириш ўрнига ҳаёт ва тарих мантига содиқ қолган буюк ёзувчининг таҳсинга лойиқ фазилати нуқсон сифатида камситилди. Бу ҳам вульгар социологизмнинг аччиқ меваларидан эди”.

Абдулла Қодирий ижоди расман оқлангандан кейин ҳам турли йўллар, баҳоналар билан ёзувчи асарларини камситишга уриниш, унга тош отишлар давом этаверди. Ҳатто адиб ижодидан яна бир “муҳим” нуқсон излаб топилди. Отабекнинг чор Россияси кўшинларига қарши курашда ҳалок бўлгани китобхонга маълум. Ана шу ҳолат жуда кўп танқидчиларнинг тишини синдирди. Қаҳрамоннинг ўз Ватанини ҳимоя қилиши, босқинчи кўшинга қарши мардона курашгани ёзувчининг энг катта гоёвий хатоси, илғор Россиянинг тарихидаги “буюк роли”ни тушуна олмаслик, қолаверса, қасддан камситиш деб баҳоланди. Тўғри, ўтган асрнинг 50-йилларида (иккинчи ярмида) бу масалада бутунлай бошқача қараш юзага келган эди. Айниқса, мазкур ҳодисанинг “прогрессив аҳамияти”га бағишланган илмий конференциядан кейин тарихни сохталаштириш авж олди. Ҳатто шу пайтгача кенг ишлатилиб келган “босиб олиш” ибораси “қўшиб олиш” тарзида юмшатилади. Катта-катта олимлар, расмий илора раҳбарлари бу сохтакорликни рағбатлантириб турган пайтда “Ўткан кунлар” қаҳрамонининг рус кўшинига қарши чиқишини оқлаб бўладими? Ёзувчи масалани шу тарзда кўйиши катта гоёвий хато, марксизмдан чекиниш, дунёқарашидаги чекланганлик эмасми? Тадқиқотчиларимиз бундай қалтис саволлар қаршисида қарахт бўлиб қолдилар. Матёқуб Қўшжонов айтганидек, бир гуруҳ “зарбдор танқидчи”лар, “сўлкаш”ларнинг жони кирди. Хуллас, адибга бағишланган тадқиқотларга юқоридаги “иллат” ҳам тиркаладиган бўлди. Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов, Аҳмад Алиев, Собир Мирвалиев каби катта олимлар, ҳатто Матёқуб Қўшжоновнинг ўзи ҳам бундан четда қолмадилар.

Ўтган асрнинг 70-йилларида “Ўзбекистон маданияти” газетасида социалистик реализм муаммоларига бағишланган йирик баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Унда ҳам Абдулла Қодирий ижоди ва “Ўткан кунлар” қаҳрамонининг чор босқинига қарши кураши, бунга ёзувчининг муносабати ўзақ масалалардан бирига айланиб кетди. Мунозарада қатнашган бир гуруҳ танқидчилар адиб социалистик реализм методига амал қилган, деган нуқтаи назарни илгари сурган бўлса (булар орасида Умарали Норматов ҳам бор), бошқалар Қодирий лоақал танқидий реализм даражасига кўтарила олмади, дунёқараш жиҳатидан эса Муқимийдан ҳам пастда туради деган фикрни ўтказишга уриндилар. Бу мулоҳазалар ёзувчига қайтадан сиёсий айб кўйишга интилишдан бошқа нарса эмас эди. Хуллас, “Туркистоннинг Россияга қўшилишдек прогрессив ҳодиса моҳиятини Қодирий тушуниб етмади”, деган тавқи лаънатни ниқоб қилиб олиб, “ёзувчи миллатчи эди, терговда барча айбларини тан олган, унинг қамалиши тўғри бўлган” деган ҳукми жиддий мажлисларда бемалол гапирадиган “чала мулла” олимлар яна бош кўтариб қолдилар. Марҳум Бердиали Имомов бу борада катта рекорд кўйди дейиш мумкин. У шундай ёзган эди: “Романда Ўрта Осиёни Россияга қўшиб олиш муносабати хира ва ноаниқ қолади. Отабекнинг ўша давр учун прогрессив тарихий ҳодисага қарши жангга киришини қоралаш ўрнига бу борада А. Қодирийнинг лоқайд қолиши, ҳатто унга майл билдириши ёзувчи позицияси анча хато эканини яна бир бор исботлайди”. Бу ўта адолатсиз, дидсизлик билан билдирилган фикр эди. Афсуски, ошкоралик йиллари ва Мустақиллик кунларигача шундай шафқатсиз қараш буюк адиб ижодига қўланка солиб, губордек эргашиб юрди. Мазкур мавзуга қўл урган айрим олимлар

тарихни яхши билмасликлари ва чор босқинига доир беҳисоб адабиётлар, ҳужжатлардан беҳабар эканликларини ошқора кўрсатиб қўйдилар. Очигини айтиганда, чоризмнинг истилочилик сиёсатига тўғри баҳо бермасдан келингани ўзбек олимларининг фақат журъатсизлиги эмас, маълум даражада фожеаси деб очиқ айтиш керак. Қатағон даврида тиззаси қалтираб қолган илм ва адабиётнинг энг янчили ва шармандали “хулоса”ларидан бири эди бу! Босқинни ўз номи билан очиқ айтиш ўрнига “прогрессив”лигини исботлаш эса на илм, на ҳаёт, на тарих мантигига тўғри келади...

Камина академик М.Қўшжонов рисоласини мана шундай йўналишда таҳлил қилиб: “Журъат ва эҳтирос билан ёзилган мазкур рисола бизни яна баҳсларга, тортишувларга чорлайди, тилимизда тугун бўлиб ётган юзлаб муаммоларни ечишга даъват этади”, деб фикр билдирган эдим. Худога шукр, тилагимиз амалга ошиб, заҳматқаш адабиётшуносу ва танқидчи Умарали Норматов истиқлол йилларида Абдулла Қодирий ижодига бағишлаб ёзган илмий мақолалари ва суҳбатларини жамлаб, йирик бир китоб шаклида талабчан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди. Юқорида айтганимиздек, бу кўламдор тадқиқотни Қодирийга бағишланган М.Қўшжонов рисоласидан кейинги салмоқли илмий асар ва табиийки, унинг мантиқий давоми сифатида баҳолаш адолатли бўлади. Чунки М.Қўшжонов Қодирий ижоди ҳақида мустақиллик йилларигача ёзилган илмий-танқидий асарларга имкон қадар ҳолис ва ҳалол муносабат билдирган бўлса, Умарали ака янада олға кетиб, кейинги салкам йигирма йилда бу мавзуга бағишланган янги мақолаларни таҳлил қилади ва аввалги баҳс-мунозараларни маълум даражада умумлаштириб, янги тамойиллар асосида ўз кузатувлари ва хулосаларини чиқаради.

Маълумки, аввалги мунаққидлар кўпроқ адибнинг дунёқараши, синфий позицияси ҳақида баҳс юритганда ҳукмрон мафкура талабларидан четга чиқиб кетмасликка, адибнинг маҳорати, бадиий олами, қаҳрамонлари, санъаткорлик сирлари, жозибатор тили ҳақидаги барча мулоҳазаларни ана шу мустақам “темир қозиқ” атрофида айлантиришга маҳқум этилган эдилар. Матёқуб Қўшжонов ҳам, Умарали Норматов ҳам ўз асарларида йўл қўйган хатоларини астойдил тан олиб, шундай ёзишга мажбур бўлганларидан афсусланиб, маданий зиёлига хос йўл тутгани ибратли фазилатдир. Масалан, Матёқуб Қўшжонов, Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати” рисоласида (олимнинг таъкидлашича, «бу китобча 1958 йилда ёзилган бўлиб, 8 йилдан кейин, яъни 1966 йилда аранг чоп этилди») “Отабекнинг русларга қарши урушда ҳалок бўлиши реалистик далилланмаган бўлиб, бу ёзувчи дунёқарашидаги чекланишлардан келиб чиққандир”, деган мулоҳазаси хато эканлигини ва у мажбурият асосида ёзилганини самимий эътироф этади.

Умарали Норматовнинг дил иқрориди ҳам шундай руҳ устувор: “Баъзи адабиётшунослар ҳаққоний, юксак бадиий, аммо ҳукмрон мафкура қолипига тушмайдиган нодир асарларни нима қилиб бўлса-да, ҳимоя қилиш, халққа қайтариш, “замонага хизмат қилдириш” мақсадида гоҳо “ҳийлаи шаърий” усулларини қўллашга мажбур бўлганлар, асардаги энг муҳим нуқталарни атайин четлаб ўтганлар ёки кўриб-кўрмасликка олганлар. Асарлардан социалистик мафкурага, социалистик реализм методи талабларига мос келадиган жиҳатларни топишга ҳаракат қилганлар. Шахсан мен ўзим ҳам 70-йиллари “Ўткан кунлар” теварагида борган, бу қутлуғ романни бадном қилиш учун бошланган мунозара чоғида... “Ўткан кунлар” “социалистик реализм асари” эканини, унда тарихни синфий тушуниш ва ифода этиш мавжудлигини исботлашга уринганман. Ҳозирга келиб бунақа баҳслар ҳийла чучмал, бачкана кўринади. “Ўткан кунлар” ўшандай ҳимояларга муҳтож эмаслигини бугун ҳамма билади” (100-бет), – деб ёзади. Мазкур кўчирма ҳалол танқидчилар қандай шароитда ижод этганини кўрсатиши жиҳатидан ҳам муҳим. Мафкура тазйиқи остида яшаш ва ижод қилиш ҳамиша қийин бўлган. Замона зайли билан хатога йўл қўйиш мумкин, ҳамма гап уни тан олиш ва тузатишда қолган. Умарали ака мазкур китобида виждонли олим сифатида бунга иқдор бўлиб, тўғри йўл тутишдан ташқари шу пайтгача тугун бўлиб ечилмай келган асосий масалани – “Ўткан кунлар” романининг чинакам моҳиятини белгиловчи ўзак нуқтани очиб беришга эришганини алоҳида таъкидлаш керак.

Кўриб ўтганимиздек, роман ҳақидаги баҳс-мунозаралар 20-30-йилларда ёзувчи дунёқараши, маслаги устида кечган бўлса, 70-йилларда у анча силлиқлашиб, метод, услуб ва асарнинг жанр хусусиятларига (“роман социалистик реализмга мансубми ёки танқидий реализмга?”, “тарихий”, “социал-маиший”, “ахлоқий-психологик” ёки “ишқий” асарми?”) боғлиқ анча жўн доирада бошланиб, жиддийлашиб борганига қарамай, ўзак нуқта жавобсиз қолаверган эди. Бу масала ҳам аслида истиқлол, мустақиллик шарофати билан ечилди.

Ўз замонасининг фидойи фарзанди Қодирий Октябр тўнтаришидан кейин рўй берган улуғ миллатчилик, зўравонлик ҳаракатларини кўриб қаттиқ эзилган ва ундан қутулиш йўлларини тинимсиз излаган эди. Айниқса, большевиклар зуғуми остида Таъсис мажлисининг тарқатиб юборилиши, Туркистон мухториятининг қонга ботирилиши (бир неча кун ичида Қўқон шаҳрида 10.000 киши ўлдирилган), “босмачиларга қарши кураш” ниқоб билан Фарғона водийсидаги тинч аҳолининг қатли-ом этилишидан у яхши хабардор эди. Юрт тақдири, ўлка қисмати ҳар бир виждонли зиёлининг қайғусига айланганди. Фитрат “Юрт қайғуси” деб номланган сочма шеърда: “Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг?..” деб фарёд қилган ва “Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, Нафрат сени кўмгани келганларга!” сингари курашчан мисралар тизганди. Чўлпон “Бузилган ўлкага” шеърда зулм ва зўравонлик ичида қолган юрт қиёфасини, истибод манзараларини дадил суратлантириб берган бўлса, Элбек янги истилочиларнинг қонли кирдикорларини “Қайси бири бўри?” масалида дадил фош қилган, “Қуролга” шеърда эса халқни мустақиллик йўлида курашга очиқ даъват этган эди. Бундай шароитда Абдулла Қодирий тинч тура олармиди? У ҳам парчаланиб бораётган Туркистон қисмати ҳақидаги аччиқ ўйлари дард билан, алам билан қоғозга туширди. “Ўткан кунлар” адибнинг дил фарёди, ўйлари тимсоли бўлиб қоғозга кўчди. У санъаткор сифатида алам-ли ўйлари Отабек, Юсуфбек ҳожи сиймосида, уларнинг аччиқ сўзлари воситасида халққа етказишга, миллатни уйғотишга, кўзини очишга ҳаракат қилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик Абдулла Қодирийнинг жасорати, романларнинг асл моҳияти ҳақида шундай ёзди: “Гарчи “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” севги қиссасига ўхшаса-да, унинг замирида Ватан тақдири, Ватан туйғуси ётади. Адиб “Бир вақтлар қудратли бўлган ота юрт нима сабабдан ночор ва гариб ҳолга тушди?” деган саволга жавоб топмоқ учун тарихни таҳлил этади. (Фитратнинг “Юрт қайғуси” сочмаларига ҳамоҳанг эмасми Қодирийнинг фарёди, дил изтироблари? – О.А.) Тоҳир Малик ўз мулоҳазаларини шундай давом эттиради: “Тобелари бир-бирлари билан аҳил яшай олмаган жамият музористон кабидир. Бу жамият аҳли гарчи тирик бўлиб кўринсаларда, улар руҳан ўликдилар. Утмиш воқеаларини таҳлил этган адибнинг хулосаси мана шу. Подшо зулмидан большевик зиндонига ўтиш даврида миллат гўё бир уйғонгандек бўлди-ю, сўнг яна ғафлат уйқусини давом эттирди. Отабекни қайғуга солган ноиттифоқлик миллатни яна занжирбанд қилди. Ёзувчи бу жараённи ўз кўзлари билан кўрди, кўра туриб руҳи фарёд этди ва бу фарёд ёзилмиш асарларига кўчди” (А.Қодирий. Диёри бакир. Т., “Янги аср авлоди”. 2007 йил, 17–18-бетлар). Қодирий асарларининг асл руҳи, моҳияти ва аҳамияти нозик дидли адиб томонидан ниҳоятда тўғри топилгани ва ибратомуз таҳлил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шундай фикрларни танқидчи Маҳкам Маҳмудов билан Қодирий романлари ҳақида ҳамкорликда ёзилган “Дилларни забт этган асарлар” номли мақолада биз ҳам айтиб ўтган эдик (Қаранг: А.Қодирий. “Танланган асарлар”, SMI – ASIA, Т., 2009, 569-бет).

Куюнчак танқидчи Умарали Норматов ҳам ана шу тўғри йўлдан бориб, Қодирий ижодини, унинг санъаткорлик маҳоратини эҳтирос, ҳаяжон, синчковлик билан ёрқин акс эттиришга эришади. У танқидчи, адабиётшунослар орасида деярли биринчи бўлиб Юсуфбек ҳожининг, Отабекнинг асл қиёфасини китобидаги “Истиқлол қайғуси” бобида чуқур ёритиб беради. Қодирий романи қайта нашр этилганда (1958 йил) асосиз қисқартириб юборилган парчаларни таҳлил доирасига тортиб, ўз мулоҳазаларини пухта далиллайди. Шу жиҳатдан китобда келтирилган шоира Ҳалима Худойбердиеванинг “Йиғи” шеъри танқидчи фикрларини кучайтиришга катта ёрдам берганини ҳам айтиб ўтиш

керак. Олим қўллаган қиёсий-типологияк йўл, нозик ҳиссий-психологияк таҳлил услуби яхши самара берган. У ҳам буюк санъаткор ёзувчи қалбидаги нозик тебранишларни, дил армонларини, “ёзувчининг китобхонга айтмоқчи бўлган асосий ва зарур гапи нимадан иборат” эканини бугунги ўқувчиларимизга, хусусан, ёшларга аниқ, равшан тушунтириб беради. Асар билан тарихни, замонни қиёсий ўрганиш ва шу асосда бугунги китобхонга маънавий сабоқ беришга интилиш “Қодирий мўъжизаси” китобининг бош пафоси даражасига кўтарилади. Бу самарали усул тадқиқотнинг деярли ҳар бир саҳифасини илиқ нурга, жозиблага тўлдиради. Танқидчи Қодирий асарларидан олган ёрқин таассуротларини меҳр ва ҳаяжон билан ўқувчи кўнглига етказиш учун астойдил тер тўқади, изланади, ўз гапини айтишга интилади. Мазкур ижобий ҳодиса китобнинг ҳар икки бўлими: “Қодирий боғи” ва “Қодирий мўъжизаси”ни безаб туради. Танқидчи Абдулла Қодирий ижодига муносабат билдирган аввалги танқидчилар ҳамда ҳозирги мунаққид ва ёзувчилар ҳақида гапирганда ҳам назокат доирасидан чиқмасдан, уларнинг шахсига эҳтиром сақлаган ҳолда фикр юритади. Айниқса, кейинги йилларда Қодирий ҳақида нозик кузатишларини баён қилган хассос танқидчи Иброҳим Ғафуров ва дилбар ёзувчимиз Хайридин Султоновларнинг янгича нигоҳ билан ёзилган мақолаларини хайрихоҳлик билан таҳлил этиб, улардаги талқин жозибасини маъқуллаган ўринларда бу фазилат яққол намён бўлади. Китобдаги “Адиб ҳақидаги қайдлар”, “Бадиий сўз қудрати” (ёзувчи Ўткир Ҳошимов билан суҳбат) бобларида билдирилган мулоҳазалар ҳам ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тасавурларимизни бойитади. У.Норматов “Орттирмай ва камситмай” бобида “Меҳробдан чаён” романининг тасвирий принципларини таҳлил этади ва бу асар ҳақида мулоҳаза билдирган турли мунаққидларнинг қарашларини маълум даражада умумлаштириб баҳолайди. “Фигон” боби эса ёзувчининг ўғли Ҳабибулла Қодирий қаламига мансуб “Қодирийнинг сўнги кунлари” хотира-қиссаси таҳлилига бағишланган. Бу бобда ҳам баҳс-мунозара, тортишув руҳи устувор. Тўғри, бобдаги айрим мулоҳазаларга қўшилмаслик, уларни рад этиш мумкин, лекин танқидчининг бу ҳужжатли асарни ҳимоя қилиб айтган фикрларидаги ҳақиқат мантигини, самимиятни тан олмаслик, уларга қўшилмаслик мумкин эмас. Айни замонда Умарали Норматов китобида эътирозга сазовор ўринларда ҳам бор, албатта. Масалан, олим Матёқуб Қўшжонов номини хайрихоҳлик билан тилга олса-да, “Қодирий – эрксизлик қурбони” китобига дурустроқ эътибор бермайди. Ҳолбуки, унга кенг тўхталиш лозим эди. Янги тамойиллар йўлидан юрган яхши, албатта. Агар шундай йўлдан олдин бировлар юриб ўтган бўлса, бир оғиз унинг хизматини айтиб ўтиш ундан ҳам яхши. Умуман, шу ерда яна бошқа бир жиддий масала ҳам бор. Филология фанлари доктори Ҳафиз Абдусаматов Матёқуб Қўшжонов китобига қарши “Танқидми, тош отиш?” номли махсус рисола ёзган эдики, ҳар икки асарни қиёслаб, ким ҳақ, ким ноҳақлиги ҳақида ҳолис фикр билдириш мазкур ўринда шарт эди. Ҳақиқий илм тамойили шуни тақозо этади. Негадир У.Норматов мана шу имкониятдан фойдаланмайди. Шунингдек, яхшигина тадқиқотлари билан танилиб қолган Баҳодир Карим (у Қодирий ижодини ўрганиш тамойиллари бўйича докторлик диссертацияси ёқлаган) нинг изланишлари ҳам китобда тилга олинмаган. Бу нуқсон китобнинг кейинги нашрларида тузатилади деб умид қиламиз.

Умарали Норматовнинг “Қодирий мўъжизаси” тадқиқоти танқидчи ижодида ҳам, ўзбек адабиётшунослигида ҳам муносиб ўрин эгаллашига шубҳа йўқ.

*Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди*

Эрнест Хемингуэй ҳикоялари

Ёзувчи ижоди ҳар доим ўз даврининг маънавий муаммолари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Эрнест Хемингуэй ижоди ҳам бундан мустасно эмас. Аммо Хемингуэй ўз даврининг оддий солномачиси ёки тарихнависи эмасди/ У ўзи яхши билган, ўз кўзи билан кўрган, бошидан кечирганлари ҳақида ёзган, шахсий ҳаёт тажрибаси эса у қураётган ижод қасрининг пойдевори бўлиб хизмат қилган эди, холос.

Хемингуэйнинг ўзи ушбу тамойилни қуйидагича таърифлайди: “Роман ёки ҳикояни ёзиш – бу яхши билган нарсаларинг асосида бадиий тўқима яратиш демакдир... Бадиий тўқима яхши чиққанда, ҳақиқатга яқинроқ бўлади”.

Журналда босилиб чиққан илк мақолалари ва “Уч ҳикоя ва ўнта шеър” (Three Stories and Ten Poems, 1923) номли мўъжазгина китобидан сўнг, Хемингуэй “Бизнинг давримизда” (In Our Time, 1925) новеллар тўпламини эълон қилди ва ўз услубига эга ёзувчи эканлигини намойиш этди. Бу китоб камолотга эришган ёзувчи ижодининг дебочаси бўлди. Аслини олганда, тўпلام кўп жиҳатдан Ник Адамс образи орқали бир-бирига чамбарчас боғланган новеллалардан иборат туркум эди. Тўпلامга кирган 15 новелла ижтимоий ҳаёт мавзуга бағишланган бўлиб, уларда на сюжет, на композиция жиҳатидан яқин бўлмаган “интерлюдия”лар тўпلامни бир бутун яхлит ҳолга келтирганини кузатиш мумкин.

Ушбу тўпلام Хемингуэйга маълум даражада шуҳрат олиб келди. Бу унинг жиддий мавзудаги биринчи асари эди. Унда адибнинг ижодий ғоялари илк бора тажассум топганини кузатамиз. Шунингдек, улар орқали ёш ёзувчи илҳом бағишлаган, уни қизиқтирган ва бадиий ҳамда эстетик қарашларининг асосий йўналишларини белгилаб берган мавзулар доирасини ҳам кўришимиз мумкин. Эътиборли томони шундаки, тўпلامнинг тузилиши ўзгача – шакл жиҳатдан оддий ҳикоялар кичик ҳажмдаги миниатюралар билан алмашилиб туради, ҳикояларнинг раван оқими эса бирданига авж олиб, тез ва шиддатли тус олади. Муаллиф ўйлаган ният, асосий мақсад айнан шу йўсинда рўёбга чиқади. Унинг фикрича, “энг муҳими – умумий кўринишни, манзарани яратиш лозим, орада тафсилотларга ҳам ўрин бериш фойдадан холи бўлмайди. Бу ҳолат, бирон-бир нарсага, аввало оддий кўз билан қарашга, айтилик, китоб билан қирғоқ ёнгинасидан ўтиб кетиб, кейин унга дурбин орқали қайта тикилиб синчков разм солишга ўхшайди”.

Тўпلامда ҳажман йирик ҳикоялар билан бир қаторда миниатюралар ҳам мавжуд. Миниатюралар – бу уруш, қатл, зўравонлик, қотиллик каби инсониятга ёт унсурларга тўла бераҳм ва шафқатсиз дунёнинг сарҳадларга бўлиниб кетган кўринишидир. Улар – урушдаги ўлим, қамоқхонадаги қатл манзараси, полициячилар томонидан икки ўғрининг ўлдирилиш каби воқеаларни тасвирловчи ҳажман кичик асарлардир.

Хемингуэй ўзи учун инсоний “одоб-ахлоқ қоидаларини” ишлаб чиққан эди. Уларнинг мазмун-моҳияти қуйидагича: одам ўлимга, мағлубиятга маҳкум этилган экан, ўз инсоний қадр-қимматини сақлаб қолиш-

нинг ягона йўли — дадил бўлиш, ҳеч нарсадан қўрқмаслик, ҳар хил вазиятларда ҳам ўзини йўқотиб қўймаслик, худди спортдаги каби “ҳалол ўйин” қоидаларига риоя қилишдан иборат.

Биринчи марта бу фикрни Хемингуэй “Бизнинг давримизда” тўплами устидаги ишни тугатганидан сўнг ёзилган “Енгилмас” (Undeafed, 1924) ҳикоясида мужассамлаштиришга ҳаракат қилди. Бироқ ҳаётда инсон ҳеч қачон таслим бўлиши мумкин эмаслиги, қандай зарбалар берилмасин, у ортга чекинмаслиги ҳақидаги фикр Хемингуэйнинг фикр-ўйларини бутунлича банд этганди. Бу туйғу муаллифга “Қуёш чиқади” (The Sun Also Rises, 1926) романи устида ишлаётган пайтларида янада муқим ўрнашиб, унга илҳом бағишлади, десак адашмаган бўламиз. Негаки, 1927 йилда “Фиеста” (Fiesta) номи остида Англияда босилиб чиққан ушбу роман Хемингуэйга оламшумул шуҳрат олиб келди. Муаллиф роман бошида “йўқотилган авлод” (the lost generation) ҳақидаги машҳур иборани эпиграф қилиб келтиради. Дарҳақиқат, бу роман чех-раларига уруш муҳри босилган одамлар қисмати ҳақида бўлиб, унда урушда тирик қолган, лекин алданганлигини англаган, баландпарвоз шиорлар ёлғон эканлигини тушунган, оқибатда ўзлигини йўқотиб саросимага тушган одамларнинг ўй-кечинмалари, маънавий олами теран тасвирланганди. Бу одамлар Хемингуэйга яқин таниш эди, чунки унинг ўзи ҳам шу муҳитда яшаган, мудҳиш қирғинларда омон қолган бўлса-да, улардан фарқи — бу ҳаётда ягона таянч нуқтаси — ижод шукуҳи борлигида эди. Айнан шу бебаҳо хислатни муаллиф роман қаҳрамони журналист Жейк Барнс образида мужассам этади. Жейк Барнс урушдан қолган оғир жароҳатига қарамасдан, ҳаёт олдида таслим бўлмайди, инсоний қадрини йўқотмайди, ўз обрўсини ерга урмай ишлашни, ижод қилишни давом эттиради.

Адибнинг энг яхши ҳикояларидан бири “Килиманжаро қорлари” ҳам давр ва инсон қисмати мавзуга бағишланади. Ҳикоя қаҳрамони ёзувчи Гарри образида Хемингуэйнинг Париждаги ҳаёти, Яқин Шарққа ижодий сафари билан боғлиқ кўп саҳифалар бор. Гарри Хемингуэй ўз ижодида жиддий сиёсий ва ижтимоий ҳаёт муаммоларини батафсил ёритишга кенг ўрин бермаган бўлса-да, “Эсквайр” журналида мунтазам чоп этилган мақолаларида зийрак сиёсатдон, уруш ва фашизмга қарши мустақкам позицияда турган публицист сифатида намоён бўлди. Айни пайтда, у ижтимоий ҳаётдаги ўта долзарб муаммо, яъни урушдан сўнг ночор аҳволда қолган одамлар турмуши мавзусига қайта-қайта мурожаат қилди. Адиб бу даврда Флорида штатидаги Ки-Уэст шаҳрида яшаб, маҳаллий аҳоли билан яқиндан танишди, уларнинг ташвиш ва қувончларига шерик бўлди.

1934 йида Хемингуэй денгизда балиқ овлаб кун кўрувчи Гарри Морган ҳақида “Ғалаба йўли” (Voyage to Victory) номли қисса ёзди. Ҳаётда алданган ва ҳеч вақосиз қолган Гарри Морган, ўз оиласини боқиш учун қонунга хилоф иш тутганлиги, вазиятнинг ўзи уни жиноят қилишга мажбур этганини катта маҳорат билан очиб берди. Кейинроқ яна шу мавзуда “Тўқчилик ва йўқчилик” (To have and have not, 1937) романи юзага келди. Романниг биринчи ва иккинчи қисмига айланган аввалги ҳикояларига Хемингуэй учинчи, яъни ўз қаҳрамонининг фожиали тарихини яқунловчи ҳикояни “тиркаб” қўйди.

Романда муаллиф жамиятда ҳукм сураётган вазиятни ҳеч бир муболагасиз ва бўрттиришларсиз кўрсатишга ҳаракат қилади. Адиб тасвирлаган жамиятнинг бир томонида ночор аҳволга тушиб қолган, ҳатто олдий яшаш имконидан маҳрум этилган қашшоқ одамлар, иккинчи томонида умрини кўнгилхушликда ўтказётган “оқсуяк”лар жой олганди. Асар гоёсини кучайтириш ниятида Хемингуэй Гарри Морган тақдирига мантиқий нуқта қўювчи бир лавҳани ҳам киритади. Ўлим тўшагида

ётган Гарри Морган қуйидаги чуқур маъноли сўзларни айтади: “Одам ёлғиз яшай олмайди. Одамни ёлғизлатиб қўймаслик керак. — У тўхтаб қолди. — Барибир, одамнинг бир ўзи ҳеч нарса қилолмас экан. — У кўзини юмди. Шунга айтиш учун унга кўп вақт керак бўлди, буни англаб етиши учун эса бутун ҳаётини сарфлади”.

“Тўқчилик ва йўқчилик” романи Хемингуэй ижодида муҳим ўрин эгаллади.

Испаниядаги уруш пайтида қамал қилинган Мадрид шаҳридаги “Флориди” меҳмонхонасида яшаган Хемингуэй “Бешинчи колонна” (The Fifth Column, 1938) пьесасини ёзди. У ҳеч қачон ўзини драматург деб ҳисобламаган, бу унинг ижоди давомида ёзилган ягона драмаси эди. Шу босидан асарнинг шошилиб ёзилганлиги, ҳамда маълум даражада драматик маҳорат етишмаганлиги сезилиб туради. Шунга қарамай, ушбу пьеса Хемингуэй ижодида муҳим босқичга айланди. Бу асарда илк дафъа ёзувчи янги мавзуга қўл уриб, янги образлар галереясини яратди. Асар гоёси, энг аввало, бош қаҳрамон — америкалик аскар Филипп Роллингс тимсолида намоён бўлади. Ёки, тўғрироғи, у бутунлай янги тимсол эмас, балки бизга бир қадар таниш бўлиб қолган эски қаҳрамонларга ўхшаб кетса-да бироқ муаллиф билан бирга улғайган, камолга етган ва унга ҳамнафас бўлиб янги даврга қадам қўйган инсон сиймосидир. Муаллиф асар қаҳрамони Филипп Роллингс билан ўзи ўртасида ўхшаш хислатлар борлигига, энг муҳими, изчил боғлиқлик мавжудлигига алоҳида ургу беради, қаҳрамонни ўз ақидаларининг давомчиси қиёфасида кўрсатади. Аммо Филиппни ҳали-ҳануз беташвиш ва фаровон ҳаёт билан боғлаб турувчи ришталар мавжуд эди. Масалан, “Килиманжаро қорлари” ҳикоясидаги Гарри ҳам айнан шу зайлда ҳаёт кечирганини эслайлик. Баъзан Филипп ҳам ўзига тўқ ва бекаму кўст ҳаётни кўмсаб қолади. Қолаверса, бу ҳаётга қайтишга унинг севиқли аёли Дороти Бриджес чорлайди. Бу аёл сиймосида эса Филипп соғинган, кўмсаб қолган барча ижобий нарсалар мужассам эди. Хемингуэй пьеса муқаддимасида қуйидаги сартларни бекорга ёзмагани: “...шундай қиз бор, исми Дороти, лекин уни бемалол Ностальгия (Кўмсаш) деб аташ мумкин”. Дороти Филиппни олдинги тинч ва осойишта ҳаётга қайтишга ундаганида, йигит шундай жавоб беради: “Сен боришинг мумкин. Мен у жойларнинг барчасида бўлганман ва у энди ортда қолди. Мен эндиликда борадиган манзилимга ё бир ўзим, ёки менга ўхшаганлар билан бирга бораман”.

Хуллас, Хемингуэй қаҳрамонининг ҳаёти ўзига хос маъно ва янги мазмун касб этди ва у ўз хоҳиши билан жангга отланди. “Олдинда эллик йил эълон қилинмаган урушлар мени кутиб турибди ва мен бу урушларда иштирок қилиш учун шартнома туздим”, — дейди Филипп. Урушни лаънатлаган, қуролни ташлаган ва ўзича “бир томонлама сулҳ” тузган “Алвидо, қурол” романи қаҳрамони Фредерик Генридан фарқли ўлароқ Филипп Роллингс узоқ ва машаққатли урушлар йўлини босиб ўтди.

“Мотам кўнғироғи” (For Whom the Bell Tolls, 1940) романи Хемингуэй ижодини янги босқичга кўтарди, десак муболага бўлмайди. Адибнинг “Бешинчи колонна” пьесасида намоён бўлган тамойилларни ривожлантирувчи ва чуқурлаштирувчи мазкур роман ҳам Испаниядаги фуқаролар уруши мавзуга бағишланган. Унинг бош қаҳрамони ҳам ўз ихтиёри билан Испанияга келган ёш америкалик йигит. Романда Испанияда аланга олган фуқаролик уруши пайтида кўзғолончилар отрядига жўнатилган бу ёш америкалик байналминал жангчи Роберт Жордан саргузаштлари ҳикоя қилинади. Роман сюжети унчалик мураккаб эмас. Бош қаҳрамон Роберт Жордан портлатиш бўйича тажрибали мутахассис. Унга диктатор Франконинг ҳарбий қўшинлари ёрдамга етиб ке-

лишмаслиги учун кўприкни портлатиб юбориш вазифаси юклатилган. У жанговор топшириқни бажариши — фронт чизигидан ўтиб, республикачилар армияси ҳужумга ўтган пайтда партизанлар ёрдамида кўприкни йўқ қилиши керак.

Муаллиф сюжети жуда оддий ва жўн туюладиган ушбу романида бир қатор маънавий, ахлоқий муаммоларни ҳал этишга, энг муҳими, уларни ўзи истагандек янгича талқин қилишга эришади. Ёзувчи ижтимоий бурч ва унга чамбарчас боғлиқ инсон ҳаёти, унинг кадр-қимматига алоқадор руҳий-психологик ҳолатлар, зиддиятларни асарда чуқур тасвирлайди. Шу боис, роман замирига фалокат, фожеа туйғуси сингиб кетганини кузатамиз. Роберт Жордан оғир ҳис-туйғулар оғушида яшайди. Ўлим таҳдид қилмоқда, жанг хавфи уфуриб турибди, лекин бу ўлим олдидаги ожизлик ёки ҳалокатга маҳкумлик фожеаси эмас. Жанговор топшириқни бажариш ўз сафдоши, қария Ансельмонинг ўлими билан тугаши мумкинлигини Жордан яхши тушунади. Шунга қарамасдан, у ҳар бир инсон ўз бурчини адо этишга мажбур деб ҳисоблайди, унга кўп нарса — уруш тақдири, ундан ҳам муҳимроғи — келажақ тақдири боғлиқ эканини яхши ҳис этади.

Шу тариқа фақат ўз ҳаёти ва муҳаббатини қутқариб қолишни ўйлаган Фредерик Генри индивидуализми ўрнига инсоният олдидаги бурчини чуқур ҳис қилган, озодлик учун кураш моҳиятини тўлиқ англаган янги қаҳрамон — Роберт Жордан юзага келади.

“Мотам қўнғироғи” романидаги муҳаббат ҳам ўзгача, у ижтимоий бурч ғояси билан чамбарчас боғланган. Роберт севгилиси Марияга шундай дейди: “Мен озодликни ва инсон кадр-қимматини нечоғлик эъзозласам, сени ҳам шу қадар севаман... Биз ҳимоя қилаётганимиз Мадридни қанчалик севсак, сени ҳам шунчалик севаман, бу урушда ҳалок бўлган ўртоқларимни қай даражада ардоқласам, сени ҳам шундай ардоқлайман. Афсус, уларнинг кўпи ҳалок бўлди. Лекин мен сени жонимдан ҳам ориқроқ севаман...”

Ватан ва муҳаббатга садоқат ғояси романда ёрқин ифодасини топган. Агар “Алвидо, қурол”да Хемингуэй ўз қаҳрамони тили орқали “баландпарвоз” сўзларни рад этган бўлса (Генрининг куйидаги фикри бунга далил: “Мени “муқаддас”, “шонли”, “қурбон” каби сўзлар хижолатга солади... Бундай сўзлар кўп эди, уларни эшитиш нафратни қўзғатади”), “Мотам қўнғироғи” романида бу сўзлар ўзининг асл маъносидан янграйди, дастлабки қимматига қайтади.

XVII асрда яшаган инглиз шоири ва руҳонийси Жон Доннинг хутбаси, аниқроғи жўшқин нутқидан келтирилган: “Оролдек ўзича якка яшайдиган инсоннинг ўзи йўқ, ҳар бир инсон Қитъа, Қуруқликнинг бир бўлагидир; агарда шиддатли тўлқин қирғоқдаги қоятошни денгизга оқизиб кетса, Европа бирмунча кичрайиб қолади, соҳилнинг чеккасини сув юшиб кетса, дўстингнинг кулбасини бузиб ташласа ҳам шундай бўлади; ҳар бир Инсоннинг ўлими менинг умримни ҳам қисқартиради, негаки, мен бутун Башарият билан биргаман, шунинг учун ҳам қўнғироқ ким учун чалинмоқда, деб мандан сўрама: у сен учун ҳам чалинмоқда” каби оташин сўзлар романнинг теран пафосини белгилайди. Шу сўзлар билан Хемингуэй ушбу романига хотима ясади.

1952 йилда кўпни кўрган, ҳаётда ва ижодда етарлича тажриба тўплаган Хемингуэй “Чол ва денгиз” (The Old Man and The Sea) қиссасини ёзади. Ушбу асар муаллифга чинакам шуҳрат олиб келди, адибнинг адабиёт соҳасида Нобел мукофотига сазовор бўлишига замин яратди.

Ҳажман унчалик катта бўлмаган ушбу қисса Хемингуэй ижодида алоҳида ўрин тутаяди. Уни чуқур фалсафий маънога эга ҳикоя деса ҳам бўлади. “Тўқчилик ва йўқчилик” романидаги Морган билан “Чол ва денгиз” қиссасидаги Сантьягони тенглаштириб бўлмайди. Негаки би-

ринчиси тайинли меҳнат билан шуғулланмайди, таваккалига яшайди, қалтис ишларга қўл уради, жиноят орқасидан тирикчилик ўтказди. Кекса Сантьяго эса ўзи ҳақида бошқача фикрда, бир умр балиқ овлаш учун дунёга келганман деб фахрланади. Ўз касбига бундай муносабат Хемингуэйга ҳам хос эди, у бу дунёда ёзиш учун яшаётганлигини кўп марта айтган.

Сантьяго балиқ овига алоқадор ҳамма нарсани яхши билади. Кубада кўп йил яшаган Хемингуэй ҳам бу ишда катта тажриба орттирган эди. Чол улкан найзабалиқни тутиб олади, денгизда у билан узоқ, тинкамадорни қуритадиган, куч-қувватдан маҳрум этадиган, ҳолдан тойдирадиган олишувда ғолиб чиқади, балиқни енгади, аммо йиртқич акулалардан ўз ўлжасини ҳимоя қилишга қурби етмайди, курашда енгилади. Бу воқеа тафсилотлари жуда тиниқ, ниҳоятда самимийлигидан ташқари балиқ овини миридан-сиригача пухта эгаллаган инсон тарафидан ёзилганлиги аниқ кўриниб туради.

Қиссада денгиз гўё тирик мавжудотдек намоён бўлади. “Бошқа, ёшроқ балиқчилар денгиз ҳақида худди макон, рақиб, баъзан душмандек гапиришарди. Чол эса денгизни худди илтифотли, саховат кўрсатаётган ёки ундан маҳрум этаётган аёлдек ҳис қиларди, гарчи ёвузлик ёки бемудоҳаза иш тутса, нима ҳам қилиб бўлади, унинг табиати шунақа”.

Чолнинг матонати ва жасорати табиий, унда минглаб мухлисларнинг кўз ўнгига ҳаёт-мамот кураши олиб бораётган матадорнинг жазаваси ҳам, ҳаяжони ҳам йўқ. Чол буни яхши билади, ўзи эгаллаган касбга хос бўлган жасорат, матонат, ирода, феъл-атворнинг барқарорлигини у кўп бора синовдан ўтказган, исботлаган. “Хўш, нима бўпти, — деди у ўзига. — Энди буни яна исботлашим керак. Ҳар сафар ҳисоб қайтадан очилади. Шу боис ҳам, у бирор бир ишни бошлаганида, ўтмишида қолган воқеларни ҳеч қачон эсламасди”.

Хемингуэй аслида “ҳақиқий чолни ва ҳақиқий болакайни, ҳақиқий денгиз ва ҳақиқий балиқни ва ҳақиқий акулаларни тасвирлашга” ҳаракат қилганини қайд этган эди. Тан олиш керакки, ёзувчи ўз мақсадига эришди. Тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада аниқлик билан денгиз манзараларининг жонли, ёрқин рангларда тасвирлади. Сантьягонинг найзабалиқ ва акулалар билан олиб борган ҳаёт-мамот кураши тасвирланган бадиий лавҳалар ўқувчини ҳайратга солади, ўзига мафтун этади.

Сантьяго образини яратар экан, ёзувчи табиат кучлари олдида инсоннинг ожизлиги ва ёлғизлигини муболағали тасвирлашдан воз кечди, ўз қаҳрамонини капиталистик муносабатлар доирасидан чиқариб юборади, якка одамнинг жамиятга қарши кураш қонунларига риоя қилмаслигини тасвирлашга ҳаракат қилади.

Хемингуэйнинг олдинги қаҳрамонлари буржуазия ҳаётига хос қонуниятлар метиндек мустаҳкамлигига кўр-кўрона ишонган эдилар. Шунинг учун ҳам улар “ҳеч нарсага эга бўлолмаган ғолибга” айланишганди. Сантьяго мағлубиятга учраса ҳам барибир ғолиб бўлиб чиқади. Буни болакай: “Улар сени енголмади-ку! Балиқ сени енголмади-ку”, деган хитоби билан тасдиқлайди.

Шу тарзда чол ва болакай ўртасидаги оддий суҳбат орқали моҳир ёзувчи асосий фикрини, айтиш мумкинки, асл ниятини намоён қилади. “Инсон мағлубиятга учраш учун яратилгани йўқ. Инсонни йўқ қилиб ташлаш мумкин, аммо уни асло енгиб бўлмайди!” — деган теран умумлашма фикрни адиб ўқувчи онгига етказди.

“Чол ва денгиз” қиссаси — ёзувчининг донишмандлиги, ақл-заковати маҳсулидир. Ижод ва ҳаётда босиб ўтган йўли давомида Хемингуэй ахтарган инсонпарварлик идеали унинг айнан шу асарида бекаму кўст намоён бўлади. Бу йўл изланиш, адашиш, иштибоҳларга тўла бўлиб,

Фарбдаги етук ижодий зиёлиларнинг аксарияти шу йўлдан юриб муваффақият қозонгани маълум. Виждонли ижодкор, реалист ёзувчи, ўз даврининг чинакам қаҳрамони бўлган Хемингуэй замон муаммоларига тинимсиз жавоб излади ва ягона хулосага келди: “Инсонни енгиб бўлмайди!”.

Таъкидлаш жоизки, Хемингуэй ўзига хос услубга эга санъаткордир. Ёзувчининг илк ҳикоя ва романлари нашрдан чиқа бошлаганиданоқ танқидчилар унинг асарларида диалог муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратишган. Диалоглар қаҳрамонларни батафсил таъриф-тавсифлашни, узундан-узоқ лирик чекинишларни, аҳамиятсиз баёнларни сиқиб чиқарди, “Хемингуэй насри”га хос драматизмни кучайтирди. Шу билан бирга диалогнинг қисқа ва лўндалиги, содда ва мазмунли теранлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Хемингуэй қаҳрамонлари оддий тилда сўзлашади. Уларнинг нутқи шоирона метафоралардан холи. Ушбу юзада қалқиб турган соддаликда жонли, ҳаяжонли фикр устувордир. Бу фикр сўзлар ичига эмас, балки асар матнининг тағма-носига сингиб кетади. Ўқувчи қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини теран англагандан кейингина ушбу тағмаёни тушуниб олиши мумкин.

*Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари доктори,
профессор*



Янги изланишлар самараси

XX аср айнан жаҳон адабиётининг ривожига катта ўзгаришлар киритди, бадиий сўзни мазмундор қилибгина қолмай, балки маълум аҳамият касб этдириб, салмоғини оширди, маъносини кучайтирди. Гёте каромат қилганидек, услуб “санъатнинг олий зухури”га айланди. Ёзувчининг индивидуал услуби адабий ривожланишидаги марказий ҳодиса бўлиб қолди. Фан таъкидлаганидек, бадиий асар индивидуал услубнинг ўзига хослигини тўлалигича ўзида жамлайди. Айни замонда асардаги услуби бадиий қурилманинг ички мустақил мантиғи билан тобора уйғунлашиб бормоқда. Услубни асардаги фикр ва гоёвий-рамзий мазмуни билан боғланган ифода воситаларининг бир бутун бадиий яхлитлиги деб қараш янги самара бермоқда.

Ҳозирги адабиётшунослик илмида абадиий асар тили, унинг нутқ тавсифи, услубийлиги алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Роман жанрини тадқиқ қилганда М.М.Бахтин айнан услубни биринчи ўринга қўяди. Олим сўзга романнинг услубий қурилмасидаги асосий унсур сифатида алоҳида аҳамият берган эди.

М.Шарафиддинова ўзбек адабиётида биринчи бўлиб Бахтин йўлидан бориб, ўзбек романчилигининг тузилмавий структурал таҳлилини илмий таомилга киритди. У буни муваффақиятли бажарибгина қолмай, энг асосийси, ўз вақтида адо этди, чунки айнан Бахтинга хос таҳлил тамойили тадқиқотчига ўзбек ва жаҳон романини қиёслаш имконини очиб берди.

Ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти миқёсида қиёслаш (ўзбек адабиётшунослиги олдида айнан мана шу нарса асосий вазифа бўлиб турибди) шунинг учун ҳам зарурки, ўзбек адабиёти янги мақомга эга бўлди – у аллақачон жаҳон адабиётининг узвий қисмига айланди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда уни жа-

ҳон адабиёти меъёрлари билан қиёслаш жаҳон миқёсидаги жараёнлар билан муқояса этиш илмий эҳтиёж ҳисобланади.

Муҳаббат Шарафиддинова тадқиқотида биз худди шундай таҳлилга дуч келамиз. У, масалан, Ўткир Ҳошимов ва Уильям Фолкнер каби бир-биридан узоқдек туюлувчи ёзувчилар насрини қиёсий ўрганиш йўлидан боради, улар структурал ўхшашликнинг битта чизигида намоён бўладилар. Бу ўхшашлик мазкур турли миллатга хос ҳодисаларнинг инкишоф этилувчи янгилиги билан кишини ҳайратга солади, Н.И.Конрад жаҳон адабий жараёнини яхлит бир бутун ҳодиса сифатида талқин этган эди. Узининг “Ғарб ва Шарқ” китобида буюк олим бундай деб ёзади: “Сўнги ярим асрда бир хил миллатлар адабиётининг у ёки бу даражада бошқа миллатлар адабий оламига кириб келиш жараёни деярли бутун инсониятни қамраб олди. Бу жараён ўз миқёси билан ҳам ва ўзининг умумий аҳамияти билан ҳам узлуксиз равишда тобора ривожланиб бормоқда. Бу ўринда энг муҳим ҳодиса ҳақида сўз бормоқда: бу ҳар бир алоҳида мамлакат адабиётининг тузилиши ҳақидаги ва жаҳон адабиётининг структураси ҳақидаги гапдир...”

Шуни айтиш керакки, XX аср миллий ва жаҳон адабиётлари ривожланишидаги энг муҳим қонуниятни юзага чиқарди: бир томондан миллий бадиий тизимларнинг кучайиб бораётган ўзаро ҳамкорлиги муносабати билан (бу ҳақда Конрад гапириб ўтган) алоҳида асарларнинг тузилмавий ўхшашлиги кўзга яққолроқ ташлана бошлади (бу жараённинг аҳамиятини Конрад бежиз таъкидламаган), иккинчи томондан эса айнан XX аср, унинг изидан келган XXI аср жаҳон адабий жараёнини яхлит ҳодиса сифатида ҳис этиш имконияти билан ажралиб туради. Шу ўринда “янги ба-

дий тамойиллар ички ўз тамойилларига кўра миллий адабий онгнинг ривожланиши натижасида ҳамма жойда ва бир вақтда юзага келади”, – деганда Ортега ҳақ эди.

М.Шарафиддинованинг XX аср ўзбек романчилиги тузилмавий ривожланиши марказий масала қилиб қўйган тадқиқоти ушбу мураккаб жараён тафсилотларини очиб беради. Бир томондан, Чўлпон романидаги Гоголь насри билан типологик ўхшашликлар тизими ўзаро ҳамкорликнинг яққол натижаси бўлса, иккинчи томондан, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги модернча бадиият унсурларининг ҳайратомуз зухурларидир. Амалда биринчи ўзбек романидаёқ гоҳо соддароқ кўринишда бўлса-да, шундай аломатлар зоҳир бўлдики, бу ҳодисани Ортега XX асрнинг 20-йиллари ўрталарида юзага келган янги адабий тамойил сифатида қайд этган эди. Эслатиб ўтайлик: Ж.Жойсининг “Улисс”асари 1922 йилда, яъни А.Қодирий романи билан деярли бир вақтда ёзилган эди.

Модернизм деб аталган, XX асрда янги тамойил сифатида юзага келган ва шу асрнинг охирига келиб бадиий анъанага айланган энг янги санъат, жаҳон бадиий тафаккурида эътироф этилганидек, дунёни англашнинг янги йўлларини барпо этди, бу англашни чуқурлаштирди. Бир аср ўтгач, шу нарса аён бўлдики, сўнги асрда жаҳондаги адабий-бадиий тажрибалар бир-бирини бойитиб, ўзининг барча хилма-хил имкониятларини намоён этган ҳолда реалистик ва модернистик эстетик анъаналарни ўзига синг-дириб борди. И.Бродский айтганидек, “модернизм мантиқий оқибат – классикани сиқиш ва лўндалаштиришдан иборат”. Яна Бродский: “Модернизм меъёрлари бугун ёзувчи ижодини баҳолашда катта роль ўйнайди”, – деб ёзади. Албатта, у мазкур ўринда шеъриятдаги модерн изланишларни назарда тутган эди.

Айнан матн таҳлилигина миллий ва жаҳон адабиётидаги янги роман жанрининг бадиий (мазмун ва мавзуни эмас) ўзига хослигини белгилаш имконини беради. Шу муно-

сабат билан М.Бахтиннинг яна бир муҳим назарий қоидасини эслатмоқчимиз. Бу қоида таҳлил жараёнида бадиий ҳодисаларнинг эстетик табиатини кенг тадқиқ қилишга асосланади. “Фан сифатида эстетика учун, – деб ёзади Бахтин, – бадиий асар, албатта, англаш манбаидир, аммо асарга нисбатан бу иккиламчи моҳиятга эга, бирламчи муносабат эса соф бадиий бўлиши керак... Унинг соф бадиий ўзига хослигида эстетик манбани ва унинг структурасини англаш – бадиий таҳлилнинг биринчи вазифасидир”. Диссертация муаллифи айнан шундай таҳлил йўлидан боради. Айнан мана шу таҳлил унга Абулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Ўткир Ҳошимов ва Омон Мухторнинг романлари бадиий оламини тўла равишда очишга имкон берди.

Қайноқ ижодий изланишлар ичида яшаётган О.Мухтор ҳақида сўзлар эканмиз, модернча услубнинг кенг ва чуқур ишлаб чиқилган тамойиллари миллий анъаналар билан ғоят қоришиб кетганини кўрамыз. О.Мухтор насрининг бу хусусиятларини чуқур таҳлил этиш шубҳасиз, олиманинг катта хизматидир.

Хулоса қилиб айтганда, М.Шарафиддинова тадқиқот учун танлаб олган романлар сираси – “Ўткан кунлар”, “Тушда кечган умрлар”, “Минг бир қиёфа” тасодифий эмас. Муаллифларнинг ҳар бири таникли сиймолардир, ҳар бирининг ортида роман шаклининг ўз янги русуми турибди. А.Қодирийнинг биринчи ўзбек реалистик романидан тортиб О.Мухторнинг янги модерн романигача! Мана шу оралиқда турган Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи ўзбек насрида баённинг ноёб кўриниши бўлди, Ў.Ҳошимовнинг романлари янгича услуб жиловлари билан ўзбек реалистик романчилигида янги имкониятлар очиб бергани билан ажралиб туради.

М.Шарафиддинованинг илмий тадқиқоти ва чиқарган хулосалари ўзбек адабиётшунослигидаги янги йўналишлар, бадиий тамойилларни кенг кўрсатиб бериши ва илмий умумлаштириши жиҳатидан диққатга сазовор муҳим ҳодисадир.

*Париза МИРЗАХМЕДОВА,
ЎЗР ФА Тил ва адабиёт
институтининг катта илмий
ходими*